

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

7' 1992

61-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

*(Танқид ва адабиётшунослик
бўлими мудир)*

Мурод МАНСУР

(Наср бўлими мудир)

Омон МУХТОРОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Икром ОТАМУРОД

(Назм бўлими мудир)

Носир ФОЗИЛОВ

(Масъул котиб)

Алиназар ЭҒАМНАЗАРОВ

(Мақоланавислик бўлими мудир)

Асқар ҲАЙДАРОВ

(Мерос ва қадрият бўлими мудир)

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

Армонда қолган Мадаминбек

— Шермуҳаммад, беҳолис гапим бор, айт десангиз айтаман, бўлмаса йўқ, — деди Аҳрорхўжа ака.

— Хўш, нима гап? — деб қаради кўзларини чимириб Кўршермат.

— Мадаминбек, қасамни эсга солиб, мени ўлдирмасин, яхши ният билан келганман, деяпти. Сиз крепостга бошлиқ бўлар экансиз. Давлат Шўроларини тан олган муҳожирларни қуролсизлантирмайдиган бўлибди.

Кўршерматнинг лаблари қимирлаб, кўкариб кетгандай бўлди. Холхўжа Аҳрорхўжа эшонга хўмрайиб қаради.

— Эшон ака, бу имонсиз шўроларга ишониб бўлмайди, бизни тузоққа туширмоқчи. Мадаминбек буни тушунмай ўз динини русларга сотди. Ёнган чироқни ўчираман деманг. Арава аллақачон кетиб бўлди, — деди-да, ўрнидан шитоб билан турди...

Файласуф олим Иброҳимжон Каримовнинг Мадаминбекнинг милтиқсози хотирасига асосланиб ёзган мақоласи билан ойномамизнинг 142—147-саҳифаларида танишасиз.

Билгилки, ота ва она ҳақин адо қилмоқ улў саодатдур. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: беҳиштни хушбўйлиги беш юз йиллик ерга борур, аммо ота-онасига озор бергувчилар ва раҳмни қаттиқ қилғувчиларға етмас. Худои таоло ҳазрат Мусо алайҳиссаломга ваҳий юборди: кишиким, ота-онасининг фармонини тутса ва мени фармонимни тутмаса, ани фармонбардор хатига битурмен. Ва кишиким, мени фармонимни тутса, ва ота-онасининг фармонини тутмаса ани нофармонлар хатига битурман...

Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг «Кимёи саодат турки» рисоласи билан 129—139-саҳифаларда танишасиз.

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Хуришд ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурод МУҲАММАД ДУСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА, Жуманазар САЛЛАЕВ, Муҳаммад СОЛИХ, Хайриддин СУЛТОНОВ, Абдураим ТУРСУНМАТОВ, Ўлмас УМАРБЕКОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚУЧҚОРОВ.



Қутлуғхон Шокиров — Эдиқут

ИККИ ТУРКИСТОН ҒУРУРИ

Бисмиллахи рохмани рохийи.

Улуғ танғримиз — Оллоҳга чексиз шукрлар бўлсинки, яқин бир ярим аср давомида озодликнинг ҳаётбахш шарбатига чанқок Туркистон ахлининг кўпчилигига хуррият насиб бўлди. Бунинг шарофатидан шонли тарихимизни сохталикнинг ўлакка қобиқларидан тозалай бошладик, маънавиятимизни яхши ниятлар-ла тафтиш қилмоқдамиз, улуғларимиз меросидан чин инсоний кадриятларни уларга амал қилиш учун изламоқдамиз. Бу саъй-ҳаракатлардан олинажак натижалар маънавий камолотни хоҳ онгли, хоҳ онгсиз равишда моддий ривожланишдан олийроқ деб тушуниб келган бизнинг ихлосли халқимиз учун ҳаво ва сувдек зарур, шу бугунда. Шеърин меросидан намуналар берилаётган муаллиф — Алихонтўра Соғуний фаолияти ва ижоди билан танишув ҳам мазкур фикрга айнан далил бўлади, иншооллоҳ! «Хар ишга охирида баҳо берилур. Барча ишнинг асоси туганчисидир», деган ҳадиси шарифнинг ҳақлигига тасдиқан отамиз раҳматли ҳақида халқимиз даставвал ул кишининг ижодий меҳнатлари самаралари билан таниша туриб, тасаввур ҳосил қила бошладим. Ваҳоланки, таржимаси чуқур қомусий билим ва игна билан қудук қазишдек беадад сабрни талаб қилувчи Амир Темур Тарағай Баҳодир ўғли қаламига мансуб «Темур тузуклари», Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул вақое», Дарвешали Сангийнинг «Мусика рисоласи» асарларининг ўзбекчага ўгирилиши она Туркистон фозила маданиятини сақлаб қолиш йўлида ҳолис бажарилган улкан хизматнинг дебодаси эди. Улардан баҳраманд бўла олганлар, ушбу ишни энг олий мақомда бажарувчи фақат кучли алломагина эмас, балки забардаст тарихий шахс эканлигини пайқай бошладилар. Бундай мушоҳадаларни қандайдир сирли қилиб қўяётган сабаблардан бири яна шунда эдики, муаллиф тўғрисида эл орасида бир томондан «қомил диний олим», «маршал ота», «хитойлик генерал», «уйғурларнинг ҳибс қилинган подшоиси» деган, иккинчи томондан «советлар душмани», «панисломист, пантуркист», «сиёсий қочоқ», «Сталиннинг яқини», «КГБ билан ҳамкор», «ўзбек совет разведкачиси» каби овозлар юрарди. Ҳукумат идораларида масъул бўлиб ишлаб юрганлар эса Алихонтўра ҳақида, олатда, суқут сақлардилар.

Алихонтўра фаолияти ҳақида АҚШ, Туркия, Хитой, Русия каби турли мамлакатларда чоп этилган илмий-тарихий асарларда анча маълумотлар келтирилган. Улар бизнинг билишимизча, йирик камчиликлардан холи эмас. Ҳаққоний ва ҳолисона мақолалар сўнгги 1-2 йил ичида Ўрта Осиё жумҳуриятлари, хусусан, Ўзбекистон вақтги мўтабаотида эълон қилина бошладим. Афсуски, уларда ҳам қатор ноаниқликларга йўл қўйилди. «Тарих ҳақида қоғоз қоралаганда, илм одобига кўра бир оғиз сўз ҳам ортиқча қўшмаслик ё қамайтмаслик фарз», деган отамиз кўрсатмаларига риоя айлаб ҳамда қайд этилган қусурларни бартараф этишни ҳам кўзда тутиб, қуйидагиларни маълум қилишга киришдим. Умид қиламанки, бул — отамиз ҳақида шу кунгача бизда эълон қилинган таржимани ҳолий мақолаларнинг тўлиқроғи бўлажак.

Тарихдан маълумки, 1881 йили Туркменистондаги Қўқ қалъа истеҳкомини қонли жанглардан кейин чор кўшинлари ишғол қилдилар ва бу билан чорак аср, балки ундан ҳам кўп, сурункали босқинчилик урушларидан сўнг бутун Туркистон мустақиллашга айлантирилди. Ватанимиз ўз эркидан ажраб, қуллик зулматига чўмган худди шу даврда Қирғизистондаги Тўқмоқ шаҳрида наврўз кунини ўзбек оиласида иккинчи ўғил —

менинг отам Алихонтўра таваллуд топдилар. Оналарининг исми — Норбуви, афсус, улар ҳақида билганларим ҳозирча жуда оз.

Оталари Шокирхонтўра асли андижонлик, нақшбандия сулукига мансуб диний олим бўлиб, Шокирхўжа эшон номи билан ҳам машҳур эдилар. Катта бувамиз Муҳаммадхўжа, уларнинг оталари Мирниёзхўжа ва шу йўсинда йигирма нечанчи бувамиз Қилич Бурҳон эканлар, буларнинг макбаралари ҳозир ҳам Ўзган шаҳрида қад кўтариб турибди.

Икки оғиз сўз Тўқмоқ шаҳри ҳақида. Ушбу кент қадимий турк бешикларидан ҳисобланган, қорахонийлар даврида пойтахт бўлган мўътабар Боласоғун шаҳри қалмоқлар билан тенгсиз қурашда хароб бўлгач, унинг шундоқ ёнгинасида барпо бўлди. Гўё бевакт вафот қилган онаси тепасида қайғуга чўмган ҳассакаш фарзанд қаби. Отам ўз шаҳарларининг ўтмишдаги ноёб ва шонли тарихини чуқур қонлари тўкилган ерларда тиз чўкиб ўтириб, қуръон тиловат қилиб, бахшида қилганмиз. Кези келганда, шунга айтиб қолмоқчиманки, биз ўзбеклар, яъни, ўзбек турклари 1924 йилда белгилаб берилган «истон»лар чегараларидагина яшаб келмаганмиз, балки бутун Ўрта Осиё кенгликлари ва ундан ташқарида жавлон урган, улуғлик шан-шавкатидан баҳраманд бир халқмиз. Агар санай бошласам, бизнинг ҳозирги жумҳуриятимиздан сиртда бўлган тарихий шаҳар — кентларимиз ичкаридагилардан кўп бўлса кўпки, оз эмас, машҳурлиги ҳам кам эмас. Ўзидан Тўқмоқни нишон қилиб қолдирган Боласоғун ҳам Тироз (Авлиё ота), Туркистон, Фороб, Хўжанд, Хирот, Сайрам (Сарём) қаби ана шундай турклик масканларидан эди.

Отамизнинг болалик ва ўсмирлик йиллари... Бунинг баёнини бир лирик чекиниш руҳида бошлаш истаги туғилди, зеро ўқувчиларга бу маъқул бўлажак. Тасаввур қилайлик, ўтган аср охиридаги саҳни кенг, боғ-роғли ўзбек ҳовлиси. Ер тандирга ўт қаланган, бувимиз нон ёпиш тараддудида, беш яшар ўғиллари — Алихонтўра она атрофида уймалашиб юрибди. Она бир зум уйга кириб чиққунча гўдак йўқолади. Бирданига томирда қонни тўхтададиган фарёд эшитилди: — «Вой дод, бола нобуд бўлди, куйди!» Оёк яланг югуриб чиққан Шокирхонтўра ер тандир томон отилди. Кўзига гўё туш аралаш қизиган тандир ичида, чўғ устида типирчилаб турган, ғужанак бўлиб олган фарзанди кўринади. Тортиб оладилар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — бола соппа-соғ, куйганликдан деярли асорат йўқ эди. Воқеага шохид бўлган оксоқоллар дедиларки: — «Қаромат содир бўлди, иншооллоҳ! Бу ўғил ўтда қуймас, сувда чўкмас Ватан ўғлида бўлажак, ғариб динимизга қувват бергусидир!»

Орадани бир йилча ўтганда бўлган яна бир воқеа: Қурбон ҳайит байрами кунлари эди. Бир тўп болалар қувонишиб, шовкин-сурон солишиб масжид ёнидан ўтиб борардилар. Гуруҳдан биргина бола ажраб, масжид дарвозаси олдида таққа тўхтаб қолади. Ичкаридан «хув Оллоҳ, хув» мақомида айтилаётган ҳақ таоло зикри унинг борлигини чулғаб олган, бутун вужуди билан титрарди, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Шу аҳволда зикр давраси томон яқинлашди. Дарвешларнинг кексаси буни кўриб турган эди, болани ердан азот кўтариб, давра ўртасига олиб қўйди. Шундагина у аста-секин ўзига келиб, норасида ингичка овози билан зикр оқимида қўшилди.

Болаликдан ўчмас хотира бўлиб қолган бошқа бир воқеа ҳам диққатга моликдир. Шундоқки, отамиз 10—11 ёшларида бувамиздан бир чиройли қулун ҳадя олган эканлар. Уни меҳр билан парваришлаб боқиб, ювиб-тараб, ўстириб, той бўлиб қолган кезларда, бир кун болалар югуриб келиб дейдиларки: — «Алихон! Ўткинчи қозоқ ўрислари¹ тойингни олиб кетяптилар». Бу ўринда шунга эслатиб кетиш керакки, оқ пошшонинг эркалари ҳисобланган казаклар ўша вақтларда маҳаллий халқнинг хоҳлаган уйига кириб, истаган нарсасини тортиб олаверарди, мол-чорвасию, йилқисини ҳам ҳайдаб кетаверарди. Уларнинг қиливери ва ўқидан, қалтагидан омон қолган жабрланувчи эса дардини кимга айтса айтаверсин, барибир бефойда эди.

Бува-бувимизнинг «хай-хай»лаганига қарамай, бундай зулмга чидаёлмаган отамиз, бошқа отга миносалиб казакларни қувиб етадилар ва жон ҳолатда тойчоқнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб оладилар. Бош-кўзлари мўматалоқ бўлиб, қамчи зарбида қон шар-шар оқаётган бўлса-да, уни тойчоқдан ажрата олмайдилар. Охири, казаклар ҳалойиқ тўпланаётганини кўриб, қўл силтаганча ўлжадан воз кечиб, сўкина-сўкина жўнаб қоладилар.

Отам раҳматлидан бошқа ғаройиб кечмишларни ҳам анча эшитгандим. Бирок, мазкур уч воқеа менинг таҳлили ожизимга кўра, бир мантикий бутунликка эга. Яъни, ўша, юрт бошига қаро кунлар тушганда, она Туркистонимиз бағрида ўтда қуймас, сувда чўкмас, душманга эгилмас фарзандларидан бирини ёруғ дунёга келтирди.

¹ Казаклар назарда тутиляпти.

Мана шундай муҳит ҳукм сурган бир даврда, Шокирхонтўра тутқунликнинг чиркин руҳи сингиб қолмасин, ҳамда илғор исломий тарбия олишсин деган мақсадда икки ўсмир ўғиллари Олимхон ва Алихонни Макка шаҳрига олиб кетиб, у ерда ўқишга жойлаб, ўзлари ҳам муайян муддат туриб, қайтиб келадилар. Таҳсил йиллари сермахсул бўлади. Ўша вақтлари икки ҳарамдаги ўқув юртлари мударрисларнинг аксарияти туркистонликлар бўлиб, оталаримиз мусофирликдан қўп ҳам азият кўрмаганлар. Ўрни келганда, айтиб ўтиш керакки, ватандошларимиз асрлар давомида бутун араб оламига билим бериб келганлар ва шу муборак анъана ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Бу каби улуг даражада ислом маърифатини тараққий эттириб, жаҳон маданиятига муттасил ҳисса қўшиб келадиган эканмиз, бундан ҳақли равишда фахрланмоғимиз лозим.

Падали бузрукворимиз туғма илм ошиғи бўлганликларидан икки ҳарамдаги талабалик йилларида араб, форс, турк тилларини фасоҳат ва балогат даражасида эгаллай олдилар. Илоҳиёт илмларидан тафсир, ҳадис ҳамда фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), мантиқ соҳаларида таълим олдилар. Сиёсат ва ҳарбий илмга кизикиш ҳам ўша даврларда камолига етган бўлиши керакки, дадамлар бўш бўлди дегунча усмонли турк ҳарбий қисмлари жойлашган қароргоҳга кетиб қолаверар эканлар, баъзан эртадан — кечгача аскарний кўрик, ҳарбий машқлар, тўп, аслаҳа-қуролларга махлиё бўлиб қолиб кетар эканлар...

Арабистондаги таҳсил маълум даражага етгач, бувамиз ташаббуси билан шу икки ўғиллари ўқишни Бухоронинг амир Олимхон мадрасасида давом эттиришади. Илмга муносабат жиддийлигини шундан ҳам билиш мумкинки, узок йиллар Ватанни кўрмаган икки ўғил уйга туширилмаёқ Тошкентдан Бухорон шарифга олиб кетилади. Бу ерда юқорида қайд этилган таҳсиллар билан бир қаторда отам шеърят, мусика, жуғрофия, ҳандаса, фалакиёт, тарих, табобат илмларини кунт билан ўргандилар. Талабалик йилларининг серунум бўлганлигининг сабаблари устида тўхталсак, биринчи мусаббиб, албатта, Оллоҳ бўлса, кейинчилари, бу ота-онанинг ўз фарзандларини Куръони каримнинг «Илм олиш ҳар бир мусулмон ва муслима учун фарз», кўрсатмасига астойдил амал қилган ҳолда, билимга жиддий рағбатлантириш ҳамда бунинг самарали натижаси ўларок, отамизнинг ўзларигагина хос мутоала услуби ва саъй-ҳаракатларидир. Олинган таҳсилни фақат сахарлаб тақрор машқ қилиш, дарс тайрлаётган вақтда қоринни тўйдириб олмаслик, қийин мавзуларни ўзлаштиришда юқори савияли талабалар билан муҳокама ва мунозара қилиб ҳақиқатни аниқлаш, мударрисларга уларнинг маънавий поклиги, билимининг чуқурлиги ва ўқитишда ҳолислигига қараб баҳо бериш, домлаларга содиқлик, бир сабоқни тўлиғича тушунмай кейингисига ўтмаслик ва шу каби талабалар, дадамнинг ўз сўзларича, мазкур услубнинг қондаларидан эди. Ваҳоланки, фақат Шокирхонтўрамгина эмас, балки аксарият Туркистон аҳли ўша вақтда зиёсидан умид қилган Бухорон шарифда таълим-тарбия ишлари ўз замонасига кўра жуда ортда эди. Бу ҳақда ўз хотираларида шу мазмунда гаплар бор: «XX аср бошида Бухорода амир тузуми чириб қолган бўлиб, ўқув-ўқитув иши ўрта асрлардагидек эди. Икки юздан ортик мадрасада дунёвий фанлардан сабоқ бериш йўлга қўйилмаганди. Бу соҳалардаги мударрислар ўз уйларида бекитиқча хусусий дарслар бериб, бошқа касб-корлар билан тирикчилик қилишга мажбур эдилар. Петербургдаги амирнинг ҳомийларини худди шундай аҳвол қониктирарди. Мадрасаларда хужра сотиб олиб, номигагина муллавачча бўлиш маишат қилишининг бир турига айланганди. Не-не лаёқатли Ватан болалари ўзларининг бебаҳо умрларини зах ва қоронғу хужраларда сермашққат араб ва форс тилларини ўрганишгагина сарфлаб зое кеткизардилар, чунки, барча ўқув қўлланмаларимиз шу икки тилда ёзилганди. Асосий билимлар қолиб кетиб, кўпчилик талабалар фикҳ фанидан амал-тақал қилиб таҳсил олардиларки, бу бечораларнинг сўнги мақсади қози бўлиш ва шу орқали осонгина тирикчилик қилиш эди. Биз билан мадрасадон Садриддин Айний ҳам «абдий талабалардан бўлиб, ўқишдан ҳафсаласи пир бўлганди, бой муллаваччаларга хизматчи хужрадош эди. Оғзидан папирос тушмас, соғлигини йўқотган, бўш қолди дегунча шахматдан нари кетмасди...

Ўзим ҳам шулар каби чаламулла бўлиб қолмаслик учун мадраса сабоқларини тўла ўзлаштириш билан бир қаторда бошқа фанлардан етук ҳисобланган мударрисларни топиб, ҳақ тўлаб, хусусий дарслар олдим. Расмий ва норасмий равишда ман этилган адабиётларни мутоала қилдим, турк ва татар газет-жўрналларини қўймай ўқиб бордим. Шуни билдим ва иқрор қилдимки, ҳақиқий олим бўлиш учун бешиқдан то лаҳадгача бўлган давр ичида тинмай ўқимок, ўқимок, ўз устида ишламоқ лозимдир».

Хуллас, асримизнинг ўнинчи йиллари бошида икки ака-ўка Бухорода таҳсилни ниҳоясига етказиб, устозларидан оқ фотиҳа оладилар. Отамиз, ўрганган билимларидан бирини амалий мутахассислик даражасига етказгандилар, у ҳам бўлса машҳур шарқ табобати эди.

Баёнимизнинг шу қисмини юқорида қайд этилганлар билан чегараласак, Алихонтўра талабалик йилларида атрофидаги воқеликдан ажралиб, фақат илм ўрганишга шўнғиб кетган эканлар-да, деган бир қадар ноқис ҳулосага келиш мумкин. Шунинг учун яна илова қилардимки, мазкур давр ичида отам ёш бўлсалар-да, ғайратли ижтимоий арбоб бўлиб етишиб қолгандилар. Масалан, ул кишининг шахсий намунаси ва ташаббу-

си билан муллавааччаларнинг мударрислар билан муомаласи жиддий яхшиланиб, кўпчилик мадрасалардаги ўзаро лоқайд муносабатлар ижобий томонга ўзгара бошлади. Бунга эса бир воқеа туртки бўлганди. Хар кунги, одатдаги сабоқлар тугаш сўнггида талабалардан бирови етук мударрислардан бирини (ул киши йўқ пайтда) кўпчилик ичида жисмоний нуксонини пеш қилиб «занжий» (негр, қора) деб мазах қилади, ҳақоратлай бошлайди. Отамиз буни тийиб қўймоқчи бўладилар. Ўртада қаттиқ муштлашув чиқиб, иккала муллаваачча қонга беланиб, ўлар ҳолатга етсалар ҳам ташлашаверадилар. Уларни ажратишади. Тўполонни эшитиб, бош мударрис яна қайта келади, шогирдлари жим турган ҳолда унинг танбеҳини эшитадилар. Нима сабабдан уруш чикканини муллавааччалардан бири «гуллаб» қўйгач, ул кишида бир ўзгариш содир бўлади. Турган жойларида тиз чўкиб, мўматалоғи чиқиб кетган шогирди олдига ҳамманинг олдида тиззасида юриб келиб, унинг қўлларидан ўлади. Кўзларида шашқатор ёш, бўғиқ овоз-ла, нидо қилади: «Алихон, буюк олим бўлғусисен! «Қора бўлса ҳам севиқли устозим», деб, мен учун уришибсен. Мен сенинг устозинг эмас, мен сенинг қора кулингман!» Устоз, шогирд йиғлашган, тўпланганлар барчаси йиғлаб дуога қўл кўтаришган. Шу кундан эътиборан мадрасада муҳит соғломлаша боради...

Бундан ташқари отамиз Бухородаги барча сунний мазҳабдаги талабаларнинг тан олинган жасур етакчиларидан ҳам эканлар. Ўша вақтлар амир аъёнлари доираларидан бошлаб аҳли Бухорога ёйилаёзган шиаликка кескин равишда барҳам беришда муллавааччаларнинг чиқишлари ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлиб, отам раҳматли бу ҳаракатнинг энг олдинги, ҳаётга ҳатарли сафларида бўлгандилар. Бирок, кўп ўтмаёк, мазҳабчилик курашлари мусулмонларни асосий душман олдида заифлаштиришини англаб, бу борадаги зиддиятлар кундалик сиёсий аҳвол талаблари олдида учинчи-тўртинчи даражадаги масалалардан деб ҳисоблай бошладилар ва мусулмонлар бирлигини ҳаммадан юқори кўя бошладилар. Мавжуд сиёсий оқим ва партиялар дастурларини синчковлик билан ўрганган бўлсалар-да, биронта-бир фирқа ёки сиёсий ташкилотга аъзо бўлишдан ўзларини тийдилар. Европарастликнинг онгли рақиб бўлганликдан, умуман ғарб социал-демократиясини ва бунинг бўлшевистик рус шаклини энг зарарли, Туркистон учун етти ёт бегона ҳисоблардилар.

Она шаҳарлари Тўқмоққа қайтиб келгач, кенг диний маърифатчилик фаолияти билан ҳолисона шуғулланадилар. Тирикчиликни эса ҳалол отамерос касб — деҳқончилик ҳамда табибчилик билан тебратиб турадилар.

Бу орада биринчи жаҳон уруши бошланиб, чор маъмурияти маҳаллий аҳолини фронт ортида (ёки фронтнинг ўзида) ишлатиш учун мардикорликка сафарбар қила бошлайди. Мана бу сиёсатга қатъий равишда ва очиқдан-очиқ қарши чиқиб, аҳолини оммавий тарзда бўйсунмасликка, ўз фарзандларини мардикорликка бермасликка чақирдилар. Шу баҳона бўлиб, чор махфий полицияси тазйик чораларини кўра бошлади, бироқ халқ оммаси ғазабдан чўчиб, отамизга зарар келтиролмади, ўшанда.

1916 йили эса Туркистонда оқ подшо зулмига қарши қатор халқ кўзғолонлари бўлди. Отам қирғизларнинг қуроли чиқишларида фаол катнашдилар ва улар шафқатсизларча бостирилгач, Қошғарга сиёсий қочкин сифатида кетишга мажбур бўлдилар. 1917 йилги Ўктябрь тўнтаришидан сўнг, шўролар бутун дунёга жар солиб хурриятлар ҳақида берган ваъдаларидан умидвор ҳолда, ватанга қайтдилар. Аммо, кўп вақт ўтмаёк реал воқелик бутунлай бошқача бўлиб чиқади. Синфий кураш таълимотининг амалдаги кўриниши бўлган кизил террор (даҳшат солиш) натижасида маҳаллий аҳолининг ёппасига қирғин қилиниши, диний ва умуман ўқимишли арбобларнинг муттасил равишда йўқотилиши, сунъий очарчилик вужудга келтириб, аҳолини иқтисодий томондан янги ҳокимиятнинг ҳуқуқсиз қулларига айлантирилиши ва шу каби мудҳиш тадбирларни кўрган ва энг асосийси, аксарият халқдан фарқли ўларок, буни чуқур тушунган отамиз, ўз-ўзидан советларнинг табиий душманига айланадилар. Мана ўша даврларда кечмиш-кечинмаларини хотирлаб ёзган эсдалиқларидан кичик лавҳа: «1919 йил охирларида Пишқакка қарашли Қораболта, Оқсу бўлиб, ўн саккиз рус қишлоқлари бирлашган ҳолда коммунистларга қарши кўзғолон кўтаришди. Бойликка ботиб ётган Пишқак, Сўқулук дунганлари¹ ҳам тушунмасликдан бу ишга қўшилиб қолдилар. Натижада торткили бутунлай улар устларига тушиб, энг оғир зарбалик калтақлар бошларида ушатилиди. Шундоқки, беш юз уйликка етмаган Пишқак, Сўқулук дунганларидан саккиз юз кишини ҳайдаб келиб, бозор ўртасида пулемётга тутдилар. Булар ичидан ўқ тегмай қолган ёки ярадор бўлиб жони чикмай турганларини кизил аскарлар оралаб юриб, найзалаб ўлдирдилар. Кўзғолончилар маркази бўлган — беш минг чамали аҳолиси бор Оқсу қишлоғи русларидан эса, илгари-кейин бўлиб, ўлим жазоси кўрганлари ўттиздан ошмаган эди.

Сўқулук дунганларининг тузларини тотиб, яхшиликларини кўп кўрган эдим. Уларнинг ичида ишончлик шогирдларим ва дўстларим кўп эди. Бундай вақтларда, бориш

¹ Дунганлар — асли хитой миллатига мансуб ислом динидаги халқ, қисман Қирғизистон ва Қозоғистонда яшайдилар.

хатарлик бўлса ҳам, чидаб туролмай, уч-тўрт шогирдларим билан бир арава киши бўлиб, Сўкулук томонга йўл тортдим, яқинлашиб борган сайин бундаги кўз кўрган кўнгилсиз нарсаларни тил сўзлаб, қалам ёзиб чидаёлмайди. Маҳалла кўчасидан ўтаётганимизда, йўл бўйлаб алан-булан қолдиқлари, сочилиб ётган нарсалар, куйдирилиб-ёндирилган иморатлар ичиде вайрон, талқони чиқиб ётган томлари кўзга... эди. Буларни кўргач, кўз ёшимиз қуримасдан шу юрганимизча, маълумлар конлари билан бўялган Сўкулук қишлоғига кирдик. Бу воқеа ўтиб, ортидангина борганлигимиз учун мусулмонлар отилган-чопилган кўчалардаги қонлар тозаланган бўлса ҳам, бошқа белгилари йўқолмаган эди. Сокчи кишилари бизни бошқа ёқдан келганимизни кўргач, олдимиздан тўсиб идораларига бошладилар. Ўлганларнинг хотин-киз, етим болаларига аталган бир қанча буюм, кийим-бошларни кўрсатиб, ёрдам учун келганимизни билдирдик. Сўнгра йўл хатларимизни¹ текшириб, бизга рухсат берган бўлсалар ҳам, яна орамизда ишонмаслик пайдо бўлиб, анчагина сўз ўтмиш эди, маълумдирки, маҳкумиятда эзилган, қуролсиз, дудук йиллар, ғолибият зулми билан ғурурланиб турган, ҳар бирининг тумшугидан тўнғиз қурти тушган қуроллик шаҳдам йиллар олдида нима дея олардилар?

Интизомлик аскарларга, қуролли кучга, тиби бўлак, дини бўлак бир йиғинди, қўли қуруқ кишилар қандай қарши турсинлар? Табиат оламига Илоҳий томондан юборилган улуг пайғамбарлар ҳам шу табиат қонунига бўйсунмасдан бошқа ҳеч чоралари йўқдир.

Уруш фанларининг қонуни бўйича аскарнинг сон-салмоқлари, қурол-жабдук ва аскарининг интизомлари энг бўлмаганда душманниқидан тубан ва оз бўлмаслиги биринчи шартдир. Агар шу шароит қўлга келар экан, у ҳолда диний, миллий ҳақоратга бўйсунмасдан душманга қарши қуролга қўл суниш, албатта, фарз бўлур. Бундай бўлмаган тақдирда, ўзини ўтга ўринсиз уришдан сақланиб, вақтинча сабр қилишдан бошқа чора йўқдир.

Шу билан ғолиб душман олдидан қандайдир қутулиб чиқганимиздан сўнгра ёрдамга келтирган оздир-қўндир нарсаларимизни тарқатдик. Ўлганлар оилаларига кўз ёшимиз билан Қуръон ўқиб, кўнгил айтдик. Бу фойдасиз фитнада менинг ўз шогирдларимдан йиғирмадан ортиқ киши шахид бўлмиш эдилар. Улардан энг катталарининг ёши ўттиздан ошмаган эди...» Табиийки, ўлка халқлари номидан ҳоким бўлиб олганларнинг қаҳрли назари тез орада отамизга ҳам тушди. «Қора рўйхат»га олиналган маълум бўлиб қолган, яқин дўстлари ва маҳалла аҳлининг маслаҳати билан яна Қошғорга ҳижрат қилишга тўғри келди. Тахминан бир йилдан сўнг қайтиб келдилар. Бунинг сабабини тушунтириб ўзлари шундай ёзадилар: «Энди бу ерда қанча турган бўлсам, менга ҳамкор бўлгудек, келажак учун қайғурган бир киши бўлсин, кўра олмадим. Афғонистон, Ҳиндистон чегаралари бўшлиғидан фойдаланиб у томонларга ўтишимни ўйлаган бўлсам ҳам, ёлғиз бош қайғусида, бола-чакалардан ажраб, суюкли ватанимни душман қўлига ташлаб кетишни ўзимга лойиқ топмадим. Шуни билмак керакким, Қуръоннинг ҳукмига, Расулуллоҳнинг йўлига яхши тушунамай динга хиёнат қилган, икки дунёсидан ажраб ўз ватанида хорлик билан яшаган ёлғон мусулмонлардан илм-фан, маданиятни ўзлаштириб, бутун ҳуқуқларига эга бўлган кофирлар, албатта, ортиқдур. Бу кун Уйғуристонни қоплаган онгсизлик офатини кўргач, у ердан умидим узилиб, ночор, янғидан ўт олаётган фитна ўчоғи ичидаги ўз юртим Тўқмоққа қайтиб келдим. Қарасам, соясидан кўрққан қуёндек ҳар ерда қочиб-писиб юриб кун кўраётган ҳақсиз кишилар ҳам оз эмас эканлар. Шулар қатори мен ҳам шаҳардан четрок Шўртепа деган дунганлар қишлоғида туриб, деҳқончилик билан кун кечирмоқчи бўлдим».

Бироқ, анча кучланиб олган шўролар (Қирғизистонга нисбатан аниқроғи, қизил бўлиб олган ўрислар) ҳокимияти остида аҳоли турумушининг муттасил тубанлашиб, аянчли ҳолга келиши отамизни яна тенгсиз ва хатарли қурашув гирдобига тортди. Бу борадаги фаолиятларининг менга асосан икки йўналиши маълум. Биринчиси — коғозда бўлса ҳам тан олинган виждон эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиб, Исломи дини ва маданиятини давлат сиёсати мақомидаги жанговор атеизм деб аталган ёввойи даҳрийликнинг сурбетларча хуружидан ҳимоя этиш эди. Бунинг амалга ошириш учун нақшбандийлик сулуки талабаларидан вақтинча истисно қилиб, халқ талабига биноан Тўқмоқ катта масжидига имом бўлиб ўтадилар ва кўп машаққат, тазйиқларга қарамай катта ҳудудда Исломи таъсирининг кучайишига эришадилар. Айни пайтда, Расули акрам кўрсатмаларига оғишмай риоя қилган ҳолда ўз даврларидаги ижтимоий аҳволни синчковлик билан таҳлил қила бориб ҳамда минбар имкониятларидан яхши фойдаланиб, аҳоли сиёсий онгини ёритиш йўлида тинмай саъй-ҳаракатда бўлдилар. Хусусан, Қўқон мухторияти тузилиши ва унинг бўлшевиклар томонидан зўравонларча йўқ қилиниши, босмачилик деб аталиб қолган халқ қуроли ҳаракати ҳақида тарихий фактлар билан далилланган ёзма хотиралари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Отамиз фикрларича, кўзғолончиларда, афсуски, мустақилликка қурашишининг аниқ режаси бўлма-

¹ Йўл хати — махсус рухсатнома. бўлшевиклар ҳокимиятининг дастлабки йилларида бир жойдан бошқа жойга боришга ана шундай ҳужжат билангина ижозат берилган.

ган, йўлбошчилар аксариятининг сиёсий савияси кўйи эди ва бунинг натижаси ўларок овоздлик ҳаракатида бирлик-жиқлик мавжуд эмасди. Оқибатда советлар ўз кўлимиз билан ўзимизга киши урдиришга эришганлар.

Отамизнинг қайд этилаётган даврдаги фаолиятлари, фақат дин ҳимоясига қаратилган ҳар қалай очик бажарилган ишлар билан чегараланиб қолмаган, албатта. Марҳум Азизапошша опам менга сўзлаб бергандиларки, отамиз қосимовчилар ҳаракати деб номланган ватанпарварларнинг яширин фаолиятида ҳам катнашиб, ушбу ташкилотнинг Пишқак, Тўқмоқ томонлардаги вакили бўлган эканлар. Мен мазкур ҳаракат расмий адабиётда аксилниқилобий деб баҳолаганини ва чекистлар томонидан тор-мор этилган деб қайд қилинганлигиниёқ билганимдан ҳамда отамизнинг бу ташкилот доирасида олиб борган ишларидан етарли маълумотим йўқлигидан, бу ўринда тахминий сўзлар билан ортиқча қогоз қоралашни эп кўрмадим. Фақат таъкидламоқчи эдимки, отамиз мустақиллик учун кураш деганда, аниқ мақсадли яхши ташкил этилган, муайян интизомли ва жонфиқлик руҳи билан сугорилган ҳаракатни тушунганлар ва бунинг имконияти бўлар экан, ҳеч вақт четда сукут сақлаб қараб турмаганлар.

Ўттизинчи йилга келиб олтинчи марта ҳибсга олиндилар. Авваллари киска муддатли бўлса ҳам, бу сўнгисини ўн йиллик қамокка ҳукм билан тугайди. Уша вақтларда, Соловки, Архангельск томонлардаги борса-келмас ҳибсхоналарга жўнатишдан аввал ҳукм этилганлар Тошкент чеккасидаги концентрацион лагерга тикилар экан. Ана шу йўналишда этап қилинишларига санокли кунлар қолганда, Оллоҳ ёрдами бўлғайки, Пишқак турмасидан қочишга муваффақ бўладилар. Яшириниб юриб, кўн азоб-машаққатлар чеккан ҳолда, яна чегарадан Шарқий Туркистон (Ўйғуристон)га ўтиб кетадилар. Хитой давлатига қарашли бу ўлканинг Ғулжа шаҳрида туриб, маълум вақт ўтгач, яна дўстлар ёрдамида катта пул эвазига оилаларини ҳам чақиртириб оладилар. Асл ният — шунча азоблардан кейин, Туркистондан, умуман, Арабистон томонларга кетиш бўлса-да, бу ердаги сиёсий аҳвол ёмонлашиб, чегара йўллари така-тақ бекилганликдан турғун бўлиб қолнишга тўғри келди. Гап шундаки, ўшал вақтдаги СССР раҳбарлари жаҳон пролетар инқилобини орзу қилибгина қолмай, балки уни сунъий равишда бошқа мамлакатларда келтириб чиқариш сиёсатини амалда қўлладилар. Майдони Ўзбекистондан камда икки баравар катта Шарқий Туркистон Хитойнинг чекка, советларга қўшни ғарбий ўлкаси ўларок, ушбу сиёсат синалаётган тажриба майдонига айланганди. Ерли ҳукумат марказни ғафлатда қолдирган ҳолда, СССРда яширин ўқитиб тайёрланган ёхуд қизил мафкурада бўлган советпараст кимсалар қўлига ўтиб қолганди. Бу ернинг барча дўкон ва бозорлари арзон ва асл совет моллари билан лик тўлдирилган, ҳамма жойда СССРдаги мисли жаннат каби ҳаёт тарзи ҳақида ташвиқот кучайганди. Айни шу вақтда эса, жаҳондаги биринчи пролетар давлатида қаҳатчилик ва очарчилик бўлиб турганди.

Нима бўлса-да, отамиз тез орада илмига амал қилувчи алломалиги, ҳалоллиги, жасур инсон ва ҳождатбарор шифокор — табиблиги туфайли кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозона олдилар. Айниқса, ўзбекларга яқинликда тенги йўқ қардош уйғур халқ ўзининг чин ихлосини дариғ тутмади, балки бошларига кўтарди. Дадамнинг маъқелари, хусусан, барча мусулмонлар ва бошқа миллатлар ўртасида, ҳам ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда кўрсатган фидокорликлари натижасида жуда ҳам кучайиб кетди. Шу мақомга етишгач, омма олдидаги чиқишларида хуррият учун курашга кўтарилиш гоёларини очик таъриф қила бошладилар. Худди шу сабабли дадамлар 1937 йили Ўйғуристонда диктатор бўлиб олган, аслида советларнинг кўгирчоғи, авантюрист хитой генерали Шэн Шицай томонидан ҳибсга олиниб, судсиз — ҳукмсиз умрбод қамокка ташланадилар. оилага катта зулм қилиниб, уй-жой мусодара бўлади.

Муштариёларни «1937 йил» санаси сергаклантирди-ёв! Ҳа-да, инкилобни экспорт қилиш биринчи навбатда қизил террорни йўналтириш орқали бошланган. Репрессия аппарати шундай яхши ишлардики, Шарқий Туркистондаги шогирдларига Масковдаги ГПУ (Главное политическое управление, яъни, Бош сиёсий бошқарма, чекистлар идорасининг ўша вақтдаги номи) отилиши-чопилиши лозим бўлган «Халқ душманлари»нинг рўйхатини тайёрлаб бериб, уни ижро қилишнинг намуналарини жойларга бориб кўрсатганлар. Ана шу тизимда фақат Ғулжа шаҳри бўйича икки юздан ортиқ бахтиқар совет Туркистонидан қочқин муҳожирлар бўлган. Бир кечада ҳаммалари ҳибсга олиниб, рўйхатга солиштирилса бир одам етишмаган. У ҳам бўлса бизнинг отамиз бўлиб, бу жаллодлар келишидан бир неча дақиқа аввал, катта акам Асилхон сабаб бўлиб уйдан ич қиймда қочган эканлар. Бутун ўлка бўйлаб қидирув эълон қилиниб, маълум вақтдан сўнг чекка бир шаҳарчада айғоқчилар томонидан қўлга олиндилар. Шунда ҳам қамокка кела келгунларича, йўл-йўлақай орқаларидан тўппонча ва милтик тираб келтиришган экан. Бир чинакам туриш қилган ўзбек ўғлонидан душманларнинг чўчишини қаранг!

Хулласи қалом, 1941 йил ўзини унча-мунча ўнглаётган марказий хитой ҳукумати томонидан ўтказилган адлиявий тафтишлар натижасида отамиз турмадан чиқиб келадилар. Халойиқ уларни пўлат иродали қахрамон сифатида кутиб олади, чунки отамиз хуррият учун кураш йўлидан заррача чекинмагандилар.

Бу вақтга келиб, СССР ҳаёт-мамот уруши билан банд, ўлкада иктисодий ва сиёсий инкироз, Шэн Шицай маъмурияти зил кетган, халқ жунбушга келиб, қуроли чиқишлар бўлиб турган эди. Отамиз тарафдорларини махфий «Озодлик жамияти» теварагида тўплаб, ваганпарварларнинг ҳаракат бирлигига эришадилар. Ушбу жамият раҳбарлик қилган 1944 йил 7-10 ноябрь қуроли қўзғолони натижасида Ғулжа шаҳри озод қилинади. Икки кун ўтгач Шарқий Туркистон Ислоҳ жумҳурияти барпо этилганлиги тантанали эълон қилинди. Отамиз ўн икки вазирликдан иборат инкилобий ҳукумат раислигига яқдиллик билан сайланадилар.

Энди, совет ҳукуматининг ҳам муносабати ўзгарганди. Шарқий чегараларига ўша оғир даврда чанкайиши хитойлар томонидан хавф туғулиб қолмаслиги учун, янги барпо бўлган мусулмон давлатини бекитишга қўллаб туриш сиёсатига ўтдилар. Жумҳур раис ўларок, дадамлар етук ижтимоий ва давлат бўлиби сифатида иш юргиздилар. Ул киши бошчилигидаги том маънодаги миллий ҳукумат қисқа вақт ичида мустақилликдан умидвор халқ манфаатларига мос бўлган йирик тадбирларни амалга оширди. Ирк, миллат, жинс, этникоддан қатъи назар ҳар бир кишига эркинликлар берилиши, ижтимоий ташкилотлар тузилиши, аҳолидан олинган солиқларнинг икки баравар қисқартирилиши, собиқ ҳоким миллат вакиллари иктисодий негизининг тугатилиши шулар жумласидандир.

Отамиз 1945 йил 8 апрелда барпо қилинган Шарқий Туркистон миллий армиясининг бош ташаббускори эдилар. Демак, Ғулжа қўзғолонидан беш ой ўтиб, таркок, оломон партизан тўплари асосида мунтазам армия тузилишига эришилди. Халқнинг миллий озодлик руҳи ўз раислариники каби юқори эдики, оммавий сафарбарлик эълон қилинган куннинг эртасига яқин юз минг киши аскарликка ёзилишга ҳозирланиб келдилар. Буларнинг кўпчилиги отлик бўлиб, уруш жамолғасини кўриб келгандилар. Қурол-аслаҳа Ўзбекистон, Қозоғистон орқали ярим яширин ҳолда СССРнинг тегишли идораларидан нақд олтинга ва молга-мол тарзида сотиб олина бошлади. Антой кўшинлари билан дастлабки жанглардан сўнг қўплаб туша бошлаган ҳарбий ўлжалар эвазига навқирон миллий армияни қуроллантириш муаммоси ҳам анча енгиллашди. Ушбу инкилобий кўшин ўз ичидан Ғани ботир (уйғур), Фотик ботир (тотор), Усмон ботир, Акбар ботир (икковлони ҳам қозок), генерал Палинов (ўрис) каби қатор довурак, жасур ва моҳир аскарбошиларни етиштириб чиқди, разиялоху анху.

Алангали қўзғолонлар даврида ва музаффариятни мустаҳкамлашда ҳарбий истеъдодлари тан олинган отамиз жумҳурият қуроли кучларининг суянган тоғи бўлиб, миллий армия жанговар қобилиятини, айниқса, маънавий руҳини кўтаришда жонбозлик кўрсатдилар. Бевосита иштирокларидан тузилган ҳарбий операция режалари муваффақиятли бажариларди. Бу ўринда отамизнинг яна бир ноёб хусусиятларини зикр этиб ўтмоқлик лозимки, ул киши ўз даврларининг мисли кўрилмаган нотикларидан эди. Араб, форс, туркий тилларининг ҳар бир шеваю лаҳжасида булбул каби фиғон-нола қила олардилар ёки арслон каби наъра торта олардилар. Айниқса, она тилларининг хали биз тагига етолмаган беадад имкониятларидан фойдаланиб шундайин силлиқ услубда сўзлар эканларки, миллатидан қатъи назар, бир оз туркийдан хабари бор тингловчи беамалол тушунаверар экан. Ўша суронли давр воқеаларининг кўпгина шохидлари, жумладан, уйғур ёзувчиси Абдуқодир Зунун шундай гапириб берганди: «Тўрам нутқларини тинглаш учун одатда кўп минглаб одамлар йиғилишарди. Сўз бошлаганларидан пашша учса эшитиладигандек жимлик чўқарди. Мавзун тингловчиларга дарров аён қилиб, унинг асл ҳақиқатини ўз билганларича ёки ҳукумат фармонига кўра эмас, балки Қуръони карим оятлари ҳамда Пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифлари асосида исботлардилар. Яна буни ўтмиш ва янги тарихимиздан рад қилиб бўлмайдиган далиллар келтириб мустаҳкамлардилар ва мавзун, албатта, кундалик воқеликнинг долзарб масалаларига, жумладан, нутқ мавзунга бевосита боғлардилар. Аниқ вазифаларга ўтиб, уларни муваффақиятли бажариш йўллари кўрсаталардилар ва бунга тингловчиларни кўтаринки бир рух билан ишонтирардилар. Уртада, истиқлол йўлида жонбозлик қилган ва қилганларнинг шарафли номлари, албатта, қайд этилар ва эшитувчилар бундан қаттиқ таъсирланардиларки, болаҳоналарга, дарахтларга, симёғочларга чиқиб олган тингловчилар ҳиссиёт зўридан ўзларини ташлаб юборардилар».

Йигирма бир совет ҳарбий нишонлари кавалери, ўша пайтда, Шарқий Туркистонга ҳарбий мутахассис бўлиб борган тошкентлик Толибжон ака Обидов айтадилар: «Алихонтўрам жаноблари жанг бошланишидан аввал аскарлар олдида нутқ сўзлаганларидан, йигитлар кўзларидан ўт қақна, нутқ тезроқ тугасаю жангга отлансалар. Хужумга қўмонда бўлганча уларни зўрга тўхтатиб турардик. Жанговар рух ва ғалабага ишонч жуда кўтарилиб кетарди. Тўра отам окоп кўрган ҳақиқий аскарбоши эдилар ва мен ҳавас қилган томони — бундай раҳбарларнинг бахтлиси эдилар. Чунки, ҳар бир аскар уч кишини чексиз севарди, ҳурматларди, ҳатто илоҳий қувват эгаси деб чинакамига ихлос қўйиб эъзоларди».

Хуллас, миллий армия шиддатли жангларда кетма-кет ғалабаларга эришиб, шон-шавкатга бурканди. Жумладан, 1945 йили ушбу кўшин қисмлари сон жиҳатдан деярли уч баравар оз бўлишига қарамай, марказий Хитой ҳукумати томонидан юборилган,

яхши қуролланган саксон минг кишилик армиясини бутунлай тор-мор этди. Халқ ва армия олдидаги хизматлари учун Шарқий Туркистон ҳукумати қарорига биноан отамизга маршал унвони берилди. Тез орада уларни бутун ўлка халқи «Маршал ота» деб атай бошлади.

Энди, Шарқий Туркистон воқеаларининг дostonи узун бўлганлигидан гапни мухта-сар қилсак, иш шу билан тугадики, «Уч вилоят инқилоби» деб номланган отамиз раҳ-барлигидаги миллий озодлик ҳаракати Синзьянь (Шарқий Туркистоннинг хитойча ном-ланиши, «Янги ер» демак)нинг қолган қисмида ҳам тезда ғолиб бўлажигидан чўчи-ган Чан Қайши ҳукумати тинчлик музокаралари олиб боришга мажбур бўлди. Бирок, воқеаларнинг бундай кетиши, яъни, бир мустақил Туркистон давлатининг қурилиб қолиши янгидан ҳокимиятга келаётган Мао Цзе Дуи коммунист ҳукуматига ва буларни ўстириб юзага чиқарган, узокни кўролмаган советлар мамлақатидаги пири-устозларига ёқмади. Натижада, хоинона тузилган машъум режага кўра отамизни 1946 йил июнида аввал аддов, кейин эса қуролли тазйик остида Ғулжадан олиб чиқиб кетдилар. Пинҳона йўқ қилиб юбориш мўлжалланган бўлса-да, бу ишдан Худо асраб, икки йил давомида уй назарбандиси ҳолатида сақладилар. Кейинчалик билсак, миллий армия қисмлари дадамларнинг қайтарилишларини талаб қилишибди. Айниқса, қозоклардан иборат кў-шинлар бунда катъийлик кўрсатганлари, Усмон ботир бошчилигида анча вақт қуролли қаршилик қилганлари бизга кейинроқ маълум бўлди. Отамиз руҳи ва зурриётлари номидан ўша тенгсиз курашга кирган ва бу йўлда қурбон бўлган қаҳрамон қозок биродарларимизга кеч бўлса-да, абдий миннатдорлигимизни изҳор қилиб, хотираларни ҳурмати-ҳаққи мангу бош эгамиз.

Отамизнинг сўнги ўттиз йиллик умрлари Тошкентда ўтди. Сиёсий ишлардан маж-бурий равишда четлаштирилган бўлсалар-да, илмий, ижодий ва ижтимоий фаолиятни собитқадамлик билан давом эттирдилар. Мақоламиз бошида қайд этилганлардан таш-қари машхур венгер шарқшуноси Хермон Вамбери асари «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи»ни усмонли туркчадан ўзбекчага уйғунлаштириб ўгирдилар. «Тарихи Муҳамма-дия», «Туркистон қайғуси» каби катта асарлар яратдилар. Мазкур асарлар келажақ авлод маънавиятини таназзулдан асраш, фозила маданиятимиздаги азалий қадриятлари ислом маърифати ва яқин тарих сабоқлари воситаси-ла сақлаб қолиш йўлида қилинган улкан жиҳод деб қарашни тақозо этади. Яна бир ўз асарлари «Шифо-ул илал» («Қасалликлар давоси») шарқ табобати кўп йиллик тажрибаси асосида 1937 йилда ёзилган бўлиб, қанча-қанча мусодаралардан омон қолган биз учун топилдик рисоладир. Ватан аҳли дуода бўлиб туришларидан умидвормики, бошқа илмий, ижодий мерослари каби ушбу китобчани ҳам чоп эттириб, халқимизга етказажамиз.

Отамиз умрларининг сўнги қулларигача устозлик фаолиятини тўхтатмадилар. Қи-зил мафқурага хизматқор бўлган ўшал давр қонунларининг таъқибига қарамай, инсо-ний жасурлик, исломий ижтиҳод, пир-устозларига берган ваъдаларига вафодорлик кўрсатиб, диний ва шунингдек, дунёвий билимлар ўқитишни йўлга қўйиб юбордилар. Шогирд танламадилар, шу учун бўлса керак, отамизнинг қўлларида бир вақтнинг ўзида ҳали ҳарф танламаган талаба билан бир қаторда, илмли ёки дунёвий фанлар номзоди, доктори каби тингловчилар ҳам таълим олаверардилар. Бир универсал ўқитув услуби-нинг соҳиби эдилар. Бу ҳаракатлари зое кетмади. Оқ фотиҳа олган шогирдлари ўз Ватанларига (яъни, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Доғистон, Ўзбекистон ша-ҳар-қишлоқларига) қайтгач, устозларининг ишини давом эттириб, диний мактаблар очиб, маърифат тарқата бошладилар. Шу бугунги Ўзбекистон Ислom дунёсининг етакчи намоёндалари сафида отамизнинг шогирдлари ҳақ дин тантанаси йўлида ҳолисона хизмат қилмоқдалар. Дунёвий билим соҳиблари ичида, отамиздан таълим олган ихлос-мандлар орасида геолог олимлар кўпроқ эди. Академик Ғани Мавлонов, ҳозирда фан доктори Саидориф Қосимов, қозок академиги Окжон Машанов жанобларини яхши эслайман. Дастлабки зикр қилинган икки устоз — шогирд ўзбек олимлари ҳақиқий миллатпарвар, ўз соҳаларида сезиларли янгиликлар киргизган илм эгалари бўлса, Окжон оға форобийшуносликдан керакли йўл-йўриқларни олиб кетиб, қозок фани тараққиётида европопарастликка чек қўйилишига эришган ажойиб илмий арбобдир. Отамизнинг шарқ табобати борасида етиштириб чиқарган ҳозир машхур, иқтидорли шогирдларидан Абдулло Бобоев ҳамда Абен Саригочий номларини ҳам тилга олмас-ликнинг иложи йўқ...

Отамиз тарихий аҳамиятга эга бўлган меъморчилик обидаларимизни сақлаб қолиш ҳаракатининг жонбозларидан ҳам эдилар. Менинг ёдимда қолгани шуки, 50-йиллар сўнгида ё 60-йиллар бошида, Тошкентдаги, ҳозирги янги Эскижўва бозори ўрнидаги ерда, яқин 500 йил аввал бино этилган мўътабар Хўжа Аҳрор Вали масжиди бўлиб, шуни гумроҳларча буздилар. Бу каби нохуш ишлар бошқа жойларда ҳам бошланаётган-дан ташвишланиб, дадамлар аҳбобларидан (яқин дўстлари шундай номланарди) Қаримбой ака Сахибоевни қақириб маслаҳат солдилар. Бу зот севимли шоиримиз Эр-кин Воҳидовнинг тоғалари бўлиб, ҳуқуқшуносликнинг пири эдилар. Қарор шу бўлдики, Масковдаги тегишли расмий идораларни хатлар билан «бомбардимон» қилмоқ лозим. Бу тадбир ғарбда ҳам қўлланилишини кейин билдим — «паперканон», яъни, «қоғоз

билан ўққа тутиш» деган махсус атама ҳам бор экан. Бу ҳаракат дарров натижа бермаган бўлса-да, ҳар қалай, бор масжид, мадраса, хонақоҳ ва шу кабиларнинг навбатдаги бузиш компаниясини тўхтата олди. Ушбу, дарёдан қатра каби мақолам сўнгги қисмининг падари бузруқворимни оддий инсон ҳақида тавсифловчи хусусиятларига бағишласам. Шахсий ҳаётда мисли тарки дунё камтар эдилар. Тошкентга келгач, не-не қошоналар таклиф этилса-да, икки оғиз хонаси бор мўъжаз бир ховлини — «кулбаи ғариб» қилиб ихтиёр қилдилар. Биз ҳам турмуш фақат шундай бўлиши керак экан деб ўсдик, билсак, Расулulloх саллоллоху алайҳи вассаламнинг «Факрий — Фахрий» (яъни, «Фақирлигим фахримдир») ҳадиси шарифларига амал қилар эканлар. Умр бўйи советларнинг бир тийинини ҳам олмадилар, ҳукумат нафақа тайинлаганда, ўша заҳоти Тошкент етимхоналаридан бирига ўтказиб юбордилар. Хатто, турган ховлимиз у кишининг номида эмас, ижарадор мақомида эканмиз. Ҳозиргача аҳвол шу-шу, ўзгарган эмас.

Саховатли эдилар. «Иккита чопоним бўлса, биттасини, унда ҳам янгироғини бировга кийгизсам», деб кўп айтардилар. Қарз сўраб келганларни ҳеч қуруқ қайтармаганлар, уларнинг номларини эслаб қолиш ё ёзиб қўйиш у ёқда турсин, унутиб юборардилар.

Раҳмдил бўлиб, кек сакламас эдилар. Бир мисол. Уша 1938 йил отамизни тутиб, ортларидан маузер нуқиб қамокка топширган айғоқчи «Уч вилоят инқилоби» вақтида қўлга тушади. Суд уни ўлимга ҳукм қилиб, халойиқ «Алқасосу минал ҳақ» деб турганда, отамиз авф қилганлар. «Беш боласи етим қолмасин, яна бунинг онаси тукқанида яхши ният билан Мухаммад деб ном қўйган экан», деб далил келтирган эканлар. «Кечирувчиларни Оллох ҳам авф қилғусидир», ҳадисига шундай амал қиладилар.

Отамиз тақдирнинг не-не синовларидан ўтиб, баракали, серунум ва мазмундор умр кўрдилар. 1976 йил Тошкентда 91 ёшда вафот топдилар. Сўнгги масканлари, васиятларига биноан, Шайх Зайниддин бобо қабристонига бўлди, разияллоху анху. XX аср мазлумлари — Туркистон аҳли истиклоли, Ислому дини тантанаси йўлида қилган улкан ҳолисона тарихий хизматлари ва валий каби сиймоларини халқ чуқур ҳурмат, фахр ва миннатдорлик билан ёдда тутиб келмоқда.

Эсдаликларидан қалб титратар шундай сатрлар бор: «Мен бу дунёга исломпарастгина эмас, балки инсонпараст бўлиб келдим ва ҳаётим давомида шунга содиқ бўлиб қолдим». Ушбу зот шонли ҳаёт йўллари билан танишар эканмиз, бунга иқроор бўла туриб, Алихонтўра келажаги порлоқ икки Туркистоннинг ғурури, жасур миллий қаҳрамони ҳам эди, дегимиз келади...

...Шеърят илмидан хабардор ва назм қобилиятдан буюрган бўлгандагина, бу соҳада таҳлил йўсинида иш қилиш мумкин, деб ҳисоблаганим учун, ойнома саҳифаларида берилмаётган шеърларга баҳо бериш вазифасидан узоқлигимни билдириб, уэр сўрайман. Айни пайтда, ушбулар ҳақида анчагина қизиқарли шарҳий аҳамиятга молик маълумотлар мавжуд бўлганлигидан, уларни муштарийларга билдириб қўйиш фойдасиз холи бўлмас деб ҳисобладим.

Отам раҳматлининг уқубатли ўттизинчи йиллар воқеаларини тасвирлаб, ватандан охириги хижрат қилиб кетишлари сабабларини кўрсатиб ёзган хотираларини кўздан кечириб туриб, унга илова қилинган бир шеърни ўқиб қолдим. Мазкур шеър сўроқ — илтижо оҳангида «Бормисан?» деб номланган эди. Тасаввуримда: зиндонга тушиб қолган, ташки ёруғ дунёдан бутунлай ажратилган, бошига Қўҳи Қофдек ғам ағдарилган бир оддий инсон гавдаланиди. Елғиз бир йўл қолган — яратганнинг ўзидан нажот тилаш, бизга қувват ато қилсинки, ўз қўлимиз билан шу «зулму қопусин» (дарвозасин) бузиб, озодликка чиқайлик деган орзу-ният бор, бу мурожаатда. Тахминимча, мазкур шеър 60-йилда оққа кўчирилган бўлса-да, асли анча илгари ёзилган.

«Уйғон», «Элингни қутқар», «Ватан ва илм» каби шеърларининг ёзилиши саналари ҳақида ҳам гап шу. Булар анча кўтаринки руҳ билан суғорилган, алангали даъват сингари янграйди. Истиқлолга биринчи навбатда имонни саломатлаб ҳамда онгни илм бирла зиёлаганда эришиш мумкинлиги бот-бот таъкидланади. Отамиз, «Ноумид — шайтон» деган ақидага бир умр риоя қилиб келганликларидан ўз келажагига ишонмаган, ҳалол-ҳаромни ажратмаган, эътиқодга бепарво, ўзлигини танишни истамай, ҳатто болаларини ўтмиш тарихидан, илмидан бебаҳра қилганларни ёмон кўрардилар. Айниқса, бундайлар зиёлилар орасидан чиққан бўлса, нафратдан қайнаб кетиб, шунда ҳам тушунган-билган кишининг ачиниши билан:— Эҳ, бундай олимларга ҳавас қилган халқимизнинг шўри курсин! Бу каби зиёлиларнинг иши қийин, чунки улар Ибн Сино ибораси билан айтганда, «мураккаб жоҳиллар» гуруҳига қиради, ўзларининг жоҳиллигини англаши хоҳламайдилар,— дердилар. Шу учун муштарийга қарата айтилган «Дема: «Ўзгармас олам, иш битибдур», на бўлмай эртаги кун ким библидур?» сатрлар бугунги кун воқелиги нуқтаи назаридан қарасак, башоратга ўхшайди.

Инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари атамасида бир ажойиб тушунчалар мажмуи мавжуд. Бу демак, инсоннинг инсонлигини белгиловчи ҳуқуқларки, буларсиз одам боласи тилсиз, онгсиз ҳайвонга менғзаб, кўринишидагина одам суратида бўлган маҳлуққа айланади. Ўз ватанига ўзи эга бўлиш, маскан тутиш, ўзгаларга қарам бўлмаслик, эгадорлик, виждон эркинлиги ҳуқуқлари шулар жумласидан бўлиб, буларни талаб қилиш руҳини падаримизнинг «Хар ўғил ворис бўлур қолғон отанинг молига, қайси

миллат устидан бошқалар ҳокимлик қилса, бундан ўлим яхшироқ, Ватанни севмаганлар мусулмон эмас», каби қалб қўзғатар фикрларидан англаш мумкин. Айниқса, ватанпарварлик мавзуи нақадар кенглиги, унинг ўз тарихига, она тилига, табиатга меҳр билан боғлиқлиги «Темур тузуклари» таржимаси сўзбошида келтирилган «Таржимондан», «Тил ҳақида» шеърларида ҳамда «Қатралар»да лўнда иборалар билан тасвир этилган. Амир Темурдек буюк зотни танкид қилишни (аниқроғи, унга тухмат тоши отишни) ўзинга қасб қилиб олган, шонли тарихимизни ерга уриш билан корин боккан баъзи «олимлар»га карата, отамиз соҳибқиронни «Биров яхши дерса, биров дер ёмон, улус сўзидан ким қолубдур омон?» дея, барибир ҳақиқат юзага чиқишни таъкидлаганлар.

Имон соғлиги, маънавият поклиги, олий ахлоқ ва шу каби кадриятлар абадийлигини қуйлаш, улардан баҳраманд бўлишга даъват ижодларининг муҳим қисмини ташкил этади. Бу орада отамиз илҳомининг битмас-туганмас манбаи Қуръон таълимотига асосланган Исломиёв маданият дурдоналари бўлган. Мазкур фикрга уйғун «Марсия байтлари»га диққат қилайлик. Ислом фалсафаси ақидасига биноан, дастлабки сатрлардаёқ ҳаёт олами бакосизлиги эслатилиб, имкон бор экан, «эл яхшилигини изла» деб даъват қилинади. Кадриятлар қиёсида бунинг «яшаб қол», «ҳаётдан ўмариб қол» каби гофиллар турмуш тарзига пойдевордек бўлиб қолган қодалардан нақадар устун эканлигини исботлашга ҳожат бўлмаса керак. Яна шуни илова қилардимки, ушбу «Марсия байтлари» дадам пинҳона тутқунликда турган ва ҳали қатл бўлиш хавфи бошларидан аримаган бир пайтда, катта онамиз Тожинисо аямларнинг фожиали бир аҳволда вафот этишлари муносабати билан ёзилганди.

Сўнги сўзим, бобоқалон шоиримиз Машраб Намангоний муборак қаламига мансуб «Меърож» (ёки «Расулulloҳ келади») шеъри ҳақидаким, бу узок вақт мобайнида мафкура зўравонлиги натижасида ман этилиб, катагонга учраган ижод мевасидир. Унга халқимиз ажойиб куй ҳам басталаган. Отамиз келажак авлодга сақлаб қўяйлик деб, уч ака-ука хофиз Сўфихоновларни чакиртириб келиб, улар ижросида магнитофонга ёздиригандилар. Мана энди, уни эгаларига топширмакдамиз, шу кунларга етказгани учун яратганга шукрлар бўлсин.



Алихонтўра Соғуний

ВАТАННИ ДЎСТ ТУТИШ ИМОНДАН ЭРМИШ

Ватан ва илм ёки етти юлдуз

Эшит мендин Ватан ўғли насиҳат,
Қабул қилсанг келур бошингга давлат.
Жаҳон кўрган қарининг сўзин олғил,
Амал айлаб, ани кўнглингга солғил.
Йигитлик даврини иш вақти деб бил,
Ғаниматдир, керак ишни билиб қил.
Жаҳон халқи ўликдир ё тирикдир,
Тирик юрган илмсизлар ўликдир.

Ҳаёт ичра урушмоқ ё топишмоқ,
Икковиға зарурдир илм ўқимок.
Илмсизлик нечук қилди элингни,
Илм-чун боғлагил эмди белингни.
Сиёсатда агар бўлсанг Темурдек,
Ёқарсан илми йўқларни кўмирдек.
Илмсизлар бўлур ҳар ишда ҳолсиз,
Урушга кирса бўлғайму қуролсиз?

Илм билгил, тилин бил дўсту душман,
Иккови бўлмаса бергай сена панд.
Ўқи ҳар қанча билсанг, куч кўрурсан,
Вале бир ишни қилсанг куч бўлурсан.
Ул иш эрса унутма ўзлигингни,
Танитқил барчага ўзбеклигингни.
Бировлар соясида турма зинҳор,
Заҳарлин сарқитидан тотма зинҳор.

Бировлар соясида кун кўришлик,
Эрур яхши у иш қилмай ўлишлик.
Ватан асли сенингдур Ўзбекистон,
Ўғуздан қолмиш эрди бу гулистон.
Ватан аҳли Ватан меросхўридур,
Отадин қолса мол фарзандникидур.
Онадур бу — Ватан аслини сўрсанг,
Сени туғмиш будур, яхши тушунсанг.

Чиқармиш сен учун турлик емишлар,
Кўтармиш елкасида ёзу қишлар.
Тириклар бу Ватан бўйнига мингай,
Уликлар ҳам анинг қўйнига киргай.
Ватанни дўст тутиш имондан эрмиш,
Онинг-чун ҳақ Расулдин нақл бўлмиш.
Ватанни севмаганлар биздин эрмас,
Буни ким билмаса имонга кирмас.

Ҳаётинг шarti бўлди илм ўқимок,
Илмсиз мумкин эмасдир кўз очмоқ,
Қаро нағувдир жаҳон бошдан-оёғи,
Илмдир доимий ёнган чироғи.
Дема: «Вақт ўтди, энди фойда бермас»,
Киши оқил эса бу сўзни қилмас.
Агар бўлса ўқи ўқдон ичинда,
Бўлур сайд этса вақти келганинда.

Уқур бўлсанг ўқ ургайсан кўзига,
Асалдек бўлса алданмас сўзига.
Киши умри саноқликдур билурсан,
Ани ўлмайдди дебму шак қилурсан.
Жаҳоннинг турмуши ҳар турлик ишдур,
Кўрурсанким, охири ўзгаридур.
Уқир бўлсанг жаҳонда билим кўпдур,
Кифоя қилмас, умринг оз бўлибдур.

Азиз умрингни танлаб сарф қилгил
Ва лекин тарих илмин кўп ўқигил.
Улуғ тарих эгаси Ўзбекистон,
Қозоғу, қирғизу ҳам Туркистон.
Уқур бўлсанг билурсан кимлигингни,
Унутмассан яна ўзбеклигингни.
Бухорода туғилди Ибни Сино.
Анингдек йўқ эди кимматли доно.

Бунинг устози эрди Насри Фороб,
Билай десанг буларнинг тарихин топ.
Туғулғон жойи эрди шаҳри Утзор,
Бобо Арслон у ерда, билсанг эй ёр.
Бурун Фороб эди бу шаҳри Утзор,
Унутма бу сўзимни, айла такрор.
Учинчиси, Абу Райҳон эрур, бил,
Анинг тарихин айтурман, эшитгил.

Эрур Ибн Синолар қатори,
Замондош эрур, ҳам эрди ёри.

Туғулғон жойидур Хоразм, билсанг,
Туганмас фазлини ҳар қанча қилсанг.
Буларнинг ҳар бири бир юздан ортик,
Ёзибдурлар китоб ўч юздан ортик.
Борини фан уза ёзғон эдилар,
Жаҳон аҳлига қолғизғон эдилар.
Эшитдиким, на қилмиш бу учовлон,
Туғулғон жойларидурким Ўзбекистон.

Алардин бу китобларким қолибдур,
Бутун тилларга қолмай йўтқалибдур.
Вале қолмиш қуруқ, ўз аҳли андин,
Илмсиз бўлса ҳайдалгай Ватандин.

Яна чиққан бу жойдин бир улуғ эр,
Билур бўлсанг, анинг отин Темур дер.
Туғилмишдур бу шер Шаҳрисабзда,
Билай десанг анинг тарихин изда.

Йигирма етти марказ олмиш эрди,
Жаҳонни остин-устин қилмиш эрди.
Узи тузган «Тузуқот»ни¹ ўқиб кўр,
Темур қандоқ кишидур анда айтур.
Жаҳонда ўттиз уч йил давр сурган,
Эмасдир ҳеч урушда у енгилган.
Жаҳонда кўп баҳодирлар ўтибдур,
Темурдек қаҳрамонни ким кўрибдур?

Иккинчи — Шоҳруҳ ўғли Улуғбек,
Илмда ҳеч ким бўлмади анингдек.
Самарқандда мунажжимхона солди,
Расадхона деган жойни у қилди.
Ҳисобу ҳандаса илмига омил,
Фунун ҳайъат ичида эрди қомил.
Шунинг-чун «Зиж Кўрагонни» у ёзди,
Тўлиқлаб ҳайъат илмини чиқозди.
Жаҳон халқи Улуғбекни улуғлар,
Бўлиб олимлари ҳар ерда сўзлар.
Учинчи дохий эрди Мирзо Бобур,
Сиёсат бобида кўп эрди моҳир.
Илми ҳам сиёсатни олибдур,
Китоб ёзиб ўз отин қолдирибдур.
Набира бўлғуси Соҳибқиронга,
Этар беш ота бирлан қаҳрамонга.
Ўқиб кўрсанг, унинг ёзғон китобин,
Билурсан, шунда ул қандоқ эконин.
Билай десанг, онинг қўл ёзмаси бор,
Ўқиб кўр, изла, «Бобурнома»ни сан,
Ўқиб, ёд айла «Бобурнома»ни сан,
Аниқ ўзбек тилин шунда билурсан.
Яна айтай, Алишер Навоий,
Улуғ ўзбек элининг раҳнамои.
Қуёш ёнглик, десам ҳам ёлғон эрмас,
Тушунганлар, бу нотўғри, деёлмас.
Тўлиқ ой оз эрур васфин қилурда,
Этолмас бизга фойда еткирурда.
Биза бу эр улуғ хизмат қилибдур,
Тугамас яхшилиқни қолдирибдур.
Отаси ул эрур ўзбек тилини,
Киши билмас онинг билганларини.
Замона тилларин яхши билурди
Ва лекин ўз тилин ортик кўрурди.
На ёзди эрса, ёзмиш турк тилида,
Ўз элин ўйламиш бу қилғонида.
Агар бул бўлмаса, тил ким билурди,
Онинг қилғон ишини ким қилурди?!
Агар ул кутмаса ўзбек тилини,
Билолмас эрди ҳеч ким борлигини.
Унутса ўз тилин ҳар қайси миллат,
Хиёнатдур, кечилмас бу хиёнат.
Бу ишдин қутқарган бизни Навоий,
Анинг руҳини шод айла илоҳи.
Агар қадрига етса Ўзбекистон,
Атаб номига қилсун боғу бўстон.
Сифатин айладим бу етти эринг —
Бари ўғлони эдилар бу еринг.
Фалак устида етти юлдуз ўхшаш,
Булардин ибрат олсин ҳар қари — ёш.
Кел, эй Соғуний сўзни кўп узотма,
Кўзинг оч, уйғониб ғафлатда ётма.

¹ «Темур тузуқлари» назарда тутилмоқда.

Утибдур барча умринг дарду ғамда,
Ғаниматдур-на қилсанг ҳам шу дамда.
Ёшинг етмишдин ўтмишдур, на чора,
Кўнгил халқ қайғусидин пора-пора.
Айирув бўлсалар жонимни шандин,
Ватаннинг ажралмас севгиси мандин.
Дегайлар: Етти қат бу ерни билсанг,
Чуқур ўйлаб қара, яхши тушунсанг.
Боболар сўнғаги бир қат бўлубдур,
Буларнинг танларидин ер тўлибдур.

Она дейдур: Ватанни ондин ортиқ,
Билурсанг, сенга сут бергандин ортиқ,
Босарсан елкасига, юрганингда,
Қучоғида ётурсан ўлганингда.
Ватанни сақламабдур қайси инсон,
Кўрар турлик балоларни у ҳайвон.
Ота меросимиздур Ўзбекистон,
Еткандур бизга эмди бу гулистон.
Ватандин ажради-ўлди, демакдур,
Боқиб душманга, термулди, демакдур.

1962 йил, 26 февраль.
Тошкент шаҳри

Бормикан?

Биз қамалдик бу темир қўрғон ичида инграниб,
Бу зулм қўрғон қопусин синдирар кун бормикан?
Барча олам йўллари очиқ эрур, бизга ёпик,
Эй Худо, ҳаж йўли бизларга очиқ кун бормикан?
Барча олам аҳли ўз мақсадларини топдилар,
Ўзбекистон халқига бу иш бўлар кун бормикан?
Руслар босди Ватанни, қоплади селдек келиб,
Бу фалокатдан, Худоё, қутулар кун бормикан?
Соғуний дарддин эзилди, бу Ватаннинг дардида,
Ким билур, бу дардима дармон топар кун бормикан?
Қайғулик тунлар ўзарда тонг отар кун бормикан?

1959-1960 йиллар

Тил ҳақида

Менинг бу сўзимни эшитсун Ғани¹
Киришсин бунинг чорасин кўргани.
Ўзидин киши ҳиммати ошмаса,
Жаҳонда бўлурму бир иш қилгали.
Ҳаёт ичра кимдан асар қолмаса,
Баробар эрур юргани-ю, ўлгани.
Жаҳонда ўтубдур неча яхшилар,
Оти ўчмамишдур асар ёзгани.
Бухорода бўлмиш эди Бу Али,
У ёзган неча хил китоблар қани?
Бутун тилларда таржима қилдилар,
Йўқ эмди алар бизга қолдиргани.
Асар ёздинг эрса, она тилда ёз,
Йўқ эса анинг ёзгани-бузгани.

Таралмиш бутун ёр юза илму фан,
Тўлиқ тил керакдир ани билгани.
Тўлиқ тил қариндош она тил эрур,
Бўлурму киши андин айрилгани?
Киши ўз тилин яхши билмас агар,
Билингим, ҳам ишдан кейин қолгани.
Агар хўрласа киши ўз тилин,
Ватан хоинидур, Ватан душмани.
Сут эмганда кирган она тил эрур,
Онаю ота ҳаққи, сақла ами.
Уёнғил бу сўздин, тилинг сақлагил,
Тили ўзди эрса киши ўзгани.
Ёши етмиш олти эрур билсангиз,
Ёзибдур бу сўзни Ота Соғуний.

1962 йил, февраль. Тошкент

Уйғон

Борлиғим сақлай десанг илму ҳунардin қил яроқ,
Йўқ эса олғай барингни қилмағай ҳеч ким сўроқ.
Ер юзи ўзгарди аммо ўзгаришдин бизда йўқ,
Синди Туркистон элининг бошида юз минг таёқ.

Оч кўзинг Турон эли зинғирт бўлурму қўйчивон,
Борму бу янглиғ бўлон пайқаб қара бошдан-оёқ?!
Ҳар ўғил ворис бўлур қолғон атонинг молига,
Бўлди Туркистон элининг вориси юзсиз қароқ.

¹ Марҳум геолог олим, академик Ғани Мавлонов назарда тутилган.

Бахтсиз бўлган кишига ўз уйи ғурбат бўлур,
Мол эгасидур қароқчилар ажойиб ишга бок.
Бахт очилмас ул кишиларким эрурлар илмсиз,
Илмсизлар хор бўлур: хоҳи қародир, хоки оқ.

Қайси миллат устидан ҳокимлик қилса бошқалар,
Бу каби хорлик ҳаётдан ўлганидур яхшироқ.
Илму имон иккисидин баҳралик бўл, эй ўғил,
Бу икковлон бирла олғайсан қўлингга шамчироғ.

1962 йил. Тошкент

Марсия байтлари

Ким келса бу дунёга, ўлмасга туғилмайдур,
Туғилди эса бир кун ўлмай сира қолмайдур.

Алданма қариндошим беш кунгина даврингга,
Ким айтди сенга бир кунлик коса тўкилмайдур.

Очунда неча кунсан эл яхшилиғин изла,
Бу ишни ғанимат бил доим сенга бўлмайдур.

Ҳар қанча яшар эрсанг, юзларча йил ўтурсанг,
Охир, кун келганда, бир кунча кўринмайдур.

Ҳар кимса сафар чиқса ўлмаса келар аммо,
Қабр ичра сафар қилган иккинчи келолмайдур.

Ўтказмагил умрингни ғафлатда қолиб ногоҳ,
Олдида келур ишни ҳеч кимса билолмайдур.

Билмайди кишидир соғ, на ердин эрур тупроғ,
Келса ажали тортиб қочиб қутулолмайдур.

Соғунийнинг йўлдоши-қирқ олти эрди ёши,
Ҳайф ўтди дунёдин у, энди (ҳеч) топилмайдур,

Соғунийга сен йўлдош, кўп йиллар эдинг мунгдош,
Етмай сенинг қадрингга армон билан йиғлайдур.

Тожинисо отлиғди, номусу уётлиғди,
Жаннат сари кетди ул, энди биза қайтмайдур.

Қуръон ўқи ёд айла, арвоҳини шод айла,
Ким кўрса уни яхши, бу ишни унутмайдур.

Бас энди бу сўз менга, раҳматлар ўқий сенга,
Ҳасрат сўзини ёзсам ҳар қанча туганмайдур.

Раҳмат ёғини ёғсин доим сенинг қабрингга,
Ўлгунча дуо қилсам ҳаққинг сенинг бутмайдур.

Ким бўлса жавоб айтғил, сўрса ани тарихин,
Бўлди ўзига машғул «ё» анда туролмайдур.

1946 йил, 27 ноябрь. Тошкент шаҳри

Ҳазрат Луқмон Ҳакимнинг насиҳатлари

Қулоқ солинг биродарлар бу сўзга,
Кўнгулдан ўтмасин бу сўздин ўзга.
Пайғамбарлар Худо элчиларидур,
Ҳақиқат йўлининг бошчиларидур.
Пайғамбарларки Қуръон ичра келмуш,

Аниқ билгил, йигирма саккиз эрмуш.
Булардан бирлари ҳикматли Луқмон,
Келубдур номига бир сура Қуръон.
Худо Қуръонда келтурди сўзини,
Атабдур отини мактаб ўзини.

Ул айди саккиз ишни ким қилодур,
Тамоми яхшилиқ қилгон бўлодир.
Пайғамбарлар отаси Одам эрди,
Бутун оламга раҳмат ҳотам эрди.
Кишиким, қилса бу саккизни Лукмон,
Деги, қилди пайғамбарлар на айтгон.
Аларнинг барчасини илмин олмиш,
Амал қилмиш ани кўнглига солмиш.
Баён айлай бу саккизнинг барини,
Тугуб кўнгулда ёд эт ҳар бирини.
Биринчи тўрт чоғ тўрт ишни сақла,
Бунинг бирла қора номангни оқла.
Намозда кўнглингни, сўзда тилингни,
Емак-ичмақда асра халқумингни.
Кирар бўлсанг биров уйига эй ёр,
Аланглаб боқмагил ҳарёққа зинҳор.
Бу тўртни айтиб ўтдим ёд қилғил,

Пайғамбарлар руҳларини шод қилғил.
Яна тўрт нарса айтурман қулоқ сол,
Исирғадек қулоғинга тақиб ол.
Унутма икки нарса эй биродар,
Агар Қуръонга кўнглинг қилса бовар.
Худони ёд қил, ҳаргиз унутма,
Ўлимни кўзда тут, ғафлатда ётма.
Яна айтай, бу сўз ёдингда тутгил,
Жаҳонда икки ишни сан унутгил.
Бири қилсанг кишига яхшилиқни,
Унутгил, сўзлама ҳеч қилганигни.
Иккинчи, ким ёмонлик қилса эй ёр,
Унутгил, сақлама кўнглингда зинҳор.
Бу саккиз ишни қилса ҳар мусулмон,
Бўлур жаннатга лойиқ — ҳукми Қуръон.
Буни назм этгувчи Соғуний ожиз,
Ўқиганда ани ёд айлағайсиз.

1962 йил, 26 январь. Тошкент

Таржимондан

Темурдек жаҳонда киши ўтмади,
Анингдек ўғилни ано туғмади.
Йигирма етти пойтахт олди ул,
Баранғар, жаранғар, ясол қилди ул.

Анинг ҳақида яхши сўз кўп эрур,
Ёмонликни айтқувчилар ҳам бўлур.
Биров яхши дерса, биров дер ёмон,
Улус сўзидин ким қолибдир омон?!

Киши бўлса ҳар сўзни у сезгудек,
Келур хотирига кўп иш кўзгудек.
Ёзиб бу китоб ичра қилмишларин,
Баён айламишдир қомус ишларин.

«Темур тузуги» деб аталмиш эди,
Анинг сўзларин туркча ёзмиш эди.
Биза етмамишдир асл нухаси,
Вале етди форсчаси, босмаси.

Аниқ билмадим, кимдир олмиш уни,
Қабул этдим, ўрнига олдим буни.
Тилин турки қилдим, юзин оқладим,
Ватан аҳлига мангулик сақладим.

Ўқир бўлсалар бу китоб сўзларин,
Гумондан чиқаргусидир ўзларин.
Темур ким эди деб гумон қилмағай,
Ёмон-яхшисин у ўқиб англағай.

Минг уч дағи бирда саксон эди,
Муҳаррам ойи ўрталашган эди.
Буни Соғуний назм этиб ёзди ул,
Ватан аҳлига туҳфа қилғизди ул.
Туғилган киши бир куни йўқ бўлур,
Асар қолмаса ани ким ёд қилур?!
Вафот саккиз юз дағи етти йил,
Ҳисобини тарихи ҳижрия бил.
Ота Соғуний назм этибдир, билинг,
Буни ўқиганда ани эскаринг.

1961 йил. Тошкент

Элингни қутқар

Сабабни қил, Мусаббибни унутма,
Ҳақиқат шул эрур тесқари кетма.
Дема: «Ўзгармас олам, иш битибдур»,
На бўлғай эртаги кун ким билибдур?

Ҳаётингни тузатмоққа сабаб қил,
Ватанни қутқаришнинг чорасин бил.
Биринчи чораси — илм ўқумоқдур,
Жаҳолат бошига тўқмоқ, таёқдур.

Жаҳолат ажратди бизни Ватандин,
Ватан ёлғиз эмас ҳам жону тандин.
Бўлар иш бўлди, энди кимлигингни,
Унутма, эй ўғлон, ўзбеклигингни.

Ютилмасдан бурун сақла тилингни,
Қутқар қулликка тушган бу элингни.
Агар тил сақламас эрсанг ютарлар,
Оёқ остига солғай, қул этарлар.

Сени ютмоққа тайёр аждаҳолар,
Қародир ёки оқ, тўймас балолар.
На бўлди Уйғуристон¹, оч кўзингни,
Кўзинг оч Ўзбекистон, кўр ўзингни.

На эрдинг, эмди не ўлдинг, қараб бок,
Қачон бир жойда бўлғай жуфт билан тоқ?
Фариштага яқин бўлғай мусулмон,
Агар дин ушласа, бу — ҳукми Қуръон.

¹ Бошқа бир нусхада «Туркистон» ёзилган.

Билиб динингни сақлай, эй мусулмон,
Жудо бўлган кишига минг пушаймон.
Ота Соғуний қилди бу насиҳат,
Ажаб эрмас кишилар олса ибрат.

1966—1967 йиллар. Тошкент

ҚАТРАЛАР

«Темур тузуклари» асарини ва уни ўзбекчага қайта ўгирган таржимонни ноҳақ танқид қилувчиларга сўнгги жавоб:

*Тош уриб синдирса олтин косани,
Тошнинг қадри ошмагай, олтин баҳоси тушмагай.*

1968 йил, январь.

* * *

Сўз кадрига етмаган ёлғон олимлар ҳақида шу куйидаги шеър айтилмишдур:

Қолур ёлғуз

Шеър таъмини тотмаган одам,
Чекидан ташқари қилур ҳар сўз.
Хафа бўлмаг ани эшитганлар,
Гул исини қачон билур қўнғиз?
Гули райҳон очилғонин боқмай,
Туртадур ерни ҳар қачон тўнғуз.
Ўз тилини яхши билмаган одам,
Элидин айрилиб қоладур ёлғуз.

Тарихий ёдгор

Фарғонани ўрус босқинчилари олганда ўшал замон турк шоирларидан бирови тубандаги туркона тўрт мисра байтни уларнинг шум қадамлари етганига тўғри тарих топмиш экандур. Байт:

Юртимизни ўрис келиб олди,
Ҳукми ҳақ деб ҳамма бўйин солди.
Йиглаб устоди ақл шому саҳар,
Топди тарихини «камоли зарар».

Маълум бўлғайким, «камоли зарар» харфлари ҳисоби абжад қондасича 1291 дур (мелодий 1871 йил). Бу шумоёқлар келган кунидан зарарлари бошланган бўлса ҳам, айниқса, динсизлар тарихи (1917 йил)дан тортиб ҳозирги кунда камолига етди.

1960 йил, Тошкент

Шобдон ботирга

Тилим, турк халқига кўп офарин қил,
На янглиғ мақтасанг оздир, аниқ бил.
Яраш чоғида меҳмондек ўтирғай,
Уруш кунларида арслондек отилғай.

* * *

Қадри йўқ гавҳар сўзинг олчоқ кишилар олдида,
Дурни таксанг на билур, ит оғзига ташла суяк.

Ҳазар қил

Ҳақиқат сиррига ҳеч кимса етмас,
Шариат ушлаганлар йўлда қолмас.
Ҳасаддин сақла ўзни, эй биродар,
Бу сўзни айтдилар барча пайғамбар.
Ҳасад ўти жаҳаннам ўтидир, бил,
Ани кўрмай десанг мундин ҳазар қил.

تصحيح آيلا بين پرزنده لار فيضه تا الوغد وري يا كبحك دلبند لري بچ
 اربما سن بالعدول بو سوز اوز مال له رفته ، قهقهر سن با بچ يار و دو سولويچ
 آنا نكلار با شى سلسلا ندين اوتوبور با حه مـ اعضا لايين كوچ كلب دور
 سوزا نغمه كيم كيلور سم كينكو سيد وري تا قوشولدي اير سم بر كون اولكو سيدور
 بچ كون قالميش عمر بدير غنيمت تا سونوك چون اير دم مـ ن بو نصحت
 نصحت ، نيكار ماسن شيطا كشي دور تا عمل خيلاق انكار مـن ايسيدور
 قولاق سايهك بو سوز كه با بچ پرزنده رضا بولسون سيلار دمن اول خاوند
 نولوش تهكرم يار تيب دور جهان في با يوق ايردي بار ايشيدور ايشيدور جان في
 يار انجويي بر الله ديب بيليك لار تا امانليك بدير و خي لار بچ بوي سونو اولار
 يار ايشي يار كوچ تو ققور فللك في تا كوچل شـ ذره ديك كيلتور مـ ستمك في
 يوق ايردي با بچ عالم قل يار ايشي با بو عالم ايچن ادم في يار ايشي
 خليفه سي ايرور يار ايرور انسان با نصيحت عالميه قول خاكسـان
 پيمبر لار جهان سرور لار بديرور با محمد كرم لار نيك افضل دور
 ناخدا اولور بدير مـ نه كرم يار ايشي با پيمبر لار غه نور ايشي نار ايشي
 خلدوششي ايرور عالمه رحمت تا ايتيك ديني ده بو قدر و بچ مشقت
 حبيبي رحمة لاهالدين دور تا ايتيك فرمانيه روح الامين دور
 خلد ارسى آخدا اولور محمد با محمد بيرده شهيد كوكون محمد
 آخدا نيك سيد ديني احمد بديرور تا ايتيك چون قوي يا اخوزيم بولوبور

* * *

Нечун «бо»бирла «син» келмишди* Куръон бош-оёғида?
 Аниқ икки жаҳоннинг раҳбари-чун «бас» демакдур.

* * *

Сабр қил, боғлар замон душман кўлин орқасига,
 Вақтин ўтқузма ўшанда, душманинг ур бошига.

Меърож ёки Расулulloҳ келади Машрабдан

Кел энди Жаброил, аршни супургил эй,
 Анда меҳмон бўлғали, Расулulloҳ келади.
 «Мозоғал басар» кўзлиг, «шамси вазуҳо» юзлиг,
 Ҳаммадан ширин сўзлиг, Расулulloҳ келади.
 Шамолларғаму айтғил, сайр этишини кўйсин,
 Беадаблик қилмасин, Расулulloҳ келади.
 Дарёларғаму айтғил, мавж урушини кўйсин,
 Олдида сақо бўлсин, Расулulloҳ келади.
 Азроилғаму айтғил, жон олишини кўйсин,
 Хизматда муқим турсин, Расулulloҳ келади.
 Моликларғаму айтғил, дўзах эшигин ёпсин,
 Йўлларига гул тиксин, Расулulloҳ келади.
 Гулмонларғаму айтғил, меҳнат эшигин очсин,
 Бошларига дур сочсин, Расулulloҳ келади.
 «Уфқ-ул мақом»га бориб йиғлайди Жаброил:
 Мундан ўтсам ё Расул, қанотларим куяди,
 Маҳшар куни бўлганда йиғлайди Машрабо,
 Расулulloҳ кейнидан Машраб қаландаринг келади.



Шодийёр Ҳазрат Исмаилов

ЯХШИЛИК МАНЗИЛИ

ҲИКОЯ

Уни ҳамма нарсага қўл силтаб, қўлгами, тоққами, ишқилиб, бу ерлардан кетсам, кетсаму шунинг баробарида бу ерларга қайтиб келмасам, кўрмай-куйинмай ўша хил-ватда яшасам, деган ўй эзаётган эди.

У бошида чарх ураётган хаёлларни ҳалигача ҳеч кимга айтмаган. Айтгудай бўлса, «ёш ўтавергандан кейин шу экан-да...» деб, унинг сизиниб, кўнглида асраб-авайлаб юрган илинжу истагини икки оғиз сўз билан руҳсизгина ифодалаб беришларини ва энг ёмони, устидан кулишларини билади-ю, ўзининг ночорлигидан янада куйинади.

Раҳмон ярим тунда уйғониб кетганида, бошида оғриқ борлигини сезди. Ташқарига чиқмоқчи бўлиб, ўрнидан амаллаб турди-да, эшик олди-гача келди, нарироққа боришга кучи етмагач, зинага ўтирди. Шунда унинг ёдига бир ривоят тушди. Ривоятнинг мазмуни шундай эдики, Иброҳим пайғамбар ўғли — Исмоилни уйлантиргач, келинининг одамгарчилигини синаш учун уни кига боради. Келин қайнотасининг иззатини жойига қўймаганидан сўнг, у келинига Исмоил келса айт, остонасини тузатиб қўйсин, дейди. Эри келгач, у қайнотасининг гапини айтади. Амри падар аршдан аъло. Уғил хотинига талоқ айтади. Остонани «тузатади», яъни, қайтадан рўзгор тиклайди. Пайғамбар бу келинини ҳам имтиҳон қилгани келади. Келин қайнотасининг иззатини жойига қўяди...

Пайғамбар кетар олди-дан келинига тайинлайди: «Исмоилга айт, остонаси яхши бўлибди...»

Айни чоғда ўзини расулзоданинги ўрнига, отасини эса пайғамбарнинг ўрнига қўйиб таққослади. Еттинчи осмонга чиқаётганида кимдир унинг енгидан тортгандай бўлди. У ўзини бунақа осмонлар қилиб менгзашни ноўрин санади. Хаёлини ҳам, отасини ҳам ўз ҳолига қўйди-ю, бироз таскин топгандай бўлди...

Шу аҳволда ҳам Раҳмоннинг раҳматли отаси тирилиб келсаю ўғлининг туриш-турмушини кўрса... Ушанда валинеъматининг оддий сўроғи ҳам оғир ботарини сезади. Сезгандаям нима қилсин, тили қисқиклик жойи кўп. Онасининг тихирлик қилиб уйлантирганини айтиб, у бечоранинги руҳини чирқиллатишдан қўрқади.

НАСР БУЛИМИДАН: Мухтарам мухлисларимизга тўхфа этилаётган мазкур рўкидаги ҳикояларнинг муаллифлари ҳали машқлари ҳеч қаерда чоп этилмаган талаба ёшлардан иборат. Ушбу асарларда бадийлик ва маҳорат етишмаслиги каби айрим нуқсонлар сезилиб турса-да, муаллифларнинг ҳаётга ўзгачароқ назар ташлашга, воқеа-ҳодисаларни янгича талқин этишга интилишлари бу камчиликларнинг ўрнини тўлдирди, деган ўйда, ёшлар иқтидорини баҳолашни ўқувчиларга ҳавола этишни лозим топдик.

...Қизнинг исми Норхолмиди, Норгулмиди, ҳалиям чалкаш айтади. Лекин гулдек қиз эди, ёноғидаги холиям юзига ярашиқли эди. Қанийди, анови ётган аёлнинг ўрнида ўша ўзи истаган Норхолми, Норгулми бўлса, ёнларидаги бешовлон ҳам ўзларидан тарқаган фарзандлар бўларди... Улар билан овунарни, бужмайган юракнинг чигилини ёзарди...

Айни дамда онаси ўламан саттор деб, қариндошининг қизига уйлантириб қўймаганида аҳволи бундан минг чандон яхши бўларига ишонади. Ва шунга ишониб яшади ҳам.

«Худо бир томондан қисган одам инжиқ ва тутган жойидан кесадиган бўларкан,— деб айтганди дўсти.— Мен ўшанда нима қиларимни билмай, ўша ўзим яхши кўрган қизни ўғлига обермоқчи бўлган качалнинг уйига бордим. Лангнинг ўғли ўзи келиб, уйланганман, ука, ишонмасанг бошпуртимни кўрсатай, иккита болам ҳам бор, деди. Яхши гап билан инидан чиққан илоннинг боласи яна айтдики, отам у қизни амакимнинг ўғлига обермоқчи. Ноилож, падарингга лаънатни қақиртирдик. Отаси ҳассасига таяниб, чиқиб келди.

Мен у оқсоққа: «Илтимос, бува, ўша қизниқига қайтиб совчиликка борманг», дедим. Чўлоқ чол гапимни ҳам эшитмади, қайтага ҳассаси билан урмоқчи ҳам бўлди. Бўйнимни мўлжал қилиб хезланган экан. Ҳассасини тутдим у индамай қўйдим. Урсам бўларди, лекин уйини тўлдириб ўтирган чувриндиларининг қарғишидан кўрқиб, тегинмадим. Уша чўлоқ чол номард экан. Эртасига миршабхонага бориб, мени, кечаси уйимга бостириб келди, тухмат қилди, хотину бола-чақамнинг олдида онамни сўқди, деб устимдан арз-дод қилган эди. Миршаб ҳам ўзимизнинг уруғимиздан эди, арзгўйнинг арзи ёлғонлигини сезганми, ишқилиб, чўлоқ чолнинг онасини ростакамига эсига солиб, жами уруғ-аймоғини обориб опкебди».

Бу жўнгина хотиротни дўсти бундан ўттиз йиллар аввал, айни салт-сувой юрган кезларида айтган эди. Дўсти ўша қизга уйланди. Тўйига ўша чўлоқ чолни атайин бориб айтди. Лекин оқсоқ чол тўйга келмади...

Раҳмоннинг бу дўсти камсукум эди, бировларнинг маҳрами ҳақида гап сотишни ёқтирмасди. Фиску фасодни унчалик хушламасди.

Раҳмон аввалбошда дўстига маслаҳат солди: «Бўлмайти, жўра, мен бу билан қандай яшайман? Жўра, мен ўша холи бор қизга уйланишим керак эди. Уша бўлса бас, қолгани бир пул. Ҳозир ўшанинг олдига борсам, у юзимга тупурмасмикан?... Еки дунё деганлари шу экан деб, индамай яшайверайми?...»

Дўсти мулзам тортди. «Энди, чидашга уриниб кўр, тоза бўлмаса, талоғини айт-қўй. Бу томони ўзингдан қоладиган гап».

Бу сафар ҳам дўстига истак-илинжини айтса, турган гапки, у ҳам савдойилигининг боисини сўрайди. Бунга жавобни қайдан излайди?

«...Худди шундай,— аҳд қилди у.— Ҳаммасига қўл силтайману кетаман, ажабсиниб қоладиган кўнгил етар дўстларга кетиш важҳини тушунтираману тоғу тошларга кетаман. Уша тоққа жами мазмуни яхши одам борки, йиғилсак, сўнг уни жўнгина бўлса-да, «Яхшилик манзили» деб атасак. Унда-мунда бу масканининг доврўғини эшитганларнинг кети узилмаса. Қолганлар ҳам бирор юрт ёки кишвар тузишса-да, унгаям бир ном қўйиб, ўз тоифаларини жамлашса... Ана ўшандагина нимаики бўлса, бари яхши бўлади, ҳамма ўз қавмлари ичида юргандан кейин, ҳеч ким бир-бирига зиён етказмайди. Кўрилган зиёнлар ҳам сезилмас бўлиб кетади. Кўнгил озор топмайди».

Раҳмон тоққа етгач, булоқнинг муздай сувидан бир ҳовуч ичди-да, сал баландроқ, бутун қишлоқ кўринадиган жойга келиб ўтирди. Кўпдан бери тоғнинг худди мана шу еридан туриб қишлоқни томоша қилишни дилига тугиб қўйганди. Айни дамда у ўзини меърожда тургандек, ҳамма нарсанинг ҳадисини олган каби, гўё барчаси ҳозир кўз ўнгида намоён бўладигандек туюлди...

Ҳаёлига қўшилиб, осмонга юз тутди: унинг тубида саноқли юлдузлар қолганди. Исмини ҳалиям чалкаш айтадиган қизни эслаб, қишлоқнинг кунчиқар тарафига қаради. Уйлар кўпайиб кетган, Раҳмон қизнинг ўша пайтлар қаерда яшаганлигини эслай олмади.

«Энди кеч, анча кечикдинг. Ҳеч нарса кор қилмайди. Бошни қай туйнукка сўқма, қай харсангга урма, бари бефойда. Ўзгариш мумкин бўлган дамлар ўтиб кетди. Ҳайит бир кунлик. Мен бу тоғни «Яхшилик манзили» демоқни истаган эдим, бироқ адашган эканман. Ният пуч экан. Ҳаёлим сиққан жойга ўзим сиғмас эканман».

Раҳмон уйига келганида ҳали ҳеч ким уйғонмаган экан. У аста ётоқ бўлмасига кирди-ю, ўрнига ётди. Ухламоқчи бўлиб, у ёққа-бу ёққа ағдарилиб кўрди. Бўлмади. Ахийри, кўрпани юзи аралаш буркаб олди...



Муҳаммадшариф
Маматқулов

МУҚАДДИМА

Носир у ҳақда жуда ёмон гап айтди.

Раъно мактабдаги энг чиройли, энг сулув қиз эди.

Илҳом ғазабдан қизариб кетди, буни сездирмаслик учун бошини эгиб, кўм-кўк ажриқларни чимдиб юла бошлади.

Илҳом қизни яхши кўришини ҳаммадан яширарди. Бу унинг ҳеч кимга ошкор этиб бўлмайдиган сири бўлиб, маълум қилиб қўйишларидан қаттиқ чўчир эди. Носир эса ана шу малагини ҳақоратлади, гарчи ўзи ҳам Раънонинг олдида оғзидан бол томиб-етти букилиб, турса-да, атайин шу гапни айтди. Наинки, Раъно унга рўйхушлик бермай буни ёқтирса...

Илҳом билан Носир ҳамманинг кўзига дўстга ўхшаб кўринса ҳам, тўқнашиб қолишдан доим қочишади. Йўқ, Илҳом кўрқоқ эмас, лекин Носирнинг шум ниятлигидан чўчийди, ҳамиша у ҳақда ўйламасликка тиришади, эсига тушиб қолса, кўнгли ғаш бўлиб, дунё кўзига қоронғу кўриниб кетаверади. Баъзан ҳаммасига қўл силтамоқчи бўлади-ю, лекин...

У Раънони яхши кўради.

Раъно эса мактабдаги энг сулув қиз.

Ҳозир ҳам Илҳом Носирнинг пасткашлигидан жирканди, Раъно ҳақида айтган гапи хўрлигини келтирди, лекин бир сўз демади, сири ошкор бўлишини истамади. Шу пайт Ориф Носирни қўллаб уятли бир сўз айтди. Илҳом энди чидай олмади:

— Олдида итдек ялтоқланасан-у, ортидан бундай гап қиласанми?

— Ие, ановини, аччиғинг келса, бурнингни тишла. Ё Раънони яхши кўрасанми?!— Ориф боппладимми, дегандек Носирга қараб олди. Илҳом ғазабдан қалтираб кетди, шартта ўрнидан туриб, Орифнинг ёқасига чанг солди:

— Тур ўрнингдан. Уришасанми?

Ориф доводи раб, базўр чийиллади:

— Нима, кучим кўп деб мақтанаверасанми?

Илҳомнинг кулгиси қистади;

— Ҳе, кўрқоқ!

Орага сукунат чўкди. Бундан фойдаланган Фахриддин гапни бошқа томонга бурди:

— Узинг шунчалик кўрқмас экансан, Кулолнинг йўлини тўса оласанми?

— Тўсаман.

— Қўл бериб сўрашасан ҳамми?

— Сўрашаман ҳам!— Илҳомнинг кўнглига мудҳиш бир нарса соя солиб ўтди-ю, сездирмади...

Кулол қишлоқ четида, қабристон ёнидаги ташландиқ, қайсидир замонларда шўро идораси вазифасини ўтаган, ўша кезлари деворлари оқланавериб, ёмғирларда ювилавериш ола-чалпоқ ҳолга келган уйда ёлғиз яшар эди. Унинг бу қишлоққа кўчиб келгани-

га бир йил бўлган эса-да, кимлиги ва қаердан келганлиги ҳамон номаълум. Шу муддат ичида унинг қишлоқдаги бирор кимса билан гаплашганини, ҳеч қурса салом-алик қилганини биров кўрган эмас. Уни кунда икки бор — тонг қоронғусида ишга кетаётганидаю шом қоронғусида ишдан қайтаётганида учратиш мумкин. Кулолхонаси ҳам қишлоқдан бир чақирим нарида, ғиштхона ёнида бўлиб, у ердагиларнинг ҳаммаси шаҳардан ёки бошқа қишлоқлардан келиб ишләшар эди. Одамлар аввалига унинг бу ҳунари билан қандай тирикчилик қилаётганига ҳайрон бўлишди. Кейин бу кизиқиш ўрнини шубҳа ва ҳадик эгаллади. Гўё у бу дунёнинг одами эмас, ҳаёт тарзи ҳам қандайдир сир-асрорли... Болалар ҳам ундан чўчиб қолишган, қораси кўринди дегунча йўлда ҳеч ким қолмас эди. Унинг афт-ангорини ҳам бирор кимса айтиб беролмасди. Узини ҳам қишлоқ чеккасидаги йўлда бошини олдинга сал эгиб, бир маромда қадам ташлаб келаётган ҳолдагина кўриш мумкин, холос. У бир шарпа ёхуд соя мисоли эди.

Болалар бугун молларини ҳар кунгидан кечроқ етовга олишди. Улар кулол ўтадиган йўл бўйига яқинлашишганида, кўёш тоғ чўққилари оша сўнгги марта мўралаётган эди. Болалар йўлдан бироз нарида тўхташди. Илҳом ёлғиз ўзи йўл бўйига келди ва четроқдаги тош устига ўтириб, кута бошлади. Қўёш тоғлар ортига жуда тез яширинди, уфқ лола-ранг тусда товланди. Ғира-шира қоронғулик тушиб, чигирткаларнинг чириллаши қулоқни қоматга келтирди. Қўналғасига кечиккан бир гала қушлар потирлаб учиб ўтди.

Бегона ва сирли бир ҳадик Илҳомни исканжага олди. У бетоқатланиб кулолни кутарди. Ниҳоят, олисда қора шарпа кўринди. Илҳом шошиб болалар томонга кўз ташлаб олди. Юраги гупиллаб ура бошлади. Назарида, орадан кўп вақт ўтганига қарамай масофа ҳамон ўша-ўша эди. Унинг нигоҳи толиқди, илкс атрофга зим-зиё тун чўккандек, ҳеч нарсани кўрмай қолди. Кўзларини бир юмиб очган эди, кулолнинг мункайган гавдасини яқингинасида кўрди. У даҳшатли ва мудҳиш дақиқаларни қисқартириш учун кулолга қарши юра бошлади. Ораларида ўн қадамча масофа қолди. Кулол ҳамон бошини эгиб келар ва қаршисидаги болани кўрмасди. Ана, беш қадам қолди. Тўрт қадам.

Уч...

Икки...

...Ва қўққис кўзлар тўқнашди. Аввалига Илҳом кулолнинг кўзлари ўрнида қоп-қора бўшлиқ ва чексизликини куриб ҳайратдан тош қотди. Сўнг эса... Қулоқлари остида шамолнинг зувиллашини эшитди, учайтганини ҳис этди. Қайсидир лаҳзада у кулолнинг кўзларига ўзининг сингиб бораётганини англаб қолди. У жуда ҳам тез уча бошлади. Беадад чексизликлар узра чирпирак бўлиб айланди. Қўққис ёнида шамолдан ҳосил бўлган гирдобни кўрди. Бу улкан гирдоб ичида тоғлар, дарёлар, уммонлар, баланд-баланд иморатлар, шаҳарлар, одамлар оломони, қушлар, илонлар ва бошқа шу қадар кўп нарсалар бор эдики, ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, гоҳ оқиш айлана чизикларга йўғрилиб кетар, гоҳ ярқ этиб бир лаҳза кўзга ташланиб қоларди. У кимсасиз, ҳароб бўлган қишлоқни, жуда ҳам узун йўл ва бу йўлда кетаётган ёшгина йигитни кўрди. Йигитни кимгадир ўхшатди ва энди эсламоқчи бўлганида, у ғойиб бўлди. Шу заҳоти ўрнида соч-соқоли оппоқ нуроний чол кўринди. Ёш, сулув бир қизни, сўнгра эса, умрида кўрмаган, лекин жуда таниш, қадрдон, бироқ кимлигини ёдидан чиқазиб юборган одамларни кўрди. Буларнинг ичида бир жувон ҳам бўлиб, у боягина кўрган ёш қизга ўхшарди. Қандайдир аламлар, дарду фироқлар ва хўрликларни туйди. Худди биров юрагига пичоқ суқиб олгандек даҳшатли оғриқ сезди, шу заҳоти оғриқ ҳам йуқолиб, таърифлаб бўлмас бир ҳузур топди. Сўнг кўрган-билганлари яна бир-бирига шундай қоришиб кетдики, алал-оқибат буларнинг бари туш бўлса керак, деб ўйлади. Ва шу ондаёқ қоп-қора зулмат кўйнига тушиб қолди. Қанчадир муддат — бир дақиқами, юз йилми, — ўтиб, қулоқлари остидаги зувиллаш тиниб кўзини очган эди, ўзини йўлнинг ўртасида чўк тушган ҳолда кўрди. Кулолнинг узоқлашиб бораётган шарпаси эса қоронғулик ичига сингиб кетди.

Ҳаллослаб чолиб келган болалар ундан не воқеа юз берганини, нега кулолнинг қаршисида келиб чўккалаб олганини сўрай бошлашди. Носир эса бир четда унга истеҳзо билан қараб турарди. Илҳом уни кўргач, болаларга «ҳеч нарса» деди-ю, шу тобда Носирнинг рақиблиги ҳам, ўртадаги адоват ҳам бемаъни ва бачкана кўриниб кетди.

Юз берган воқеадан сўнг кулол кўчиб кетди. Одамлар уни тезда унутиб ҳам улгуришди. Фақат Илҳомгина бу кимсани бот-бот эслар ва тинимсиз қаерларгадир ошиқар эди.

Раъно эса мактабдаги энг сулув қиз эди.

ЭРТАКНИНГ ЯРМИ

Тун ярим, дил ярим...

Яримлаб қолган тамакини чуқур тортасан, паға-паға кўкимтир тутун бурқсиб чиқа-

ди. Паришон дуд оғушида қаршингдаги Қиз ғойиб бўлгандек, руҳинг енгил тортгандек бўлади.

Тутун тарқалгач, Қизнинг кўз узмай турганини кўрасан.

Хона ачиқ тутунга тўлиб кетади. Қизнинг кўзлари ачишиб, намланади, бироқ бу азоблар ҳеч нарса эмас дегандек, интизор боқади. Қиз остонада ҳукмингни кутиб турган чўридек, сенинг бир оғиз сўзингга маҳтал. Сен устиворлигиндан, ҳукмфармэлигиндан ҳузур қилиб, мийиғингда куласан. Куласану юрагингни кўринмас бир қўл шафқатсиз гижимлайди. «Оҳ, Унинг эшигида бир умр қул бўлиб ўтишга ҳам рози бўлардим»— ичингдан аламли нидо чиқади.

— Нега куляпсиз?— сўрайди Қиз.

— Ўзим шундай,— дейсан сен.

— Менинг устимдан куляпсизми?— дейди у гуноҳкор овозда.

— Йўқ, ўзимнинг устимдан куляпман.

Сенинг рост гапингга Қиз ўзини ишонгандек қилиб кўрсатади, ишонолмаганини яширади.

Тун яримлаб қолган, бахт ҳам...

Ташқаридан шамолнинг увиллаши эшитилади. Бу сас деразанинг тирқишидан эмас, сенинг бум-бўш, ҳувиллаган қалбингдан келаётгандек, қаён қочишни билмай қоласан.

— Тиззангизга бош қўйсам майлими?— сўрайсан Қиздан. Сен учун жонидан ҳам кечишга тайёр турган қиздан шуни ҳам сўраб ўтириш ҳақоратдек туюлади унинг учун. Қизнинг тиззасига бош қўйиб, кўзларингни юмасан. Қиз нозик ва ҳароратсиз туюлган бармоқлари билан сочингни силаганида, бу дунёда бахтсизлик не эканини англаб етасан. Қиз ҳаловатингни бузиб қўйишдан чўчиб, оҳиста сўрайди:

— Айтмайсизми?

— Нимани?

— Бир гап айтаман, дегандингиз.

— Келганингиздан буён неча гаплар айтдим, шулардан биттасидир-да.

— Йўқ... Айтинг.

— Нимани айтай?

— Нега бошқа қизларнинг эмас, менинг тиззамга бош қўйяпсиз, шуни айтинг.

Хоҳласангиз...

— Чунки...— «Сен ўзинг келдинг» дея олмайсан, гапингнинг қолганини ютиб юборасан. Қизнинг энтикиб, майин титраб кетганини ҳис қиласан.— Билмадим, эҳтимол шуни хоҳлагандирман.

— Нега хоҳладингиз, шуни айтинг,— дадиллашади Қиз.

— Билмадим...

Қиз муштоқлик билан сиздан сўз кутади. Йўқ, ўзингни алдай олмайсан, Қизни ҳам, Бу сўз дунёда ягона бир қизга аталган эди, афсус...

Тун ярим, армон ҳам...

— Эртак айтиб берайми?— сўрайсан Қиздан. Қиз недандир умидвор бўлиб сергакланади. Яна битта тамаки тутатасан.

— Бор экану йўқ экан, оч экану тўқ экан, бир йигит бўлган экан. Олгану олдирмаган, енггану енгилмаган, ўзгану тўзимаган, хуллас, йигит бўлиб ҳали сазаси ўлмаган экан. Билагида кучи, юрагида ўти жўш урган йигит баногоҳ Қуёшга ошиқу беқарор бўлибди. Йўталсам осмон гулдирайди, қоқилсам ер қалдирайди, наҳот шу Қуёшга етиша олмасам, дебди йигит. Йигит Қуёшни мўлжаллаб сопқон отибди. Отибди-ю, ўқи Қуёшга эмас, Ойга тушибди. Энди йигит қўлида Ой, ғуссага ботганича Қуёшга қараб бўзлар эмиш.

Алқисса, қуёшга қараб сопқон отсанг, ойга тушармиш.

Сен узоқ сукўт сақлайсан.

— Шу холосми?— ажабланиб сўрайди Қиз.

— Шу холос,— хўрсинасан сен.

— Кейин-чи, йигит нима қилибди?

«Дарҳақиқат, йигит энди нима қилади?», ўйлайсан эртакни қандай давом эттиришни билмай. Ва ниҳоят...

— Қолганини кейин айтаман,— дейсан оғриниб.

Яримлаб қолган тамакини кулдонда узоқ эзғилайсан.

Тун зада, кўнгил зада...



Олим Тошбоев

КИПРИК СОЯСИ

Ҳикоя

«Барчани қўйингу мен зорга йиғланг».

Бедил

«Фоний дунё бандалари нимани унутишади?!»

«Ҳамма нарсани. Ҳатто Тангрини ҳам».

Дунёда одамлар бир-бирларига Киприк янглиғ яқин яшайдилар. Аммо... тўймайдилар бу ёлгон Дунёга. Менинг эса... рухсорим киприklar соясида ниҳон бўлур. Бебақо оламнинг нолакор бандалари ногоҳ бандларидан узилсалар ҳам, яна сўрайверар, тўймас қаро Ер...

Биргина киприктан айро тушсам гар, сизиб чиқаверар жолаваш ёшлар...

* * *

Қабристонда икки жон, тун қорасида тентирайди. Бирининг қўлида фонус. Изма-из, қорама-қора, гўрларни айланиб боришмоқда. Тун осуда, қуриб хасга айланган шўра, каврак, янтоқларнинг шитир-шитири қулоққа кумдек қуюлади.

— Қулмават, тўғрингдагиси. Адашма. Фонуснинг пилигини сал кўтариб, анави жойга маҳкамлаб ўрнат. Эҳтиёт бўл, қабр бошида тошлар бор. Тагин бел тақирлаб, гирдимизга шовқин солмасин.

Йўл бошлаб бораётган қора, бош ирғаб, «майли» дегандек тасдиқ имосини қилди. Фонус ёруғида бел дасталари ялтираб кўринди. Икки кўланка гўристоннинг қуйироғида дўмпайиб турган қабр бошига келиб тўхтади. Гирдо-гирд сокинликка бош қўйган. Бу маъсум сукунатни қишлоқ итларининг чўзиб увлаши бузади.

— Саттор, кўнгилни бўш этма. Сўнгги чорамиз шу. Худога осий бўлдик. На илож. Эмаса, уруғимиз қирилиб кетади. Худонинг бирлигига, шўр тақдирнинг ғуломи эканлигимизга шаҳодат келтириб, шу ишни қилмоқдан бошқа йўл топа олмадим. Оллоҳу акбар! Қани, ё бисмиллоҳ!»

Азизлар мулки бу тун нотинч бўлди. Бақо мулки гулшанида сайр этган руҳлар, бир манзилдошининг чирқираб азобланаётганидан фиғон қилар эдилар. Руҳлар дийди-раб, қондошлари қўлида эзғиланаётган бир ҳаммулкларининг аҳволига тоқат қила олмадилар. Нурлар кўчиб, Руҳ диёри ҳувиллаб қолди... Қабрни очиб бўлган бу икки суврат, ҳориб қолганига қарамай, гўр ботинидаги мурдани излар эди. Баногоҳ... Тан-дирдек келадиган гўр саҳнида бундан ўн ойлар бурун қўйилган жасад... ўша тусда, оқ кафан-либосга бурканган ҳолда бузилмай турибди. «Е раб! Е пирим!»

Бу мудҳиш кўргулик икки жонни тамом гангитди. Безабон, бир-бирларига дийди-

раганча термулиб қолишди. «Наҳот... Йўғ-э, кўзга шундоқ кўрингандир. Ун ойдан бери... Ақл бовар қилмайди-я! Ҳаммаси рост...» Кўрган кишининг ақлини шошириб, йўлини йўқотадиган воқеа эди. Йил чамаси олдин кўйилган мурда... Уз тусини йўқотмаган. Йўргакдаги чақалоқ мисол турибди. «Наҳотки, одамлар гапи рост бўлса. Наҳотки... мурда чақираётган бўлса. Норизо эди-я! Ортимда қолганларни бирин-кетин йўқотаман, деб аҳд қилдим экан?! Эй, Худо! Бу не кўргуликки, бизнинг фақир бошимизга ёғдиришни ирода этибсан? Изма-из уч танин тупроққа топширдик-а?! Э, вох, тупроққа қоришиб кетди-я!» Саттор ҳиқиллаб, хийла фурсат ўзини боса олмади. Кўз ёши дарё бўлиб, киприклари ғилтиллаб ёшга тўла берди.

— Тангрим, мен отамни... Қандай қилиб... Қўлларим билан... Э, йўқ!

Саттор энтикиб-энтикиб, белдастага суюнган кўйи ўтириб қолди.

— Эл-улус нима дейди?! Падаркуш демайдимми?! Қонхўр, золим атамайдимми номини? Қишлоқда қандай бош кўтариб юраман?! Тўй-азага қайси юз билан кўшиламан? Мен — отажондорнинг элдан айрилганим шу эмасми?! Сўфи бобо руҳи тутмайди мени? Азиз-авлиёлар юз ўғирмайдимми?! Ота юртим дейишга тил қолмади менда. Эй, Худо!

— Саттор! Бу мунғайиб ўтиришинг билан юракни эзма, ука. Бўлар ишлар бўлиб, бўёғи сингди-ку! Утиргандан фойда йўқ. Иримларининг ҳам падарига лаънат. Қуриб кетмайдимми шу ирим зоти. Бошимизда бор экан, мана, кўриб турибмиз. Барча амалсийловлари кор бўлмади-ку! Мана, кўрдик. Биб-бинойи бўлиб турибди. Ҳаммаси рост. Жаллодсифат бўлиб бўлса ҳам... Қиламиз. Ҳалиги қанорга солиб, сой ичига судраб ўтсак бўлди. У ердан ҳеч ким кўрмайди. Шояд, гўр оғзига келиб қолган синглимиз тузалиб кетса. Бўлди, тур. Ҳадемай тонг ёришиб, элнинг қарғишига қоламиз».

Икки суврат мурдани лаҳаддан олиб чиқди. Саттор ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Қулмамат зарба еган одамдек «оҳ» тортиди. Қабр бошига уюлиб қолган тупроқлар ҳар ёнга сочилди. Мурдани қанорга солиб, торта бошладилар. Қаро тун яна ҳам қаро тортиди.

Сомон йўли бу тун хийла ёруғ. Сой ботинида гуриллаб ёнаётган мунгли олов нидоси кўкка ўрлади. Кўкда эса юлдузлар...

* * *

Оллоҳ даргоҳидан сўнги пайғамбарнинг гуноҳкор умматлари макон айлаган маъво — Ерга тушган малоика-фаришталар, дийдалари қуриб, ўз дорус-салтаналарига парвоз этдилар. Ерга яна бир хунхўрлик воқеъ бўлган эди...

Тонг сахар молларни даштга ҳайдаб чиққан қора кўзлар қабристон мулкида шамол қанотларида пирпираб учиб юрган кафан парчаларини кўрмади. Сочилган оқ мато бўлаклари ахири шамол тегмас паноҳларга беркинди... Сўфи бобо — Руҳлар ватани ўз сукунатини яна бағрига босди.

* * *

Саттор отасининг қирқи кунлари онасини ҳам Худога топширди. Азроил омонатни марҳумнинг завжага ожизаларидан ҳам қайтариб олди. Дунё зулматга дўнди. У шундай хилқат либосига ўрандики, бунда ой ҳам порламас, қуёш ҳам нур сочмас эди. Юлдузлар ситилиб кетган мунчоқлар каби ерда думалаб ётибди... Тوشлар билан ҳамсоя...

Бунда ёлғиз довул ўқирарди. Сахро наъматлари сочилганди, гўё. Ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарсани раво кўрмади... ғамдан бўлак.

Саттор бугун яна тўшак гирдида парвона. Кўз косалари ичига тортиб кетган, лаблари оқариб, тарам-тарам ёрилган бемор шифтга термулиб ётибди. Ҳатто, чивинларни ҳам ҳайдашга интилмайди. «Бурун катаклари аввалгидан хийла катталашибди. Бармоқларининг тирноқ ости эти ҳам қонсиз. «Эй, Худо! Буни ҳам кўп кўрдингми?! Яратганнинг қарғишига қолдим бу уй?! Кетма-кет... Отамни топширдик. Улим ҳақ, ҳамманинг бошида бор дейишди. Кўндик. Қочиб қутулиш бандасининг қўлидан келмас экан. Кейин... Онамиз... Бу сафар ҳеч кимдан садо чиқмади. Онамни ҳам қаро ерга йиғлаб-сиқтаб қориштирдик. Энди эса... Нималар бўляпти ўзи?! Уз оёғи билан юрган эди-я! «Бошим-бошим»лаб тўсатдан йиқилди. Шундан бери аҳволи оғирлашиб боряпти. Қушноч момо ҳам эмлаб кетди. Бахшига қулоқ-бошини ҳам «торттириб» кўрдик. Дўхтурларнинг давоси кумга синган сувдай йўқолди. Барисидан наф бўлмаяпти. Эй, Яратган эгам! Бор шифо сендан. Узинг қўлла, Раҳмон!»

Саттор Қушноч момо лафз қилган кўк қўйни тўшакда ётган укаси бошидан айлантариб, Худо йўлига, азиз-авлиёлар, ота-онаси руҳига бағишлаб қон чиқарди. Ушанда у «Кўннинг кўпи билан яхши бўлиб кетади» деган таскинга кўнгил боғлаган эди. Афсуски, ундай бўлмади. Уйлари ўтга туташди. Тескари айланиб кетди тегирмон тоши.

Бу кўҳна даҳрнинг тасбеҳ тошларидек айланиб келаётган кунлари ўтиши билан, яна бир ёниқ юлдуз сўна борди. Оқибат сўнди.

Қишлоқ одамлари бу ғариб кулбадан икки ой ичида учинчи бор тобут кўтариб чиқдилар... Изиллаб уввос тортар эди ҳовлидагилар. Кўз ёшлар ҳам қуриди. Аламдан

тошлар совуқ урган тупроқдек уқаланиб кетди. Нотанти дунёнинг ғамбода кунларидан дод демакка ҳеч бир дил имкон топмади. Игнанинг кўзидек торайиб қолган умр залвори ҳаммани дол қилган эди. Қишлоқ одамлари мучал суриштиришди. «У яхшилар, йил бебаракат келди. Ҳар жойни сув босиб, элга офат ёғилгани рост. Бу кўргиликлар ҳам балиқнинг қадамидир?»

Саттор одамови бўлиб қолди. Уйдан чиқмайди. Ҳовлида ҳам боши эгик. Арвоҳ сувратига кириб қолган. Рангида қон йўқ. Мабодо гапирса, лабларини тинимсиз ялай беради. Гаврасидан чиқаётган «ух» тафти хашак ёндиради. Умидлари тушовланиб қолган кунларнинг бирида, офтобшувоққа ўтириб, укасининг тўшакка ётиб қолган пайтларида айтган гапларини хотирлади.

— Саттор ака, кеча туш кўрибман. Уйда икковимиз ўтирибмиз. Эшикдан отам кириб, мени имлади. Улим, олиб кетгани келдим, деди. Тушунмадим. Ота, Саттор акамни ҳамми дея қайта сўрадим. Шунда отам, йўқ, сен менинг яхши кўрган улим эдинг. Шунга келдим, деб кулиб жўнаб кетди.

Кажрафтор фалакнинг дилўртар кунида унинг қалби бужмайди. Кун кўрмай кетган укасига ачинди. Бошида давра қурган ўйлар тинчлик бермади. Укасининг сўнгги нафасидаги гапларини эсга олди.

— Ака, мен отамнинг олдига кетяпман. Ҳар кеч чақириб қолади. Элас-элас онамни ҳам кўргандек бўлдим. Ака, шу экан... мени... отам чақиряпти.

Саттор бу сўзларни унута олмади. Унутмоқчи бўлиб ўзини кўп ишларга алаҳситди. Барибир бўлмади. «Ака-уканинг жони бир-у, моли бўлак», деганлари рост экан. Ҳадеганда укасининг сиймоси кўз олдига келаверди. Жасад олиб чиқилган томга киришга юраги бетламади. Ҳатто бир сафар нохосдан ўша томга кирганида, тўрда укаси... кулиб қараётгандек бўлди. Шундан бери у ерга оёқ босмайди. Саттор, кун ботар маҳаллари йўлга термулиб унсиз йиғлайди. Лекин... билади: чироқ ёндими, унинг ўчмоғи ҳам бор...

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Одамлар «ярим нон роҳатижон, битта нон балои жон» қаноатини маҳкам тутиб, Оллоҳнинг ўлчовли умрини сура бердилар. Сойдаги сочилган кулларни ўзга элларга сувлар оқизиб кетди. У изларни кузнинг шамоли учириб, қишнинг қорлари кўмди...

Баҳор ҳам омонат умрини яшаб, элга вафо қилмади. Олам сарғайиб, майсалар қуёш тигига қалқон бўлди. Тупроқдан намлик қочиб, қатрон бўлиб қолди. Дилютар дунёнинг қонли қиличи гўё қинга киргандек. Йўқлар ҳам хотирни тарқ қилиб бормоқда. Улусга дўзаху жаннат, пулсироту обикавсар, Мункар Накиру Исрофилдан лоф сурган мутаассиблар туман янглиғ тарқалди. Ҳаммаси ҳам бу майдонга тушиб, қуруқ қолмаган. Ё фано, ё бақо...

«Бу дунё бевафо», дея кўшиқ айтганлар ошиқлар эдилар. Улар дунёнинг бемаъни оҳанг таратадиган созлари кўп эканини эрта фаҳмлаган эдилар.

* * *

Ғам бу ўтовга яна қўшхона солди. Унинг сира кетгиси йўқ, Азроил каби тағин жон сўра эди. Дард бу сафар бир гулғунчани, яхши-ёмон нелигини англаб етмаган бир қора кўзни нишонга олди. Тақдирнинг ҳар мақомидан юраги безиллаб қолган Саттор, дунёга келганидан нолиди. Ҳаётдан қўлини ювиб, қўлтиғига урди. Ҳатто, аччиқ устида буни хотинига ҳам айтиб юборди. Илтижолни нигоҳ уни яна чорлади. Уринда ётиб қолган жондан азиз синглиси Ойхон босинқирайди.

— Кетаман... Отажон. Қувманг... Ака!..

Саттор йиғлади. Тийиқсиз хўрсиниқдан ёшлар дув-дув оқаверди. Юракдаги бор алами кўзидан сочилди. Икки тиззасини ўрин четига бериб, ўкириб йиғлади. Ёдига гоҳ отаси, гоҳ онаси, гоҳ «Акажон» деб термулиб кетган укаси келаверди. Кўзидан ёш чиқмай қолгунча йиғлади. Осмон тешилди — эркак йиғлади! Дунё ўт ичида қовурилди — эркак йиғлади-да. Ғайрлар қадах сунди, фаҳшлар этак кўтарди — эркак йиғлади-да.

Ойхоннинг икки юзи тандирда ёпилган кулчадек ловуллаб турибди. Чаккасидаги тер томчилари йилтиллайди. Бир уйга қуёш, бир эркакка йўлдош бўларли барчинкелбат Ойхон, дардқаш тўшак кўйнида қолаверди.

Тешиккулоқ одамлар тизими ҳол сўраб ҳовлидан аримайди. Саттор гоҳ унисининг гапини тинглайди, гоҳ бунисининг. Табибсифатлар ҳам бўлди. Барибир, умид панжалари Арш тахтини тутди. Ўзга дармон йўқ. Паноҳ ёлғиз Узидан!

Дард тунлари эгиз туғарди. Санчиқлар зарбидан Ойхон ўзини ургани сайин — тунларнинг оғири оғир бўлаверди.

Саттор амакиси Қулмаматни кутиб айвонда ўтирибди. Эрта саҳардан келган Қулмамат, Ойхоннинг аҳволи руҳиятини кўриб, ортига тисарилди. Сатторни ташқарига чақириб:

— Саттор, иним. Кўриб-билиб синглимизни ажал домига гашляяпмиз-а?! Номимиз қора бўлса ҳам, кайвонилар айтганини қиламиз. Отанг қабрини очиб, мурдани чавақлаб ёндиришимиз керак эмиш. Дарднинг бели ўшанда синар экан. Бўлмаса... тағин ўйлаб кўр. Лекин... шундай қилиш керак. Чин бўлса, мурда йил ўтса ҳам бузилмай турар экан.

Унинг аломати шу экан. Вақт ғанимат, шу кеча борамиз. Касални бетига термулиб, юрак эзиб ўтиргандан фойда йўқ,— деди.

Қулмамат кунботарда келишини айтиб қайтиб кетди. Сатторнинг эса ўтириши шу. Тонг отгандан бери синглисининг қабоғига қарагани-қараган. Ичкаридан келган чинқириқдан Саттор бошини буриб қаради. Шу пайт ички томдан хотини йиғламсираб чиқди. Саттор ўзини кўрмаганга солиб ерга қаради. Кўнглидан гап ўтди: «Отам ҳаммамизнинг бошимизга етади. Онамни олиб кетди. Укамни олиб кетди. Энди эса... Йўқ. Қулмамат келсин. Кўрайлик-чи, ростмикан?..»

Номозшомда Қулмамат келди. Утган ишларни хотирламаслик учун тилга эрк бермадилар. Талқон ютган одамлардек, жим ўтиришди. Қишлоққа ваҳимали тун чўқди. Одамларнинг чироғи бирин-кетин ўча бошлади. Тун яримлаб қолганда, икковлон уйдан чиқишди. Саттор бўсага ҳатлаётиб, Ойхоннинг қаттиқ ингранганини эшитди. Бўйнига буров солингандай, ич-ичидан озорланди.

Каштага солинган гуллар мисол, осмонни юлдузлар безаган. Чигирткаларнинг «чир-чир»идан бўлак овоз йўқ...



Козим Даврон

АРМОН

«Нега шундай қилдим? Энди нима бўлади?..» Кечки овқат тайёрлаётган Раҳима гоҳ-гоҳ хўрсиниб, шу ҳақда ўйларди. Дили ғаш, кўнгли вайрон. Кўргилик ёмон. Айниқса, ўзинг тилаб олсанг. На дардингни бировга айта оласан, на бир маслаҳат сўрайсан. Ёғинда қоврилаверасан.

У оёқ остида ётган бир қучоқ ғўзапоядан тутамлаб олиб, ўртасидан синдирди-да, ўчоққа ташлади. Тафти сусайиб қолган олов хиёл вақтдан сўнг яна гуриллади.

Сал нарида газ плитаси турарди. «Газ плитаси турганида ўчоқдан фойдаланадими?» деб ажабланманг. Гап шундаки, газдан ғўзапоя яхши. Ана, ҳовли этагида уюм-уюм бўлиб ётибди. Кузда бир аравасини бостирма томига босиб қўйсангиз... Учоқда пишган овқат мазали бўлади. Газ эса чой қайнатишга тузук. Меҳмон-пеҳмон келиб қолганида бирон-бир суюқ овқат ҳозирласа ҳам бўлаверади.

Эндигина йигирма бир баҳорни қаршилаган Раҳима ҳам умрида бирон марта ўчоққа ўт қалашидан афсусланмаган. Аёл киши. Қисмат-да. Чекингга тушса — чекчайма. Турмушга чиқаётган чоғидаям баъзиларга ўхшаб шоҳона яшашни хаёлига келтирмаган. Энди ўқитувчи бўлолмаслигини ўйлаб, кўнгли хижил тортган, холос.

Салдан сўнг ҳовлига овсини — Маҳфуза кириб келди.

— Бувим қани?— дабдурустдан сўради у, қошларини чимирганича.

— Уйда,— деди Раҳима.

Қайнонасининг уйига кириб кетаётган Маҳфузани ортидан кузатганича қолган Раҳима яна ўйлади: «Бошланди шекилли. Нега бувимнинг олдига кириб кетди? Нимага ҳеч нима демади? Қаерданам кирдим уйига?..»

Боя, қайнонасининг гапи билан овсиникидан сўт олиб келишга борганди (ўзларининг сигири сўт бермай қўйди), Маҳфуза ичкарига мánзират қилди. Сухбатлашиб ўтиришди. Элакка чиққан аёлнинг эллик оғиз гапи бор-да. Бир вақт қарасаки, қўл чўзса етар-етмас нарида бир тахлам рўмол турибди. Қизиқиши устун келиб, биттасини олди-да, ёйиб кўрди. Келинчакларга насиб этадиган янги хилидан экан. Мақтади. Бундай

матоҳни ҳозир ҳеч қаердан топиб бўлмаслигини айтди. Укасини уйлантиришаётганию онаси худди шундай рўмол қидириб зир югуриб юрганини эслади. Овсинининг айтишича, рўмолларни эри дўқондан бериб юборибди. Ақалли бир донасиям ортиқча эмас, ҳаммасининг «эгалари» бор экан. Боз устига, мижозлар олдида ёлғончи бўлавериб «бети» қолмабди. Аттанг, аввалроқ билганида... Нима бўлдию суҳбат сунгида Маҳфуза ташқари чиқиб кетиб, ҳаяллаб қолди. Шунда уни шайтон йўлдан урди! Рўмоллардан бирини қўлтиғига қистирди...

Вақт ўтган сари Раҳиманинг диққати ортиб борарди. Ошни дамлаб бўлгач, ўчоқ ичидаги чўғларни чиқариб ташлади.

Шуни кутиб тургандек, қайнонаси ичкаридан туриб қақириб қолди. Раҳима айвонга кўтарилди.

— Ҳа, буви, чақирдингизми?

— Овқатни пишириб бўлдингизми?

— Ҳа.

— Унда лип этиб овсинингизникига кириб, эшигини қулфлаб чиқинг. Бу менга тўшак қавишяпти. Бугун тугатиб қўяқолайлик. Овқатингиздан бир чинни бериб юборасиз, ётар-қўноққа шуям етади.

— Калит эшикнинг ўзида,— қўшилишди овсини.

Раҳима қайнонасининг мақсадини уқди. «Ўзини-ўзи фош этсинми? Шивир-шивир гап-сўзларга қолиб-а! Кейин қандай бош кўтариб юради?»

— Эгасиз уйга кирмайман!— деди у.

Қайнонаси жим бўлиб қолди-да, сўнгра деди:

— Ундай деманг-да, болам. Бегонаникимиди? Эгаси сиз билан биз.

— Барибир бормайман.

У изига кескин бурилиб, яна ўчоқ олдига борди. Қўлига чўп олиб, устини кул қоплаган чўғ уюмини титкилай бошлади.

Кул титкилаш унга «йўргакда теккан дард». Қизлик чоғларида, ота-онасининг бағрида юрган кезлари ҳам дадаси даладан қайтиб, «овқатинг тайёр бўлдим, қизим», дея дарвозадан кириб келмагунича шу кўйи ўтираверарди. Укаларининг «қорним очиб кетди», деб тўнғиллашларига парво қилмасди. Манглайига оқ дурра боғлаб, эгнидаги шойи кўйлаги терлаган баданига ёпишиб қолганига безътибор юраверади деганини яши кўрарди у.

Овсини уйдан қайтиб чиқди. Хомуш. Қайнонаси кузатиб қўймоқчи ёки оёқ-қўлини ёзмақчи бўлдим, ҳарқалай унга эргашиб чиқиб келди. Маҳфуза шунчаки хайрлашиб, уч-тўрт қадам ташлагач, тўхтади. Уйга чўмган ҳолда бундай деди:

— Уғлингиз келгач, дейдиганини дейди-да.

— Мен сизга айтдим-ку!— деди қайнона.

Раҳима бошини қўйи эгган кўйи қимир этмай ўтираверди.

Маҳфузанинг сабри тугади чоғи, «дардини тўқолмай тура олмади»:

— Ҳе, олмай ўлгур. Қўлингга куйдирги чиққур-а!

— Ҳай-ҳай, бу нима деганингиз!?— деди қайнонаси ранги ўзгариб, унга яқинлашаркан.

Овсинининг сўзлари Раҳимани юрагини зириллатди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Нега бу ерда қарғанасиз?! Қарғанадиган жойми сизга?!

— Бўлди қилинглар, бўлди,— орага тушди қайнона.

— Сизга тегиб кетдимиз? Ажаб бўпти. Дадам билан бувимнинг топган-тутганига эрингизни топган-тутганини қўшиб, катта-катта еб ётгунча, тўпласангиз бўлмайдимиз?

— Ҳм... куйиб кетаяпсизми?! Эрим пешонасини терлатиб топиб келяпти.

— Биз ҳаромхўр бўлиб қолдикми ҳали!

— Бўлди қилинглар!— Ночор эди шўрлик қайнона. Келинларининг оғзига пахта тиқиб қўёлмасе.— Етти маҳаллани бошларингга кўтаряпсизлар-а!?

Шу маҳал Раҳиманинг эри — қурилишда ишчи бўлиб ишлайдиган Қобил кўчадан кириб келди. Бақариқ-чақариқни эшитган шекилли, ҳайрон бўлганича онасига юзланди:

— Нима гап ўзи? Тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик,— деди онаси шошиб ва уйингга кириб кетавер дегандек ишора қилди. Кейин Маҳфузага деди:

— Уят эмасми? Сиз каттасиз, ўзингизни босинг энди.

Чиқиб кетаётган Маҳфуза барибир ўзини батамом қўлга ололмади:

— Биздан сўраб нима қиласиз! Ҳалол, покиза оймтиллангиздан сўранг.

Кампир бошини сарак-сарак қилиб, уйига қайтди. Қобил хотинига қараб қўйиб, онасининг изидан юрди.

Раҳима яна жойига ўтирди. Тағин кул титкилашга киришди. Ниҳоят, қатъий қарорга келди: «кетаман, ҳозироқ кетаман».

Уйига кириб, меҳробдаги кўрпа қатидан рўмолни олди. Айвонга қайтиб чиқди-да, устунга илиб қўйди. Сўнгра бир-бир босиб, кўчага чиқиб кетди...

Раҳима ишламас эди. Далага чиқай деса, тенгқури йўқ эди. Қишлоқ марказидаги фабрикага ишга жойлашмоқчи бўлиб, рўйхатга ёзилганига бир йил тўлганди...



Шукур Қурбон

ТЕРАН ТУЙҒУЛАРГА ТАШНА БЎЛИБ ЖИМ



Оҳу эдик...

Қўрқув тоғларида югуриб толган
Оҳу эдик, кўрмадик сайёдимиз
«Келажакнинг порлоқ», деган зўр ёлғон
Булғади юз йиллик ҳаётимизни.

Ўқ едик,
Қуладик қоялардан тик,
Кўҳна жилғаларга қонимиз оқди.
«Ўтмишинг аянчли», деган юз йиллик
Зуғум асоси ҳам пуч бўлиб чиқди.

Абдулла Орипов тўғрисида сўз

Нутқ

Устоз тўғрисида унинг қошида
Сўз айтмоқ, эҳтимол, бир оз ноқулай.
Ва лекин, Абдулла Орифнинг шеъри
Турфа ўйловлардан устун, ҳар қалай.

Зеро самимият деган машъала,
Аср-асрларнинг ёритар қаърин,
Халқ дардининг шунча залвори, заҳри
Йиртиб юбормасми бир шоир бағрин!

У ёлғиз яшайди, гарчанд ёнида
Ҳамроҳлари бордир, ҳамрози бордир.
Ҳар қандай даврда руҳий оламни
Бир ўзи қайтадан қуришга қодир.

Тавбага бош урган насроний мисол,
Уни йиғлаб-йиғлаб ўқимоқ мумкин.
Фақат шеър ғашликдан айлайди фориг:
Севган ва севилган кўнгиллар мулкин.

Буюк чўққиларнинг елкаларида
Қуёшга юз тутиб порлагандек қор,
Бу назм кўйнида имон шаклида
Минг рангда товланиб ёнар ифтихор.

Уни шоир ёки арбоб, деб эмас,
Бир оғадай яқин кўрмоқлик керак.
Унинг ҳузурига шошилмоқ лозим,
Ёмонлар дастидан куйганда юрак.

Ё тавба! Улуснинг бир шоирига
Қайдан пайдо бўлди шунча кўп ғаним?!
Укасидай суйиб юрганлари ҳам
Чоғландилар унга човут солгани.

Юзтаси бир бўлиб бу шоирчалар
У қилган юмушни бажара олмас.
...Майда ўй-хаёлга унда фурсат йўқ,
Кимнинг ким эканин вақт кўрсатар, бас!

Ҳаммамиздек инсон, ҳолбуки, у ҳам,
Бола-чақаси бор, оиласи бор.
У ҳам ишга қатнаб олади маош,
Қозонини шуҳрат қайнатмас зинҳор.

У ҳам кечалари ўлтирар ҳорғин,
Дунё ишларидан юраги зада.
Беайб парвардигор, балким шеър эмас,
Шароб сипқоргиси келар баъзида.

Баъзан ўйлаб кетар душманларининг
Разил қилмишларин, бош букиб пурғам,
Ўзи қолиб, гоҳо темир қанотли
Шогирдларга қилган ҳужумларин ҳам.

У азоб чекканда валийдек азиз,
Кўз ёшлари кавсар сувидек тоза.
Булбулдек кўкси чок бўлганида ҳам,
Яшар бу дунёда тақдирдан рози.

Ҳар хил қарор, ҳар хил шиорни эмас,
Шоирни тушунмоқ муҳим биз учун,
Зеро, у етаклар авлод-авлодга
Бугуннинг қалбидан ўтган сўз кучин.

Гоҳо сал мундайроқ шеъри ёзилса,
Демак, яратмадик биз унга имкон,
Шоир тақдирига бепарво давр
Бу ёруғ жаҳонда хордир ҳар қачон.

Шеърга муносабат белгилар аён
Тоабад инсоний қиёфамизни,
Абдулла Орифнинг сатрларида
Минг йил оша балким кўрармиз ўзни.

Устоз, ноқобилроқ шогирдман балки,
Балки чорласангиз кетганман нари,
Кетсам-да, сиз сари кетганман фақат,
Сизга зор кетганман — маҳзун ва ғариб.

Теран туйғуларга ташна бўлиб жим,
Қайтдим, балки яна минг бор қайтурман.
Абдулла Орифнинг зўр шоирлигин
Бераҳм йилларга бўзлаб айтурман.

Дарвоқе, бунинг ҳеч ҳожати ҳам йўқ,
Ана, шеърларингиз янграр устувор.
Сиз каби устозим борлиги учун,
Холос, фахрлангим келди қайта бор.

Ортиқча одам

Орангиздан ўтиб кетайлик шундок.
Қайтмаймиз,
Безовта қилмаймиз бошқа.
Куйладик —
Кўнглимиз тўлиб кетган чок,
Инградик — бошимиз текканда тошга.
Изимиздан ғийбат қилингиз, биз шод,
Тўкилар орттирган гуноҳларимиз.
Керагидан ортиқ сийлади ҳаёт,
Керагидан ортиқ қалб доғларимиз.
Керагидан ортиқ севдик,
Йиғладик —
Бир пари-пайкарнинг васлига ташна.
Муҳаббат боғига бизлар сиғмадик,
Сиз сиғинг, илойим,
Сиз — бахтли яшанг.
Сизни тарк этмасин иқбол ва омад,
Толе қаршиласин сизни ҳар саҳар.

Бизсиз бемалолроқ қозонинг шухрат,
Бизсиз бемалолроқ уринг қаҳқаҳа.

Кечирасиз,
Ўтиб кетайлик шундоқ.

Туйғулар шажараси

1

Дунё — кечки бозор. Ҳамма шошилган.
Харидору сотувчи, даллоллар толган.
Тўрвалар тўлмаган, бунинг устига
Расталарда нуқул ўтмас мол қолган.

2

Оламда тасодиф фараҳ ҳам бўлгай,
Одамзод омаддан қарзхт ҳам бўлгай.
Зағизғон ўғирлаб қочган ёнғоқлар
Бир кун осмонўпар дарахт ҳам бўлгай.

3

Табиат ҳаётни кузатар ҳар чок,
У бизга хайрихоҳ, биздан улўғроқ.
«Бундай яшаб бўлмас, уят!.. Ҳай, уят!»
Сарак-сарак қилар бошини япроқ.

4

Эл муҳим бир сирни билаётгандай,
Ўзининг ҳолига кулаётгандай.
Мажлисида қўлини кўтарган зотлар
Осмонга ишора қилаётгандай.

5

Қайдан бу сафсата, қайдан бу сўроқ?
Раҳбар кўрқоқ бўлса, кўнгил минг кулоқ.
Қуён саркардалиқ қилган шерлардан,
Шер олға бошлаган қуёнлар зўрроқ.

6

Умр — хато, пушаймондан иборатми?
Ҳадеб янги мақсадга от кўймоқ шартми?
Эрта бари бузилар-ку қайта бошдан,
Нечун таъмир айламак бу иморатни?

7

Армонда фараҳ бор, азобда фараҳ,
Ўз-ўзидан келмас кўзлаганинг — бахт.
Шамол юлқиб-юлқиб эгиб ўтадир,
Балким шунинг учун тик ўсар дарахт.

8

Яхшидир-ёмондир кўксимга ғамлар,
Орангизда мен ҳам борман, одамлар.
Мен ҳам безовтаман, мен ҳам йиғлайман,
Сўнмасайди дейман қалбларда шамлар.



Чоршаъм

БИР ИЗТИРОБ, БИР УЛКАН АЗОБ...

Адашиш

Бухорода адашдим, ё раб,
Ўз шаҳримда, ўз масканимда.
Анграйганча атрофга қараб
Номус ёнди жону танимда.

Уялдимда йўл сўрамоқдан
Туравердим далли, девона.
Туравердим ички кийноқда,
Менга яқин келди бир она.

«Болам, Бухорои шарифга
Меҳмон бўлиб келгансиз чоғи?»
«Йўқ» дейишга тилим бормади,
Чоршаъм, қандоқ бўлди бу ёғи?

«Ҳа, — дедим, — ҳа, адашдим, она,
Ёрдам беринг, тоғай йўлимни».
Тушунтирди ётиғи билан
Бир чеккада тутиб қўлимни.

Шукр айтиб кетдим сарсари —
Ўлганимдан бўлгандай баттар.
Бир пул бўлди ҳаётим бари,
Ё, алҳазар, э воҳ, алҳазар!

Бир изтироб, бир улкан азоб
Бош кўтариб келди бағримдан.
Мен бу дардга беролмасман тоб,
Учраганим шудир қаҳрингга.

Кечир, она шаҳрим, ўғлингни,
Адашмайин юриб дунёда:
У адашиб кетган бағрингдан,
У билмаски — сенсан ягона.

У билмаски — абадул — абад
Томирингга туташ эрканин.
У билмаски — ҳеч вақт бесабаб
Мумкин эмас руҳнинг ўлмаги.

Қул адашса кечирса бўлар,
Кечирилмас адашган шоир:
Келганда ҳам бемаврид маҳшар,
Келганда ҳам қатағон давр.

Ахир, энди ғўр бола эмас,
Мен ҳам сенга битта зарраман.
Қайга кўчиб, қайга қўнмайин:
Сен мендасан, мен ҳам сендаман.

Яхши ҳамки кечиримли эл,
Доим киргай жонимга оро.
Яхши ҳамки топмоғимга йўл
Она бордир, бордир Бухоро!

Иқроф

Гуноҳларим учун сиздан
Сўролмадим мен узр.
Бўйнимда бу қарзим бўлиб
Келаётир бир умр.

Юволмасман уларни, йўқ,
Улар энда хотира.
Ун йиллардан бери тинмай
Азоб берар шу яра.

Тирналади узун тунлар:
Гоҳ юмшар, гоҳ қотар тош.
Яна дилда сиза-сиза
Дилни айлар қонталаш.

Гуноҳларим — ғўрлигимдир,
Пешонаси шўрлигим.
Муҳаббатнинг кўзи кўр, деб,
Билмадим ўз кўрлигим.

Еру кўкка ишонмайин
Ҳаммадан рашк айладим.
Минг бир кўйга солиб тагин
Видои ашк айладим.

Энди ўзим йиғлагайман
Ал қасос — ул минал ҳақ.
Жазо ҳукмин билмагайман,
Жазо шуми... юрак талх!

О, худойим, каромат эт,
Тўқнаш айла бир бора.
Сўзларимдан бушалай сал
Ҳеч бўлмаса ёлвора.

Гуноҳларга иқроф бўлай,
Тиз чўкай, пойин ўпай.
Ахир, ахир... муҳаббатни
Мумкин эди авайлаш.

Гуноҳларим учун сиздан
Сўрай олсам мен узр.
Бўйнимда бу қарзим бўлиб
Кетсин майли бир умр.

* * *

Қуюндек айланиб тақдир
Бизи қайта учратмасму?
Сабо келди баҳоринг деб,
Тагин тонглар уйғотмасму?

Кўнгилни яйратиб ўтса
Чаманларда ажиб ханда,
Висолни кўргани онда
Фироқлар ғамга ботмасму?

Жўшиб сайроқи қумрилар
Навозиш айласа тинмай,
Очилик ишқ гули, ҳай-ҳай,
Юракка оташ отмасму?

Доғи ҳижрон адо этмиш,
Вале ёдинг дилда ҳар он,
Сани додинга ман қурбон
Дея булбул тўлғатмасму?

Ушал кунда ошиғинг ман,
Маъшуғим сан бўлиб, э воҳ,
Кўзидин ёш тўкиб ногоҳ
Чоршаъмингни сўзлатмасму?

* * *

Ишқ сўниб кетган десам бошланди савдо янгидан,
Кўнглима ғавго солиб ўтганда зебо янгидан.

Эскидан қолган менинг қийноқларимнинг ҳаммаси,
Турфа-турфа товланиб бўлмоқда ошно янгидан.

Туну кун фарқига ҳеч бормаслигим кўмсаб яна
Бағрима янгиланиб кирмоқда дунё янгидан.

Бир фақир сифатки мен этгум муножот ҳар кеча,
Бўлгани рост чиқсин-эй, ул бизга шайдо янгидан.

Ёрима мактуб битиш шавқи мени чулғар тагин,
То қалам бирла қоғоз жонимга оро янгидан.

Байтларимга байтлариму мисраларга мисралар
Ўнг тарафдин ўнгланиб қайтмоқда имло янгидан.

Бир ишорат этсаку маъшуқлигин айлаб аён,
Мен чунон ошиқ бўлиб кезганда танҳо янгидан.

Чорлагай Чоршаъм сени, келсанг кишанлар янчилиб —
Бир асрдан сўнг бўлур озод Бухоро янгидан.

* * *

Билмайин-ку бизни ишқ сизга тушубдур,
Сизни ишқ ҳам илмайин бизга тушубдур.

Ошиғу маъшуқлар ичра ахтариб,
Кўрмадик деганда кўз-кўзга тушибдур.

Икки дил иккиланиб икки томон
Изламай юрсак-да, из-изга тушубдур.


Ё битилганму азал тақдиримиз:
Юзма-юз келганда юз-юзга тушубдур.

На сизу на биздин ҳеч чиққай садо,
Сўзламай турсак-да, сўз-сўзга тушубдур.

Орага зарра гумон тушган замон,
Муз юракдин муз юрак музга тушубдур.

Куймайинму, ёнмайинму, эй худо,
Ўзбегимга ўзбегим ўзга тушубдур.

Кўп куюнма, Чоршаъм — эй, бори — йўғи
Бир йигитнинг ишқи бир қизга тушубдур.



Маданият

* * *

Исломишунос олим Алоуддин Мансурнинг катта ижодий жасорати туфайли Қуръони каримнинг таржимаси ниҳоясига етганлигидан хурсандман. Ҳамма сони қўлимда. Энди бу — энг улкан маънавий бойлигимиздир.

Ойнома бош муҳаррири Ўткир Ҳошимовнинг, таржима нашрига муҳаррирлик қилган Омон Мухтор ва исломшунос Анвар Турсунларнинг катта жасоратлари учун Оллоҳ тиолодан иймонда барқарорлик, ижодда баркамоллик тилаб қоламан. Қуръони карим китоб ҳолида чиқса, бизга ўхшаганлар, вилоят ва туманларда яшовчилар уни ололмай қолишимиз мумкин. Шунинг учун, Қуръони карим таржимаси китоб бўлиб чиқарилганда, энг аввало «Шарқ юлдузи» ойнотмасига обуна бўлганлар таъмин қилинса, китобни тарқатувчи ташкилотлар ана шу бир истакни ҳам инobatга олсалар, яхши бўларди. Бу иш амалга ошса, китоб қўлига теккан мухлислар китоб ҳақи ва почта ҳақини албатта тўлайдилар. Камоли эҳтиром билан:

Аҳмадхўжа НАСИБХЎЖА ўғиллари,
Қирғизистон, Жалолобод вилояти,
Олабуқа тумани, Сафед билал қишлоғи.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

Тўшда кечгаф ушрлар

РОМАН

ҚУРБОНОЙ ХОЛАНИНГ ЭРТАКЛАРИДАН¹

Бир куни Ҳаж сафаридан қайтаётган қарвон шаҳарга яқин жойда тўхтаб, дам олибди. Уша ерда булоқ бор экан. Сув ичишибди, салқинлаб, ҳордиқ чиқаришибди... Қарвонда учинчи марта ҳаж қилган нуруний чол ҳам бор экан. Чол сафар бўйи ҳамманинг ҳожатини чиқарган, донишманд одам экан.

Бир маҳал шаҳар томондан битта отлиқ елиб келибди. Бўза ичиб олган маст йигит оддан сакраб тушибди-да, югура келиб чолни тарсакилаб юборибди. Қарвондагилар йигитни ўраб олишибди. «Бу одам сенга нима ёмонлик қилди?» дейишса, маст йигит индамасмиш. Одамлар унинг адабини бермоқчи бўлиб шайланиб турган экан, чол уларни шаштидан қайтарибди. «Тегманглар, бу — менинг ўғлим бўлади», дебди. Одамлар баттар ғазабга минибди. «Бу қандай фарзандки, ўз отасига қўл кўтарса!» «Майли,— дебди чол шунда.— Бу болада айб йўқ. Менда ҳам гуноҳ йўқ. Отамнинг жазоси менга қайтди. Болалигимда қулоғимга чалинган эди: бир вақтлар отам ёшлик қилиб бувамни урган экан. Ушанда бувам дуойибад қилган экан»...

ҲАЁТНИНГ БОШ МАЗМУНИ — ПРИНЦИПАЛЛИК

Қурбонойга нега унақа деди? «Жойнамоз устида мени қарғайсанми?» эмиш! Шуюм гап бўлдию! Қарғиш-парғиш, дуо-дуойибад... ҳаммаси абсурд! Чепуха. Нега шу эшон-вачча уборшица билан пачакилашди? У киму, фаррош ким?

Комиссар сут бидонни кўтариб бораркан, ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб, фикинар эди. Қарияпсан, биродар, қарияпсан. Кўп гапириш — кексалик белгиси. Чекист эса кўп гапирмаслиги керак...

...Уша ҳодисадан кейин уйланишга қарор қилди. Биографиясига доғ тушиб қолиши мумкин эди. Орган бунақа нарсаларни кечирмайди. Албатта, Фотима ўзини осиб қўйгани учун полковник Ғаниевни айблайдиган мард йўқ эди. Ғинг деб кўрсин-чи, «халқ душмани»ни ҳимоя қилган шубҳали шахс сифатида қия бўлиб кетади! Нима қипти, Ғаниев «халқ душмани»нинг уйда тинтув ўтказди. Ҳақимовнинг хотини ўзини осиб ўлдирди. Бунга Ғаниевнинг нима дахли бор? Эшонзода Фотима Обидхонованинг айби бўйнидадирки, ўзига ўзи сиртмоқ илгандир! Қизи масаласига келсак... Ёш қизалоқ нимани биларди? Оила аъзосининг гувоҳлиги инobatга ўтмайди. Факт шуки, Ғаниев Обидхоновага зуғум қилмади, тан жароҳати етказмади. Ҳар ким ўз жонига ўзи хўжайин. Обидхонова ўлгиси келган бўлса — марҳамат, ўлаверсин!

Комиссар мабодо устидан шикоят тушгудек бўлса, далилларни қаторлаштириб қўйган эди. Ҳеч қандай шикоят тушмади. Бироқ Соат Ғаниевич энди уйланмаса бўлмас-

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.



лигини ҳис этди. Уйлаб қараса, ёши ҳам ўттиз бешга борибди... Ана, тенгдоши Тўланнинг қизи бўйга етиб қолибди. Эрта-индин эрга тегса, боласи бўлади. Душманми, баломи, ишқилиб уйланибди, ҳузур-ҳаловат кўрибди. Соат Фаниевич нима кўрди дунёга келиб?

Кўз очиб кўрган хотининг бошқача бўларкан-да! Назира ҳалиям тушларига киради. Ювошгина эди. Майингина... Тўғри, у пайтда «Қизил тўй» қилиш удум бўлмаганди. Назиранинг отаси «Бир камим қизимнинг шунча меҳмон олдида куёв билан ўпишишини томоша қилишим қолувди», деб туриб олди. Куёв унча-мунча одам эмас, полковник эканини, НКВД билан ҳазиллашиб бўлмаслигини тунунтириб қўйишди шекилли, чол шаштидан қайтди. Эсида, тўй ниҳоятда хушчақчақ ўтди. Ҳатто генералнинг ўзи ҳам келди. Соат оилавий бахт деганлари қанақа бўлишини илк бор тотиб кўрди. Ярим кечада келадими, тонготарми, ош-овқати тайёр. Формаси дазмолланган. Туфлиси ялтира-тиб артиб қўйилган. Уйи — чинни-чиноқ...

Соат тўйнинг эртасига Назирага масалани кўндаланг қўйди.

— Уйдан чиқиб кетаётганимда қаёққа кетяпсиз, қачон келасиз, демайсан. Келганимда қаердан келдингиз, нега шунча йўқ бўлиб кетдингиз, демайсан. Ишим тўғрисида умуман сўрамайсан. Вазифам шунақа!

Назира эрининг ҳукмини қулоқ қоқмай бажарадиган аёллар тоифасидан экан. Соат нима деса — ҳаммасини ўрнига қўйди... Соат уйда кам бўлар, бор пайтида ҳам эрхотин деярли гаплашишмас эди. Қизиқ, улар ўртасида қандайдир сирли, хатарли девор турганга ўхшар, иккови ҳам ўша деворга яқин келса, бирон кор-ҳол рўй беришидан ҳадиксираб туришарди.

Бир куни Назира «ёрилди». Соат кечаси уйғониб кетди. Қараса, чиноқ ёниқ. Тепасида хотини термулиб ўтирибди. Юзини доғ босган, қорни катта... Пишиллаб нафас олади.

— Нима гап, Назира?— деди Соат.

Хотини индамади. Киприк қоқмай ўтира берди. Баайни ҳайкал! Кўзи унда-ю, хаёли бошқа жойда.

— Ҳой,— деди Соат туртиб.— Кўзингни очиб ухляяпсанми?

Хотини алланима деб пичирлади.
— Нима?— Соат унинг елкасига беозор қўл ташлади.
Назира негадир ўзини четга олди.
— Қўрқаман...— деди пичирлаб.
Соат кулиб юборди.
— Нимадан қўрқасан, овсар! Менга балоям урмайди.
— Қўрқаман...— Назира тагин пичирлади.— Сиздан қўрқаман!
— Мендан?— Соат унинг юзини силамоқчи эди, Назира тагин ўзини орқага ташлади.
— Сиз — қўрқинчли одамсиз!— деди Назира юзини буриб.
Соатнинг жаҳли чиқиб кетди.
— Нима деяпсан, аҳмоқ!— деди зарда билан. Қаддини ростлаб, иягидан тутганча хотинининг кўзига чақчайди.— Қаёқдан олдинг бу гапни?
Ажаб, Назира қилча ҳам чўчимади. Бир нуқтага тикилиб ўтираверди. Анчадан кейин ўйчан оҳангда сўради.
— Кўп қарғиш олганмисиз?
Соатнинг хаёлига лоп этиб Фотима келди. Юраги шувиллаб кетди. (Ажаб, ҳеч қачон бундай бўлмаган эди). Ўзининг бир лаҳзалик ожизлигидан ўзи ғазабга минди.
— Ким айтди?— деди дағдаға билан.
— Ҳеч ким.— Назира юзини девор томон бурди.
— Йўқ, айтасан!— Соат муштини тугди.— Ким ўша ифвогар?
— Ҳеч ким!— деди Назира унинг кўзига тик қараб. Кейин тўсатдан йиғлаб юборди.— Соат ака!— деди бўйнидан қучоқлаб.— Туғишдан қўрқяпман... Кўнглим сезиб турибди. Улиб қоламан!
Соат бир қадар энгил тортди: ҳа-а, гап буёқда экан-ку!
— Жиннимисан!— деди юпатиб.— Хотин киши туғади-да! Битта сенмисан?
— Соат ака!— Назира унинг бўйнига янаям қаттиқроқ тармашди.— Бўшанг ишингиздан, тезроқ бўшанг! Биламан, бу ишингизда гуноҳга ботасиз, жон Соат ака! Биттаси бўлмаса биттаси қарғайди. Ўзингдан қайтмаса, бола-чақангдан қайтсин, дейди. Барибир айтади.
Назира эс-ҳушини йўқотиб қўйганга ўхшар, нуқул «бўшанг, бўшанг!» деб ёлборарди.
— Э, ўчир-э!— деди Соат тоқати тоқ бўлиб.— Биринчидан, отставкага чиқишимга ҳали анча бор. Иккинчидан, мен совет офицериман, бурчимни бажаряпман. Тушунасанми, шуни аҳмоқ хотин!
Ўша кеча хотини тонггача ҳиқиллаб ётди. Эрталаб тўлғоқ бошланди. Назира бекорга қўрққан экан... Паҳлавондек ўғил туғди. Отини Маузер қўйишди.
Икки йил ўтиб, яна бир ўғил кўришди.— Мэлс!
Соат тўнгич ўғлига айрича меҳр қўйган эди. Маузер ўзига ўхшаган офицер бўлишини хоҳларди. Ҳарбий интизомга ўрганса, юрганида ер титраса... Йўқ. Маузер ота йўлидан кетмади. Журналист бўлармишлар. Газетада ишлармишлар. Аҳмоқ! Колхозмаколхоз юриб хабар ёзишинг қолувди энди. Отанг кўрган, бунақа «ёзувчилар»дан қанчасини! Ҳамма ерга бурнини суқади. Бировларнинг қабулхонасида соатлаб ўтиради...
...Йўқ! Маузер Соат Ганиевнинг ўзига ўхшаган қайсар чикди. Журналистликка ўқишга кирди. Бу пайтда Комиссар истеъфога чиққан эди. Уғлининг раъйига кўнишдан ўзга чора тополмади. Маузер бешинчи курсни битираётганида уйлантиришди. Келин инсофли эди. Хушрўйгина, одоблигина. Энг муҳими — камгап... Назира икки гапнинг бирида келинни мақтар, ўғлининг пешонаси ярақлаганидан хурсанд эди... Маузер ўқишни битириб республика газетасида ишлай бошлади.
Бир куни уйни меҳмон босди: Маузернинг ўртоқлари. Ярим соат ўтмай квартирани қадаҳлар жаранги, қийқириқ кулгу босиб кетди. Комиссарнинг гаши келди. Бу хонадонда ҳеч қачон, ҳеч ким қаҳ-қаҳ уриб кулган эмасди.
— Нима бу, ҳайвонот боғининг эшиги очилиб кетдими?— деб ўдағайлаган эди, Назира имлаб, ошхонага чақирди.
— Одамни шарманда қилманг, жон дадаси,— деди ялиниб.— Уғлингиз ўртоқлари билан гап еган. Бугун Маузернинг навбати...
Орага Мэлс қўшилди.
— Қизиқсиз, дада! Акам уйимизга меҳмон чақирса ёмонми?
Нимани билади булар? Нимани тушунади? Уттизинчи йилларда худди шунақа «гап» туфайли қанчаси қармоққа илинган!
Киши билмас қулоқ солди. Бири суюқ латифа айтади, бошқаси сиёсатдан олади. Сиёсатдан! Комиссар Ганиевнинг ўғли аллақандай қинғир-қийшиқ улфатлари билан сиёсат сўқияпти!
Зиёфат тугагунча тишини тишига қўйиб чидади. Меҳмонлар кетгач, Маузерни сиқувга олди.
— Ким булар?
— Дўстларим,— деди ўғли ҳайрон бўлиб.
— Қаерда ишлайди? Фамилияси нима?

Маузер ичган эди. Кўзлари сузилиб, илжайди.

— Ҳаммасининг анкетаси керакми?

Орага яна Назира қўшилди.

— Жон дадаси,— деди ёлбориб.— Ухланглар. Кеч бўлди. Эрталаб гаплашасизлар. Соат Ғаниевич қараса, ўғлидан тузук-қуруқ гап чиқадиған эмас. Эрталабгача кутишга қарор қилди. Тонг-саҳарда Маузерни қайтадан сўроққа тутди.

— Кечагилар ким эди?

— Уртоқларим,— деди Маузер оромкурсида ўтирган кўйи хотиржам сигарет тутатиб.

— Нега сиёсатга аралашади?

— Сиёсатга аралашмаган журналист йўқ,— деди Маузер ғўлдираб.

— Сен ҳам аралашасанми?

— Албатта!

Комиссар уриб юборишдан ўзини аранг тийиб, ўйланиб қолди. Ҳаёлига ғалати фикр келди.

— Майли,— деди ён бериб.— Гапга қўшилишинга қарши эмасман. Биламан, йигит кишининг улфати бўлиши керак. Фақат...— У ёғини иложи борица ботмайдиған қилиб, осойишта тушунтирди.— Биласанми, ўғлим... Сенлар ёшсан. Ҳаётни яхши билмайсан... Ораларингда системализминг душманлари бўлиши мумкин...— Шундай деб, ўғлининг кўзига қаттиқ тикилди.

Маузер бўзрайиб қолган, киприкларини овсарларча пирпиратар эди.

— Яхши!— Комиссар унинг елкасига қоқди.— Бемалол гапга қатнайвер. Ҳаммасининг гапини эшит... Фақат... Биронтаси жамиятимизга душман эканини пайқаб қолсанг... Маузернинг оғзи ланг очилиб, башараси янаям аҳмоқона тусга кирди.

— Нима?— деди ниҳоят.— Сиз мени... мени... агент қилмоқчимисиз?!— Уша заҳоти ранги гезариб кетди.— Овора бўласиз!— деди бақириб. Шахт билан турди-да, хонадан чиқиб кетди.

Комиссар умрида бундай аянчли аҳволга тушмаган эди. «Аҳмоқ!» деди ижирғаниб.

Икки ҳафтагача уйлари сув қуйгандек сукутга чўмди. Ота-бола гаплашмай юришди. Мэлс бўлса, умуман камгап йигит. Шарқшунослик куллийетининг урду бўлимида ўқийди. Эрта кетади, кеч келади.

Икки ҳафталик сукунатдан сўнг портлаш рўй берди. Маузер навбатдаги гапдан ғирт маст бўлиб келди. Оёқда турулмайди. Келин қўлтиғидан олиб, ётоққа бошлаётган эди, Маузер нари итарди.

— Шошма! Д-д-дадам билан г-гаплашиб олишим к-к-керак!

Назира келиннинг ёнига кирди. Айланиб-ўргилиб, ўғлини инсофга чақирди.

— Қўй, болам, ҳар қанча гапинг бўлса, эртага гаплашасан.

— Йўқ!— деди Маузер оғзидан кўпик сачратиб.— Ё ҳоз-э-зир, ё ҳ-ҳ-ҳеч қачон! Аҳволини қара, бу молнинг! Қўйиб берса Гамлет монологиниям ўқиб беради, мишиқи интеллигент!

— Қани, бу ёққа юр-чи!

— Дадаси, жон дадаси,— Назира палапонини қўриқлаган она чумчүкдек чирқилаб қолди.— Кўриб турибсиз-ку, холини, дадажониси!

— Маузер ака, қўйинг,— деди келин қўриқиб.— Юринг, дамингизни олинг.

— Сиз нари туринг, келин,— Соат Ғаниевич ғазабини тийиб, осойишта тушунтирди.— Қани нима гапи бор экан. Эшитайлик-чи.

Ота-бола рўбарў ўтиришди. Бири столнинг у томонида, бири — бу томонида.

— Хўш, гапир. Қўлогим сенда!— деди Комиссар.

— Йў-ўқ,— деди Маузер.— Аввал булар чиқиб кетсин. Ойи, чиқиб туринг, ил-л-лтимос. Гуля, сен ҳам чиқ-қ-қиб тургин. Ж-жон Гуля... Ўз-з-зинг ақлл-лисан-ку!

— Бўлдими? Гапир энди!

Маузер негадир кулди — оғзидан сўлак оқишиб, жуда хунук кулди.

— Дад-д-да!— деди илжайиб.— Н-н-нега менинг отимни Маузер қўйгансиз. Н-н-нима? М-м-мен тўппончаманми?

Комиссар дафъатан эсанкираб қолди. Чиндан ҳам, нега Маузер? Иккинчи ўғлига-ку, улўғ доҳийлар исмини қўйган. Бунга-чи?

— Шу проблема қизиқтириб қолдимиз?— деди қовоғини солиб.

— Қ-қ-қизиқтиради. Д-д-доим қизиқтиради.— Маузер шимининг чўнтагидан ғижимланган сигарет олиб тутатди.— Н-н-нима?— деди ҳамон илжайиб.— М-мен билан б-б-бировни от-т-тмоқчимисиз?

— Аҳмоқ!— деди Комиссар беозор койиб.— Мен сени қуролдек кучли бўлишингни хоҳлайман, билдингми?

— Ш-шунақа денг!— Ўғли кўзлари юмилиб-юмилиб сигарет тортди.— Ўз-з-зига ишонган одам,— деди дудуқланиб,— бир-р-ровга тўп-п-понча ўқталмайди. С-с-сиз ўзингизга ишонмайсиз!— Шундай деди-да, тағин кулди.— Танийсизми?— деди тўсатдан.— Фақат р-р-ростини айтинг. Ҳамидов деган ак-ак-академикни танийсизми?

— Қанақа Ҳамидов?

— Танийси-и-из!— Маузер бош чайқаб, бармоғи билан пўписа қилди.— Ёлғон гапирма-а-анг! Танийсиз.

— Мен ҳеч қанақа академик Ҳамидовни танймайман.

— Бўлмаса...— Маузер мастона кўзлари билан қаттиқ тикилиб таъкидлади.— Бўлмаса... у сизни танийди. Билдизми! У мендан с-сўради. Сиз ўша Комиссар Ғаниевнинг ўғлимисиз, деди.

— Мен ҳеч қанақа Ҳамидовни танймайман!— деди Комиссар ғижиниб.

— Алдаманг! Уни с-с-сиз сўр-р-роқ қилгансиз. Т-тарихни бузиб кўрсатдинг, деб с-с-сиз қамагансиз!— Маузер қўлини бигиз қилиб чўзди.— С-сиз юборгансиз К-к-курил оролларига! Йигирма беш йилга с-с-сиз жўнатгансиз.

— Мана сенга Ҳамидов!— Комиссар кучи борича мушт солган эди, Маузер ўтирган стули билан қўшилиб ағдарилиб тушди. Бурнидан шариллаб қон келди.

Хонага Назира билан келин учиб киришди.

— Вой ўлай! Вой ўлмасам!— Назира титраб-қақшаб Маузерни бошидан кўтарди.— Гулнора! Сув обкелинг. Тезроқ!

Маузер кафтининг орқаси билан оғиз-бурнини артди. Қизиқ, бирпасда кайфи тарқадими, бурро-бурро гапира бошлади.

— Билиб қўйинг!— деди таҳдид билан.— Сиз ўша академикнинг тирноғига арзимайсиз!

— Учир овозингни!— Комиссар столни бор кучи билан муштлиди. Гулдон ағдарилиб, сиреньлар сочилиб кетди. Дастурхон устига жилдираб сув оқди.

— Урмоқчимисиз?— Маузер хотини келтирган сувга ўтирган жойида чала-чулпа юз чайқади.— Уринг!— деди аччиқ илжайиб.— Сиз уришга устасиз, Комиссар Ғаниев. Аммо, билиб қўйинг. Эрта-индин ҳаммангни сининг очилади.

Комиссар столни шитоб билан айланиб ўтди. Уғлининг елкасига тепиб ерга михлаб қўймоқчи эди, Назира дод солиб, йўлини тўсди.

— Вой ўлмасам! Бу қандай кўргилик!

— Қўяверинг, ойи, ураверсин!— деди Маузер. Сўнг отасига тик қаради-да, донадона қилиб, айтди.— Сиз — қотилсиз! Ҳамманг қотилсан! Йигирма миллион одамни гумдон қилган жаллодсан!

— Йўқол кўзимдан!

— Отлан, Гуля!— Маузер чайқалиб ўрнидан турди.— Бу уйда тургандан кўра ваҳший ҳайвонлар билан яшаган яхши.— Отасидан жиркангандек четлаб ўтди-да эшик томон йўл олди.

Онаси ўкраб йиғлаганча этагига осилди.

— Унақа дема, болам. Отанинг юзига тик қараб бўлмайти, Маузержон! Эсингни йиғ, жон болам.

Маузер онасининг қўлтиғидан кўтарди.

— Туринг, ойи. Кетамиз. Юринг, биз билан,— тўсатдан йиғлаб юборди.— Ойи! Мен бу одамнинг ўғли бўлганимдан уялиб кетяпман, ойи!

Комиссар кечаси билан тўлғониб чиқди. Уйда бир ўзи қолган, Мэлс негадир келмаган, Назира эса ўғли билан келинининг кетидан ҳайҳайлаб югурганича, аллақайси гўрга ғойиб бўлган эди.

Қаранг, бу олифта интеллигентни! Уз отангни тергашни ким қўйибди сенга! Замон қанақа бўлганини сен қаёқдан биласан! Инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилиш керакмиди! Мамлакатни ички душманлардан тозалаш керакмиди? Бундан ташқари ҳарбий қасамёдга садоқат, офицерлик бурчи, деган гаплар бор! Нега шунча йил қисиб юрган экан, ўша академикнинг! Замон ўзгариб энди тиллари чиқиб қолибдими? Қурилга жўнатилганми, ундан наригами, итдек ўлиб кетмаганига шукр қилмайдими! Кўрамиз, ҳали чархи гардуннинг ғилдираги қаёққа қараб айланаркин? Ер юзиде коммунизм тўла ғалаба қозонмагунча душманлар бўлаверади. Демак, қора кучларга қарши курашадиган ташкилот ҳам бўлаверади!!!

Назира эртаси кечқурун қайтиб келди. Бир кунда чеккасидаги сочларининг оқи кўпайганга ўхшар эди. Унинг айтишича, Маузер Юнусободдаги сўққабош кампирниқидан ижарага бир хона олганмиш.

— Баттар бўлсин!— деди Комиссар энсаси қотиб.— Бурнига озгина сув кирсин, вайсамайдиган бўлади.

— Дадаси, жон дадаси!— Назира унинг оёғига йиқилди.— Хафа бўлманг, ўғлингиз ёшлик қилди. Кайф устида алжиради-қўйди. Гуноҳидан ўтинг!

Маузернинг кечаги гаплари эсига тушиб Комиссарнинг вужуди ёниб кетгандек бўлди.

— Йўқ!— деди қатъий қилиб.— Бу — принципиал масала! Менинг Маузер деган ўғлим йўқ! Бу мавзуда бошқа гаплашмаймиз!

...Икки орада Назиранинг касалга чалиниб қолгани чатоқ бўлди. Ёши элликдан ўтиб-ўтмай қон босими кўтариладиган одат чиқарди. Комиссар ўзини юпатди. Майли, Маузердан кўрмаганини Мэлсдан кўради. Мэлс — эсли бола. Камгап, мулоҳазали. Мактабни олтин медал билан битирди... Ушанда Назира ғалати гап айтган эди:

— Болаларингиз антиқа чикди-да, дадаси! Маузер ўз киндигини ўзи кесган хилдан. Қиламан деган ишини қилмай қўймайди. Кичиги бўлса ичимдагини топ дейди. Яккаш ўй ўйлайди. Минг ерига пичоқ урса, бир еридан қон чиқмайди. Хайронман...

Хотин киши хотинча ўйлайди-да! Мэлс кам гапириб, кўп ўйласа ёмонми? Ўқиши аъло. Мана, урдудан ташқари инглиз тилини ҳам мукамал ўрганиб олди. Институтни битирса, чет элларга бориб ишлайди. Жамият равнақига ҳисса қўшади. Анали телба акасига ўхшаб кўча-кўйда вайсаб юрмайди. Комиссар Ғаниевнинг ўғли қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди.

Она — барибир она экан-да! Назира кун ора Маузернинг олдига қатнар, ҳар гал янги гап топиб келар эди. Ишхонасида Маузернинг ҳурмати зўр эмиш. Бир йил ичида уй беришармиш. Гулноранинг анор егиси келаётганмиш... Аммо бирон марта «ўғлингиз қилмишидан пушаймон, узр сўради», деган гап бўлгани йўқ.

Комиссар ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди: Мэлсни уйлантириш керак. Шунда онасининг кўнгли жойига тушади. Анали аҳмоқнинг олдига камроқ югурадиган бўлади.

Мэлс ювош кўрингани билан бало экан. Тўй ҳақида гап очилганида онасига Лоланикига совчи бўлиб боришни тайинлабди. Лола дегани автодоржний институтда ўқиркан.

Тўй рисоладагидек ўтди. Айна меҳмонлар тўпланаётган пайтда Назира югургилаб келиб қолди.

— Дадаси!— деди яйраб-яшнаб.— Ўғлингиз келди! Чиқинг, сўрашинг мундоқ! Комиссар гарансиб турган эди, тушунтирди:

— Маузер келди! Қаранг, укасига қанча нарса обкепти!

Комиссар энаси қотиб, ҳовлига тушди. Бир четда юк машинаси тўхтаб турар, Маузер тўйхонадаги йнгитларга кўмаклашиб, машинадан кутига солинган телевизор, холодильник туширар эди. Енида қорни дўппайиб қолган Гулнора турарди.

Эр-хотин баравар ярқ этиб шу томонга қарадилар. Гулнора ийманиб, салом берди. Маузер илжайиб яқин келаётган эди, Комиссар юзини чирт ўгирди-да, бурилиб кетди...

Ростини айтганда, Лола Комиссарга маъқул тушди. Хушчақчақ, чаққон. Ишнияма боппайди, гайнияма! Бир ой ўтмасдан ҳаммага лақаб қўйиб улгурибди. Назира айтиб қолди.

— Эшитдингизми, дадаси, менинг отим амортизатор эмиш.

— Нима дегани у?

— Уй ичимизнинг тинчини тутиб турган эмишман. Мен бўлмасам, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетармиш.

Комиссар ўйлаб туриб, келинининг мулоҳазаси жўяли эканига тан берди.

— Ўғлингизга лақаби бордир?

— Бор!— Назира кулди.— Домкрат!

— Нега энди домкрат?

Назира нечундир қизариб, елка қисди.

— Билмасам...

— Узи-чи? Узигаям от қўйганми?

— Бўлмасам-чи? Лолахон тушмагур биринчи бўлиб ўзига лақаб топган-да! Ойна тозалагич эмиш. Дворник.

Комиссарга нашъа қилди.

— Дворник? Буни қара-я! Биров уни чўри қилиб қўйгани йўқ шекилли?

— Мен ҳам шуни сўрадим. Йўқ, дейди. Мен чўри эмасман, шунчаки ойна тозалагичман, мен бўлмасам, бу хонадонга нур кирмасди, дейди.

Бу гаплар Комиссарнинг эсидан чиқиб кетган эди-ку, бир кунни хаёлига ғалати ўй келди. «Менгаям лақаб қўйган бўлса-чи, бу маҳмадона!» Назиридан шуни сўраган эди, бош чайқади.

— Улибдими? Сиздан қаттиқ хайиқади, келин!

Йўқ, бирон ҳафталардан кейин Назира кулиб-кулиб айтиб берди.

— Сизникия бор экан: глушитель!

— Рул десин, мотор десин... Глушителли нимаси?

— Машинанинг тутун чиқарадиган жойи бор-ку, ўшанақа нарса экан.

— Мен шунақа эканманми? — деди Комиссар азда-базда ранжиб. — Ким қўйибди бу жиблажибонга...

— Йў-ўқ, дадаси, — Назира тушунтирди. — Гап тутундамас. Сиз овоз ўчирадиган аппарат эмишсиз. Бу хонадонда фақат шивирлаб гаплашиш мумкинмиш.

...Айна қиш чилласида Назира эшикдан ҳовлиқиб кирди.

— Суюнчи беринг, дадаси, неварали бўлдингиз! Гулнора ўғил туғди!

Комиссарнинг кўнглини мубҳам бир илиқлик силаб ўтгандек бўлди. Бироқ Маузернинг маст бўлиб айтган гаплари яна эсига тушиб, юрагидаги муз тагин ҳам қалинлашди.

— Хотин бўлгандан кейин туғади-да, — деди совуққина қилиб.

Назира каттакон сумкани диванга қўйиб, ичидан бир кучоқ латта-путталар чиқарди: йўргаклар, кўйлак-иштончалар, халатчалар...

— Жон дадаси, — деди ёлбориб. — Эртага чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқи-

шади. Умрим бино бўлиб сиздан ҳеч нима сўрадимми? Илтимос, бир марта ҳўп денг, борайлик... Майли, кўпмас, беш минутга... Бир оғиз табриклаб чиқинг. Бува бўлдингиз, ахир.

Комиссар хотиржам кўл силтади.

— Узинг боравер!

Назиранинг кўзида ёш ғилтиллади.

— Одаммисиз ўзи, нимасиз?! — деди илтижо қилиб. — Бир оғиз гап учун ўз пушти камарингиздан бўлган фарзандингиздан кечасизми?

— Кечаман! — Комиссар ҳар сўзини чертиб таъкидлади. — Мен принцип учун онасидан кечган одамман!

...Диалектика қонунлари қизиқ экан. Бугун йўқотасан, эртага топасан... Маузернинг хотини битта ўғил туққан бўлса, Мэлснинг хотини бир йўла иккита — эгизак туғиб берди: Ҳасан-Ҳусан! Бирпасда уйлари тўлди-қолди...

Болакайларнинг бижир-бижир тили чиқди, йўлга кирди. Бора-бора Назира ҳам неваралари билан андармон бўлиб, Маузерни кўп гапирмай кўйди. Невара яхши бўларкан. Хонадонга алланечук файз кирди. Ҳасан-Ҳусанлар ясли ёшига етгач, «дедуш-ка»га ҳам иш топилди. Иккаласини икки ёнига олиб, эрталаб яслига элтади, кечқурун олиб келади.

...Мэлсни аспирантурада олиб қолишди. Комиссар бунга асло ажабланмади. Билими чуқур, ҳар томонлама етук... Бошқаларга ўхшаб, домлаларга пул тиқиштириб ўқимади.

Бир йилдан кейин ўғли маслаҳат солди.

— Покистонга стажировкага юборишмоқчи. Уч ойга.

— Бориб кел! — деди Комиссар. — Тилни тағинам мукаммал ўрганасан. Ҳаётни кўрасан...

— Шунақа-ку... — Мэлс кўзойнагини йилтиратиб, хижолатли жилмайди. — Баъзи ташкилотлар...

Комиссар дарҳол тушунди. Хэ! Булар Комиссар Ғаниевнинг фарзандига ишонмаса...

— Чамадонингни тайёрлайвер! — деди ишонч билан.

...Бирон ойлardan кейин «у ёқ»дан телефон бўлди. Эртага эрталаб соат ўнда «Тошкент» меҳмонхонасининг фалон номерида кўришсак, деб илтимос қилишди.

Комиссар ажабланмади. Отставкага чиққан бўлса ҳам тажрибали ходим сифатида маслаҳатга ва умуман... «баъзи юмуш»ларга қақириб туришарди.

Фуқаро кийимидаги ходим очиқ чехра билан кутиб олди. Комиссар уни биринчи кўриши эди. Ходим Комиссарни орқаворотдан яхши танишини, ҳурмат қилишини айтди. Соғлиғини суриштирди, фарзандлари, невараларининг кайфиятини сўради...

Даромад чўзилиб кетганидан Комиссарнинг кўнгли ғаш тортиди. Хаёлига лоп этиб Маузер келди. «Яна бир қилиқ қилган бу эшшак! Ким билсин, газетада қалтис мақола чиқарганми? Қачонгача отасини шарманда қилади аҳмоқ!»

— Бўпти, ўртоқ, — деди лўнда қилиб. — Мақсадга ўтайлик!

— Яхши, ўртоқ полковник! — ходим тортмани очиб, унинг олдида бир тўп газета ташлади. — Қараб кўринг-чи, шулар орасида биронтасини танийсизми?

Комиссар, ҳайрон бўлиб инглизча газеталарни врақлай бошлади. Деярли ҳар биттасида Мэлснинг кўзойнак ортидан илжайиб турган сурати босилган эди.

— Нима бу? — деди оёқ-қўлидан мадор қочганини ҳис этиб.

— Нима эмас, ким денг? — ходим истеҳзоли кулди. — Танимаётган бўлсангиз, эслатиб қўйишим мумкин: бу кимса собиқ совет фуқароси Мэлс Соатович Ғаниев бўлади! Сизнинг ўғлингиз!

Комиссар бошидан хуши учиб бораётганини, ҳозир йиқилиб тушиши муқаррарлигини сезиб турар, тили калимага келмас эди.

— Тухмат! — деди ниҳоят бутун иродасини йиғиб. — Бўхтон! Менинг ўғлим, унақа бўлиши мумкин эмас!

— Мумкин экан-да! — Ходим алланечук хотиржам жилмайди. — Мэлс Соатович Ғаниев Карачидаги Англия консулхонасига сиёсий бошпана сўраб борган. Совет Иттифоқида эркинлик йўқлигини айтиб, расмий баёнот берган, совет фуқаролигидан воз кечишини айтган... Уқиб берайми?

Комиссар туш кўраётганга ўхшар, пешонасидан дўлдек тер қўйилаётганини, ўтирган жойида муттасил чайқалаётганини ўзи билмас эди. Бир маҳал қараса, ерда чўзилиб ётибди.

Ходим уни қўлтиғидан кўтариб, оғзига стаканда сув тутди.

— Генералга кираман, — деди Комиссар хириллаб. — Мен... бораман! Бориб, ўз қўлим билан отиб ташлайман! Отмасам, мени отинглар!

Бу гапларни сидқидилдан айтар, аммо айни пайтда қийноқ камералари, карцерлар, одам бошига ит кунини соладиган, нажас ейишга мажбур қиладиган рецидивистлар, каламушли горшоклар бирма-бир кўз ўнгидан ўтар эди.

— Отаман! — деди ҳайқириб. — Менинг бунақа ўғлим йўқ! Отаман!

Қизиқ! Уни қўйиб юборишди. Ҳатто «Волга»да уйгача кузатиб ҳам қўйишди. «Бу ҳам бир манёвр! — Комиссар шаҳар марказидаги тўрт хонали уйига ҳорғин чиқиб бораркан, хаёлидан аламли ўй кечди. — Одатдаги усул. Энди менинг ким билан алоқам борлигини кузатишади... Керак бўлса, квартирага эшитувчи аппаратураларни жойлаб қўйишади... Хэх! Аллақачон жойлаб қўйган бўлса-чи?!»

Эшикни Назира очди. Эрининг важоҳатини кўриб кўрқиб кетди.

— Нима гап? — деди қути ўчиб. — Нима бўлди?

— Ул бўлди! Дард бўлди! — Комиссар алам устида хотинига тарсаки қолди. Назира юзини чангаллаганча кавшандозга чўккалаб қолди.

Ичкаридан йилтироқ халат кийган Лола югуриб чиқди.

— Болалар ухляпти, дада! — деди таъномуз. — Секинроқ гапириш мумкинми?

— Нима? Болалар?! — Комиссар квартирага ўрнатилиши эҳтимол бўлган «қулоқлар» ёки пастда, йўл четида пойлаб турган машинадаги «локатор» эшитсин учун овози борича ҳайқирди. — Итдан бўлган қурбонлиққа ярамайди! Эрингни нега Покистонга жўнатдинг? Ниятинг нима эди, унсур! Айт! — деди Лоланинг ёқасига чанг солиб. — Ҳозир айтасан! Эринг Англия разведкасига сотилганини нега яширддинг?

Лола, кўзлари ола-кула бўлиб, нуқул талпинар, аммо қайнотасининг чайир чангалидан чиқиб кетолмасди.

— Дада! — деди бир маҳал чинқириб. — Ойим ўляптилар, дада!

Шундагина Комиссар чангак бўлиб қолган бармоқларини келинининг ёқасидан бўшатди... Иштончан Ҳасан-Ҳусанлар ётоқ эшигидан мўралаб турар, негадир иккаласи ҳам илжаяр эди. Назира йўлакда узала тушиб ётар, юзи қордек оппоқ, қимир этмасди. Назарида хотини маккорлик қилаётгандек туюлди.

— Тур, — деди хотинининг елкасига нуқиб. — Тур, алвасти! Бу ҳайвонларни сен туққансан! Уларни менга қарши сен қайрагансан!

Ажаб! Назира қилт этмади. Комиссар энкайиб хотинининг юзига кафтини босди. Назиранинг юзи муздек эди. Худди холодильникдаги гўштдек... Кўрқув ичида қўлини тортиб олди.

— Чақир! — деди бақириб. — Скорий чақир! Тезроқ!

Лола нариги хонага, телефонга югурди.

Комиссар хотинининг ёнига мук тушди.

— Назира! — деди елкасидан силкитиб. — Онаси! Кўзингни оч, онаси!

Комиссар кўп ўлимларни кўрган, аммо инсон боласи бу қадар тез, бу қадар осон ўлиши мумкинлигига ақли етмасди. Назира ҳаётида ҳеч ким билан олишишни истамагани каби ўлимида ҳам ажал билан тортишиб ўтиргиси келмагандек осойишта ётар, лабларида аламли табассум қотиб қолган, гўё охир-оқибат, бу азоблардан қутулганига шукр қилгандек, сен билан ўтган умримга ҳам, дунёнинг ишларига ҳам пушаймонман, деб маъёс кулаётгандек эди...

— Назира... — Комиссар ўкраб йиғлаб юборди. — Ташлаб кетма мени, Назира!..

Бу — унинг умрида биринчи ва охириги марта йиғлаши эди.

* * *

Бирпасда тумонат одам йиғилди. Маузер билан Гулнора тўрт яшар ўғилчасини етаклаб келишди. (Комиссар неварасининг оти Алишер эканини энди билди). Хотин-халаж, тўн кийган, салла ўраган чоллар, Маузернинг ҳамкасблари бўлса керак, оёғи олти, қўли етти бўлиб югургилаган ёш-яланглар тўпланди. Комиссар эшик тагида гарансиб турар, кўнгил сўраганларга нима деб жавоб қилишни билмас, шунчаки, бош силкиб қўя қолар, нуқул атрофга аланглар эди. Ким булар? Уни қаёқдан танишади? Нега бунчалик меҳрибонлик қилади ҳаммаси!..

...Тобутни олиб кетишаётганда Лола айниқса кўп гирён қилди.

— Онасиз ўсгандим, ойижон! Энди онали бўлдим, дегандим, ойижон!

Комиссар уч кун эшик тагига харрак қўйиб ўтиришга мажбур бўлди. Тўн кийиб, бел боғламаса ҳам, ҳарқалай бошига дўппи кийди.

...Учинчи куни кечқурун Маузер дадасини юпатди.

— Сиқилманг, дада. Бизникига бориб тураверасиз. Мен бор, неварангиз бор...

Комиссарнинг кўнгли юмшаш ўрнига адоватга ўхшаган нарса уйғонди. «Шуни кутиб юрган экансан-да, кўрнамак. Сеникига бораманми? Сеникига-я?!»

Қизиқ, Лола бир ой ичида лабларининг икки чети тиришиб қаримсиқ бўлиб қолди. Назарида ўзи ҳам арвоҳга айланиб қолгандек эди. У хонага киради-чиқади. Бу хонага киради-чиқади...

Лола у билан гаплашмасди. Гўё рўй берган қўшалоқ фалокат учун қайнотаси айбдордек.

Комиссар ўйлаб қараса, умрида биронта улфатга қўшилмабди. Биронта жонкуяр дўст орттирмабди. Уёқда Мэлс масаласида жони ҳалак. Қачон чақириб қоларкин, деб юрагини ҳовучлайди. Йўқ... Уни тинч қўйишди. Персональни пенсиясини ойма-ой олиб туради. Ҳеч ким изидан кузатмайди. Фақат сиқилади. Ошхонага кирадимми,

ваннахонагами, рўпарасидан Назира чиқиб келаётгандек бўлаверади. Бу ёқда келининг зардаси...

Эркан кишига ёлғизлик оғир бўларкан. Ётиши бор, туриши бор... Нима қибти? Ёши энди олтмиш тўртга чиқди. Яшаши керакми ахир? Лола тенгини топиб кетса, ўзи ҳам... Бир куни келинини ёнига ўтқазиб қўйиб гапни узоқдан бошлади.

— Анави хоин энди қайтиб келмайди, — деди ишонч билан. — Башарти келса ҳам ўзим бўғиб ўлдираман... Бир нарсага ақлим етмайди. Нима етишмабди экан, бу аблаха! Уйи бўлса, жойи бўлса, гулдек хотини бўлса...

Лола унга ёвқараш қилиб мум тишлаб ўтираверди.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, қизим? — деди Комиссар вазиятни юмшатиш ниятида маъюсланиб. — Нега шунақа қилдйкин?

Келини истеҳзоли кулди:

— Нима етмаганини билмайсизми? — деди лабини асабий буриб. — Меҳр етишмаган! Тушундингизми, меҳр! Бу одам (Лола «Мэлс акам» демади, «отаси» ҳам демади, «бу одам» деди) бу одам умрбод ўз уйида бегона бўлган, тушунасизми шунини? Комиссарнинг ғаши келди. Нима бало, келини оқляпти шекилли ўша Ватан хоинини?

— Болалари-чи? — деди ғазабдан кўзи ёниб. — Ҳеч бўлмаса болаларини ўйламайдими, бадбахт?!
Лола янаям истеҳзоли кулди:

— Қуш уясида кўрганини қиларкан-да...

Гап тамом бўлган, Комиссар уёғини қандай «улаш»ни билмасди. Лола ўрнидан туриб кетаётган эди, тўхтатди.

— Шошманг, — деди вазминлик билан. — Бўлар иш бўлди. Сиз... ёшсиз. Дунёдан тоқ ўтиб кетолмайсиз-ку, тўғрими қизим? Зўр келса болаларни интернатга берамиз. Яхши интернатлар кўп. Танишларим бор.

Лола эшик олдида тўхтади. Кўзи ғазабдан қисилиб кетди.

— Эрга тегаман деб кўзим учиб тургани йўқ! Узим етимхонада ўсиб мана бундай бўлганман! — деди кафтининг қиррасини томоғига тираб. — Болаларимни интернатга бермайман! Узингиз уйланишни хоҳлаб қолган бўлсангиз, катта кўча! — Шахт билан хонадан чиқаркан, эшиттириб пичинг қилди. — Бетингдан бузилгур, юзсиз! Ойимнинг кўзига тупроқ тўлмасдан туриб...

Ўша гапдан кейин Лола бутунлай ўзгарди. Неваралари «дедушка» деб этагиги ёпишса, бобиллаб беради. «Эмасанми, дедушкангни? Бор ухла, кўмилиб!» Товоқни қошиққа, қошиқни товоққа уриб тўнғиллайди: «Чол одам дегани мачитга чиқади, чойхонага чиқади, бу нимаси, эртадан кечгача, уйда биқсиб ўтириш!»

Хэх! Бир ками салла ўраб намоз ўқиши қолувди. Комиссар Ғаниев намоз ўқиса! Чойхонада пишириб қўйибдими? Носкаш чолларнинг висир-висирини эшитадими?

Комиссар қатъий қарорга келди. Уйланади! Ҳар кимнинг жони ўзига керак. Бу жиблажибон билан ҳар куни юрагини қон қилишдан наф йўқ. Уй ўзининг номида. Ғинг деса ҳайдаб чиқаради...

Ўша кеча Назира тушига қирди. Бошига оппоқ рўмол ўраб олганмиш. Худди отин-ойиларга ўнхармиш. Ҳеч гапирмасмиш-да, нуқул юм-юм йиғлармиш. «Ҳеч рўмол ўрамасдинг-ку, онаси, бу қанақаси», деб ёнига борса, Назира ўзини орқага ташлабди. «Қочинг! Қўрқаман сиздан. Маузерни нега урдингиз?»

Комиссар таъби тирриқ бўлиб уйғонди. Ваннахона томондан невараларининг бара-вар йиғлаётгани, Лоланинг бобиллаши эшитилди.

— Э, авлодинга ўт тушин! Совунлаб ювин деяпман!

Йўқ! Бу аҳволда узоққа боролмайди. Ё келинини чопиб ташлайди ё ўзи инфаркт бўлиб ўлади! Чала-чулпа чой ичиб, кўчага чиқиб кетди. Узоқ айланиб юрди. Ҳаво дилгир, оёқ остида ҳазон шитирлайди... Бир маҳал қорни очкагани билинди. Боши айланиб, «Лаззат» қаҳвахонасига кирди. Сосиска олиб еди... Эртаси ҳам, индини ҳам...

Аввалига қаҳвахонада янги хизматчи пайдо бўлганини сезмади. Аниқроғи, дуруст разм солмаган экан. Қирроқ оқ халат кийган хушрўйгина, дўмбок жувон ҳар куни столни артиб, санчқи-тарелкаларни йиғиштириб олаётганига кейин эътибор берди. Гапирай деса, қўрқади. Бир куни дастурхон устидаги нон ушоқларини сидириб олаётганида ташаккур билдирди.

— Раҳмат! Овқатинглар ширин бўпти.

— Ош бўлсин! — деди жувон жилмайиб.

— Мен ҳар куни шу ерда тушлик қиламан, — деди Комиссар.

— Биламан. — Жувон яна самимий жилмайди.

— Қаердан келгансиз?

— Свердловскдан.

— Қачон.

— Яқинда.

— Тошкент ёқдими? — деди гапга солиб.

— Бўлмаса-чи!

— Раҳмат сизга! — деди Комиссар айрича меҳр билан.

Тўғри қилди. Бу сафар шунисиям етарли эди.

Бир ҳафта ичида Наташа билан яқиндан танишиб олди. Тошкентга келганига икки ой бўпти. Уттиз бир ёшда экан. Пропискиси йўқмиш. Шу боисдан, қаҳвахонанинг ўзида ётиб юраркан.

— Менга эрга тегмайсанми? — Комиссар бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзи билмай қолди. Юмнаталаб ташласа, нима қиламан, деб юраги пўкиллаб турган эди, Наташа ундай қилмади.

Отаси (эҳтимолки бобоси) тенги бу одам нима деётганини дафъатан тушунолмагандек, бир зум киприкларини пирпиратиб турди-да, зангори кўзларида табассум пайдо бўлди.

— Пропискадан ўтказсанг, тегаман!

Сенсирадими, демак яқин олгани шу! Мана буни очикча савдо деса бўлади! Дунёда ўзбек хотинларидан инжиқ, кажбаҳси йўқ. Гўё уйланиш фақат эркак учун керадек! Уйландингми, бўйнингга бўйинтуруқ қилиб осиб юришга мажбурсан! Оила қуриш ҳар иккала томон учун зарурат эканини ўйлаб ўтирмайди, бу ойнасалар! Назиранинг арвоҳи чирқилламасин-ку, аслида бор гап шу.

— Наташа! — деди жиддий қилиб. — Сен нима хоҳласанг, ҳаммаси бўлади. Прописка ҳам, ЗАГС ҳам... Хотиржам бўл, ўзимдан тинчиганман. Елғизлик жонимга тегди.

— Мени ҳам! — деди Наташа ўйчан. Бу гапни оддий ва самимий айтди.

Лола Наташани кўрган заҳоти ҳаммасини тушунди. Серрайиб қараб тураверди. Ичкаридан неваралари чиқиб, Комиссарнинг оёғига ёпишди.

— Дедушка!

— Дедушканг сенларга янги бабушка олиб келди! — деди Лола асабий кулиб. — Яқинда бабушканг сенларга дядя туғиб беради. Сенлар кўтариб юрасан!

Комиссар муштини туғиб бақирди.

— Учир овозингни, қанжиқ!

— Мен қанжиқ эмасман! — деди Лола дона-дона қилиб. — Орқасидан ит эргаштириб юрганларни қанжиқ дейди!

— Марш бу ердан итвачаларинг билан! — деди Комиссар оёқ-кўллари асабий қалтираб. — Бўшатиб қўй ўйни!

Лола киприк қоқмай тикилиб тураверди.

— Биринчидан, — деди осойишта оҳангда. — Ойимларнинг суви тўкилган уйдан кетмайман. Иккинчидан, болаларим билан кўчама-кўча тентираб юрмайман! Мен — Гулнора эмасман.

Наташа ҳайрон бўлиб қолган, гоҳ Комиссарга, гоҳ Лолага мўлтираб қарар эди. ...Комиссар уй топмаса бўлмаслигини тушунди. Келинини иккита боласи билан ҳайдаб чиқаролмайди. Устига-устак Мэлс масаласи кўзғолса, ўзига яхши бўлмайди. Аммо бу алвасти билан бир хонадонда туришнинг ҳам иложи йўқ.

Начора! Елди-югурди. Ватан олдидаги хизматларини ҳисобга олишди. Горисполкомнинг уй тақсимоти бўйича жамоат комиссиясига аъзо эканлиги ҳам иш берди. Эрхотин Қатортолдаги мана шу бир хонали уйга кўчиб келишди.

Наташа чаққонгина экан. Бир кунда янги уйга файз кирди-қолди. Ҳаммаёқ саришта. Турмушиям тартибга тушгандек бўлди. Хотини саҳарлаб сутга ғириллатади. Ширгуруч пишириб беради. Тушда «Сагатчик яхши ўтирибсанми, колбаса олиб чиқиш ёдингдан кўтарилмадимми», деб телефон қилади. Кечқурун қаҳвахонадан котлетми, бифштексми олиб келади. «Совумасдан еб олгин», деб оғзига тутлади. Жиндай олсанг, қонинг юришади, деб коньяк ҳам ичиради...

Буни қаранг: умрида кўлига капгир ушламаган Комиссар бир ойда бинойидек ош дамлашни ўрганиб олса денг! Наташа ўзбекча паловни хуш кўраркан.

Албатта, ёш хотин билан туришнинг ўзига яраша ғалвалари ҳам бўларкан. Наташа бир куни туфли кўтариб келади. Оёғига кийиб уёққа юради, бу ёққа юради. «Ярашдимми?» дейди-да, диркиллаб келиб эрининг юзидан ўпади. «Юз эллик сўм». Эртасига пальто олиб келади. Индинига чўмилганда кийиладиган костюмча. Бафуржа қип-яланғоч бўлиб ечинади-да, костюмчани кийиб кулади. «Сагатчик, қалай, ёзда Ташморьяга обorasанми, жаҳлинг чиқмасин, қиммат эмас, юз сўм»...

Ўзинг қари, хотининг ёш бўлса, рашкинг кўзғайвераркан. Гоҳи-гоҳида Наташа кечикиб келади. Комиссар сиқувга олади.

— Қаёқда юрибсан, қара, соат неча бўлди?

— Қизиқмисан, Сагат? — дейди Наташа жўнгина қилиб. — Ишимни биласан-ку. Тўй бўлди. Ўзбекнинг нимаси кўп — тўйи кўп. Тағинам эримнинг жаҳли ёмон, деб, шефдан рухсат олиб келдим.

Ҳаммаси рисоладагидек кетаётган эди-ю, янги йил кечаси хунук ҳодиса бўлди. Наташа ярим кечагача қолиб кетди. Янги йил киришига ярим соатча қолган эди. Бир маҳал эшик жиринглади. Комиссар эшикни очса, турибди илжайиб: кўзлари сузилган. Комиссар:

— Ичдингми? — деб дағдаға қилган эди, Наташа ёш боладек эркаланиб юздан ўпди.

— Палов тайёрми? Шампан борми? Молодец! А, менинг сенга сюрпризим бор. Меҳмон олиб келдим, — деди кулиб. — Володя, келавер. Танишинглар. Бу — менинг эрим Сагат Ганиевич! Володя синфдош дўстим. Янги йил кутиш учун атайлаб Свердловскдан келибди.

Комиссар эс-ҳушини йиғиб олмасидан оғздан гуркираб ароқ хиди анқиб турган, штанга кўтарадиганларга ўхшаш бақувват келбатли йигит сурбетларча илжайиб қўл узатди.

— Салом! Янги йил билан!

— Сагат Ганиевич пиширган паловни есанг, бармоғингни ялаб қоласан! — деди Наташа яйраб-яшнаб. — Володя умрида ўзбекча палов емаган. Тезроқ бўлақол, Сагатчик!

Палов егиси кептими? Минг лаънат меҳмонинггаям, ўзинггаям! Комиссар ижирғаниб ошхонага кирди. Ошнинг гуручи сув теришини кутди.

Қозонга товоқ босиб, уйга кирса, ароқлар очилган, шампанлар қуйилган... Қай кўз билан кўрсинки, «штангачи» диванда Наташани бамайлихотир эзғилаб ўтирибди! Комиссар ғазабдан қалтираб қолди. Тили калимага келса қани!

— Марш! — деди аламноқ гулдираб. — Йўқол икковинг ҳам!

— Секин, қария, секин! — деди Володя пинагини бузмай.

— Нима кипти! — Наташа хандон отиб кулди. — Узинг эпполмаганиңдан кейин...

— Ма-а-рш! — Комиссар қўлидаги капгирни отди. Капгир деворга урилиб, сакраб столга тушди. Шампан шишасини баранғлатиб ёриб юборди. Володя сапчиб ўрнидан тураётган эди, Наташа қўлидан тортиб қолди.

— Керакмас, — деди юзига сачраган шампанни кафти билан сидириб. — Арзимаиди. Ўлдириб қўйиб, балосига қолиб юрма тағин.

Пальтосини киятуриб дона-дона қилиб таъкидлади.

— Эй, пичанни қўриқлаб ётган қари ит! Билиб қўй, ЗАГСдан ўтганмиз, квартирада менинг ҳам улушим бор. Бир ой ичида уй топиб бермасанг, Володя билан кўчиб келиб, шу ерда тураимиз...

Яхшиям, Комиссар қонун кодексини сув қилиб ичиб юборгани. Бўлмаса энка-тинкасини чиқариб юборарди бу хотин! Шунда ҳам уйдаги бор буди-шудини шилиб кетди.

...Жаҳонда энг донишманд халқ биласизми ким? Австралия аборигенлари! Оғир жиноят қилганини қамамайди. Отмайди. Осмайди. Ёлғиз қолдиради. Битта ўзини! Мана, ўн йилдан ошдики, Комиссар танҳо... Битта ўзи!

Тўғри, ора-чора ветеранлар йиғилишига, шаҳар ижрокўмидаги уй тақсимооти комиссияси мажлисига чақириб туришади. Лекин, мажлис дегани ҳар куни бўлмайди-да.

Уч-тўрт бор Маузер келди, хотини билан. Юринг, дада, бунақа сўққабош бўлиб ўтирманг, деди. Очиғи... Комиссарнинг кўнгли сув ичмади. Билади, ўғли бутунлай бошқа дунё. Ҳафта ўтмай ораларида ихтилоф чиқади.

Соғлиғидан-ку, шикоятни йўқ. Фақат асаблари чарчади шекилли. Уйга киргиси келмайди.

...Кундузи-ку, ўзига юмуш топади. Саҳарлаб сутга чиқади. (Наташа ўргатган одат). Сут олиб қайтаётганида албатта Қурбонийни кўради. Гапга салади. Арслон қариса куни сичқон тутишга қолади, деганлари шу бўлса керак-да! Ақалли шу хотин билан гаплашса ҳам ҳарна-да. Вақт ўтади...

Шошилмасдан юриб уйга киради. Манний каша ёки ширгуруч қилади. Унғача газета дўкони очилади. Очирид туриб газета олади.

Ундан гастрономга киради. Очиридга туради. Нима беряпти, нима сотяпти, аҳамияти йўқ. Очиридда турса бас. Очирид қанча катта бўлса, шунча яхши. Одамларнинг гапига секин қулоқ соласан. Янгиларни эшитасан...

Кеч кирган сайин юраги сиқилаверади. Ёлғиз овунчоғи — телевизор. Ярим кечага бориб, унинг ҳам овози ўчади. Ётишга кўрқади. Ётса, уйқусида ўлиб қолаётгандек. Ҳаммаёқ жим. Ҳаммаёқ зимистон...

Уни хаёли олиб қочади. Кейинги пайтларда ҳар куни эмас-ку, гоҳо-гоҳо кўнглининг бир бурчида мавҳум саволлар гимирлаб қолади. (Нега шунақа бўлаётганини ўзи билмайди. Бугун Қурбонийга «жойнамоз устида мени қарғасанг керак», дегани ҳам шундан бўлса эҳтимол).

Балки Назира, ҳов ўшанда — тўнғичини туғиш арафасида кўп қарғиш олганмисиз, деб сўрагани бежиз эмасдир? Балки ўзи ҳам жиндай ҳаддидан ошиб кетгандир? Шунча одамнинг умрига зомин бўлиб тўғри қилмагандир?

У хира пашшадек бемаъни ғинғиллаган саволларни ўша заҳоти қувиб салади. Биринчидан, у умрбод кетмон уриб, ер қовлаб ётадиган аллақандай колхозчи эмас! Қайси томондан илиқроқ шамол эсса, ўша ёққа қараб эгиладиған, бир қарасанг феодал ўтмиши улуғлайдиган, бир қарасанг ғарбга топинадиган бетайин зиёли ҳам эмас! Комиссар Ганиевнинг букилмас эътиқоди бор! У ўзи чин дилдан ихлос қўйган жамиятни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилди. Керак бўлса энди ҳам ҳимоя қилади. Иккинчидан эса, буйруқни бажарди! Офицер деганнинг биттаю битта ҳуқуқи бор: у ҳам бўлса буйруқни бажариш! Юқоридан фалончини қама, деган буйруқ келдими, ўша заҳоти қамай-

ди. Сургун қил, деса, сургун қилади. От деса — отадиям... Башарти эрта — бириси кунни фалончи бегуноҳ экан, оқлансин, деган ҳукм бўлса — оқлайди! Бу дунё муттасил айланиб турадиган мураккаб механизм. Одамлар ўша механизмнинг кичик бир винтчаси холос. Ҳар битта винтча ўз вазифасини адо этмоғи керак. Биттаси ишламай қолса, кўрасан, нима бўлишини! Бутун бошли механизм чок-чокидан сочилиб кетади... Йўқ, Комиссар Ганиевнинг бировдан тили қисик жойи йўқ. Нимаки қилса, бурчини адо этди. Виждонан адо этди...

У илиқ сув билан уйку дори ичади-да, тўшака чўзилади. (Назарида лаънати тўшака кун сайин совиб бораётганга ўхшайди). Чўзилади-ю, кўзини юмади.

Тун — ёлғизларни синаш учун юборилган жазо элчиси. Аввал кўзингни кўр қилади. Кейин қулоғингни шанғиллатади. Ундан кейин юрагингни ғижимлай бошлади. Шошилмасдан... Алоқ-чалоқ тушлар кўрасан...

Яна бошландими?.. Анави ким? Башараси таниш кўринади? Ие, Хусанхўжа-ку! «Ўлмаганмидинг?» «Ўрик ейсизми, ака-а-а? Манг ўрик». «Обор! Обор ўригингни!» «Енг, ака, битта енг!» «Йўқол дейман». Кулишини қаранг! Кулиши мунча хунук! Ие, скелет-ку, бу! Хусанхўжанинг скелети! Тишлари иржайиб турибди. Оғзини каппа-каппа очиб «ака-а-а» дейди. Йўқол! Ифлос, унсур! Пистолетим қани, пистолетим! Ким бор? Ёрдам беринлар!..

Уфф... Нима бўлди? Нега титрайди? Туш кўрди-ку, туш. Тушдан ҳам кўрқадими, одам? Йўқ, ухлагани йўқ эди шекилли. Аниқ кўрди-я! Девор орасидан сирғалиб чиқса бўладими? Валидол қаёқда эди? Уф-ф-ф...

РУСТАМНИНГ ИККИНЧИ КУНДАЛИГИДАН

Май ойининг ўн олтинчи кунни.

«Ил —76»да кетяпмиз. У ёққа олиб кетишаётганда солдатларни қандай «босишган» бўлса, бу ёққа келаётганда ҳам, шундай зичлаб жойлаганлар. Фарқи шуки, у ёққа бораётганлар орасида дўстларим бор эди: Хайриддин, Темур ака, Саша... Ҳозир атрофдаги болаларни деярли танимайман: турли қисмлардан тўпланган «дембиллар». Яна бир фарқи бор: у ёққа сумка кўтариб кетган эдик. Бу ёққа ҳар бир солдат биттадан «дипломат» кўтариб келяпти.

Мотор товуши ғуриллаб, қулоқни қоматга келтиради. Аскар болаларнинг ҳаммаси — жим. Ҳамма бир нарсани ўйлаб турибди-ю, айтолмайди. «Самолётга «Стингер» тегмаса бас!»

Хаёлимга бемаъни ўй келди. Самолётда «иккиюзинчи» юк бормикин? Йўқ бўлса керак. Улик ташийдиган махсус самолёт бўлади, дейишади. Аслида-ку, темир қутида ётганларга барибир. Самолётда олиб келадими, Хайратондан машинада олиб ўтадими? Нима фарқи бор?

Хўп, онанг сочини юлиб дод солади. Отанг кавшарланган «сандиқ»ни қучоқлаб, «ўғлим, жон болам», деб изиллайди. Суйган қизинг (агар бўлса) «у ёқ»дан юборган суратингни юзига босиб, кечаси билан унсиз йиғлаб чиқади. Қаёқдан билиб ўтирибди: қутида қонга беланган жасадинг ётибдими, бир пой этигингни, ё шунчаки тузми?..

Бир маҳал кабина тепасидаги қизил чироқ таҳдидли ёниб-ўча бошлади. Ҳамма беихтиёр ўша томонга қаради. Эшик очилиб, учувчи кўринди.

— Йигитлар, чегарадан ўтдик! — деди жилмайиб.

Самолёт ичи бир зумда шодон шовқинга тўлиб кетди. Биров Тошкентнинг ҳавоси қандай экан, деса, бошқаси қулупнай егиси келаётганини айтади. Нарироқда дипломат устида омонат ўтирган бир бола кафти билан юзини тўсганча юм-юм йиғлаяпти...

Аэропорт Тошкентга ўхшамас эди. (Шаҳар четидаги бошқа аэродромга қўнганимизни кейин билдим). Торгина залга кирдик. Божхонанинг бадқовоқ ходимлари худди биров Афғонистондан атом бомбаси ўғирлаб келаётгандек ҳар битта солдатнинг дипломатини тит-пит қилиб текширишга тушди.

Бир чеккада сигарет чекиб турарканман, қулоғимга жуда азиз, жуда қадрли куй эшитилди. Радиода «Муножот»ми, «Чўли Ироқ»ми янграр, номини эслай олмасдим-у, йиғлагим келарди.

Ташқари чиқшим билан сурмаранг такси ғириллаб келиб шундоқ ёнбошимда тўхтади. Еш бўлса ҳам афти қаримсиқ таксичи қўлимдаги дипломатга ёпишди.

— Чамадонинг қани, солдат? — деди шанғиллаб.

— Чамадон йўқ,— деган эдим, шоширди.

— Утир! Тезроқ бўл! Бу ерда тўхташ мумкинмас. ГАИ талонимни тешади.

Қанақа одам бу? Мен такси чақирган бўлмасам!

— Автостанцияга! — дедим ёнига ўтириб.

— Уйинг қаерда ўзи?

— Узоқда. Автостанцияга оборсангиз бўлди.

— Қаерда турасан? — Таксичи машинани чаққон ғизиллатиб кетди.

— Пискентда.

— Қизиқ экансак-ку, Хўтонга бўлсаям обориб қўярман!
— У ёққа таксида боришга пулим етмайди! — дедим тўғриси айтиб.— Авто-
станцияга оборсангиз бас.

— Пули билан нима ишинг бор! — У қўлини пахса қилди.— Пискентнинг ўзига
борасанми ахир?

Индамай бош ирғаган эдим, сўради.

— «Афғонмисан?» Хўп, дейвер, ука! Қалай, омон-эсон келдингми, ишқилиб? Су-
юнганидан ўингдагиларнинг юраги қоқ айриладиган бўлди-да! Мен-чи, вей! «Афғон»-
ларни узоқдан танийман. Сениям кўриб, дарров билдим. Шошма, дедим, шу болага
бир хизмат қилиб қўяй, дедим.

Мунча шақиллайди бу шопир!

Тошкент ўзгармабди. Уша-ўша шаҳар. Уша-ўша кўчалар. Йўл четида ям-яшил
дарахтлар яшнаб ётибди. Машиналар бир-бирини қувиб, шамолдек елади. Гўё ўн беш
қадам олдинда бораётган машина минага дуч келиб, портламайдигандек! Кўчада одам
мунча кўп? Мунча ясан-тусан! Гул кўтарган? Мунча эмин-эркин юрибди булар? Гўё олис-
да, қоялар орасида биқиниб турган снайпер хоҳласа беш минутда йигирматасини ер
тишлатмайдигандек...

— «Сув париси»дан борми, солдат?

Нима дейди бу?

— Нима?

Таксичи қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Мен шохида юрсам, сен баргида юраркансан, солдат! Отинг нима?

Айтдим.

— Вой, Рустамжон-эй! Вей муғамбир-эй! — У навбатдаги машинани қувиб ўтаркан,
сигнални бибиблатди.— Мендан ҳам қув экансан! Кўрдим, дипломатинг енгил! Аммо-
лекин битта дипломатга анча-мунча «сув париси»ни жойласа бўлади! Бизда бир кийими
беш юз туради! Эшитдингми, беш юз! Хўп десанг пуллаб бераман! Қуруғини арра
қиламиз! Келишдикми?

— Йўлга қаранг, ака! — дедим тишимни тишимга қўйиб.— Менда ҳеч қанақа «сув
париси» йўқ!

— Ола-а! — Таксичи ишонқирамай юзимга қараб қўйди.— Утган ҳафта битта капи-
танинн Северо-востокка обориб қўйган эдим. Сенга ўхшаб гаплашиб кетдик. Аммо-
лекин маладес! Кўнгли очик одам экан. Узиям Афғонистондан тўртта чамадон билан
келди, азамат. «Мен офицерман, бунақа ишларга уқувим йўқ, деди. Кўмаклашиб юбор-
санг, бизнес қиламиз», деди...

Шаҳардан чиқдик. Ям-яшил далалар бошланди. Йўл четида хўппайган толлар,
осмонга хитоб қилган мирзатераклар... Димоғимга алланечук қадрдан ис урилди.
Аввалига эслолмадим. Нима бу? Маст қилувчи ҳид қаёқдан келяпти? Бир чақиримча
юргач ўнг томондаги кумуш япроқли жийдаларга кўзим тушдию дилим яйраб кетди.
Жийда гуллабди, жийда!

— Ростини айт, ука! — деди таксичи машинани шиддат билан ҳайдаб бораркан.—
Чиндан ҳам ҳеч нима обкелмадингми, Афғонистондан?

— Олиб келдим! — дедим тоқатим тоқ бўлиб.— Пистолет олиб келдим. Чўнта-
гимда турибди.

Худога шукр! Уни ўчди. Йўл чети ям-яшил... Бедазорлар, энди қўшқулоқ бўлиб
чиққан пахтазорлар. Унда-мунда қўйлар, ола сигирлар ўтлаб юрибди.

Таксичи кўчамиз бошида машинани тўхтатди.

— Қайси уй? — деди шанғиллаб.

— Ҳов ана! Тол соясидаги дарвоза.

— Бўпти! Тушавер! — У азда-базда машинасини айланиб ўтиб, ўнг эшикни очди.—
Аввал суюнчисини чўзиб қўйишин-да, мундоқ.

Эс-ҳушимни йиғиб олгунча такси чанг кўтариб, дарвозамиз томон елди. Узоқдан
кўриб турибман. Машина дарвоза олдида тўхтади. Таксичи жонсараклик билан дарво-
зани қўшқўллаб муштлади. Зум ўтмай ўзини ичкарига урди. Бирпасдан кейин эғнида
янги тўн, бошида дўппи билан қайтиб чиқди. Мен томонга имо қилиб, бир нималар
деди. Дарвоза олдида турган Илҳом акамни кўрдиму юрагим орзиққанча югурдим.
Таксичи дипломатни тол тагига қўйди-да, машинасини шиддат билан орқага қайтарди.
Акам ҳам мен томонга чопди.

Машина менга рўпара келганида бир сония секинлади.

— Солдат! — деди таксичи деразадан бошини чиқариб.— Аканг берган уч юзига
рози бўлсин!

Юрагим қинидан чиқиб кетаётганга ўхшар, жонҳолатда уйим томон югурар эдим.

Акамнинг кучоғидан чиқдим у бўйнимга осилган онамни бағримга босдим. Шунда
ойим таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини оғриқ билан ҳис этдим. Рўмоли елка-
сига сирғалиб тушган, сочлари дув оқарган, билаклари косовдек қорайиб, ингичка
тортиб кетган, хиралашган кўзларидан дув-дув ёш оқар, нуқул «болам, жон болам»,
деб юзларимни силар эди.

Димоғимга райҳон ҳиди урилиб, юрагим қалқиб кетди. Болаликдан шууримга синган, унутилаёзган кадрдон ис... Шунақа-ку, сочлари нега бунча оқариб кетган? Кетаётганимда бунақа эмасди-ку! Гавдаси нега бир тутам бўлиб қолди. Одамзот шунчалик тез ўзгариши мумкинми?

— Йиғламанг, ойи,— дедим кулиб.— Мана, мен келдим-ку!

Ойим ҳамон бўйнимга осилганча ҳиқиллар эди.

— Йиғлаётганим йўқ, болам,— деди кўз ёшларини артиб.— Сен келдинг, болажоним. Энди ҳечам йиғламайман.

Кизиқ, келинойим ҳам алақандай қаримсиқ бўлиб қопти. Пешонамдан ўпаркан, ҳорғин кўзларида қувонч порлади.

— Бўлди, ойижон! — деди, онамни юпатиб.— Худога шукр, Рустамжон соғ-саломат қайтдилар. Энди тўй қиламиз.

— Албатта қиламиз! — Ойим кўз ёшлари аралаш жилмайди.— Худо хоҳласа тезлаштирамиз тўйингни, Рустамжон!

Остона ҳатлаб ўтишим билан ойим жонсарак алпозда келинойимга буюрди.

— Салимаҳон! Тез бўлинг, жон болам! Патирни олиб чиқинг! Чаққон-чаққон!

Келинойим бирпас гарангсиб турди-да, уйга югурди. Зум ўтмай бир чеккаси тишланган патирни кўшқўллаб кўтариб чиқди. Онам патирни менга тутқазди.

— Бисмилло, деб тишла, болам! — деди овози қалтираб.

Икки йил аввал худди шу остонада туриб бир четини тишлаб кетган патирни қўлимга олдим. Патирнинг кемтик қиррасида ўзимнинг тишларим изи кўриниб турарди. Бир томонида ип осилиб қолган. Ажаб, икки йил даворда осиглиқ турган нон морламаган, ҳатто гард ҳам кўнмаганди.

— Илоҳи омин-ин! — Ойим косовдек қўлларини фотиҳага очди.— Омон-эсон келганинг рост бўлсин, болам! Жумла-мўминини дилидаги ниятига етказсин. У дунёю бу дунё уруш бўлмасин! Сув балосидан, ўт балосидан, тухмат балосидан яратган Эганининг ўзи асрасин!

Ҳовли ўзгармабди. Этакдаги икки уй бир айвон томига чиқариб юборилган сўритокда узум шўралари осилиб турибди. Бурчақдаги тандир ҳам, эшиги қия очик молхона ҳам, чап томондаги акамнинг шипир томли уйи ҳам ўша-ўша.

Пастак девор олдидаги икки туп гилос шигил мева солибди. (Пастдаги шохларни жиянчалар «қийратгани» аниқ). Сўри ёнидаги олма гулини тўккан, аммо тугган меваси ҳали майда шекилли, қалин япроқлар орасида кўзга илинмайди. Ҳовли ўртасида бир вақтлар дадам атайлабдан Бешариқдан хавас қилиб олдириб келган қўқонгуллар гунчалаб ётибди... Гулзорнинг чор атрофи яшил рангга бўялган пастак сим панжара билан ўралган. Райҳонлар панжарани қоплаб олганди...

Келинойим бирпасда ёғоч сўрига жой қилди. Қават-қават пойандоз ташлади. Дастурхон ёзди. Ойим сўри четига омонат ўтирган кўйи тагин узундан-узоқ фотиҳа ўқиди. Келинойим ҳовлига кўлоблатиб сув сепаётганда райҳон иси гуркираб кетди.

Ростини айтсам, очикқан эдим. Тандир нонни иштаҳа билан еб, кўк чой ичарканман боядан бери хаёлимда айланаётган саволга энди жавоб топгандек бўлдим. Ҳовлида нима етишмаётганини билдим. Кираверишда, тепасини ёпиб, гаражга мослаштирилган йўлакда одатда сарғиш «Нива» турарди. Дадам уни деярли минмас, акам шаҳаргами, районгами борганда ҳайдар эди. Ҳозир «гараж» супуриб-сидириб қўйилган, девор четида турадиган эски канистрлар ҳам кўринмасди. «Дадам миниб кетгандир-да!»

— Дадамга хабар қилдингларми? — дедим чой хўплаб.

— Хабар қилдик, укам, хабар қилдик! — деди акам елкамга қоқиб.— Қани, нонга қара. Ойимларнинг нонларини соғингансан! Ойим маладеслар-да, Рустам! Нонни ўзлари ёпмасалар, кўнгиллари жойига тушмайди. Бугун эрталаб ишга кетаётсам, хамир қориб ўтирибдилар. «Нима зарил, Салиманинг ўзи ёпади», десам, нима дейдилар дегин? Ойи, ўзингиз айтинг!

Ойим бир акамга, бир менга қараб, кулимсираб қўйди-ю, индамади.

— Айтдиларки,— деди акам тантанавор оҳангда,— мени айтди, дерсан, Илҳом, бугун укандан ё дилгиром келади, ё ўзи кириб келади, хамир учди, дедилар. Тўғри-ми, ойи?

— Туш кўрсам...— деди ойим ёшланган кўзларини дастурхон попугидан узмай.— Боғ эмиш. Ка-а-атта боғ... Бир маҳал боғ ичида от кўринибди. Оппоқ от. Қарасам, от устида сен ўтирибсан. Вой, болам, қачон келдинг, десам, индамай кулиб турибсан. Қарасам, отни жиловни йўқ. Қўрқиб кетдим. Тушақол болам, тезроқ туш, йиқитиб нетиб юрмасин тагин десам, яна индамайсан. Бир маҳал даданг пайдо бўлиб қолдилар. Ҳой, дадаси, ушланг, анани отни, Рустамжонни опкочиб кетмасин, десам...— Ойим тўсатдан жимиб қолди. Ошхона томонга қараб, ожиз, йиғлоқи овозда чақирди.

— Салимаҳон-у-у! Ҳой, Салима! Рустамжонга қатиқ бермабсиз-ку!

Ошхона эшигидан келинойим мўралади.

— Чопинг! — деди ойим тайинлаб.— Ақиданикига чиқинг. Бир коса қатиқ берсин. Рустамжон келди, денг.

Келинойим ошхонадан чиқиб, кўчага зинғиллади.

Ҳайрон бўлдим.

— Ҳзимизнинг сигир-чи?

— Ҳлсин! — Ойим шоша-пиша қўл силтади.— Қисир қолувди, сотиб юбордик.

— Яна биттаси бор эди-ку! — дедим ҳайратланиб.

— Унисини гўшга топширдик.— Акам белисанд кулди.— Қорни шишиб кетди.

Жиянларинг ўйинга андармон бўлиб, беда оралаб кетганини билмай қолибди... Шўх-да, шумтакалар!

Ростини айтсам, жаҳлим чиқди. Қишлоқда туриб сигир боқмаса, қанақа гап бу? Акам, кўнглимдан ўтганини сезди чоғи, елкамга шапатилади.

— Э, ука! Шунгайя ота гўри — қозихонами? Бош омон бўлса, дўппи топилади.

— Салима чиққунча мен овқатга қарай,— онам инқиллаб сўридан тушаётган эди, дарвоза томондан шодон қийқириқ эшитилди.

— Ур-ре! Кичик дадам кептилар!

Акамнинг икки ўғли ҳовлига отилиб кирди. Уқдай учиб келиб, иккаласи икки томондан ёпишди. Иккови аллақаярда роса футбол тепган шекилли, терга ботиб кетган.

— Менга нима обкелдиз? — деди каттаси.

— Менга-чи? — деди кичиги.

— Сенларгами? — дедим дилим яйраб.— Жевачка олиб келдим.

Янги ғалва бошланди:

— Менга ўнта берасиз!

— Менга ўн бешта, хўп?

— Беради! Иккалангайм беради! — Ойим болаларни мендан нари сурди.— Аввал қўшнилардан суюнчи олмайсанларми? Кичик дадам келдилар, демайсанларми?

Жиянчалар бир зумда бутун қишлоққа хабар қилдибдими, кун ботмасдан меҳмон босди. Биринчи бўлиб, Турсунбой ака чиқди. Белимдан силтаб-силтаб бағрига босаркан, ойимга хитоб қилди.

— Айтмабмидим, хола! Рустамжон бирон ери тирналмасдан, келади, демабмидим! Сиз бўлсангиз йиғлаб юрибсиз! Тўйни тезлаштиринг, тўйни! Укамга ўзим куёвжўра бўламан! — У менга қараб, гапини тасдиқлатиб олди.— Тўғримми, гапим? Хатда ёзганмидим шуни? Ана! Гап битта бўлади!

Ҳовлига катта жой солинди. Шўрва тортилди, ош дамланди.

Шу пайтгача дадам келмаганига жаҳлим чиқа бошлади. Акам юпатди.

— Тошкентда сессия бор экан. Ҳали-замон келиб қоладилар.

Меҳмонлар тарқаб, ҳовли жим-жит бўлиб қолди. Олма тағидаги сўрида тагин тўртовлон қолдик. Ойим, акам, келинойим, мен... Вақт алламаҳал бўлиб қолган, дарвоза рўпарасидаги тол тепасида муаллақ тўхтаган тўлин ой мўл-мўл нур сочар, чигирткалар куйиб-ёниб чириллар эди.

Ой бунақа ёруғ бўлиши ёмон. Заставада пешоб қилгани ҳам боролмайсан. Маскоҳалат-ку, гавдангни асрайди. Қоялар панасида кўзга кўринмайсан. Аммо соянг бор-ку, соянг! Бир чақирим нарида пойлаб турган «дух» снайпери соянгни кўрмайди, дейсанми? БУР тепкисини битта босса...

Нима бўлди менга! Афғонистон қолиб кетди-ку! Ҳов олисларда! Совуқ тоғлар ортида. «Қизик, нега дадам йўқ? Соат неча бўлди, ўзи? Мажлис шунча чўзиладими?»

— Дадам қачон келадилар, ака? — дедим тоқатим тоқ бўлиб.

— Келадилар, укам, келадилар.— Акам ғайрат билан чой қайтаришга киришди.— Баъзан сессия уч кунлаб чўзилади. Биласан-ку, депутат бўлгандан кейин...

Айвонда майкачан жияним кўринди. Кичиги.

— Ая-я! — деди йиғламсираб.— Сияма-ан!

Келинойим югуриб айвонга чиқди. Болани ҳожатхона томон етаклади. Ҳша ёқдан «бўл тез, жойингга бориб ухла!» дегани эшитилди.

Келинойим қўлидан етаклаб кетаётган эди, бола гулзор рўпарасида тўхтади. Сўри томонга бурилиб қаради-да, ер тепиниб хархаша қилди.

— Жевачка! Кичик, дада, жевачка! — деди йиғламсираб.

— Жиннивой-эй! Сенга жевачка ваъда қилувдим-ку! — Сўридан сакраб туриб, айвонга чиқдим. Бурчакда турган дипломатни очиб, тиш чўтка, сочиқ сингари лашулар орасидан бир қути сақични олдим.

— Ма! — дедим кулиб.— Юзта!

— Битта ўзимгами? — Болакай кўзлари ҳайратдан очилиб сўради.— Акамга-чи?

— Аканггайм бор! — дедим меҳрим товланиб.

Келинойим боланинг бошини силади.

— Бўлдимми, юр энди. Ухла!

Қайтиб келиб сўрига ўтиришим билан жиянчам остонада тагин пайдо бўлди. Сув сепилган ҳовли саҳнида дикир-дикир югуриб ёнимизга келди. Чамаси бутунлай уйқуси ўчиб кетган эди.

— Очиб беринг! — деди сақични узатиб.— Очиб беринг, кичик дада-а!

Болани тиззамга олиб, сақич қоғозини очдим. Бола маъза қилиб чайнаркан, сўлаги оқиб илжайди.

— Вой, кичик дада, қулупнайга ўхшаркан! — Бир зум қарсиллатиб чайнаб турди-да, бўйнимга осилди.— Кичик дада-а,— деди қоп-қора кўзларини катта-катта очиб.— Сиз келдингиз-а?

— Кўриб турибсан-ку, келдим,— дедим кулиб.

— Энди кетмайсиз-а?

— Йўқ,— дедим гапи нашъа қилиб.— Кетмайман!

Болакай бир зум ўйланиб турди-да, сўради:

— Бобожоним қамоқдан чиқадилар-а?

Ичимда бир нима узилиб кетгандек бўлди.

Келинойим югуриб келиб, боланинг билагига чанг солди.

— Юр! — деди тахдид билан.— Ухласанг ўласанми, зумраша!

— Йў-ў-ўқ! Кичик дадамминан ўтираман! — Бола оёқ-қўлларини типирлатиб чинқирди.— Ухламайман! Ухламайман!

— Ўчир! — Акам кўлини пахса қилиб келинойимга ўдағайлади.— Обкир уйга!

Ойим ўтирган жойида тебраниб йиғлаб юборди.

— Худо уриб қолди бизни, болам! Худога нима ёзувдик, ўғлим! Отанг бечора шунча йил меҳнат қилиб, кўрган кунни шу бўлдими, Рустамжон!

* * *

— Юр, ука, уйга кирайлик.— Акам ўрнидан турди.— Ойи,— деди юпатувчи оҳанг-да.— Сиз дамингизни олинг. Ака-ука бир отамлашайлик.

Онам индамади. Аммо ёнимизда ўтиргиси келаётгани кўриниб турарди.

— Хоҳласангиз, юринг, сиз ҳам...— Акам онамнинг қўлидан тутиб, сўридан тушишга кўмаклашди.

Учовлашиб, Илҳом акамнинг «катта зали»га кирдик. Акам чироқни ёқиши билан гарангсиб остонада туриб қолдим: уй деярли шипшийдом эди. Янгам иккита болали бўлганда ҳам «катта зал»ни келиннинг уйидек безатиб қўядиган одати бор эди. Сервант-да дид билан терилган сервизлар, тахмонда қўша-қўша бахмал кўрпалар, деворда чўғдек гиламлар... Энди бўлса, уй ўғри ургандек хангиллаб қолибди. Уртада хонтахта. Атрофидо тўртта кўрпача. Бурчакда болалигимда дадам олиб келган «Электрон» телевизори. Бор жиҳоз — шу. Ҳатто нафис дарпардалар ҳам қаёққадир гумдон бўлган. Деразаларнинг ярмини тўсган оддий сарғиш парда фариб мунғайиб турибди.

— Ўтир, ука.— Акам юзимдаги саволни ўқиб, хижолатли илжайди. Шоша-пиша кўрпачага имо қилди.— Юқори чиқинг, ойи.

Онам қўллари қирсиллаганча, хонтахта қиррасидан ушлаб, тўрдаги кўрпачага чўкди. Акам тоқчадан очилган ароқ, иккита пиёла олди.

— Салима!— деди айвон томонга қичиқчириб.— Обке, редиска-педискадан!

— Шу ўлгурни ичмасаларинг нимаиди-я?— деди онам норози бўлиб.

— Кўпмас, ойи, жиндай... Қани? Омон-эсон қайтганинг учун!

Биринчи пиёладан кейин акамнинг кўзлари қизариб, пишиллаб нафас ола бошлади.

— Ҳайрон бўляпсанми?— деди шип-шийдам уйга қараб.— Сотдик! Қани, ол... Майли, ука, бош омон бўлсин! Дадам соғ-саломат келсалар бас!— Бир нима дафъатан ёдига тушгандек, кулимсиради.— Аммо сенинг тўйингга аталган нарсаларнинг нинасиниям қимирлатганимиз йўқ. Тўғрими, ойи?

Онам индамай бош ирғаб қўйди.

— Анави исковичлар хўп ёпишди,— деди акам.— «Бу қанақа атлас?» «Қаердан келган?» «Шунча аёллини нима қиласан? Кимдан порага олгансан?» Ўзбекнинг тўйи шунақа бўлади, келинга кийимлик, қилмаса бўлмайди, десак, қулоқ солса қани!

Акам яна ароқ қўйди.

— Қўяқол энди, болам,— деди ойим ташвишланиб.— Уканг толиққан, даммини олсин, эртага гаплашарсанлар.

— Йўқ!— акам алам билан бош чайқади.— Эшитсин!— Сен у ёқда дадамдан нега дарак йўқ, деб ёзасан... Бу ёқда дадамни тикиб қўйган. Бир кечада идоранинг ўзидан олиб кетган. Қўшиб ёзганмиш. Пора олганмиш... Кун ора сўхтаси совуқлар уйга бостириб киради. Яширган тиллаларингни топ, дейди... Қўлида мина излайдиган таёққа ўхшаган нарса. Ҳамаёқни титкилайди. Халажойгача кавлаб кўрди. Тўғрими, ойи?

Онам бошини бир ёнга ташлаган кўйи номаълум нуқтага термулиб ўтирар, унниқиб кетган мошранг рўмоли сирғалиб елкасига тушган, оппоқ сочлари тўзғиган, кўзларида маъно йўқ эди.

Ич-ичимдан титроқ уйғониб, тўсатдан миямда чидаб бўлмас оғриқ турди. Бармоқларим музлай бошлади. Ҳозир, ҳозир бошланади! Онам! Бечора онамнинг бир ками шу томошани кўриш эди! Жон ҳолатда арақ шишасини юлқиб олиб, пиёлага тўлдириб қўйдим. Гирихланиб келаётган тишларим орасига пиёла қиррасини зўрлаб тикиб, ичдим... Қанча вақт ўтганини билмайман. Ниҳоят, кўз ўнгимни қоплаган сарғиш туман тарқалгандек бўлди. Хайрият!

Қарасам, акам кўзлари хайратдан чақнайиб, юзимга синчиклаб тикиляпти. Бошим-

ни нимадир таталаётганини ҳис этиб, ғашим келди. Ойимнинг қўллари экан. Бурилиб қарасам, онам, орқамда тик турганча икки букилиб бошимни уқалаяпти. Пиёла хонтахтада тўнқарилиб ётибди.

Қути ўчган келинойим тумшугимга коса тиқиштирди.

— Ичинг, ича қолинг, Рустамжон!— деди ялиниб.

Сув экан.

Косани кафтим билан нари сурдим.

— Керакмас.

Ойим бошимни уқалашдан тўхтади.

— Сенга нима бўлди, болам!— деди икки юзимни силаб.— Онангни нега қўрқитасан, жоним болам?

Энди у йиғламас, қовжираб қолган кўзларида қўрқинч, хавотир бор эди.

— Ҳеч нима!— дедим илжайишга уриниб.— Нега ваҳима қиласиз!

— Шу ўлгурни ичма дедим-ку!— Ойим акамга дашном берди.— Юр, болам,— деди елкамни силаб.— Жойингни солиб бераман. Чарчагансан.

Худога шукр! Хуруж ўтиб кетди. Бояги арақни ичганим яхши бўлган экан. Титроқ босилди. Қўлимнинг музлаши қолди.

— Ойи,— дедим ялиниб.— Сиз кириб ётинг. Биз акам билан гаплашиб олишимиз керак.

Барибир онам ёнимга ўтириб олди. Биламан, энди бир қадам ҳам жилмайди.

— Бу ҳангомалар,— деди акам хўрсиниб.— Августда бошланди. Мактаб ремонти охирлаб қолганди. Эрта-индин август кенгаши бошланади... Директор одам юборди. Областга кимни юбориш муҳокама қилиниши керак экан. Мажлисни илмий мудир ўтказди. Чорак соатчандан кейин директор кириб келди.

«Ўртоқ Шоматов, сизни сўрашяпти», деди. «Ким?» десам, «Чиқсангиз биласиз», дейди. Ушандаям хаёлимга ёмон ўй келгани йўқ. Фақат хайрон бўлдим. Директор доим отимни айтиб, Илҳомжон, деб чақирарди. Чиқсам, мактаб ҳовлисида ҳеч ким йўқ. Дарвоза олдига келсам, кўк «Жигули» турибди, нол олти. Сен тенги йигит ёнимга келиб, «Сиз — Шоматов Илҳом бўласизми?» деди. «Ҳа», дедим. Машинанинг орқа эшигини очди. «Марҳамат, ўтиринг, гражданин Шоматов!» деди.

Акам «Полёт»ни тутатиб, чуқур-чуқур сўрди. Зимдан онамга разм солдим. Ойим пинжимга тиқилиб жимгина, мунғайиб ўтирар, акамнинг бу ҳикояларини ўнлаб, юзлаб марта эшитган бўлса керак, гапга аралашмас, чамаси эшитишни ҳам хоҳламас эди.

— Шопирдан бошқа яна икки киши бор экан. Биттасиниям танимайман. Шопир олдида, ўшаларнинг хўжайини бўлса керак, битта семиз киши ўтирибди. Бояги йигит мени орқа ўриндиққа ўтказди. Ёнбошимга ўзи ўтирди. Худди киноларда кўрсатадиган шпионни қўлга олгандек. Чап томонимда биттаси, ўнг томонимда биттаси.

«Шоматовнинг уйига!» деди олдинга ўриндиқдагиси.

Юрагим ғаш тортди. Бояги йигитдан сўрадим. «Тинчликми, брат?» десам, ҳалигина илжайиб турган одам кўзини ола-кула қилди. «Мен сенга брат эмасман, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Шевелёв бўламан!» дейди. «Отанг Шоматов Шомансур приписка қилгани, катта миқдорда пора олиб, пора бергани учун қамоққа олинди», дейди. Рости, оёқ-қўлим бўшашиб кетди. «Сизлар адашяпсиз, менинг отам унақа одаммас, бир умр ҳалол ишлаган. Ленин ордени бор, депутат», дедим. Олдинда ўтиргани мен томонга қараб, мазах қилиб кулди.

Қоронғу тушгунча ҳамма нарсани рўйхатга олди. Ҳаммаёқни тит-пит қилиб ташлади.

«Нима керак сизларга, айтинг, ўзим топиб бераман», десам, «Ўчир овозингни!» дейди. Аммо ойим — маладес!— Акам ҳамон мунғайиб ўтирган онамга қараб қўйди.— Сенинг тўйингга аталган кўрпа-тўшакларни, ағдар-тўнтар қилаётган эди, қўлига ёпишдилар. «Келиннинг сарпасига тегма, ўғлим келса, уйлантираман, деб, ўз қўлим билан тикканман», дедилар. Барибир, кўрпаларнинг пахтасигача титиб чиқди. «Миллионер бўлмасанг, келиннингга шунча падаркани қаёқдан олдинг?» дейди. Ойим айтдилар. «Нима қилай бўлмаса, сенларга ўшаб тўрт шиша ароқ билан ўғил уйлантирайми? Мен бу нарсаларни йиллаб тўплаганман», десалар, масхара қилиб кулади. «Миллионни топсанг, эринг қутилиб чиқади, бўлмаса, эринг ҳам кетади, ўғлинг ҳам хотин ололмай сўққабош ўтади», дейди.

— Ароқдан борми?— дедим ичимдан тагин титроқ келаётганини сезиб.

Ойим кўзимга хавотирлиниб қараб қўйди.

— Топилади!— Акам айвон томонга овоз берди.— Сали-и-и! Ошхонани қарагин, яна битта шиша бор эди.

Онам энди оғиз очишга шайланганди, кескин илтимос қилдим.

— Қўрқманг ойи, кўп ичмаймиз. Фақат... Йўқ деманг. Илтимос.

Келинойим... Итоаткор ва ҳамиша жилмайиб турадиган келинойим арақ шишасини келтириб, хонтахтага қўйди.

— Овқат иситиб келайми?— деди мунғайиб.

— Обке!— Акам жонланиб, шиша қопқоғини бурай бошлади.— Бояги жаркопдан опке.

— Қишлоққа офат дориди, Рустам! — деди акам бош чайқаб. — Битта «Коммунизм»нинг узидан йигирма саккиз киши қамалди. Ишонасанми, дадамни изламаган жойимиз қолмади. Кун ора кеннайнинг билан тугун-терсак кўтариб йўлга тушамиз. МВДга борамиз, «Коммунизм» колхозининг раиси, Шоматов қаерда?» десак, «Билмай-миз, Тоштурмага бор», дейди. Тоштурмага борсак, КГБга учраш», дейди. Бу ёқда биз дадамни излаб юрибмиз, у ёқда анавилар ҳар куни келиб, бйимни кўрқитади. «Эринг гумдон қилган миллионни топасан!» дейди.

Акам толиққандек узоқ сукутга чўмди.

— Салима! — деди бақириб. — Нима бало, ўзингга жаркоп бўлиб кетдингми? Янгам товоқда қовурдоқ кўтариб келди.

— Кейин... — Акам яримта картошкани қошиққа илиб чайнаркан, бўйнини чўзиб ютинди. — Кейин мениям қамоққа тиқишди. Икки ой ушлашди... Ичасанми, яна жиндай?! Икки ой ушлашди... Қийнашга қийнади. Икки кеча-кундуз сув бермади. Ухлатмади. Нима? Сен билмайсан-да, ука. Кундузи тик оёқда турғазиб кўяди. Кечаси билан сўроқ қилади. Аммо ростини айтишим керак. Ургани йўқ. Бундан кўра ургани қажийди! Саволи нуқул битта: «отанг яширган ҳазина қаерда? Қанча тез топсанг шунча яхши, отанг ҳам чиқиб кетади, сен ҳам!» «Ҳой, одам! Отамда қанақа ҳазина бўлсин, умрбод ҳалол меҳнат қилган, на колхознинг, на давлатнинг бир тийинига кўз олайтирмаган», десам ҳаммасини қайтадан бошлайди. Бухгалтер тан олди, пахта пункти қабулчиси показание берди, райком тан олди, обком тилхат берди... Ҳаммасини биламиз, дейди. Отанг биридан пора олиб, бирига берган, ўртада ўзига ҳам чўтал олиб қолган, дейди. Тамом — вассалом!

— Бир куни... — Акам энг муҳим нарса эсига келгандек, келинойимни чақирди. — Сали-и! Салима!

Келинойим остонада шарпадек пайдо бўлди.

— Утир! — деди акам ёнбошига имо қилиб. — Утир! Рустам эшитсин! Ҳаммасини эшитсин! Бир куни эрталабдан соқолимни ҳафсала билан қиртишлаб қолди. Юзимга атир сепди. Машинага ўтқазиб Тоштурмадан шаҳарга олиб келди. Битта хонага обкирди. Қарасам, стол тўрида бурни чўмичдек кимса ўтирибди. Кейин билдим. Москвадан ўзбекни бошига қирон солиш учун келган генерал Амбарцумян дегани шу экан. Хўп мулойим гаплашди. «Сиз — Шоматов интеллигент одам кўринасиз, мактабда дарс бераркансиз», деди. Индамадим. «Демак, сиз ёш авлодни совет жамиятининг ғалабалари руҳида тарбиялашнинг керак», деди. Индамай туравердим. «Шундоқ одам нега отангиз тўплаган миллионларни яширасиз, ваҳ-ваҳ-ваҳ», дейди. Отам ҳеч қачон ҳеч кимдан пора олмаганини, кўшиб ёзмаганини айтдим. Гувоҳинг бўлса юзлаштир, дедим. Шунда нима қилди, дегин! — Акам энтикиб нафас ола бошлади. Кўзлари аланг-жаланг бўлиб, буюрди. — Чик, Сали! Чикиб кет! Ойи, — деди ёлбориб. — Жон ойи! Сиз ҳам чиқиб туринг! Илтимос! Беш минутга...

Келинойим онамнинг қўлтиғидан олиб, чор-ночор айвонга йўналди.

— Эшикни ёп! — деди акам бақириб. Кейин овозини пасайтирди. — Бурни чўмичдек ўша Амбарцумян айтди: гувоҳ керакми сенга, деди-да, тугмачани босди. Эшикда кўринган соқчига, Шоматовани олиб кир, деб буюрди. Қарасам, остонада янганг турибди. Эғнида эски пальто, бошида рўмол... «Илҳом ака», деб мен томонга юрган эди, у соқчига «олиб чиқ», деб буюрди. Янгангния, мениям оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолаверди. Кейин... — акам титроқ қўллари билан сигарет тутатди. — Кейин... биласанми нима деди ўша генерал! Шоматова Салима сенинг хотининг бўлади-а, деди. Агар отангни устидан показание бермасанг, ўмарилган миллионни топмасанг, ажойиб томоша кўрасан, деди. Биласанми, яна нима деди? — Акам ҳиқиллаб қолди. Кафтининг тескариси билан кўз ёшларини артди. — Ўн минутдан кейин хотинингни учтаси бирваракай зўрлаётганини кўрасан, деди... Биттаям бутун жойи қолмайди, деди. Эшитдингми?

Вужудим тагин музлай бошлади. Акам унсиз йиғлар, сигарет қўлидан тушиб, дастурхон устида тутаб ётар эди.

— Ўша гапдан кейин тамом бўлдим! — Акам юраги ёниб кетаётгандек кўксини чангаллади. — Дадам пора олганмас, аммо сизларга пул керак бўлса, топиб бераман, дедим. Эртасига дадам ўз қўли билан ёзган хатни олиб келишди. Ўша хатни ҳар битта ҳарфигача эслайман. «Ўғлим! — деб ёзибди дадам. — Онангга тушунтир. Мен-ку, айб-сиз айбдор бўлишга бўлдим. Бор бисотни топширинглар! Жон омон бўлса, мол топилади. Онангни эҳтиёт қил. Сенлар тинч бўлсанг, мен ҳам тинчийман. Рустам бу гапларни эшитмасин», дебди. Уч кундан кейин мени чиқариб юборишди. Биласанми, Рустам! — акам алам билан титради. — Ўша куни Салимани эринг билан свидание қилдирамиз, қайнотангни ҳам кўрасан, деб олиб борган экан. Нариги хонада дадамга ҳам кеннойингни кўрсатишибди. Менга нима деган бўлса, дадамга ҳам шуни айтган экан. Келинингни уч киши зўрлаётганини томоша қиласан, дебди.

Оғир, чуқур сукунат чўкди. Айвон эшигидан онам журъатсиз мўралади.

— Бўлди энди, — деди мунғайиб. — Қолганини эртага гаплашарсизлар.

— Кейин-чи? — дедим ғазабдан тишим ғижирлаб. — Нима бўлди?

— Кейинми?— Акам истеҳзоли илжайди.— Сотдик! Ҳаммасини сотдик! Машинани, сигирларни. Мебелни! Келинойнгнинг тақинчоқларини! Ҳаммасини! Ҳатто бувамдан оймга ёдгорлик бўлиб қолган билакузукларни ҳам. Йиғиштириб келганда юз мингга бормади. Миллионни топсанг, отангни чиқариб юбораман, деган Амбарцумяннинг қорчалонига элиб бердим.

Акам яна сигарет тутатди. Бир қадар ўзини босиб олиб, хўрсинди.

— Суд Москвада бўлди,— деди йўталиб.— Аҳмоқ! Эш-шак!— Акам шиддат билан қўшқўллаб бошига муштлади. Тўсатдан хўнграб юборди.— Мен аҳмоқман! Эшакман! Эшшак!— деди хансираб.— Уз кўлим билан дадамни қамоққа тикдим. Мана шу кўлларим билан, эшитяпсанми, мана шу кўлларим билан! Нима қилай, укам, чопиб ташласам, қутуламанми, кўлларимни! Дадам судда айтди: терговда берган показаниеларимни тан олмайман, мениям, ўғлимниям мажбур қилишган, деди. Ҳеч ким қулоқ солмади. Шоматовнинг ўғли тергов группасига саксон уч минг пул, яна ўттиз минг атрофида баҳоланган тилла буюмлар топширган, Демак-Шоматов миллионер, деб туриб олди...

Май ойининг йигирманчи кўни.

Автостанция чеккасидаги автомат-телефонда рақам терарканман, кўлим титрар эди. Бугун якшанбами? Институтга боришдан наф йўқ. Шаҳноза — уйда. Анави қақжон сингиси дастакни кўтариб қолса, яна бошни қотиради. Хайрият, Шаҳнозанинг ўзи олди.

— Лаббай?

Юрагим гурсиллаб кетди. Икки йил кутгандим, бу овозни. Икки йил! Совуқ қиш кечалари заставадаги «уйча»да ётганимда, карвонни кузатиб қайтаётиб, олис йўл азобидан толиқиб, танк ичида мудраб қолганимда мана шу овоз бехосдан қулоғимга чалиниб, чўчиб уйғонган пайтларим кўп бўлган...

— Шаҳноза!— товушим бўғиқ, ишончсиз чиқди. Симнинг у томонида бир лаҳза сукут чўкдию ҳайрат аралаш қувончли хитоб эшитилди.

— Вой!— Шаҳноза энтикиб қолди.— Вой?!.

— Бугун соат учда, ўша жойда...— дедим-да, дастакни илиб қўйдим. Ҳамон юрагим гурсиллар, шу топда бўшча гапиролмаслигимни билардим. Нарироққа боргандан кейин ўзимни сўкдим. «Э, ўл, тўнка! Ақалли ҳол-аҳвол сўрамайсанми? Уйдагилар яхши ўтиришибдими, демайсанми?» Бўлар иш бўлди! Военкоматга бориш керак.

Тахта тўсиқ ортида ўтирган новча капитан норози қиёфада ўрнидан турди.

— Нега честь бермайсан, сержант?— деди кўзимга тикандек қадалиб.

Ё, худо! Хўп, ғалати нарса-да, бу «ҳарбий интизом», дегани! Унвони ўзингдан бир поғона баландми, қоққан қозиқдек ғўдайгинда, честь бер! Танисанг ҳам честь бер, танимасанг ҳам. Ҳурмат қилсанг ҳам честь бер, қилмасанг ҳам! Узини бир тийинга олмаслигинг мумкин. Аммо эғнида мундир, елкасида погон бор.

— Салом, ўртоқ капитан!— дедим фуқарочасига оддий қилиб. Киссамдан ҳужжатларимни олиб, тахта тўсиқ устига қўйдим.

— Устав бўйича доклад қил!— деди капитан дағдаға билан.

Кўрганмиз бунақа нўписаларни! Тўғри, ҳали «совет фуқаро»сига айланганимча йўқ. Оддий «дембил»ман, холос. Аммо қайтадан ҳарбий хизматга юбориш қўлидан келмайди. Нарӣ борса, бир ой «повуска» ташишга мажбур қилиши мумкин. Жазо тариқасида.

Бир-биримизнинг кўзимизга узоқ тикилиб турдик. Охири капитан ҳужжатларимни юлқиб олди.

— Қачон келдинг?— деди қовоқ-тумшуғи осилиб. Бир қадар жаҳлдан тушгани овозидан сезилиб турарди.— Экипаж командириמידинг?

— Ҳа!

— Контузия бўлганмисан?— Капитан госпиталдан берилган қоғозни синчиклаб кўздан кечира бошлади.— Эҳ-ҳа! Жароҳат ҳам олган экансан. Энди нима қилмоқчисан?

— Уқишимни давом эттираман.

— Мен Қандаҳорда хизмат қилганман,— деди капитан ҳужжатларимдан кўз узмай.

Бу ҳам порох ҳидини тотганлардан экан-да! Капитанга ҳурматим ошди.

— Демак, гап бундай! Уруш қатнашчиси сифатида тубандаги ҳуқуқларинг бор.— Капитан «афғонлар»га айтавериш ёд бўлиб кетган сўзларини аниқ-равшан қилиб такрорлади.— Олий ўқув юртига киришда имтиёз, биринчи навбатда телефон олиш, биринчи навбатда квартира олиш, инвалид бўлсанг навбатсиз хусусий автомашина олиш...

Хуллас, имтиёзлар тўғрисидаги ҳужжатингни беришади.

— Уртоқ капитан!— дедим тушунтириб.— У ёқдаги ҳарбий врач, «уйинга қайтишинг билан госпиталга бориб, мутахассисга учрашишинг шарт», деган эди.

— Бу мумкин!— деди капитан кескин оҳангда.— Госпиталга йўлланма берамиз.

Уша кўни.

Анҳор бўйига пиёда келдим... Одамларнинг бунчалик бепарво юришига ҳамон кўника олмасдим. Ҳар бир дарахт орқасида «дух» пойлаб тургандек эди...

Боғ яшнаб кетибди. Оппоқ гуллари тескари ўсган узум бошига ўхшаб учини осмонга қаратиб турган каштанлар, довучча туккан ўриклар, ям-яшил арчалар шамолда арғамчи учади. Гулзорда хонаки гунафшалар, сиёҳранг гулсафсарлар эркаланиб чайқалади. Аммо ҳавонинг авзойи бузуқ, осмонда қорамтир булутлар чарх уради.

Мана, ўзимизнинг скамейка. Узимизнинг наъматак. Напармон гуллари қуёш томчисидек ярақлайди. Харракка ўтириб, анҳорни томоша қилдим. Тоғ томонда ёмғир ёққан шекилли, анҳор лойқаланиб, тўлғаниб оқади. Сув бетида олма шохчалари, настарин гуллари шитоб билан қалқиб боради. Ана, бир дона лола оқиб келяпти. Гулбарглари ёйилиб кетган. Худди зада бўлган юрак парчасидек. Тўлқинлар уни гоҳ эркалаб елкасига кўтаради. Гоҳ бўтана гирдобга улоқтиради. Эрмак қилаётгандек...

Булутлар қуюқлашиб, шамол кучайди. Харрак ёнбошидаги наъматак жонсарақ чайқала бошлади... Шошқин қадам товушини эшитиб, юрагим орзиқиб кетди.

Қулоғимга қадрдон овоз кирди.

— Рустам ака! Рустам ака-а-а!

Шаҳноза кучдек учиб келиб, бағримга отилди. Димоғимга гул ҳиди урилди. Ўзгармабди! Фақат... янаям очилиб кетибди!

Эгнида атлас кўйлак. Сочини чиройли турмаклар, миттигина атиргул ғунчасини қистириб кўйибди.

— Соғиндим, Рустам ака! Соғиниб кетдим.— Кўзларидан икки томчи ёш силқиб чиқиб, лабига сизди.

— Мен ҳам,— дедим бағримга босиб.— Тушларимда кўрдим. Кўп, жуда кўп кўрдим.

— Мен ҳам...

...Кўзлари... Шаҳнозанинг кўзлари шунақанги чиройли, шунақанги бегуноҳ илҳақлик билан боқадими, юрагингни суғуриб олаётганга ўхшайди...

— Ўзгарибсиз...— деди юзимни силаб.— Озибсиз. Қорайибсиз.

— Сен ўзгармабсан!— дедим елкасидан қаттиқроқ қучиб.— Янаям чиройли бўлиб кетибсан.

Шу алпозда анча ўтирдик.

Бир маҳал Шаҳноза юзимга илкис қараб қўйди.

— Рустам ака...— деди секин.— У ёқда... одам ўлдирдингизми?

Юрагим шиғ этди. Кўз ўнгимга сўриток тагида ётган аёл келди. Қизил кўйлакли аёл. Юзлари, оппоқ, тиниқ... Худди Шаҳнозаникига ўхшаган...

Шу пайт осмон ярақлаб кетди. Даҳшатли гумбурлашдан қулоғим чиппа битиб қолгандек бўлди. «Эр-эс!» Ракета портлади! Осмонда ракета портлади! Ўрнимдан қандай туриб кетганим, қай алпозда наъматак панасига ўтганимни билмайман.

Пешонамга илиқ, ййрик ёмғир томчиси урилди. Тагин момақалди роқ гумбурлади. Қарасам, Шаҳноза ҳам ўрнидан туриб кетибди, кўзлари катта-катта очилган кўйи менга ҳайратланиб тикиляпти.

— Сизга нима бўлди?— деди пичирлаб.

— Ҳеч нима...— дедим шуурсиз бир тарзда қайтиб жойимга ўтирарканман.— Узим... Шунчаки...

Ўша заҳоти шовуллаб жала қўйди. Шамол авжига минди. Наъматак шохлари шидатли чайқала бошлади. Нафармон гуллар шамолда чирпирак бўлиб учганча, анҳорга тушиб, лойқа тўлқинларга кўмилиб кетди. Чақмоқ булутлар орасида оловли қамчисисин ўйнатар, момақалди роқ муттасил гумбурлар эди. Анҳор юзи бир зумда алғовдалғов бўлиб кетди. Шаҳноза елкамга бошини ташлаб, ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Вужуди титрар эди. Атлас кўйлаги жиққа сув бўлиб, баданига ёпишиб қолди.

— Шамоллаб қоласан...— дедим елкасидан қучиб...

Май ойининг охири

Округ госпитали деворлари қалин, пастқам, қадимий бино экан. Кекса дўхтир эринмасдан сўроққа тутди.

— Контузия бўлганингда узоқ ҳушингдан кетганмидинг?

— Бошинг қаттиқ оғрийдими? Қанақа пайтда оғриқ кучаяди?

— Асабинг тез қўзғайдими? Бехосдан чўчиб кетасанми?

— Бошинг оғриганда қусгинг келадими? Баданинг музламайдими?

— Ушандан кейин ҳеч ҳушингдан кетдингми?

Ҳамма саволларига жавоб бериб бўлгач, мен ҳам сўрадим.

— Контузия асорати қачон тузалади?

— Аниқ айтолмайман,— деди дўхтир.— Бунақа дардни вақт даволайди. Асабий-лашмасликка ҳаракат қил.

...Уролог эса ёш йигит экан. Наридан борса мендан беш-олти ёш катта. Белимга тегиб, биқинимдан чиқиб кетган ўқ ўрнини узоқ пайпаслади. Бу ҳам уёқдаги хирургнинг гапини қайтарди.

— Омадинг бор экан, солдат! Ўқ аортага тегса, тамом эдинг.— Кейин тўсатдан сўраб қолди.— Уйланганмисан?

Индамай бош чайқадим.

— Танлаган қизинг борми?.. Яхши... Тезроқ уйлан!

Ҳайрон бўлиб турганимни кўриб, тушунтирди.

— Биласанми, солдат, эркак кишининг иккита юраги бўлади. Биттаси юрак, яна биттаси... эркаклиги... Тушунтиролдими? Бунақа жароҳатдан кейин лимфа, просто-та безлари, жинсий органларда функционал ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Паталогияга айланиб кетмаслиги учун органлар фаолиятини кучайтириш керак.— Шундай деб, елкамга дўстона шапатилаб кўйди.— Тўйингга таклиф қиласанми?

Госпиталдан кўнглим ғаш тортиб чиқдим. Дўхтир айтган гапларнинг кўпини тушунмадим. Англаганим шуки, тўйни тезлаштириш керак... Майли, биз томон-ку, тай-ёр. Онамнинг орзуси ҳам шу. Ҳар куни бир гапни айтади, тўйингни ўтказаверамиз, даданг омон-эсон келсалар орзу-ҳавасларини невара тўйидан кўраверадилар, дейди. Фақат... Шаҳноза нима деркин? Ота-онаси-чи? Отаси қамоқда ётган, қўли қисқа бўлиб қолган кувёга рози бўлармикан! Билишимча, куда томон катта даргоҳ...

Шаҳноза билан гаплашиш керак!

Июнь ойининг боши.

Акам аллақанча газета йиғиб қўйган экан. Уқиб, ҳайрон бўлдим. Бирида бутун мамлакатни қамоқхоналарга айлантирган режим емирилгани, тўла демократия рўёбга чиқаётгани ёзилади, бошқасида «ўзбек иши» бўйича қамоққа олинган обкомлар, райкомлар, раислар лантланади. Бирида одамларни эътиқоди учун тазийки остига олганлар қораланади, виждон эркига йўл очилгани айтилади, бошқасида отасини дафн этиш учун мазорга бориб Қуръон тиловат қилган коммунист фельетон қилинади... Қизиқ...

Июнь ойининг ўрталари.

Кечқурун Илҳом акамнинг эски «Электрони»ни кўриб ўтирган эдик. Москвадан ғаройиб «томоша» берилди. СССР прокуратурасининг Амбарцумян ва Петров бошчилигидаги гуруҳи жиноятчилар маконига айланган Ўзбекистонда ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатаётган эмиш. Ич-ичидан чириб кетган бу республикага Россиядан яна бир гуруҳ энг яхши мутахассислар ёрдамга келаётган эмиш... Гапириб-гапириб стол устига ёйиб қўйилган тилла буюмларни намойиш қилишди. Балдоқлар, олтин занжирлар, узуклар... Булар ҳаммаси давлатни, халқни талаш эвазига тўпланган бойликлар экан. Бувамдан ойимга хотира бўлиб қолган тилла билакузук ҳам бормикин шулар ичидан?

Июнь ойининг охирлари

Уй ичи салқин. Онам дераза пардаларини тўсиб қўйгани учун ташқаридаги иссиқ, хонада унча сезилмайди. Ҳовли жимжит. Аҳён-аҳёнда мусича кукувлайди. Иссиқдан толиққан шекилли, овози ҳорғин, эринчоқ чиқади. Ойим қалин кўзойнак тақиб, кўрпача қавиб ўтирибди. Худо хоҳласа, келаси ой — тўй...

Онам «оқ ўраб» келганидан бери куда томонни оғзидан бол томиб мақтайди. Ҳозир ҳам гапни айлантириб, шунга тақади.

— Узимам сезувдим, ўғлим! Сен у ёқдалигингда, янги йил арафаси Тошкентдан келган қизлар орасида айниқса Шаҳнозахонга дилим кетувди «Қани шундоқ қизни келин қилсам», дегандим. Фаришта омин деган экан... Бирам ширин, бирам одобли... Илоё ўзларингдан кўпайинглар...— У кўзойнак устидан менга қараб қўйди-да, жимиб қолди. Биламан, ҳозир отамни гапирди. Айтмадимми?

— Икки орзуну бир етказмас экан-да, болам... Даданг ёнингда бўлганларида-ку...— Сўзлари бемаврид эканини билиб, дарров хатосини тузатди.— Сен кўнглингни чўктирма,— деди мендан кўра кўпроқ ўзини юпатиб.— Тўйни шунақанги қарс-бадабанг қилиб ўтказамизки, «фалончи қамалибди», деб суюниб юрган оғзи катталар уялиб қолсин! Аканг бор... Қариндош-уруғ, эл-юрт бор... Худога шукр, юртдан оқибат кўтарилмаган экан. Ҳалитдан нечтаси «Бизга нима хизмат бор?» деб келяпти. Даданг шунча йил раис бўлиб, бировнинг охиға озор берганмас. Ҳаммасининг бошини силаган. Тўйи борми, маъракаси борми, туриб берган.

Ҳовлида ҳамон мусича кукувлайди. Ёзнинг толиқтиргувчи сукунатини янаям чўқурлаштиришга аҳд қилгандек, осойишта ва ҳорғин хониш қилади. Ўзбекнинг ўзидек содда, беозор...

Ойим, бир нималарни ўйлаб, ўзича жилмайиб қўйди.

— Кафан кийган кетади, капалак кийган келади!— деди ишонч билан.— Мени айтди, дерсан! Даданг келадилар. Ярим йил ўтар, бир йил ўтар... Эшикдан кули-и-б, кириб келадилар. Шаҳнозахонни чўғдек ясантириб саломга олиб чиқаман.

Шаҳноза кўз ўнгимга келди. «Шу ҳафта совчилар боради, тагин ноумид бўлиб қайтиб келишмасин», деганимда ийманиб ерга қараб турган Шаҳноза...

Ойим капалакни гапирдимми? Қизиқ... Уйга капалак кириб қопти. Миттигина. Қанотлари кўкимтир. Унсиз типирчилаб у деворга урилади, бу деворга урилади. Ана!

Қанотларини жонҳолатда силкиб, учиб борди-да, дарпардага қўнди. Худо билсин, эрталабдан бери ёруғ дунёга чиқиб кетиш илинжида питирлайвериб ҳолдан тойгандир... Синчиклаб кузатиб турдим. Билдимки, капалак нур шу ердан тушаётганини сезиб турибди. У ёқда, ташқарида офтоб бор. Эркинлик бор... Тоза ҳаво... Гулзорлар... Шўрлик! Билмайдик, башарти бирон инсофли одам, дейлик, мен, пардани бир четга суриб, йўл очиб берганим тақдирда ҳам капалак барибир озодликка чиқолмайди. Дераза ёпиқ... Ташқарида ёруғ олам кўриниб туради. Аммо деразадан тушаётган нур — қалбаки нарса... Уртада тўсиқ бор. Ҳаммаси — ёлғон! Ҳаммаси — алдов! Нурли келажак деб одамларни алдаш мумкин-ку! Сен ким бўпсан, биродар! Оддийгина капалаксан, холос!

Дадам масаласида югурмаган жойим қолмади. Адвокатура... Прокуратура... Суд... Райком... Обком... Марказқўм... Минг хил амалдорни кўрдим. Эшикдан киришинг билан «ҳозир сузиб ташлайман», деб, буқага ўхшаб хўмрайиб ўтирганини ҳам, мулоийм табассум билан қарши оладиганини ҳам. Жавоби бир хил. «Майли, аризангизни ташлаб кетинг, ўзимиз хабар қиламиз». Баъзилари овозини пастлатиб, дўстона маслаҳат беради. «Отангиз «пахта иши» бўйича қамалганми? Яхшиси, бу ишга аралашманг». Аланг-жаланг бўлиб, товушини янаям пасайтиради. «Биласизми, ука, бу иш билан Москва шуғулланияпти. Эҳтиёт бўлинг...» «Ўзи хабар қиладиган»лардан бир тилиш хат келади. «Коммунизм» колхозининг собиқ раиси Шоматов Шомансур асосли равишда ҳибсга олинган. Суд ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Мазкур иш бўйича шикоятингиз бўлса, мамлакат олий органларига мурожаат қилишингиз мумкин...»

Ёпиқ дераза! Ҳаммаси равшан. Барчаси адолатли. Ҳаммаёқ гўзал! Олам нурга тўлиқ! Ёлгон нур... Ёлгончи дунё ва... ожиз капалак...

Июль ойининг тўртинчи кўни

Республика газетасида ғалати сарлавҳага кўзим тушиб қолди. «Ўзбек иши» ўзбекларнинг ишими?» Шоша-пиша ўқиб чиқдим. Мақола шапалоқдеккина эди. Аммо ўқишим билан вужудимда олов ёниб кетгандек бўлди. Мақолада «Ўзбек иши» бутун бошли кампанияга айланиб кетгани, минглаб одамлар қамалгани, хўлу қуруқ баравар ёнаётгани, гуноҳкорлар қатори беғуноҳлар ҳам азият чекаётгани, бу масалада редакцияга минглаб хатлар келётгани баён қилинган эди. Ҳаяжондан қўлим титраб, қайта ўқиб чиқдим. «Хайрият! Рост гапни айтадиганлар ҳам бор экан-ку! Мақола остига «Маузер Ғаниев, хатлар ва шикоятлар бўлими», деб ёзилган эди.

Маузер! Эсда қоладиган исм! Қарасам, газета икки кун олдин чиққан экан.

Учинчи қаватдаги узундан-узоқ йўлакдан ўтиб борарканман, охиросидаги эшикка илинган ёзувга кўзим тушди. «Маузер Соатович Ғаниев. Меҳнаткашлар хатлари ва шикоят бўлими мудирини».

Эшикни тақиллатишим билан ичкаридан «Ҳа!» деган асабий овоз келди. Кирсам, ёши қирқларга бориб-бормаган, аммо кўзларининг таги осилиб кетган, чакка сочларига оқ оралаган, юзлари сўлғин, тепакал одам алланима ёзиб ўтирибди. Стол усти бетартиб. Бир чеккада «Опал» қутиси. Кулдон сигарет қолдиқларига тўлган...

— Узр! — деди у қоғоздан кўз узмай. — Қайси хат бўйича келгансиз? Қачон ёзгансиз? Фақат тезроқ...

Эшик олдида индамай туравердим. У ҳам ишини қилаверди.

Анча вақт ўтди. Шу ерда эканлигимни эслатиб қўйиш учун маъноли йўталдим.

— Гапингизни айтаверинг, — деди қоғоздан кўз узмай. — Қачон шикоят ёзгансиз?

— Мен шикоят ёзган эмасман! — дедим ғашим келиб. — Ёзиш ниятим ҳам йўқ!

Оғзаки гапга ишонасизларми ўзи?

Маузер Соатович ёзишдан тўхтаб, тепакал бошини кўтарди.

— Нима? — деди энсаси қотиб.

— Бу дунёда қоғозсиз гапга ҳам ишонадиган одам борми-йўқми?

Маузер Соатович менга ўхшаганларни кўравериб жонидан басир бўлган шекилли — ижирғаниб қараб қўйди.

— Хўш? — деди чимрилиб.

— Мақолангизни ўқидим, — дедим таклиф қилмаса ҳам рўпарасига ўтириб. — Рост гапларни ёзибсиз!

— У мақола энди йўқ! Эшитдингизми, йўқ! Вассалом! — Маузер Соатович сигарет қутисини жаҳл аралаш силтаб менга узатди. — Чекасизми?

Қизиқ! Қанақа одам бу! Бир қарасанг дўқ қилади. Бир қарасанг, сигарет тутайди.

— Гапиринг! — деди жеркиб. — Нима дардингиз бор? Олдиндан айтиб қўяй! «Пахта иши» билан келган бўлсангиз, гаплашмайман!

Шахт билан ўрнимдан турдим-да, хайрлашмасдан эшикка йўналдим.

— Шошманг! — деди у бақириб.

Тўхтадим.

— Қайтинг! — у «Опал» қутисидан сигарет олиб лабига эмас, сарғайиб кетган тишлари орасига асабий қистирди. Гўё ғажиб ташламоқчи бўлгандек.

— Айтавер дардингни! — деди тўсатдан сансираб.

Гап бошлашим билан чехраси ёришди.

— Шомансур аканинг ўғлимисан? Ташла қўлни! Отанг ажойиб одамлар! У киши тўғрисида очерк ёзганман. Ишнинг кўзини биладиган раис эдилар... Ўзинг қаерда ишлайсан?

— Ўқийман, — дедим тўнғиллаб. — Журналистикада.

— Ия, ҳамкасб эканмиз-ку! Қани, бир бошидан гапир-чи, нима бўлди ўзи?

Ҳамма гапимни сабр билан эшитди. Шу орада кам деганда ўнта сигарет чекди. Хона тутунга тўлиб кетган, Маузер Соатович диққат билан тинглар эди. Назаримда ҳикоям тугагунча баттар қаримсиқ қиёфага кириб қолгандек бўлди.

— Шуми? — деди охири. Кейин негадир кулди. — Биласанми, ука, икки соат олдин Иккинчининг қабулида эдим. — У тамакидан сарғайган бармоғини бигиз қилиб шифтни кўрсатди. — Шахсан ўртоқ Иккинчининг қабулида! Қани, айт-чи, Биринчи каттами, Иккинчими?

Ҳеч балога тушунмадим. У анграйиб қолганимни кўриб хириллаб кулди. Йўталиб, симтўрга туфлади.

— Иккинчи айтдики... Пистадек қилиб юрмасанг...

Яна ҳеч нимага тушунмадим.

— Отинг Рустаммиди? — Маузер Соатович тагин йўталди. — Менга қара, Рустам! Александр Македонский деган пошшони эшитганмисан? Баракалла! Македонскийнинг энг зўр тактикаси қанақа бўлган, биласанми? — Қовоғи салқиган кўзлари билан юзимга синовчан қараб турди-да, давом этди. — Македонскийнинг зўрлиги шунда бўлганки, қайси юртни босиб олса, ўша юртдан чиққан одамни ҳоким қилиб тайинлаган. Ёнига эса Иккинчи қилиб, ўз одамини қўйган. Эшитдингми? Иккинчи қилиб! Оми халқ бу ёқда юраверган; пошшо ўзимиздан чиқди, деб хурсанд! У ёқда бўлса Иккинчи Биринчининг нозик жойига ип боғлаб олган. Биринчи финг деб кўрсин-чи! Иккинчи ипни тортиб қўяди. Салгина тортса, Биринчи вой-войлаб қолади. Қалай? — У тагин хириллаб кулди. — Жиндай ҳаддидан ошса, ўлганидан кейин мазоридан чиқариб ташлашдан ҳам тоймайди... Ўзимиздагига ўхшаб. Биласанми, бунинг отини нима дейди? — Унинг ҳорғин кўзларида изтироб пайдо бўлди. — Мустамлакачилик! — деди хўрсиниб.

Сўхбатимиз тамом бўлганини тушундим.

— Москвага бораман! — дедим ўрнимдан туриб.

— Нима? — Маузер Соатовичнинг ҳозиргина маъюс боқиб турган кўзларида ўт ёниб кетгандек бўлди. — Москвага? — деди истеҳзоли кулиб. — Борақол! Тезроқ бор! Рустамжон қачон келадилар, қачон дадаларини олиб кетадилар, деб қучоғини очиб турибди.

Беихтиёр қайтиб жойимга чўкдим.

— Москва эмиш! — У асабийлик билан янги сигарет пачкасини очди. — Москванинг ўзи бошлади-ку, бу кампанияни! — Қўллари қалтираб тутатди. — Уларга қолса, бутун Ўзбекистон қўшиб ёзувчи! Ҳаммаси ҳаромхўр. Ҳаммаси ўғри, порахўр! Уттиз еттинчи йил қайтиб келди! — Унинг кўзлари олайиб, ўрнидан сапчиб турди. Алам билан столни муштлади. — «Ўзбек иши» эмиш! — деди инграгудек бўлиб...

Оғир, изтиробли сукут чўқди. Маузер Соатович кафти билан тутун ҳайдаб, у ёқдан-бу ёққа асабий бориб-кела бошлади. Бир қадар ўзини босиб олди, чоғи, қайтиб жойига ўтирди.

— Қўшиб ёзиш ҳамма жойда бўлган, — деди анчайин вазмин оҳангда. — Айбни эса келиб-келиб ўзбекка ёпиштиришди. Сабаби шуки, арманига осилса, ўша куни армани кўчага шиор кўтариб чиқади. «Арман халқидан қўлингни торт» дейди. Гуржига ташланса, гуржи кўчага чиқади. «Нега халқни ҳақорат қиласан?» дейди. Сен билан биз — ўзбекмиз. Биттамызни бўғизласа, иккинчимиз навбат меники, деб бўйнимизни тутиб берамиз... — У бирпас ўйланиб қолди. — Ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлганидек, интиҳоси ҳам бўлади, — деди ишонч билан. — Ҳақиқат эртами-кечми рўёбга чиқади.

— Хўш, мен нима қилишим керак? — дедим ижирғиниб.

— Кутасан! — Маузер Соатович хотиржам тушунтирди. — Бошқа илож йўқ. Бу калаванинг учи узун. Мени айтди дерсан, калаванинг учи охир-оқибат Москвага бориб тақалади! Ана ўшанда ҳаммаси жой-жойига тушади. Бунақа ишнинг кетидан югуриб юргандан кўра бизга Афғонистон хотираларини ёзиб кел, газетада чиқарамиз.

— Нимани ёзай? — дедим маъюсланиб. — Одам ўлдириш қанақа бўлишиними? Маузер Соатович индамай бошини қуйи солди.

Тутунга тўлиб кетган хонадан чиқиб борар эканман хаёлимни оғир ўйлар чулғаган, ночорликнинг зилдек юки елкамдан босиб, ерга михлаб ташлаётганга ўхшарди. Барибир, барибир топаман! Отамнинг гарданига йўқ ердаги айбларни илиб қамоққа тикқан, оиламиз бошига шунча кулфат солган Амбарцумян гуруҳидан ақалли биттагинасини топмагунча, кўзига тикилиб туриб, жилла қурса, бир нечта савол бермагунча тинчимайман. Тин-чи-май-ман!!!

Эртаси кун

Дадамдан хат келди. Шимолий Қозоғистондаги «меҳнат тузатиш» колониясида жазо муддатини ўтаётган дадамдан.

«Рустамжон, ўғлим! — деб ёзибди отам.— У ёқдан жонинг соғ қайтганини ўқиб, худога минг қатла шукр қилдим. Сен Афғонистонда юрганингда бу ёқда бунақа ишлар бўлиб кетди... Нимаям дердим... Пешонада шу ёзуғ ҳам бор экан... Ешим бир жойга борганда қамоққа тушиш хаёлимга кептими?.. Мана, энди ҳаммасини бир бошдан ўйлайман. Кечалари уйқим ўчиб кетади. Дунёнинг бу бурчидан кириб, у бурчидан чиқаман... Ўйлаб ўйимга етолмайман. Гуноҳим нима ўзи?.. Ота-онам ўттизинчи йиллардаги очарчиликда ўлиб кетган фирт етим бўлсам. Ўсмирлигим уруш даврига тўғри келган бўлса... Эсимни танибманки, елкамнинг яғири чиқиб, меҳнат қилдим. Қўш тортдим, мола босдим, трактор ҳайдадим... Тиришиб-тирмашиб ўқидим. Ўзлари кўтаришди. Аввал бригадир қилишди, кейин ҳосилот. Ундан кейин раис. Партия-ҳукуматимиз қаёққа ташласа, ўша ерга бориб тушдим. Тўқайда чивинга ем бўлиб, ер оқдим. Қолоқ хўжаликни кўтар, деса қулоқ қоқмай хўп дедим. Онанг шўрлик кўрпасини орқалаб кетимдан эргашиб юрди. Аканг Бекободда туғилди, сен — Пискентда... Бир оғиз айтмадим: «Ҳой, мен ҳам одамман-ку, умрим бино бўлиб ҳаловат кўраманми-йўқми?» дедим. Бит анавинақа нарсага семиргандек, берган темиртакларига, депутатлига маҳллэ бўлиб юраверибман... Бир хил раисларга ўхшаб пул йўғмадим, оқ уй — олабаргаklar солмадим. Нима қилсам халқ учун, партия учун қилдим. Ўн етти йил шу колхозда ишладим. Дуч келган одамдан сўраб кўр, ўғлим. «Худони ўртага солиб айтинглар-чи, дадам умри бино бўлиб қинғир иш қилдим, бировнинг бурнини қонатдимми?» дегин-чи, имони бўлса айтар, рост гапни! Мана энди келиб-келиб тўхтаган жойим — лагер бўлди. Ўзбекистонда қўшиб ёзганлар бўлмаган, демайман. Асида ўшалар ҳам Москванинг буйруғи билан қилган бу ишни. Осмон баравар план бериб, бажармасанг онангни Уч-кўрғондан кўрсатаман, деганидан кейин шу йўлга кирмай чораси қолмаган. Менинг бўлса, худо олдида ҳам, бандасининг олдида ҳам виждоним пок. Бунақа ҳаром ишга қўл урган эмасман. Битта гуноҳим шуки, бу савдолар бошланган заҳоти раисликни топширишим керак эди...

Туриб-туриб ўзимга нашъа қилади. «Партиянинг содиқ солдатиман», «орденли раисман», деб юраверибман. Ақалли сени Афғонистондан олиб қолишга «партиявий виждоним» йўл қўймабди. Хоҳласам уч кунда Туркменистондан Тошкентга ўзлари обкеб қўярди. Энди бўлса, аллақандай миллионларни бўйинимга илди. Фалончидан уч юз минг олгансан, пистончига юз минг бергансан... Бўхтон! Ҳаммаси тўхмат!

Онангнинг ёзишига қараганда тўйинг юришиб қолганмиш. Отам тўйимни кўролмади, деб асло кўнглингни чўқтирма. Худо хоҳласа, омон-эсон борсам, невара тўйлари қиламиз. Илоё бахтли бўл, болам! Мендан ҳеч хавотир олманглар. Соғлиғим яхши. Атрофимда ҳурмат қиладиган имонли одамлар бор... Онангни эҳтиёт қил. Дуойи — салом билан даданг. 18 июнь».

Июль ойининг еттинчи куни

Шаҳноза билан ЗАГСга ариза бердик. «Пахтакор» метроси олдида анча кутдим. Метронинг куббали биноси афғон «зеленка»сидаги уйлари эслатади. Тўғри, унақа пастак, лой томли эмас-ку... Ҳарқалай узоқдан қараган одамга шунақага ўхшаб кўринади. Одамлар куббанинг бир эшигидан ёпирилиб чиқади. Иккинчисидан ёпирилиб киради. Бепарво, беписанд... Ростини айтсам, уларни томоша қилиш ёқимли эди... Аввалига ақлим етмади. Нима қипти? Биров у ёққа кетяпти, биров бу ёққа... Нимаси мароқли бунинг! Кейин тўсатдан бир янгиликни англадим: ўзимда рўй берган ўзгаришни сездим: кўнглимдаги хавотир ҳисси йўқола бошлабди. Мен ўз юртимданман. Мина портламайди, гранатомёт отилмайди. «Эр-эс» учмайди. Мен ўз уйимдаман!

Шаҳнозани узоқдан кўрдим. Қора «Волга» телестудия рўпарасида тўхтади. Фариштадек оппоқ либос кийган Шаҳноза «Волга»нинг орқа эшигидан тушди. Олд эшикка келиб, ялтироқ сумкачасини очди. Ҳайдовчига пул узатиб, алланималар деди. Чамамда, ҳайдовчи пулни олмади. Машинасини жилдирди. «Волга» менинг рўпарамга келганда, атайлаб тезликни оширгандек бўлди. Рулда ўтирган ҳайдовчини бир лаҳза кўриб қолдим. Сочлари силлиқ таралган... Артистларникига ўхшаган оппоқ юзли, хушмўйлов йигит шу томонга қараб, истеҳзоли қулиб қўйгандек туюлди. Ким бўлди бу таниш башара? Эслай олмадим.

Ҳаммаси бир лаҳзада бўлиб ўтди. Шаҳноза чопқиллаб келиб, билагимдан тутди. Салом берди.

— Ўлсин, аксига биттаям такси учрамаса! — деди мулоийим жилмайиб. Бошини бир томонга ташлаган кўйи қоп-қора киприкларини гуноҳқорона пирпиратиб туриши шу қадар самимий эдики, боғия «артистнамо» шопирдан рашк қилганимга ўзим уялдим.

ЗАГСдан ўтиш катта тантана эканини билмасдим. Бир хиллар ариза беришга ҳам келин томон бир машина, куёв томон бир машина бўлиб, асьасая дабдабалар билан келаркан. Сўпайиб келганим учун Шаҳнозадан уялдим. Ажойиб қиз-да Шаҳноза! Мени хижолатдан чиқариш учунми, чиройли кўзлари сузилиб, таклиф қилди.

— Биласизми, Рустам ака, энди «Лолазор»га бориб, музқаймоқ еймиз! Хўп?

Шаҳноза шунақанги очилиб кетган, шунақанги чиройлики! Узига бунчалик оро берганини кўрган эмасман. Оқ кўйлак, оқ туфли. Сочига оппоқ атиргул ғунчасини

қистирган. Кўзлари, йирик-йирик кўзлари парпираб турибди. Худди ўзининг юзига ўхшаган пуштиранг музқаймоққа жажжи қошиқ учини ботиради-да, ангишвонадек бежирим оғзига олиб бориб, бир лаҳза иккиланиб қолгандек бўлади: «есамми-емасамми?»

Бир маҳал киприклари капалак қанотидек титраб кулиб юборди.

— Айиқ! — деди қошиқчаси билан таҳдид қилиб. — Худди айиқнинг ўзисиз, Рустам ака! Асал еялган айиққа ўхшайсиз! — Курси суюнчиғига елкасини ташлаганчи қаҳ-қаҳ уриб кулди. — Айиқсиз!

Утирган курсимни шаҳд билан ёнига сурдим-да, елкасидан қучиб музқаймоқ маза-си келиб турган лабларидан ўпдим.

— Жиннимисиз? — У типирлаб ўзини орқага ташлади. — Ҳамма қараб турибди.

— Қарайверсин! — дедим кулиб. — Сен менинг хотинимсан!

— Жинни! Айиқ! — Шаҳноза эркалиниб қўлидаги қошиқчаси билан яна таҳдид қилди. — Ёмон бола бўпсиз! Билиб қўйинг, биздаям қурол бор. Бир урсам! — Шундай деб рўмолчаси билан менинг лабларимни артиб қўйди.

— Энди, — деди эркалиниб, — тўполон қилмасдан, яхши бола бўлиб ўтиринг-да, гапимга қулоқ солинг! — Негадир кўзларига чуқур жиддият чўкди. — Сиз у ёқда юрган-нингизда туш кўрдим, — деди ўйланиб. — Тоққа борганмишмиз. Сижжакка. Холамлар-никига... Қалин қор ёққанмиш. «Юр, Шаҳноз, сирпанчиқ учамиз», дебсиз-да, қўлимдан ушлаб, тортибсиз. Қарасам, пастда жарлик бормиш. «Жиннилик қилманг, Рустам ака», десам, қўлимни қўйиб юбормасмишсиз. Иккаламиз жарликка қараб кетаётганмишмиз. Қўлингиздан шунча тортсам кучим етмасмиш... — Шаҳноза тушининг таъбирини бил-моқчи бўлгандек, кўзимга тикилиб узоқ жимиб қолди.

— Кейин нима бўпти? — дедим хушчақчақ гапиришга уриниб.

— Бир маҳал қўлимдан чиқиш кетдингиз... — У ўша туш даҳшатини қайтадан кўз ўнгига аниқ тасаввур қилди шекилли, қандайдир сўник аллозда бошини қўйи солди.

— Кейин-чи? — дедим ўсмончилаб. Бемаъни савол бераётганимни тушуниб турар-дим-у, ҳарқалай Шаҳнозанинг туши нима билан тугашини билгим келарди.

— Кейинми? — Шаҳноза жилмайди. — Қарасам, жар ёқасида бир туп арча бор-миш. Югуриб борсам, арча тагида кули-и-б ётганмишсиз. «Йиқилдингизми?» десам, «Ҳазиллашдим, жинни», дебсиз. Шунақа деб нуқул капалаб қор еётганмишсиз. «Қор еманг, шамоллаб қоласиз», десам, «Чанқаб кетдим, ичим ёниб кетяпти» дермишсиз...

Июль ойининг ўрталари

Нонушта устида акам айтиб қолди.

— Рўзимат отаникига бориб, кўнгил сўраб кел.

Тушунмадим. Қайси Рўзимат ота, нима гап ўзи?

— Тўртинчи бўлимдаги Рўзимат ота бор-ку, бир оёғи оқсоқ сувчи! Ушаникида таъзия бор. Бугун — учинчи куни. Сен шаҳарда ўз ташвишларинг билан бўлиб, хабар ололмадинг. Кўнгил сўраб қўй, укам.

Эсладим! Ҳовлисидан нуқул бедана сайраб турадиган киши.

— Нима бўпти? — дедим хавотирланиб. — Рўзимат ота касал эмасди шекилли...

— Узимас, ўғли... Яхши бола эди раҳматли... Улигини яшикка солиб обкелишибди. Ҳаммаёқ тўполон бўлиб кетди... — Акам ўрнидан тураркан, қаттиқ тайинлади. — Албат-та боргин, укам! Кўнгил сўра, юпат... Тобуткашмиз ахир!

Бундан чиқди, Афғонистондан яна битта «икки юзинчи» юк кептида!

Рўзимат отани узоқдан танидим. Шипир томли, пастак уй салқинида ўзи тенги иккита қария билан ўтирибди. Қўлида ҳасса. Ёнбошида «отам замонидан қолган» су-янчиғи ёйсимон курсилар қаторлашиб турибди.

Чоллардан бири ингичка, йиғлоқи овозда узундан-узоқ тиловат қилди. Шаҳид кетганларга ва хусусан кўзи очиқ кетган Азаматжонга жаннатдан жой тилади. Қолган-ларга имон, соғ-саломатлик, юртимизга тинчлик, давлатимизга омад чорлаб, фотиҳа тортди.

Азамат дедими? Э, бўлди, эсимга тушди! Рўзимат отанинг биттаю битта ўғли-ку! Мактабда биздан бир синф кейин ўқиган ювошгина бола...

— Худога шукр, ўғлим, у ёқдан жонинг соғ қайтибсан, — деди Рўзимат ота совуб қолган чойдан ярим пиёла узатиб. Чолларнинг қулоғи оғирроқ шекилли, овозини бан-ландлатиб мени таништирди. — Бу йигит — Рустамжон. Шомансурнинг кенжаси.

Чоллар бири олиб-бири қўйиб дадамни алқаб кетишди.

— Даданг яхши одам, болам. Насиб этса эрта-индин чиқиб қолади.

— Хафа бўлманг, ота, — дедим ердан кўз узмай. — Бандалик.

— Оллоҳнинг иродаси... Чоллардан бири бош чайқаб, чўққи соқолини тутамлади. Биров ҳар куни яратган эгамдан омонатингни олсангчи, деб илтижо қилади. Бировни ўн гулидан бир гули очилмасидан олиб кетади. Тақдири азал деб шуни айтади-да... Орага вазмин сукунат чўкди. Ликопчадаги қанд устида ари айланиб, узоқ фўнгиллади.

— Ота, — дедим ниҳоят юрак ютиб. — Азаматжон қачон кетувди афғонга?

Рўзимат ота кўзимга диққат билан тикилди.

Шунда... кўзларига кўзим тушиб, юрагим сесканиб кетди. Рўзимат отанинг кўзида на алам, на ёш бор эди. Нигоҳи музлаб қолганга ўхшар, кўз қорачиқлари торайиб кетган, дунёнинг жамики ғам-андухларини чекавериб оламга маъносиз қарашга мослашиб қолган ҳорғин қорачиқларда армон бор эди: тубсиз армон!

— Ҳозим айбдорман, болам,— деди худди оғир гуноҳига иқрор бўлган одамдек ишонч билан.— Афғонистонга юборсам бўларкан. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Мана, сен... Худога минг қатла шукр, тўрт мучанг соғ қайтиб келдинг. Мен бўлса...— Рўзимат ота лабларини аламли буриб, оғир-оғир бош чайқади. Бироқ овози ўзгармади. Гўё биров эшитса роҳатланадиган ҳангомани ҳикоя қилаётгандек, хотиржам давом этди.— Қарасам, ёшим эллиқдан ўтиб, шартим кетиб, партим қолти. Холанг билан маслаҳат қилдик. Шундоқ-шундоқ дедим. Мен-ку, гирмон билан уришиб, тамом бўлганимни билмабман, энди сен ҳам бола кўрмай ўтасанми, дедим... Эр-хотин азда-базда Тошканга бориб, шу болани — Азаматжонни хатлаб, ўғил қилиб олдик.

— Оллоҳнинг иродаси...— деди чўққи соқол чол таскин бериб. — Илож қанча, шукр денг, тақсир...

— Минг қатла шукр...— Рўзимат ота хўрсинди.— Ўғлим имонли бола чиқди. Бегоналиги билинмади. Минг раҳмат, эл-юрт ҳам бефарзандсан деб юзимга солмади... Тенг-қурлариям Азаматжондан бегонасирамади...

Рости, Азамат Рўзимат отанинг асранди ўғли эканини мен ҳам биринчи марта эшитиб туришим эди. Юрагим эзилганча бошимни қуйи солиб ўтиравердим.

— Повуска келганида,— деди Рўзимат ота,— военкоматга югурдим. Пешонамдаги биттаю битта болам шу, авфonga юборманглар, дедим. Стройбатга жўнатинглар, деб ялиндим. Ширинкомасиниям бердим... Мана, оқибати! Икки ой ўтмай Владивостокдан темир яшиқда ўлиги келди.

Рўзимат ота негадир кулди. Лаблари титраб кетди.

— Уч кун олдин командиридан хат келувди. Ҳурматли ўртоқ Холматип, ўғлингиз Азамат Ватан олдидаги бурчини ҳалол адо этапти, депти. Шундоқ фарзанд ўстирганингиз учун сиздек фронтвикка минг раҳмат депти... Уч кундан кейин эшиқдан темир қути кўтариб кирди. Военкоматдан икки киши билан, частидан биттаси... «Тезроқ кўминглар», дейди. Тўғри айтади: марҳумни маҳтал қилиб қўйиш гуноҳ! «Ўғлингиз эҳтиётсизлик қилди, тоқ уриб ўлди, мана дўхтир хулосаси», дейди.

— Рўзиматжон, ука, қўйинг бу гапларни.— Сийрак соқолли жиккак чол чой қўйиб тутди.— Худо шоҳид. Азаматжон, шаҳид кетди. Ҳури-ғилмонлар орасида юрибди ҳозир.

— Иншоллоҳ! — Рўзимат ота чой хўплаб, пиёлани жойига қўйди.— Мен бир нима деётганим йўқ. Аммо... онаси чидолмади... Ақалли боламнинг совуқ дийдорини кўриб қолай деб оламни бузиб ташлади. Шунча айтаман: «Ҳой онаси, ўликнинг бадағига гул тушса, гурзи билан ургандек бўлади, худонинг қаҳри келади», десам қани кўнса!.. Военкоматдагилар тушунтирди: «Инструкцияга тўғри келмайди», деди. Охири, пўписа қилди... «Ким тобутга тегса, ҳарбий трибунал олдида жавоб беради», деди. Ана ўшандан кейин, кўнглимга шубҳа тушди.

— Қўйинг энди, тақсир! — Чоллардан бири Рўзимат отага юмшоқ дашном берди.— Кавламанг, шу гапларни! Яратган Эгамнинг ўзи билади, ёмонларни қандоқ жазолашни...

Рўзимат ота парво қилмай, сўзида давом этди.

— Аввал очмасам ҳам энди очаман, яшигингни, дедим. Мен урушда қон кечиб, «Слава» ордени олган пронтовикман, дедим. Қочиб кетди, ҳаммаси! Очиб кўрсак... темир яшиқни очиб кўрсак...— Рўзимат отанинг овози титраб кетди. Аммо йиғламади.— Тоқ урган одам билан болтада чопилган одамнинг фарқи бўлади-ку, тўғрими?

Оёқларим музлай бошлади. Қўлларимга титроқ кирди. Рўзимат ота ҳамон бир нималарни гапирар, лаблари қимирлаётгани кўриниб турар, аммо, нима деётганини эшитмасдим. Бошимга чидаб бўлмас оғриқ турди... Худо! Ўзинг асра! Ҳозир... Ҳозир йиқилиб тушаман! Ўзинг шарманда қилма Худо!

Июль ойининг охири

Бу даргоҳга унча-мунча одам ўз ихтиёри билан келмаса керак. Бировни повуска билан чақириб оладилар. Бировни мелиса олиб келади. Албатта, нажот излаб ёки кўмак истаб келганлар ҳам учрайди. Аммо улар ҳам мана шу мрамар зиналардан чиқиб бораётганида кўнглида мавҳум хавотир ҳиссини туйса ажабмас.

Йўлакдан ўтиб борарканман, Маузер Соатовичнинг гапи эсимга тушди. Табиийки, бу ерда ҳам Иккинчилар асосий шахслар бўлса керак. Йўқ, бу даргоҳда Москва вакиллари Иккинчиларга қаноат қилмай, бир йўла Биринчи бўлиб қўяқолган экан.

Ҳайҳотдек хона, девори ялтироқ жигарранг панель билан қопланган. Ҳаммаёқ саришта. Озода, салқин.

Каттакон «Т» ҳарфига ўхшаган столнинг нариги бошида У ўтирибди. «Т»нинг қоқ пешонасида. Бериги томонда, «Т»нинг қоқ думида мен ўтирибман. Ўзимни босишга ҳарчанд уринмай, ичимни кемираётган ноаниқ хавотир ҳисси елкамдан босиб тур-

ганга ўхшайверади. У қоғозларни шошилмай, айти пайтда эътибор ҳам бермай ва рақлашга тушди. Деворда машҳур «Инқилоб чавандози»нинг ярим белидан тушган каттакон сурати осийлиқ. «Чавандоз» нимаси биландир Дон-Кихотга ўхшаб кетади. Боши кичкинагина, чўққисоқол, бўйни узун. Фақат бошига шапка кийган: айвони қийшиқроқ шапка. «Чавандоз»нинг шундоқ остида У ўтирибди. Худди «чавандознинг» бели тагига осилиб тургандек. Ярашиқли кийинган. Бўйнида бўйинбоғ. Соқоли қиртишлаб олинган. Ниҳоятда маданиятли одам экани кўриниб турибди.

— Сиз, гражданин Шоматов,— деди қоғоздан бош кўтариб,— Янглишиб бизга мурожаат қилибсиз. Отангиз Шоматов ишини суд кўриб ҳукм чиқарган. Ажрим хулосаси билан танишмисиз?

— Танишман!

— Ҳукмдан норози бўлсангиз СССР Олий Судига мурожаат қилишингиз мумкин. Бу — сизнинг гражданилик ҳуқуқингиз,— деди хайрихоҳ оҳангда.

Қизиқ, айбланувчиларни сўроқ қилаётганда ҳам шунақа гаплашармикин?

— Олий Судга мурожаат қилмайман,— дедим ишонч билан. (Яхши! Ҳали кириб келган пайтимдаги ҳаяжон йўқолиб, кўнглимни алланечук хотиржамлик, ҳатто ўзимнинг ҳақлигимга ишонч ҳисси эгаллади.) — Аризабозлик қилиб, Москвага бормайман. Рухсатингиз билан сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим.

Унинг кулранг кўзларида бир лаҳза истеҳзоли табассум пайдо бўлганини кўриб, қўшиб қўйдим.

— Биламан! Бу даргоҳда саволни сиз берасиз. Шунга қарамай...

— Шошиб турибман.— У соатига қараб қўйди.

— Ун етти кундан бери навбат кутаман,— дедим овозимни баландлатмасликка уриниб.— Кўп вақтингизни олмайман. Нариси билан ўн минут.

У аллақандай «пешка» билан пачакилашиб ўтириш керакми-йўқми, деб иккилан-ди шекилли, бир зум ўйланиб қолди.

— Яхши! — деди қатъий қилиб,— Фақат ўн минут!

— Отамнинг сўроғида сиз ҳам қатнашганмисиз?

— Эсимда йўқ. Икки йил ичида минглаб «ишлар»ни кўрдик. Мақсад?

— Отам жиноятчи эканига шахсан сиз ишонасизми?

Унинг кўзлари қисилиб, мулойим табассум ғойиб бўлди.

— Саволингизга жавоб бермасам майлими, гражданин... Шоматов?

— Айтинг-чи, ўртоқ прокурор! Республика Олий Советининг депутатини, сайловчилар қақриб олмасдан туриб, шунчаки, бир кечада КПЗга тиқиб қўйиш мумкинми? Бу гўдакка қонун-қонидани ким ўргатди, дегандек кўзимга диққат билан тикилиб турди-да, дона-дона қилиб тушунтирди.

— Мумкин! Депутатидан тортиб раҳбарларигача қўшиб ёзишни, поражўрликни касб қилиб олган республикада ҳамма нарса қилиш мумкин!

Ажаб! Унинг қанча жаҳли чиқса, кулранг кўзлари қанча ёнса, мен ўзимни шунча хотиржам ҳис эта бошладим.

— Ўзбекистон шунчалик айнаб кетган экан,— дедим киноя билан.— Марказга тола ўрнига вагонда ҳаво, самолётда дипломат тўла пул борган экан, нега у ёқдагилар, индамабди? Нега «бизга пул эмас, тола керак?» демабди? Нега бу ёқдан туриб пора узатганларни қамоққа тиқасизлар-у, у ёқдан туриб пора олган казо-казолар билан ишингиз йўқ?

У шошилмай ўрнидан турди. Боши «инқилоб чавандози»нинг киндигига тақалиб қолгандек бўлди.

Иккаламининг ҳозирги ҳолатимиз ғалати эди. Шошилиб кетаётганингизда оёғингиз остида аллақаяқдан сакраб тушган чигиртка пайдо бўлади. Босиб эзгилаб ташла-самми, индамай ўтиб кетсамми, деб бир сония иккиланиб қоласиз. Чигиртка эса ўчакишгандек қилт этмай тураверади, сурбет! Шу топда У ҳам иккиланиб турарди. Мен — чигирткани боссамми-йўқми? Уладиган ҳўкиз болтадан тоймайди, дейишади. Энди менга ҳаммаси барибир эди. Қўлидан келса отиб ташласин. Гапимни айтиб бўлмагунча қимир этмайман!

— Агар йигирма минг одамдан борингки мингтаси ноҳақ қамалган бўлса,— дедим дилимдагини айтиб олиш учун шошилиб.— Мингта одам бир йилдан ноҳақ «ўтирса» минг йил бўладими! Уша минг йилни ким тўлайди? Сизми? Амбарцумянми? Ҳаммангизни йиғиштириб келганда ҳам, умрингиз етмайди-ку!

Унинг кулранг кўзларида бўриникига ўхшаётган кетди. Ҳа, мана, энди қайтинг, асл қиёфанга! Қурбонининг бўйнига ханжар ботираётган жаллоднинг кўзлари шунақа бўлса ажабмас!

Қизиқ... У столни муштламади. Соқчи қақирмади. Сичқон боласига тикилган мушукдек секин лабини ялаб қўйди.

— Сопляк! — деди истеҳзоли қулиб.— Мен сени қабул қилмаслигим мумкин эди. Афғонистонда хизмат қилганинг ҳурмати...

— Афғонистонни қўя турайлик, ўртоқ прокурор! — дедим ҳорғин оҳангда.— «Икки юзинчи» юк фақат Афғонистондан эмас, мамлакат ичкарасидан ҳам ёғилиб

келяпти. Уларнинг хунини ким тўлайди? Ўзбек халқини бутун мамлакатга бадном қилганлар эмасми?

Стол суянчиғига тирсагимни таяб, ўрнимдан турдим. Оёқларимда мадор йўқлигини энди сездим. У бўлса, кўзларидан ўт сочиб қилт этмай турарди.

— Охирги гап,— дедим курси суянчиғини чангаллаб.— Охирги савол: нега «ўзбек иши!» Нега «арман иши» эмас, нега «ўрис иши» эмас! Ўзбек нима гуноҳ қилди сизларга?!

Эшик томон уч-тўрт қадам юрдим-да, қайтиб келдим. Иккиланиб, киссамдан газета қоғозига ўралган темиртакни олиб стол устига қўйдим. Бунга ҳам қаноат қилмай қоғоз қатини очдим. Ленин орденини кафтимнинг орқаси билан туртиб юборган эдим, силлиқ тахта устида сирғалиб, нари борди.

— Амбарцумянга бериб қўйинг! — дедим Унинг кўзига чақчайиб.— Онамнинг бор бисотини шилиб олган экан. Бобомдан қолган билакузукча! Буниям таркибида олтин бор дейишади. Ҳарқалай коллекциясига беш-ўн грамм тилла қўшилади.

Мадорсиз оёқларимни аранг босиб, эшик томон юрарканман, вужудим бўм-бўш бўлиб қолган эди. Аниқ ўдрок қилиб турибман. Бошим ғувуллаётгани йўқ. Гарданим ҳам қотмаяпти. Фақат вужудим бўм-бўш.

— Гражданин! — Эшик тутқичини ушлаган чоғим Унинг ҳокимона буйруғи янгради.

Тўхтадим. Қамоққа тиқмоқчимиз! Марҳамат! Нариз борса, тўйим ўн йил кечикар! Менга барибир.

Осойишта бурилиб қарадим. У ҳамон стол ортида «чавандоз»нинг белига осилганча турар эди.

— Ким билан гаплашаётганингни биласанми?

— Биламан! — дедим киприк қоқмай.

— Псих! — У негадир кулумсиради.— Контузиядан кейин савдои бўлиб қолган кўринадан. Сенинг тўғрингдаги ҳамма маълумотлар қўлимизда... Агар...— Унинг кулранг кўзларида яна бўриникидек совуқ ўт ёнди.— Агар тагин бир марта рупара келсанг, шу ердан тўппа-тўғри жиннахонага жўнайсан!

Августнинг саккизинчи кунини

Бугун менинг энг бахтли куним! Тўйимиз бўлди! Шаҳнозанинг кўзларида шу қадар чексиз қувонч порлаптики, кўрган сайин ўзимнинг ҳам юрагим шодликдан ёрилиб кетгудек типирчилайди. Ёнимда ҳарир парда ёпиниб ўтирганча зимдан шу қадар теран меҳр билан боқадик, бу нигоҳлар менга, фақат менга насиб этаётганидан оламга сиғмайман.

Билмадим, Шаҳноза менга бунчалар меҳр ато этган дамлар, ўзимни шу қадар қудратли ҳис этган онларим аввал ҳам бўлганми? Неча марта туйган эдим бундай ҳолатни? Балки, тўрт йил аввал, қор ёғиб турган кечада Шаҳнозани баракдан район марказидаги касалхонага олиб борганимда, иситма аралаш «Раҳмат, Рустам ака», деб қўлимдан тутганидандир? Балки, арзимаган битта тарвуз кўтариб, кўргани борганимда, мулойим, жилмайиб қўйганидандир! Эҳтимол, Тошкентга қайтгач, кинога тушган кунимиз, биринчи марта ўпганимда, Шаҳноза «унақа қилманг», деб йиғлаб юборганидандир?

Бугун мен дунёда энг бахтли одамман! Онам орзу қилганидек қарс-бадабанг тўй қилдик. Базм кечаси охирлаганда айниқса қизиқ бўлди. Ойим билан Шаҳнозанинг аяси «Муножот»га ўйнашди. Ойим донолар-да! Шунча кундан бери «даданг тўйингни кўролмади», деб маъюс тортиб юрган одам шунақаям очилиб кетдилар, шунақаям ўйнадиларки! Бало эканлар-ку!

ҲАМКАСБЛАР СУХБАТИДАН

— Келинг, ўртоқ Комиссар!

— Ҳўш, ишларнинг жилиши қалай, коллега? Тўлагановани сўроқ қилдингми?

— Қилдик. Гувоҳлик беришига қараганда, эр-хотин Шоматовлар жуда иноқ яшаган.

— Ҳэх! Сен ўша фанатичканинг гапига лаққа тушдинг? Тўғрими? Фирт жинни-ку, бу хотин! Энкайиб намоз ўқиётганда думбасини қоғоқари чақса, бу ҳам Худонинг бир махлуқи-да, деб силайдиган аҳмоқ! Бутун авлод-аждоди диндор ўтган!

— Қизиқсиз, ўртоқ Комиссар! Тўлагановада нима айб? Мен бу хотинга тўла ишонманам!

— Сенга қолса, Васильевнинг алибийси қўлида! Тўлаганова қўй оғзидан чўп олманган фаришта... Келин-чи, келин?! Балки у ҳам сутдек оппоқ, мусичадек беозордир! Хотин киши хоҳласа, бир эмас, ўнта эркакини бемалол ўлдиртириб юборади. Тушундингми, ўлдириб эмас, ўлдиртириб юборади!

— Эрингни қайси ўйнашинг ўлдирди, деб ёқасидан олайми энди? Асос қани?

— Нега мендан сўрайсан? Суриштир ўзидан! Сикувга ол!

РУСТАМНИНГ УЧИНЧИ КУНДАЛИГИДАН

Августнинг тўққизинчи куни

Кеча менинг энг бахтли куним эди. Бугун — энг бадбахт куним...

Августнинг ўнинчи куни

Менга нима бўлди ўзи?..

Янгаси нега кетмайди? Эшик тагида қоровул бўлиб ўтириши шартми?

Августнинг ўн биринчи куни

Эрталаб чиқиб кетаётганимда онам қаттиқ тайинлади. «Чиллалисан, жон болам, кун ботмасдан уйга кел...»

...Оёғим тортмаяпти... Нега бунча ҳаяжонланаман?

Августнинг ўн иккинчи куни

Ичиб келдим... Шаҳноза аввал ҳайрон бўлди, кейин... йиғлади. Ўзимнинг ҳам хўр-лигим келяпти.

Августнинг ўн учинчи куни

Нонушта устида ойим менга еттита, Шаҳнозага еттита майиз едирди. Седана сепилган битта ширмой нонни иккига бўлиб, ярмини Шаҳнозага, ярмини менга узатди. Ялипизми, исриққи ҳиди анқиб турган чой куйди. «Бисмилло деб енглар, ихлос билан ичинглар, жон болаларим», деди. Шаҳноза уялиб ерга қаради, аммо ойимнинг айтганини қилиб ширмойни еди, чойни ихлос билан ичди.

Августнинг ўн тўртинчи куни

Ётар олдидан Шаҳноза ширин жилмайди.

— Бугун уйимизга меҳмон келди...

Ҳайрон бўлдим.

— Қанақа меҳмон?

— Топинг-чи?

Индамай елкамни қисдим.

— Тополмайсизам! — Шаҳноза менинг ёстиғимни қучоқлаб туриб, болаларча сода-да қувлик билан кулди.— Узоқ қариндошларингиз орасида хушторингиз бормиди? — Эркаланиб бурнимни беозор чимчилади.— Қани, эслаб кўрсинлар-чи!

— Жиннимисан! — дедим кулиб.

— Шунақасиз-да! — У шодон қаҳ-қаҳ урди.— Демак, бор эканда!

Бетоқат қараб турганимни кўриб тушунтирди.

— Бугун фолбин келди. Холлаваччангизми-ей, аммаваччангизми-ей... узоқ қариндошингизнинг қизи бор экан. Сиздан умидвор экан... Сиз бевафолик қилиб, ташлаб кетибсиз. Шунга... «боғлаб» қўйганмиш... Яхшимас-да, бир бечорани куйдириб, бошқасига уйланиш...

Шаҳноза яна кулди. Кулгиси йиғига ўхшаб кетди.

Августнинг ўн бешинчи куни

Майкамни алмаштираётган эдим, Шаҳнозанинг ҳаяжонли хитобини эшитдим.

— Вой, нима бу, Рустам ака?

Қарасам, кўзлари кўрқувдан катта-катта очилиб тикилиб турибди.

— Э-э,— дедим чандиқ белимни беписанд шапатилаб.— Арзимаган гап.

Майкамни шоша-пиша кияётгандим, Шаҳноза югуриб келиб, белимни силади.

— Оғрияптими? — деди худди ўзи азоб чекаётгандек изтироб билан.

Кулдим.

— Қизиқмисан! Эсимдан ҳам чиқиб кетган. Шунчаки, дайди ўқ.

Шаҳноза гапимга ишонмади. Чандиқни силаб, кўзимга шунчалар кўрқиб термулдики, жаҳлим чиқди.

— Эсинг жойидами? Ҳеч гап йўқ дедим-ку... Ойимларга айтиб юрма.

Августнинг ўн олтинчи куни

Нонушта устида Турсунбой ака келиб қолди. Шаҳноза шошилиб уйга кирди-да, бошига ҳарир рўмол ёпиб чиқди. Куёвжўрага уч марта таъзим бажо айлаб, «келин салом» қилди. Турсунбой ака «бахтли бўлинг, синглим, қўша қаринглар», деб киссасидан йигирма беш сўмлик чиқарди.

— Шаҳноза — қизим,— деди ойим.— Турсунбой бегона эмас, Рустамжоннинг куёв жўраси. Узингизнинг акангиздек гап.

Шаҳноза бошидан ҳарир рўмолини ечди. Турсунбой акага бармоқларининг учига пиёла кўндириб чой узатди.

— Хола! — деди Турсунбой ака дилкаш шанғиллаб— Куёв тұрани бир ўйнатиб келсам нима дейсиз. Майлими, келин? — деди Шаҳнозага юзланиб.— Би-ир шамоллаб келсин-да, куёв тұра! Қани, отлан, ука!

Кўчага чиққанимизда дашном берди.

— Шунга шунча мотамми? Ким айтади сени уруш кўрган йигит деб!

Юрагим шувиллаб кетди.

— Нима «шунга шунча?» — дедим хавотирланиб.

Бир камим энди бутун қишлоққа овоза бўлишим қолувди.

Турсунбой ака кўзимга бирпас қараб турди-да, товушини пасайтирди.

— Куёвжўра бўлганимдан кейин маслаҳат беришга ҳақим борми ахир? Фирт жинни экансан-ку! Ичиб келишга бало борми, чилласи чиқмаган келиннинг ёнига!

Энди оғиз очмоқчи эдим, жеркиб берди.

— Нима қиласан, йўқ жойдан гап чиқариб! Мана, ўзим ҳам...— Бир зум чайналиб турди-да, ишонч билан давом этди.— Мен ҳам бир ҳафтагача қўшилолмаганман, янган билан. Эшикдан кирсам оёқ кисталоқ қалтирайди... Естиққа бош қўйдим дегунча «у ёқдаги» ўлиқлар хаёлимга келаверади.— Турсунбой ака кўзимга синчков қараб қўйди.— Энг зўр дўхтирга олиб бораман. Ташвиш қилма, бегонамас, ўзимнинг поччам. Манаман, деган уролог!

Янги ТОШМИнинг пасти-баланд йўлакларидан ўтиб, Турсунбой аканинг поччасини топгунча талай вақт ўтди...

Доцент ёруғ чехралли одам экан. Ийманиб турганимни кўриб, Турсунбой акага имо қилди.

— Томоша борми, сенга? Чиқ-чи, қани!

Доцент ярадор белимни узоқ текширди. Кафтининг қирраси билан биқинимга уриб кўрди.

— Пешоб пайтида ачишмайдим?

Бош чайқадим.

— Пешоб равон тушадими?

— Ҳа,— деб бош ирғадим.

— Ёлғон «визов» бўлмайдим?

Ғапини англамаган эдим, тушунтирди.

— Яъни... Пешобга боргингиз келади-ю, бир-икки томчи тушиб...

— Унақаси йўқ.

— Яхши...— Доцент чаққон ҳаракат билан белимдан сонимгача пайпаслаб чиқди.

— Болалигингизда «свинка» бўлмаганмисиз?

Асабийлаша бошладим.

— Нима у?

— Бизда «тепки» дейди. Томоғингизга без келиб, мойк шишмаганми?

— Йўқ!

У ўйланиб қолди.

— Аввал хотин киши билан бўлганмисиз? — деди тўсатдан.

Қарасам, мутлақо жиддий гапиряпти.

Начора, эътироф этдим. Ҳа, бўлган бунақанги гуноҳ ишлар. Судда ишлаб юрганымда...

— Ушанда жараён нормал кечганмиди?

— Ҳа! — дедим кўрслик билан.— Рисоладагидек бўлган!

Доцент ранжимани.

— Гап бундай, ука! — деди самимият билан.— Жўн тилда қандай тушунтирсам экан? Умуртқа поғонасининг думғаза қисмида пастки органлар фаолиятини бошқарувчи шохчалар бўлади. Простота безлари, сийдик қопчаси, мойк синғари органларни ўша шохобчалар бошқариб туради. Сизда шохобчанинг асаб толаси шикастланган. Уқ асаб толасига теккан.

Миқ этмай, кўзига тикилиб турганимни кўриб, қайта бошдан тушунтира кетди.

— Нерв системаси шунақа нозик нарсаки... Айниқса алоқа пайтида... Арзимаган шовқин, бир оғиз кўнгилсизроқ гап, ёмон хотира... шунга ўхшаган нарсалар тормозла-ниш жараёнини кучайтириб юборади.

Кийинаётганимда ишонч билан таскин берди.

— Жиддий хавф йўқ. Ҳаммаси яхши бўлади. Бу нарсага, яъни эр-хотин орасидаги интим муносабатга табиий ҳол деб қаранг. Ҳадеб шуни ўйлайверсангиз ўзингизга ишонч йўқолади. Занжирли реакция бошланиб кетади.

Бир даста дори қоғозлар ёзиб, қўлимга тутқазди.

— Овқатга алоҳида эътибор берасиз. Қазми, ёнғоқ, қизил сабзи, топилса, балиқ икрасини кўпроқ истеъмол қиласиз. Аччиқ, шўр нарсалардан ўзингизни тийинг. Ичкилик ичмайсиз.

Эшик ғийқиллаб очилиб, Турсунбой аканинг дўппили боши кўринди.

— Ёп! — деди Доцент негадир асабийлашиб.

Чиқиб кетаётганимда алоҳида таъкидлади.

— Рустамжон! Яна бир гап. Иложи бўлса муҳитни ўзгартириш керак. Яшаш муҳитини. Ҳали айтдим-ку, сизда патология йўқ. Эрекциянинг рўй бериши асаб осовишталигига боғлиқ.

Тағин ҳеч балога тушунмадим.

— Келин икковингиз бошқа муҳитда бўлишингизга тўғри келади. Вақтинча бўлса ҳам... Европаликлар «никоҳ сафари» деган гапни бекорга ўйлаб топмаган...

Августнинг ўн олтинчи кун

Иланг-биланг йўл эмиш. Бир томон қумли чўл. Бир томон — «зелёнка». «Зелёнкадан ўқ отилаётганмиш. Қизиқ, автомат товуши келмасмиш-да, ёнимдан хуштак чалиб ўтаётган ўқлар овозини аниқ эшитармишман. «Зелёнкага отай десам, автоматим йўқ. Қочай, десам пана жой кўринмайди. Бор бўйимча ўзимни ерга отибман... Бир маҳал катта йўлдан БМП елиб келди. Қарасам, ёнимдан шитоб билан ўтиб кетяпти. «Олиб кетинглар, мени олиб кетинглар!» дедим сапчиб туриб. БМП тўхтамади. «Обкет! — дедим бақириб.— Обкет мени!» БМП тўхтади. Етиб борсам, Хайридин қўл чўзиб турибди. «Чиқинг, жўра, чиқинг тезроқ!» деди. БМПга тортиб чиқарди.

Чўчиб уйғондим... Уй ичи қоронғу. Тўшакда ўтирибман. Юрагим гурсиллаб уряпти.

— Нима бўлди? — деди Шаҳноза овози қўрқувдан титраб.

— Ҳеч нима... — Узимни мажбур қилиб илжайдим.— Чанқадим. Бир пиёла сув бер, Шаҳноз...

Августнинг ўн еттинчи кун

Уйғонсам деразадан ғира-шира тонг нури тушяпти. Шаҳноза тошойна олдида ўтирибди. Ич кийимда. Қўлида миттигина киприк бўяғич...

Индамай кузатиб ётавердим. У ҳам қоп-қора кўзларини бир нуқтага тикканча қилт этмай ўтираверди. Гўзал ва жонсиз ҳайкалдек. Қайси келин ўзига оро бермайди. Қайси келин куёвига ёққиси, кўни-қўшниларга чиройли кўрингиси келмайди? Хаёлимдан изтиробли ўй кечди. Шаҳноза пардозга ўтирган-ў, иккиланиб қолган. Ким учун пардоз қилсин? Нима учун?..

Бир маҳал тикилиб ётганимни ички сезги билан ҳис этди, шекилли, ярқ этиб қаради.

— Вой, уйғондингизми? — деди жилмайиб.

Жилмайиши аллақандай аянчли кўринди.

Ҳовли томондан пақир бандининг даранглагани эшитилди. Ойимми, келинойимми «сигнал» беряпти. Шаҳноза — янги келин, келин деган кун ёйилгунча ялпайиб ётса уят бўлади. Қўни-қўшнилар куёв чарчатиб қўйибди-да, ноз уйқудан турмабди, деб гап қилади. Келин ҳовлига сув сепиши керак. Кўча эшик олдини супуриши керак. «Нима бўлганда ҳам!»

Шаҳноза киприк бўяғични тошойна пештахтасига қўйди-да, илдам ўрнидан турди. Тезгина гулдор халатини кийиб, оёғига шиппак илди, ҳовлига шошилди.

Августнинг ўн саккизинчи кун

Кун ботди. Қоронғу тушяпти. Уйга боргим келмаяпти. Шаҳнозанинг юзига қарашдан қўрқяпман!

Августнинг ўн тўққизинчи кун

Кўчада Турсунбой акага дуч келдим. Велосипед миниб кетаётган экан...

— Яхшимисан, укам, хурсандчиликми? — деб сўради.

Биров бизнинг гап-сўзимизни тингламаяптими, деган андишада атрофга алангладим. Назаримда Турсунбой ака атайлаб овозини баралла қўйиб гапиргандек, бутун қишлоқ, бири деразадан, бири дарвозадан мўралаб тургандек туюлди.

Турмайман бу ерда! Ҳар бирининг кўзи лазер нурига, ҳар бирининг қулоғи лока-торга айланган, бекорчиликдан бировнинг тўшагида нима бўлаётганини суриштирадиган майдакаш одамлар орасида туролмайман! Уй талаб қиламан! Жилла қурса, кафт-дек бошпана берсин менга. Мен учун эмас, ақалли оилам учун; Шаҳноза учун!

Уша кун

Талабалар шаҳарчаси арининг уясига ўхшайди. Мандат деган серғалва тадбир авж палласига чиққани учунми, тумонат одам. Ҳали шаҳар ҳавосига кўникиб улгурмаган, кўйлак-шими ғижимланган йигитлар, узун лозим кийган, сочини майдалаб ўрган қизалоқлар... Бақатераклар соясида Ўзбекистоннинг минг бир бурчагидан келган машиналар... Ойнаванд эшиклар олди қий-чув. Бири ялиниб, бири пўписа қилаётган оталар, атлас кўйлагининг ёқасига «Қаҳрамон она» медалини тақиб олган оналар...

Ҳай-ҳай-ҳай! Қўрқади медалиндан! «Ие, онахон, сиз Қаҳрамонмисиз? Унта бола туққанмисиз, марҳамат, кининг! — дейди.— Уғлингиз ким бўлмоқчи? Инженерми? Кимёгарми? Юришти? Бош устига. Илми борми ишқилиб? Бўпти-да! Сизнинг болангиз ўқимаса, ким ўқийди?»

Овора бўласан! Уқишга кирадиганларнинг рўйҳати икки ой олдин тайёрлаб қўй-

илган. Мен ҳам юрист бўлмоқчи эдим. Шу ниятда саккиз ой судда дастёрлик қилганман. Яхшисиниям кўрдим, ёмониниям... Охир-оқибат ҳафсалам ҳам совиди... Тағинам ўзимизнинг факультетда озми-кўпми адолат бор экан. Бўлмаса, бунгаям киролмасдим.

Билагига қизил латта ўраган иккитаси йўлимни тўсди. Қийин шуларгаям. Воситачи бўлиш осонми?

— Нар и турсанг-чи, ука! Уқишга олиб кирадиган одамим йўқ. Бошқа иш билан келдим.

Йўлақлар кимсасиз. Ифлос. Қоғоз парчалари сочилиб ётибди.

Эшигига «местком» деган ёзув илинган хонада ўтирган, сочи калта қилиб қирқилган қиз ачиниб бош чайқади.

— Санжар Оллоберганович ҳозиргина чиқиб кетувдилар. Нима деб қўяй?

— Ўзи билан гаплашишим керак,— дедим ҳафсалам пир бўлиб.— Зарил ишим бор эди.

— Энди янаги жумага келадилар.— Қиз астойдил ёрдам бергиси келаётгани кўриниб турарди.— Биласизми,— деди дераза олдида бориб.— Ҳов анави қайрағоч соясига турган қора «Волга» Санжар Оллобергановичники. Йўлдан деканатга кирмоқчи эдилар. Машина олдида пойлаб турсангиз, тушиб қоладилар.

— Номери нечча?

— Ниманинг номери? — деди қиз тушунмай.

— Машинанинг.

— Билмасам...— Қиз бир зум ўйланиб турди-да, қўшиб қўйди— Менимча бошланиши ўн бир.

«Бошланиши ўн бир» «Волга» олдида узоқ туриб қолдим. Шаҳарча ҳамон ғужғон ўйнар, ойнаванд эшик тарафдан шовқин-сурон эшитиларди. Ниҳоят, ярашиқли кийинган, қизларниқига ўхшаш лўппи, оппоқ юзларида ўзига ишонч, хотиржамлик акс этиб турган хушмўйлов йигит вазмин қадамлар билан яқин кела бошлади.

Танидим! Ахир бу — ўзимизнинг «вожак»-ку! Пахтадаги воқеадан кейин мени ўқишдан ҳайдашга ваъда берган комсомол сардори Санжар! Узгармабди. Фақат сал тўлишибди. Янаям салобатли бўпқопти.

Мен томонга шубҳали қараб қўйди-да, машина эшигига калит солди.

— Сизни кутиб турувдим,— дедим яқин бориб.

У менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, элас-элас таниди шекилли, самимий жилмайиб, қўл узатди.

— Сиз бизда ўқирдингиз-а? — деди ҳамон жилмайиб.

Қўлига тутқазган аризамни синчиклаб ўқиб чиқди.

— Проблема йўқ! — деди ишонч билан.— Ётоқхонадан алоҳида хона ажратамиз. Уқишни битиргунча келин билан тураверасизлар.

Ҳаммаси аён! Энди Шаҳноза ётоқ йўлагида трусичан юрган талабалар орасидан ўтиб, бурчакдаги ошхонага бориб, чой қайнатиши қолувди.

— Тушунмадингиз,— дедим совуққонлик билан.— Бизга ётоқхона эмас, уй керак. Алоҳида квартира...

У астойдил ажабланди.

— Ўйлаб гапирясизми, Рустамбек! Домлаларнинг ўзидан юзга яқин одам навбатда турибди. Сизга, кечирасиз-ку, аспирантлар уйдан ҳам жой беролмаймиз.

— Менга аспирантлар уйи керакмас,— дедим қайсарлик қилиб.

Санжар Оллоберганович тагин бошимдан оёғимгача қараб чиқди.

— Тўғри,— деди кўлидаги аризани силкитиб.— Афғонистонда бўлган экансиз. Лекин бизда «афғон» болалар кўп. Ҳар биттасига алоҳида квартирани қаердан ола-миз?

— Мен «бола» эмасман! — дедим ғашим келиб.— Гап шу, Санжарбек! Аризамни қабул қилдингиз, деб ҳисоблайман. Келаси жума куни нечанчи навбатда турганимни тасдиқловчи қоғоз ёзиб берасиз. У ёғи менинг ишим!

Чамаси турқи-тароватим кўрққувли эди шекилли, «местком» елка қисганча машинага ўтирди-да, осойишта ҳайдаб кетди. Шунда... қора «Волга»ни аввал ҳам кўрганим ёдимга тушгандек бўлди. ЗАГСга ариза топширадиган кунимиз «Пахтакор» метроси олдида Шаҳноза шу машинадан тушганди... Тагин билмадим...

Августнинг йигирма биринчи кун

Шаҳнозанинг юзи аллақандай нотекис бўлиб бораётганини биринчи марта пайқадим. Синчиклаб қарасам, ҳуснбузар тошиб кетибди. Мойупа суриб шунча уринади, лаънати ҳуснбузар қасд қилгандек баттар кўпаяди.

Августнинг йигирма учинчи кун

Эски шаҳардан чарс сотиб олдим. Яхши! Фақат... Уйга боргим келмаяпти. Қоронғи тушишидан кўрқяпман.

Уша кўни кечаси

Қоп-қора соқолли «дух» мени бўғяпти. Бошида салла. Қизиқ, қўлида ҳам салла. Саллани сиртмоқ қилиб, бўйнимга солди-да, кўзлари олайиб, торта бошлади. Урай десам, кўлим етмайди. Нафасим қайтиб, хириллаб қолдим. «Дух» эса тишларини ёжирлатиб, сиртмоқ учини тортади.

— Автомат! Автоматим қани?

...Сапчиб туриб кетдим.

— Автомат! — дедим хириллаб.

Кўзимни очсам, кароват ёнида, ерда ётибман. Шаҳноза пиёлада совуқ чой тутяпти.

— Ичинг,— деди дағ-дағ титраб.— Сизга нима бўлди, Рустам ака?..

Пешонамдан совуқ тер чиқиб, Шаҳнозанинг оёғидан кучдим.

— Қўрқма, Шаҳноз,— дедим юпатиб.— Ҳозир... ҳозир ўтиб кетади... Шунчаки, туш кўрдим...

Августнинг йигирма тўртинчи кўни

...Кўзлари... ҳайрат аралаш меҳр билан ёниб турадиган кўзлари қовжираб кетибди. Минг йил уйқудан қолган одамдек. Келин дегани тўйдан кейин яйраб-яшнаб, очилиб кетгувчи эди. Шаҳноза кўз ўнгимда сўлиб боряпти.

Августнинг йигирма бешинчи кўни

Кечкурун уйга келсам, Шаҳноза ҳовлига сув сепаётган экан. Эгнида халат, жиякли атлас лозим.

— Аям келдилар,— деди қулоғимга пичирлаб.— Кириб, сўрашинг.

Кўзида қувонч, овози хушчақчақ эди.

Қайнонам ойимнинг олдида жуда ёш кўринади. Айланиб-ўргилиб сўрашди. Пешонамдан ўпиб кўришаркан, кўзимга хавотирланиб қараб кўйганини аниқ сездим.

Ётоққа кирсам, Шаҳноза диван олдида турибди.

— Кўзингизни юминг! — деди эркаланиб.— Йў-ўқ, унақаси кетмайди. Яхшилаб юминг. Ана шунақа! Мана бу сизга! Адамлардан — куёвларига!

Кўзимни очган эдим, кўлимга гулдор салапан қопчиқ тутқазди.

«Монтано» спорт костюмчаси экан.

— Қани, адасининг қизини битта ўпиб қўйсинлар-чи! — Шаҳноза кулимсираб юзини тутди... Юзлари ловуллаб турибди.

Августнинг йигирма олтинчи кўни

Доцент очиқ чехра билан кутиб олди. Нима ўзгариш бўлаётганини сўради.

— Энг муҳими — қўрқманг! — деди бир бошдан тушунтириб.— Уша паллада шошманг. Ҳаяжонланманг. Касалман, деган гапни хаёлингиздан чиқариб ташланг.— Бармоқлари билан столни чертиб ўтирди-ўтирди-да, ўзига ўзи гапираётгандек қўшиб қўйди.— Бунақа пайтда кўп нарса аёлнинг маҳоратига боғлиқ.

«Маҳорат? Қанақа маҳорат? Нима, Шаҳноза ж... мидики, «маҳорат»ни намоёйиш қилса?!»

Доцент важоҳатимни кўриб, кўзини олиб қочди.

— Мени айтди дерсиз, ука,— деди юпатиб.— Ҳали қўша-қўша фарзандлар кўрасиз. Уғлингизнинг тўйида ўзим бориб ошнинг энг ширин жойидан ейман. Келишдикми?

Августнинг йигирма тўққизинчи кўни

Шаҳар ижрокомининг уй тақсимооти бўйича комиссияси терговга ўхшаган нарса бўларкан. Узун стол тўрида калта энгли қўйлак кийган, жингалаксоч киши ўтирибди. Стол атрофида йигирма чоғли одам. Эркак — аёл аралаш. Негадир ҳаммасининг қиёфаси бир хил: тунд, лоқайд. Фақат бир одам — мажлис раисининг ўнг тарафида ўтирган киши бошқаларга ўхшамайди. Юзи шунақанги озгин, шунақанги рангсизки, биров эски ўликни гўрдан суғуриб чиқиб, калла чаноғига тери ёпиштириб қўйгандек. Чакаклар ич-ичига кириб кетган, бўйни ингичка, қилтириқ. Аммо тошбақанинг бўйнидек сертомир, чайир... Юлқа лаблари асабий титрайди. Шундай иссиқда қора костюм кийиб, бўйинбоғ тақиб олган. Кўкраги тўла орден, медаллар. «Қизил юлдуз», «Жанговар Қизил байроқ», «Ватан уруши...» Гап бунда ҳам эмас. Кўзлари ғалати, кўзлари... Чор атрофга, одамларга, оламга, борингки, ўзига ҳам шу қадар чексиз қаҳр билан боқадики, қараса этингни сескаптириб юборади. Баайни Ёвуз Руҳнинг ўзгинаси!

— Фамилиянгиз? — деди Жингалаксоч мен томонга қарамай.

Айтдим.

— Одамларга нима бўлган ўзи, Соат Ғаниевич! — Жингалаксоч қўлидаги «дело»ни Ёвуз Руҳ олдига ташлади.— Шунча эгоизмни кимдан ўрганган бу ёшлар! — деди афсуснадомат билан.

Ёвуз Руҳ қоғоз титкиларкан, мен томонга қараб қўйди. Ўзининг ҳақлиги-ю, менинг ноҳақлигимга, ўзининг қудрати-ю, менинг ожизлигимга ишонч билан тўлиб-тошган бу

нигоҳда яна бир нарсa — нафрат бор эди! Ҳатто «инқилоб чавандози»нинг белига «осилиб» турган прокуратура «босси» ҳам менга бунчалик жирканиб қарамаганди. Беихтиёр кўзимни олиб қочдим.

— Уй керакми сенга?

Худо ҳаққи! Шарти кетиб, парти қолган кекса одамнинг овози шу қадар гумбурлашини биринчи кўришим. Худди гўрдан чиққан садодек!

— Уй керак бўлиб қолдимми? — деди Ёвуз Рух тағин таҳдидли гумбурлаб.

Тамом! Ҳаммаси тушунарли! Булардан ҳеч қачон, ҳеч қандай нажот йўқлигини англадим-у, вужудимда ажиб енгиллик сездим. Нима қипти, биринчи марта кўряпманми, бунақа ҳангомаларни!

— Ҳа! — дедим ўзимни босишга уриниб. — Уй керак!

— Домлаларга йўқ уйни сенга қаёқдан топиб берсин?

— Унисини билмадим, — дедим ростини айтиб. — Аммо менга уй керак. Хотиним билан ётоқхонада туролмайман!

Ёвуз Рух кўзимга тешиб юборгудек узоқ тикилди.

— Биографиянгда ёзибсан! — деди қоғоз варақлаб. — Шаҳар судида ишлаган экансан. Бир йил ишладингми?

— Саккиз ой...

— Нега ҳайдашди?

— Ҳайдашгани йўқ, — дедим хотиржамлик билан. — Ишлагим келмади.

— Эшитдингизми, Дмитрий Степанич! — Ёвуз Рух Жингалаксочга қараб, кулди. Кулгиси ғалати экан. Худди калтакесакнинг томоқ қоқишига ўхшайди. — Суд органида ишлагилари келмабди... Хэх!

Жингалаксоч индамади. Чарчоқ қиёфада бошини кафтига қўйганча, тирсаги билан столга таянди. Бир чеккада ётган «Марлборо» сигаретидан олиб, ялтироқ чақмоқтош ёқди.

Узун стол атрофида ўтирган бир хил қиёфадагилар бир хилда сукут сақлашар, ҳайхотдек хона жимжит, Ёвуз Рух варақлаётган қоғозлар ғайритабиий баланд овозда шитирлар эди.

— Афғонда хизмат қилган экан, — деди Ёвуз Рух. — Бош аргументи шу.

— Начора? — жингалаксоч тутун қайтарди. Юзимга тикилиб туриб, анчайин осойишта оҳангда тушунтирди. — Сизни Афғонистонга биз юборган эмасмиз, йигитча.

— У ёққа борганимга мен ҳам афсусланман! — дедим совуққина қилиб.

— Қўйиб берса душман томонига ҳам ўтиб кетади, бунақалар. — Ёвуз Рух ўйиб юборгудек чақчайди. — Шошма! — деди навбатдаги қоғоз варағини ажратиб олиб. — Отанг колхоз раиси экан-ку! Тўғрими шу гап?..

— Тўғри.

— Раис бўлса битта ўғлига Тошкентдан участками, кооператив уйми олиб беришга кучи етмайдими?

Кулдим.

— Бундан чиқди... Раис отам менга участка ёки кооператив уй олиб берса, ҳаммаси ўзидан ўзи ҳал бўлади. Шунақами?

— Пажалста! — деди Ёвуз Рух қўл дўлғаб.

Жингалаксоч унинг хулосасини дарҳол қувватлади.

— Шахсий мулк сотиб олишга ҳар бир гражданинг ҳаққи бор.

— Шунақа-ку... — дедим киноя билан. — Отам энди раис эмас-да! Лагерда ётибди. Шимолий Қозоғистонда! «Ўзбек иши» билан қамалган.

Ёвуз Рухнинг кўзлари ёниб кетди.

— Аҳ-да! — деди ғўлдираб. — Кўрдингизми, Дмитрий Степанич! Бу... — ипдек бармоғини бигиз қилиб, мени кўрсатди. — Бу — шубҳали шахс! Биографиясини ёлғон ёзган. Отаси қамалганини атайлаб яширган. Жамоатчиликни чалғитмоқчи бўлган.

— Қизиқ... — дедим ясама лоқайдлик билан. — Отам раислигидан фойдаланиб, менга уй олиб берса, қонунга хилоф эмас. Дадамнинг қамалганини ёзмасам — жиноят экан-да!

— Сен... сен... гапни чалғитма, унсур! — Ёвуз Рух ўрнидан туриб кетди. Тошбақаникидек ингичка бўйни баттар тиришиб, боши асабий қалтиради. Кўксидаги орденлари жиринглаб кетди. — Бўшатиб қўй, кабинетни!

— Ҳаяжонланманг, Соат Ғаниевич! — Жингалаксоч Ёвуз Рухни юпатди. — Ўтиринг!. Йигитча! — деди муросага чорловчи оҳангда. — Сизга квартира беролмаймиз. Бўпти, сизга рухсат.

— Уй керакмиш бунга! — Ёвуз Рух ҳамон ғазабини босиб ололмасди. — Ана, хотинингникига бориб тур!

Чиқиб кетардим-у, гапи нашъа қилди.

— Мусулмонмисиз? — дедим қоним қайнаб. — Мусулмончилик қондаларини тушунасизми?

— Мен ҳеч қанақа мусулмончилик-пусулмончиликни билмайман! — Ёвуз Рухнинг боши соат капгиридек ликиллади.

— Мен биламан! — дедим қайсарлик билан.— Ичкуёв бўлишни хоҳламайман!
 — Бўлмаса, хотининг билан кўчада ётиб юравер!
 Боядан бери тилимни тийиб турган эдим. Ёвуз Рухнинг гапи жонимдан ўтиб кетди.
 Айтмаслигим керак бўлган гапни айтиб юбордим.
 — Нега шу тупроқда туғилиб ўсганлар шаҳар чеккасига чиқиб, лой чангаллайди-да, кеча келганларга уй тайёр?
 — Нима? — Жингалаксочнинг кўзлари таҳдидли қисилди.— Нима дедингиз?
 — Аниқроқ қилиб айтайми? — дедим ғазабдан овозим қалтираб.— Нима учун ўзбекка уй йўқ-да, кеча вагондан тушганларга уй тайёр?
 — Шунақа дегн? — Жингалаксоч лабининг бир чети билан кинояли илжайди.— Демак, сиз Тошкент фақат туб аҳолиники, ғайри миллатлар кетсин, демоқчисиз? Тўғри тушундимми?
 — Йўқ! — дедим бош чайқаб.— Илгари келганлар кетсин, демоқчи эмасман. Энди келаётганлар келмасин, демоқчиман. Аҳоли ўзимизда ҳам...
 У ёғини айтолмадим. Стол атрофида ўтирган бир хил қиёфалилар тўсатдан ҳар хил қиёфага кирди. Ҳар хил овозда ҳайқира бошлади. Бири кўзи олайиб бақирди, бири чинқирди, яна бири ҳайратдан ёқасини ушлади. Фақат айбномаси бир хил эди. Миллатчи! Халқлар дўстлигининг душмани!
 — Жим! — Гувиллаб турган йўғон-ингичка товушларни гумбурлаган садо таққа тўхтатди.— Жим бўл! — деди Ёвуз Рух ўкириб. Қалтироқ қўлини пахса қилиб кичқирди.— Унсур! — деди оғзидан кўпик сачратиб.— Сени ўз қўлим билан отиб ташлашга тайёрман! — Кейн Жингалаксочга юзланди.— Милиция борми, бу даргоҳда, Дмитрий Степанич! Бунақа бандитларни тийиб қўядиганлар борми-йўқми, исполкомда!
 Жингалаксоч вазмин одам экан. Шошилмай ўрнидан турди.
 — Қўйинг, Соат Ғаниевич! — деди тасалли бериб.— Асабингизни асранг.
 Секин-секин юриб ёнимга келди.
 — Ўртоқ Шоматов,— деди қуруқ ва расмий оҳангда.— Совет граждани сифатида давлатдан квартира олишга ҳақлисиз. Навбатингиз келса — оласиз. Сиз — озодсиз!
 Қаранг, қандай яхши! Менга озодлик ҳадя этяпти!
 Мана, майнавозчилик томошаси тугяпти. Ҳаммаси жойида. Ҳаммаси рисоладагидек.
 — Рухсатингиз билан бир нарсани сўрасам,— дедим иложи борица мулоийм қилиб.— Навбатим қачон келади?
 Жингалаксоч мендан ҳам мулоийм жилмайди.
 — Юз йилдан кейин!

Уша куни

Гарангсиб кўчага чиқдим. Чарс чекким келарди. Майли, биз камбағалларга «Прима» ҳам тешиб чиқмайди! Энди сигарет тутатсам, ёнбош томондан ғўлдираган овоз келди.
 — Чекишдан ол, ука!
 Энсам қотиб бурилиб қарадим. Ким бўлди бу? Аввалига эслолмай турдим-у, тамакидан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб, илжайганидан таниб қолдим.
 — Ие, Маузер ака!
 — Қалайсан? — деди у қўлимни қисиб.— Шомансур акадан хабар борми?
 — Хат келди. Юрганмишлар...
 — Майли, ука, сабр қилинглар! — деди у сигарет тутатиб.— Мени айтди, дерсан, бу олатабирлар босилади. Нариси билан уч-тўрт йил. Жим юрибсанми ишқилиб? Ҳеч қаяёққа бормадингми?
 — Бордим. Республика прокуратурасига.
 — КПЗга тикмадимми?
 — Яна бир марта келсанг, жиннихонага жўнатаман, деди.
 — Тўғри айтибди! — Маузер Соатович илжайиб қўйди.— Жўнатадиям! Уларга чекланмаган ҳуқуқ берилган.
 — Дадамнинг орденини топширдим. Амбарцумянга бериб қўйсин.
 — Бекор қипсан! — У кескин бош чайқади.— Даданг орденни ҳалол меҳнат қилиб олганлар.
 — Бўлмаса, ҳалол меҳнат қилган одамни қамоққа тикмасин.
 Маузер ака «шу гапни менга айтяпсанми?» дегандек таъномуз қараб қўйди. Бирпас сукут сақлаб турди-да, сўради.
 — Бу ерда нима қилиб юрибсан?
 — Уй масаласида келгандим.
 — Уйни нима қиласан?
 — Уйландим,— дедим хушламай.
 — Зарилмиди? Нима қилардинг ёш бошингга бўйинтуруқ илиб?
 Ғашим кела бошлаганини сезиб, елкамга қоқди.
 — Мен-ку, овқатланиб олдим,— деди кулумсираб.— Қорнинг қалай? Бу ернинг ошхонасида лағмонни боплайди. Ейсанми?
 Индамай бош чайқадим.

— Юр, бўлмаса, салқинроққа борайлик.

Рўпарадаги бокқа кирдик. Камалакранг харракка бориб ўтирдик. Боғ ичи дим, болалар қий-чув солиб отўйин учар эди.

— Комиссия мажлиси бўлдими? — деди у менга қарамай.— Зампред бошқаргандир йиғилишни? Сочлари жингалак Васильев?

Бош ирғадим.

— Нима деди?

— Юз йилдан кейин навбатим келаркан.

— Тўғри айтибди! — Маузер ака ҳунук хириллаб кулди.— Бу ўртоқ,— деди тушунтириб.— Ўзбекистонга ёрдам бериш учун Марказдан келганлардан.

Менга нима? Марказдан келадими, Америкаданми?

Маузер ака мунгайиб ўтирганимни кўриб, елкамга қўл ташлади.

— Ўзбекнинг мақолини эшитганмисан? — деди кўзимга текилиб. Салқиган қовоқлари липиллаб кетди.— Меҳмон — отангдан улуг. Зўр мақол-а? — Тағин кулган эди, йўтал тутди.— Шунақа! — деди туфлаб.— Уйингни турини бўшатиб берасан. Охирги куйлагингни сотиб бўлса ҳам, дастурхон ёзасан. Ноз-неъматларни тўлдириб ташлайсан. Меҳмон ия, булар жаннатда яшаркан-ку, деб ўйлаб қолади. Кетаётганида елкасига тўн ёпасан. Хотинига бир жўра атлас берасан. Болаларига мева-чева... Меҳмон яна ўйлаб қолади. Ие, пора беряпти-ку, бундан чиқди, бир балоси бор, дейди... Кейин...мазахўрак бўлиб қолади. Эртасига ўнта меҳмон келади. Сенга пойгак ҳам тегмай қолади. Ҳовлига чиқасан. Индинига юзтаси келади. Ҳовлигаям эга чиқади. Кўчага чиқиб кетасан. Кўчаям торлик қилиб қолса, «фиш-ш-шт!» — У ҳуштак чалган эди, оғзидан тупук сачраб кетди.— Учасан, космосга!

Маузер Соатович жимиб қолди. Салқиган қовоқлари орасида милтираб турган кўзларида ғусса бор эди.

— Халқлар биродарлиги деган нарсаси — муқаддас тушунча,— деди хўрсиниб.— Аммо бир юрт иккинчи юртни азбаройи бахтли қилиш учун босиб олмас экан. Бундан ўттиз йил, қирқ йил аввал юртимизга келган биродарларимизда инсоф бор эди... Энди бўлса...— У ҳафсаласизлик билан қўл силтади.— Ўзимизда юз минглаб ишсизлар юрибди саланглаб, иттифоқ тасарруфидаги корхонани қуради-да, йигирма минг-ўттиз минг «мутахассис» олиб келади. Қўрган заводи республикага шимилдириқ ҳам бермайди. Ҳаво билан сувни заҳарлагани қолади.— Бирпас жим қолди-да, ўрнидан турди.— Бўпти, кетдик, укам, сениям юрагингни сиқиб юбордим...

Катта кўчани кесиб ўтаётганимизда, истехзоли илжайди.

— Марказ нега шунақа қилаётганини биласанми? Халқаро қонун бор: қайси юртда туб аҳоли сони эллик фонздан кам бўлса, «миллий озчиликка» айланиб қолади, яъни ўша юртга эгалик ҳуқуқини йўқотиши мумкин. Мана, мақсад қаерда ётибди! Бўпти, хайр! — У асабий қалтираётган қўлини чўзди.— Сенинг уйинг масаласи бўйича албатта мақола ёзаман! — деди ишонтириб.— Яна эллик учта «афғон»нинг хати қўлимда турибди!

Сентябрнинг биринчи кўни

Ўқишлар бошланди. Иккинчи курсга кириб, уялиб кетдим. Укам тенги олтита бола ўтирибди. Қолгани қизлар. Ҳаммаси офтобда эркаланиб шўхлик қилаётган мушук болага ўхшайди. Ун икки нафар йигит армияга кетибди...

«Мушукчалар» менга-ку, унча эътибор беришмади. Аммо ҳаммаси охирги қаторда ўтирган, бир кўзи кўр, оғзи қийшайиб кетган йигитга хавотирланиб, ҳатто ирганиб қараётганини аудиторияга кирган заҳоти ҳис қилдим.

Билдимки, «афғонлар»дан. Ёнига бориб ўтирдим.

— О-о-отим Т-с-солижон...— дея дудуқланиб. («С»га «Т»ни қўшиб гапирмаса, тили айланмас экан).

Солижоннинг юзи чиндан ҳам қўрққувли эди. Чап кўзи кўр, оғзи қийшиқ, чап юзи оловга тушган махсидек ғижимланиб кетган.

Тутилиб-тутилиб айтган ҳикоясида шуни англадимки, Кобул томонларда бензовоз ҳайдаган экан... У ёққа кетишдан олдин математика куллиётида ўқиркан. У ердаги фанлар оғир бўлгани; мияси муттасил оғришини ҳисобга олиб, бизга ўтказишибди.

— У ёқда нима бўлди? — десам, дудуқланиб тушунтирди.

— Фу-фу-фугас портлади...

Елкасидан қучиб, юзидан силагим келди.

Сентябрнинг еттинчи кўни

Республика газетасида «Афғонистон жангчиларига муносабат шуми?» деган мақола чиқибди. Ўзим беҳабар эдим. Танаффусда Шаҳноза қўлимга газета тутқазди. (Хотининг туртинчи курсда, ўзинг иккинчида ўқисанг, қизиқ бўларкан.) Мақолада шаҳар ижрокоми, хусусан раис ўринбосари Д. С. Васильев Афғонда жароҳатланган аскарлар қисматига беварқ қараётгани, бу масалада шикоятлар кўплиги айтилган эди.

Бири телефон, бири уй, тағин биттаси оддий табобат ёрдамига муҳтож бўлиб

юрганларнинг узундан-узоқ рўйхатида менинг ҳам исми-шарифим бор эди. Қизик одам-да, Маузер ака! «Булар билан олишишдан наф йўқ» деб менга насиҳат қилади-да, тагин ўзини ўтга уради! Нима фойдаси бор?

Сентябрь ойининг саккизинчи кўни

Шаҳноза «аямни соғиндим, кўриб келамиз», деб туриб олди. Аввалига тушунмадим. Мунча тиқилинч? Кейин бирдан ёдимга тушди. Ахир бугун саккизинчи-ку! Тўйимизга роса бир ой бўлди. Вой, Шаҳноза-ей! Вой, шум-эй! Йўлдан гул, торт олдик.

...Бу кўча менга яхши таниш. Бир вақтлар мана шу тол тагигача кузатиб кўярдим. У ёғи Шаҳнозанинг таъбири билан айтганда, «тақиқланган зона» эди: кўни-кўшнилари кўрса гап-сўз кўпаяди... Бир ой илгари шу кўчадан жўраларим билан қий-чув қилиб кириб бордик. Ҳозир ҳам кўлоғим остида ноғора садоси, карнайнинг тантанавор овози янграб кетгандек бўлди. Энди бу кўча — менинг ҳам кўчам. Анали кунгураддор дарвозали уй — менинг ҳам уйим! Куёвман... Ҳарқалай!

Дарвозани Дилноза очди: Шаҳнозанинг қақажон синглиси. Опасининг бўйнига осилиб, икки юздан чўлпиллатиб ўпди.

— Рустам ака, салом! — деди катта қизлардек қўл чўзиб.

— Почча дегин, жинни! — Шаҳноза дашном бериб, улгурмасиданоқ Дилноза ҳовлига югурди.

— Аяжон! — Шаҳнозапам билан Рустам акамлар келишди!

Шаҳнозанинг «қиз ўтириши»га келганимда одам кўплиги учунми, ҳовли тордек кўринган эди. Энди разм солсам, кенг-мўл экан. Ҳовли ўртасида гулзор яшнаб ётибди. Мармар фавворачадан сув зарралари отилади. Дид билан гир айлантириб солинган уйлар ярақлайди. Очиқ айвон нафис пардалар билан тўсилган.

Қайнонам югуриб айвондан тушди. Аввал менинг пешонамдан ўпди. Кейин Шаҳнозани кучоғига олди. Айланиб-ўргилиб кўришаркан, Шаҳнозага термулиб турган кўзларида «қалай, янгиликлар борми?» деган унсиз саволни уққандек бўлдим. Кўнглим чўкиб туриб қолдим.

— Қани, ичкари киришлар! — Қайнонам елкамга қоқиб илтифот қилди.— Қудам яхшимилар? Қуда буваамлардан хушхабар борми? Ҳамманлар яхши ўтирибсизларми? — Айвонга чиқаётганимизда ичкарига қараб, овоз берди.— Адажониси! Қизингиз билан ўғлингиз келди!

Ичкаридан қайнотам чиқди. «Адидас» кийиб олган, сочлари қоп-қора, ҳаракатлари ёшлардек чаққон... Икковимиз кўришаётганимизда қайнотам беозор койиди.

— Вой ўлмасам, бу қанақа юриш куёвингизни олдида, аллакимларга ўхшаб... Боринг, костюм кийиб чиқинг!

— Нима кипти, Рустам ўзимнинг ўғлим! — деди қайнотам дўстона жилмайиб.

Шаҳноза кўнғироқ қилиб қўйган шекилли дастурхон ноз-неъматлар билан безатилган, ўртада «Наполеон» коньяги, «Золотое кольцо» арағи турарди.

Қайнотам дадамдан қандай хабар борлигини суриштирди.

— Хафа бўлманлар! — деди далда бериб.— Буям юрт бошига тушган тўй-да. Кўрасиз, ҳаммаси изга тушиб кетади.

Шаҳноза бирпасда елиб-югуриб хизмат қилишга киришди. Аввал чой, кетидан шўрва келтирди. Қайнотам шоколаднинг зар қоғозини йиртиб, олдимдаги ликопчага қўйди. Коньяк пўкагини оча бошлади. Шаҳноза менга таъномуз қараб турганимни сезиб, илтимос қилдим.

— Қўйинг, ада, мен ичмайман.

— Тўғри қиласизлар! — деди Шаҳноза жилмайиб.— Иссиқ кунда...

— Сен эркакларнинг ишига аралашма, хўпми қизим! — деди қайнотам эркаловчи оҳангда.— Яхшиси аянгга қараш...

Миттигина биллур қадахдаги бир қултум ичкиликдан терлаб кетдим.

— Васильевнинг пўстагини қоқишибди-ку! — деди қайнотам шўрва ичатуриб.

Тушунмадим.

— Кечаги газетани айтаман! — Қайнотам кулимсираб бош чайқади.— Ўзимга айтсангиз ҳам бўларди, Рустамжон. Дмитрий Степанович билан яхши танишмиз.

Бундан чиқди қайнотам Жингалаксоч билан... Ҳа, дарвоқе, шаҳардаги каттакон «торг»нинг бошлиғи бўлганидан кейин танийдида.

— Бу ёғини ўйламаган эканман,— дедим қимтиниб.— Маузер Соатович билан тасодифан...

— Ким у Маузер Соатович? — деди қайнотам гапимни бўлиб.

— Редакцияда ишлайди.

— Умуман, тўғри ёзган,— деди қайнотам яна коньяк қуйиб.

— Барибир бизга уй бермайди,— дедим ишонч билан.

— Нега бермас экан? Беради! Қани, олдик! Саломатлик бўлсин! — Қайнотам самимий илтифот қилди.— Олаверинг, Рустамжон. Нима кипти, жиндай-жиндай...

Ийманиб шўрва хўплаётганимда ўрнидан турди.

— Бемалол ёзилиб ўтираверинг, мен ҳозир...— деди-да, айвонга чиқди. Зум ўтмай ўша томондан телефонни ғириллатиб, рақам тераётгани эшитилди.

Хонага гунафшаранг бахмал муқовали альбом кўтариб Дилноза кирди. Ниҳолдек нозик. Қош-кўзлари Шаҳнозага ўхшаб кетади.

— Рустам ака,— деди сирли қилиб.— Битта нарса кўрсатайми?

Ёнимдаги стулга ўтирди-да, альбомни очди.

— Мана! — деди кўзларида болаларча табассум ёниб.— Қаранг!

Бу ўзимнинг Афғонистондан юборган суратим эди. Эгнимда бушлат, бошимда шлемофон, елкамда автомат...

— Дилноз...! — Остонада пайдо бўлган Шаҳноза альбомга кўзи тушдию югуриб келди. Альбомга қўл чўзган эди, Дилноза чаққонлик қилиб, шаппа ёпди.

— Йиғлагансиз! — деди каттакон сирни очаётгандек бошини сарак-сарак қилиб.—

Ўзим кўрганман, Рустам акамнинг суратини томоша қилиб, ҳар куни йиғлагансиз! Шаҳноза дув қизариб кетди.

— Хоин! — деди мушти билан ясама дағдаға қилиб.

— Йиғлагансиз! Йиғлагансиз! — Дилноза кула-кула айвонга қочиб чиқди.

Ўша томондан қайнотамнинг овози келди.

— Барношка! Мен — Расулевман. Дмитрий Степанични улагин... Степанич! Салом! Анави масала бўйича индинга борса бўладими? Ҳа, Шоматов Рустам... Келишдик, соат учга!

Бирпасдан кейин қайтиб кирди.

— Рустамжон! — деди тушунтириб.— Индин соат учга ижрокомга борасиз. Иккинчи қават, зампред қабулхонаси...

— Васильев дегани ўша одам бўлса,— деб гап бошлаган эдим, қайнотам кулиб, сўзимни кесди.

— Бемалол бораверинг. Ёрдам беришади. Газета танқидидан хулоса чиқарсин-да, мундоқ! Сиз ўзингизнинг қонуний ҳаққингизни талаб қиляпсиз!

Сентябрнинг ўнинчи кўни

Эшикни иккиланиб очдим. Майли, Жингалаксоч қайнотамнинг сўзини ерда қолдирмаслик учун мени қабул қилишга-ку қилар. Аммо ўша одам мен эканимни қаёқдан билсин? Кўрадио ҳайдаб чиқаради. Юз йилдан кейин кўришишга ваъдалашганмиз, ахир! Қабулхонада оёғини чалиштириб сигарет чекиб ўтирган секретарь қиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Қиз исми-шарифимни сўради.

— Бир минутга! — деди-да сигаретини кулдонга босиб ўчирди. Шошилмай ўрнидан турди. Жинси юбкаси шунақанги калта эканки, хаёлимга бемаъни ўй келди: табиий зарурат юзасидан анавинақа жойга борса, юбкасини кўтариб ҳам ўтирмаса керак. У чарм қопланган эшик ортида ғойиб бўлди-да, дарҳол қайтиб чиқди. Оппоқ, лўмбиллаган сонларини намойиш қилиб, дик-дик юриб келиб, жойига ўтираркан, мулойим жилмайди.

— Марҳамат, ўртоқ Шоматов.

Хона унчалик катта эмасди. Ортиқча ҳашамлар йўқ. Деворда «Партия — давримизнинг ақл-идроки ва виждонидир», деган шиор осиглиқ турибди.

Кириб борганимда Жингалаксоч хона ўртасида турган экан. Осойишта юриб келиб, кўришиш учун қўл чўзди.

— Дмитрий Степанович! — деди ўзини таништириб.

Анграйиб қолдим. Наҳот танимаган бўлса? Икки ҳафта олдинги даҳанаки «жанг» наҳот ёдида бўлмаса!

— Шоматов,— дедим минғиллаб.

— Утиринг, ўртоқ Шоматов,— У тўрдаги столдан ғижимланиб кетган таниш папкани олиб келди. Стол қиррасидаги курсига, ёнимга ўтирди.— Қани, кўрайлик-чи, нима гап ўзи? — деди вазминлик билан.

Қоғозларни шошмасдан варақлашини кузатиб ўтирибман-у, хаёлимда нуқул бир гап айланади. «Мазах қиляпти! Ҳозир мулойим жилмаяди-да, узр, йигитча, юз йилдан кейин келасиз», дейди.

— Уртоқ Шоматов! — деди у ҳужжатларни обдон текшириб бўлгач.— Гарчанд қонунни четлаб ўтишга тўғри келса-да, сизга ёрдам берамиз. Интернационалист-жангчиларга кўмаклашиш — бизнинг бурчимиз. Ҳозирча эски фонддан ажратиб тураемиз. Кейин ўйлашиб кўраемиз...

— Нима? — дедим ўз қулоғимга ишонмай.

Дмитрий Степановичнинг мовий кўзларида табассум пайдо бўлди.

— Эски фонддан,— деди тушунтириб.— Чилонзорда бир хонали квартира бўшаган. Англашимча, сиз жуда ҳам муҳтожсиз. Янги уй қурилиб битишини кутолмайсиз. Гап оҳангида «хафа бўлмайсиз-да, биродар», деган маъно бор эди.

— Ордерни келар чоршанба кўни Чилонзор ижрокомидан оласиз! — У хайрлашаётиб қўлимни самимий қисди.— Уй тўйига таклиф қилсангиз албатта бораман!

Гарангсиб эшик олдига борганимда кўшиб қўйди.

— Редакцияга расмий жавоб хати қиламиз. Унгача ўзингиз ҳам ишим ижобий ҳал бўлди, деб айтиб қўйсангиз ёмон бўлмасди.

Эшик тутқичидан ушлаганча узоқ туриб қолдим. Демак, таниб турибди. Мақолани ҳам ўқиган. Уша кунги «безорлигимни» бир оғиз юзимга солмади.

— Раҳмат, Дмитрий Степанович! — дедим ҳаяжонланиб.

— Арзимайди. Бирон проблема туғилса, бемалол келаверинг.

Ташқари чиқиб, бино рўпарасидаги қайрағочга суяниб қолдим. Узоқ турдим. Курант соати тантанавор занг урар, япроқлари эрта сарғайган қайрағоч куз шамолида оҳишта шовуллар эди. Юрагим шодон гурсилларди. Бор экан-ку, адолат! Бу дунёда ҳақиқат деган нарса ҳам бор экан-ку!

«Маузер аканинг олдига бораман. Ҳозир! Ҳозироқ! Кейин Шаҳнозадан суюнчи оламан. Адамга телефон қиламиз! Раҳмат деймиз! Раҳмат, ада, ҳақиқатни тиклашга ёрдам берганингиз учун минг раҳмат!»

Уша куни кечқурун.

Эр-хотин автомат телефондан кўнғироқ қилдик. Адам вазминлик билан қутлади.

— Ҳали сенлар кўрганингни ҳеч ким кўрмайди, болаларим, иноқ бўлинглар, сенларнинг бахтингни кўрсам, бас,— деди: Шаҳноза икковимиз «Гулистон»га кирдик. Шаҳноза жиндай шампан ичди. Юзлари ёниб кетди. Хурсандимиз!

Сентябрнинг ўн учинчи куни

Шаҳнозанинг юзига яна ҳуснбузар тошди. Чиннидек тиниқ чеҳраси ғадир-будир бўлиб кетяпти.

Сентябрнинг ўн олтинчи куни. Кечаси.

Ғалати товушдан уйғониб кетдим. Нима гаплигини тушунолмай узоқ гарангсиб ётдим. Хушим жойига келганида англаб етдим: Шаҳноза тескари қараб йиғлаб ётибди. Унини чиқармаслик учун ёстиқни тишлаб олган. Укинч билан, алам билан йиғлаяпти. Ҳар ҳиқиллаганида гавдаси силкиниб-силкиниб кетади... Узимни ухлаганга солиб ётавердим.

...Ёнингда жондан суйган одаминг йиғлаб ётса-ю, сен ақалли бир оғиз ширин сўз билан юпатолмасанг, оғир бўларкан.

...Улгим келяпти...

Сентябрнинг ўттинчи куни

Кўчиб ўтдик. Тўғри, Шаҳнозанинг ярим жиҳозлари Пискентда қолиб кетди. Аммо энди бизнинг ўз бошпанамиз бор! Ҳар куни олтамиш чақиримга қатнаб юрмаймиз.

Дмитрий Степанович «эски фонд» деганда вайронага айланган уйни тасаввур қилган эдим. Йўқ, бир хонали бўлса ҳам яхши таъмирланган, қутидеккина квартира экан... Кечқурун уйимиз меҳмонга тўлди. Ойим, акам, келинойим, бу ёқдан қайнотам билан қайнонам, Дилноза... Шаҳноза ўз қўли билан ош дамлади. Ойим «туп қўйиб, палак ёзинглар, ўзларингдан кўпайинглар», деб оқ фотиҳа берди. Уч эркак иккита ароқни бўшатдик. Хуллас, ҳамма ёқ байрам!

Энг муҳими, энг... энг муҳими — доцент айтганидек, муҳит ўзгарди. Шояд энди...

Октябрнинг бошлари

Қарасам, буфет токчасида кўғирчоқ турибди. Қоп-қора сочи иккита қилиб ўрилган. Атлас қўйлак, атлас лозим кийгизиб қўйилган... Кўзлари мунчоқдек. «Қаёқдан келди» десам, Шаҳноза кўғирчоқни олиб, бағрига босди.

— Чиройлими? — деди жилмайиб.

Кўғирчоқ сочини силаркан, кўзининг туб-тубида яшириниб ётган мунг юзага қалқиб чиққандек бўлди.

Қиз бола нимага эсини танимасдан туриб, кўғирчоқ ўйнайди? Нима учун «бола-сининг сочини тарайди, ювинтиради, аллалаб ухлатади»?

Шаҳноза ҳамон кўғирчоқ сочини силар, мендан кўз узмас эди. Индамай кўчага йўл олдим. Чарс чекким келяпти!

Эртаси куни

Бу гал доцент анча хомуш муомала қилди.

— Биласизми, ука, нуқул шуни ўйлаб, яхши қилмаяпсиз. Айтдим-ку, хаёлингизда фақат бир нарса айланаверса, тормозланиш кучайиб кетади.

Қоним қайнаб кетди.

— Нима қилай бўлмас! — дедим бақириб.— Уйламагин деб калламни узиб ташлайми?

Доцент елкамга кафтини босиб, кўзимга ҳамдардлик билан узоқ тикилди.

— Ахир хотиним тирик одам-ку,— дедим титраб.— Кўғирчоқ эмас-ку, дўхтир!
Икки ой бўлди!

Доцент бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Тушингиз бузилиб турадимиз?

Дафъатан гапни тушунмадим. Кейин бориб етди, калламга.

— Нимаиди? — дедим ғашим келиб.

— Бир гап айтсам, кўнглингизга келмайдими? — деди ҳардамхаёл аллозда.

— Айтаверинг! Менда кўнгил қоптими?

Доцент рўпарамга ўтирди.

— Аввал ҳам гапирмоқчи бўлгандим-у, тилим бормаганди.— Узоқ жим қолди-да, иккилашиброқ давом этди.— Ўзбекка ўзбек сифатида бу гапни айтишим ноқулай. Врач сифатида гапиришга ҳам ҳақим йўқ.— Тағин бирпас чайнаиб турди-да, қатъий қарорга келди шекилли, ишонч билан деди.— Агар майл сезсангиз, бошқа аёл билан бўлиб кўрасиз! Йўқ, келин билан ажрашинг, демайман. Шунчаки, кўнглингиз тусаган бирон аёл билан... Кўп эмас, бир-икки марта. Ҳаётда бундай ҳолатлар кўп бўлади, Рустамжон. Бир аёлга муносабатда рўй берган тормозлаш бошқаси билан бўлганда йўқолиши, яъни уйғониш жараёни нормал изга тушиб кетиши мумкин. Биласизми...— Бошини кўтариб, кўзимга қарадио дами ичига тушиб кетди.

— Мен фаришта эмасман, дўхтир,— дедим эзилиб.— Лекин Шаҳнозанинг садоқатига жавобим шу бўладими?

Доцент ерга қараб, хўрсинди.

— Узр, укажон...

Октябрнинг ўрталари

Домимизда Қурбоной хола деган хотин бор. Фаррош. Коптоқдек думалоқ, қачон қараса, қўлидан супурги тушмайди. Аллақаерини онамга ўхшатаман. Меҳрибонлигимиз, ҳар гапида айланиб-ўргилишимиз...

Кечкурун эшик жириглаб қолди. Чиқсам, Қурбоной хола турибди.

— Аканг келди, холанг тасаддуқ! — деди елкамга қоқиб.— Пешинда келган эди. Бизникага кириб ўтириб турақолинг, Рустамжон билан келин ҳализамон кепқолишади, десам кўнмади. Шошиб турган экан, хат ташлаб кетди.— Қурбоной хола конвертига Пискент адреси ёзилган хатни узатди. Дадамдан.

— Уйга кириш, хола. Келинингизнинг овқати тайёр бўлди,— деб ҳарчанд қистамай, рози бўлмади.

— Умидаҳон иккинчи исменда, холагининг ўргилсин. Невараларим ёлғиз. Худо хоҳласа, ойинглар келганларида албатта кираман! — дедию шоша-пиша тушиб кетди.

...Шаҳноза овқат келтиргунча диванга ёнбошлаб, хатни икки марта ўқиб чиқдим.

«Рустамжон,— деб ёзибди дадам.— Тўйинг бўлганини ўқиб, ўзимда йўқ сеvindим. Мендан келинга салом айт. Насиб этса, ўз юртимга омон-эсон борсам, Шаҳноза қизимнинг қўлидан албатта ош ейман. «Сизнинг масалангиз бўйича оёғим етган жойгача боравераман», дебсан. Калта ўйлама, жон болам! Феълингизни биламан-ку, Рустамжон! Арзимаган нарсага ловиллаб кетасан. Шундоқ ювош акангни бошига қай кунларни солмади, булар! Дадам тинч бўлсин, бир азоби икки бўлмасин, десанг, ҳеч кимнинг эшигини тақиллатма! Ҳеч кимга ялинма! Турган-битгани ёлғон-яшиққа, зўравонликка қурилган бу юртда адолат деган нарсанинг ўзи йўқ! Аммо бу гапни айтолмайсан. Финг десанг, уриб белингизни синдиради!

Ешим олтимшидан ўтиб кўп нарсаларга энди-энди тушуняпман, хом сут эмган банд!

Уйлаб қарасам, ўтган умрим — умр эмас, туш экан. Гўё мен эсимни таниб-танимай биров уйқу дори ичиргану туш кўриб юраверганман: гоҳ ширин, гоҳ хатарли туш кўриб. Уша «бирова» қаёққа судраса, кетидан эргашиб кетаверганман, нима буюрса, қулоқ қоқмай бажараверганман... Уйғонишга эса кўрққанман... Мана энди, уйғониб, ён веримга қарасам, менга ўхшаганлар кўп экан...

Ишонасанми, ўғлим: баъзан қараб туриб қулгим келади. Ҳўп, мен-ку, «гуноҳкорман», «жиноятчиман». Биздақа «ёмонлар»ни «яхши» йўлга соладиганлар-чи? Улар ким? Муроди нима? Разм солиб қарасам, улар ҳам уззу кун туш кўриб юрганга ўхшайди. Вазифаси битта: буйруқни бажариш... Кўзида маъно йўқ. Мен уларни ёмон кўраман. Аммо қараб туриб баъзан шуларга ҳам раҳмим келади. Улганининг кунидан, азбаройи бола-чақасини боқиб учун шу юмишни бажариб юрганга ўхшайди, бечоралар... Худо ҳақки, ақли етмайди: бу қанақа ҳаёт?

Аваллари лагердаги баъзи оғзига кучи етмаганлар, мени «босмачи» деса, хафа бўлардим. Энди парво қилмайман. Босмачи ким? Қайси босмачи қайси юртга босиб борибди? Уз юртини ҳимоя қилган одам босмачи бўладими? Йигирма-йигирма беш йил аввал туғилмаганимга афсусланман, ўғлим! Йигирма беш йил олдин, аср бошида туғилганимда эди, «босмачилар» қаторида туриб, ҳақиқий босмачиларнинг додини берган бўлардим. Тоғ-тошларда ўлиб кетсам рози эдим. Ушанда онанг бечора мени учратмасди. Сен ҳам туғилмасдинг. Афғонистонга бориб ўзинг ҳам азоб чекмасдинг. Ўзгаларга ҳам ўқ отмасдинг!

Яна бир карра айтаман: Рустамжон, жон болам! Милиция, тергов, прокуратура деган идораларнинг эшигига йўлай кўрма! Миқ этиб овозинг чиқдим, милён хил айбни бўйнингга шилқ этиб иладида, КПЗга тикади. Кейин, додингни Худога айтасан!

Буларнинг қўлига тушишни душманамга ҳам раво кўрмайман, ўғлим! Шунақанги маккорки, қилаётган ҳунарларини кўрса Шайтони-лайннинг оғзи очилиб қолади. Шунақанги бешафқатки, қўллаётган усулларини кўрса, фашистнинг лабига учуқ тошади!

Адолат, ҳақиқат деган нарсаларни излаб овора бўлма. Бунақа гаплар қорға ёзиб, офтобда қуритилган. Яхшиси, ўзингни ўйла. Онангни эҳтиёт қил. Сен у ёқдасан, мен — қамоқдаман... Онанг шўрлик, йккаламизнинг дардимизда адоий-тамом бўлди-ку!

Лагерь начальниги дуруст одам кўринади. Октябрь ойида посилкага рухсат берган. Иложи бўлса, жун пайпоқ, кўлқоп юборинглар. (Аканга ҳам ёзганман, бу гапни). Бу юртлар совуқ... Начальник декабрда свидание берамиз, деб ваъда қилган. Гапида турса, яна хабар қиламан. Онанг келиб, овора бўлиб юрмасин. Илҳом иккаловнинг келсанг — бас.

Мендан Шаҳнозга салом айт. Худо насибамни кўшиб, омон-эсон борсам, келинимни пешонасидан ўпиб, яна бир карра оқ фотиҳа бераман. Дуои-салом билан, даданг, 23 сентябрь».

Октябрнинг ўртадари

Бугун Ёвуз Рухни кўрдим. Гастрономда кассага навбат кутиб тургандим, қарасам, олдинроқда у ҳам турибди. Кўзлари оловдек ёниб, менга узоқ тикилди. Салом беришимни кутди. Кўзига тик қараб туравердим.

— Ёшлар айниб кетди,— деди ёнидаги кампирга ҳасрат қилиб.— Катталарни иззат қилмайди.

Ҳасрат қияпти-ю, овози ўктам, қаҳрли.

Қариганда аҳволи шу бўлса, ёшлигингда қанақа бўлганикин? Хаёлимга келган гапдан ичимда кулиб қўйдим: «Қари бўри!»

Бундан чиқди, Ёвуз Рух шу атрофда туради.

Октябрнинг йигирманчи кўни

«Кўлга тушишим»га сал қолди. Кундалигимни «ўз жойи»га — балкондаги эски қақир-қукурлар солинган шкафнинг энг пастки тортмасига яшираётганимда, Шаҳноза чиқиб қолди. «Нима қидиряпсиз?» деган эди, сигарет чекишга чиққанамни айтдим. Маънилироқ баҳона тополмасам нима қилай? Шаҳноза кўзимга узоқ тикилиб турди-да, индамай уйга кириб кетди. Шунақанги синчковки, хоҳласанг, нима туш кўрганинггача айтиб беради...

Октябрнинг йигирма иккинчи кўни.

Рўпарадаги домда турадиган кўшнимиз ўғлини уйлантирди. Улар билан киришчиқшимиз йўқ... Умуман, домда туриш ғалати... Қишлоқда борингки, шаҳардаги маҳаллаларда ҳам кўни-кўшни бир-бирининг иссиқ-совуғидан хабар олиб туради. Ён кўшнилари биров-бировига бир коса овқат узатади. Эркаклар кечқурунлари чойхонага чиқиб гурунглашишади. Бировиникида яхши тўй, ёмон ўлим бўлса, ҳамма ёпирилиб келади... Домдагилар... Нима десам экан... тошбақага ўхшади. Аҳён-аҳёнда зинадами, эшигингиз рўпарасидами, кўшнингизга дуч келасиз. Бошини косаси ичидан чиқариб, хўмрайиб қараб қўяди. На салом бор, на алик... Бирпас қараб туради-да, ўрмалаб инига кириб кетади...

Шунақа дейман-ку, ўзим эмасми қишлоқда туришга тоқати қолмаган? Узим эмасми, ҳеч ким ҳеч кимни танимайдиган, ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши бўлмайдиган жойда яшашни орзу қилган?..

...Тўйга чиқмоқчи эмасдик-ку, Қурбоной хола койиб берди.

— Вой, худо урди-кетди, Рустамжон болам! Кўздек кўшнининг тўйга чиқмайди-ми, одам деган? Шаҳноз — келинимгаям айт: холам тайинладилар, дегин, силкиниб-силкиниб ҳизмат қилсин! Тўй дегани кўпчилик билан бўлади-да, холанг қоқиндик! Худо хоҳласа, эртага сенлар ҳам бешик тўйи қиласан, ўғил тўйи кўрасан...

Хўп, дедим. Шаҳноза эрталабдан чиқиб «силкиниб-силкиниб» ҳизмат қилди. Мен ҳам наҳорги ошда лаган ташидим. Кечқурун, икки дом ўртасига ёзилган никоҳ дастурхонини безатишда кўмаклашдим... Қизиқ, тўй деган нарсанинг Худо назар солган ғалати файди бўлади, шекилли. Узимнинг руҳимда ҳам ажиб энгиллик сездим...

Тўй кечаси очиқ деб эълон қилинганида рўпарамизга сумакдек озғин йигит билан атлас кўйлак кийган, қорни қаппайиб, юзини сезилар-сезилмас доғ босган аёл келиб ўтирди.

Келин-куёв шаънига айтилган биринчи табрикдан кейин рўпарамизда ўтирган аёл жилмайган кўйи менга гап қотди.

— Танимадингиз-а, Рустам ака!—Ёнидаги ингичка мўйловли йигитга ўгирилиб, таништирди.— Бу киши — Бахтиёр акам...

Бир зум тикилиб турдим-да, эсладим.

— Ие, Ҳабиба?

«Сиз» дейишни ҳам, «сен» дейишни ҳам билмай, каловлаб қолдим. Ахир бу — Ҳабиба-ку! Ўнинчи синфда ўқиётганимда саккизинчида эди. Менга замондош шоирларнинг шеърлари қўшилган ишқий мактублар ёзавериш, бошимни қотириб юборган қизалоқ! Боядан бери танимай ўтирганимга ўзим ҳайрон бўлдим. Жудаям ўзгариб кетибди.

— Яхши юрибсизми, Ҳабибахон?— дедим бошқа гап тополмай.

— Ништякман!— Ҳабиба шўх жилмайиб «Бахтиёр акаси»га юзланди.— Рустам ака билан мактабдошмиз... Келинойимизни таништирмайсизми, мундоқ, Рустам ака!

Шаҳнозани таништирарканман, хаёлимга нохуш ўйлар келди. Назаримда, Ҳабиба, кўриб қўй, сен писанд қилмагандинг, тенгимни топдим, яқинда фарзандли бўламиз, деётгандек, Шаҳнозага истеҳзо аралаш тикилиб-тикилиб қараётгандек эди... Худога шукр! Ит эгасини танимайдиган Тошкентдек шахри-азимда ҳам яна бир ҳамқишлоғим топилди... Ким билсин, қишлоқдаги висир-висирлар Ҳабибанинг ҳам қулоғига етгандир.

Ҳаммаси жонга тегди! Иггим келяпти!

...Базм айни қизиганда тўртинчи қават деразаси очилиб, майкачан бўлиб олган барзанги «ўчир, даранг-дурингингни» деб ҳокимона буйруқ берганда вужудимга титроқ кирди. Қарасам, тўйхонадаги уч юзага яқин одам дами ичига тушиб, мунғайиб турибди. Куёв билан келин саросимада, машшоқлар созини ғилофига соладиган... Бу қандоқ гап! Тўй қилиш гуноҳми? Кимдан кўрқасан? Нимага кўрқасан, овсар!

Умрим бино бўлиб, қўлимни кўтарган бола эмасдим. Атайлаб «Лазги»га ўйнадим. Девор тагидаги столда кий-чув кўтарилганини, беш-олти хотин-халаж орасида Шаҳноза ҳам сапчиб ўрнидан туриб кетганини, жиққа ҳўл бўлиб, баданига ёпишиб қолган қўйлагининг ёқасини ғижимлаётганини кўриб, тепага қарадим. Барзанги деразани ланг очганча қўлида яшил пластмасса пақир ушлаб турибди.

... Тўртинчи қаватга қандай чиққаним эсимда йўқ. Худо ҳаққи, мен унга қўл кўтармоқчи эмасдим. Қўлидаги вино шишасини бошим устида кўтарганидан кейин... у ёғи нима бўлгани ёдимда йўқ. Шаҳнозанинг «ўлдириб қўясиз!» деган чинқириғидан ўзимга келдим... Ким нима деди, нима қилди, бунисиниям эслолмайман. Фақат гўрдан чиққандек гулдираган садо қулоғимга аниқ-равшан кирди.

— Фирт миллатчи экансан, бола! Умринг турмада чириб кетади!

Бу — Ёвуз Рухнинг овози эди.

Октябрнинг йигирма учинчи кўни

Фарҳод бозоридан майда-чуйда харид қилиб келаётсам, домнинг пастида, Қурбоний хола ўрис кампир — Клава хола билан гаплашиб турибди. Салом бердим. Русчалаб.

— Сан, ўғлим, хапа бўма!— деди Клава хола соф тошкентча шевада.— Ичвоганидан кейин кўнглига кеган қилғилиқни қиған-де, ану чўчқа! Эси бўса, мундоқ пастга тушмийдими, ўтирмийдими, одамга ўхшаб...

Кечаги воқеа ёдимга тушди.

— Қўяверинг, хола,— дедим кулиб.— Шунчаки гап-да! Эсимдан ҳам чиқиб кетди...

— Келинни опкир маникгаям,— Клава хола сидқидилан тайинлади.— Мундоқ кириш-чиқиш қилийлик, болам, кўздай қўшнимиз...

— Раҳмат, хола,— дедим меҳрим ийиб.— Ўзингиз чиқинг, бизникига!

— Насиб этса чиқаман, болам...— Клава хола Қурбоний холага юзланиб тағин ўз дардларидан ҳасратлаша кетишди...

Ўша кўни кечқурун

Уйимизга Ёвуз Рух келди. Юракни сиқадиған оқшом эди. Пешиндан кейин осмонни мағзавадек кир булутлар қоплади. Қуёш ботганми-йўқми, билиб бўлмайди. Дилтанг қоронғилик чўқди. Ташқарида куз шамоли инграйди. Дераза рўпарасидаги бактераклар шоҳи айқаш-уйқаш бўлиб, бандидан узилган ҳазонлар кўршапалакдек жонсарак парвоз қилади.

Шаҳноза тушдан кейин «аямлардан хабар олиб келай», деб уйга кетганча ҳамон дараги йўқ, кўнглим алағда эди. Эшик жиринглади. Йўқ, бу Шаҳноза эмас. Шаҳнозада калит бор, очиб кираверади. Ҳайрон бўлиб, эшикни очсам, остонада Ёвуз Рух турибди. Бошида қора шляпа. Эгнида узун қора плаш. Қўзлари ёниб турибди.

— Икки оғиз гап бер!— деди-да, рухсат сўраб ўтирмай, ичкари кирди.

Беихтиёр ортга чекиниб, йўл бўшатдим.

Ёвуз Рух йўлакка кириб атрофни синчков кузата бошлади. Худди бу хонадонда аллақандай шубҳали шахслар яшириниб ётгандек... Ўзимга-нашъа қилди. «Нега киргаздим уйимга!»

— Хизмат?— дедим ғашим келганини яширмай.

— Гап бор!— У шляпасини ечаётган эди, билагидан тутдим.

— Ечинишингиз шартмас.

— Чироқни ёқ!— деди у фўлдираб.

Асабийлашдим.

— Қоронғидан кўрқасизми?

— Мен ҳеч нимадан қўрқмайман. Ёқ чироғингни!

Унинг захил юзи ним қоронғида яна ҳам оқариб кетгандек бўлди.

Нега буйруқ қилади бу менга? Нега сенсирайди? Мен унинг ўғли бўлмасам, невараси бўлмасам! Хаёлимга ғалати савол келди. «Қизиқ, шунинг ҳам болалари бормикин?»

— Менга қаранг!— дедим таҳдидига таҳдид билан.— Гапингиз бўлса айтинг-да, чиқиб кетинг.

Бу арвоҳни Шаҳноза кўришини хоҳламасдим.

— Ҳэх!— Евуз Рух калтакесакдек томоқ қоқди.— Кечаги қилиғинг билан бир эмас, тўртта, статьяни сотиб олганингни биласанми?— У ипдек бармоқларини букиб, санай кетди.— Бировнинг уйига бостириб кирдинг — бир! Уриб, майиб қилдинг — икки! Миллатчилик қилдинг — уч... Исполкомдаги мажлисда ҳам миллатчиликка оид гаплар айтган эдинг...

Бир қўлим билан эшикни очиб, иккинчиси билан елкасидан тутдим.

— Чиқинг!

Евуз Рухнинг боши соат капгиридек ликиллаб кетди.

— Жўнанг!— дедим таҳдид билан. Тағин бир дақиқа, атиги бир дақиқа ўтса, ўзимни идрок этолмай қолишимни сезиб турардим.

— Кўрамиз!— У зина майдончасига чиқди-да, қоронғида кўзлари ёниб, гумбурлади.— Отангни ёнига бадарға қилмасам... Унсур!

Октябрнинг йигирма бешинчи куни

Кундуз кунлари метрода одам сийрак бўлади. Дарсдан қайтаётгандик. Шаҳноза ўртароқдаги ўриндиқда ўтирар, мен ёнида тик турган эдим. Метроми, автобусми, бўш жой бўлса ҳам ўтирмасликка одатланганман. Барибир, кейинги бекатда аёл кишими, қари-қартангми чиқади-да, жой беришга мажбур бўласан.

Комсомол бекатида беш-ун одам чиқди. Ичиб олган шекилли баркашдек башараси қизариб кетган йигит илжайиб келиб, Шаҳнозанинг ёнига ўтирди. Сурбетларча қараб-қараб қўйди-да, гапга солди.

— Соатингиз неччи бўлди, яхши қиз?

Шаҳноза энсаси қотиб юзини ўгирган эди, йигит шаппа билагидан ушлади.

— Айтақолинг, жонидан!

Ёқасидан олиб бир силтагандим, японча куртқасининг занжири тириллаб узилди.

— Қўйворр!— деди типирчилаб.

Кейин нима бўлгани эсимда йўқ. Шуниси ёдимдаки, навбатдаги бекатда поезд тўхташи билан итқитиб юбордим. У вагонга ёпирилиб кираётган одамларга туртинганча гандираклаб бориб, мармар скамейкага урилди, ўнбалоқ ошиб кетди...

Ташқари чиқсак, ёмғир шивалаётган экан... Совуқ ва зериктиргувчи куз ёмғирининг дебочаси. Ўзимни қўлга олишга ҳарчанд уринмай, ҳамон титроғим босилмас, ғазабдан тишларим ғижирлаётганини сезиб турардим.

— Ёмғирпўш олмаган экансан-да,— дедим, ўзимниям, Шаҳнозани ҳам юпатиш учун. Шаҳноза юзини ўгирди. Ранги ўчиб кетган, лаблари пирпираб турарди.

Уйгача гаплашмай келдик. Эшикдан киришимиз билан туфлисини ечиб улоқтирди.

— Қанақа одамсиз?— деди тўсатдан.— Қанақа одамсиз ўзи? Бугун биттасини ура-сиз! Эртага бошқасини бўғасиз! Кунига бир карра юрагимни ёрмасангиз, кўнглингниз жойига тушмайди!— У йиғлаб юборди.— Башарангизга қаранг! Бандитнинг ўзисиз! Миям зирқираб кетди.

— Ҳа!— дедим бақириб.— Бандитман! Каллакесарман! Чидасанг — шу!

Шаҳноза юзимга ярқ этиб қаради.

— Муштлашишдан бошқа нарсаниям биласизми!— деди кўзлари ғазабдан ёниб. Юрагимда бир нима узилиб кетгандек бўлди.

— Балки билагингдан ушлагани хуш ёққандир?— дедим ўкириб.

— Ҳа!— Шаҳноза алам билан ер тепинди.— Ёқди! Билдингизми, ёқди!— деди чинқириб. Узининг гапидан ўзи қўрқиб кетгандек, бирдан жимиб қолди. Кафти билан оғзини тўсиб, юзимга термулиб турди-да, хўнграб юборди.

— Рустам ака!— деди бўйнимга осилиб.— Кечиринг, жон Рустам ака...— Сўнги сўзларни йиғидан бўғилиб, пичирлаб айтди.— Қийналиб кетдим. Қийналиб кетди-им!

Уша кеча

Тошойна тоқчасида тунчиरोқ милтираб турибди. Гоҳ ўчади, гоҳ ёнади... Шаҳноза аллақайси «Совғалар магазини»дан топиб келган тунчироқ... Жимжилоқнинг учидек келадиган, шамга ўхшаган митти чироқча гоҳ ёнади, гоҳ ўчади. Муттасил қизил нур таратади... Қизил нур!

Биламан, Шаҳноза уйғоқ... Шунчаки, ўзини ухлаганга солиб ётибди... Хали тўғри айтди: муштлашишдан бошқа нияям келарди қўлимдан! Рост айтди. Тағинам инсофли экан. Бошқа қиз бўлса...

— Шаҳноз,— дедим босиқлик билан.— Сениям қийнаб юбордим. Раҳмат, шунча чидадинг...

У жавоб бермади. Аммо бир лаҳза нафас олишдан тўхтагандек бўлди.

Қароримни иложи борица осойишта тушунтиришим керак: секин, жанжал-суронсиз...

— Бундай қиламиз, Шаҳноз,— дедим осойишта ва қатъий оҳангда.— Мен кетаман. Эртага...

Шаҳноза қаддини ростлади. Яланғоч тиззаларини қучоқлаганча юзимга ҳам таажуб, ҳам хавотир билан тикилди.

— Қўлимда яхшими-ёмонми, хунарим бор. Шопир ҳамма ерда керак,— дедим кўзига қарамай.— Қўрқма! Узоққа кетаман. Сени безовта қилмайман...

Шаҳноза юзимга яна бирпас термулиб турди-да, тўсатдан устимга ўзини отди.

— Рустам ака!— деди инграб. Ўпкасини тутолмай энтикиб-энтикиб йиғлаб юборди.— Улиб қоламан, Рустам ака! Сизсиз ўлиб қоламан!— Юз-кўзимдан ўпа бошлади. Елкамга, бўйнимга қайноқ кўз ёшлари томар, нуқул битта гапни такрорлар эди.— Улиб қоламан! Улиб қоламан!— Бутун вужуди қалтираб нола қилди.— Керакмас! Керакмас менга «ўша нарса», Рустам ака! Менга... ўзингиз кераксиз! Эшитяпсизми, ўзингиз...
... Шу кеча... шу кеча Шаҳноза менга... «ёрдам беришга» уринди... Шўрлик Шаҳноз!

КЕРАКЛИ ДАЛИЛ — КЕРАКЛИ ПАЙТДА АЙТИЛАДИ

Комиссар карахт бўлиб уйғонди. Уйғонди, эмас, ухладими-йўқми, ўзи билмасди. Туни билан алоқ-чалок тушлар кўриб чиқди. Фенобарбитал ичганидан кейин қулоғи шанғиллаб, кўз ўнгида қумдек майда, ялтироқ заррачалар кўрина бошлади. Боши ғувиллаб, энди кўзи илинган эди, қараса, ёнида Назира ётибди. Секин қўлидан ушлади. «Қўйвор!— деди Назира сансираб.— Қўйвор, беномус!» Ие, Назира эмас, Фотима-ку!— «Қўйвор!»— деди Фотима ғазабдан афти қийшайиб... Комиссар юраги гурсиллаб уйғонди. Анчагача қоронғи шифтга қараб ётди. Бора-бора тағин боши ғувиллай бошлади. Шунда... дедор орасидан қандайдир шарпа сирғалиб чиқди. Бир қараса, Хусанхўжага ўхшайди, бир қараса, Тўлаганга. Нуқул иршайиб, унсиз кулади...

Бўлмади... Комиссар ўрнидан туриб, валидол шимиди. Бирпас иккиланиб турди-да, ваннахонага кириб, илиқ душ олди. Адёлга ўраниб ётган жойида «Спидола» қулоғини буради. Алланечук хузурбахш куй вужудини ёқимли сийпалаб ўтди. Анчагача эшитиб ётди. Охири куй тугаб, диктор бир нималарни гапира бошлади. Комиссар «Исломобод» деган сўзни тушунди холос. Бундан чиқди, Покистон экан... Мэлс ёдига тушиб, дарров радио қулоғини бошқа тўлқинга олди. «Америка овози» СССРда бўлаётган демократик жараёнларни гапирар эди.

Комиссар жаҳл билан радиони ўчирди. Яна узоқ ётди. Ниҳоят, деразада тонг бўзара бошлади. У шошилмасдан кийинди. Плашини, шляпасини... Сут бидонини олиб, пастга тушди. Қиш ҳали тугамаган, аммо кўклам нафаси сезилиб турарди. Қорлар эриб битган, бақатераклар шохида бўртишга мойил куртаклар кўз очсамми-йўқми, деб иккиланиб тургандек, шабадада оҳиста силкинарди.

Орқа томондан кимдир ҳансираб нафас олгани эшитилди. Эгнига «олимпийка» бошига чанғичилар телпагини кийган икки киши югуриб ўтиб кетди. Ота-бола Оллобергановлар!

«Югура-югур!»— деб ўйлади Комиссар энсаси қотиб.— Умрингни узайтирмоқчимисан? Хэх! Кўчани кесиб ўтаётганингда пақ этиб, машина уриб кетса — тамом! Қарабсан-ки, эшигинг олдига қўшалок тобут турибди! Икки қаватли участканг хотиринга қолади. Дарвоқе, икки қаватли кошонани қандоқ кўрдийкин, бу? Хўп, профессорсан, Хўп, ана ойлигинг саккиз юздир. Саккиз юз сўм маош билан юз эллик минглик қаср солиб бўладими? Порахўр! Ҳаммаси порахўр! Тағин булар ёшларга адолатдан ваъз ўқийди. Маузерни йўлдан урганлар ҳам шунақа домлалар! Ешсан, профессор, ёшсан! Ақалли ўн беш ёш қаттароқ бўлганингдами! Эллигинчи йилларда бир марта сўроқ берсанг, сичқоннинг иини минг тангага сотиб олган бўлардинг.

Ун йил олдин рўй берган ҳангома Комиссарнинг ёдига тушди. Фирт комедия! Йўк, ўн йилмас, аввалроқ бўлган экан. Унда Назира тирик эди.

Марказдаги уйда қўшни турадиган Совмин ходими илтимос қилди.

— Эрталаб ош бор, Соат Ғаниевич. Дорилфунунда ишлайдиган домлам невара тўйи қияпти.

Комиссар хушламайроқ турганини кўриб тушунтирди.

— Биламан, сиз ошга боришни ёқтирмайсиз. Шунақа-ку, одамларга қўшилсангиз ёмон бўлмайди.

Тахминан шундай фасл эди. Февралнинг охирлари. Қорлар эриб, қиш чекина бошлаган, аммо ҳали кўклам келмаган...

Қўшни хизмат машинасини қақриб қўйган экан, тонг отмасдан йўлга тушдилар.

— Домла Саидийни олиб кетсак,— деди қўшни.— Шундоқ, йўл устида.

Қўшнининг айтишига қараганда, домла Саидий дегани — шоир экан. Тўй қилаётган олим билан эски қадрдон эмиш.

Комиссар менга барибир, дегандек қўл силтади. Нима фарқи бор шоирми, ёзувчи? У шоир-поирларни танимас, адабий китоб ўқишга ҳам тоқати йўқ эди.

Машина тор кўчага кирди. Аллақандай дарвоза олдида тўхтадилар. Совмин ходими кўнғироқни босди. Ичкаридан ҳадеганда овоз келавермагач, дарвозани тақиллата бошлади. Комиссар тоқати тоқ бўлиб, машинадан тушди. Уйғотишнинг оддий усулини ҳам билмайди, бу галварс! Деразани муштлаш керак! Мана бундай! Ҳа, ба-ракалла! Дарров чироқ ёнди.

Дарвоза ортида шўлтиллаган қадам товуши эшитилди.

— Ким?— деди эркак киши хавотирланиб.

Комиссар кўнглида ғурур ҳиссини туйди. Сенга ҳисоб бериб ўтириш қолувди энди!

— Очинг!— деди дағдаға аралаш.

Калит шикирлади. Дарвоза остонасида елкасига тўн ташлаган, оппоқ сочли бошига яп-янги дўппи кийган ихчам гавдали одам пайдо бўлди. Тўсатдан бир қалқидию чалқанчасига ерга қулади. Дўпписи бир томонга, калиши иккинчи томонга учиб, оёғи тарвақайлаб қолди.

— Домла!— Совмин ходимининг капалаги учиб, шоирнинг бошига эгилди.—Сизга нима бўлди, домла? Кўзингизни очинг!

Бунақа пайтда гарданини ишқалаш керак. Шундай қилишди. Шоир кўзини очди.

— Нима га-ап? — деди инқиллаб. — Тинчликми?

— Тинчлик, домлажон, сизни ошга айтиб келдик. — Совмин ходими меҳрибонлик билан шоирни қўлтиғидан кўтарди. Шоирнинг шими хўл, тиззалари лой эди.

Ховли бир зумда югур-югур бўлиб кетди. Эрқагу аёл, бола-бақра аралаш-қуралаш ёпирилиб келди. Уғил-келинлари, невара-чеваралари шоирни авайлаб уйга етаклашди.

— Дадажон, нима бўлди?

— Бобожон, нима қилди?

Жўжага ўхшамай ўл, ҳамманг! Нима бўларди? Отанг қўрққанидан сийиб юборди. Тамом — вассалом!

Совмин ходими ҳам ичкари кириб кетганча зим-зиё бўлди. Анча кутишди. Комиссар машинада ўтиравериб, зерикиб кетди. Нима зарил эди, шу лаънати ошга бориб? Наҳорлаб мечкай қоринга ош ейишдан бошқасини билмайди булар!

Ниҳоят, Совмин ходими домла Саидийни суягудек бўлиб олиб чиқди.

— Олдинга ўтирақолинг, домлажон! — деди меҳрибонлик билан.

Комиссар орқа ўриндиққа ўтаётганда кўшниси ўзига нафрат билан қараб қўйганини сезди... Тўйхонага етгунча бир оғиз гаплашмадилар. Шоир ортига бурилиб қарамас, ўхтин-ўхтин хўрсиниб қўяр эди.

Ош тугамаган экан. Дастурхонда турп бўлаклари, гуруч қолдиқлари сочилиб ётган иссиқ уйга олиб киришди. Буни қарангки, Совмин ходими билан шопирга бир лаган, шоир билан Комиссарга бир лаган ош келди. Шоир ошга қўл ҳам урмади. Емасанг, заҳарингга! Комиссар таъби тортганча еди.

— Ошдан олмадингиз-ку, домла! — деди чой хўплаб.

Бир нуқтага тикилиб ўтирган шоир сесканиб ўзига келди. Кўзи чақчайди. Паст овозда дона-дона қилиб таъкидлади.

— Сен билан ош ейманми? Сен билан-а?

Хонада ўтирган ўн чоғли одам ярқ этиб, шу томонга қаради.

Қайтишда машинага яна ўша тартибда жойлашдилар: олдинда шоир, орқада Совмин ходими билан Комиссар. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Совмин ходими шоирни дарвозагача суяб олиб борди. Комиссар унинг охири гапини эшитди.

— Мени кечиринг, домла... Билмабман... Билсам...

Комиссарнинг хаёлидан истеҳзоли ўй кечди. «Хэх! Билганда нима қилардинг?» Совмин ходими қайтиб келиб, олдинги ўриндиққа ўтирди.

— Ишхонага!— деди қатъий оҳангда.

Комиссар мийиғида кулиб қўйди. «Демак, мени дуч келган метро бекатига ташлаб кетасан! Гапир, Совмин! Нега индамайсан!— деди хаёлан хитоб қилиб.— Хэх! Албатта индамайсан-да! Яхшилаб титкилаб кўрилса, ўзингнинг биографиянгда ҳам ҳоҳлаганча иллат топилади!»

... Сут дўқонида очирид кўп экан. Узоқ туриб қолди. Қайтаётганида кун ёришиб кетган эди. Эгнига пахталик кийган Қурбоной йўлка супуряпти. Дўқонга нон тушяпти... Ота-бола Оллобергановлар тагин югургилаб ёнидан ўтиб кетишди.

Қани чопавер-чи, қаёққача бораркансан. Эрта-индин ўғлингга передача ташийсан. Тоштурмага. Уғлинг анави Шоматовнинг ўлиги устида айтган гап эсингдан чиқдими? Тергов практикасининг ўз қонунлари бор. Энг залварли далил энг охирида айтилади. Унгламас зарба бериш учун...

Анави сўтак терговчига айтиб қўйиш керак. Шоматовни мана шунинг ўғли ўлдирган!

ҲАМКАСБЛАР СУҲБАТИДАН

— Хўш, коллега, келин нима дейди?

- Шоматова касал эди. Стенокардия бўлиб, шифохонада бир ярим ой ётди. Чиққанига уч кун бўлди.
- Шунинг ўзи энг катта аргумент! Сўроқ берувчи ўзини касалга солдим, демак айби — бўйнида.
- Сизга қолса, ҳамма жиноятчи!
- Сенга қолса, ҳамма оппоқ! Яхшиси, бу соҳани ташлагин-да, боғчага бориб, кўғирчоқ ўйна!
- Ташласам — ташлайвераман, ўртоқ Комиссар!
- Қочмоқчиман, дегин? Овора бўласан! Давлат сени шунча йил бекорга ўқитдимми?
- Уртоқ Комиссар! Ростини айтсам, жонга тегдингиз...
- Хэ! Аввал мана бу ишни охирига етказгин-да, кейин катта кўча! У қулоқ-бу қулоғинг билан эшитиб қўй! Сенга охириги фактни айтяпман. Улиб ётган Шоматовнинг бошида тўпланганлар орасида биттаси бор эди. Биласанми, нима деди? «Шунақа бўлишини билардим», деб айтди. Ўз оғзи билан!
- Аспират Оллобергановни айтмоқчимисиз? Рўйхатимизда турибди.
- Оператив ишлашни билар экансанлар-ку! Хэ! Бу ёгини эшит! — Байрам куни, яъниким Шоматов ўлдирилишидан бир кун олдин кечки пайт гастрономда конфет сотишди. Очиридда турган эдим. Кўчада шовқин-сурон бўлиб қолди. Чиқсам, йўл четида қора «Волга» турибди. Аनावи ойимча бўлса, иккитасининг итдек ириллашини томоша қилиб турибди. Шоматов «Волга» шопири билан ёқа бўғишяпти.
- Ким экан ўша шопир?
- Шопир эмас, «Волга»нинг эгаси! Оллоберганов Санжар! Профессор Оллобергановнинг ўғли! Улик тепасига биринчи бўлиб югургилаб келганлар ҳам шулар эди. Шоматовнинг қотили ўша йигит бўлади!
- Айби исботламагунча ҳеч кимни қотил даёлмайман, Комиссар!
- Билганингни қил! Устингдан генералга рапорт ёзаман! Сендақа ландовурларни ҳайдаш керак, органдан!
- Илтимос, чиқинг бу ердан!

Сўроқ ҳужжатидан

Оллоберганов Санжар. Йигирма олти ёшда. Олийгоҳ аспиранти. Миллати — ўзбек. Ота-онаси билан Бахт кўчасидаги хусусий уйда истиқомат қилади. Уйланмаган. Аввал судланмаган. Комсомол аъзоси.

- Шоматовни танирмидингиз?
- Қайси Шоматов?
- Шоматов Рустам, сиз аспирант бўлган олийгоҳда ўқиган. Биринчи курсни битириб, ҳарбий хизматга кетган. Афғонистонда бўлган.
- Э, бўлди, анави йигитми?
- Қайси маънода «анави йигит?»
- Байрамнинг эртаси куни ҳалок бўлган...
- Худди ўша! Танирмидингиз?
- Умуман, танирдим. Уқиш бошланмасидан олдин уй олишим керак, справка беринг, деб борди. Ёзиб бердим.
- Нега справкани сиздан сўрайди?
- Менга жамоатчилик вазифаси сифатида куллийет месткомлигини юклаб қўйишган.
- Тушунарли. Шоматов билан ораларингда гап қочмаганмиди?
- Менинг Шоматовга нима хусуматим бўлиши мумкин?
- Шоматова Шаҳнозани танийсизми?
- Нима десам экан...
- Борини айтаверинг.
- Умуман... танийман. Қўшни бўлгандан кейин...
- Ушанда Шоматов оиласи Чилонзорга кўчиб келганига икки ой ҳам бўлмаган эди. Бировнинг хотини билан танишиб олиш учун анчайин қисқа муддат эмасми бу?
- Нега энди? Шаҳноза ўзимизда ўқийди... Танийман-да!
- Қанча одам ўқийди ўша даргоҳда?
- Факультетдами? Аниқ билмайман-ку... беш юздан ортиқ,
- Беш юздан ортиқ талаба орасида нега айнан Шоматова Шаҳнозани танийсиз?
- ...
- Қулоғим сизда.
- Гап шундаки, Шаҳноза — Дилянинг дугонаси. Иккаласи курсдош.
- Ким, у Диля?
- Дилфуза... Илтимос қиламан, ўртоқ терговчи, бу ишга Диляни аралаштирманг! Яқинда тўйимиз бўлиши керак. Ваъда берасизми?
- Уйлаб кўрамиз... Шоматова сиз айтаётган Диля билан дугона эканини ким исботлайди?

— Марҳамат, Шаҳнозанинг ўзидан сўранг! Дилфуза Шаҳнозанинг тўйида қатнашган. Иккаласи сирдош ўртоқ...

— Яхши, гражданин Оллоберганов! Фақат... Баъзи деталларга аниқлик кириштишга тўғри келади. Шоматов ҳалок бўлган куни, эрталаб сиз ўша атрофда югуриб юрганингизни кўрган одамлар бор.

— Тўғри! Ҳар куни ўша ерда югураман!

— Уша куни айнан Шоматовнинг подъезди рўпарасида нима қилаётгандингиз?

— Менми?

— Сиз!

Эсимда йўқ.

— Эслаб кўринг! Бақатерак панасида турган одам сиз эдингиз.

— Э-ҳа, бўлди! Ноқулай бўлса ҳам айтаверайми?

— Бемалол!

— Қистаб қолди. Туман эди... Дарахт панасига ўтиб...

— Нима учун Шоматовнинг ўлиги тепасига келиб, «Шунақа бўлишини билардим!» дедингиз?

— Ким? Менми?

— Сиз!

— ...

— Гапиринг!

— Уртоқ терговчи! Бордию мен Шоматовнинг жонига қасд қилган бўлсам, шунақа гапни айтардимми?

— Айтгансиз-ку!

— Қайси аҳмоқ бировни ўлдирди-да, тепасига келиб, ҳаммага эшиттириб, «ажаб бўпти» дейди? Қани мантиқ!

— Қайси аҳмоқ худди шунақа, мантиққа сиғмайдиган мантиқдан фойдаланмайди?

— Сиз мени... мени...

— Ҳаяжонланманг, гражданин Оллоберганов!

— Чақиринг, Шаҳнозани! Ҳозир чақиринг! Мен нима ёмонлик қипман уларга!

— Ҳарқалай «шунақа бўлишини билардим», деганда нимани назарда тутгандингиз?

— Рустамнинг ўзи жанжални пулга сотиб оладиган йигит эди. Йўқ ердан бағиз топарди. Шу феъли учун институтдан ҳайдалишига оз қолган. Биринчи курсда... Уй масаласида анави справкани олгунча ҳам жонимдан тўйдирди. Қўйиб берсам, сўйиб ташлайдиган важоҳати бор эди....

— Еттинчи ноябрь, байрам куни кечқурун соат олтилар атрофида қаерда эдингиз?

— Нима?

— Эслаб кўринг, гражданин Оллоберганов. Шоматов билан нега ёқалашдингиз?

— Бўлди! Эсладим! Мен у билан эмас, у мен билан ёқалашди!

Шаҳнозани кўлида оғир юки бор экан. Уйига элтиб қўйганим учун гуноҳкор бўлдимми?..

МУҲАББАТНИНГ САРОЙИ КЕНГ...

Санжар ташқари чиқдию юзига муздек ҳаво урилиб, нафаси қайтиб кетгандек бўлди. Кўклам нафаси сезилиб қолган бўлса ҳам ҳавода қиш заҳри ҳамон сақланиб турар, офтобрўяда кўёш тафти баданни илитгандек бўлар, аммо салқин жойда бир зум турсангиз, этингиз жунжикар эди. Санжар кўнгли ғаш тортиб уйга пиёда кетди. Атрофдаги одамларга парво қилмас, машиналар шовқини қулоғига кирмас эди. Қуруқ тўхматга қолади, шекилли! Ҳа, айтди! Уша куни ертўла зинасида чўзилиб ётган Рустамни кўриб «Шунақа бўлишини билардим!» деди. Улганини қаёқдан билибди? Биров билан уришган бўлса, таъзирини бериб қўйишгандир, деб ўйлагандида!

Қизиқ, Шаҳноза нимасини ёқтирган бу боланинг! Улгудек кўрс бўлса, текканга тегиб, тегмаганга кесак отса... Шундоқ чиройли, шундоқ ақлли қиз... Муҳаббатнинг саройи кенг, деб шуни айтса керак-да!

Уша куни Диля билан концертга тушмоқчи эдилар. Санжар Фарҳод бозоридан гул харид қилди. Машинасини жилдириб, бозор дарвозасидан чиқаётса, Шаҳноза турибди. Қўлида каттакон хўжалик сумкаси... Санжар машинани тўхтатди. Шаҳноза иккиланиб-роқ орқа ўриндиққа ўтирди. Сумкаси қўполлигидан хижолат чекиб, оёқ остига қўяётган эди, Санжар, машинадан тушиб, юкхонани очди. Сумка оғир эди: турп, картошка, олма, сабзи, бало-баттарлар...

Санжарнинг ғашни келди. Гулдек хотинига сумка кўтартириб қўйгандан кўра бозор-ўчарни ўзи қилса ўладими, анави хўкизи! Хирсдек кучи бор.

Моторга калит солаётиб рўпарадаги ойначада Шаҳнозага разм солди. Қизнинг ранги синиққан, хомуш кўринарди.

— Бозорни хўжайин қилмайдими? — деди Санжар ярим ҳазил оҳангида.

— Қиладилар... — Шаҳноза синиқ жилмайди. — Қишлоқдан ойим келгандилар. Рустам акам кузатгани автостанцияга кетдилар...

Дия яхши юрибдими?

Санжар самимий кулди.

— Уртоғингизни минг йил кўрмагандек гапирасиз...

— Шунақа-ку...— Шаҳноза тағин маъюс кулимсиради.— Диянинг кайфияти кўп жиҳатдан сизга ҳам боғлиқ-да...

— Ташвишланманг,— деди Санжар.— Уртоғингизнинг кайфияти зўр. Бугун концертга тушамиз.

Машинани симёғочларга байроқчалар илинган, уйлар пештоқига «Яшасин Улуғ Октябрь!» деган қизил алвонлар осиб қўйилган кўчадан ҳайдаб кетди.

— Салом айтинг,— деди Шаҳноза.— Байрам билан табриклаб қўйинг...

Санжар «Волга»ни физиллатиб бораркан, эсига тушган гапни айтди.

— Дия айтди. Шу томонларга кўчиб келибсизларми?

— Шунақа...— Шаҳноза қаёққа юриш кераклигини тушунтирди.

Деярли қўшни туришаркан. Катта кўчанинг бу бети — маҳалла, у бети Шаҳнозаларнинг доми...

— Кўшни эканмиз-ку!— Санжар астойдил ажабланди.— Нега ҳеч кўрмайман сизни?

— Мен сизни кўриб тураман!— деди Шаҳноза машинадан тушаётди.

— Қаерда?

— Шу ерда!— Шаҳнозанинг кўзлари боядан бери илк бора шўх порлади.— Ҳар куни эрталаб югуриб юрасиз. Шеригингиз билан.

— Шеригим эмас, дадам,— деди Санжар кулиб.— Рустамга айтинг: хоҳласа у ҳам югурсин.

Юкхонани очиб, сумкани туширди. Орқа ойна тагида ётган гулдастадан учта чиннигул олиб Шаҳнозага узатди.

— Байрамингиз муборак бўлсин. Бахтли бўлинг...

Худди шунинг устига анави аҳмоқ келиб қолса бўладими? Пойлаб турган эканми, нима бало... Машинанинг орқа ойнасини чил-чил қилди. Санжар олишиб ўтириш бефойдалигини билиб, машинага ўтираркан, Шаҳнозанинг ранги қув ўчиб кетганини, кўзида жиққа ёш билан эрининг билагига осилганини кўрди.

* * *

Аслида Санжарнинг Дия билан танишишига Рустам сабаб бўлган. Сабаб эмас-ку, баҳонамикин...

У пайтда пахта кампанияси сиёсий масала ҳисобланар эди. Ушанда Санжар бешинчи курсда ўқир, айни пайтда куллийёт комсомол ташкилотининг котиби эди. Штабда ҳар кеча мажлис, ҳар кеча ҳисобот...

Шундай кунлардан бирида ЧП рўй берди. Биринчи курс талабаларидан биттаси безорилик қилибди. Баракка нон олиб борган тракторчига ҳозироқ совхоз марказига бориб, дўхтир топиб келасан, деб дағдаға қилибди. Тракторчи кўнмаган экан, ёқасидан судраб ерга туширибди-да, тракторни ўзи ҳайдаб кетибди. Кеч кириб, поликлиника ёпилган экан. Ярим кечаси дўхтирнинг уйига бостириб борибди. Хотин кишини тракторга ўтқазиб, баракка оборибди. Бир қиз шамоллаб қолган экан... Энг ёмони, эртасига бутун курс далага чиқшдан бош тортибди.

Калтакнинг йўғони Санжарнинг бошида синди. «Комсомол вожаклигини эпполма-япсиз», дейишди. «Студентларни эркалатиб юборгансиз», дейишди.

Кечаси олмадек лампочка хира ёритиб турган, сичқон ҳиди билан тўлган баракда умумий комсомол йиғилиши бўлди. Биринчи курслар энг чеккада, қамишзорга туташиб кетган участкада эди. (Одат шу, биринчи курсларни «Камчатка»га юборишади.)

Тўполон ташкилотчиси — Рустам деган йигит экан. Баскетболчиларга ўхшаган баланд бўйли, гавдали...

Санжар ёш раҳбарларга хос вазминлик билан пахта халқимизнинг бойлиги эканини тушунтирди. Павел Корчагинлар бундан ҳам қийин шароитда темир йўл курганини эслатди.

Кекса декан ярим кечада хотин кишини совуқда дийдиратиб тракторда олиб келиш яхши иш бўлмаганини, совхоз раҳбарияти ректоратдан ўша болани ўқишдан ҳайдашни талаб қилаётганини айтди.

— Врач бўлганидан кейин бурчини бажарсин!— деди Рустам пинагини бузмай. Санжарнинг жаҳли чиқди.

— Узинг-чи!— деди бақариб.— Узинг нега бурчингни адо этмайсан? Нега пахта термайсан? Болаларни йўлдан уриб, нега саботаж қиласан?

Санжар Рустамнинг узр сўрашини кутган эди. Ҳалати иш қилди, ярамас! Қат тагида кўл суқиб, лойга беланган иккита этак олди. Биттасини ўзининг белига боғлади. Иккичисини Санжарга узатди.

— Тақинг!— деди лаби истеҳзоли қийшайиб.— Юринг, далага чиқамиз. Иккаламиз бир бўлиб, эрталабгача ярим этак подбор терсак, бетимга туф денг! Қани ўша пахта? Қор босиб ётибди-ку!

... Ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди. Қирқтаси баравар гапирса ёмон бўларкан.

Сочи қирқилган, совуқдан лаблари ёрилиб кетган, аммо ниҳоятда кўхлик эканлиги кўриниб турган қиз айниқса кўп гапирди.

— Домла!— деди деканга қараб.— Боядан бери пахтани гапирасизлар. Нима гап ўзи, деб сўрадингларми! Касал бўлган ким, деддингларми? — У тўсатдан йиғлаб юборди.— Кеча Шаҳнозанинг олдига бориб келдик. Иситмаси қирқдан тушмаяпти. Сизнинг ҳам қизингиз бордир ахир!

Еш тўла кўзлари билан Санжарга чақчайди.

— Корчагинингиз йўқ пахтани термагандир! Чақириб, келинг, кўрсин аҳволимизни!

Қиз қорайиб кетган қўлини силкита-силкита, алам билан гапирар, Санжар хафа бўлмас, аксинча қизалоқнинг гаплари ёқар эди унга... Бу — Диля эди...

ТЕРГОВ ҲУЖЖАТИДАН

— Шундай қилиб, гражданка Шоматова, сиз еттинчи ноябрдан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси эрингиз билан бир уйда бўлганингизни тасдиқлайсиз. Шунақами?

— Ҳа.

— Демак, сиз саккизинчи ноябрь куни эрталаб, эрингиз Шоматов Рустам ухлаб ётганида сутга чиққансиз?

— Ҳа.

— Навбат кутгансиз. Сут етмаган.

— Ҳа.

— Айтинг-чи, эрталаб чиқиб кетаётганингизда ташқари эшикни қулфлаганми-дингиз?

— Аввал ҳам айтувдим-ку, эшик ёпилса ўзи қулфланиб қолади, деб.

— Айтгансиз. Айнан ўша куни эшик қулфланиб қолганмиди-йўқми?

— Билмайман, эсимда йўқ.

— Демак, сиз сутга бордингиз. Навбат кутдингиз. Сут етмади. Қайтиб келдингиз. Соат неча эди?

— Эсимда йўқ.

— Эслаб кўринг.

— Билмайман. Тонг ёришган эди. Келсам, Рустам акамни олиб кетишган экан.

— Мушук-сичқон ўйинини бас қилинг, Шоматова! Мана, экспертиза хулосаси. Узингиз ўқийсизми, ё ўқиб берайми? «Улим ҳодисаси тунги соат ўн икки билан икки ўртасида рўй берган. Суд медицина текширувида шу нарса аниқландики, юрак фаолияти...» Йиғлашнинг ҳожати йўқ! Агар сиз ўша кеча эрингизнинг ёнида бўлганингизда, уйда чинни идишлар, дераза ойнаси синганини эшитмаслигингиз мумкин эмас эди! Столга ёзилган дастурхонга оққан қонни кўрадингиз... Эрталаб сутга чиққанингиз ёлғон! Уша куни сут дўконига бормагансиз! Умуман, сут олиб келинмаган! Бинобарин, ўша кеча уйда бўлмагансиз.

— Рустам акам... Рустам акам ҳар куни тушимга кирадилар. Нима қилай? Нима қила-а-ай?! Жонимдан тўйиб кетдим!

— Йиғлашдан фойда йўқ. Уша кеча қаерда тунадингиз?

— Уйимда! Аямнинг ёнида... Эрталаб... эрталаб... адам билан аям насиҳат қилишди. «Ошсиз уй бор, уришсиз уй йўқ, арзимаган нарсани баҳона қилиб, аразлаб келишга ўрганма», дейишди. Узим ҳам кечаси билан ухлолмай тўлғаниб чиқдим. Бир маҳал...

— Йиғламанг... Марҳамат... Сув ичинг...

— Бир маҳал кўзим илинган экан... Билмайман, тушимми, ўнгимми...

— Йиғламанг, Шоматова...

— Дарё эмиш... Йўқ, дарёмас, анҳормиш. Гагарин боғидаги анҳор... Узимизнинг скамейкада, ўзимизнинг наъматак тагида ўтирган эмишман. Қарасам, сувнинг у бетида Рустам акам турибдилар. Қулиб турибдилар. Кел, деб имлармишлар. «Сузишни билмайман-ку!» десам, кийимларини ечмай, анҳорга калла ташлабдилар... Мундай қарасам... Қарасам...

— Узингизни босинг...

— Қарасам, анҳорда сув эмас, сув эмас... қон оқаётганмиш... Рустам акам қон ичида оқиб кетибдилар... Рустам акам... Қон ичида... Биласизми, қип-қизил қон ичида... Ишонсангиз... Уйга қандоқ етдиб келганимни билмайман. Қарасам, уй тўла одам. Милициялар... Қора кийимлилар...

— Сизга ишонгим келади, синглим... Ишонгим келади-ю... Нега бу гапларни бошида айтмадингиз?

— Қўрқдим... Нима қилай, қўрқиб кетдим!

— Балки бу ёғига очиқ гаплашармиз. Айтинг-чи, бир кун олдин, яъни байрам куни эр-хотин жанжаллашганмидинглар?

— Ҳа...

— Нима масалада?

— ...
— Ростини айтинг! Тушунаман... Эрингизнинг жаҳли тез бўлган. Ҳарқалай контузия таъсири... Лекин тўғриси айтинг! Буниси жуда муҳим, биялпизми, жудаям муҳим... Уртага рашк аралашганмиди?

— ...
— Тушунарли... Эрингиз, 11—24 рақамли «Волга»нинг ойнасини нега синдирди? Такрор айтаман, фақат тўғри гапиришингизни талаб қиламан!

— Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг! Елбораман! У одамни тинч қўйинг! Гуноҳ менда бўлса, қамай қолинг! Унга тегманглар! Яқинда уйланади. Сирдош дугонамга уйланади! Бир йўла икки бегуноҳнинг уволига қолманг...

— Айтинг-чи, синглим... Эрингизнинг жаҳли чиққан пайтларида нормадан чекиниш ҳоллари рўй берардими? Масалан, ўзини идрок этолмай қолиши... Ҳушдан кетиш...

— Рустам акамни тушларимда кўраман. Ҳар куни кўраман... Нега кетдим? Уша кўши нега кетди-и-и-и-и? Нега-а-а?

РУСТАМНИНГ ОХИРГИ КУНДАЛИГИДАН

Еттинчи ноябрдан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси

Менга нима бўлди? Нега ҳаммаёқ қоронғи? Танқда ётибман шекилли... Демак, мина портлаган. Болалар қани? «Хайриддин!» Йўқ... Хайриддин ўлган-ку... Э-ҳа... Бўлди! Коризда ётибман. Ана, ёнбош томондан нур тушаяпти. Амаллаб силжишим керак. Чиқиб олмасам бўлмайди... Биламан, «дух» пойлаб турибди. Қимирладим — отади... Барибир чиқиб кетишим керак. Қизиқ, қаеримдан яраландим экан? Автоматим нега йўқ? ...Аста-секин ҳушимга келдим. Қарасам, уйимда эканман. Ташқари эшик очиқ. Остонада чўзилиб ётибман. Гавдамнинг ярмиси семон майдончада, ярмиси шолча ташланган кавшандозда... Ғира очиқ қолган ичкари эшикдан хира нур тушиб турибди. Амаллаб ўрнимдан турдим. Бошим ғувиллайди. Баданим ўт бўлиб ёниб кетаяпти. Оёқларим — тош боғлангандек оғир.

Дастурхони йиғиштирилмаган стол устида стаканга солинган шам липиллаб турибди. Ярми ёниб бўлибди. Эригдан шам қуйқалари стакан ичига оқиб тушибди. Девор тагида чил-чил бўлиб ётган чойнак бўлақларини, гиламга ёпишиб қолган чой шамасини кўрдиму, бугун рўй берган воқеа эсимга тушди. Вужудим бўм-бўш бўлиб қолди... Бўм-бўш...

Эрталаб ойим келди. Қўлида бир тугун узум: байрам қилиб хабар олгани келибди. Ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Нега онамни кўргани мен бормайман-да, у келиши керак? Қачон одам бўламан! Шаҳноза ош дамлади. Анчагача чаққақлашиб ўтирдик. Дадам «декабрда свидание беради, Рустам албатта келсин», деб ойимга ҳам хат ёзган экан.

Тушдан кейин ойим отланиб қолди. «Бугун қола қолинг, эртага қудаларингиз ҳам келишмоқчи», деб эр-хотин ҳарчанд қистамайлик, кўнмади. Бир хонали каталакда ётиб қолишга ийманди, шекилли.

— Жон болам,— деди елкамга қоқиб.— Яхши ўтирган экансизлар, худога шукр, кўнглим жойига тушди. Мени Пискентнинг автобусига чиқариб юборсанг — бас. Қоронғи тушмасидан етиб ола қолай.

Шаҳнозани қайта-қайта бағрига босиб хайрлашди. Пастга тушаётганимизда Шаҳноза ҳам отланиб қолди.

— Ғир этиб бозорга тушиб келаман,— деди тушунтириб.— Уйда ҳўл мева билан кўкат қолмабди.

«Эрталаб ўзим олиб келарман», десам, кўнмади. Онамни кузатиб қайтсам, Шаҳноза ҳалиям келмабди. Юрагим сиқилиб, пастга тушдим. Қуёш ботган, сийрак туман туша бошлаган, ҳаво совуқ эди. Кўнглим баттар ғаш тортди. Шунча бозор қиладими, одам!

Кўча бўйидаги бақатерак тагига келиб тўхтаган машинага аввал эътибор бермадим. Орқа эшикдан тушаётган Шаҳнозанинг сарғиш плашини кўрганимдан кейингина, разм солиб қарадим у қора машинани танидим: Санжарнинг «Волгаси! Юрагим нохуш уриб кетди. Санжар нариги эшикдан тушди. Башанг кийинган, бўйнида бўйинбоғ... Машина орқасига ўтиб, юкхонани очди. Хўжалик сумкасини ерга қўйиб, очилиб-сочилиб, бир нималар деди. Шаҳноза ҳам, чамаси ғамза билан жавоб қилди. Санжар Шаҳноза тушган эшикдан машина ичига бош суқди. Шаҳнозага оппоқ чиннигуллар узатди. Назаримда Шаҳноза боягидан ҳам очиқроқ ғамза билан кулгандек бўлди.

Қандай етиб борганимни билмайман. Шаҳнозанинг қўлидан гулларни олиб олдим-да, майда-майда қилиб, Санжарнинг башарасига отдим. У ранги гезарганча, бир зум довдираб турди-да, «аҳмоқ!» деди. Ўзимни идрок этолмай қолдим. Шуниси эсимдаки, Санжар чап бериб қолди. Қўлим машинанинг орқа ойнасига қарсиллаб урилди.

Ойна чил-чил бўлиб кетди. Аммо тўкилиб тушмади. Шаҳноза, кўркувдан кўзлари олайиб, биллагимга осилди.

— Кетинг!— деди ялиниб.— Илтимос, кетинг, Санжар ака!

«Санжар ака»си бирпас серрайиб турди-да, рулга ўтирди. Машина беш-олти қадам юриб, бир силкинган эди, орқа ойнаси дув тўкилиб кетди.

Шаҳноза икковимиз йўл четида анча туриб қолдик. Байрам бўлгани учунми, одам гавжум, аммо ҳеч ким бизга парво қилмас эди. Ниҳоят, Шаҳноза кафти билан юзини тўсганча уй томон югурди. Бирпас иккиланиб турдим-да, мен ҳам уйга йўл олдим. Терак тагида турган сумкага қўл тегизишга ҳазар қилдим. Назаримда жигарранг сумка ҳам, ичидаги нарсалар ҳам ҳаромга ўхшар эди.

Шаҳноза кароватга мук тушиб йиғлаб ётган экан. Рости, қилган ишимдан ўзим пушаймон бўлдим. Ёнига келиб ўтирдим. Бошини слаб юпатгим келдию, ғурурим йўл қўймади. Телевизорни ёқсам, «Ахборот» кўрсатаётган экан. Москвадаги Ҳарбий парадни беряпти. Ана, БТРлар, БМПлар, танклар, ракеталар... Қулоғим остида портлаш садолари, ярадор йигитларнинг оху фиғони эшитилгандек бўлди. Телевизорни ўчириб қўйдим. Анча фурсат ўтди. Шаҳноза ҳамон кароватда ҳиқиллаб ётар, ёнига боргим, кўнглини кўтаргим келарди-ю, гапни нимадан бошлашни билмасдим.

Аксига олиб чироқ ўчиб қолди. Дераза пардасини очиб қарасам, ҳаммаёққа зулмат чўкибди. Фақат катта кўчадаги симёғочларда чироқлар ёниқ, улар ҳам туман кўйнида ярадек хунук, ярадек оғриқ аралаш милтираётгандек эди.

— Шам бормиди, Шаҳноз?— дедим вазиятни юмшатиш илинжида.

У хоҳламай ўрнидан турди. Ҳиқиллаб йиғлаганча ошхонага кириб кетди. Тарақтуруқ қилиб, шам излади. Анчадан кейин стаканга солинган, липиллаб ёнаётган шамни кўтариб кирди. Йиғиштириб олинмаган дастурхонга қўйди. Йиғидан кўзлари шишиб кетган эди. Ачиндим. Ичимда ўзимни сўқдим.

— Чой ичайлик, Шаҳноз...— дедим секин.

У кескин бурилиб, яна ошхонага кирди. Чойнак кўтариб чиқди-да, дастурхон устига дўқ этиб қўйди. Чойнак қопқоғи шарақлаб силкинди, тумшуғидан чой томди.

— Қуймайсанми?— дедим ноқулай илжайиб.

— Балки ичириб қўйишим ҳам керакдир?— Энди у йиғламас, шам ёғдусида кўзлари ғазабли ёниб турарди.— Э-ҳа,— деди асабий кулиб.— Эсимдан чиқибди: ахир сиз ёш боласиз-ку! Бенаво гўдак!

Гапидан кўра оҳанги оғир ботди. Ичимдан тошиб келаётган титроқни аранг тийиб турардим.

Эшик журъатсиз тақиллади. Шаҳноза шошилмай бориб очди. Қоронғи йўлак томонда Қурбоний холанинг овози келди. Шаҳноза билан айланиб-ўргилиб сўрашди. «Рустамжон ўғлим яхши ўтирибдимми?» деди. Гап-сўзидан шам сўраб чиққанини ангадим. Шаҳноза қайтиб келиб, юзини терс ўгирган кўйи ўтираверди. Нимадир дейишим керак эди.

— Ким кепти?— дедим ўта бемаъни савол бераётганимни била туриб.

Шаҳноза ярқ этиб ўгирилди.

— Вой! Эшитиб қолдингизми?— деди ўйиб оладиган оҳангда.— Санжар ака келди! Байрам баҳона машинасида сайр қилдирмоқчи экан. Дилгани ўйнатиб зерикибди. Энди менинг галим экан!

Ғазабим қўзиди. Амаллаб ўзимни босишга уринардим. Билиб турибман: ҳозир уришсак, буниси — охирги жанжал бўлади.

— Гулни-чи?— дедим лабим титраб.— Гулни нега Диляга бермабди?

Шаҳноза афтимга чақчайиб, истеҳзоли кулди.

— Сиз бермаганингиздан кейин у беради-да! Бирон марта гул совға қилганмисиз одам бўлиб?

Титраб кетдим.

— Бас! — дедим таҳдид билан.

— Урмоқчимисиз?— Шаҳноза ўрнида сапчиб турди.— Уринг!— деди чинқириб.— Уринг! Шундан бошқа нима келарди қўлингиздан! Дуч келган одамга мушт кўтарасиз? Ҳамма — ёмон. Битта сиз — яхшисиз! Уз кўнглингизда қаҳрамонсиз! Адолат ўрнатмоқчи бўласиз...

Уни бу алпозда биринчи кўришим эди. Юзи ғазабдан хунуклашиб кетган, кўзларида алам эмас, ғазаб ҳам эмас, нафрат ёнар, вужуди қалтираганча автоматдек тўхтовсиз гапирар эди.

— Нимага эришдингиз?— деди ҳамон чинқириб.— Нимани исботладингиз? Одамлар сизнинг адолатингизга тупурган, эшитдингизми! Минг марта, миллион марта! Бундан кейин ҳам тупуради, билдингизми?..

Қулоқларим шанғиллаб борар, кўз ўнгим қоронғулаша бошлаганини сезиб турардим.

— Бўлди! — дедим нафасим қайтиб.— Бўлди, Шаҳноза... Илтимос, Шаҳноза... Дунёда адолат бор-ку! Озми-кўпми, адолат бор ахир...

У дами кесилгандек жимиб қолди. Мени биринчи марта кўраётгандек бошимдан оёғимгача қараб чиқди.

— Нима?— деди овозини пасайтириб.— Нима дедингиз?— Эсдан оғган одамдек қийқириб-қийқириб кула бошлади.— Ҳа-а, энди тушундим, тушундим!— Яна баттароқ

қийқирди.— Манави кошонани айтяпсиз! Сенга уй олиб бердим, демоқчисиз. Шунақами? Айтинг, шуни пеш қилмоқчимисиз? Уй олиб берганмиш. Вой! Уй олиб берганмиш!— Жазаваси тутиб, қўшқўллаб тизаларига ура кетди.— Суюнчи беринглар! Бу киши излаган адолатини топибдилар!

Ҳайратдан оғзим очилиб қолган, нима дейишни, нима қилишни билмасдим. Кулиб-кулиб, чарчади шекилли, энтиккан кўйи афтимга узоқ тикилди.

— Қаҳ-ра-мон!— деди нафратли истеҳзо билан бош чайқаб.— Адолат курашчиси... У қулоқ-бу қулоғингиз билан эшитиб олинг, агар адам исполкомдаги Степаничми, гўрми-ерми, ўшанинг жигилдонига беш мингни тикмаса, мана шу товуқ катагиниям тушингизда кўрардингиз!

Бу сафар музлаш бармоқларимдан бошланмади. Оёқ-қўлим бирваракайига музлади-қолди. Ичимдан отилган титроқ миямга урилдию бошим бир коса оловга айланди.

Эсимда йўқ. Аввал қайноқ чойнакни отиб, кейин бақирдимми, ё олдин бақириб, кейин чойнакни отдимми?.. У жонхолотда чап берганини, чойнак гилам осифлиқ деворга урилиб, чил-чил синганини ғира-шира кўрдим.

— Йўқ-о-о-ол!!!

Унинг кетидан йўлакка отилганим ҳам элас-элас ёдимда.

...Шам тугай деб қолди. Ичим ёниб кетяпти. Ҳаво етишмаяпти... Нега очилмайди бу падарлаънат дераза! Михлаб қўйилганми, нима бало? Ойна синдими? Ҳа-а, тирсагимга тегибди. Баттар бўлмайдими! Ташқари зим-зиё. Йилт этган чироқ йўқ. Қарғалар хосиятсиз фиғон чекади... Туман қуюқлашиб кетибди. Яхши... Ҳеч ким кўрмайди... Аччиқ хазон ҳиди... Куз ҳиди...

Куз — ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди... Оёқ остида касалманд хазонлар инграйди. Эрта баҳордан бўтана бўлиб шоша-пиша қирғоғига сиғмай оққан ариқлар тиниқлашади. Шунча уринишлари зое кетганини тушуниб, оламга маънос боқади... Еру-кўкни оппоқ кафандек туман чулғайди. Эрта-индин осмонга мотам либосини кийган булутлар чиқади. Ер устида узоқ чарх уради-да, аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкади... Сим-сим ёмғир ёғади. Тўрт кунлик умрида дунёга сиғмаган, охир-оқибат жон таслим этган табиатга аза очиб, унсиз йиғлайди.

...Билагим ачишяптими? Ҳаммаёқ қон-ку! Нима қипти: қонни энди кўришимми?

Шам тугай деяпти... Тезроқ... Дафтарни жойига қўйишим керак.

Мен неча ёшга чиқдим ўзи? Йигирма иккига?! Йўғ-э, ахир мен етмиш иккидаман-ку! Балки саксон иккидир? Нима фарқи бор?! «Донолар ҳаётни кузатурлар жим...»

Тамом! Ҳаммаси тамом бўлди... Ажаб... Юрагим нега бунча осойишта? Қилт этса-чи? Э-ҳа... Ахир... мен энди йўқман-ку. Бу дунёда борлигиндан ким наф кўрдию йўқлигиндан кимга зиён? Ойимга ачинапман. Дадамга... Шаҳнозга... Рози бўлинглар... Онажон... Мени кечиринг, ойи!

ОППОҚ-ОППОҚ ҚОРЛАР ЕҒДИ...

Бир ҳафтадан кейин қор ёғди. Аввал ёмғир эзмаланиб турди-да, тушга бориб қорга айланди. Қабиристондаги шамдек қотган тераклар устида совуқ учкунлар ғуж-ғон ўйнади. Қор, барча марҳумлар қатори девор тагидаги ҳали тупроғи совиб улгурмаган қабрни ҳам муздек қучоғига олди...

Чўққисоқол гўрков пешин намозини ўқиб, хужрасидан чиқди. Қор, қабристон узра чўккан ўлик сукунатни янаям чуқурлаштиришга қасд қилгандек унсиз ёғар, мозористон кимсасиз эди. Гўрков девор тагидаги қабр бошида ўтирган одамга кўзи тушиб, яқин борди.

Юпун кийинган ёш жувон қабр устидаги қорни кафти билан сидириб туширар, совуқдан қўллари қизариб кетган, қора рўмоли, елкалари қорга беланган, плашининг этаги лой эди...

— Унақа қилманг, қизим, — деди гўрков вазминлик билан.

Аёл тиззалаб ўтирганча бехуш алпозда бош кўтариб қаради.

— Нега? — деди ҳайратланиб.

— Ўзингизни олдириб қўясиз... — Гўрков юмшоқлик билан тушунтирди.— Марҳум ҳам безовта бўлади.

— Нега? — Аёл қўллари билан қор чангаллаган кўйи титраб-титраб йиғлаб юборди.— Нега?! — деди инграб.— Рустам акам нега ўлди? Яхши бўлгани учунми?!

ҚУРБОНОЙ ХОЛАНИНГ ҲАР КУНГИ ТАШВИШЛАРИ

Биқини ачишиб уйғонди.

— Худойим ўзингни раҳминг келсин...— деди пичирлаб.

Уч кун олдин касали тўсатдан зўриққани эсига тушди. Кўча супуриб турган жойида тутиб қолса бўладими? Оғриқнинг зўридан аъзойи баданидан муздек тер чиқиб, бир-

пасда икки букланиб қолса, денг! Худойимдан ўргилай! Бандасига атаган дарди ҳам кўп экан-да. Бўлмаса, ёқмас овқат егани йўқ, оғир иш қилгани йўқ...

...Бўйнидан «ачом» қилиб ётган неварасининг дўмбоқ қўлчасини авайлаб олиб, устига кўрпа тортди. Ўрнидан сирғалиб турди-да, йўлакка чиқиб, чироқ ёқди. Шошилмай таҳорат қилди. Газга чой қўйиб, ним қоронғи хонага қайтиб кирди. Бомдодни ўқиб, ўтганларга Оллоҳнинг раҳматини тилади. Жумла-мўминга имон, саломатлик, юртга тинчлик сўради...

Ошхонага кириб, чой ичди. Бир қўлига пақир, бир қўлига узун бандли супурги олиб, яна ётоққа мўралади.

— Умида,— деди паст овозда.— Болалар боғчага кеч қолмасин.

Умиданинг каровати ғирчиллади.

— Бораверинг,— деди уйқусираб.

Қурбоной хола пақир бандини даранглашиб юбормаслик учун зиналардан эҳтиёткор қадам босиб, пастга тушди. Кунлар узайиб қолган эди. Қиш бўйи қоқ суякдек сўппайиб турган бақатераклар кўклам яқинлашаётганини сезгандек жонланиб қолган, яланғоч шохларини тонг шамолида силкитиб, ўзини ўзи уйғотаётганга ўхшар эди. Қирғоғи бетонланган ариқлар четида майсалар униб чиқибди... Мунис, ожиз майсалар...

Қурбоной хола пақирни терак остига қўйиб, шиғиллатиб супуриб кетди. Анчадан кейин нон дўконига машина келди. Бошига эски дўппи кийган ҳайдовчи машина кажавасини очди.

— Супураяпсанми?

Қурбоной хола Комиссарнинг ғўлдираган овозини эшитиб, ишини тўхтатди.

«Йўқ, ўйнапман!» деб ўйлади энсаси қотиб.

Салом берди. Комиссар чангдан қочиб, ўн қадамча нарида турарди. Бошида қора шляпа, энгида қора плаш. Қўлида сут бидон...

— Куёвнингни судга бердингми?— деди Комиссар.

— Худога солдим!

— Тўғри қиласан!— Комиссар истеҳзоли илжайди.— Худонинг сендан бошқа дарди-касали йўқ.

Қурбоной хола супургини кўтариб, ишини давом эттирмоқчи эди, Комиссар сўраб қолди:

— Хабаринг бўлмадимми, анави болани ўлдирганлар топилдимикан?


— Топилганда нима?— деди Қурбоной хола.— Улганнинг ёш жони кетди... Худо раҳмат қилсин...

— Келин-чи, келин? Қадами қийшаймаяптими?

Қурбоной хола норози алпозда қараб қўйди.

— Ўзингиз тузукмисиз?— деди бошқа гап тополмай.

— Менми?— Комиссар кулди.— Хэх-хэх-хэх! Қачон ўласиз, демоқчимисан? Овора бўласан! Мен ўлмайман! Хэх!





КЎНГЛИМГА КИРГИН ДУНЁ...



Салим Ашур

Тавалло

Тўлқин каби чайқалди дарахт,
Кема каби юзди пар япроқ,
Очиларкан бамисли чаноқ —
Кафтларимдан тош-эй бўлиб бахт.
Бахтсизликдан айла ҳимоя,
Карамингни кенг қил ҳидоя.

Қабоғимнинг лайл лоласидан
Оқиб тушса қошларингга ўт.
Лабларингнинг пиёласида
Аргувоний кофур бода тут.
Мастлар қилгин — қилма ҳимоя,
Карамингни кенг қил ҳидоя.

Хаёлимга тўкилади қор,
Қорларимга тўкилади куй.
Умр сўнгида кўринади дор,
Кун сўнгида менга бир дор қўй.
Сархуш қилсанг — қилма ҳимоя,
Карамингни кенг қил ҳидоя.

Балки сани сева билмасман,
Қари фалак, пари ер каби:
Хоҳласанг ман тарсо бўлойин,
Хоҳла бўлай ўзингга наби.
Миллатим бўл — қилгин ҳимоя,
Карамингни кенг қил ҳидоя.

Мен билмайман вафо нимадир,
Мен билмайман муҳаббат нима.
Сени олиб келган кемадир,
Балки олиб кетар шу кема.
Сенга чўкай — қилма ҳимоя,
Карамингни кенг қил ҳидоя.

* * *

Силаб бир ўпдингиз — (руҳим, ҳаволан)
Ярадор қўлимни (синган қанотдай).
Сиз мени ҳар куни шундай даволанг,
Мен ўзим-ўзимни ҳар куни отай.

Қўлларингиз бир жуфт оппоқ олондай
Қалбимга теккизар ўнта тилини.
Дунёни буздингиз гўзал исёндай,
Ай қари дунёнинг пари келини.

Сувсиз қудуғига томоғингизнинг
Нигоҳим йиқилди ярадор қушдай.
Қучоқлаб ухлай мен оёғингизни,
Ҳар кеча чорланг сиз энг ширин тушдай.



Лабингизга сепинг севги донини,
Тилим чумчуқ каби терсин чуғурлаб.
Совчиларнинг бахмал дастурхонини
Ўғри меҳмон каби кетай ўғирлаб.

Хонтахта остида топишар оёқ,
Чойнак тутқичида учрашар қўллар.
Ичимда зулфингиз мисоли титроқ,
Кўксимда юрагим ёрилиб ўлар.

Пардага сиёхранг шеър ёзар сахар,
Кўнгилга киради денгиз шамоли.
Оқ, сариқ атиргул ичади заҳар,
Қизил атиргулим — бели чумоли.

* * *

Қуёш — тилло тоғора, Пиширади қалбимни,
Юрагимга кўмилган, Милён йиллик муҳаббат.
Зор дилимга боқар-о, Икки олам талпиниб,
Қонларимга чўмилган Ҳақиқат инграр: «Таббат...»

Марҳабо, эй марҳабо, Кўнглимга киргин дунё,
Жоним тоқда муҳайё, Дилимда халил-хулё.
Рухим ўзимдан айро, Севиб қолдими тун ё,
О, сўнғакдан айиро, Бўл мажнун, жалил, кул ё.

Қуёш — кўчманчи дўкон, Ишқлар келтирар карвон,
Севги сот менга сарбон, Маъшуқам бўлсин жаҳон.
Отимга миндим азон, Эгардан тушдим хуфтон,
Ҳамма юртда бор субҳон, Ҳамма юртда йўқ султон.

Жадид жунундан улгу — Чўлда унган суман бу,
Тошларни кесган мангу Соғинчу сиғинч асру.
Юракка ботди абру, Санчиқлари суманбў,
Қуёш, эй хуркак оҳу, Дастурхонинг таважжуҳ...

* * *

Туман каби тушди дарпарда,
Ой, юлдузлар пардага кўнар.
Қоронғуда ёғий чопар-да,
Гултувақда муҳаббат унар.
Адаштирар ҳаммани кўча,
Бахмал кўрпа тўшайди кеча.

Дарвозани қоқар йўловчи,
Кўзини чирт юмади дарча,
Сен ўчоқсан, олов қаловчи
Кўнглим — ғамдан узилган парча.
Либосингни тун каби еч-а,
Тонг мисоли очил бир кеча.

Кулгучингга қатрадай чўкдим,
Сочларингдан ташладинг арқон.
Кўзларимни кўксингга тўкдим,
Титрадилар тутдай заъфарон.
Шам, армонлар макрида ўч-а,
Улкан шамдай ёнсин бир кеча.

Даракчилар йўллар баргизуб,
Таҳ-батаҳ, зер-забар, изидан.
Илк бор битдим риндона мактуб,
Уйғондим илк бор қиз исидан.
Сомон йўлдай ўзингни тўша,
Бешик бўлиб тебрат бир кеча.

Гавҳар каби кўчадан топдим,
Йўқотурман яна кўчага.
Жоним билан устингни ёпдим,
Тушмагин деб неча-нечага.
Аламингиз ойчирок ўчар,
Хона тўла ойдин бир кеча.


Гўё гнёҳ эдим муҳтарам,
Қақраб ётган дашт эдим гўё,
Чанқоғимга томди бир шабнам,
Абри найсон бўлди муҳайё,
Мен ётаман қирғоқдай куча,
Сен дарё бўл, ой гул, бир кеча.

* * *

Дарахт. Япроқ-япроқ йиртилабергин,
Қоғоздан шамоллар ясаб тутқазай.
Кўксининг сеҳрига бошимни чайиб,
Киприklarим билан қудуқлар қазай:
Мени севса, оҳ, мени севса!

Илоннинг тилидан томган заҳардай
Қароғим чакиллаб оқсин лабига.
Тиззамнинг кўзига қуёш тўлдирай,
Кириб гапига:
Мени севса, оҳ, мени севса!

Адоқсиз сувликда совқотиб
Қалққан ва офтобда исинган
Балиқдай томоғим ёрилиб,
Қатто соясида гул бўлиб унай:
Мени севса, оҳ, мени севса!



Мақтублар

Ҳурматли бош муҳаррир У. Ҳошимов!

Мен «Шарқ юлдузи» ойномасига ўн йилдан бери обуна бўлиб, ҳар ойда чиқадиغان сонини мунтазам ўқиб бориман, шу пайтгача қолдирмасдан ўқиб келганман. Афсуски, қолхозда 1992 йил учун обуна ишлари яхши олиб борилмаганлиги туфайли, бизлар бутунлай орқада қолиб кетдик. Энди эса ойноманинг ҳар бир сонини излаб юриб, топиб ўқишга мажбур бўлаяпмиз. Кошки, бу ойнома излаган билан топила қолса экан! Сиздан илтимос шуки, «Шарқ юлдузи» ойномасининг ҳар бир сонини олиб ўқишимиз учун ёрдам берсангиз, деб:

Эркин ЮСУПОВ,

Самарқанд вилояти, Большевик тумани,
«Галаба» жамоа хўжалиги, қ-қ Боғли

ТАҲРИРИЯТДАН: Муаллифнинг мактубида яна бир манзил номи ёзилган бўлиб, унда «Самарқанд вилояти, Советобод тумани, Нагорная бекати, 42-мактаб» дейилган. Тўғриси айтганда, мухлисисимиз Эркин Юсуповга ўхшаб, вақтида обуна бўлолмай, ойномани излаб ҳам тополмай, таҳририятга: «Ойноманинг фалон сонини топиб беришлар» каби илтимослар билан мурожаат қилувчилар жуда кўп. Афсуски, таҳририят ойномани топиб жўнатиш, етказиб бориш ишлари билан шуғулланмайди. Агар ойномаимизнинг ҳар бир сонини ўз вақтида олиб, ўқиб бориш истагингиз чин бўлса, бунга эришишнинг энг қулай йўли — алоқа бўлимларига мурожаат қилиш, ойномага ўз вақтида обуна бўлишдир. Бу ҳақда яна бир бор эслатиб қўйишни лозим топдик.



Вафо Файзулла

СУКУНАТНИНГ ДАФТАРИ ҚИЗИЛ

Емғир, тилагингни тила гадодан,
Тупроқ туғиб берсин бевафо ғунча,
Кўйлак кийдирмадим унга лоладан,
Ул юртни унутмайман, мен ўлгунимча.

Япроқларни ювдинг, олдинда видо,
Сарғайган чехраларнинг армони қанча?
Пистоки арғимчоқлар бермайди садо,
Биров куйганмикин ул қиз деб менча?!

Сиқтасам яланғоч дарахтлар кулар,
Борлиғимни совуради масхара,
Тандир юрагимга сув тут, сумбула.

Ииртилган бўғзимда бобом даласи,
Ёввойи шамоллар билан ўйнашган.
Қонайди дилимнинг яраси.

Чанглардан тозаланган тобут хотира,
Кеча-кундуз ёнган қароқлар булут,
Сўроқсиз келган кунлар тўнка, бодича,
Қари байталлардан тиланарлар сут!..

Мен нима гуноҳ қилдим, мен нима савоб,
Улгурмай йиқиламан чоғи балчиққа?!
Боғларнинг этагини қилардим тавоф,
Емғир, йиғлаёлсам сендай очиқча!..

Оёғини чалиштирган этаксиз —
Ҳаёлилар маликаси сайланди.
Кўклам қолган кераксиз.

Мени адо қиладиган ҳам ғусса,
Софлаб, садо қиладиган ҳам ғусса,
Тайёрлайман юрак қонимдан бўза...

Тупроқнинг кўнглидан кечганлари

Сукунатнинг дафтари қизил,
Жилмаяди кийшиқ чехралар.
Гунг айиқда хазон уяти,
Шум хотира пиндиқ чиқарган.
Тентирайди чинор томири,
Соқовларни гапга солмоққа.
Мен шоирлик дардидан тўйдим,

Майса билан боғлаб алоқа.
Дашт — етимнинг ғўр амакиси,
Жайронларни севиб тунайди.
Бўйи етган лолақизгалдоқ
Тентак тулдан ўпич сўрайди.
Соғ савдогар бўлақол тентак,
Ялоқ ишққа бўласан керак.

Гала-гала қарға кайвони,
 Анжумангоҳ — олма дарахти.
 Хазонлардек ёқарлар филни,
 Тўтиларнинг шакарлаб шахти.
 Силкинади мазор қўллари,
 Кўкда турна вақтнинг арвоҳи.
 Топталади нигоҳ гуллари,
 Ёмғир, ёмғир кенжа суворий.
 Қиш — осмонни салқинлатган қиз,

Гуноҳ қила, бўлади она.
 Савоб ёғар, эмас раҳматсиз,
 Туғилади никоҳсиз лола.
 Тишлар қилич, камалак тузоқ,
 Булутларнинг марди кашанда,
 Қор кишнайди, эрийди тойча,
 Кўнгил тутқун, кўнгил кишанда.
 Кўнгил, кўнгил ёға қол кўнгил,
 Бир куйган дил, бир бўлар булбул!

Тан олмайди руҳни майналар,
 Хиргойиси шаккок, ландавур.
 Машраб бунда тонгни орқалаб,
 Лола эккан бурдалаб бовур.
 Даҳналари очилган ғийбат,
 Дийдалари зарангдан-заранг.
 Мағлубадир маъсума сийрат,
 Кишанида атиргул наъра.

Ўтираман сотилган эрким,
 Ғояларнинг эмиб сутини.
 Қучоқлайман баҳорни текин,
 Қалин сўрар дарднинг ўтини.
 Қайтиб — қайтиб кўкараб кўёш,
 Сапчиб-сапчиб эланади моҳ.
 Кунда силар бошимни авбош,
 Дор тикади йўлимда сеғоҳ.

Исо ҳам йўк, Мусо ҳам йўк кун,
 Ҳам Муҳаммад туғилмаган барк.
 Само ерга тўлаб турган хун,
 Бу — лолалар туғ кўтарган Шарк.
 Қисир сигир меҳроби Мочин,
 Адаштирган ўғли Романи.
 Ёйди боғлар Суғдда кулочин,
 Алп Тегиннинг кўпди камони.
 Кўкрагини керади Турон,
 Уриқларнинг гули кўшини.
 Искандар йўк, солганда сурон,
 Мен боланинг содда кўшиғи.
 Мен тупроққа келдим чўқиниб,

У ҳаммадан ёшулли, тоза.
 У шоирдир, ёзар бўғилиб,
 Оч руҳларга тутади аза.
 Кўнгил бордир, бу кўнгил тупроқ,
 Вафо лошсиз, бошсиз устихон.
 Қўшиқ тортиқ қилади тупроқ,
 Кўнгил тортиқ қилади осмон.
 Бир пайтлари Бедилжон бедил,
 Йўлда толди ўзни ахтариб.
 Шамс савдогар, моҳи қоровул,
 Қароқчилар юлдуз тутатиб.
 Умр, умр, отилган сопқон,
 Ватан қалқон, ҳам Ватан қопқон!..

* * *

Кўнгил — судралади қон йўлда қози.
 Кўнгил — бурдаланган журъатнинг бори.

Кўнгил — моҳнинг, оҳнинг хотира уйи.
 Кўнгил — шамс билмаган соҳира гўзал.

Кўнгил — кўнгил-ай, кўнгил!
 Кўнгил-л-л-л-чил-чил-чил!..





Неъмат Иброҳим

ХАЁЛЛАРИМ ДАРЁДАЙ ОҚДИ

Фасли тийрамоҳда...

Бу тонг насимиға
Оғушингни оч,
Ҳазин дарёларга тўк андуҳингни.
Кузги соҳилларга дардларингни соч,
Тийрамоҳ бодида покла руҳингни.

Сени адо қилди ёлғон саодат,
Утрук бахт қўйнида ўртандинг ҳануз.
Идрокингни тилди қартайган тоқат,
Баҳорлар алдади...
Алдамайди куз...

Ахир, ўткинчидир ҳамиша ҳавас,
Ҳаваснинг ҳамиша сирти ялтироқ.
Ҳақиқат наздида, эй ложарам кас,
Тобакай яшайсан титраб, қалтираб.

Ғарб эмас,
Шарқона руҳларга интил,
Ханжарга айлантир бу латиф тилни.
Фақат ҳақиқатга маъво қила бил:
Яхши ва ёмонга ҳувайдо дилни.

Бу тонг насимиға
Оғушингни оч,
Ҳазин дарёларга тўк андуҳингни.
Кузги соҳилларга дардларингни соч,
Тийрамоҳ бодида покла руҳингни.

Лавҳа

Нурли ҳамал ойида бирдан
Чўққиларда эрийди қорлар.
Рангонтоғнинг ўнгурилари
Эниб келар қора тулпорлар.

Шанғиллаган жангчилар ўктам
Одамларни улоққа чорлар.
Заминданми ва ёки аршдан
Пайдо бўлар қора тулпорлар.

Йигитларни кузатар сордай
Кўкрагини ғоз тутган чоллар.
Тоғ бағридан ўприлган ғордай
Энаверар қора тулпорлар...

Эврилиш

Гарчи ўзлигимни англаб етмадим,
Ҳою ҳавас билан яшадим бироқ.
Муқаддас ёдимни забун этмадим,
Сунмади кўксимда самовий чирок.

Суриндим фикрлар гирдибодида,
Саргашта сайёҳдай йўқотмадим из.
Ёлғончи касларнинг эътиқодига
Бир ожиз бандадай чўкканим йўқ тиз.

Қартая бошлаган вужудим аро
Ўзимни қайтадан айладим бунёд.
Хайрият, қисматим кечмади қаро,
Хайрият, сўнмади дилда эътимод.

Тозарган ўйларим,
Эзгу ниятим
Табаррук руҳларга сокин қоришди.
Тушундим азалу абадиятни,
Умримнинг муборак субҳи ёришди...

* * *

Ҳузунли боғ, ҳузунли боғлар —
Ҳувиллаган оғушдир энди.
Ёмғир эмас, дилимни доғлаб
Унда хазон ёғмишдир энди.

Энтикардим ёп-ёруғ тунлар
Тинглаб ишқнинг ҳикоясини...
У нурли кун, у нурли кунлар
Энди қисмат киноясидир.


Қўлларимда бир тола сочинг;
Мажнун-мажнун толларга боқдим.
Дарёларга кўксимни очиб,
Хаёлларим дарёдай оқди.

Ҳузунли боғ, ҳузунли боғлар —
Ҳувиллаган оғушдир энди.
Ёмғир эмас, дилимни доғлаб
Унда хазон ёғмишдир энди.

Висол букун бир мавҳум аъмол,
Букун олис-олис бир ёдсан.
Энди менга ётсан, эҳтимол,
Ё эҳтимол, унсиз фарёдсан.

Ҳижрон йўли саҳродир — бийдай,
Хокларига баёт битарман.
Бир узун оҳ, бир ингрок куйдай
Уфқларга сингиб кетарман.

Ҳузунли боғ, ҳузунли боғлар —
Бир ҳувайдо оғушдир энди.
Ёмғир эмас, дилимни доғлаб
Унда хазон ёғмишдир энди...



Анвар Муқимов

«НЕ КЎЙЛАРГА ТУШДИМ МАНО...»

Ҳажвий қисса

БИРИНЧИ БОБ

Сўзни ичкиликнинг «каромати»дан бошлайин. Бу хумпар «ёввойилик» даврида бошимга шунақа савдоларни солдики, ҳеҳ-хе! Яхшиямки, саксон бешинчи йилда чиққан анови қарор ичкиликнинг бўйнига арқон ташладию омон қолдим. Йўқса, ҳозир «чин» дунёда ҳуру пайкарлар билан «атий-батий» ўйнаб юрган бўлармидим?

Бир сафар денг, шу «шайтон»нинг «шарофати» билан ишимдан ҳам, уйдан ҳам ҳайдалганман. Кейин қишлоқдаги одамларнинг ул-бул юмушини қилиб бериб, бир қултум-ярим қултумга яраша пул ишлаб юрдим. Бора-бора иш топилмай қолди. Шундан сўнг десангиз, чопонни елкага ташладим-у, «Наманган қаердасан», деб йўлга равона бўлдим. Ижара ҳақиси арзонроқ деб, колхоз-совхоз бозорининг меҳмонхонасига жойлашиб олдим.

Бахтимга, меҳмонхона қоровули мусофирпарваргина чол экан. Савоб бўлади, ғариб экан деб ҳар куни эрталаб менга чой дамлаб беради. Чойни ичиб, ишга жўнайман. Бировнинг деворини сувайман, бошқасининг томорқасини чопаман... Ишқилиб, чақасини оламан. Биров кечки овқат олдидан «дори» қўйиб беради, биров — йўқ. Лекин барибир кўчага чиққач, буфетларни (у вақтларда бу исқотининг уруғи кўп) албатта «искаб» ўтаман. Меҳмонхонага келсам, қоровул чойни тайёрлаб турган бўлади. Бир чойнакни бўшатиб ўрнимга кирман.

Бир шанба куни «ҳидлаш» муддати узайиброқ кетиб, меҳмонхонага одатдагидан кеч қайтдим. «Чаманингда гулзор-э, омон бўл, омон бўл»ни ванг қилиб меҳмонхонага кирсам, навбатчи кампир «жой йўқ», дейди-да! Мени келмаса керак деб ўйлашган эмиш. Жанжални бошлаб, энди авжига чиқмоқчи бўлиб турган эдим, кимдир туртди. Қайрилиб қарасам, қоровул чол. Мени хонасига бошлаб борди-да, бир кўрпа-ёстиқ ва оқ чойшабни қўлимга тутқазди.

— Манг, ярим кечада шовқин солиб юрасизми! — деди. — Айвондами ёки бошқа бирон жойдами ётақолинг. Бир кечага ҳеч нарса қилмайди. Ез, иссиқ. Ҳар эҳтимолга қарши, кийим-бошингизни ечиб, менга бериб қўйинг.

Ечиниб, калта иштонда ҳовлига чиқдим. Қанча ухладим, билмайман. Бир маҳал чўчиб уйғонсам, кимдир силкитяпти. Ширин уйқумни бузган қилиғи совуқнинг ким эканини билмоқчи бўлиб шу уринаман, ўзимни ўнглаб ололмайман. Шабада турибди шекилли, совқотиб кетибман. Мен ётган ер тўхтовсиз тебраняпти. Баъзан «жиқ-жиқ» кўтарилиб тушаман. «Ё парвардигори олам, — дейман ичимда, — бу нима? Ер қимирляяпти, шекилли! «Ло илоҳа иллобло, Муҳаммадин расул олло», калима қайтараман ўзимча.

Бир пайт юқорига қарасам, дарахт шохлари «шув-шув» этиб орқа томонга «чопиб» кетяпти. Юлдузлар эса «шоҳдан-шоҳга сакраб» менга эргшиб боряпти. «Ё парвардигори олам, бу не кўргилик!»

Жон ҳолатда уриниб, ўнг тирсагимга аранг таяндим. Энди ўрнимдан турмоқчи бўлган эдим, гурсиллаб чалқанчасига йиқилдим.

— Ди-ди-ит!...

«Э-ҳа, бу мошинанинг сигнали-ку. Ҳа, машина», — ўйлайман ваҳима ичида. — Бу мени қаяққа, нега олиб кетяпти? Кийим-бошим... Чолга бериб, ҳовлига чиқувдим. Жойни... наҳотки, машина устида ухлаган бўлсам!»

Қишлоқликлар, одатда, шанба кунлари шаҳарга мева, сабзавот, қовун-тарвуз келтиришади. Уларни бозорга туширишади-да, ўзлари ўша мен паноҳ топган колхоз-совхоз бозори меҳмонхонасига келиб тунашади. Кечиккан шофёрлар ҳам уловларини ҳовлига қўйиб, меҳмонхонада бир оз ухлашади-да, шаҳарда қишлоқларига қайтиб кетишади. Шунини билди туриб, нега машинага чиқиб олдим? Э, мастлик ўлсин, мастлик!

Шамол ғув-ғув уриб турибди — баданни тешаман дейди. Тишларим орасидан «ҳиҳ» деб ҳаво сўраман, «ҳа!» деб чиқараман. «Ҳиҳ, ҳа-ҳиҳ, ҳа!» Орага аксириш ҳам суқилиб туради. «Ҳа-ҳа-ҳа, афшу!» «Ҳа-ҳа, ҳа, афшу!» «ҳиҳ-ҳа-ҳиҳ, ҳа, афшу!»

Бу аҳволимдан шофёрни хабардор қилишим керак, қарор қилдим ўзимча. Машина тўхтаса ё тушиб қоламан, ё кабинасига кириб оламан. Урина-урини чойшабга ўрандим. Икки учини бир қилиб тишлаб олдим. Тахталарга урила-сурила ўрнимдан турдим. Кабина томига тап-тап урдим. Елдай учиб бораётган машина «ғийқ» этиб таққа тўхтади. Олдинга қалқиб, йиқилиб тушишимга бир баҳя қолди. Шофёр — ингичкагина йигитча кабинадан отилиб чиқди. Чироқчасини ёқиб юзимга тутди. Бир нарса дейишга улгурмадим, «вой!» дедию, ўзини кабинага олди. Машина ҳалигидан ҳам тез учиб кетди. Боласи тушмагур, нега бундай қилди — тушунолмадим. Яна тақиллатдим, йўқ, тезлик ортас-ортадики, камаймайди! Ноилоҳ ўтириб, минг азобда кўрпани белимга ўраб олдим. Ҳа, майли, тасалли бераман ўзимга. Тонгда яланғоч саёҳат қилиш пешонада бор экан-да! Аммо, манзилим қаер бўлар экан?

Кечаси бўлгани учун йўллар бум-бўш. Машина бурилишларда ҳам тезлигини пасайтирмайди. Дарахт шохлари шовиллаб ўтиб турибди. Юлдузлар ҳам мен билан бирга елиб боряпти.

Юрдик-юрдик, ниҳоят икки ёнда милт-милт қилиб чироқлар кўрина бошлади — бирор қишлоққа етдик чоғи.

Ёруғроқ жойга келганда машина «ғийқ» этиб таққа тўхтади. Кабина эшиги шиддат билан очилди ва ундан шофёр бола чиқди, у ёқ-бу ёққа қарамай, кўчанинг чап томонига югурди.

Дам ўтмай «тап-туп» оёқ товуши эшитилди. Қарадим. Бир мелиса мен томонга чопиб келмоқда. У ўн қадамча нарироқда тўхтади. Тўппончадан осмонга қарата ўқ узди. «Кимсан?» деди бақириб. Индамадим. Зотан, гапиришга мадорим ҳам йўқ, тилим ҳам айланмас эди. Дир-дир қалтирайман, тишларим тақиллайди.

— Кимсан?! — деди милиционер яна. — Тур ўрнингдан! Тур!

Чойшабни ёпиниб, икки учини тишлаганча ўрнимдан турдим. Мелиса беихтиёр орқасига тисарилди.

— Сотволди ака! — дея қичқирди ўнг томонга қайрилиб, — ҳў, Сотволди ака! Чопинг бу ёққа! Тез! Тез!

Милиционер тагин менга юзланди.

— Қимирлама! — деди ва яна осмонга қараб ўқ узди. — Қимирладинг, отиласан!

Зум ўтмай шопмўйлов бир мелиса етиб келди. Кўзларини уқалай-уқалай:

— Нима гап! — деди ҳовлиқиб.

Шериги жавоб берар-бермас, елкасига милтиқ осган бир чол ҳам пайдо бўлди.

— Хўш, тинчликми?

Мелиса менга ишора қилди.

— Анавини қаранглар!

Улар «ий-е» деб анграйиб қолишди.

— Кимсан?

— Гўрдан чиққан мурда бу! — деди чол, соқоли титраб. — Ло иллоҳо иллоболо!

— Бўлмаган гап! — деди ёш мелиса. — Мурда гўрдан чиқа оладими?

— Бўлмаса арвоҳ ё жин бу! — ваҳима қилди чол. — Ло иллоҳо иллоболо, Мухаммадин Расулилло!..

Ҳарчанд «мен мурда ҳам, арвоҳ ҳам эмасман, Наманган меҳмонхонасининг ожиз фуқаросиман», демоқчи бўламану айтолмайман, тилим калимага келмайди. Устма-уст акса ураман, кекираман.

— Ҳой, инсон, жавоб берсанг-чи! Бўлмаса, туш бу ёққа!

Тушишдан бошқа чора қолмади.

— Сотволди ака! — қичқирди ёш мелиса, — Сиз чап биқинига туринг, сиз, Носир бува, ўнг биқинига ўтинг. Мен орқада бўламан. Милтигингиз ўқланганми, бува?

— Уқланган-у, болам... — Чол орқасига тисарилди, — мен, мен... Ло иллоҳо иллоболо!..

— Утинг деяпман сизга! — ўшқирди ёш мелиса, — «Иллоболо» дейди-я!

Чол ҳуркиб-ҳуркиб машинани айланиб ўтди. Милтиқнинг оғзини менга қаратди.

— Қани, оёқни ошир! Мана бу ерга қўй.

Ёш мелиса оёқ қўйишим лозим бўлган жойни кўрсатиб, ўзи орқага чекинди. Қалти-

рай-қалтирай оёғимни оширдим. Пайпаслаб зинани топдим. Ерга тушганимдан сўнг, ёш мелиса кўчанинг чап томонини кўрсатди.

— Қани, бу ёққа! — деди. — Сотволди ака, сиз олдинга ўтинг. Носир бува, сиз дўконингизга чопинг.

Олд-ортимда миршаблар, бир қатор бўлиб мелисахонага кириб бордик. Чортоққа кеп қолибмиз. Мени чоғроқ хонага қамаб қўйишди. Тонг отгач, меҳмондўстликни қаранги, роса овқатлантиришди, чой ичиришди. Кейин сўроққа тутишди...

Учинчи куни менга кула-кула жавоб беришди. Ҳалиги мелисалар кўп доно, кўп саховатли одамлар экан. Уст-бошимни ҳам бут қилиб беришди. Оёғимда жағи кўчган қишлоқ ботинка, бошимда соябони узилиб кетган эски шапка, эғнимда елкасига ямоқ тушган чит кўйлак, почаси тиззадан келадиган калта шим. Қўлтиғимда чойшабга ўралган кўрпа. «Наманган қайдасан?» деб йўлга тушдик-ку. Оҳ, ўшанда кўрсангиз эди турки-тароватимни!..

Ҳа, айтмоқчи, шофёр боланинг тақдири нима бўлди, демоқчисиз-да? Боласи тушмагур ўшанда мени жин ёки мурда деб ўйлаб, кўрққанидан лабларига учуқ тошиб кетибди!..

Кўрдингизми, «обизамзам»нинг «шарофати» билан бир бандаи муслмоннинг ҳам юрагини ёраёздим. Аммо меҳмонхона аҳлини қаҳқаҳа уммонига фарқ қилиб юбордим. Ҳар куни текин кулги. Бора-бора алам қилди. Утмишимни тарих бисотига қулочкашлаб улоқтирдим-да, отнинг бошини шартта қишлоққа бурвордим. Ризқимга яраша бир хўплам-ярим хўплам топилар-ку шу ёқларда ҳам...*

ИККИНЧИ БОБ

Бир ҳисобдан, қишлоққа қайтиб чакки қилмаган эканман, «мўйсафид» билан сунрукасига «ошначилик қиладиган» бирорта ҳам шоввоз қолмабди бу томонларда. Бири бутилкадан пича чимқинган бўлади-ю, қуённинг уйини мўлжаллаб қолади. Бири «жигарим чатоқ» дейди — чап беради. Бири қон босимини ўртага солади — ўзини олиб қочади. Меҳмонига залворлироқ қадаҳдош зарур бўлиб қолгудай бўлса, мени қидиришади. Сершиша дастурхон тепасида маза қилиб ўтираман. Мезбонга сипқариш бўйича ўринбосарлик, меҳмонга соқийлик қиламан. Куламан, кулдирман, ичман, ичираман. Нима қиламанки, мезбоннинг ҳожатини чиқариб, дуосини оламан.

Авваллари «халқаро аҳвол» тоза расво, — шу ичкилик тушмагурнинг «шарофати» туфайли кичкина бола ҳам менга қўлини бигиз қилар эди. Бир ҳодиса сабаб бўлди-ю, булар барҳам топди.

Кунларнинг бирида қишлоғимиз дўкончиси Аливой ака қақариб келди. Ипакдай майин. Ҳайрон қолдим. Доим гердайиб юрадиган, насияга шишанинг думини ушлатмагани етмагандай, «дўкон ёнида ичиш мумкин эмас», дея дағдаға қиладиган бу баттолга нима бўлди? Дўкончи аҳволимни астойдил суриштирди. Мақтади. Ичкиликка қолганда филнинг бардошио шернинг қудратига молик эканимни таъкидлади.

— Хўш, тинчликми, Аливой ака? — дедим.

У дардини тўкиб солди. Санитарлар дўконини ёпиб қўйишибди. Аливой ака маломатга қолишдан чўчиб инспекторнинг оёғига бош ургудай бўпти. Ялина-ялина уйига олиб келибди. Дастурхонга шишаларни териб ташлабди. Афсуски, инспектор йўлга юрмабди. Ичирмаса бўлмас, Аливой аканинг кўнгли таскин топмас экан. Ичириш учун эса, уddaбурон улфат керак экан.

— Биласан, ўпкам ямоқ, зўрға юрибман, — зорланди Аливой ака, — Ярим томчи-ям ютолмайман. Мен ичмасам, у ҳам ичмаяпти. Бормасанг бўлмайди. Эпинг бор, кулдир, ич, ичир, мурасага келтир.

Пиянистанинг табиати нозик бўлади. Аливой ака буни назар-писанд қилмай, дилимни такрор-такрор вайрон қилган. Шуни эслаб «йўқ» демоқчи бўлдим-у, бироқ айрим жиҳатларини назарда тутиб юмшадим. Аливой ака уйига етгунча йўл-йўриқ кўрсатиб борди. Инспектор ёшгина бола экан. Ишни «бошладим». Аммо сира эпақага келмайди-да зумраша! Қадаҳ сунаман, олмайди, ёлбораман, унамайди. Аливой ака пинҳона ияк қоқишини қўймайди. Икки ўт орасида қолдим. Шунда майнавозчиликни ишга солдим. «Инсон тақдири» филмидаги Соколовга тақлид қилдим. «Йигитнинг арслони биринчи қадаҳдан сўнг закуска қилмайди. Йигитнинг зўри...» «Закуска»сиз уч марта «кўтардим». Аливой ака «ҳа, бўл» қилиб турибди:

— Ҳақиқий хўроз йигит бу! Ошқозони заводдан чиққан, домна печни бир чўқишда қочиради.

Инспектор завқланиб кулди ва ниҳоят мен бошлаган йўлга «бурилди». Кейин нима бўлди, билмайман. Уйғонсам, уйимда ётибман. Туфлининг ипига заркокилдай бежирим тугун тушган экан, чигалнинг учини тополмай хит бўлиб ўтирсам, Аливой ака келиб қолди. Иши олдинга «ғилдирабди» шекилли, миннатдорчилик билдирди, касб-коримга кушойиш тилади. Сўнг тўртта «Тўқсон беш» отли чойни сўрига қўйиб, изига қайтди.

Бор гап шу эди, Аливой ака унга либос кийдириб, чойхонада сўзлаб берибди. Пиво, ароқ ва винони омухта қилиб ичганим ҳам, минерал сувини ижирғаниб ичиб, орқасидан

коньякни закуска қилганим ҳам қолмабди... То мени уйга тележкада элтиб қўйганигача гапирибди. Эртасига ёстиқдан чошгоҳда бош кўтарган эдим. Аливой ака унга ҳам «пича тузатиш» киритибди.

— Оғзини воронка қилиб салкам бир пақир ароқни ичворувди. Азонда учрашсам, ҳеч нарса кўрмагандай, ўқланган милтиқдай қотиб турибди, — дебди. — Сортовой пияниста деб мана буни айтади, — дебди.

Чойхўрлар ёқа ушлаб қолишибди. Бўлғуси миқозларим эса енгил тортишибди. Шундан кейин Аливой аканинг «илғор иш услуби» ва бизнинг ошқозон оғизга тушиб кетди. Исмим «сортовой»га айланди. «Бюортмачи» болалай бошлади. Бировникига шишабоп меҳмон келади, унга улфат керак бўлади — бизнинг ошқозонга юмуш топилади! Бировнинг кимгадир иши тушади, бизнинг ошқозон яна хизматда...

Олдинлари бу зормандага хоҳлаган вақтимда, исталган ичимликни бемалол қуяверар эдим. Бора-бора маҳаллага қарам бўлиб қолдим. Бу хусусда маҳалла оқсоқолидан махсус кўрсатма ҳам олдим.

— Узбошимчалик қилмайсан, — тайинлади оқсоқол. — Фақат маҳалланинг эҳтиёжи буйича ичасан. Кўпчиликнинг хизматини қилсанг, кам бўлмайсан. Хизматнинг ёмони йўқ, биров маҳалланинг ошини пиширади, биров кўчасини супуради...

Сезиб юрибман, колхозга меҳмон кўп келади. Раисимиз Соливой ака қув одам. Биладик, бировнинг кўнгли кўнгилхушлик билан, бировники ичкилик билан обод... Соливой ака ошқозонини кўз қорачиғидай асрар, шу туфайли иккинчи тоифа меҳмонни хушнуд этишда андек қийналар эди. Идора ходимлари юрак олдириб қолган, меҳмонга дастурхон ёзилди дегунча қочворишар, меҳмон эса, «ёлғиз отнинг донғи чиқмас» қабалида оёқ тираб туриб оларкан. Хуллас, раис мендай пухта ичувчи ва ичирувчига эҳтиёж сезиб юраркан. Узунқулоқ гапларни эштади-ю, ҳушёр тортади. Дарҳол одам юборади. Ҳавотирланиб идорага келдим. Авваллари мени кўрса, Соливой аканинг қовоғи осилиб кетарди. Бу гал очиқ чеҳра билан кутиб олди. «Ҳа, Сортовой», деб кулиб ҳам қўйди. Кейин вазифамни тушунтирди.

— Ошқозонингни колхоз юмушидан бошқа ишга юрдирмайсан, — деди охирида. — Боғбоннинг ёрдамчиси сифатида иш ҳақи оласан.

Шу тариқа мени буткул «ўзиники» қилиб олди. Меҳмон келгани ҳамона «Волга»сида дарвозамга салом бериб туради. Ноз-неъмат раисдан, меҳмонга бир амаллаб мўлроқ ичириш мендан. Ҳа, дарвоқе, эртасига ошқозоннинг «ашула»сини ва янгангизнинг «дийди»сини тинглаш ҳам бор. Агар меҳмон қадаҳ кўтаришни хоҳламаса, Соливой ака қўлини кўксига қўйиб илжаеди.

— Соғлигингиз жойида, олинг, — дейди меҳмонга. — Бизга узр. Ошқозонимиз операция устали мурувватидан икки марта баҳраманд бўлган. Қатрон қиялпмиз. Бўлмас-ю... Косалаб ичган вақтларимиз ҳам бўлган. Қани, олинглар, оқ бўлсин. Ҳа, баракалло, баракалло. От билан туя бўлармиди, ҳазми таом-да.

Меҳмон Соливой аканинг ҳам ичишини қатъий талаб қилса, раис найрангга ўтади. Дастлаб соқийликни мендан тортиб олади. Учовимизнинг олдимизга иккитадан бўш пиёла қўяди. Уларнинг бирига ичкилик, иккинчисига минерал сув қўяди. Сўнг меҳмоннинг кўзини шамғалат қилиб, ароқли стақанини менинг сувли стаканимга алмаштириб олади. «Қани, қани», қилиб кўтарамиз. Раис ёлғондан «вой-вой»лаб сувни сувга закуска қилади. Мен шўрлик ароқ кетидан ароқни закуска қиламан. Шу равишда «ароқ»ни Соливой ака ичади, спирт ўлгур бизнинг ошқозонга қуйилади. (Ўзиники гўё ноёб идиш, спирт тегса, сири кўчиб кетади)

Раис қалтис синовлардан кейин бизнинг ошқозонни «домна печ» деб атайдиган бўлди. Менбоп меҳмонга рўпара қилишдан олдин ярим қадоқ думба ёғи билан сийлайди. Бундан ташқари омбордан уйга гуруч, макарон, ун-пун обкетиб ҳам тураман.

«Домна печ» хизматдан безиллаб қолган эди, санаторийга элтиб «тоблатди». Лекин ўзим жонли гувоҳ (мен ҳам бирга борган эдим-да), тўрт ҳафта давомида «домна»га спирт зотини йўлатмади.

— Ана энди биринчи класс «домна» бўлди. Унга сифат белгиси берса ҳам бўлади, — Соливой ака қорнимга меҳри жўшиб қаради. — Лекин биринчи класс экан деб ким нима қўйса, кўнавермагин. «Левий»га умуман юрмагин. Сортовой деган номинг бор.

— Хўп, — дедим. Бироқ, юрмай бўладими «левий»га. Бу ёқда ҳожат деган гап ҳам бор. Мана, масалан, бева холам. Заводдан ғишт сўраса бермабди. Нима қилиш керак? Заводнинг кўнглини овлаб холамга ёрдам бермасам, инсофдан бўлмайди. Холамнинг тугунини қўлтиқлаб, бордим. Завод директори билан узоқ лақиллашиб қолибман, рицеп тўла ғишт мендан олдин қишлоққа етиб келиб холамнинг ҳовлисига тушибди. Завод бошлиқлари шаънига офаринлар айтдим. Аммо бир ҳисобда, олқиш увол кетади уларга. Негаки, минг жуфт ғишт эвазига олти червон тутқаздим. Боз устига икки «мўйсафид»ни пок-покиза туширишдик. Улардан нима кетди, акт номли аждаҳ бор. Юз минг ғишти бир «ямлайди», «фалон минг ғишти сув босиб нобуд бўлди. Мунча минг дона ғишт хумдонда эриб кетди...» Тупроқ — сув текин. Қоғознинг тилсизлиги барчага равшан.

Эртаси куни матлубот жамияти омборининг қоровули келди.

— Тез тегирмон бошига етиб борар экансан, — деди. — Мудир тайинлади.

— Қайси мудир?

— Валиев-да!

Қоровулнинг айтишича, ўтириш соҳибларидан иккитаси мени нишонга олиб, йигирма беш сўмдан гаров боғлашибди. Ярим литр «Экстра»ни косага қуйиб бир кўтаришда «отиб» юборсам, Валиев ютар экан. Нима қилдим энди? Бу ёқда «домна» ҳордиқ талаб, деворлари ҳилвираб оғрияпти. Бормасликнинг яна иложи йўқ. Валиев баъзан камёб моллардан ўз нархида топиб бериб туради. Ҳатто, химчисткадан чиққан костюмимни янгисига, бузуқ телевизоримни оҳори тўкилмаганига алмаштириб берган. Бордим. Эртасига қарасам, чўнтакда қовурғаси синмаган иккита йигирма беш сўмлик турибди.

Кечки пайт сабзавотчилик бригадири йўқлаб келди. Қўлида шиша тўла қизил сўмка.

— Аканг айлангур Соровой, экинларим чанқаб қовжираб ётибди. Тўғон қоровулини бир инсофга келтириб бермасанг, ҳосилсиз қоламан, — деди ялинчоқ товушда. — Биласан, юракнинг мазаси йўқ...

— «Домна» банд, қўли тегмайди, — демоқчи бўлдим-у, ўйланиб қолдим. Ахир кузда бир-икки қопдан сабзи, пиёз берса, тешиб чиқармиди! Бир-икки қоп нима экан, ўн қоп берганда ҳам колхознинг хазинаси камаймайди. Пайкалда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб туриб, тарозидан ўтказишмайди, ҳеч қачон. Шу боисдан ўн тонналаб сабзавотни четга элиб сотворишади.

Етаклашиб тўғон бошига кетдик. Тонг маҳали кўзимни очсам, тўғон сўрисига ётибман. Оёғим қоровулнинг қорнида. Аста қўзғалдим. Бригадир тунда ғойиб бўлганича, қайтиб келмабди.

Тўғондан қайтишда бригадирни учратдим. Оғзи қулоғида.

— Беш, беш! — деди у елкамга қоқиб. — Капсанга қарз бўлдик.

Мамнун илжайдим. Бироқ, Солиной ака бу кайфиятни бир ондаёқ тилка-пора қилиб ташлади. Оқшом менбоп меҳмон келган экан. Раиснинг «Волга»си уч қур бош урибди дарвозамга — йўқмиз. Раис ноилож хашаки ичувчиларни ҳашарга чорлаб, аранг ишини битказибди.

— Колхозчиларнинг меҳнат минимуми бор. Сенинг ҳам, — деди у ҳовридан тушгач. — Сен шу минимумни бажармаяпсан, Соровой! Агар тагин «левий»га юриб «домна» хизматини суистеъмол қилсанг, аяб ўтирмайман. Қонун бўйича дабдалангни чиқарвораман! «Домна» ҳамиша боевой ҳолатда турсин. Колхознинг оғирини енгил қилишга яраса ҳам етар!..

Ёт кўчага кирмасликка ваъда бердим. Аммо, иложи йўқ-да! Биров қош, биров кўз — кўнгил бўлмайди.

Оқсоқол ҳам уришиб берди.

— Маҳалланинг обрўси бўлиб турибсан! Бошқа ёқларда нима бор? Маҳаллада сендан бошқа абжир йўқлигини билмайсанми? Бунақада «домна»ни чарчатиб қўясан-ку! Ошқозонинг касал бўп қолса қаёққа югурамай!

Эрталаб раис чақиртирди.

— «Домна»нинг аҳволи қалай? — сўради.

Кечаги «левий»нинг «ҳузури»ни сураётган эдим. «Домна» оғриётган бўлса-да, бош бармоғимни кўрсатдим.

— Вот, пўлатни эритишга қодир!

— Маладес! — елкамга қоқди Солиной ака. — Индинга сенбоп меҳмон келади. Болта қассобга тайинлади. Йулиқсанг, думба ёғи беради. «Домна»ни тобга келтир.

Кечга яқин «домна»га «ишлов бериб» турсам, Анзират хола келди. Дарров фотиҳага қўл кўтарди.

— Илоё омин, бахтимизга ошқозонингнинг боши тошдан бўлсин, облоҳу акбар. Гап бундай, холанг айлангур. Невара куёвим келган эди. Биласан, ҳозирги ёшлар но-зиклашиб кетган. Дастурхоннинг бурчагида шу ер юткур шиша турмаса, қўй сўйсанг ҳам ёзилмайди пешонасининг тириши. Қўйсам, ичгани уяляпти. Бир кириб...

Гапини бўлдим.

— Заказ бор, хола.

— Туғилганигда суянган эдик. Бир мартагина ишим тушса-ю!..

— Унақа кўрнамаклик қилманг-да! Юбилейингиздаги хизматим эсингиздан чиқдим!

— Ҳа, у хизматингни тўёна қилгансан. Жонингдан садақа. Йўқ дема, болам, савоб бўлади.

Раисни рўқач қилдим. Кампир хомуш тортди.

— Раисга ўрдир қилдириб келсам кирасанми? — деди.

Ана холос!

Кампирнинг қуёви-ку, гўл, нимжон бола экан, бир зумда кўзи ғилай, оғзини баймоқ қилиб ташлади. Баъзан чайир ва забардаст қадаҳдошларга дуч келаман, «белини буккунча» Азроилнинг меҳрини қозонай, деб қоламан. Эҳтиёт қисмлар мағазинида сотилса экан, қирқинчи размерли ошқозон харид қилиб белимга маҳкамлаб

олсам. Ундай десам, бошқа «қисм»ларнинг фарёди ҳам кўкка етиб ётибди. Ичкилик курғур одамнинг этига ўч бўлар экан, гўшти шилиб, терини суякка ёпиштириб ташлади.

Бу ёқда тенгдошлардан хижолат чекаман.

— Биз ҳам «домна печ»дан бирон марта фойдаланайлик, барака топкур, Сортвой, — деб қўйишади. Ҳар гал ваъда беришдан нарига ўтолмайман. Меҳмону буюртмачининг кети узилмайди.

— Сортвой, эртага колхозга меҳмон келади...

— Чоршанба куни кичкина дастурхонимиз бор, бирга баҳам кўрсак...

Йўқ десам — гинахонлик.

— Маҳалладан қарзимиз йўқ эди-ку!..

— Мазам йўқ, ошқозон ярамайди, — илтижо қиламан йиғламсираб.

Харидорим лабини буриб ўпкаланади.

— Ҳа, бизга қолганда шунақа экан-да!

Қиналиб кетдим. Сўнг шартта ошқозонни олдим-да, ҳайё-ҳуйт деб ўзга юртларга қочиб юбордим. Анчагача маҳалла мулкани кўтариб дарбадар қочоқ бўлиб юрдим. Тирикчилик тагин эски аслига тушди. Тунаш жойим — меҳмонхона. Кундузлари одамларнинг рўзгор юмушларига қарашаман — бир стакан-ярим стаканга яраша пул топанман. Ахир, нафс ўлгур ўз ҳолимга қўймаса, додимни кимга айтаман! Хайр, шуниси га шукр, дейман. Аммо, ҳамиша хавф-хатар чанғалидаман. Ахир, ошқозон ўғриси сифатида қидирув эълон қилишса, унда нима бўлади. Тўтиб олишиб, маҳалла буюмини ўғирлашда айблаб судга оширишса-чи?

Йўқ, хайрият, ундай бўлмади. Лекин, укам излаб келди. Етаклашиб уйга қайтдик. Ана энди, «беш-тўрт кун роса «тортадиган» бўлдик десам, қаёқда! Янгангиз қайноғасини ўқланган замбаракдай қилиб қўйган экан чоғи, солдати тушмагур сира шиша зотига яқинлаштирмайди-да! Бу ҳам етмагандай, бир куни мени машинага босиб, шаҳарга олиб кетди. Аллақанақа шифохонага топшириб юборди, бемехр! Э, воҳ! У ердаги воқеаларни мен айтмай, сиз эшитманг. Олти ой деганда чиқдим ўша дўзахсифат даргоҳдан. Бироқ, қуруқ чиқмадим, янги «дард» орттириб чиқдим. Яъни, бўш шишани кўрсам ҳам ўқийдиган бўлиб қолдим.

УЧИНЧИ БОБ

Оламга номуборак дақиқада келган эканманми, билмадим, бахти қоралик менга кўп йўлиқади. Бир йўлиққанда нақд ўттиз саккиз червонимни шилиб олди, исқоти! Ёз эди. Тонг пайтида ширин уйқуда ётган эканман, кимдир ҳадеб турткилайди!.. Кўзимни очсам, янгангиз...

— Туринг, дадаси, туринг! — дейди лаби-лабига тегмай. — Шўримиз қуриб қолди!..

— Нима! — сакраб ўрнимдан турдим.

— Қўйлар қўтондан чиқиб, хамирни... Бир тоғора хамирни еб, сув ичиб...

Ярим яланғоч ҳолда қўтон томонга югурдим.

— Бу ёқда! — янгангиз ариққа ишора қилди.

Кескин бурилиб, ариқ томонга чопдим. Э, воҳ! Икки бўрдоқи ариқ ёқасида тўнтарилиб ётарди! Оёқлар осмонда, қоринлар ноғора, ёриламан дейди! Иккови ҳам инқиллайди, тўлғанади!..

Орқамдан ҳаллослаб янгангиз етиб борди.

— Энди нима қилдик? — дедим чўғ устида тургандай бетоқат бўлиб.

— Қассобга чопинг, — амр қилди янгангиз. — Кейин молдўхтирга! Йўқ, олдин молдўхтирга, кейин қассобга! Тез! Тез!

Мол аччиғи — жон аччиғи! Югуриб юриб кийиндим. Эҳ, велосипед лаънатиям бузққ эди-ку! Қўшни Сотволдиниқига ғизилладим. Воқеани айтдим.

— Шунга тезда молдўхтир билан қассобни матасекилингизда обкелиб беринг! — дедим ўпкама оғзимга тиқилгудай бўлиб. — Илтимос, қаттиқ илтимос!

— Бажонидил эди-ку, — қўшним афтини буриштирди. — Оёққа чипқон чиққан, бир ҳафтадан бери матасекил минолмаяпман.

— Э, дарҳақиқат... кечирасиз...

Қўшним оқсоқланганича уйга кириб кетди. Ҳайрон бўлиб турган эдим, зум ўтмай қоп-қора жажжи матасекилни потиллатиб етаклаб чиқди.

— Манг, — деди, — ўзингиз бориб келақолинг!

Ҳайратдан кўзларим катта очилиб кетди.

— Ие, нималар деяпсиз? Ахир, умримда минмаганман-ку?

— Э, валасепидни эплаган одам буни ҳам эплайверади.

— Йўф-э!..

— Нима «йўф-э!» — Қўшним матасекалнинг мурватларини бир-бир кўрсатди. — Мана, мановини мундоқ қилиб, мановини мундоқ қилсангиз, аста юра бошлайди. Манавини қаттиқроқ боссангиз, тезлайди, кейин...

Қўшним борини тушунтирди. Бироқ, яқинлашишга юрагим бетламасди. Нима

қилсам экан? Бу атрофда бошқа улов йўқ. Пиёда чопқилласаммикан? Йўқ, бориб келгунимча, қўйлар «саранжом» бўлади!..

Икки бўрдоқи, ўттиз саккиз червон! Мол аччиғи — жон аччиғи! Таваккал қилиб, эгарга ўтирдим. «Мундоқ-мундоқ» қилиб, юргиздим. «Мундоқ-мундоқ» қилиб, тезлигини оширдим. Жонивар, нақ йўрғалаб кетди.

— Ҳаҳ, шу экан-ку! — Ўйлайман кўнглим алланечук равшан тортиб. — Ҳозир бориб молдўхтирни олиб келаман — вассалом!..

Айтмоқчи, нимасини нима қилса тўхтар эди бу матоҳ? Йўлнинг текисроқ жойига келганда, рулдаги мурватларга кўз югуртириб чиқдим. Аммо тўхтайдиган мурватини фарқлай олмадим. Юрагим «шув» этиб кетди. Аканг қарағай, боя таълим олиш чоғида матасекилнинг «нимасини нима» қилса юришини ўрганибди-ю, «нимасини нима» қилса секинлашини, яна «нимасини нима» қилса, тўхташини дурустроқ уқиб олмабди! Эҳ, пишмаган хом калла!

Уз ўйларим билан бандман. Матасекил елдай учиб боряпти. Ҳаш-паш дегунча молдўхтирнинг дарвозасидан ўтиб, далага чиқиб кетдим. Энди нима қилсам экан? Мурватларини «мундоқ-мундоқ» қилиб кўрсаммикан? Йўқ, асло! Ахир, секинлатаман, деб бир нима бўп кетсам, ҳолим не кечади?

Бу ташвишлар етмагандай, бурнимнинг учи бир қичийди, бирам қичийдики! Қўлни бўшатиб, қашлаб олишга сира-сира юрак йўқ! Бошни у ёқ-бу ёққа ҳам буролмайман, икки кўзим йўлда!

Ахйир йўл тўртинчи бригаданинг дала шийпонига етдим. Шийпон олдидаги хирмонни айланиб орқага бурилдим. Қишлоққа кирдим. Молдўхтирнинг дарвозасига етганда, қаттиқ қичқирдим.

— Икромов ака! Ҳў, Икромов ака!..

Икромов ака товущимни эшитдим, йўқми — шамолдай ғувиллаб ўтдим-кетдим. Нарироққа борсам, қассоб бува йўл ёқасидаги ариқда юз-қўлини ювяпти.

— Қассоб бува! — бақирдим. — Ҳовлига боринг, қўй чатоқ!..

Дам ўтмай қишлоқдан чиқиб кетдим. Кенгроқ жойда қайрилиб, яна қайтдим. Ҳовлимизга яқинлашаётганимда кўрдим — янгангиз билан қўшним шошилиб уйга кириб кетишяпти. Демак, иш янада чаппасига кетибди.

— Сотволди! — дея бақирдим. — Қаерини бурса тўхтайди!

Сотволди турган жойида қотиб қолди. Кейин нима деди, нима қилди — билолмадим. Бир маҳал қассоб буванинг ҳовлисига етиб қолибман. Қассоб бува артиниб турган экан.

— Ҳали нима дединг, Каримжон? — деди.

— Пичоқни олиб уйга боринг! — қичқирдим. — Қўй чатоқ!..

Кўчада битта-иккита одам ўрмалаб қолган эди. Зокир тракторчи кўриниб қолди. Унинг рўпарасига етмасдан:

— Зокир ака, қаерини бурса тўхтайди? — дедим.

Аммо Зокир аканинг жавобини англамадим, «зув» этиб ўтдим-кетдим.

Нарироққа борсам, йўлнинг қоқ ўртасида икки кампир типпа-тик туриб гаплашишяпти. Жон-поним чиқиб кетди.

— Қочинглар! Қочинглар! — бақирдим бор овозим билан. Дарвоқе, «қаерини бурса» бибилайди? Кампирлар чўчиб кетишди ва ўзларини дарров четга олишди.

Молдўхтир ҳалиги қакирганимда овозимни эшитган эканми, кўзи олазарак бўлиб, дарвозаси ёнида турибди. Рўпарасига етай деганда:

— Уйга боринг, қўй касал! — дедим ва ўқдай учиб ўтдим-кетдим.

Қовун юкланган эшак аравани «пўшт-пўшт!» дея қувиб ўтиб, яна бояги хирмонга етдим. Бир айланиб, изимга қайтдим. Қассоб бува, афтидан, бизникига кетаётган экан, мени кўриб қўлини кўтарди.

— Тўхтат, мингаштириб кет!

«Вой отахон-эй, тўхтат эмиш-а», дейман ичимда. Тўхтатишни билсам шу қўйларга тушармидим!

Кўча эшигимиз ёнида талвасага тушиб Сотволди турарди. У матасекилни қандай қилиб тўхтатиш мумкинлигига ишора қилар, нимадир деб бақирарди. Лекин унинг ҳаракатларидан ҳеч нарса англай олмадим. Яна қишлоқдан чиқдим. Аммо тагин қишлоққа қайтишга юрагим дов бермайди. Чунки, қуёш чиқиб, кўчада одам кўпайиб қолган. Энди нима қилдим? Эшакка «иш» десангиз, дарҳол тўхтайди. Отга эса «дрр!» дейиш кифоя. Бу мохов унақа буйруққа кўнмаса!.. Эгардан сакраш — ажал билан ўйнашишдек гап! Бензини ҳам адо бўлақолмайди маразнинг!..

Дала тугаб, Чўли Акбар қишлоғига кирдим. Бир гуруҳ йигитлар қарши томондан келмоқда эдилар. Орадаги масофа йигирма қадамча, қолганда, иягим билан матасекилга ишора қилдим:

— Қаерини бурса тўхтайди?

Йигитлар бир сўз дейишмади, елка қисиб қўя қолишди.

Йўлни чўлга бурдим.

...Чўлга киргач, ўзимни анча эркин ҳис қила бошладим.

«Мана, кенг жойга чиқиб олдим, — ўйлайман кўнглим сал таскин топиб. — Бу ёқда ҳозир одам ҳам, машина ҳам йўқ. Бемалол юриб, бензинни тамомлайман. Кейин... «Аммо бу бензин дегани қачон тугайди? Шўргинанг курғур Каримжон ҳожи тагин неча соат пойга чопади? Бу ёғи қоронғи эди!..

«Баттар бўл! — ўзимни-ўзим қойийман. — Жазойи киши асов отнинг феълени билмай туриб, узангисига оёқ қўйсин!..»

Бир маҳал кимдир гапиргандай бўлди. Кўз қиримни у ёқ-бу ёққа ташладим. Унг томонимда сарғиш рангли «Урал» мотоцикли ёнма-ён кетиб борарди! Устида форма кийган ёшгина йигит — ГАИнинг одами бўлса керак.

— Ана холос, буниси ҳам бормиди! — юрагим «шиғ» этиб кетди.

Йигит «тўхтанг, ака, тўхтанг!» деди. Бош чайқадим. Йигит тезликни ошириб, мени қувиб ўтди. Мотоциклини йўлимга кўндаланг қилмоқчи бўлди. Табиийки, тўхтамадим, тикка боравердим. Йигит мотоциклини таққа тўхтатди. Йўлнинг чап қисмидан ўтдим-кетдим. Йигит ўнг томонимдан бориб, мен билан тенглашди.

— Тўхтанг деяпман, сизга! — деди.

— Тўхтатолмайман! — дедим алам билан.

— Нега?

— Тўхтатишни билмайман!

— Майнавозчиликни қўйинг!

— Ишонмайсиз-а, худо ҳаққи, тўхтата олмайман! — дедим куюниб. — Ахир ҳавасга бунақа қилиб юрибманми? У ёқда қўйларим ҳаром ўлиб ётибди! Азондан бери шу песнинг белидаман! Унқир-чўнқирларда силкинавериб, елкаларим эзилиб кетди! На тўхтади бу золим, на секинлайди!..

Йигит қаҳ-қаҳ уриб кулди. Сўнг:

— Вой сиз-эй, гап кўпга ўхшайди-ку! — деди. — Қани, муфтани босингчи.

Муфта қидириб, у ёқ-бу ёққа алангладим.

— Ана, чап қўлингиз ёнидаги оқ темир бор-ку, ўшани рул билан қўшиб ушлаб, қаттиқ қисинг. Ҳа, балли! Энди!..

Йигитнинг барча буйруқларини жон деб бажо келтирдим. Уни қарангки, тонг сарҳардан бўён вағиллаб учиб юрган касофатнинг овози тўсатдан ўчди-қолди. Аблахнинг устидан тушдим-у, «шилқ» этиб уватга чўзилдим.

Ҳа, айтмоқчи, қўйларнинг ҳоли не кечди, дерсиз. «Бахт»имиз юришиб, молдўхтири ҳам, қассоб ҳам ҳовлига ўша соатда етиб келишибди. Афсуски, қўйлар охиратга кетиб бўлишган экан.

Шу бўлдию ҳазилкашларга гап топилиб қолди. Мени кўрди дегунча, тиллари қичийди:

— Ҳа, чимпиён, галдаги пойга қачон бўлади?

— Каримжон, қани, бир айтиб юборинг, ғалтак замбилнинг қаерини бураса тўхтайдими?

Баъзан ашула бошлашади.

— Тинимсиз чопаман, жонон, ўзимни тўхтатолмайман!..

Бу гаплар бора-бора меъдамга тегди.

— Шошма, — дедим, — сенларнинг валақлашларингни бира тўла гўрга тикиб қўя қолай. Боз устига тақдир каминага бирор касб-корни раво кўрмаган, баҳонада ҳунарли бўлиб ҳам оламан.

Шу мақсадда шофёрлик курсига кирдим. Олти ой тиним билмай ўқидим. Қараб-сизки, кечаги «Сортовой» бугун қўлинг ўргилсин учинчи класс шофёри! Шундай қилиб десангиз, уч йилча колхознинг юк машинасини фидиратдим. Шофёрлик кўп ҳосиятли ҳунар экан, ўзимни ҳам, рўзгорни ҳам файзга бийлаб юборди. Янгангизнинг қувонганини айтмайсизми! Вой-бўй! Ҳазилкашлар эса, аллақачон тилини тишлаб қолди. Фақат раисимиз Солиной ака тегажқоқлигини қўймайди. Қаерда кўрса, «Ҳа, Сортовой, «домна печ» қалай», деб қўяди.

Ҳайронман, Солиной ака олдинлари ҳечам бунақа эмас эди. Кейинги пайтларда негадир шунақа ҳазил-мутойиба қилишни ҳуш кўрадиган бўлиб қолди. Тўғрисўзлимиз маъқул келадими ё қўлбола ҳангомаларим ёқадими — билмадим. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да.

ТУРТИНЧИ БОБ

Солиной ака бир сафар «домна печ»нинг аҳволини астойдил суриштирди. Сўнгра:

— Шунақа дегин! — сўради жиддий. — Демак, «домна печ»нинг хизматидан бутунлай маҳрум бўлибмиз-да?

— Ҳа, — жавоб қилдим. — «Домна печ» мана, уч йилдирки, пенсияда. Ичкилик зоти макруҳ.

Тўрт кун ўтгач, уйимга чопар келди. Оёқни қўлтиққа қисиб идорага чопдим. Қайси кўз билан кўрайки, Солиной ака «Волга»сининг калитини нақд қўлимга тутқазиб турибди-да!

— Муборак бўлсин, буюрсин.

Во ажаб, бахтни қаранг, бахтни! Хушумдан кетишимга бир баҳа қолди. Шу тариқа Қаримжон деганингиз бир сакраб «Йигирма тўрт»нинг эгарида ўтирибди-да!

Оҳ, нақадар роҳат! Эртаю кеч рулдаман. Раиснинг ёнида ўзимни вазирдай тутиб юраман. Катта-кичик қишлоқлар, поёнсиз далалар... Қаерга борсак, иззат-икром. Колхоздан четга чиқсак яна маза. Бошлиқлар бирор идорага ёки йиғилишга шўнғиб кетишади. Сен эркин қушсан. Хоҳласанг, газета-журнал варақлайсан, истасанг, шофёрлар билан ўйнайсан, валақлашасан...

Баҳсга келганда Азимга тараф йўқ. Азим қўшни «Коммуна» колхозидан. Раиснинг машинасини минади. У билан ҳарбий хизматда юриб танишганман. Улардай мақтанчоқ. Қўли бўшади дегунча, бизнинг командирни ерга уриб, ўзиникини осмонга чиқариб қўярди. Энди раисини мақташга ўтибди.

— Шофёрлик тилло касб, — мақтанди у бир гал. — Хўжайиним эса, бамисоли гавҳар. Даргоҳи кенг, дарё. Уйига нимаики келса, оқаваси бизнинг хонадонга бориб тўхтайдди. Дон-дун, ем-хашак, сабзи-пиёз, мева-чева... Бирортасини бозордан сотиб олмайман. Раисим зўр-да, аммо сеникининг мазаси йўқ. Калтафаҳм, зиқна.

Жаҳлим чиқди, шартта узиб олдим.

— Ўзингники калтафаҳм!

Шу-шу бўлди-ю, раислар хусусида баҳсимиз бошланиб кетди. Ҳафта сайин марказга борамиз. Раисларимиз мажлисга киришади. Биз енг шимариб баҳсга тушиб кетамиз.

Июлнинг охирларига Азимларнинг колхозига бизнинг колхоздан ўзаро текшириш бригадаси борадиган бўлди. Бордик. Мезбонлар бизни колхоз чегарасида кутиб олишди. Азим мени илиқ қарши олди. Бир пачка филътрли сигаретани зўрлаб чунтагимга солиб қўйди. Сўнг:

— Оббо сизлар-эй, тажриба керак бўлмаса, келмайсизлар-а, биз томонларга, — деди гугурт чақаётди. — Майли, ишларимизни кўринглар, ўрганиглар. Олиб кетганларинг билан тугаб қолармиди тажрибамиз?

Бу гап менга малол келди. Азимни узиб олмоқчи бўлгандим, Соливой ака чақириб қолди.

— Сенинг тажрибангга зор эмасмиз, — дедим бурилиб кетаётди.

Жаҳл билан машинага газ бердим. Қишлоққа кириб боряпмиз-у, ҳануз Азимнинг гапига ғижинаман. Лекин, бир ҳисобда Азимнинг гапида жон борга ўхшайди. Кўчалар чиннидек тоза. Дарахтларга, айвон пештоқларига чўғдай қизил матолар осилган. Уларга «Хуш келибсиз, мусобақадош дўстлар!», «Намуна» колхозининг пахта усталарига алангали салом! сингари гаплар ёзилган...

Ҳаммадан ҳам колхознинг боғи кўпроқ ёқди менга. Бизда ҳам каттагина боғ, боғ ўртасида кошона шийпон бор. Лекин, эгаси кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб ётибди. Бу ерда эса, ҳеҳ-ҳэ!.. Ҳамма нарса саришта, ҳамма нарса муҳайё.

Азим иккимиз фонтан ёнидаги скамейкада ўтириб, сигарет тутатдик. Икки кўзим атрофда. «Қойил» дейман ичимда. Азим кайфиятимни сезди чоғи:

— Раис зўр-да, раис! — деб қўйди.

Эшитмаганга олдим.

— Михайловни биласан-а, камандиримиз, — деди Азим, яна. — Бизнинг Набижон ака ҳам худди ўшанинг ўзи. Радиодан уч марта гапириб қўйган эди, мана, ҳаммаёқ икки кунда «воҳ!» бўлди-қўйди. Ҳали далага борганда, у ёқ-бу ёқни кўрганда биласан.

Овқатланиб бўлиб далага чиқдик. Бир шийпонга бориб тўхтадик. Шунақа сўлимки, худди жаннат. Меҳмону мезбон уч гуруҳга бўлиниб, учта пайкалга кириб кетишди. Соливой ака, Набижон ака, яна икки киши кунботарга бурилишди. Азим иккаламиз чой ичиб ўтирдик.

— Пахтанинг пири дейишади бизнинг раисни, — деди Азим. — Кўп одам ундан ўрганиб кетади.

— Бекор гап, — дедим шошиб, — бизнинг раисга тан бермаган одам йўқ!

— Ундай бўлса нега ўргангани келади?

— Ўргангани эмас, ўргатгани келган!

— Бўлмаган гап!

— Юр бўлмаса, орқасидан борамиз, қани, ким-кимга ўргатапти экан?

Мен ҳақ бўлиб чиқдим. Термосга яхна чой қўйиб, етиб борганимизда, менинг раисим Азимнинг раисини койиётган экан.

— Кўрдингизми, — дер эди у иккита тўкилган шонани кафтида тутиб. — Бу сувсизликнинг оқибати. Ғўзангиз сувдан қолибди.

— Жуда тўғри, — деди Набижон ака ва ён дафтарчасига нималарнидир ёзди. — Маслаҳатингиз учун раҳмат.

Азимнинг елкасига секин туртдим. Азим зарда билан бош силкиди. Йўлда давом этдик. Ғўзаси пастроқ далага кирганимизда, Соливой ака бундай деди:

— Бу ғўзаларни қўшимча ўғитлаб, дарҳол суғориш керак.

— Қимматли маслаҳатингиз учун ташаккур, — Набижон ака дафтарига яна ёзди.

— Мана бу ғўзаларни эса, — деди Соливой ака ғўзаси бўйчан пайкалга ўтганимизда, — сувдан тортиш, чилпиш лозим.

Набижон ака Соливой акага офарин айтди.

Азим жадаллаб раисларнинг ўнг биқинига ўтиб келаётган эди, югуриб етиб олдим. Аста елкасига туртиб, илжайдим. Азим олдин менга, кейин раисларга ёвқараш қилди. Лаблари қаттиқ қимтинган, юзлари қип-қизариб кетган эди. Кейинги пайкалга ўтганда, мундоқ қарасам, Азим йўқ. Орқага боқдим. Азим термосни қўлтиғига қисганича, нариги пайкалнинг ўртасига кетмоқда эди. Мен ҳам шийпонга қайтдим. Азим каравотда чалқанча тушиб тек ётар, тўхтовсиз сигарета бурқситар эди.

— Ҳа, хўжайин, — дедим кулиб, — ўрганишдан чарчадингизми?

Азим сакраб ўрнидан турди.

— Бўпти, бўпти! — деди. — Юр, ҳандалак еймиз.

Бу, назаримда таслим бўлдим, дегани эди. Раислар ҳақида бошқа оғиз очмадим. Тўртинчи кун Азим мени мулоимлик билан кузатиб қолди.

Сал ўтмай «Коммуна»ликлар бизнинг колхозга келадиган бўлиб қолди. Бошда пича ташвиш тортидим: ишқилиб «Коммуна»ликлар кулиб кетишмасин-да! Аммо бекорга ташвиш тортган эканман. Соливой ака ташкилотчиликка шунақа чаптаст эканки, ёқамни ушлабман. Шу нохуш хабар келиши биланоқ, дарров йиғилиш ўтказди. Радиодан қайта-қайта нутқ сўзлади. Бутун колхоз оёққа турди. Натижада икки кунда барча иш саранжон-сарийшта бўлди-қўйди. Кўчалар бамисоли чинни. Қизил алвонлар, шоҳона безатилган шийпонлар, боғ ўртасида устига оқ дастурхон ёзилган столлар...

Меҳмонларни эртага эрталаб колхоз чегарасида кутиб олишимиз лозим эди. Ухлаб қолишдан чўчиб, кечкурун радиокарнаини бошимга қўйиб ётдим. Азонда «Онам дерман» уйғотиб юборди. Ашула тугагач, Соливой акамнинг таниш овози эшитилди.

— Эълон эшиттираммиз. Кеча хабар берилганидек, бугун колхозимизга «Коммуна» колхозидан меҳмонлар келишади...

Сапчиб ўрнимдан турдим. «Эълон» деяпти, демак, оз гапирса керак. Оббо, кечикмасам яхши эди. Аммо «эълон» деб бошланган эшиттириш баъзан узундан-узоқ нутуққа айланиб кетади-ку! Дарҳақиқат, шундай бўлди. Машинани эшикка кўндаланг қилганимда, раис «эълон»ни яқунланаётган эди:

— Шундай, меҳмонлар келиб-кетгунча, ҳамма иш батартиб бўлсин. Кимда-ким колхозга гап теккизадиган бўлса, кейин ўзидан кўрсин!..

Меҳмонларни катта йўлда қарши олдик. Азимга филтрли сигарет тутдим. Бизнинг ишлар Азимга ёқди. «Беш-беш!» деди. Тан олгани учун ортиқча писанда қилиб ўтирмадим. Бироқ, бунинг тагида гап бор экан. Далага чиққанимизда, Азим термос қидириб қолди.

— Ҳа? — сўрадим.

Азим бир кўзини айёрона қисиб кулди.

— Раис бувалар сувсираб қолишмасин...

Термосга яхна чой тўлғазиб раислар ордидан эргашдик. Ғўза оралаб кетдик. Соливой ака Набижон акани ғўзаси бўлиқ пайкалга бошлади. Аммо Набижон акага бу ғўза ёқмади.

— Серсув қилиб юборибсизлар, — деди. — Сувдан тортириб, зудлик билан чеканка қилдириг.

— Маслаҳатингиз учун катта раҳмат, — деди Соливой ака ва ён дафтарчасига нималарнидир ёзди. Кейин бригадир Собир акага қаради. — Эшитдингизми, нима қилиш керак экан?

Азим елкамга туртиб илжайди. Қулоғимга шивирлади:

— Қалай, кимнинг раиси зўр экан?

— Ўзи ҳам яхши билади буни! — дедим жеркиб.

Азим тағин кулди.

— Билса, нега раҳмат айтяпти, нега ёзиб оляпти?

Энсам қотиб, жавоб бермадим. Термос бўшагунча, Соливой ака Набижон акага яна тўртта раҳмат инъом қилди. Азим тўрт марта елкамга туртиди.

Паст бўйли ғўзалар ичига кирганимизда, Набижон ака Соливой ака билан Собир акани койиб берди. Сўнг:

— Буларга қўшимча ўғит солдириб, сув бердириг! — деди.

Соливой ака дафтарчасига ёзар экан, бирор лазиз таомнинг таъмини олаётгандай бошини чайқади:

— Оҳ-оҳ-оҳ! Офарин сизга! Маслаҳатингиз учун минг раҳмат!

Азим овоз чиқармай узоқ кулди. Жуда жаҳлим чиқди. Шартта бурилдим-да, машинамга қараб жўнадим. Ариқ ёқасида ўтирсам, Азим келди.

— Хўш, қалай? — сўради.

Индамадим. Сигарет тутди, олмадим.

— Ол, олавер! — деди жиддий. Бироздан сўнг қўшиб қўйди. — Хафа бўлма, икковимизнинг раисимиз ҳам зўр!..

Азимнинг юзига боқдим. У жиддий гапирмоқда эди. Сигарет тутатиб ўтириб, бир лаҳза ўйланиб қолдик. Кейин тўсатдан, бараварига кулиб юбордик.

— Тўғри айтасан! — кичқирдим бирдан кўнглим ёришиб. — Иккови ҳам зўр! Сенинг раисинг ҳам, менинг раисим ҳам!

Шу-шу, икковимиз раислар борасида баҳслашмай қўйдик.

БЕШИНЧИ БОБ

Солиной акага «вазир»лик қилиб юриб кам бўлмадим. Юриш-туриш — хон тахлит. Қўл узун. Шу қўл билан рўзғорни бутлаб олдим. Шу қўл билан поччамга ер ундириб бердим — иморат қуриб олди. Шу қўл билан...

Бироқ, ойнанинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу деганларидай, хотима нохушроқ кечди. Эшитасизми... Ҳа, дарвоқе, яхшиси, манави газетадан ўқий қолинг, бир тирранча қаламкаш воқеаларни ўраб-чимгаб ҳажв қилибди бизни. Редакция номларимизни ўзгартириб, дарров босиб ҳам чиқарибди. «Карим»ни «Кабир» дебди, «Солиной ака»ни — «Нусрат ака». Ҳажвияга «Хашаки мажлис» деб сарлавҳа қўйибди.

«Район фирқа кўмитасида йиғилишлар кўпинча кечқурун бўлади. Кўмига биносининг мажлислар зали деразалари алламаҳалгача ярқираб туради. Бино қошида каттагина хиёбон бор. Хиёбон ва гулзорлар оралаб ўтувчи асфальт йўлаклар енгил машиналарга тўлиб кетади. Шофёр аҳли машиналар ичида ёки неон лампочкалар остида қарта ўйнайди, ул-бул ўқийди, хашаки мажлис қуради — рўпара келган масалани айқаш-уйқаш қилиб муҳокамадан ўтказди.

Июлнинг ўша оқшомида ҳам шундай бўлди. Кеч соат ўнларга яқин ўттиз чоғли енгил машина хиёбонга йиғилди. Колхоз, совхоз ва бошқа ташкилот бошлиқлари машиналардан илдам тушиб, зина ёнида тик ҳолда доира ясади. Кимдир ичкаридан чиқиб «Кирасизлар экан» деди. Раҳбарлар остонадан ўтишди. Уч шофёр машиналарини «Ғинг!.. Ғинг!..» эттириб қаяққадир жўнашди. Қолганлари тўпланишиб, бирпас гурунглашишди. Сўнгра машиналарга, скамейкаларга бўлиниб кетишди. Ким мутолаага, ким суҳбатга, ким қартабозликка шўнғиди. Бир новча, бир пакана йигит эса гулзорлар оралаб сайр қилиб кетди.

Ҳаво ниҳоятда мусаффо эди. Тўлин ой беғубор осмоннинг қоқ ўртасида товланади. Атроф сокин. Чигирткалар чириллайди, гоҳ-гоҳида қартабозларнинг қийқириғи, қаҳқаҳаси эшитилиб қолади. Сайр қилиб юрган йигитлар айланиб келиб ўтирғичга чўкишди.

— Оҳ-оҳ-оҳ! Муздайгина экан шу ер! — деди новча йигит. — Бугун ҳаво жуда исидими, Носир? Нақд ёндираман дейди-я!

— Ҳм!.. Энди пастлади иссиқ! — жавоб қилди Носир. Кейин юлдузлар қуршовида ярақлаб турган ойга суқланиб боқди.

— Қара-я, роса тўлибдими!

— Ҳа, тўлибди, — деди новча йигит ойга тикилиб. — Айтмоқчи, Носир, туновги заказ нима бўлди?

— Қайши жакаж? — сўради Носир синчалоғининг тирноғи билан тишини ковлаб.

— Вой, хотирангга вилт тушкур, номард-эй! — новча йигит Носирнинг елкасига қоқди. — Ҳў, чинни лаган-чи!

— Ҳа, уми? — Носир четга туфлади. — Ҳали ҳам эсингдами ўша? Ҳм, лаган келмаяпти райПОга. Келсин, беш-ўнта ундириб бераман.

— Шундай қил, ошна, чойнак-пиёла, чинни коса ҳам керак. Ўзинг биласан, бу йил сингилини турмушга чиқараман. Шунга... Поя-хашак, қовун-тарвуз биздан.

— Ҳа, бултургими берган поянг! — Носир лабини бурди. — Ярим машина!..

— Ҳа, унда Собир чиноқ хасислик қилган эди-да, қурумсоқ! Бу йил бошқа бригадирдан сўрайман. Раис «Чошроқ бўлсин», деди дейман, вассалом! Бўптими!

— Бўпти!

Ошналар сигарет тутатишди. Шу пайт «Волга»дан жиккак бир йигит отилиб чиқди ва буларнинг олдига югуриб келди.

— Э, бу ёқдамисизлар! — кичқирди кафтларини кафтларига ишқаб. — Ҳеч кимдан дурустроқ сигарет йўқ! Қарасам, шу ёқда бир жуфт оловли кўз «ийлт-ийлт» қилиб турибди. Тикилиброқ назар солсам, «Орбита»нинг «кўз»лари! Кейин... Қани, кимда бор «ўлка дори»?

— Бир пайтлар сигаретни кўрсам, кўнглим айнийди, дер эдинг-ку? — гап суқди Носир. — Энди яна...

— Ҳа, икки-уч йил чекмадим. Ичмадим ҳам. Лекин, иложи бўлмади. Ахир, ҳамиша шуларнинг ичида юрганинингдан кейин...

Салим жиккак йигитга сигарета узатди.

— Ма. Доим тиланчилик экан-да сеники!

— Узр. Ҳозирча ҳаваскор кашандамиз. Қолаверса, тилаб чексанг, ширин бўлади. — Жиккак йигит сигаретни тутатиб уч-тўрт тортиди. Кейин у ёқ-бу ёққа қараб олиб

энгашди ва сирли оҳангда қаттиқ шивирлади: — Эшитдиларингми, бугун бюрода Нусрат акани муҳокама қилишар экан!

— Раисингни-я? — баравар савол ташлашди икковлон.

— Ҳа-да! Ҳў бирда айтган эдим-ку, «Нусрат акамнинг устидан юқорига ёзишяпти, райкомдан бориб текширишяпти», деб.

— У-ў!.. Ажралиб қолмасанг эди раисингдан!

— Ажралишим аниқ! Ишлар қалтис! Шикоятдаги ҳамма ёзилганлар тўппа-тўғри чиқди! Кетади! — жиккак йигит кескин қўл силтади. — Э, кетсин-э! Узим ҳам жуда безор бўлиб юрган эдим. Шунақа беъманиликлар қиладики, проста ғазабинг келади! Носир истеҳзо билан илжайди.

— Ҳо, энди ёмон бўлиб қолибди-да! Олдинлари роса мақтар эдинг-ку, «Раисим зўр! Раисим хўроз одам!», деб.

Жиккак йигит бошидан дўпписини олиб, силлиқ таралган сочини силади.

— Ҳа, у вақтларда ҳақиқатан ҳам хўроз эди-да! Бора-бора тожи тўкилиб... Айтмоқчи, зўр коньягим бор эди, обкелайми? — Жиккак йигит саволига жавоб ҳам кутмай, машинаси томонга югуриб кетди ва ҳаял ўтмай қўлтиғига шиша билан стакан қистириб келди. — Янги раисимнинг саломатлиги учун бир «отайлик». У куни тўйда ташлаб қўйишган эди машинага. Рудан тушганда жанозасини ўқиб ташларсиз деб.

Жиккак йигит буларнинг «йўқ-йўқ!» дейишига қарамай, шшшшнинг оғзини очди.

— Бюро тугагунча йўқ бўлиб кетади! — деди сўнг. — Шунақа «улуғ айём» кунларида «тортмасак», қачон «тортаминг». Тур, Носир, анови олмадан икки жуфтгина узиб кел!

Носир истар-истамас ўрнидан турди.

— Кўп беъмани феълларинг бор-да, Кабир! — дея дўнғиллаб, нарироқда қорайиб турган олма сари кетди. Шатирлатиб узди.

— Ки-им! — деган товуш келди ишқомнинг орқасидан.

— Ҳеч ким, отахон, ҳеч ким! — Бу ёқдан туриб қичқирди Кабир. — Олмангининг шохидан уч-тўртта қуш учиб кетди, холос.

Қоровул йўтала-йўтала жим қолди. Кабир қўлтиллаб стаканни тўлғазди.

— Яшавор, дўстим! — дея олмалардан бирини олиб, стаканни кўтарди. — Эски раисимнинг «қутлуғ парвози» учун!..

Кабир Салим билан Носирга ҳам зўрлаб ичирди. Сўнгра:

— Ана шунақа! — деди олма чайнаб. — Кетади, бугун албатта кетади! Узиям чарх уриб роса югурди-да! Шу... ялинади, ҳаммага ялинади! Одамнинг раҳми келади! Менга ялинганини айтсаларинг! Вой, вой, вой! Ҳаммасини биламан-да, қилмишларини!

— Сенга нима деди? — шошиб сўради Носир.

— Нима дер эди, сиру асроримни ҳеч кимга айтма, дейди-да.

— Айтдингми, айтмадингми?

Кабир чап кўзини қисиб айёрона кулди.

— Ҳеч қайсисини «айтмадим». Бу ердан борганлар мени парткомнинг кабинетига чақириб сўроқ қилишди. Ҳар баҳор чўлга яширинча шоли, даштга сабзи-пиёз эктиришини ҳам «айтмадим». Уларга кечалари минерал ўғит элиб берганимни ҳам «айтмадим». Тонна-тонна шоли ва сабзавотлар бир бозор айланиб, отнинг калласидай «муллажиринг» бўлиб келишини ҳам «айтмадим». Ферманинг «қозон»ига мушукдай бузоқча ташлаб, ҳўкиздай сўқим олганини ўзлари текшириб билишибди.

— Наҳанг бўлиб кет-э! — хитоб қилди Салим муштумини қисиб. — Ҳа, яна нималарни «айтмадинг?»

— Ҳовли-жойини кўргансан-а? — гап қўшди Носир, — Ҳў, ўғлини уйлаганда боргансан-ку, тўйига! Шоҳона! Ҳалигидақа «левий» ақчаларга тиклаган-да!

Кабир кескин қўл силтади.

— Э, қаёқда! Даладаги теракларни кестириб қурдирган. Уста ҳам, «ҳашар»чи ҳам колхоздан. Аммо, колхознинг ободончилиги хусусида тариқча бош қотирмайди. Фақат, оғизда, қоғозда «қотиради». Мана, Носир, сенинг колхозингни олайлик. Қишлоқларинг бамисоли шаҳарчанинг ўзи. Йўллар асфальт. Барча хонадонларда сувқувур. Газ! Биздачи? Кўчалар чигал ипга ўхшайди! Идора атрофи кўриқ! Клубда ҳар баҳор қурт боқилади. Бошқа пайт пиёз сақлашади! Энди, мактаб биноларини қара! Лахтак-лахтак! «Ана кетаман, мана кетаман!» деб зўрға турибди! Учта қишлоқ хануз ҳовуздан сув ичади...

Кабир тагин «отди».

— Ана шунақа! — деди кейин. — Қилвирлигини, порага ер беришини, колхозчига енгил машина сотишда навбатни чалкаштиришини, чўтал олишини райкомнинг ўзи билар экан. Бу ҳақда олдин ҳам кўп гап бўлган... Ҳў-ўш, шапалоқ «мукофот» олганимни ҳам «айтмадим».

Шу он даврага шалпангқулоқ шофёр келиб қўшилди.

— Э-ҳа, суҳбат жуда қизиқ-ку! — у скамекага ўтираётиб Кабирга қаради. — Нимани айтмадинг!

Носир икки оғиз гап билан суҳбат мазмунини тушунтирди.

— Ҳм, да! — деди шалпангқулоқ йигит. — Ҳўш, нега айтмадинг?

Носир афтини бужмайтирди.

— Э, нега айтмас экан? — деди ғижиниб. — Айтиб, ёзиб ҳам берибди ҳаммасини!..

— Ҳмм, яхши, яхши! — бош тебратди йигит. — Айтмоқчи «мукофот»ни қайси «хизматларинг» эвазига олгансан? Билсак бўладими?

— Жуда, жуда бўлади. — Кабир кўзини сузиб бош тебратди. — Шу денглар, келинойимиз ҳар куни «Волга»га ўтириб, эшикни «қарс» ёпадилар. «Кабирбой, Гултепага ҳайданг! Кабирбой, шаҳарга буринг!..» Жонимга тегди!

— Келин ойи, — дедим кунларнинг бирида. — Умид билан «йигирма тўрт» харид қилгансизлар. Ҳайдашни ўрганинг, белини қийиштириб мининг қизи талоқни, дебман. Бу гап Нусрат акамизга қаттиқроқ ботибди.

— Э, машинаси борми раисинги? — сўради Носир кўзларини катта очиб.

— Ҳа-да! — бемалол жавоб берди Кабир. — Олдинги райижроком раисининг даврида олган, йўлини қилиб. Гаражда қантарилиб турибди, ёғи артилмай.

— Об-бо номард-эй! Жуда ҳам ошиб-тошиб кетган экан-да, ўзи! — Салим Носирга қараб бош силкиди. — Қара-я! Бизнинг раислар ҳам бемаънилик қилишади-ю, аммо эви билан... Катталар нечук индашмас экан уларга?

— Катталар пландан нарини кўришмайди! — деди Салим.

— Индайди. Мана, энди индайди! — гапни илиб кетди Кабир. — Раисим чиқиб қолар бюродан, «Э ёронлар, муҳр билан кресломдан ажралиб қолдим» деб.

— Менга қара, — Кабирни туртди шалпангқулоқ йигит. — Тағин нимани айтмадинг?

— Тағинми? Тағин...

Шу пайт ичкаридан биринчи котибнинг ёрдамчиси зинада пайдо бўлиб, сўхбатни бўлди.

— Кабирбой, ҳо, Кабирбой! — қичқирди у. Ҳамма ҳушёр тортиб жим қолди. Кабир «Лаббай» дея ўрнидан турди ва зина томонга югурди.

— Учиб колхозингизга бориб келинг! — деди ёрдамчи ва Кабирнинг қулоғига шивирлади. Кабир бош ирғади. Сўнг шошиб машинасига ўтирди. Ярим соатлардан сўнг уч кишини олиб келди. Кабир келувчилар билан ичкарига кириб кетди ва бир соатларда олти киши бўлиб қайтиб чиқишди. Нусрат ака терга ғарқ ботган, асабий титрарди.

— Кабир! — жон-жаҳд билан бақирди у зинадан тушаётиб. Бироқ, овози ҳирқираб, унча чиқмади. — Қани калит?

— Лаббай, ака! — Кабир йўрғалаб Нусрат аканинг ёнига борди, энгашди, ўнг қўлини кўксига қўйиб, чап қўли билан калитни узатди. — Мана, акажон! «Кафолат»им тугади-ми энди шу билан?

Нусрат ака Кабирга ўқрайиб қаради, лекин бир сўз демади. «Тарс-турс» юриб машина олдига борди. Тўхтаб орқасига қайрилди. Зинада турганларга ғазаб билан тикилди.

— «Раҳмат» сизларга! Яхши «хизмат» қилдиларинг! — деди бўғик, қалтироқ товушда. — Муродларингга етдиларинг!..

— Ҳа, энди шунақа экан-да! — сўз қотди тик турганлардан бири. — Қилмиш-қилдирмиш, дегандай...

Нусрат ака ўзини машина ичига урди. Эшикни қарс ёпди. Машина елдай учиб кетди. Ҳамма ортидан унсиз қараб қолди. Кимдир «Иҳмм!» деб қўйди секин. Салдан кейин шахаки мажлиснинг давоми бошланди.

Уқиб чиқдингизми ҳажвияни. Ҳа, маъқул. Қалай, дурустми?

Шу тариқа «вазир»ликдан жудо бўлдик. Колхозда нима кўп, ғилдирак кўп. Гоҳ тракторни, гоҳ юк машинасини ликиллатиб юрдим. Кунларнинг бирида янги раисдан амри-фармон бўлиб қолди — автогаражнинг тасарруфи гарданимга юкланди.

Олдинги завгар Солиной аканинг қайноғаси эди, «истеъфо берибди». Колхоз машиналарини бувасининг эшак аравасига айлантириб олган эмиш.

Қани, бунисини ҳам кўрайлик-чи...

ОЛТИНЧИ БОБ

Бизнинг хонимга «Автомашинани кўпроқ севасанми, эрингними», деб кўринг-чи, нима деркин? Сира иккиланмасдан «Ие, анавини, машинани-да!» деб жавоб беради. Вой, унинг машинага бўлган меҳру муҳаббати!..

Юк машинаси миниб юрган пайтларимда ҳам бир нав эди. Кўпинча эрталаб кўзини шамғалат қилиб, гараждан чиқардим-да, бирор ёққа шартта ишга жўнаб юборардим. «Шаҳарга бориб келайлик», «Фалончи касал экан, ҳолидан хабар олиб қўяйлик», деёлмай қоларди. Гаражга мудир бўлдим у хонимга худо берди. Доимо «кичкйна» иши чиқиб туради. Икки куннинг бирида гаражда.

— Дадаси, дарров бозорга тушиб чиқайлик, сут, қатик, тухум тугаб қолибди. Шунга машина тўғрилаб беринг, «ғиз» этиб бориб обкелай. Иссиққина бўлка бўлса, ундан ҳам оламан...

— Ҳой, дадаси, ҳалиги машиналарингизга тайинлаб қўйинг, ювиладиган кийим-кечакларни қоплаб тахт қилиб қўйганман. Биткомбинатга топшириб келишсин...

— Дадаси...

Бунинг устига марказда Шарофатой, Фазилатой деган дугоналари бор, уларни- кига ҳафтада, ойда меҳмонга бориб туради. Бироқ, бирор марта бўлсин; автобусда бормайди. Бир нима десангиз, олдинги завгарнинг қилмишларини рукач қилади.

— Аяси,— дедим бир куни,— у замонлар ўтиб кетган. Қолаверса, давлат автобус чиқариб қўйибди. Шу... ҳа деб колхоз машинасини югуртираверсак, қандай бўларкин?

— Қизиқ,— лабини бурди хоним.— Узимизнинг машиналар турганда, давлатники- да юрармидим? Бир эмас, ўттиз тўққизта машинамиз бўла туриб-а!.

Ана кўрдингизми, биродар, янгангиз «Машиналаримиз»нинг нечталигини ҳам аниқ билади. Ҳатто шофёрларнинг исми, фамилияси, машиналарнинг нумирлари ҳам хонимга ёд!

Аммо яқинда хунукроқ воқеа рўй берди. Ҳамма машиналарни ГАИга олиб кетган эдим. Хоним ярмаркага бормоқчи бўпти. Машина сўрагани гаражга келипти. Келса, бирорта ҳам машина йўқ. Иттифоқо хоним раиснинг «Волга»сини учратиб қопти. «Волга»нинг шофёрини аврашга тушибди. Шофёр ҳам янги эди. Рози бўпти. Учакишгандай, раисни райкомга чақириб қолишади. Раис машинани узоқ қидиради. Лекин тополмайди. Сўнг шаҳардан гўнг ташийдиган «дум»ли машинада боради райкомга. Ҳазилкашлар раисни роса аския қилишади. Боз устига, кечиккани учун катталар ачкиққина танбех ҳам беришади. Бечора чўғ бўлиб ёниб, «дум»ли машинада қишлоққа келса, шофёр бола билан хоним «Волга»дан харид қилинган нарсаларни тушираётган эканлар. Хоним раиснинг авзоини кўриб шошиб қолади. Хўжайин буюриб бердилар «Волга»ни, дейди. Шофёр бу гапни маъқуллайди. Раис бир сўз демайди.

Кечки пайт тўсатдан раис чақиртириб қолди. Бордим.

— Энди етар! — деди раис, юзлари «пир-пир» учиб.— Озодсиз завгарликдан!

Юрагим «шувв!» этиб кетди. Янгангиз туфайли илгари ҳам бир жуфтгина жазо олган эдим. Оббо, яна бирор хизмат кўрсатибди-да! Шалвираб хонадан чиқдим. Арча байрами арафаси бўлгани сабабли завгарликдан «озод» этилганимни хонимга айтмай туришга қарор қилдим, лекин бўлмади. Айтдим. Бунга хонимнинг ўзи мажбур қилди.

Кеча Тошкент куранти «бонг, бонг, бонг!» қилиб, янги йил кирганини эълон қилганда, хоним ясан-тусан қилиб қолди.

— Ҳа, хоним? — сўрадим.

— Фазилатойникига «ғир» этиб бориб, янги йил билан табриклаб келай,— жавоб қилди хоним, гул-гул ёниб.— Ҳамма болалар ухлашди. Волгахон билан Чайкахон уй-фонгунча қайтиб келаман. Йиғласа, овутиб турарсиз.

Энсам қотди.

— Тонг отмай қоладими?!

— Бунақасининг гашти бошқа. Уйида телефони бор шофёрларингиздан бирортасини чақиртириб берсангиз бас, бир зумда ўтиб келамиз.

— Э, қўйсангиз-чи! — дедим тажанг бўлиб,— шу маҳалда шофёрларнинг ҳаловатини бузамизми?!

— Ие, ановини! — қошини чимирди хоним.— Боради-да, иш чиқса. Анови Маҳмуд Слутоновга буюра қолинг, қирқ саккизу эллик еттининг шофёрига. Мен кийиниб бўлгунча, дарров етиб келсин!

— Қирқ саккизу эллик етти бузуқ.

— Нега экан, кеча балодай юриб турган эди-ку, ғизиллаб! У бўлмаса саксон олти-ю, ўттиз тўрт ФЕАни чақиринг.

— У ҳам бузуқ!

— Эллигу ўн тўрт ФЕВ бузуқ эмасдир? Куни билан шағал ташиди.

— У ҳам бузуқ.

— «Бузуқ! Бузуқ!» У бузуқ бўлса, эллик бешу ўн олти ФЕГ-чи?! Қирқ учу етмиш олти ФЕА-чи? Ун олтию ноль етти ФЕД-чи? Тўқсон тўққизу йигирма тўрт ФЕВ-чи? Хўш, булар ҳам бузуқми?!

— Улар бузуқ эмас-ку, шаҳарга кунжарага кетишган, эртага келишади,— дедим.— Умуман, ишга яроқли бирорта ҳам машина йўқ.

Хоним бирпас жим қолди. Сўнг икки кафтини чеккасига босиб, бошини чапга хиёл эгди-да, жилмайди. Қошларини чимирди.

— Бўлмаса,— илтимос қилди ялинганнамо,— анови меҳмон машинани буюриб бера қолинг, бирорта шофёрингизга.

— Қайси меҳмон машина? — ҳайрон бўлдим.

— Гаражнинг тўрида савлат тўкиб турган саксон учу қирқ бир КЯКчи!

Ҳайратдан кўзларим олайиб кетди. Ёқамни ушлаб беихтиёр ўрнимдан турдим. Ёпирай! Хотирани қаранг-а, хотирани!

Раиснинг қирқ учинчи йилда фронтда танишган красноярский қуролдош дўсти бор эди. Уша келган эди бола-чақаси билан қора «Волга»сида. Уни қарангки, гараж мудури бўла туриб, мен билмайман ўша «Волга»нинг номерини. Бу хоним бўлса, беш кун ичида тошга пўлат чўкич билан ёзгандай аллақачон ёдлаб олибди-я, хотирангга моғор тушгур!

— Ҳа, кўрқиб кетдингиз? — деди хоним пинагини бузмай.— Кўркманг, бир зумда бориб келамиз. Фазилатойнинг кўзини бир ўйнатаман-у, қайтаман.

Мен ҳануз жим эдим. Хоним телефон трубкасини қўлимга тутқазди.

— Манг, буюринг бирортасига. Еки ўзингиз олиб бора қолинг, номерингдан айна-най саксон учу қирқ бир КЯҚда.

Жон-поним чиқиб кетди. Қарангки, бу ердаги машиналар қолиб, сибирлик машина ҳам қутилмайди бу хонимнинг дастидан! Ҳазабимни аранг ютдим.

— Энди бунақа машиналарда юролмайсиз, хоним! — дедим нафасим бўғилиб,— патта қўлга теккан! Ҳайдалганман ишдан!

Хоним жиддийлашди.

— Ҳа, қувилганман, ўша раиснинг «Волга»сида катайса қилган кунингиз!

Хоним кўрқиб кетди.

— Вой, энди нима қиламан! Энди нимада бориб келаман!

Ғижиниб, тишларимни тишларимга қаттиқ босдим.

— Ман-на,— дедим оёқларимни ерга «гурс-гурс» уриб,— энди саксон учу қирқ бир КЯҚда эмас, ман-на бунда бориб келасиз Фазилатойникига, ўн биру ўн бир — ОЕҚда бориб келасиз!..

Хоним катта фожеага йўлиққан кишидай, ҳолсизланиб ўтириб қолди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Илллар ўтди. Еш ҳам улғайди, бош ҳам. Хоним, яъни янгангиз, боя шама қилганимдай, ўжар-да. Аммо, буни сира тан олмайди. Икки гапнинг бирида «гўдаксиз, сўтаксиз» деб туради. Бўлмаган гап. Гўдақ ҳам, сўтак ҳам эмасман. Кўпни кўрган уddaбу-рон йигитман. Масалан, олди-соттининг майда-чуйдасини қўйинг, ҳатто молфурушликни ҳам «дўндириб» ташлайман. Мана, бир мисол.

Тонг чоғи уйқуга бирор хуштаъм доривор қўшилганми дейман, жуда-жуда тотли бўлади-да! Сира тўймайсан, киши. Қани энди, ғайрат камарини қаттиқ боғлаб ухлай-версанг, ухлайверсанг. Қуёш ҳам юзини кўрсатмаса, олам зимистонга фарқ бўлиб ёта-верса... Янгангизнинг савияси паст-да, буни тўғри тушунмайди. Сахарлаб уйғотиб, ишга буюраверади. Ўша куни ҳам шундай қилди.

Ажойиб туш кўраётган эдим. Тушнинг бош қаҳрамони ўзим. Ҳа, дарвоқе, бир гуруҳ нозанинлардан иборат персонажлар ҳам мавжуд эди. Персонажлар билан ҳамкорлик-да дарё соҳилидаги ажриқзорда ўтириб, пича шампан ичдик. Кейин қўлтиқлашиб тўқай-га кириб кетаётган эдик, аллақайси дарахт қарсиллаб синди. Аслида янгангиз эшикни шиддат билан тарақлатиб очган экан, чўчиб уйғондим. Ҳаҳ, сен золимдан қутулма-дим-қутулмадим-да, дедим, ичимда.

— Ҳой, танбал! — қичқирди янгангиз,— ҳали ҳам ётибсизми! Мол бозори кутиб турмайди сизни. Туринг тезроқ! Чилдирмадай таранг қилиб қўйдим турқинг қурғур сигирнинг қорнини! Йўқотиб келинг шу туғмасни, қорасини иккинчи кўрмайин!

— Унг ёнимни бирпас босиб ётайин,— тўнғилладим каравотни ғичирлатиб,— ишим ўнгидан келади.

Янгангиз устимдаги кўрпани юлқиб, полга отди.

— Унг ёним эмиш! Ўтган ҳафта ҳам «ўнг ёним» деб...

Соатга қарасам, бешдан сал ўтибди. Қишнинг бир чимдим кунларида бу пайт нақд қора туннинг ўзи бўлади. Ниҳоятда оғриндим. Лекин, начора!

Аввалига мол бозорига дахлдор ишларимни поччам раҳматли битириб юарди. Энди ўзимга қолди. Анзираат холадан сал ёшроқ қисир сигирни бор. Дўнгдай. Эти ҳам чакки эмас. Сира бўғоз бўлмади. Уч йилдан бери текинга боқамиз. Шуни сотиб бўғоз ёки соғин сигир олишим керак. Пулнинг борида совлиқ ҳам оламан. Бу тўғрида янган-гиз билан қанча жиддий музокарадан сўнг тўла битимга келинган. Қўшним Усмонали колхоз инженерининг усти ёпиқ машинасини минади. У билан ҳам келишиб қўйилган. Усмонали йўталга чалинган такасини сотмоқчи.

Кийиниб ташқарига чиқдим. Қоп-қоронғи. Изғирин. Шамолхўжа теракларимнинг бошини ерга текизиш қасдида ҳали ҳам уриниб ётибди. Апил-тапил бозор тараддудини кўрдик. Аммо, ишчанмиз-да, тараддуд кўриш жараёнида ҳам бекор юрмадик. Янган-гиздан шингил «лекция»лар «туркум»идан парчалар эшитиб турдик. Бизнинг хонимдек зикна, курумсоқ одам бўлмаса керак дунёда. Тийин нима экан, тийиннинг юздан бири-ни ҳам ҳисобга олади.

— Молни сотаётганингизда қаттиқ туринг,— тайинлади хоним,— бўғоз, серсут деб мақтанг. Олаётганингизда беш сўмдан эмас, бир сўмдан оширинг. Иложи бўлса... Ғашим келди.

— Саккиз юз олтмиш тўққиз сўм етмиш тўрт тийин сўрайман,— дедим.

— Ҳа, бозор-ўчарни билмайсиз-да, Сўтаксиз. Сизга бозор колхознинг гаражи эмас, ҳотамтойлик қилгани.

— Табиат жағ масаласида сизга ғоят сахийлик қилиб юборган-да! — дедим.

Бу гапимга оловга ташланган қалампирнинг тутунидай «лазиз» жавоб қайтди. Бун-

дан «лаззатланиб» юриб, мол билан қўйни машинага юкладик. Янгангиз «офаринлар» айтиб қолди.

— Ҳой, ландавур, эҳтиёт бўлинг, эшитиб юраман, мол бозорининг далоллари жуда олғир бўлади!

Энсам қотди. Орқага қарамай қўл силтадим. Кишига алам қилар экан. Ахир, кичкина бола эмасман-ку, битта сигирни алмаштириб келолмасам! Кечадан бери жағи тинмайди-я! Мол бозорига ишим тушмаган бўлса ҳам ҳар қалай, эс-ҳушим жойида. Қолаверса, даллол, олиб сотарлар ҳам одам боласи. Аммо бир воқеа сал ўйлантириб қўяди. Нурали бува дегани ҳатто ўз сигирини сотганида ҳам даллоллик қилган эмиш. Унинг бир қари сигири бор эди. Бозорда уни кампирига етаклаиб қўйибди. Бир гўл йигитга бир ярим баҳосига пуллабди. Савдо чоғида ўз хотинини «Она, онажон» дебди. Бу — бор воқеа. Лекин бунақангиси кам бўлади.

Дам ўтмай етиб бордик. Машинани дўнгликка тўғриладик. Усмонли қўчқорни етаклаб қўй бозорига кетди, мен — мол бозорига. Бозор гавжум. Шамол, ғала-ғовур. Хайрият, харидор оёғим остидан чиқди-қолди. Қоронғида қандай савдо қиламиз, деган ташвишда эдим. Аканг қарағайнинг ишбилармон харидорида қўлфонар бор экан, ёқиб сигирга кўз югуртирди. У ёқ-бу ёғини ушлаб, елкасига шаппатлаб қўйди.

— Эти тузук, лекин қисир, хашаки,— деди ҳирқираб.

— Ҳа, қисир, — дедим ростига қўчиб.

Харидор сигирнинг нархини сўради.

— Минг икки юз сўм,— жавоб бердим.

— Йўғ-а, ҳазиллашяпсизми, укам. Инсоф билан гапиринг-да, ошна. Нар и борса, юз ўн кило гўшти бор. Беш сўмдан беш юз эллик сўм. Ана, тери-ю, калла поччасини эллик сўм дейлик. Олти юз сўм. Иккига бўламиз.

— Нимани иккига бўламиз? — дедим ҳайрон бўлиб.— Олти юз сўминими?

— Йўғ-э, унда жуда инсофсизлик бўлиб кетади. Биз унақа фирромлардан эмасмиз. Минг икки юз сўмни иккига бўламиз.

— Бўлмайди!

Харидор елкамга қоқди. Сўнг ўнг қўлимни тутиб силтай кетди.

— Хўп денг, укам, яхши йигитга ўхшайсиз. Жиянларингизга элиб берай. Ҳаққингизга дуо айтиб эрмак қилиб юришсин. Ана, олтмиш бир. Боринг, мендан кетса-кетсин, олтмиш икки.

Унамадим. Харидор елкамни узар даражада қўлимни силтай-силтай олтмиш еттига чиқди. Бош чайқаб туравердим. Харидорим ўта қаттиқлик қилиш эркак одамга номуносиб эканлигини таъкидлади.

— Ҳа, йигит киши мард, тўкилган-сочилган бўлиши керак. Хўп денг, отам, хўп денг. Боринг, ана олтмиш саккиз яримга бўладими? Олтмиш тўққизга бўладими? Ҳа, хўп денг, энди. Жуда етиб қолди. Бўлмайди! Оббо сиз-эй! Боринг, мендан кетса кетсин, тўғри!

«Тўғри»си етти юз сўм бўлса керак, деб ўйлаб, тағин унамадим. Харидор аразлагандай тескари қараб кета бошлади.

— Кўраман шундан оширганингизни! Аёзда туриб-туриб қайтиб кетасиз!

Дарвоқеа, қайтариб кетсам, ёмон бўлади-ку! Янгангиз сигирни кўрган ҳамон мени еб юборади! Шуни ўйлаб қўрқиб кетдим. «Ҳой, тоға, манг, олинг, еттига!» дея бақириб юборишимга бир баҳя қолди. Бошқа бир одам келиб қулоғимга шивирлади:

— Эрталабки савдодан қолманг, жигарим. Мол касод ҳозир. Жуда пишитиб кетди ҳалиги харидор. Қайтариб кетгандан на фойда!

Янги суҳбатдошим ҳалиги харидорни чақирди.

— Етмиш икки уриб берсам, тушунадиган йигитга ўхшайсиз, бирини менга сўна қиласизми?

Бирини у олса, етмиш бири менга қолади. Етмишига унаган, нега етмиш бирига унамас эканман? «Бўпти» дедим.

— Йўқ деб тураверасиз.

— Хўп.

Харидор келди. Даллол харидорнинг кафти билан менинг кафтимни жуфтлади. Сўнг узоқ силтади.

— Ана, етмиш бир. Хўп денг энди. Беринг баракани! Мен бир холис, художўй одамман.

Мен «йўқ» деб туравердим, даллол аввал харидорнинг қулоғига, кейин менинг қулоғимга сирли пичирлади. Харидорга нима деди, қоронғу. Менга эса «беш сўм қўшаман, хўп деб юборинг» деди. Даллолнинг айтганини қилдим. Даллол фонарнинг ёруғида етти юз ўн беш сўмни санаб олди. Менга етти юзу тўрт сўм етиб келди. Учовимиз бир-биримизга омад тилаб, уч томонга тарқалдик.

Тонг отмаган. Ғала-ғовур авжида. Бозорчилар бир-бирининг гапини аранг англаб олади. Арқонни елкага ташлаб, сигир қидириб юрибман. Аммо дурустроқ сигир учрамади. Бўғозини олақоламан. Қандай қилиб топса бўлади бўғоз сигирни? Ахир, қорнига

«бўғоз» деб ёзиб қўйилмаган-да! Даллоллардан сўраш керак, шулар билишади. Савдони пишириб, мўмайроқ ширинкома талаб қилаётган кекса даллолни нишонга олдим:

— Амаки, бизга бўғоз сигир керак эди-да!

— Керак бўлса, топамиз, бўтам, топамиз. Ҳа, умрингиздан барака топинг, бўталоғим. Уйингиз гулга тўлгур, сахийгинам. Сиз бўғоз сигир дейсиз-у, биз йўқ деймизми?

Даллол невараларини, яъни бизнинг фарзандларни, гарчи танимаса ҳам, узоқ мақтади. Қуюқ дуо қилди. Хурсанд бўлдим. Яхши одам бўларкан-ку, даллоллар ҳам. Янгангиз бўлса... Савияси паст-да.

Даллол мени ичкарироққа бошлади. Бир сигирнинг икки биқинидан ушлаб кўрди. Бўғоз эмас экан шекилли, нари кетди. Даллолга ёқмаган ҳалиги сигирга разм солдим. Даллол ҳақиқатан ҳам билар экан, ҳайвоннинг бели тасмадеккина эди. Даллолга иккинчи сигир ҳам ёқмади. Тўла гавдали сигир ҳам даллолнинг қўлбола «лаборатория»сидан чиққач, қисир эканлиги маълум бўлди. Жуда пишиқ одамни топганга ўхшайман. Каттагина сигирнинг бошига борди. Унинг устига энгашиб қорнини панжалари билан пайпаслаб, узоқ тафтиш қилди. Қулоғини сигирнинг қорнига тутиб ниманидир тинглади. Сўнг қаддини ростлаб мол эгасига юзланди.

— Қорнидаги боласи неча ойлик? Уч ойлик бор-а?

— Уч ойликдан ошди, тўрт ойлик.

Даллол сигирнинг бошқа томонларини ҳам кўрди,

— Ҳа, тўғри,— деди ва орқасига ўгирилиб, мени чақирди: — Ҳой, болам, қаёқдасиз.

— Шеттаман.

— Мана топдим, бўталоғим. Зўр говмиш! Толеингиз бор экан.

Сигир ҳозиргина пулланган говмушимга сал ўхшаб кетарди. Лекин у хашаки эди, бу эса бўғоз, зотдор! Сигирни айланиб томоша қилдим.

— Ишқилиб аниқми, бўғозлиги?

Даллол қўлини силтаб ташлади.

— Э, оппоқ соқолим билан ёлгон гапираманми? Тепамда худо турибди! Мен холис одамман,— у мол эгасига ишора қилди.— Менга у ҳам бир, сиз ҳам. Мусулмонман. Савдони битирайлик. Ҳиммат қилсангиз учта сўм берарсиз, ҳиммат қилмасангиз... Шу ўн беш тангани деб имонимни, охиратимни сотаманми? Ёшим пайғамбар ёшидан ошди. Қани, беринг қўлни! Биз бир хожатбарор одаммиз, савоб бўлса бас.

Шубҳаланиб, қўл бермадим. Мол эгаси бидирлаб сигирни мақтай кетди. Сигир қўйдан ювош экан, кунига уч пақирдан сут берар экан.

Қўл бердим. Даллол қўлларимизни ушлаб туриб, молнинг баҳосини сўради.

— Ун учта,— жавоб қайтди сотувчидан.

Даллол кескин бош силкиди.

— Йўқ, етти юз эллик сўм берамиз,— деди ва қўлимни силтай кетди.— Ҳа, бор барака денг...

Сигир эгаси бош чайқаб, қўлини тортиб олмоқчи бўлди. Бироқ, даллолим анойи эмас, қўйиб юбормади. Унинг қулоғига шивирлади. Говмушнинг эгаси бақириб берди.

— Ахир, инсоф қилинг, тоғал! — деди қўлини арра қилиб.— Шу сотадиган сигирми?! Говмуш-а, говмуш! Қорнида боласи бор. Ҳар тўққанда ўн бир ой соғдиради. Сўти қуюқ. Худо ҳақи, сотадиган сигир эмас, жонивор! Нима қилай, мажбур бўлдим. Давлат «Жигули» берадиган бўлиб қолди. Бўлмаса, ўлай агар, сотмасдим. Онам хотиним бўлсин, сотмасдим! Болаларимнинг ўлигининг устида ўтирай, сотмасдим!

— Уҳ, бахтин қаранг, бахтин! Аломат сигирга учрабман,— энтикиб қувонаман. Даллол унинг гапини кесди:

— Хўп, хўп, етти юз олтмиш қилайликми? Етмишга-чи, аканг айлангур? Бор барака! Ана, саксон!

Мол эгаси бош чайқаб қўлини тортиб олди. Даллол қулоғимга шивирлади.

— Аммо яхши говмуш экан-да. Худо йўл бериб, эсон-омон туғиб берса, ялчиб қолардингиз. Яхши сигир — рўзгорнинг қассоби. Узиям тойлоқдек бола берса керак.

Даллол тушмагур ўта моҳир экан. Узоқ ялинишлар, шивирлашлар, кесатишлардан сўнг етти юз тўқсон сўмга кўндирди. Олди-бердидан кейин айрилишдик. Машина ёнига келсам, Усмонали қўйини сотиб чиқиб, кабина чироғида китоб ўқиб ўтирибди. Шарпамни сезиб китобдан кўзини олди ва менга ияк қоқди. Бош бармоғимни кўрсатдим. Кейин говмушни машинага чиқардим. Энди совлиқ олишим керак эди.

Совлиқни олишим унча қийин бўлмади. Шу десангиз, бир дамда елин солган бўғоз совлиқни уч юз қирқ сўмга етаклаб чиқдим. Бу сафар кабинада эмас, бортда кетишга сидқидилдан қарор қилдим. Ахир, иккови «ҳам «оғироёқ», бирор қор-қол бўлса...

Севиниб кетяпман. Уддабуронлигимни кўрсатиб, янгангизни қувонтиришга шошиламан. Аксига олгандай, ҳовлида йўқ-да. Сепаратор бузук эди, ўшани устага олиб кетибди. Соғин сигирдан умид қилган-да!

Мол, қўйни оғил устунига боғлаб, кунжара билан «меҳмон» қилиб турсам, ваъдага кўра Усмонали чиқиб қолди чой ичгани. Бир оз керилиб говмушни, совлиқни кўрсатдим. Совлиқни йўтал тутди. Қўшним говмушнинг нархини сўради. Жавоб қилдим.

— Яхши, арзон,— деди ва негадир совлиғимга тикилиб қолди:

— Ия! Ия, бу бизнинг «Ортиқвой»-ку!

Юрагим орқага тортиб кетди.

— Йўғ-э! Йўғ-э! — ғўлдираддим титраб.

— Э, худди ўша! Кўр эмасман. Мана, бўйнида ортиғи бор. Йўталиши ҳам ўша. Энгашиб, совлиқнинг «елини»га қарадимму юрагим «шув» этиб кетди.

— Наҳотки!..

— Қўйфурушларнинг кўлига тушибмиз-да! Қанчага беришди?

— Уч юзу қирққа,— овозим ғўлдираб чиқди.

— Номардлар, ўттизни юлибди-да икковимиздан!

Товушим чиқмай қолди. «Бунни янгангиз сезмасин, балога қоламан», демоқчи бўламану айтолмайман. «Совлиғим» хириллаб, нуқул йўталади.

— Бунақа экан,— сукунатни бузди Усмонали икки елкаси кулгидан титраб,— шу ерда битишиб қўяқолар эканмиз-ку! Қўй шўрликни совуқда овора қилиб юрмай?

Оҳурда елкамни қисиб ўтирсам, ўртанча қизим юзини сочиқ билан арта-арта кириб қолди. Бир маҳал сигирга қараб:

— Вой! Сотилмадимми, бу ҳаром ўлгур,— деса бўладими?!

Гўёки миямга бигиз санчилдию товонимдан чиқиб кетди.

— Нима дединг!? — бақирдим ҳорғин, йиғлоқи овозда.— У «ҳаром ўлгури»ни аллақачон эгасини топиб кетган! Етти юз ўн беш сўмга! Бу говмуш сал кам саккиз юз сўмга келган. Бўғоз! Эрта-индин оғзингга оқ тегади.

Қизим маст эмасмикан дегандай, афтимга синчиклаб тикилди.

— Йўғ-э,— тез-тез киприк қоқди у.— Молимизнинг худди ўзи-ку!

— Ҳа, ўша! — Усмонали беихтиёр қарсақ чалиб шод қийқирди.— Худди ўша! Вой, қўшним-эй!

Мол-қўйга кам қарасам ҳам ҳар замонда кўзим тушиб туради. Ўша! Худди ўша! Қулоғидаги тиртиғи ҳам! Бошим ғувиллади. Кўзим тинди. Ширин уйқуни бузиб аёзда бозорга борганим, шилта кечиб юриб савдо қилганим, «бу ҳаром ўлгур»ни сотиб «говмуш» олганим, бозорга ташлаб келган червонларим — ҳамма-ҳаммаси миямда айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Сотувчининг овози бир оз танишга ўхшовди-я! Негадир ўпкам тўлиб, кўзимга ёш келди.

— Э, кичкина боламисиз! — Усмонали елкамга қоқди.— Худо тўзим берсин. Баҳонада бирпас шамоллаб келдик-да!

Дарров ўзимни тутиб олдим. Ҳа, шунақаман. Сираям гўдак эмасман. Бироқ, хоним ўз сўзидан қолмайди. Ҳамиша «бозор-ўчарга сўтаксиз», дейди.

Ана шунақа гаплар. Йиллар ўтиб ёш ҳам, бош ҳам улғайди. Бу даврда юқоридаги каби «хушхўр» воқеалардан қанчадан-қанчасининг шоҳиди бўлмадик, не-не кўйларга тушмадик, дейсиз. Яна сўзлайверсам, ҳеҳ-хе!..



ЮРАГИМНИНГ ЯҚИН

СИРДОШИ—ЁМҒИР



Гулистон Матёқубова

* * *
Йиллар ўтар,
Ҳаяжонларим
Эслатарлар менга неча бор:
Қонда тошган туйғулар жангин,
Сенинг ғамгин чехрангни такрор.

Эслатарлар...
Шунда юракка
Қонлар билан қайтар бир хилқат.
Аён бўлар шунда ҳаммага,
Худо ва мен билган Ҳақиқат...

* * *
Сен менинг қалбимни ярадор қилдинг,
Қандай тузатарман оғир ярани.
Вужудимни оғриқ қийнайди ёмон,
Кўй, менга ёт назар билан қарама.

Сен менинг қалбимни ярадор қилдинг,
Ёруғ тонглариمنى қилдинг қоронғу.
Энди таваллонинг ҳеч кераги йўқ,
Энди ширин сўзинг — энг аччиқ оғу.

Бегона бўлдикми бир-биримизга?
Ҳижрон йўлларига хазон тўшалган.
Юлдузлари сўнган оқ тунимизнинг...
Сени учратишдан кўриқиб яшарман!

Кўксимда тўлғанган юрак эмасдир,
Сен ярадор қилиб, ҳолдан тойган қуш.
Сайрашга тили йўқ, учишга мадор,
Энди ҳаётим ҳам — алғов-далғов туш...

* * *
Ҳар тонг отган сайин янги кун кириб,
Мен учун янгидан кашф бўлар умр.
Кеча ўлган бўлсам қайси бир гапдан,
Қайси бир азобдан тирилар сабр.

Айтгим келган сўзни айтолмай қолиб,
Бўғзимга тиқилар алланималар.
Ҳақиқат ёлғонга айланиб қолиб,
Гўё тинч кемада чўккан кемаман.

Тиниқ нигоҳларим хиралашгандай,
Иккиюзлиларнинг бир мийиғидан.
Бардошу сабримга тилайман тўзим,
Ҳақиқат ва ёлғон оралиғида...



Юрагимнинг яқин сирдоши — ёмғир,
Бугун куни бўйи айтди дардини.
Бу кун менга сени топиб берадир,
Мен эса жимгина тинглайман уни.

Хаёлчан кўзларинг кўзимга ўтар,
Бир юрак, бир бошда миллион хаёллар.
Вақт каби ўтмоқда, узоқлаб кетар,
Юзимга урилган намхуш шамоллар.


Фақат сен кетмагин, кетма узоқлаб,
Ёмғирнинг остида қолайлик ёлғиз.
Шунда унутмайди, ҳар баҳор йўқлар —
Бизларни шу сўқмоқ, ёлғизоёқ из...

Манзара

Оқшом тушаётир сен кетган йўлга,
Қоп-қора булутлар қайгадир шошар.
Зилдайн хаёллар ўрнашиб дилга,
Беозор юракда оғрик уйғотар.

Сўнгра... бўшаб қолар бу беҳол юрак,
Боғлар бўшагандай гавжум излардан.
Ҳаётнинг сўнгидан бергандай дарак,
Совуқ бир сукунат қотар кўзларда.

Совуқ ҳаво билан қоп-қора туман
Пардалар осади кўк ойнасига.
Бераҳм шамоллар, аёз, изғирин
Ўралар зим-зиё тун сийнасига...





БОБОЛАР САНЪАТИ—РУҲНИНГ ВАТАНИ

Қийноба

1

Тарих учун мунис, хилват бир маскан
Кўҳна Урганч ёддан чиқармас ҳаргиз:
Неча минг бандини қийноба билан
Муҳаққиқ ўлимга йўллаган Чингиз.

Тиғ эмас, ўт эмас, қийноба нечун
Маъқул тушмиш хунрез мўғул хонига?
Ўзни алдайдимиз атиги бир кун,
Асирни бўямай қора қонига?

Балки қувонтирган кашфи ҳоқонни:
«Ўздан, сувдан — қолар, туздан — қолмайди.
Туздан бошқа нарса минг-минг инсоннинг
Жонини бир йўла ямлаб олмайди.»

2

Қийноба — лақамча солган оғзига
Қуйилган қайноқ сув — оддий номақоб.
Бугун қийнобага қиёслар излаб,
Руҳимда безовта ҳадик беҳисоб...

Орол тилка-тилка, аҳли Хоразм
Қақроқ лабларни шўр сувга тутади.
Хўжа минорага¹ солсам мен разм, —
Хаёлларим тахир гумон ютади.

Чингизнинг саргардон хоки гардидан
Ўт тушиб қонига бирор олчокнинг,
Наҳот қийнобага рўбарў этган
Қайғудош Хоразм, Қорақалпоқни?!.

Аҳмад Яссавий

Узлатга чекундим —
Узликка бекундим.

Ҳақ учун тегунсам,
Туркийга тегундим.

Тупроққа кирдим
Осмонга юкундим.

Бўлғайми менингким
Ёзғутдин ўкундим?

...Танҳолик ичинда
Оллоҳни тушундим.

¹ Хивадаги машҳур минора.

Руҳимга

Юрагинга қадалса ногоҳ
Елгонларнинг ротакам ўқи.
Шу заҳоти бўлурман жарроҳ
Навонидан ғазаллар ўқиб.

Тилинг танғиб боғласа армон,
Бузолмасанг оламини додлаб,
Сенга ўзим бергум ўт-забон
Навонидан ғазаллар ёдлаб.

Бир қуш каби отилсанг кўкка
Е қуласанг тош каби жадал,
Ёнбошингда тушганча чўкка
Навонидан ўқирман ғазал.

Ғамларингни ғамгин оралаб,
Ўз ғамимга ғамсиз қайтарман.
Терс дунёга тескари қараб,
Навонидан ғазал айтарман.

Ҳожи ҳофиз

Хоразм қўшиғин бутун бўй-эни,
Ҳожихон ҳофизнинг қалбида жодир.
Болалар санъати — руҳнинг Ватани
Гўё киндик қони томган маъводир.

Бутун кенг Хоразм — минг-минг қўшиқчи,
Ким қўшиққа боғлиқ, тўрдадир жойи.
Лекин ҳамма яхши қўшиқлар учун,
Ҳожихон олдин бир қилар хиргойи...

БАШАР АҲЛИНИНГ МУАЛЛИМИ

Туркистоннинг қадимдан обод минтақаларидан бири бўлиб келган Хоразм жаҳон илм-фан ва маданияти равнақиға муносиб ҳисса қўшган ўлкалардан ҳисобланади. Бу заминдан чиққан кўплаб алломалар яратган буюк асарлар, шубҳасиз, инсоният тараққиётида муҳим аҳамият касб этган. Ана шундай зотлардан бири Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарийдир.

У 1075 йили кўҳна Хоразмнинг Замаҳшар деган қишлоғида таваллуд топиб, болалик ва ёшлик йилларини ўз она юртида ўтказган. Кейинчалик илм олиш мақсадида у Шарқнинг бир қатор шаҳарларини — Бухоро, Хуросон, Исфаҳон, Нишопур, Бағдод, Шом, Хижозни зиёрат қилади. Узоқ муддат Маккада яшаб, «жоруллоҳ» [Оллоҳнинг қўшниси] деган юксак номга сазовор бўлади.

Алломанинг тилшунослик, луғатшунослик, услуб ва нотиклик санъати, шеъринат, жуғрофия, адаб, тафсир, ҳадис ва фикҳга оид 50 дан ошиқ асарлари мусулмон оламида катта шухрат қозонган. Аз-Замаҳшарий олимлар ва фозиллар орасида катта обрў-эътибор топган. Замондошлари унга чуқур ҳурмат рамзи сифатида «Устоз уд-дунйа» [бутун дунё устози], «Устоз ул-араб ва-л-ажам» [араблар ва ғайри араблар устози], «Фахру Хваразм» [Хоразм фахри] деган шарафли тахаллуслар берган.

Улуғ аждодимизнинг номи Шарқ мамлакатларида ардоқланиб, катта эътибор билан эъзозланади. Унинг асарлари қайта-қайта нашр этилган, қатор тадқиқотлар яратилган ва яратилмоқда. Турли илм ўқоқлари, кўчалар, майдонлар, кутубхоналар аз-Замаҳшарий номи билан юритилади.

Афсуски, алломанинг номи ўз юртдошларига яхши маълум эмас, унинг асарлари жуда кам ўрганилган, бирортаям асари ўзбек ўқувчиларига етказилмаган. Шу хусусдан ҳам аз-Замаҳшарийнинг номини абадийлаштириш, бой илмий-бадий меросини кенг халқ оmmasининг ҳақиқий мулкига айлантириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи керак. Хайрли ишларимизнинг дебочаси сифатида биз, ўқувчиларни беназир олимнинг ўми сўнги йилларида, кўп йиллик ҳаётини кузатувлари, тажрибаларига асосланиб ёзган «Навоиб ўл-калим» [«Нозик иборалар»] китобидан олинган намуналар билан таништирмоқни жонз топдик.

Аз-Замаҳшарийнинг «Нозик иборалар» китобидан намуналар

*Емон фикр соҳиблари ҳам, куйфр неъмат қилувчилар ҳам, ёввойи қобонлар мисоли,
Оллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдирлар.*

*Мағлуб бўлгани билан мард одамнинг мартабиси камаймас, машаққату ташвишга
гирифтор бўлганида хор бўлмас.*

Ҳайвонга яхшилик қилсанг — севинади, ҳайвон севинса — эгасини тепади.

Тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир.

Ҳийлаю риё билан йиғлаш ва овоз чиқариб ўқишдан савоб ҳосил бўлмас.

*Ловуллаб ёнаётган оловни сув ўчирганидек, нодон одамлардан чиқаётган алангани
ҳақиму оқил одамлар сўндирарлар.*



Шарафиддин Али Яздий

Зафарнома

АМИР ҲУСАЙН ВА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ЖАТА ЛАШКАРЛАРИ
БИЛАН ЖАНГ ҚИЛГАНИ ВА ҒАЛАБА ҚОЗОНГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон подшоҳлар подшоси (парвардигор)га,— (унинг зоти) улуғлансин ва буюк бўлсин,— шукрона ва саждаларни адо этганларидан сўнг, саодат ила отландилар. Улар лашкарни тартибга келтириш ва тайёрлаш борасидаги қатъий шартларга амал қилган ҳолда иккита қўл туздилар; Амир Ҳусайн ўнг қўлни¹ тузаб, зафарпайкар байроқни тиклади; ҳазрат Соҳибқирон жанг чоғи унинг юраги бўлгани учун чап томонни ўзининг нусратшиорли байроғининг маркази қилди. Ушбу тартибда сафларни ростлаб жўнадилар.

Тошариқда² турган душман лашкари худди шу усулда икки қўл бўлдилар; майсара³ — Илёсхожахон ва амир Ҳамид қўшинлари тўпидан зийнат топди, майманани⁴ эса, у амир Тўқа-Темур ва амир Бикижакнинг олий ихтиёрига бириктирди. Ҳар иккала томондан қўшинлар қанот-қанот бўлиб интиқом ва сўғишмоқ юзларини бир-бирларини ҳалок этиш учун қаратдилар...

Кабаймитан⁵ мавзесида иккала томон қўшини тўқнашди ва кўрага овозларию баҳодирлар ҳайқирғи осмон гумбазига чирмашиб кетди. Дастлаб, ҳазрат Соҳибқирон қаршисидати душман лашкари ҳировуллари,⁶ ўзларининг кўплиги ва жанговарликлари билан ғурурланиб, уруш отини беллашмоқ майдонига солдилар. Ҳазрат (Соҳибқирон) қутб янглиғ салобат оёғини барқарорлик марказида худди ўз давлати асосидек мустаҳкам қилди. Нусрат нишонли узангини оғир босиб, ёрдам қўлининг чаққонлигини тирукамонга чўзди ва чапни «алиф» ҳамда ўнгни «дол» қилиб⁷... Сипоҳ ҳам шоҳга эргашиб, худди ой атрофидаги юлдузлар каби, камоннинг чархидан олов сочувчи ўқ алангасини душман сари равон этдилар.⁸ Уқнинг учи — қалами — биз уни шайтонларга отадиган нарса қилдик, — (ояти) тафсирини ботирлар юрак қони билан шундай битдики, уларнинг ҳоли учун — ҳаммалари бош эгиб, унга сажда қилдилар,—¹⁰(ояти) мазмунининг тасвири билан нусха бўлди. Интиқом олови алангаси билан худди шамолдек келаётган душман лашкарларининг баҳодирлари ёмғир суви каби ер бағрига юзландилар. (Уларнинг) баъзилари ҳаёт сувини елга совурдилар, бир қанчаси эса, олов ёғдирувчи обдор ўқ захмининг азобидан интиқом тўла кўкрагини тупроққа қўйди...

Ўлдирилганлар ичида энг машҳур баҳрин уруғидан Дўмасо бўлиб, у жанг денгизидо одам ютгувчи бир наҳанг¹¹ ва уруш ўрмонида фил овловчи бир шер мисоли эди (Бошқа бири) Чинлу-хонлиқнинг хос кишиларидан бўлиб, шоҳ ва сипоҳ уни ҳимоянинг асоси, таянч ва ифтихор манбаи, деб билардилар. Ўлганлар қаторида Тўқа-Темурбаҳодир, Бикижакнинг биродари Беки, Давлатшоҳ ва ҳар бири бир лашкарнинг сарвари ва бир сипоҳнинг ҳомийси бўлмиш иккита шаҳзода ҳам бор эди...

Ҳар иккала томон сипоҳи ёпирилиб ҳужумга ўтдилар ва сўғишдилар, жангу жадал ҳавоси муҳолифлар ҳолига зирхдек минглаб кўздан қон ёғдирарди...

Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Жангда синалганлар ҳужумининг зарбалари кетма-кет бўлган ва бало денгизининг тўлкинлари ҳайқира бошлагач, ваъдага мувофиқ, ғойибдан хуш хабар келтирувчи (фаришта) воситасида давлат арбоби бўлмиш ҳазрат Соҳибқиронга — (барча) ҳамду санолар Оллоҳгаким, у бизга берган ваъдасининг устидан чиқди,¹² (оятининг) шодиёнаси даҳлдор бўлди. Буюк шон-шавкатга эга бўлмиш душманлар учун эса,— Сўнгра орқангизга қараб қочдингиз,—¹³ (оятининг) мазмуни содир бўлди: кўплигидан ёмғир қатраларини ва дарахтларнинг барглари барглари эслатувчи тўла-тўқис қуролланган лашкар, озгина лашкардан худди хазон барглари ва найсон¹⁴ ёмғири қатралари мисоли турли томонга тўзиб-тарқаб кетди.— Кўмак фақат Оллоҳ тарафидан бўлур.¹⁵

Илёсхожагон, амир Бикижак, Искандар-ўғлон, амир Ҳамид, амир Юсуфхожа асир қилиб олиндилар. Бироқ, (Илёсхожа) хонга турк (ий халқ)лар учун хос (хонни эъзозлаш) одати қўл келди, яъни уни асир олган сипоҳлар таниб қолдилар ва сардорлари хабар топмасдан олдин отлантириб, Бикижак билан қўйиб юбордилар. Қолган асирга олинганлар эса, тутқунлик кишанида қолдилар.

Уша тун ҳазрат Соҳибқирон шабгир қилиб, Ём сувигача¹⁶ от сурди ва у ерда яна душманлар йўлини тўсди, улардан кўпи ҳалок бўлди... Амир Жокў ва амир Сайфиддинлар фармонга мувофиқ Самарқандга йўл олдилар.

Бу буюк ғалаба етти юз олтмиш бешинчи (1363—64) йили, яъни лу йили¹⁷ қўлга киритилди.

Олий ҳиммати ҳар қандай ишда, то уни мақсад интиҳосига етказмагунча тинчимайдиган ҳазрат Соҳибқирон, амир Ҳусайн билан маслаҳатлашиб, Шер-Баҳром билан бирга илғор қилиб, (душман) ортидан тушди ва Хўжанд сувидан ўтиб, Тошкентни ҳумоюн қадамининг манзилгоҳи этди. Ёмон кўз (асоратини) кетказиш учун, бир неча кун давлат руҳсорига бетоблик нили¹⁸ тортилди...

Ҳазрат Соҳибқирон ва амир Ҳусайн ҳар бири ўзи қўнган жойда тўсатдан бир оз хаста бўлдилар. Лекин тез орада,— биз мўминларга шифо ва раҳмат бўладиган Қуръон оятларини нозил қиламиз¹⁹,— (ояти) шифохонасидан сиҳат топдилар.

Маҳди улё²⁰ Улжой Туркон саодату комронлик ила Гармсир — Ҳирман томондан етиб келди.

Назм:

Замон Билқиси²¹ яна Сулаймон сари келди.

Ҳазрат Соҳибқирон қайтмоққа азм айлаб, Хўжанд сувидан ўтди ва ов қилмоқ ниятида; жирга тузиб, ўша ерда бир неча кунга тўхтади. Амир Ҳусайн ҳам Дизак мавзесида ов қилиш истаги билан жирга тузди. Улар икки томондан юриб Оқор (мавзеси)да қармармиши²² қилдилар.— Иложинг борича вақтни ғанимат бил,— ибора(сига амал қилиб), бир неча кунни айш-ишрат ва хурсандчиликда ўтказдилар. (Сўнгра), ул ердан шод-хуррам отланиб Самарқанд томонга юзландилар ва ул фирдавснишон шаҳарни хуррамлик элтувчи ва мамлакатни безовчи қадамлари ҳашамати ила зийнат бердилар, бахтли суворийларнинг ғуборидан ул диёр одамларининг умид кўзи рўшнолик касб этди; ҳаёт ҳодисалари тепкилашидан каттаю-кичик аҳволида юз берган синиқлик (унинг) марҳаматлари малҳамидан ҳамда лутфу ғамхўрлик дори-дармони таъсиридан мўмиё касб этди.— Оллоҳга унинг совғаси учун, ҳақиқатни ўз ўрнига қайтаргани учун мақтовлар бўлсин.

АМИР ҲУСАЙН ВА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ҚУРУЛТОЙ ТУЗГАНИ ВА КОБУЛШОҲ-ЎҒЛОННИ ХОНЛИККА КЎТАРГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлақати, унга тобеъ ва ёндош (ер)лар билан бирга Жата истилоси ва ҳукмронлиги панжасидан озод бўлган вақтда, улў амирлардан иборат аёнлар ва олийқадр нўёнлар бир-бирининг ҳукуматда устунлигини тан олмас ва буйруғига бўйсунмас эди. Катта қабилалар бошлиқларидан ҳар бирининг ҳимоя орқаси ўз тобелари ва бўйсунмоқлик бошини бир кишига эгмас эди. Оллоҳнинг, агар ҳар қандай кўпчиликка, уни қўриқлаб турадиган битта (бошлиқ) бўлмаса, у тез орада фасодга учрайди, деб айтгани маълумдир. Агар ҳар бир мамлакатда унинг барча аҳолиси бўйсуниб, амрини (бажармоқ) шарт ва тақиқлаганини (қилмаслик) зарур, деб ҳисоблайдиган ҳамда ҳукми ва буйруғига ҳеч қачон қарши чиқмайдиган, бир ҳукмдор бўлмаса, ул юрт аҳоли ва авзойининг тәрбиоти издан чиқади...

Шунинг учун амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон ўзаро кенгашиб, Чиғатойхон наслдан бирор кишини хон қилиб кўтармоқни маъқул, деб топдилар. Ушбу фикрни тасдиқлаш мақсадида, етти юз олтмиш бешинчи (1363—1364) йили барча амирлару нўёнларни йиғиб қурултой туздилар. Унда салтанат ва мамлакатнинг зарур ишлари ҳақида сўз юритдилар. Маслаҳатлашиб, ҳаёт ўзгаришлари заҳмати ваҳимасидан фақирлик қўрғонида дарвешлик кийимига кириб олган Дурчи ибн Элжайқиди ибн Дувохон ўғли Кобулшоҳ-ўғлонни ул либосдан чиқариб олмоқни ва иқболи қоматини хонликнинг кўркам хильати ила безатмоқни маъқул кўрдилар. Бу ишни амалга ошириш учун... бир-

галашиб Кобулшоҳ-ўғлонни салтанат тахтига ўтказдилар ҳамда турк султонлари удумидаги одатга кўра, унга аёқ тутиб,

Назм:

Барча мағрурлару соҳибхитиёр,
Узлуксиз тиз чўқдилар тўққиз бор.¹

Қамоқда ётган амир Ҳайдар Андхудийни Зиндаҳашимга топширдилар ва у ўша туннинг ўзидаёқ уни ҳалок этди, вужуди тахтини ҳаёт ҳокимлигидан холи қилди...

Қадимдан ул диёр ҳазрат Соҳибқирон ва унинг олий мартабали ота-боболарига тегишли бўлганлиги учун, унинг подшоҳона олижаноблик расм-русуми меҳмонларни эъозлашни тақозо этарди. (Бу сабабдан), Амир Ҳусайн шарафига зиёфат қилди. Ул ҳазратнинг гумашталари шундай бир тўй тузадиларки, машшоқ Зухра уни кўриб ҳайрат созини чалди ва ушбу навони тараннум қилмоққа киришди.

Унинг етук лутфи, барчани тегишли иззат-икром билан сийлади ва амир Ҳусайнга муносиб пешкашлар тортди.

Амир Ҳамиднинг отаси билан ҳазрат Соҳибқироннинг отаси ўртасида ўтмишда дўстлик бўлганлиги учун,— ота-боболарининг йўли болаларнинг яқинлигидир,— дейилганига кўра, ҳазрат Соҳибқирон ўша тўйда, амир Ҳамид ва Искандар-ўғлонни озод қилиш ҳақида амир Улжойту апарди билан фикрлашди. (Бу амир Улжойту) донишмандлик ва зийраклиги ойнаси кексаликнинг турли тажрибалари сайқалидан жило топган ва ҳаётда оғир дамлар бўлган чоғда ҳамма олдига маслаҳат сўраб келадиган (киши эди. Машваратга биноан), уларнинг ҳаётини сақлаб қолишни амир Ҳусайндан илтимос қилди. Амир Ҳусайн, хоҳиш-истаги қанчалик,

Назм:

Маломат бармоғин тишлаб қолмай десанг
Душман қўлгә тушса оёғидан қулат,

(деган) назм мазмунига мойил бўлмасин, ул Ҳазратнинг шарафли хотири учун рад қўлини илтимос кўксига қўймади ва уларни озод қилмоққа руҳсат берди. Аммо шунча ҳаракатларга қарамай, (оятда),— ҳар бир ажалнинг ўз ҳукми бўлади,²³ деган ваъда яқин қолгани сабабли, бу (ҳаракатлар) улар учун фойда бермади.

Амир Ҳусайн ўзининг қадим юрти Соли-Сарой томон йўл олди. Саодат йўлдоши бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон амир Ҳамидни банддан озод қилиб, иззат-икромлар билан келтириш учун амир Довуд ва амир Сайфиддинларни юборди. Амир Ҳамидни бандда тутиб турган Боязид ва Айман иккала амирни узоқдан кўришлари билан (оятда),— баъзи шубҳалар гуноҳдир²⁴,— (дейилганига қарамай), амир Ҳамидни ўлдирмоққа келаётган бўлсалар керак, деб гумон қилдилар. Шоша-пиша бири унга гурзи ва яна бири қилич солди, умид лабига нажот боли ётай, деб турган шаҳид амир Ҳамид ўлим заҳрини ютди.— Оллоҳнинг ҳукмига қарши туриб бўлмайди,— унинг ҳукмини кечиктирувчи йўқдир.²⁵

Амир Ҳусайн бу ҳолдан огоҳ бўлгач, бу борада навкар ва оддий одамнинг қилмиши хос киши (қилмишидан) яхшироқ (бўлди), деди. У тезда элчи юбориб Искандар-ўғлонни олиб келишни буюрди ва уни ёсоққа етказди. ИБОРА. Қазо ўқи учун қалқон йўқдир.

Ўша қишда Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон ҳар қайсиси ўзининг давлат ва комронлик пойтахтида ором топдилар: иш ва аҳволнинг кечиши омон-эсонликка мувофиқ, орзу-умидлар ноғораси (эса), ғалаба ва иқбол зилолидан лиммо-лим.— Мурувватли саҳий Оллоҳга мақтовлар бўлсин.

ЛОЙ ЖАНГИ ВА УНИНГ ТАФСИЛОТИ ҲАҚИДА СЎЗ

Сиз ёқтирмайдиган нарсада (Оллоҳ сиз учун кўй) яхшилик ато этмишдир²⁶,— (оят) мазмунининг гуллар билан чирой очган тиканли чаманидан башорат насими бахтсизлик ва ғам-андух майдонида шикаст топганлар жони димоғига етиб боради, матлаблар ва мақсадлар келинлари қийинчиликлар ва бахтсизлик либосида жилваланади, неъмат ва ато лутфларини ғам ва машаққат дастурхонида тортиқ этади. Бу Оллоҳнинг қудратли ҳйкмати белгисидир.

Катта давлат қийинчилик билан келади, катта бирлик ва муваффақият эса, тарқоқлик ва омадсизлик сабабли бўлади...

Ҳазрат (Соҳибқирон) ўз давлати пойтахтида²⁷ саодат ва иқбол ила ором олиб ўтказган қиш фасли тугагач, баҳор қаҳрамони лола байроғини кўтариб, яшил майсалардан (тўқилган) чакмон кийган сипоҳини боғу бўстон майдониغا бошлаб келди...

(Шунда), Жата лашкари яна бу томонга азм айлаб йўлга чиқмишлар, деб хабар

* Шеъринг парчалар сўзма-сўз таржима қилинди — тарж.

келди. Ҳазрат Соҳибқирон ҳиммат юзини лашкар йиғмоққа қаратиб (бир) кишини юбориб, Амир Ҳусайнни ул воқеадан хабардор қилди.

Амир Ҳусайн (ўз навбатида) Пўлод-Бўғо, Муҳаммадхожа апардининг ўғли Зиндаҳашим ва Малик-Баҳодирларни сипоҳ бирла илғор қилиб иложи борича тезроқ ҳазрат Соҳибқиронга қўшилсинлар, деб буюрди. Улар ҳазрат (Соҳибқиронга) бориб қўшилгач, ҳужум пайтида осмондай салобатли, юриш чоғида сайёра каби ҳаракат қилувчи лашкар билан биргаллашиб душман томон юзландилар.

Оқор мавзеига етганларидан сўнг, от-улов аҳволини мулоҳаза қилиб, бир неча кун ўша майсазорда бўлдилар. У ердан кўчиб юришда давом этдилар ва Хўжанд сувидан ўтиб кўндилар. Амир Ҳусайн (ҳам) кўп сонли лашкар йиғиб, уларнинг ортидан ошиқди, (Хўжанд) суви бўйига етиб келганида, ул тарафдан душман лашкарининг манғлоийи яқинлашиб қолган эди.

Ҳазрат Соҳибқирон Чиноз ва Тошкент оралиғидаги сув бўйини ўз кўнимгоҳи қилиб белгилади ва сипоҳга тўро ва чир²⁸ билан ўз жойларини мустаҳкамлаб, эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик шартларини ўрнига қўйишни буюрди.

Амир Ҳусайн орқасидан келаётган бутун лашкар билан Сайхун сувидан ўтди ва улар ўз мўрчалларига²⁹ келиб тушдилар. У томондан душман сипоҳи ҳам Бодом суви³⁰ бўйига етиб келиб ўрнашдилар.

Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон ул ердан қўзғалиб йўлга чиқдилар. Ҳар иккала томон қоровуллари бир-бирларини кўргач, лашкарни тузашга киришиб, сафларни ростладилар. Унғ қўл томонда Амир Ҳусайн шон-шавкат байроғини Айюқ юлдузигача³¹ кўтарди. Унинг қанбулида³² Тилончи арлот, ҳировулда Улжойтуй апарди, Шер-Баҳром, Пўлод-Бўғо, Фарҳод апарди, Малик-Баҳодир ва бошқа донгдор баҳодирлар бор эдилар. Оламнинг жони ва ҳаракатнинг юраги бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон чап томонда (туриб) иккала ёритқичга³³ қўшимча, зафарпайкар байроқ ҳилолини учинчи (ёритқич) қилди. У амир Сори-Бўғони қитчоқ қавми билан бирга қанбулга белгилади; ҳировулга Темурхожа-ўғлон тайинланди; амир Жокў, амир Сайфиддин, амир Мурод барлос, Аббос-Баҳодир ва бошқа қиличбоз баҳодирларни кўлда олиб турди. Ана шу тартиб-қондага асосан, лашкарни олға элтдилар.

Бироқ (оятда),— Ҳунайн кўни³⁴ сиз ўзингизнинг кўп сонли эканлигингиздан мағрурланган (эдингиз),—³⁵ дейилганидек, ҳайратланиш азобидан саломат қолмадилар. Жата (кўшинлари) Қаямитандаги³⁶ жанг майдонида сон жиҳатидан ортиқ бўлишларига қарамай, бу томон сипоҳидан қаттиқ шикаст топган эдилар. Бу томон лашкари улардан кўп бўлиб турган эндиги пайтда бўлса, ҳийла ишлатмоқ йўлига ўтдилар. Яъни ҳосияти яратганнинг ажойиб санъатларидан бири бўлмиш жада тоши воситасида жада қилдилар...

Қуёш жавзо (буржида)³⁷ бўлишига қарамай, тўсатдан булутнинг қора совут кийган сипоҳи... қазо пистирмасидан ҳаво майдонида от сурди; момақалдироқ кўрачасининг гулдурашини гардуннинг тўнкарилган мовий тоқига таратиб, чақмоқ тирларини момақалдироқ камонидан ҳар томонга йўналтирди, яъни ёмғирдан тир ясаб тирбўрон қила бошлади. Уша кезларда замонанинг фитна ва ошубга бўлган ишқи янгиланган эди; булутнинг кўзидан шунчалик кўп сув тўкилган эдики, (ҳатто) тўфон қўзғалди... Тупроққа шунча кўп сув ва нам сингдики, Ернинг сигири³⁸ худди балиқ каби сувда сузиб кетди ва жанг майдони бедовларни шу даражада лойга ботдики, қоринларининг териси ернинг орқасида ариқ ўзанига айланди. Рутубатнинг кўплигидан пай³⁹ камон суягида⁴⁰ астархо касалига⁴¹ учраб, изтиробга тушди, фалаҳга ўхшаб қалтираб сулайиб қолди ва унинг учларида ўралди. Тир қўшининг қаноти осилиб, тумшуғи ишдан чиққан эди. (Ҳаво) ўта нам бўлганлигидан кийим-кечак ва бошқа нарсалар шу даражада оғирлашган эдики, отликда ҳам, пиёдада ҳам қимирлашга ҳол қолмаганди. Шундай бўлса-да, бул томон сипоҳи орият ва ботирликнинг зўрлигидан олға борардилар. Душман лашкари эса, ўз жойларида туриб, бошларига кигиз ёпини олган эдилар ва имкони борича кийим-бош ҳамда яроғ-аслаҳаларни ёмғирдан асрардилар.

(Бу томон) лашкари уларга етиб борганда, улар кигизларни бошларидан улоқтириб, дам олиб турган отлар билан, қурол-яроғни авайлаб сақлаган ҳолда жангга ташландилар...

Ҳазрат Соҳибқирон тангрининг кўмаги билан майсарадан ҳужум қилди ва душманнинг қанбулида амир Ҳамиднинг биродари Шингум-нўён турган майманасига шикаст етказди. Бу ҳолни кўрган Илёсхожаон қочмоққа юз ўгирди.

Бироқ, замона тўғри йўлдан четга қадам қўйганлиги сабабли, қанбули Шировул ва Ҳожибек бўлган душман лашкари бу томоннинг ўнғ (қўл)идан устун келди ҳамда Тилончи ва Зиндаҳашимларни қувлаб амир Ҳусайн қошигача олиб бордилар. (Нагижада) уларнинг қўли енгилиб тарқалиб кетди ва қоча бошладилар. Шер-Баҳром ва Пўлод-Бўғо сабот-матонат оёғида мустаҳкам туриб мардлик кўрсатдилар. Ҳожибек бул томоннинг майманасини олдига солиб қувлаб бораётганини кўрган Фарҳод ва Ўрунғ-Темур ҳайрон тўхтаб қолдилар. Ул томондан амир Шамсиддин ҳам катта бир гуруҳ билан ғайрат қўлини довораклик енгидан чиқариб мардларча курашдилар.

Ҳазрат Соҳибқироннинг ғурур олови аланга олди, забардастлик ва насл-насаблилигини тасдиқловчи қўли... ўн етти қўшин билан душман устига ёпирилди ва олов (каби)

ҳамласининг шамоли уларнинг сабру қарор хирмониға ваҳима солди. Амир Шамсиддин ул Ҳазратнинг салобати кўрқувидан иқтисод жиловининг жанг майдонидан буриб, ожиз ва қўти учган юзини қочмоқ сари ўғирди... Ҳазрат Соҳибқироннинг ғалабасидан Амир Ҳусайннинг ишончи кучайиб, яна ўз сипоҳини тўплади...

Ҳазрат Соҳибқирон ўзининг Тобон-баҳодир (исмли) навқарини амир Ҳусайн қошиға юбориб, ҳозирги қўлай вазият шундайки, амир олдинга — (биз томонга) юриши керак ва биргаликда ҳужум қилиб душманнинг асосий кучини чунон қирқайлики, уларда тенг келишга ва қаршилик кўрсатишга мажол қолмағай, деб арзға етказди. Саодатли Соҳибқирон толеи қувватидан Амир Ҳусайннинг иқбол юлдузи сўнишга юз тутган ва давлатининг куни бахтсизлик шомиға яқинлашганлиги учун, — Оллоҳ таоло ҳеч бир қавмнинг ўзида бўлган нарсани ўзгартирмайди, токи уларнинг ўзлари уни ўзгартирмасалар⁴², — (оят) мазмуниға кўра, шу кунларда, унинг аҳдлашилган иқрор овози ўзгарган бўлиб, унда номуносиб хулқ-атвор ва номаъқул ишлар кўзга ташланарди.

Тобон-баҳодир унинг олдиға етиб келганида, уни уришиб-сўкиб яна шундай урдик, ағдарилиб тушди. Ҳазрат Соҳибқирон ундан сўнг Амир Ҳусайн баҳодирларидан бўлмиш Малик ва Ҳамадийни унинг олдиға юборди ҳамда, албатта олдинга юрмоқ лозим, токи фурсат қўлдан кетмасин, деб таъкидлади. (Амир Ҳусайн) бу айтилганларни яна бир қарра эшитгач, уларға дашном берди ва дўқ-пўписа қилиш билан бирга, жабр-зулм (дан сўз қотгучи) тилини узайтириб: «Нима мен (жанг майдонидан) қочиб кетаётганмидимки мени олға юрмоққа ундаяпсиз? Сиз ғолиб келасизми, ё душман ғолиб келадими, менинг интиқом қўлимдан бирор киши жон сақлаб қолади, деб ўйламанг», — деди. Малик ва Ҳамадий ҳафа бўлиб, унинг олдидан қайтиб кетдилар ва ҳазрат Соҳибқирон қошиға ошиқиб, унинг ҳумоюн жиловини тутдилар ва: «Бу жангда ҳеч тиришиш керак эмас ва бу борада ортиқча уринмаслик лозим», — дедилар. Ҳазрат (Соҳибқирон) уларнинг сўзидан ташқари чиқмади ва жон куйдириб (жанг қилишдан) қўлини тортиди.

Иккала томоннинг майсараси ўз қаршисидаги (кўшинни) қувлаб, изма-из борганлиги сабабли, лашкар бир-биридан (анча ичкариға) ўтиб кетган эди. Ҳар иккала томон сипоҳи бир-бириға етиб ҳар ким борган жойда қўнди...

Уша оқшом Амир Ҳусайн бир неча марта ҳазрат Соҳибқиронни талаб қилиб, унинг ҳузурига киши юборди. Бироқ унинг ўринсиз хатти-ҳаракатидан ул Ҳазратнинг муборақ кўнгли қолганлиги сабабли, илтифот кўрсатмади ва (ҳеч бир) илтимос иш бермади.

(Тонгда) ҳар иккала томондан уруш марди-майдонлари ёпирилиб ҳужумға ўтгач, Жата лашкари шикаст топди ва ўғирлиб, қочмоққа юзланди. Бу томон сипоҳи қочаётганлар изидан худди уларнинг нотавон танасидан чиқиб кетаётган жон мисоли борарди. Бироқ қарорсиз дуненинг ўз режаси бор эди.

Шу пайтда, амир Шамсиддиннинг ундан бўлиниб қолган бир тўда тўпи сарсон бўлиб юрган сипоҳ билан пайдо бўлиб қолди. Қочиб бораётганлар ортидан илдам кетаётган бу томон лашкари жиловни буриб ул тўп тарафға юзландилар. (Фурсатдан фойдаланиб) мағлуб бўлган (душман) сипоҳи қайтадан тўпланди ва бирданиға ҳужумға ўтди, замину замон ларзаға келди.

Саботсизлик унинг учун хос одат бўлган замона бахту давлатдан ясаб қўндирган байроқни

Назм:

Бахтсизликнинг ён шамоли ила кулатди.

Натижада, ғалаба қозонган бу томон лашкари енгилиб, қочмоққа юз бурди...

Қочмоқнинг ур-сур тўс-тўполонида кўплар лой ва балчиққа ботиб қолдилар. Мажолсиз душманлар эса, (қайтадан) доворак бўлдилар ва ҳумордан чиққунча қасос қиличини серпидилар. Ун мингга яқин киши ул қиёмат тўполон қурбони бўлди. — Оллоҳнинг амри азалдан тақдир этилган ҳукмдир.⁴³

Бу воқеа етти юз олтмиш олтинчи йил рамазон (ойининг) бошида (1365 йил, май ойининг охири), яъни илон йили юз берди.

Иттифоқо, шу кунларда, фалакда ақраб буржида⁴⁴ жойлашган ва мунажжимлар уни «ўғирланган қирон»⁴⁵ деб атаган учлик қиронларининг⁴⁶ ўнинчи қиронида қўшилиш содир бўлган эди.⁴⁷ Ушбу сўз фалакиёт ҳодисаларининг ҳолатларини бўрттирмақ мақсадида эмас, шунчаки қиссани (изоҳ билан) тўлдириш учун келтирилди. — Борлиққа Оллоҳдан ўзга таъсир этувчи йўқдир.

Амирлар у ердан қайтиб Кешға етдилар ва ҳар ким ўз элини Жайхун (дарёси)дан ўтказиб қўйиш ҳаракатига тушдилар. Амир Ҳусайн ҳазрат Соҳибқиронға қараб: «Оила ва эл-улусни (Жайхун) сувидан ўтказиб қўймоқ маъқул турур», — деди. Ул Ҳазрат шундай жавоб берди: «Улар (дарёдан) ўтиш учун йўл олмишлар, бироқ вилоятни қолдириб кетмоққа ҳимматим йўл қўймаётир. Чунки у душманнинг жабр-зулмидан бутунлай оёғости бўлиб кетади. Яна бир бор сипоҳ тўплаб, ёғийға қарши турмоқчиман».

Амир Ҳусайн у ердан Соли-Сарой томон юрди, етиб боргач, ўзининг бутун эл ва тобеларини кўчириб дарёдан ўтди; адир ва доворлардан ошиб, Шибарту мавзесига

бориб ўрнашди ҳамда хабарчилар қўйди; мабодо Жата сипоҳининг келишидан огоҳ бўлса, Ҳиндистон томон кетмоқчи эди.

Саодатли Соҳибқирон амир Ҳусайннинг Кешдан кетганлигидан хабар топгандан сўнг, ҳиммат юзини лашкар йиғмоққа қаратди. У яхши тадбир билан ўн икки қўшин тартибга келтирди ва ундан еттита қўшинни Темирхожа-ўғлон, Жовурчи ҳамда Аббосбаҳодир бошчилигида манғлой расми ила Самарқандга жўнатди. Жовурчи у ерда ичишга берилиб кетди ва шаробнинг кайфи унга таъсир қилиб,

(Назм)

Шароб агар мисли шамол атр сочиб ўтган бўлса,
Қиздириб бадфеъл қилгай у, агар бекор кетган бўлса,

деб айтилганига кўра, унинг ичидаги ўчоқда ёнган ул ёмонлик оғиз бўшлиғида аланга ола бошлади. У Довудхожа ва Ҳиндушоҳни қўрқитиб: «Фалончи, яъни ҳазрат Соҳибқирон, сизларни тутиб Амир Ҳусайн ихтиёрига юбормоқни ўйлаб қўймиш, у эса, ўша ондаёқ сизни йўқ қилиб ташлайди»,— деди. Уларни ваҳима ва қўрқув босди, қочмоқни ихтиёри айлаб душман томон шошилдилар; Жата лашкаридан Улуғ Тўқи-Темурнинг ўғли Кепек-Темур, Шеровул ва Жожибекнинг ўғли Унгуржак лашкарнинг манғлой тарзида Кўккунак мавзесига етиб келганлиги сабабли, уларга ғажарчи бўлиб, Темурхожа-ўғлон, Жовурчи ва Аббосларнинг устига бошлаб келдилар. (Душман) уларни тормор қилиб, ул сипоҳнинг бирлашиши ҳақидаги қарори баробод бўлди.

Ҳазрат Соҳибқирон аҳволдан огоҳ бўлгандан сўнг, давлат ишида ҳали бир оз кутмоқлик вазияти борлиги ва (беҳуда) жон куйдирмоқлик фойда бермаслигини англаб етди.

Аму сувидан ўтиб, Балхни ҳумоюн қароргоҳи этиб белгилади ва ўзининг тарқалиб кетган эл ва туманини йиғди. Шунингдек, Кепекхон ва Улжай-бўғо сулдуз туманларини ҳам тўплаб келишга буюрди. Бир гуруҳни Жайхун суви бўйини эгаллаб қўриқлашга ҳамда кўз-қулоқ бўлмоқ ва ҳушёрлик шартларига риоя қилиб ҳар қандай нохуш ҳодиса-воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун тайинлади. Темурхожа-ўғлонни, унинг томонидан содир бўлган хато учун сиёсатга тутди. (Узи эса) давлатни бошқариш офтобининг чиқишини кутиб ишрат ва комронлик тонгини ўтказиб турди.

ЖАТА ЛАШКАРИНИНГ САМАРҚАНДНИ ҚАМАЛ ҚИЛГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Жата лашкари Самарқандга етиб келди. Уша кезларда (шаҳарнинг) қўрғони бўлмаганлиги сабабли, Мавлонозода Самарқандий, мавлоно Хурдак Бухорий ва Абубакр Калавий наддоф шаҳар аҳлини оёққа турғизиб, шаҳарни кўчабанд ва муҳофаза қилмоққа киришдилар. Маълум муддат раият ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукуҳисиз, бош-оёқ қуролланган ғаддор ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мардларча курашдилар. Душманга ҳужум қилишда ва муҳофаада шундай матонат кўрсатдиларки, уларнинг ҳукмронлик ва истило қўли ул шаҳар аҳолисининг номус ва моли этагига тегмади. Одамлар қамал муддатининг чўзилиб кетганлигидан жуда танг аҳволга тушиб қолдилар. (Шунда) бечоралар халоскори бўлмиш Тангри таолонинг лутфи (уларнинг) оҳу фиғонини эшитди ва,— дарҳақиқат, ҳар бир мушкулликда бир осонлик бор, ҳа, чиндан ҳам, ҳар бир мушкулликнинг бир осон томони бор⁴⁸,— (оятининг) руҳ бахш этгучи насими Оллоҳ раҳматининг даргоҳидан эсди. Жата (сипоҳининг) отлари орасида вабо тарқалиб, шунчалик кўп от ўлдик, ҳар тўрт отликда биттадан зиёд от қолмади. Шу сабабдан, улар ночор ва ҳайрон бўлиб, ўша ердан (ўз юртларига) қайтиб кетдилар; улардан кўпчилиги тиркашларини⁴⁹ орқаларига боғлаб яёв кетишга мажбур эдилар. Подшоҳлар ҳиммати ва уларнинг ноибларига матонатига муносиб бўлмиш юртни муҳофаза қилиш ва ана шундай лашкарга қарши туришдек ишлар раият қўли билан амалга ошди.

(Лекин) бирмунча куч ва ихтиёрга эга бўлган бир гуруҳ (кишилар)нинг тасаввури бошига мағрурлик шамоли кириб, улар жасорат оёқларини ўз мавқеларидан юқорироққа қўйдилар ҳамда ҳукмронлик, зўравонлик қўлларини қон тўкиш ва фитна-фасод уюштиришга чўздилар. (Назм:) Эй худо, ишқилиб бир куни келиб гадо катта одам бўлиб қолмасин.

Жата лашкари қайтиб кетаётган пайтда, ҳазрат Соҳибқирон Жатаниннг ҳол-аҳволини билиб келиш учун Аббосбаҳодирни Қаҳалғага юборган эди. У уларнинг аҳволини текшириб, аниқлаб бўлгач юқорида айтиб ўтилган тарзда ул Ҳазратга арзга етказди. (Соҳибқироннинг) олий раъйи Жата сипоҳининг қайтиб кетганлигидан хабар топгандан сўнг, аҳволдан хабардор қилмоқ мақсадида Амир Ҳусайн қошига киши жўнатди ва бул томонга юрмоқ лозимлигини айтишни тайинлади. Юборган киши хабар етказиши билан Амир Ҳусайн беҳад шод-хурсанд бўлди ва тез фурсатда Шибартудан кўчиб Соли-Сарой томон йўл олди. Ҳазрат Соҳибқирон эса оила ва элини (Жайхун) сувидан ўтказиб, ўзининг қадим юртига жўнатиб, ўзи Амир Ҳусайн истиқболига отланди. Улар Бақлон жулгасида⁵⁰ учрашдилар ва бир-бирлари билан кучоқ очиб кўришиб, иззат-хурмат расмини ўрнига қўйдилар, ўтган-кетган ва келажак ишлар ҳақида сўз қотдилар. Ўтмиш аҳволи ва истиқбол бобида машварат олмоси билан (фикр) гавҳарлари тешилди. (Ниҳоят), баҳор

келиши билан биргалашиб Самарқанд томон юрмоққа қарор қилдилар. Ҳазрат Соҳибқирон саодат ила қайтди ва Жайҳун сувидан ўтиб, бир неча манзил йўл босиб Қаршига келиб тушди.

Бу жойнинг Қарши, деб шуҳрат топганлигининг сабаби, Кепекхон (ўз даврида) Насаф ва Нахшабдан⁵¹ икки фарсах масофада бир қўрғон барпо этган эди; мўғуллар қўрғонни «қарши» дейдилар. Қиш фаслида Ҳазрат (Соҳибқирон) ўша ерда тўхтамоқни ихтиёр этди ва Қарши ҳисоририни тикламоққа фармон берди. Кундан-кун ортиб бораётган давлат улғуворлиги туфайли ўша қишнинг ўзидаёқ (бу қурилиш) ниҳоясига етди...

Баҳор бошланиб, Қуёшнинг гардун тахтли Жамшиди⁵² Зухронинг шараф саройидан балқиб, мақсад соясини ўз шараф уйига солди.⁵³ Гулнинг ферузатахт Заҳҳоки⁵⁴ сабзаю райҳонлар лашкари билан, (ушбу) ҳудуддаги боғлар ва атрофдаги бўстонларни ўз чодери учун манзилгоҳ айлади.

Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон, илгаридан ваъдалашганларига мувофиқ, юриш байроғини Самарқанд томон кўтардилар. Ул фирдавснишон шаҳарнинг ташқарисини⁵⁵ ҳашамат ва қудрат ила ўз чодирлари тикилган қўнимгоҳ қилганларидан сўнг, бебок сарбадорларни⁵⁶ йўқотмоқни давлат ва диннинг энг муҳим ишларидан бири, деб билдилар. (Сабаби), ўша кезларда (сарбадорлар) ҳоли қолган майдонни ғалаён ва туғён тадбирлари (ўтказиладиган) жой қилиб белгилаб, турли қабиҳ хатти-ҳаракатлар — қатл этиш, талон-тарож қилиш ва бошқа (шунга ўхшаш) ишлар билан машғул бўлдилар.

Уларнинг ҳаммасини (қамоққа) олмоқ учун фармон бўлди. Улкаларни забт этгучи Соҳибқироннинг тўғри (йўлни) кўрсатувчи раъйи Мавлонозода (Самарқандий)ни банддан халос этмоқни лозим деб топди ва уни Амир Ҳусайннинг қаҳру ғазабидан асраб қолди. Қолганларни эса, зафарли лашкар қароргоҳи бўлмиш Конигилда қатл қиличи дамидан ўтказдилар.

Қуёш чиқиши юлдузлар ботгандан кейин юз бергандек, ҳазрат Соҳибқирон салтанати офтоби ҳам Амир Ҳусайн (ҳукмронлиги) заволидан сўнг чиқиши қазо девонида қадар хабарчиси томонидан ёзилган ва аниқ кўрсатилган эди. Шу сабабдан, ушбу кунларда Амир Ҳусайнда омадсизлик ва бахтсизликнинг белгилари тобора қулоч ёзиб борарди, чунончи, мағрур подшоҳлар шаънига лойиқ бўлмаган хирс ва бахиллик, ваҳшийлик ва очкўзлик унинг вужудини қамраб олди ҳамда мол-дунё йиғиш ва захира тўплашга муккаси билан шўнғиб кетди. Аҳвол шу даражага етдики, ҳазрат Соҳибқирон амрлари ва мулозимлари (молига ҳам) тама кўзини тикди. Яъни, амир Жокў, амир Сайфиддин, Оқбўғо, Элчи-баходир ва Давлатшоҳ бахши номига анчагина (тўлов) маблағи белгилаб, уни ундириб олиш учун солиқ йиғувчи тайинлади. Бироқ, улар яқинда «Лой жанги» воқеасини бошдан кечирганликлари ва мол-заҳиранинг кўп қисми талон-тарож бўлиб кетганлиги учун, у тама қопини тўлдиришни мўлжаллаган маблағни буткул йиғиб беришга имконсиз эдилар. Ҳазрат Соҳибқироннинг ҳусравона ҳиммати ёрдам қўлини чўзмоқни тақозо этди ва олтин у кўмушдан иборат катта (миқдордаги) маблағни, жумладан, маҳди аъло Улжой Туркон-оғонинг билагузук ва исирғасини ҳам уларнинг тўлов маблағи ҳисобига бериб юборди. Амир Ҳусайн уни кўриб, ўзининг синглициники эканлигини таниди. Аммо очкўзлик ҳирси шу даражада ёмон бўлиб кетган эдики, ҳатто ака-сингиллик қадр-қийматини ҳам кўзга илмади ва уларни олишдан ҳайиқмади...

Шунча маблағни берган билан ҳам у белгилаган (тўлов) миқдорига яна ўч минг динор етмай қолди. Ҳиммати дарёдек (бўлмиш) Соҳибқирон қўшимча яна ўзининг шахсий отларидан ҳам пешкаш этди. Амир Ҳусайн отлар бевосита ул Ҳазратга тегишли эканлигини билгач, уларни қабул қилмади ва бунинг узри учун деди: «Мен Соли-Саройга қайтгумдир. У ердан Хоразмга Ҳусайн Сўфи қошига (унинг) қизини сўраб, арзигулик миқдорда нақд маблағ юбормоқни ўйлаб турибман. Агар ёрдам тарзида ушбу маблағни менинг ортимдан юборсанг яхши бўлур эди». Амир Ҳусайн Соли-Сарой томонга йўл олгандан сўнг, ҳазрат Соҳибқирон кун сайин ортиб бораётган давлатининг пойтахти бўлмиш Кешга келиб тушди. (Тез фурсатда) белгиланган миқдордаги маблағни нақд қилиб Амир Ҳусайн кетидан жўнатди, ўзи эса ов қилмоққа отланди.

АМИР ҲУСАЙН ВА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН УРТАСИДА БУЗҒУНЧИЛАРНИНГ ФИСК-ФАСОДИ ТУФАЙЛИ ДУШМАНЛИК ЮЗАГА КЕЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СУЗ

Маълум вақтдан сўнг, найрангбоз рўзғор янгидан муқом кўрсатди ва макр-ҳийла мунчоғи билан алдов сахнасида янги ўйин намойиш этди. Яъни, содир бўлган адолатсиз хатти-ҳаракат туфайли, одамлар дилида Амир Ҳусайнга нисбатан нафрат уйғонган ва у (экан) жабр-зулм ниҳоли кўнгиллар боғларида ниш урган эди. Бироқ токи ҳазрат Соҳибқирон у билан иттифоқда экан, ҳеч ким жасорат қадамини душманлик йўлига қўя олмаслигини ҳамма (яхши) биларди.

Шу сабабдан фитна уюштирдилар: амир Мусо, унинг акаси Боязид жалойирнинг ўғли Али Дарвеш ва Фарход биргаликда макр-ҳийла тузоғини қўйдилар. Улар Урдахотун билан тил бириктириб, ёлғон ва бўҳтон қалами ила бир мактуб туздилар ва уни Амир Ҳусайнга йўладириб.

Урдахотун Тармаширinxоннинг хотинларидан бўлиб, унинг қизи — Али Дарвеш-

нинг онаси Амир Хусайн никоҳида эди. Ул чинга яқин бўлган ёлгон номанинг мазмуни куйидагича эди: «Фалончи, яъни, ҳазрат Соҳибқирон, хонга⁵⁷ ва сенга, яъни сен, Амир Хусайнга нисбатан душманлик ва жанг-жадал қилмоқни ўйлаб юрибди. Мағрурлик тирноғи билан бўйсунмаслик ва мустақиллик бошини қашимоқда. Сенинг қилмишинг ва сўзларингдан кўнгли қаттиқ хафа бўлмиш ва малол топмиш, жанг қилмоққа жазм этмишдир ва унга ҳозирлик кўрмоқ ила машғул эрур». Амир Хусайн ул ҳақиқатдан узоқ битикдан хабардор бўлди ва бу ҳақда худди ўша ваҳимали тарзда хонга арзга етказди ҳамда унинг ёрлиғи билан бир кишини (ҳазрат Соҳибқиронга) юборди. (Унда), ҳазрат Соҳибқирон ва ушбу (ёрлик) мазмунидан хабардор бўлганлар Самарқандга Урда-хотун хузурига йиғилсинлар ва (хатдаги) сўзларни текшириб, ишнинг ҳақиқатини очсинлар, дейилган эди. Ҳазрат Соҳибқирон аҳволи саҳни ул тухмат ғуборидан тоза ва холи бўлганлиги учун ҳеч бир хаёлга бормай, дарҳол Самарқанд томон йўл олди. Амир Мусо, Али Дарвеш ва Фарҳод ул Ҳазратнинг келишидан хабар топгач, шарманда бўлиб қолиши ва жазога тортилиши мумкинлиги қўрқувидан ҳамда ҳижолат ва ташвиш хавфидан ул ҳангамадан юз ўгириб, тезда Хўжанд томон йўл олдилар... Бироқ ул сўз Амир Хусайн томонидан тарқатилган ва аниқланмасдан қолиб кетган эди. Шунинг учун ёрқин раъйи билан давлат илҳоми кўллови туфайли ишларнинг тафсилоти ва сирларнинг маҳфийлигидан огоҳ бўлувчи фаҳм-фаросатли Соҳибқирон,— кимки шарманда қилмоқчи бўлса, хор-зор бўлади,— дейилганига кўра, (бир ҳақиқатни) англаб етди: (яъни), ҳар бир нарса, агар у ғийбат уфқидан чиқиб, нури қулоқ тешиги орқали фикр қасрининг думоғига ўтса ва акси қалб девонига тушиб, ундан юрак таъсирланса, гарчи у ўрнашиб қолиб узоқ сақланмаса ҳам, лекин нотинч хаёллар ижрочиси «агар ва магар» таронасини куйлайверади... Амир Хусайннинг табиати аслида ўта беқарор. Шак-шубҳасиз, унинг кўнглида бирор эски кудурат сақланиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Чунки яра битиб кетган билан ўрни қолади. Бундан кейин унга ишониб давлат арбоблари наздида амри вожиб бўлган эҳтиёткорлик фатвосига биноан ҳаром кўринади.

Шер-Баҳром ва Баҳром жалоийр ҳам аслида Амир Хусайнга ишонмасдилар ва у билан муомалада ҳар доим чора нақшини тadbир лавҳасига битиб юрардилар. Ниҳоят бир кун и ҳазрат Соҳибқирон дил сирини очиқ-ойдин улар билан ўртага ташлади ва орзу эшиги уларнинг умид юзи томон очилди. Улар ҳазрат Соҳибқирондан қўрқиб интизорлик бағрида илгари бекитиб юрган (дил) розини пардасиз изҳор этдилар: «Амир Хусайннинг кўнгли бизларнинг бирортамизга нисбатан тўғри эмас, бу масалада тўғри раъй бутунлай унга қарши чиқмоқни тақозо этади. Зудликда лашкар тузишга киришмоқ лозим, чунки у сўзсиз бизга қарши жазм этмишдир, фурсат ўтгач, пушаймонликдан не фойда.

Улар ушбу мазмунда сўз юритганлари ва анча ваҳима қилганликлари сабабли, ҳазрат Соҳибқироннинг муборак хотирида ниш уриб турган ҳадиксираш кучайди. (Ниҳоят) улар билан Амир Хусайнга қарши бирлашиб, (ўзаро) аҳд-паймон боғладилар. Унда Шер-Баҳром ўзининг асл юрти — Хатлонга бориб сипоҳ тўплаш билан машғул бўлсин, ҳазрат Соҳибқирон эса, бу томонда лашкар тузиш ва қуроллантиришга киришсин, деб қарор қилинди. Шер-Баҳром Хатлонга қайтиб кетаётган пайтда осмон ғуломи бўлмиш Соҳибқироннинг навкарларидан Одил исмли бир кишини ўзи билан бирга олиб кетди ва ўз одамларидан Тохохожани қолдирди. Яъни, қачонки Одил қайтиб келса, ўшанда Тохохожа (у ёққа) кетади, натижада ҳар иккала томон сипоҳи бир-бирларининг аҳволларидан огоҳ бўладилар.

Шер-Баҳром Хатлонга етиб боргач, ўз лашкарини йиғди, сўнгра Бас-Тарк яйлоқига чиқиб, ўша ерни мустаҳкамлади ва Амир Хусайнга очиқ-ойдин қарши чиқди. Амир Хусайн унга нисбатан мақр ва алдов йўлини тутди ва ўз давлати асосидан ҳам бўшроқ бўлган бир ваъда билан уни баланддан пастга туширди ҳамда ўзига муте ва қарам қилиб олди.

Ҳазрат Соҳибқирон ул ҳолатдан хабар топгач, Шер-Баҳромга ушбу мазмунда бир хат ёзиб юборди: «(Амир Хусайнга) сен қарши чиқдинг ва душманлик қилиб бош кўтардинг. Энди бўлса, унга қўшилиб, ўзингни яхши қилиб кўрсатяпсан. Ҳадемай, у сенинг жазонгни беради ва унда пушаймонликнинг фойдаси бўлмайди». Худди шундай бўлди.

Бу томондан ҳазрат Соҳибқирон Баҳром жалоийр, амир Жокў ва Аббос Баҳодирга лашкар бериб, Хўжанд томон юборди ва жалоийр элини забт этсинлар ҳамда бузғунчилик ва алдамчиликлари ана шу душманликка сабаб бўлган амир Мусо ва Боязиднинг ўғли Али Дарвешни қўлга олсинлар, деб буюрди. Улар бу ишдан хабар топиб, қочиб қолдилар. Баҳром эса, жалоийр улусини йиғиб вилоятга ўзи ҳоким бўлди. Бироқ хон ва Амир Хусайнга қарши чиқишни эплашда мушкуллик туғилиб қолиши мумкин, деган (хаёл) қўрқувидан, ҳазрат Соҳибқиронга хабар қилмай, ўзига яқин бўлган бир жамоа билан отланиб, мард Али Дарвешни ўлдириб,⁵⁸ элини бошлаб Жата томонга жўнади.

Давоми кейинги сонларда

ИЗОҲЛАР

1. Ўнг қўл — қўшиннинг ўнг қаноти.
2. Тошариқ — таҳминан ҳозирги Қамаш районидagi Тошқўрғон қишлоғи.
3. Майсара — қўшиннинг сўл қаноти.
4. Маймана — қўшиннинг ўнг қаноти.
5. Қабаймитан — кейинроқ, матннинг ўзида бу ном «Қаямитан» шаклида ёзилган; таҳминан ҳозирги Шаҳрисабз районидagi Наматон қишлоғи, Шаҳрисабз билан Китоб оралиғида.
6. Ҳировул — лашкарнинг илғор қисми кетидан борувчи олд бўлинма.
7. Яъни ўнг қўли билан «алиф» — ўқни, сўл қўли билан «дол» — камонни ушлади; араб алиф-босидаги бу икки ҳарф шаклига ишорадир.
8. Бу ерда муаллиф томонидан моҳирона ўхшатиш берилган: «чарх» — «фалак», «олов» — «учар юлдуз».
9. Қуръони карим, 67-сура (Мулк сураси), 5-оят. Бу оятнинг тўла матни қуйидагича: «Биз дунёнинг осмонини чироқ — (юлдуз)лар билан безадик ва уларни (фаришталарнинг сўзини ўғринча тинглашга уринаётган) шайтонларга отадиган нарса қилдик, уларга охиратда дўзах азобини тайёрладик».
10. Қуръони карим, 12-сура (Юсуф сураси), 100-оят.
11. Наҳанг — умуман даҳшатли денгиз ҳайвони (кит, акула).
12. Қуръони карим, 39-сура (Зумар сураси), 74-оят.
13. Қуръони карим, 9-сура (Тавба сураси), 25 оят.
14. Найсон — қадимги римликлар ва сурияликлар солномаларида 7-ойнинг номи; Грегорий солномасида апрель ойига тўғри келади.
15. Қуръони карим, 3-сура (Оли Имрон сураси), 126-оят.
16. Ём суви — ҳозирги Жом сойи, Самарқанд вилоятининг жанубий қисмида.
17. Лу йили — мучал (12) йил ҳисобидаги 5-йилнинг номи, форсчада наҳанг, яъни балиқ (хитойларда Аждар) йилига тўғри келади.
18. Нил — кўк бўёқ.
19. Қуръони карим, 17-сура (Исроъ сураси) 82-оят.
20. Маҳди улё — (айнан «улуғ беланчак») — подшоҳнинг катта хотинига бериладиган унвон.
21. Замон Билқиси — (айнан: Билқиси аҳд) ривоятларга кўра, Билқис қадимда Месопотамиядаги Сабо мамлакатининг подшоҳи бўлган аёл кишининг исми. У Сулаймон ҳукмронлиги даврида яшаган. Қуръонда келтирилишича, подшоҳ Сулаймонда малика Билқисни кўрмоқ иштиёқи туғилади ва уни келтириб, қуёшга топинмоқдан қайтаради ва қалбига ягона Оллоҳ эътиқодини киритади. Бошқа бир ривоятда эса, Сулаймон малика Билқисга уйланган, дейилган.
22. Қамармиши қилмоқ — ов ҳайвонлари қамалган катта кўра ҳосил қилмоқ.
23. Қуръони карим, 13-сура (Раъд сураси), 38-оят.
24. Қуръони карим, 49-сура (Ҳужурат сураси), 12-оят.
25. Қуръони карим, 13-сура (Раъд сураси), 41-оят.
26. Қуръони карим, 4-сура (Нисо сураси), 19-оят.
27. ...пойтахтида — юқорида Амир Темур Самарқандга келиб тўхтаганлиги матннинг ўзида қайд этилган эди.
28. Тўра ва чир — душман ўқидан яшириниш учун одам бўйи баландлигида ясалган ва кўчириб юриш мумкин бўлган махсус қалқон.
29. Мўрчал — (ёки мўрчол) — қалъани забт этиш учун унинг атрофида қазиладиган ўра (чуқур, пистирма).
30. Бодом суви — шу номдаги жилға, Қоржонтовдан бошланиб, Чимкент шаҳрининг жанубидан оқиб ўтади ва Арис дарёсига қуйилади.
31. Айюқ юлдузи (Капелла) — Савр юлдузлар туркумидаги Сурайё юлдузлар гуруҳига мансуб юлдуз. Қадимги фалакиёт илими ақидасига кўра, Айюқ юлдузи одатда Сурайё юлдузининг ҳимоячиси вазифасини ўтаган.
32. Қанбул (ёки Қанбил) — лашкар қисмларининг олдинги сафи (илғор қисм).
33. Иккала ёритқич — Қуёш ва Ой.
34. Ҳунайн кўни — ҳижрий 8-йил 10 шаввол (мелодий 630 йил 30 январь). Ҳунайн—Мақкадан таҳминан 80 км шимолий-шарқда жойлашган водий. 10 шавволда у ерда Муҳаммад пайғамбар бошчилигидаги мусулмонлар билан кофир араб қабилалари ўртасида қаттиқ жанг бўлган ва мусулмонлар мардларча курашиб ғалаба қозонганлар; бироқ улар кофирлар ортидан Тоифгача таъқиб қилиб, шаҳарни қамал қилганларида, охиригача дош беролмай, қайтиб кетишга мажбур бўлганлар.
35. Қуръони карим, 9-сура (Тавба сураси), 25-оят.
36. Қаямитан — 5-изоҳга қаранг.
37. Қуёш Жавзо буржида 21 майдан 21 июнгача бўлади.
38. Ернинг сигири — «Ер сигирнинг шоҳида туради»,— деган афсонавий тасаввурга ишора.
39. Пай — камон зихи.
40. Камон суяги — камоннинг ёғоч дастаси.
41. Астарҳо касали — мушакларнинг мажолсизланиб шалвираб қолиш ҳолати.
42. Қуръони карим, 13-сура, (Раъд сураси), 11-оят.
43. Қуръони карим, 33-сура (Аҳзоб сураси), 38-оят.
44. Ақраб буржи — 12 буржнинг саккизинчиси.
45. Уғирланган қирон — қирон — бу ҳар қандай икки сайёранинг (Ерга нисбатан бир чизикда бўлиши) қўшилиши, яъни уларнинг эклиптиканинг маълум бир даражасида тўқнашувидир. «Уғирланган қирон» — Миррих (Марс), яъни уруш сайёрасининг ўз уйи Ақраб буржидан шу пайтда ўнинчи уй, яъни Жидий буржида бўлган ва эклиптика доирасида энг юқори ҳолатни эгаллашидир.
46. Учлик қиронлари — Миррих, Қуёш ва Ернинг бир чизикда ётиши.

47. Унинчи қирон — бирон сайёранинг Жадий буржида бўлиши.
 48. Қуръони карим, 94-сура (Шарҳ сураси), 5- ва 6-оятлар.
 49. Тиркаш — ўқдон.
 50. Бақлон жулгаси — ҳозирги номи Бағлон; Афғонистондаги водий, вилоят ва шаҳар.
 51. Насаф ва Нахшаб — Қашқадарё вилоятидаги қадимги шаҳар, ҳозирги Қарши шаҳридан тахминан 8 км шимоли-ғарбда жойлашган, харобалари ҳозирги вақтда Шуллуктепа номи билан маълум. Нахшаб шаҳарнинг қадимий номи, IX—XIII асрлардаги араб манбаларида асосан, Насаф ёзилган. Нахшаб (Насэф) мўғуллар истилоси даврида хароб этилди ва унинг яқинида Қарши шаҳри барпо бўлди.
 52. Жамшид — Фирдавсий «Шоҳнома»даги подшоҳ Жамшид. Асарда ҳамал кириши билан девлар Жамшидни ҳавога олиб учганлари ва қуёш шуъласи тушиб, унинг тожидан нур таралгани назм этилган. Матнда баҳор қуёшининг нурлари Жамшид тожидан таралган ёғдуга ўхшатишмоқда.
 53. Шараф саройи — (шараф уйи, шараф қўнимгоҳи ва ҳ. к.) — экзальтация; Беруний ёзишича, бунда сайёралар (зенит) энг юксак даражага кўтарилиб, буржларда худди тахт узра ўтирган подшоҳларни эслатади. Зухронинг шараф саройи Хутнинг охириги даражалари (27°—40°) да бўлади ва шундан сўнг Ҳамал бошланиб, Қуёш ушбу буржга ўтади, унинг экзальтация пайти Ҳамалнинг 19-даражасига тўғри келади.
 54. Бу ерда гул ва унинг барглари Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Заҳокка ўхшатишган.
 55. ...шаҳарнинг ташқарисини — бу жой Кониғил эканлиги матннинг ўзида кейинроқ қайд этилган.
 56. Сарбадорлар — XIV асрнинг 30—80-йилларида Эрон ва Урта Осиёда мўғуллар ва маҳаллий феодаллар зулмига қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракати қатнашчилари. Сарбадорлар ҳаракатида кенг омма — деҳқонлар, ҳунармандлар, зиёлилар, майда ер эгалари, қуллар қатнашган.
 57. ...хонга — яъни Кобулшоҳ-ўғлонга.
 58. Бироқ, кейинроқ (в. 153-б.) Али Дарवेशни Амир Темур фармони билан қатл этилганлиги ҳам айтилган.

Форс тилидан Омонулла БУРИЕВ таржимаси
 Нашрга тайёрловчи: Асомиддин УРИНБОВЕВ.

Аз-Замаҳшарийнинг «Нозик иборалар» китобидан намуналар

Узингга зарур бўлган ҳар қандай нарсани сотиб ол — бу эркак кишининг муруввати-ни, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўраган нарсанинг бошқачароғини беради, сотиб олганингда эса, ўзингга керагини оласан.

Емон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш — сароб ва кул каби, ҳеч қандай фойда бермайди.

Сени касодга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл. Қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ, деб юпатувчилардин узоқроқ бўл.

Риё бор ҳар қандай ишда зиё йўқдир.

Эзгулик, хайрлик ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут.

Ҳар бир тирик жон муқаррар ўлажакдир, бас, шундай экан, энг яхши савоб ва солиҳ ишларни қилиш фоний одам учун жуда савоблидир.

Емон, хасис киши ҳар жойда лаънатланади, сахий, карим киши ҳар жойда иззат-икромда бўлади.

Қурт-қумурсқалар арслон боласини талигани каби, олижаноб ва ҳимматли одамнинг гўштини ҳасад аҳли ейди.



Чўлпон

МЕН СЕНИ УНУТМОҚ УЧУН СЕВМАДИМ

Жавоб

«Секин-секин мени унутмоққа туш»

Бир хатдан

Узимни унутқон танларим бўлди,
Дунёни, борлиқни унута билдим.
Кўнглимда кўп излар буткул йўқ бўлди,
Сени унутмоқдан мен ожиз қолдим.

Уйноқи бир ҳавас, ўчғувчи севги,
Албатта, абадий яшата олмас.
Кўнгилга ёшлиқдан ўйнашқон қайғи,
То гўрга киргунча ташлата олмас.

Эҳтимол, унутмоқ сенга мумкиндир,
Эҳтимол, севмакда қароринг йўқдир,
Эҳтимол, севмаган сенинг кўнглингдир,
Эҳтимол, севгида йўлинг бузукдир.

Мен фақат у йўлдан кета олмайман.
Мен сени унутмоқ учун севмадим.
Тоза муҳаббатдан сира қолмайман,
Зотан, сенга қараб тўйғонми эдим?

Истасанг нима қил, унута олмам,
Севги абадийдир, кетидан қолмам,
Уйламай, эсламай ҳеч тура олмам!...

Қучоқ — тупрок

Қоронғу тунларда қучоқлағоним,
Ай қаттиғ тупроқлар — ойдин тунларда,
Уфқимда юлдузлар порлаб кулганда,
Сиз-да шодлик билан ағанар чоғим!

Унутдим бир нафас қора кунларни,
Шу чоқда сиздан ҳам севинч кутамен.
Узатинг, узатинг янги гулларни,
Ўзимда йўқ бўлиб эриб... ўпамен!

Кўмилиб ётасиз жонсиз гулларга,
Сиз ҳам, ай жони бор, қони бор гуллар.
Ҳожат йўқ шу чоқда жами турларга,
Ҳақиқий ҳисларга тўсқиндир унлар...

Ваҳм эмас, сиз бўлинг «қиз» чоғлағоним
Ва тупроқ устида қучоқлағоним.

Капалак

Озроқ тўхта, учмай тур, ҳой капалак,
Қанотингдан чимдиб тутай, қиз-малак.
Тусинг худди онам менга тикдирган,
Ипак кўйлак янглиғ кўм-кўк чиройлик.
Қанотларинг онам боққа экирган,
Райҳон, жамбил япроғидай ёқимлик.
Сени тутиб озроқ ўйнай, ўйнатай,
Қисик, бу йўқ кўнглим озроқ яйрасин.
Уртоғимга савлат қилиб кўрсатай,
Менга келиб мақтамасин сирғасин.
Йўқ, тўхтама, визил-визил учабер,
Ер юзида ҳамма эркин, йўқ асир!

Нимани(нг) ҳиди?

Билмайман, бу ҳидлар нимани(нг) ҳиди?
Рухим ҳидлаши билан англағон эди.
Мавжуд жаннатларнинг энг гўзалида,
Энг гўзал малика атрлар сочди.
Кўкларнинг энг нозик ўйноқ париси
Атр кутисидан оғзини очди.

ТОМЧИЛАР — КҮКЛАРНИНГ СҮЗЛАРИ

Шеърят — ибодат, ғойибдан келган садо, кўнгил иши. У бепоён манзил. Бу манзилини фақат шоирнинг қалб кўзларигина кўра олади. Шу боис, қоғозлардаги дил ранглари ҳар бир қалбни жунбушга келтиради. Шу боис, бу нафосат инсон руҳида теранлик, уйғулик яратади. Шеърнинг нозик сир-асрорлари борки, уларни билмай туриб, у ҳақида фикрларимиз бир ёқлама бўлиб қолаверади. Булар — шеърини санъатлар. Мана шулар орқали шоир япроқларнинг, дарахларнинг, ой ва юлдузларнинг дарди, бўғзига тиқилган ноалари борлигига ишонтиради. Одамларни улар билан ҳамдардликка чорлайди, ўқувчидан уларни англагувчи қалб талаб қилади.

Сира ташламай сени,
Кўз ёшларида мени
Устирган асл шеърим!
Бир чоғлар кўким, ерим,
Қиблам, истагим эдинг,
Кўнгил чечагим эдинг!
Кўнглим — кўнглингдай майин,
Кўнглинга кирмакчиман!..

Ҳар бир боғнинг ўз гули ва ҳар бир гулнинг ўзига хос таровати бор. Бугун биз Чўлпон боғига сайр этамиз. Чўлпон шеърятининг ўзига хослиги шундаки, унинг образлари дилга яқин, улар йиғлай олади, кула олади. Улар хоҳ барг бўлсин, хоҳ кеча ёки кундуз бўлсин, хоҳ қафас ёки гул бўлсин, ҳаммасининг ўз тақдирини ва ўз овозини бор.

Шоир шеърятинида шарқ адабиётига хос бўлган шеър тақинчоқлари — санъатлари жиловланадими, бу нозик, сеҳр ўқувчини бефарқ қолдирмайди. «Гўзал» шоирнинг машҳур шеърларидан:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўраман — шунчалар гўзал.
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!

Юқоридаги мисраларда тўртта шеърини санъат баравар қўлланади. Булар: интоқ, тазод, ружу ва тасбедин. «Қоронғу» ва «ёруғ» сўзлари тазод санъати, яъни зидлик, қаршилантириш.

Интоқ — жонсиз нарса (юлдуз)нинг гапирини, ружу — юлдузнинг гўзал маъшуқа таърифини мен туғул, ойдан ҳам гўзалроқ, дея мадҳ этиши, тасбе эса «тушда кўраман»нинг иккинчи мисра бошида келишидир.

Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа.
Ул-да айтадир: бир қизил яноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Бу мисраларда ҳам ошиқ изтиробларини кўрсатишда юқорида қайд этилган санъатлар қўлла-

Кўнгилни мулойим қитиқлағучи,
 Узида бир турли сир сақлағучи,
 Бу ҳидларким, ҳорғон, чарчағон дилга
 Янги умид, тоза қувват бергучи...
 Муҳаббат булбули беради тилга!
 Узулуб-узулуб йиғлағон кўнгил,
 Азалдан юмшоқлик кўрмағон кўнгил,
 Гуллик боқчаларда юрмағон кўнгил,
 Азал малакидан бир ҳид ҳидлади,
 Эсарди, йиқилди, ўзи билмади...
 Ҳидсиз тилакларнинг тотли умиди,
 Сонсиз ҳавасларни кўнгилга солди.
 Аччиқ маликанинг тарқағон ҳиди,
 Танимни, жонимни, руҳимни олди.
 Энг тотли ҳаваслар сўнғучи ҳидни
 Руҳим ҳидлаши билан англағон эди.

Кампирнинг Тўйчиси

Мен бир умр бундай совуқ кўрмадим,
 Жуда қаттиғ... — деди кампир чолиға.
 Чол чарчағон кўзларини кўтариб,
 Оғиргина қараб олди ёниға...

нади.«Оққа кўмилган» бирикмасининг такрор қўлланиши — тасбе, оининг жавоби ҳам ружуъ, ҳам интоқ. Ошиқ — ғариб. У тентираб мавжудоддан дилидаги зулматга зиё излайди. Зиё эса сароб. У озурда дилни қайларга олиб бормасин, дилнинг топгани — озор, озор...
 Елғиз умидларини кунга тикади. Зора, фалак ёрлақаб, кун унга марҳамат қилса...

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
 Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
 Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб,
 Тоғу тошлар ичра истаб юрамен.
 Бир кўрдим мен уни, шунчалар гўзал,
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Яна йўлсизлик... Энди ошиқ қайларга борсин. Зеро, шамол унга бирор таскинли сўз айтар. Шамолнинг сўзлари — интоқ, маъшуқа таърифи — ружуъ.

Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
 Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.
 Ул-да уятдан бекиниб, қочиб,
 Айтадир: бир кўрдим тушдамас, ўнгда.
 Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Бу мисраларда ҳам, биз қайд этган санъатлар жуда нозиклик билан ифодаланади. Булар жонлантириш, яъни, ташхис, (кунининг сўзлари) ружуъдир.

Мен йўқсил на бўлиб уни суюбмен?!
 Унинг-чун ёнибмен, ёниб куюбмен.
 Бошимни зўр ишга бериб қўюбмен.
 Мен суюб... Мен суюб... Кимни суюбмен?
 Мен суйган суюкли шунчалар гўзал!
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Шеър мақтаёсида яна бир санъат — иштиқоқ зўр маҳорат билан қўлланади. Бу санъатнинг моҳияти — ўзакдош сўзлар йиғиндисини, яъни, «суюб», «суйган», «суюкли» ва «суюбмен» сўзлари «суймоқ» сўзининг ўзагидан келиб чиқади.

Шоир — ошиқ. Муҳаббат инсонни қутқаради, худди гўзаллик дунёни қутқарганидек. Муҳаббат — камолот. Камолот эса етуқлик сари интилиш. Уни касб этмоқлик — ўзлиқка томон бир қадам.

Адабиёт ҳам ҳаёт каби мураккаб. Унинг биз кашф эта олмайдиган ўз қонуниятлари борки, буларни шоир юрагига оғриқ солган Ҳақгина билади, холос.

Чўлпон яратган образларнинг талқинида камолотга интилиш мақсади сари ҳаракат мавжуд. Бугун биз, бу сарчашма олдида бир нафас тин олиб, унга қўл чўздик, холос. Бу ложувард томчилар — кўкларнинг шоир дилига томган сўзларидир. Уни тинглаб ва сиз-да дилингиз тубига қулоқ тутинг. Улар уйғоқмикан, ахир!!

Сиз азиз муштарийларга яна бир тухфамиз — Чўлпоннинг сиз ҳали ўқимаган шеърларидан намуналар. Улар 1921, 1922, 1924 йилларда вақтли матбуотда эълон қилинган.

Нодира Баратова,
 ТошДДнинг 5 курс талабаси

Ёмон совуқ... — деган сўзни айтди-да,
 Чол ўзининг уйқусига берилди.
 Кампир яна сўз бошлагач эриниб,
 Узунгина бир эснади, керилди...
 — Уйқу келди, кампир, бошга болиш бер,
 Чарчаганмен, бир тўхтамай сўйлайсен:
 Кундуз этик шилиб кетган кишини,
 Кеч тинчгина дам олишга қўймайсен...
 Сўнгра кампир чидамайди, чолига
 Аччиғланиб кўзларини югуртди;
 — Шу совуқда, Тўйчи болам қаерда
 Музлагандир, ўйламайсиз сиз! — деди.
 Чолга бирдан жон кирдимиз, ўрнидан
 Ирғиб туриб остонадан ҳатлади,
 Ўз ўйида шу иш билан ўзининг
 Гуноҳини бир даража оқлади.
 Эшик совуқ... бир тўхтамай совуқ йил,
 Қарға янглиғ уча-уча ўйнайди.
 Бирок, чолнинг юрагида зўр кўркув,
 Зўр ошиқув туйғулари қайнайди.
 Меҳридилнинг болалари ҳаммаси
 Гўристоннинг ҳовлисига тўплангон,
 Шу совуқда парво қилмай ўйнайлар,
 Юраклари ўйун билан ўтлангон...
 Чол қалтириб-титраб келди, олдида
 Қизил анор юзлар билан Тўйчиси,
 Шундан кейин тинди кампир, йўқолгач,
 Юрагини тирнаб тургон қайғиси...
 Бир сандалнинг теграсида учови,
 Қатор-қатор тизилишиб ётдилар.
 Ташда совуқ эркалиниб ўйнаркан,
 Чарчагонлар уйқусига ботдилар...

Аз-Замаҳшарийнинг «Нозик иборалар китобидан намуналар

Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишу машаққатларнинг сувидан ичмаса, у ҳақиқий роҳату фароғатга муяссар бўла олмас.

Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири — ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб, иш туттишидир.

Кимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагидан тутса, у албатта мурод-мақсади-га етишар, хайру барака топар.

Ўз ваъдасида турмайдиган, турли важ-карсонлар кўрсатувчи кимса мард ва ҳимматли инсон бўла олмас.

Илмли, маърифатли одам такаббурлик қилгувчи нодон кимсаларнинг бурнини тупроққа тўлдирур.

Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, такаббурлик — довулдан бошқа нарса эмас.

Фақир мускинларга вожиб садақаларни адо қилмаган бойларга жаҳаннамда Вайли номли чуқур бордир.

Хайр-саховат, фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шон-шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур садафга нисбатан қимматлироқдир.



Абу Ҳомид Муҳаммад ибн
Муҳаммад ал-Ғаззолий

КИМЎНИ САОДАТ ТУРКИ

ДУНЕНИНГ ҲАҚИҚАТИНИ ТАНУМОҚ БАЕНИДА

Билгилки, дунё манзилдур. Роҳдин, манзилларидин ҳар ким ҳаргиз келадур. Оллоҳ таоло даргоҳига сафар қилгувчиларга ва бозори дур бодия узра ораста қилғон. Токим, мусофирлар ул бозордин зодираҳларин (охиратларин) олғайлар. (Борлиқ) дунё ва охиратдур, икки ҳолатдур. Улмоқдин илгариги дунёни Дунё атарлар. Ва аввалким, ўлгандан кейинги давр(ни) Охират дейилар. Ва мақсуд, дунёдин охират зодин тайёр қилмоқдурки, одамийни ибтидо ва интиҳода содау ноқис (нуқсонли) этибдур. Валекин, вақтики камол ҳосил қилса, Ҳазрат ҳақчил Оллоҳ даргоҳига шойисталик (ташриф) ҳосил этгусидир. Токи, жамоли олий назаркардаларидин бўлғусидир.

Одамийнинг интиҳои саодатида ҳосил ушбудур. Одамийни бу ваҳҳдин холик (пок, ҳур) қилибдур ва одамий назаркарда бўлмас (экан), то ботин кўзи очилмағунча Ҳақ таоло жамолини мушоҳада қилолмас ва то маърифат ҳосил қилмағунча. Маърифати олийни калиди Ҳақ таолони ажойиб сунъий (раҳнамо) ва ғаройиб қудратларин мушоҳада этмоқдур. Ва сунъий олийнинг калиди ҳавас ниқбонадур (сиғинишдур). Ва ҳаваски, бадан инсонда мавжуддурки, об ва хокдин мураккабдур. Ушбу сабабдин одамий об ва хокга тушубдур. Токи бу оламдин зодираҳ тайёр қилиб, ўз нафсини танумоқ бирла ва ҳаваслар йўлидин сунъий илоҳни танумоқ бирла Ҳақ таоло маърифатин ҳосил қилғай. Токи ҳаваслар одамий баданида ҳамро ва ёрдур, тирик бўлғанидур. Вақтики ҳавас бирла видоъ қилса, охиратга борғанидур.

Бас, одамийнинг дунёда бўлмоқининг сабаби ушбудурким, (юқорида) баён қилинди. Одамийнинг дунёда бўлмоқининг сабаби (яна) ики нимарсага ҳоҷати бордур. Бири улки, аввалга дилни асбоб (тахдил) ҳалокатидин сақлағай ва анинг ғазосин (мевазин) ҳосил қилғай. Ва яна бири баданни ҳалок қиладурғон нимарсалардан сақлағай ва анинг ғазосини қилғай ва дилни ғазоси Ҳақ таолонинг маърифати ва муҳаббатидур: Чароки, ҳар нимарсани ғазоси ўз таъбининг муқтизосидурким, дил маърифатини тақозо қилур. Чунончи юқорида баён қилинди ва дилнинг ҳалок бўлмоқининг сабаби улдурким, Ҳақ таолодин ўзга нимарсанинг дўстлуқиға машғул бўлғай. Ва баданини асрамоқ дил учундирким, бадан фонийдур ва дил боқийдур. Бас, бадан дилға ҳожиларнинг теvasига ўхшашдурки, ҳожилар ҳаж йўлида сафар заруратидин теваларига об ва алаф бериб ниқҳобонлик қилурлар.

Вақтики Каъбага етсалар, бу ранж, меҳнатларидин халос бўлурлар. Ва лекин теваларига боқадур, ҳоҷат боқғайлар. Вақтики ҳама рўз-алаф бермак ва оройиш қилмоқға машғул бўлмасалар, қофиладин, (карвондин) айрилиб, ҳалок бўлурлар. Мунга ўхшаш, одамий ҳам давом танининг парвариш ва оройишига машғул бўлсалар, нафси қувват топиб, асбоб ҳалокат жамъ бўлуб, саодат ахруйидин маҳрум қолғусидур. Ва баданни бу дунёда уч нимадин зиёдаға ҳоҷат йўқтур. Емак ва киймак ва макон (қурмоқ). Мунчалик ғазо кифоя қилурким, тоат ва ибодат қилмоқға қувват ҳосил қилғай ва либос ҳам авратпўш бўлғай ва маскан ҳам иссиғи ва совуққа пана бўлғунча бўлғай. Бас, одамийға дунёда мундин зиёдаси зарур эрмасдур. Билки, дунёни асли ушбудур ва дилни ғазоси Ҳақ таолони маърифатидурки, ҳарчанд зиёд бўлса, беҳроқдур. Баданни ғазоси таомдурким, агар зиёда бўлса, ҳалок қилур.

Аммо билгилки, Ҳақ таоло одам баданида шахватни холик қилибдурким, анинг

ҳавойиши ҳамиша таом емоқ, киймак ва уй тутмоқни тақозо қилур, то баданким, руҳни маркаибуру, (филофи), ҳалок бўлмағай. Аммо бу шаҳватни ўз ҳаддида тутғай. Ва шарикатни Анбиё илми, Ислому забонлари бирла юборди, токи ҳадли ва шаръини эҳтиёт қилғай ва лекин бу шаҳватни одам баданида гўдаклик вақтида африда¹ қилибдурлар. Шаҳват одам баданида илгари макон тутқон сабабдин ақл ва шароитга саркашлик қилур. Ва одамий бу сабабдин ҳама ҳиммати таом ва жома ва маскан талабида сарф қилур. Дунё ва охират ҳақиқати ва дунёлик ғаразларини не жумла танундинг, эмди бўлғайким, дунё шох ва шаббаларини тануғайсен Валлоҳи аълам².

Билгилки, вақтики дунёнинг тафослигиға назорат қилсанг, уч нимарсадин иборатдур. Аввал улки, рўйи заминда африда қилғон нимарсалар анинг имдасидур. Чунончи, наботот ва ҳайвонот ва маъданким, буларни муволида салоса атарлар ва заминни асли макон ва зироат қилмоқ учундур. Маъданлар, Чунончи, олтину кумуш ва мис ва темир асбоб ясамоқ учундур. Ҳайвонот емоқ ва минмоқ учундур. Ва одамий жондилларини буларга машғул қилибдурлар. Аммо дилни дунёга машғул қилмағайлар. Ва баданларин салиҳ бирла тутқайлар. Ва дилни дунёга машғул қилмоқдин неча сифатлар пайдо бўлурким, сабаб, ҳалок бўлғусидур. Чунончи ҳирс ва жаҳл, адоват ва мундин ўзга ҳам, баданни дунё неъматига дўст тутғандин кейин ўзини фаромуш қилур ва ҳама ҳиммати дунёга сарф қилур. Чунончи, уч нимадур: таом ва либос ва маскан ва ҳунар ва машғулликким, одамга зарардур. Овлим (асоси) учдур. Чунончи, деҳқончилик ва бафондалик (тўқимачилик) ва меъморлик. Буларнинг ҳар бирининг фарқлари бордур. Чунончи, чиғирикчи ва йиф йигирувчи. Ва баъзиси буларни тамомига еткурур. Чунончи, боғинда экин экувчи. Буларнинг чандон асбоб ва отларга ҳожати тушар, ёғоч ва темир, мундан ўзгага ҳам. Одамий ҳама ҳожатини ўзи тамом қилолмас. Ғайрига ҳожати тушган сабабдин халқаро хусумат пайдо бўлур ва ҳар киши ўз ҳақиға ризо бўлмай, бир-бирига қасд қилурлар. Бу ваҳҳдин яна уч сифатга ҳожат тушади. Бири салтанат ва сиёсат, яна бири қози ва ҳукумат, яна бир сифатики фақиҳи. Мунинг бирла сиёсат ва салтанат

мавжуд.

Ешлигимизда айтар эдилар: «Рух одам ичида нур пайдо қилур, ул нур хосиятдур. Фаришта лар бул нурдан шуғла олурлар. Сабри бор одам хосиятлик одамдурки, ниятидан, умридан барака топғай...»

Энди билсакки, бу сўзни ал-Ғаззолий ёзиб қолдирган эканлар. У зоти шарифнинг мусулмон оламига машҳур «Кимёи саодат турки» китобини нашрга тайёрлаб, диллимизга яқин бундай ҳадисона қуйма сатрларни кўп учратдим ва уларни бу кун сизга тақдим этаётганимдан беҳад хурсандман.

Абу Ҳомид ал-Ғаззолий Эроннинг Нишопур манзилидан бўлиб, Эрон ва Арабистонда таҳсил олган. Мусулмон оламининг йирик илоҳиётчиси, файласуфи бўлган Ғаззолий тариқат ва шарикатга онд асарларида ислом раҳнамолиги қонуниятини ишлаб чиққан ва китобларида рақам қилган. Ундан икки ярим аср сўнг ўтган тариқатчи файласуф Сабўкий у кишига: «агар Муҳаммаддан кейин ҳам пайғамбарлик вожиб бўлганда, бу улуг даражага ал-Ғаззолий муносиб эди», деб таъриф беради. Муаллифнинг «Кимёи саодат турки» рисоласи боланинг дунёга келганидан бошлаб, вояга етунига қадар бўлган ҳолатларининга эмас, одамларнинг турмушдаги мураккаб ҳаёти ва бир-бирлари билан муносабатларини ҳам ўз ичига олади.

Китоб дастлаб Эронда, форс-тожик тилида олти жилдлик, сўнгера Мисрда, араб тилида тўрт жилдлик ҳажмда қўлёзма ҳолида ва тошбосмада чиқарилган. XVIII аср охирларида Туркия ва Тошкентда турк-ўзбек тилида «Кимёи саодат турки» номи билан чоп этилган ва 1802 йилда Петербургда, В. И. Ильин босмаҳонасида турк-ўзбек тилида нашр қилинган эди.

«Кимёи саодат турки» китобининг Петербурге нусхаси 553 саҳифа, 115 мавзу — фаслдан иборат бўлиб, инсон ва унинг ҳаётига онд бутун жиҳатлар камраб олинган.

Китоб, мана неча асрларки кишилик жамиятига шундай пок хулқ, ахлоқ ва турмуш тартиботлари борасида ёруғ нурларни бардавом сочиб турибди. Афсуски, кейинги асрда бу руҳий, ахлоқий бойликдан ажралиб қолдик. Турмушимиз тушкунликка учради. Ғарб таъсирининг ўлкамизга шиддат билан кириб келиши оқибатида баъзилар беҳаё, бемақсад ҳаёт гирдобига ўзларини урдилар. Каттадан ҳам, кичикдан ҳам инсоф, эътиқод кетди. Кўшнлар, туғишганлар, оилалар ичида аҳлиқ бузилди. Қизлар, аёллар орасида энгил турмуш излаб, фақиш йўлига ўтиш, ўзини, боласини ва эркакларни турли касалликларга мубтало қилиш ҳоллари кўпайди. Миллион-миллион етимларни, мажруҳларни боқиш, тарбиялаш мамлакатда катта ташвиш тугдирди. Ота-онаси кимлигини билмаган, оила меҳрини туймаган, хулқи турфа болаларни гала-гала тўплаб-боқиш кутилган натижани бермади. Бу фожиалар XX аср саҳифаларига қорадоғ бўлиб қолғусидир. Келгуси авлодлар бизнинг давримиздаги бундай турмуш тарзларидан жиркансалар, ҳазар қилсалар ҳақлидирлар.

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришган экан, халқимизни бу «вабо» балосидан қутқариш тадориғини кўрмак керак. Миллатимизнинг қадимий ҳилол ҳаётини тиклаш учун ўз урф-одатларимизга, турмуш тарзимизга қайтишимиз зарур.

Биз энди XX асрнинг бошларида ўз ўлкамиздаги маърифатпарвар зиёлилар ҳаракати билан йқув-тарбия ҳоҳасида туғилган адабиётларни сувдек симирмоғимиз лозим. Масалан, Абдулла Авлоний томонидан 1917 йили Тошкентда нашр этилган «Турки гулистон ёҳуд ахлоқ» китобини кўпроқ нусхада кайти нашр қилиш вақти етди.

«Кимёи саодат турки» рисоласи ҳам ҳозирги тикланаётган ҳаётимизга жуда керак. Китоб ҳар бир кишига, оилага, арбобга турмушда тўғри йўлдан боришни кўрсатиб туради.

қонунини халққа жорий қилғай. Ушбу важдин дунёни ашғоли тўла бўлуб, одамлар роҳи саодатни ҳукм қилурлар.

Бу дунёни асли учдин зиёда эрмасдурким, таом ва маскан ва либос. Булар бадани асрамоқ учундур. Ва бадан дил учундур, токи бадан дилни марқаби (ғилофи) бўлғай ва дил Оллоҳ таоло учундур. Одам дунёга келиб кетмоқ бирла ўзини ва Ҳақ таолони фаромуш қилибдур. Одамлар ҳаж ниятида чиқиб тевасин семуртмоқға машғул бўлиб, қофиладин айрилиб, ўзини ва Каъбани ва сафарни фаромуш айлаб, ҳалок бўлғон ҳожилар ҳолига ўхшар. Дунё ва ҳақиқат дунё ушбудурким, ҳар киши бу дунёда ўзини мусофирлардек тутмаса ва ҳиммати назарини охиратға таважжуҳ қилмаса, дунё ашғолини ҳожатдин зиёда лозим тутса, дунёни асло танумағандур. Бу билмаслик сабаби улдурким, ҳазрат расули карим саллоллоҳу вассалам айтибдурларким, дунё Ҳорут ва Морутдин ҳам жодугарроқдур. Андин ҳазар қилинлар. Вақтики дунёни жодулиги маълум бўлди, анинг макр ва фирибини билмоқ халққа фарздур. Дунёни жодулигини нечанд мисоллар бирла билдирғаймен. Аввалги мисол, билгилки, дунёни жодулиги улдурки, ўзини сенга андоғ кўрсатурким, ҳар икки оламда вафо қилғай ва ҳамиша сенинг бирла бўлғай. Аммо мундоғ эрмасдур, балки, сендин қаризон (хийлакор) дур. Ва лекин оҳиста-оҳиста ҳаракат қиладурким, қаризонлигини сенга билдирмас. Сога ўхшарким, ҳарчанд ёвуқ бўлмакни ҳавойиши қилсанг, сендин қочар ва лекин йироқ бўлғани сенга маълум бўлмас. Ва маълумдурким, умринг ҳам сендин қаризондур. Наҳрибан ёвуқдурким, сенинг бирла видоъ қилғусидир. Яна бир мисоли, дунёни сеҳрлиги улдурким, сенга ўзини дўст кўрсатор, то анга ошиқ бўлғайсен. Ва андоғ кўринурким, сендин ўзга маҳбуби йўқтур. Лекин вақти бўлурким, душманлик изҳор айлаб, ночор ҳалок қилур. Мунинг мисоли фаразан нобакорга ўхшарким, халқни ўзига ошиқ ва фирифта айлар, уйига элтиб ночор ҳалок қилур.

Исо алайҳиссаломдин нақлдурким, муҳоқабата (қузатишда) дунёни пирзанни суратида кўрдурларким, ўзини чандон ишвапои бадеъ ва карашмапои, ғаройиблар бирла ораста қилибдур. Сўрадиларким, нечи шўҳринг бордур? Дунё айттиким, тўлолиғидин (кўпичидин) ададини билмасмен. Сўрадиларки, буларни талоқ қилдингму ё ўлдиларму? Айттиким, ҳамасини ўлдурдим. Бу жилва, фириб бирла қолғонларини ҳам ўлдурмакға машғулдурмен. Исо алайҳиссалом айттилар, таажжуб қилурмен ул аҳмоқларгаким, дунёни фикру фирибини кўруб яна инкор бўлурлар. Узгалардин ибрат олмаслар. Эй бор Худоё, наъзубиллаҳ¹. Дунёни сеҳридин яна бир мисол, дунёнинг яна бир сеҳри улдурки, зоҳирини меҳр ва вафо суратида ораста қилур. Халққа еткурадургон бало ва меҳнатини пешида тутарки, жоҳилларнинг зоҳирини кўруб, мағрур бўлурлар. Анинг мисоли паризанига ўхшарким, юзига парда тортиб, ҳарир жомалар кийиб ва ўзига зеб ва оройишлар бергай. Ва ҳар кишиким, ани йироқдин кўрса, ошиқи нигорон бўлур, вақтики, ниқобини олсалар анинг қабиҳлиғи маълум бўлур, пушаймон бўлғусидур. Хабарда келибдурким, дунёни қиёмат куни ажзуи етиб, кўзлари кўк ва тишлари оғизларидин чиқиб турар. Бу сурат бирла ораста айлаб, хашрчоҳ² келтуруб халойиққа кўрсатурлар. Халойиқ анинг оғзидин чиққан сассиғлиқдин нола ва фиғонға келиб айтурларким, бу фасод ва қабоҳат бирла нечук нарсадурки, мунинг бадбўйлиқига чидай олмасмиз. Фаришталар айтурларким, бу дунёдурки, сизларнинг маҳбубингиз эрдиким, шунинг жиҳатидин бир-биринларга ҳасад қилиб, ноҳақ хун тўкдунлар. Ва қаттиғ раҳм қилдинлар ва мунга мағрур бўлдинлар.

Дунёни дўзахга ташларлар ва аҳли дунё ҳам ул маҳбублари матобатида бўлуб, оташхонани ошхона гумон айлаб, анинг мулозаматиға кирарлар.

Яна бир мисолки, кишиким азалга сарҳисоб берса, азалдин бу дунё бўлғони йўқтур ва абадга сарҳисоб берса, абадул абад ҳам бу дунё бўлмағусидир. Азал ва абаднинг аросида неча кун бу дунёда бўлубдур ва дунёнинг мисоли мусофирни қатиғ қиладургон йўлиға ўхшарким, аввал ҳамда охири ҳамдур. Мунинг аросида неча саноғлик манзилдур. Ҳар йил бир манзилга ўхшаш ва ҳар ой бир фарсангга ўхшашдур. Ва ҳар кун бир йилға ўхшаш ва ҳар соат бир қадамға ўхшашдур. Одамий бу сафарда ҳамиша юргувчидур. Рўзиси манзилга етар ва рўзиси фарсангдин кетар. Маълум эрмаским, бу дунёда ўн йил бўлғай ва ё ўн кун. Яна бир мисол, билгилки, аҳли дунё лаззатиким, дунёларидин кўрарлар. Анинг ранж ва расволиғини охиратда кўргайлар. Мунинг мисоли, ул кишини ҳолига ўхшарким, таом лазиз ва ширинни (яхшисини) тўла (кўп) емоқ бирла меъдаси фасод бўлмоқдин, оғзидин бўйи бад зоҳир бўлуб, беҳузур бўлғай. Бу касални ранжу машаққатидин, еган таомидин пушаймон бўлур. Чунончи, таом ҳарчанд лазизроқдур ва ҳазм бўлмоғи оғирроқдур. Дунёни лаззати ҳарчанд бисёрроқдур. Ани расволиғи ҳам душворроқдур. Бу ҳол жон берур ҳолда маълум бўлғусидурким, ҳар кишини боғу бўстон ва ғулому канизак ва олтун ва кумуш, неъматни тўлароқдур, жон берур вақтида фироқи ва ранжи душвор бўлғусидир.

¹ «Узинг сақлагин» маъносида.

² Хашр — жаҳаннамнинг номларидан бири. Қуръони каримнинг сураларидан бири ҳам ушбу ном билан аталган.

Дунёни фироқининг ранжи ўлмоқ бирла зойил бўлмас, балки зиёда бўлурким, дўстлиқ дилни сифатидур. Дилга ўлум йўл топмас. Яна бир мисол, билгилки, дунёни иши сихлдор (саёк) ва мухтасар кўринур. Одамийлар гумон қилурким, бу ишни маш-ғуллиқи узоққа тортқусидир. Евукдурки, бир ишдин минг иш пайдо бўлур. Тамоми умри анга сарф бўлғусидур. Исо алайҳиссалом айтибдурлар, дунё излагувчиларни ҳоли шўр дарё суйини (сувини) ичгучи ҳолига ўхшарким, ҳарчанд ичса, ташналиги зиёда бўлур. То ўлмагунча ташналиги паст бўлмас. Ҳазрати расули карим саллоллоҳу вассаллам айтибдурлар, сувга кирғон хўл бўлмай чораси йўқтур. Дунёга булғангон киши алвидо бўлмай иложи йўқтур.

ҲАЖНИНГ БАЁНИДА

Еттинчи фасл. Ҳажнинг баёнида, билгилки, ҳаж қилмоқ рукндур. Мусулмон халқ рукнларидин. Расул алайҳиссалом айтибдурларким, кишиким ҳаж қилса, баданни фиққа ва тилни беҳуда сўзга алвидо қилса, ҳамма гуноҳларидин пок бўлур, онасидин туғулгондек. Расул алайҳиссалом айтибдурларким, тўла гуноҳкорлардурким, анга ҳеч нимарса каффорат бўлмас, магар арафада турмоқлик каффорат бўлур. Расул алайҳиссалом айтибдурларким, шайтонни ҳеч қачон ўлганидагидек хўр ва ҳақирроқ ва сариқ юзлук кўргони бўлмас. Ҳақ таоло раҳматини бандаларига бениҳоят ёғдурур. Чандон гуноҳкорларни-да, афу қилур.

Расул саллоллоҳу вассаллам айтибдурлар: кишиким, ҳаж ниятида уйдан чиқсаю йўлда ўлса, ул кишини номаи аъмолиғи то қиёматгача бир ҳаж умрини савобини биғурлар ва кишиниким, Мадинада ўлса, беҳисоб беҳиштга кирур. Расул алайҳиссалом айтибдурлар, кишиким бир ҳаж қилса, анга беҳиштдин ўзга ҳеч жазо йўқтур. Расул алайҳиссалом яна айтибдурларким, ҳеч гуноҳ мундин улўғроқ эмасдурким, Арофатда туруб, гуноҳим мағфират бўлдуму экан, деб гумон қилғай. Кимса айтурким, бир йил ҳаж қилдим, арафа кечаси эрди, ики фариштани тушумда кўрдум, яшил либос бирла осмондин туштилар. Бири яна бирига айтадурким, билурмусен, бу йил ҳожилар неча эрди? Яна бири айтиким, билмасмен. Сўрғучи айдики, олти юз минг киши эрди. Яна сўрдиким, неча кишини ҳажи қабул бўлди? Айдики, билмасмен. Яна ўзи жавоб бердиким, олти кишини ҳажи қабул бўлди.

Эрса, бу тушни ваҳшатидин уйғондим. Қаттиғ ғам ва андуҳға келдим. Бу олти кишиндин эрмасмен ва бу андиша бирла баёти эҳромга бордим. Яна ул ики фариштани туш кўрдим (У) ҳамроҳидин сўрайдурким, билурмусенки, бу кеча Ҳақ таоло ҳожиларга нечук ҳукм қилди? Ҳамроҳи дедиким, билмасмен. Сўрғучи айди, ҳар бирига юз минг кишини бахшийда қилди ва гуноҳини мағфират қилди. Уйқудин бедор бўлдим. Шодликдин Ҳақ таолога шукрлар ўкудим.

Расул саллоллоҳу вассаллам айтибдурлар, Ҳақ таоло ваъда қилибдурким, ҳар йили хонаи Каъбани олти юз минг киши ҳаж қилмоқ бирла зиёрат қилур. Агар киши кам келса, Ҳақ таолло фаришталарни юборур, токи, абад жамолига етур. Расул алайҳиссалом айтибдурлар, хонаи Каъбани қиёмат куни Ҳақ нозанин (олижаноб) маҳбуб суратида қилур. Саҳройи қиёматда жилвагар бўлуб, ҳар кишиким ҳаж қилибдур, жўрасидин жам қилуб, қўлидин тутиб беҳиштга элтур.

Китоби Ҳазрат имом Муҳаммад Ғаззолий олийжанобдур. Бу китоб ба савобларида фаройиз ҳамса тартибида ҳажни жамъи шароит арконусин мустақобат ва муфсид ва макруҳотларини тафсилан тизиб ва сафҳи майдониға сизинибдурлар. Бу фақир беиститани мақсад улки, ҳажнинг шароит ва аркони форси ва турки китобларидин мастур (тасаввур). Билки, ҳожи аҳраинлар хабарларидин масмуъ (маълум) ва мазкурдурки, шароит ҳажни эҳром (маҳсус жома) боғлаганидин бошлаб, ҳажни тамомиға еткуруб, либоси эҳромни ташлағунча бажо келтурмак лозимдур. Бу диёрларда амалга келтирмоқға фармон бўлмабтур. Бас, бу шароит ва арконини тарки алфоз бирла бу китобга келтурғандин оммаи мусулмонларға фойдаи тамом (бутун) ва хосияти калом ҳосил бўлмоқи муттасур (тўлиқ) эрмас. Бу ваҳждин фақир бебизоат аъдами истатоат жиҳатдин ҳажни фароиз ва вожиботларға шуруъ қилмоқдин ўзумни манзур тутуб, ҳазрати мусанниф (муаллиф) бу китобда зикр қилғон ҳажни хосият ва фазилатларини таржима-сиға иқтифо қилинди. Биллаҳи-с-самати ва тавфиқи.

ЭҲСОН ВА ШАФҚАТ БОРАСИДА

Ҳазрат расули акром саллоллоҳу алайҳиссаломни дуолари анга етарким, қолиби алайҳиссалом, раҳм қилғай Оллоҳ таоло ул кишигаким, осон ва енгил қилибдур олмоқ ва сотмоқни, аммо тавонгарлардин бир нима олмоқда ва сотмоқда арзон бермоқ ва сотмоқ молни зойиё қилғон бўлур. Авлоси булардин арзон олмоқ ва оғир баҳога сотмоқдур. Ҳазрат имом Ҳасан ва имом Ҳусан (розиаллоҳу анҳума) бозордин ҳар нимарса олур бўлсалар, арзон олмоқға саъй тамом қилур эрдилар. Кимса савол қилдиким, ё имом, ҳар куни савдо ишида арзон олмоқға ҳаддин зиёда саъй-ҳаракат кўргузурсиз, ваҳж нимадур? Ҳазрат имом жавоб бердиларким, халққа (арзон) берганин

Худо учун берур. Худо учун бир нимарса ҳарчанд тўла (кўп) бўлса ҳам оздур. Аммо савдода зарар тортғон ақл ва илми нуқсонига далолат қилур.

Савдода муҳлат бермоқлик важҳдур. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурларким, Ҳақ таоло раҳмат қилғай ул кишигаким, олмоқ ва сотмоқни осон тутубдур. Ҳақ таоло ани ҳама ишларини осон қилур ва эҳсондур. Ва яхшига бир нима сотса муҳлат берғондин хўброқ эмас. Ва агар кимарса савдо илмини билмаса, анга муҳлат бермақлик вожибдур, одилни жумласидандур. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурларким, қиёмат куни кимарсани келтурурким, ўз-ўзига зулм қилғон ва ани номаи аъмолида ҳеч сана битилмағон. Анингдин сўрадиларким, яхши амал қилғонинг борму? Ул кимарса айтур: ҳеч яхши амал (иш) қилғоним йўқтур. Магарки, шогирдларимга айтур эрдим, ҳар киши мендин қарз олса, анга муҳлат беринглар ва зулм таҳдид қилманглар, деяр эрдим. Ҳақ таоло айтур: сан букун номурод ва дармондасен, мағрифат қилдимки, мағрифат қилмоқ ва зулм таҳдиди қилмоқға мен авлидурмен. Хабарда (ғойибдин) келибдурки, ҳар киши яна бировга қарз берса, муддати ўтғондин кейин ҳар куни ўшал молни (қарзни) садақа берғонининг савобини ҳосил қилур. Ва тобийъан Развон Аҳмабиндин аранлар бор эрдиким, қарз берурлар, ҳаргиз қарздорни тутмас эрдилар. Бу асмада умид бирлақим, номаи аъмолларига садақани(нг) савоби етгай.

Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар, беҳиштни эшикида битиклик кўрдимки, агар бир дирҳам қарз берса, ўн саккиз дирҳам садақа берғонни савобини топур. Бу сабабдинким, то ҳожатманд бўлмағунча, қарздор бўлмас. Ҳожат раво қилмоқни савоби зиёдадур.

Қарздор қилмоқни баёнида бўлғайким, қарздор қарз эгасини тақозо қилмоқига ҳожат қўймағай. Ҳар нақдиким қўлига келтурса, (топганини) шитоб бирла ҳақдор қошига келтургай. Хабарда келибдурким, сизларни хўброқингиз (яхшироғингиз) ул кишидурки, қарзни вақтида адо қилғай. Яна хабарда келибдурким, қарз олса, кўнглида ният қилсаким, бу қарзни бот фурсатда хўблик бирла адо қилғаймен. Ҳақ таоло нечанд фаришта юборурким, бу кишига неқбон бўлур ва адо қилурлар, то қарзни адо қилғунча. Қарзни адо қилғунчалик мол топиб адо қилмай, бир соат таъхир қилса, золим ва гуноҳдор бўлур. Агарчандки, намоз ва рўза ва ё уйқуга машғул бўлса ҳам.

Киши бирла савдо қилса, у киши пушаймон бўлса, ақола (қасам) қилғайким, ҳазрат расули карим саллоллоху алайҳиссалом айтубдурларким, Ҳақ таоло ақола қилгувчининг гуноҳларини мағфират қилур. Бешинчи бобда дунёлик муомала пардасида охиралик муолажа қилмоқни баёнида, билгилки, ҳар киши охира тижоратин ташлаб, бу дунё тижоратин хушласа, бебахтлик нишонасидур. Нечук бўлғай, ул кишининг ҳоликим, олту офтобани кумуш офтобага бадал қилғай. Билки, дунёни(нг) мисли сопол кўзага ўхшашдурким, баднамо ва бепоёндур. Охира мисли олту офтобага ўхшашдурким, пойидордур ва дархон. Дунё тижоратини охираат зодираҳи қилмоқға арзимас. Билки, жиҳат тамом қилгилки, тижорати дунё дўзах йўлига бошлағай ва одамга охираат сармоясидин иймондур. Сармоя охираат қилмоқдин ғофил бўлмағай. Дин, иймон шафқатини ул вақтда риоя қилғон бўлурким, ети (етти) эҳтиётни ўзига лозим тутса.

БОЗОРДАГИ МУОМАЛАТ ВА ОДОБ БАЁНИДА

Аввалги эҳтиёж улки, ҳар куни бомдоддин кейин яхши ниятларни кўнглидан тоза қилғай. Бу ният бирла бозорга борғайким, ўзининг ва аҳли аёлининг рўзонасини қўлга келтургай. Фароғат бирла кун ўткарғай. Билки, Худойи таолонинг ибодатин қилмақда беташвиш бўлғай (сен). Ва ният қилғайким, амри маъруфни бажо келтургай, вақтики бу ниятларни қилса, қилғон ишлари охираатлик амалига ҳисоб қилинур. Дини, иймони тўла бўлур. Агар дунёлиғдин ҳайрати қўлга келтурса баракат ҳосил бўлур.

Иккинчи эҳтиёт улки, дунёга кўнгли боғламағай. Бир кун тамом умр кўрмоқини жазм қилмағай. Агар ҳунарманд бўлмоқни хоҳласа, халойиқға манфаати етадурғон ҳунарни ихтиёр қилғай. Шариат ҳукмида макруҳ нимарсаларни қилмақни ихтиёр қилмағай. Чунончи, заргарлик ва абришим мато (ипак) тўқимокниким, (буни) эрлар истемол қилмоғи макруҳдир. Хабарда келубдурким, тижоратнинг баҳрроқи деҳқончиликдур ва ҳунарнинг баҳрроқи дўзандаликдур. Хабарда келубдурким, агар тижоратмандлардин беҳиштга кирса, деҳқон кирадур. Агар ҳунармандлардин дўзахга кирса сарроф кирадур.

Учинчи эҳтиёт улки, дунё бозорлари охираат бозорида масжидлар бордурким, масжидда намоз ўтамақдин ва зикр, тасбеҳ этмоқдин ғофил бўлмағайким, Ҳақ таоло хабар берурким, огоҳ бўлунглар, токим дунёнинг тижоратлари сизларни Худойи таоло зикридин тўхтатмағайким, зиёнкор бўлурсизлар. Ҳазрат Умар розиаллоху анҳу савдогар ва ҳунармандларга айтур эрдиларким, аввал рўзда охираат амалини қилинлар, андин кейин дунё ишига машғул бўлинлар. Ва муқаддамлар одатлари ул эрдиким, эрта ва оқшом охираат ишига машғуллуқ қилур эрдилар. Ё масжидда Ҳақ таолони зикрига машғул бўлур эрдилар, ё уламолар мажлисида ҳозир бўлур эрдилар. Хабарда келубдурким, ҳар куни фаришталар банданинг қилғон амал хатини осмонга элтурлар. Аввал рўз ва охир рўзда яхши амал қилғон бўлса, бу икки вақтнинг орасида қилғон

гуноҳини мағфират қилурлар. Хабарда келубдурким, кеча ва кундузнинг фаришталари ҳар бора навбатларин тугатиб ёнсалар, Ҳақ таоло хитоб қилурким: фаришталарим, бандаларимни нима ҳолда қўюб келдинглар? Фаришталар айтур: намоз ўтаб қолдилар. Ҳақ таоло айтур: гувоҳ бўлингларки, ул бандаларимни мағфират қилдим. Ҳар вақтки, азон унини эшитсалар, қилур ишидин тўхтаб, жавоб бўлғай (намоз ўқишга киришгай).

Тўртунчи эҳтиёт улки, бозорда зикр, тасбеҳ этмоқ ва Ҳақ таолони ёд қилмоқдин ғофил бўлмағай ва билғайким, ҳамма авомни сўзини қўлга келтурғон Ҳақ таоло зикридин бир соат ғофил бўлғонча арзимас. Ҳазрат расули карим саллоллоҳу алайҳивасаллам айтибдурларким, ғофиллар орасида Ҳақ таолога зикр айтувчи куруқ дарахтлар орасидаги сабз дарахтга ўхшашдур ва ўлуклар орасида тирикга ўхшаш ва жангдин қочгонлар орасида ғозий ва муборизга ўхшашдур. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар, кишиким бозорга кирса ва айтсаким, Қодир (Худо) ул кишига минг-минг савобни битурлар. Ва Ҳазрат Шайх Жондор раҳматуллоҳи алайҳ айтур: бозор ичида кимарса борким, ҳар куни уч юз ракаат ўтар, ўттиз минг тасбеҳ айтур. Алҳосил, ҳар кишиким, дунё топмоқга машғул бўлса, охиратлик сармоясидан ғофил бўлмағай. Ва кишиким, дунё жам қилмоқ васвасасига қолибдур, агарчандки масжидда бўлса (ҳам) парокандалик ва ташвишлиқдан ҳоли бўлмас.

Бешинчи эҳтиёт улки, бозорга чиқмоқга хирс бўлмағай, андоғким, бозорга кирар халқнинг аввали, бозордин чиқар халқнинг охири бўлмағай. Дунё талабида узоқ хатарнок сафар ихтиёр қилмағайки, бу ҳирсликни дилидур. Муовжабил Ризо айтур, Иблисининг ўғли бордурким, оти савдогур. Иблис бозор халқини ёлғон онт ичмоқ, макр ва хиёнат қилмоқга тарғиб қилмоқ учун ўз ўрнида ноиб қўйғондур. (Улар) бозорга илгари кириб, кейин чиқувчилар бирла тўла ҳамроҳчилик қилиб, макр ва фириб қилур. Бўлғайким, бозорга чиқувчи тўла хайр бирла чиққай, рўзонасига кифоят қилгунча савдо топса, уйига ёнғай. Хабарда келибдурким, бозор халқининг ёмонроғи улдирки, бозорга ҳаммадин илгари чиқғой (борғай) ва ҳаммадин кейин уйига ёнғой. Салаф Раҳматуллоҳнинг одати бор эрдиларким, бозорга ҳафтада бир кундин зиёда чиқмас эрди. Ва ҳар куни чиққанлар ҳам намоз пешин бирла ёнар (кетар) эрди.

Олтинчи эҳтиёт улки, шубҳанок ишлардин йироқ бўлғай, ҳаромга йўламағайким, абаслик ва фосиқ бўлур ва золимлар зулмига ёрий бергон нимарсаларни сотмағай.

Еттинчи эҳтиёт улки, ҳар киши бирла муомала қилса, ростлик бирла муомала қилғай. Сўзлар сўзи ва қилур иши ва олиш ва беришида ростлик пеша қилғай. Бузруклардин бири бир савдогарни тушида кўрди. Сўрадики: Худо таоло сенга нима қилди? Савдогар айди: (ғайбдин) эллик минг парча хат олдимга келдики, ҳаммаси гуноҳ ва маъсият (ноҳақлик) хати эмиш. Айтдиларким, сен дунёда эллик минг киши бирла савдо қилиб эрдинг, ул муомаланинг хатидур. Кўрдимки, аввалдин охир ҳамма менинг амалининг хатидур. Билдимки, зарра чоғлик нимарса ва макр, фириб мувоҳазайин тортмасга чора йўқтур. Билгилки, бу замонда муомала амалини билгувчилар маҳдум ва диёнат ва ростлик қилғувчилар номағлумдур. Бас, ўн суннатдин бирини бажо келтурса, савоби азим топгусидур. Хабарда келубдур, ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар: умматларимга замона рав берурким, сизлар қилғон эҳтиётлардин ўнининг бирини бажо келтурсаларингиз кифоятдур. Арз қилдиларки, нима сабабдин? Ҳазрат расул алайҳиссалом айдиларким, сизлар эҳтиёт ишларин қилмоқда бир-бирингларга ёрсизлар. Охир замондаги умматларим ғофил ва ғарибдурлар, билинларким, бу эҳтиётларни бажо келтурмак савобдур. Кишиким, охиратнинг дунёдин шарафлик эркинига ймони бўлса, беш кунлик дунёнинг меҳнатини охиратнинг абадулабад подшолиги учун тортмоқ савобдур.

КАСБ ВА ТИЖОРАТНИНГ САВОБ ВА ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Учинчи фасл — касб ва тижорат одоблари баёнида. Билгилки, бу дунё охират зодираҳин тайёр қилмоққа манзилдур. Ва одам емоқ ва киймоқга муҳтождур. Либос ва тўшак касб, ҳунар ҳосил қилмағунча ҳосил бўлмас бўлғайки, касб ва тижорат одобларини билғайсен. Кишиким ҳамма ҳамматини дунё касбига сарф қилибдур, бадбахтлик нишонасидур. Кишиким, ҳамма ҳамматини охиратга сарф қилибдур, небахтлик ва саодат аломатидур. Ва лекин мўътадилроқи улдурким, ҳамма саховатини худо ва ҳам охират талабида гуфтўй қилғай. Имкон талабини фароғат ба амал солих қилмоқга сабаб бўлғай. Аммо ангаким, касб ва тижорат одоби билмоқ зарурдир. (Бунини) беш бобда баён қилгумдур.

Аввалги боб — касб ва тижоратни(нг) фазилати баёнида, иккинчи боб — муомалаи нодуруст шартларини(нг) баёнида ва учунчи боб — касб ва тижоратда инсофга риоя қилмоқ баёнида, тўртинчи боб — эҳсон ва некукорлик баёнида. Бешинчи боб — касб ва тижоратнинг савоб ва фазилати баёнидадур.

Билгилки, ўзингни ва аҳли аёлингни холиқдан (соф руҳдан) бениёз қилмоқ ва уларни ҳамматини касб қилмоқ илло шаҳид қилмоқга ўхшашдур. Ва аксар ибодатдин фозилроқдур. Бир кун ҳазрат расул алайҳиссалом намози бомдоддин ёниб (чикиб), саҳобалар бирла ўлтурар эрдилар. Бир йигит булар олдидин суръат бирла ўтуб, бозорга

бориб, (дўқониға) ўлтурди. Саҳобалар айдиким: дариғо, мундоқ эрта қўбмоқ охират талабида (ниятида) бўлғай. Ҳазрат расул саллоллоҳи вассаллам айдилар: мундоқ демангизларким, агар бу йигит ўзини холиқдин бениёз қилмоқ ва ота-онаси ва аҳли аёли нафақаси учун бу ишни қилса, Ҳақ таолоға ибодат қилганидур ва агар дунёға меҳр қилмоқ ва тўноғирликнинг лафзини урмоқ учун бу амални қилса, шайтонни(нг) феълидир.

Ҳазрат расул саллоллоҳи вассаллам айтибдурларким, халқдин беҳожат бўлмоқ ё ҳамсоя, хешавонларига¹ манфаат еткурмоқ учун дунёи ҳалол талаб қилса, ул кишини юзи қиёмат куни ўн тўрт кунлик ойдек бўлғай. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар: луқманинг ҳалолроғи ҳунармандлар касбидин ҳосил бўлгон нимарсадур. Вақтиким, ростликни пеша қилсалар, расул алайҳиссалом айтибдурлар: тижорат қилинларким, рўзонадин ўн жиқатдин тўққуз ҳиссаси тижоратдин ҳосил бўлғусидир. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: кишиким, халқдин ҳожат тиламакнинг васойиллиғини (афзаллиғини) лозим тутубдур, толеъ ул кишининг юзига муҳтожлик солмас ва дарвешликдин етмиш эшик очарғуси кимарсадин сўрадиларким, нима иш қилурсен? Ул киши айди: биродарим бордурким: рўзонамни ул тайёр қилиб берадур. Исо алайҳиссалом айтдиларким: биродаринг сендин ободроқ экан. Ҳазрат Умар розиаллоҳу анҳу айтурким: касб ва тижоратдин илқларингни йиғманлар. Сизларга Ҳақ таоло ризқ берадур. Осмондин олтун ва кумуш берурмоқға одат жорий бўлмабдур.

Ҳаким Луқмон фарзандига васият қилибдурким: касб ва ҳунардин қўл йиғмағил. Кишиким дарвеш ва ҳожатманд бўлса, халойиқ ани дин ва мазҳабида шак қилурлар. Аҳли заиф бўлур ва мавқе ботил бўлур ва халқ анга ҳақорат назари бирла боқарлар. Бузрукларнинг биридин сўрадиларким: Ҳақ таолоға ибодат қилгувчи фозилроқму ва диёнат бирла тижорат қилгувчи фозилроқмудур? Ул азиз дедиким: диёнат бирла тижорат қилгувчи фозилдурким, шайтон бирла ғорат (жанг) қилур. Шайтон оғир олмоқ ва энгил сотмоққа қасд қилур ва можаронинг хилофида айш қилур.

Ҳазрат Умар розиаллоҳу анҳу айтурларким, улумни (қавм, элат) тобмоқға ҳеч ерни мундин зиёда дўст тутмасменким, бозорда бўлғаймен, аҳли аёлим нафақаси учун ҳалол талаб қилғаймен. Аҳмад Ҳанбил роҳматуллоҳи алайҳдин сўрадиларки: нима деярсен, ул кишининг ҳақидаким, масжидда ўлтурур, Ҳақ таолоға ибодат қилур. Айтурким, рўзонамни Худои таоло еткурадур. Аҳмад Ҳанбил дедиким: ул киши жоҳилдур, шариятни билмас. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурларким: Худо фиружил менинг рўзонамни бандалари салоҳға келтурмакка ва албаст қилибдур, яъни ғароти шайтон қилмоқға албаст қилибдур.

Бир киши Иброҳим Адҳамни кўрдиким, ўтин кўтариб бозорға кетиб борадур эдиким, (деди) токи бу машаққатни лозим тутурсен, биродарларинг ҳам бу хизматни кифоят қилурлар. Иброҳим Адҳам дедиким: сўзламағил, хабарда келибдур, кишиким ҳалол талабида ўзига ҳуворликни (хўрликни) лозим тутса, ул кишига беҳишт вожибдур.

Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар: менга айтмайларким, мол жам қилгил, тожирлар ҳамласидин бўлғил. Билки, дедиларким, тасбеҳ этгил, саждалар замирасидин бўлғил. Ва Ҳақ таолоға ибодат қилғил, то охир умрингача. Бас, бу ҳадислар далолат қилурким, ибодат қилмоқ касб ва тижорат қилмоқдин фозилроқдур. Жавоб улки: билгил, кишининг ўзининг ва аҳли аёлининг ҳожатига кифоят қилғунча дунёси бўлса, беҳилоф ул кишига ибодат қилмоқ касб ва тижорат қилмоқдин фозилроқдур. Кишиким, ҳожатидин зиёда дунё тобмоқ талабида бўлса, ул кишида ҳеч фазилат йўқтур, зиёнкордурким, дунёға кўнгул боғлағон бўлур. Ул кишиким, дунёси бўлмаса ва лекин ҳожатига кифоят қилғунча мол вақфдин етиб турса, бу навъ кишига ҳам касб ва тижорат қилмаслик авло (афзал) роқдур. Бас, бу тариқа кишилар бўлғайким, илм ва шарият ўрганмакка машғул бўлғай, токим, халойиқға охират ишин баён қилиб, манфаат еткурғай. Ва ё илм талаб ўргангайким, халқ сиҳатидин ишида манфаат еткурғай. Ва ё кишиким, қозилик ишига мақсади бўлуб, халқни маслаҳатига машғул бўлса ва ё кишиким, сафои ботин ҳосил қилиб, сунниларнинг зикр ва фикр тақалламиға машғул бўлса, ва ё кишиким, зоҳири ибодатда авродға машғул бўлса, буларнинг рўзонаси хонақоҳ ва вақфдин ва халқни назру садақасидин ҳосил бўлуб, кишидин бир нимарса таламақға ҳожат бўлмаса, буларға касб ва тижорат қилмоқдин ибодат қилмоқ авлодур.

Бузруклардин баъзилари бор эрдиким, уч юз олтмиш дўсти бор эрди. Ҳар кун бир дўстининг уйида меҳмон бўлиб, тоат-ибодатға машғул бўлур эрдилар. Ва баъзилари бор эрдиким, ўттуз дўсти бор эди. Ҳар дўстининг уйида ойда бир кун меҳмон бўлуб, ҳамиша тоат-ибодатға машғуллик қилур эрдилар. Аммо кишидин бир нимарса талаб қилиб ўзига ҳуворлик етмағунча, маишати ҳосил бўлмаса, тижорат ва касб қилмоқдин ибодат қилмоқи авлодур. Ва лекин, касб ва тижорат қилмоқи авлодур.

Кишидин бир нимарса тиламак гуноҳ жумласидандур. Зарурат бирла бўлса ҳалол бўлур. Магар кишиким, мартаба ва даражаси билан бўлуб, халойиқға манфаати тўла етишса, кишидин бир нимарса тиламак бирла ҳуворлик етмаса, ул кишиға касб ва тижорат қилмай амал қилмоқ (хизмат бажармоқ) авлодур. Аммо кишиким, ибодат

¹ Қўшни, қариндошларига

зоҳирига машғул бўлса, ул кишига касб қилмоқ авлодурким, ҳама ибодатнинг ҳақиқати Ҳақ таолога зикр этмоқдур, касб ва тижорат қилмоқда кўнгилни Ҳақ таоло зикрига машғул тутқони булур.

ТИЖОРАТ ОДОБЛАРИ БАЕНИДА

Одоби тижорат токим шариятга мувофиқ бўлғай. Билгилки, бу боб бисёр дароз эди, ҳаммасини китоби фикҳда баён қилдим. Аммо бу китобда аксар (кишилар) муҳтож бўладурғон масалани баён қилурмен. Андоғким, ҳама киши бу масалаларни билғай, агар мушқули бўлса, кишидин сўраб билғай ва агар бу масалаларни билмаса, ҳаромхўр бо хўр бўлғуси — бийиъ (сотмоқ) ва рибо (пора) ва солим (қаноат) ва ижора ва қарз ва ширкат. Бас, бу ақидаларнинг жумла шартларидин баён қилғумдур.

Аввалги ақида бийиъдур. Бийиъ ва шимрони ва олмоқ ва сотмоқ амалини ҳосил қилмоқ ҳама мусулмонларга фарздурким, ҳеч кишига мунингсиз чора бўлмас. Ҳазрат Умар розиаллоҳу анҳу бозорга кириб, халқни даврасига қарайдилар ва айтур эрдиларким, олмоқ ва сотмоқ амалини ўрганмагунча ҳеч киши бозорга кириб муомала ишига қадам қўймағайким, ҳаромхўр, бо хўр бўлғусидур. Билгилки, бийиъни уч рукни бордур.

Аввалги рукн: олғувчи ва сотғувчидурким, ани маъқуд дерлар. Учунчи рукн олдим ва соттим демоқдурким, ани ихбоб қабул дерлар. Аввалги рукн ақидадурким, савдо қилғувчи беш тоифа бирла муомала қилмағай: Аввал — норасида, иккинчиси — девона, учинчиси — кишининг бандаси (қул), тўртинчи — нобино, бешинчи — ҳаромхўр. Аммо гўдак нобилиғ (балоғатга етмаган) бўлса, гарчандки валининг ижозаси бирла ҳам ҳазрат имом Шафини мазҳаби(да) бийиъ ва шимроси нодурустдур. Девона ҳам норасидага ўхшашдур. Кишиким, девона ва норасидадан бир нимарса сотиб олиб кўлида зое бўлса, зомин бўлур. Агар девона ва ё норасидага бир нимарса сотиб улар кўлида зое бўлса, товон лозим бўлмас. Аммо кишининг бандаси, хўжаси изн бермағунча, олмоқ ва сотмоқи нодурустдур. Шаҳар хунармандлари, мисоли қассоб ва шунигдеклар. Деҳқонларга лозимким, кишининг бандаси била муомала қилур бўлса, то хўжасидин дастур олмағунча муомала қилмағай. Ё маъмурдин аркони шаҳр ичида маъруф ва машҳур бўлса, муомала қилмоқ дурустдур.

Аммо нобино (номаълум шахс) бўлса, то вакили пайдо бўлмағунча муомала қилмағай. Ва лекин нобинонинг кўлида зое бўлғон молни тавони лозим бўлур. Ҳар ики(си) нобино бўлса ҳам, мукалиф ва озоддур. Аммо ҳаромхўр, чунончи, золимдур. Чоғир сотғучи ва ғорат қилғучи ва матраб ва ёлғон гувоҳлик бергувчи ва расво олғувчи мунга ўхшаш тоифалар бирла муомала қилмағай. Агар бу тоифанинг ўзининг моли эрмаслиги маълум бўлса, бийиъ ботилдур. Ва агар киши моли ҳалол бўлуб, ҳароми камроқ бўлса, муомала дурустдур. Аммо шубҳадин ҳоли эрмас. Ва аммо, агар аксар моли ҳаром бўлуб, камроқи ҳалол бўлса, зоҳир муомала ботил эрмас ва лекин шубҳа(лиғ)дурким, ҳаромга ёвуқдур, хатари азимдур. Аммо жуҳуд ва тарсо бирла муомала қилмоқ дурустдур. Ва лекин мазҳабни ва мусулмон бандани уларга сотмоқ нодурустдур.

Агар аҳли ҳарб (ҳарбий) бўлсалар, жанг ва ҳарб, силоҳ ва яроғжабдуқларини сотмоқ нодурустдурким, сотғувчи гуноҳкордур. Ва кишиким, чоғир ичса, номаҳрам хотун бирла мажлисда ўлтурмоқдин ўзини эҳтиёт қилмаса ва намоз ўқимаса ва унвон мусулмонида баён қилинган ёки шубҳадин эҳтиёт қилмаса ҳайфдурким, булар бирла муомала қилмоқлик ва ақида никоҳ (ақд) боғламоқ нодурустдур.

Иккинчи рукн молдурким, анинг муомаласи дурустдур. Молда ики шартни риоя қилғай. Аввалги шарт: полид ва ножинс нимарсани бийиъ шимроси дуруст эмасдур. Чунончи, тўнғуз ва нажосат ва чоғир ва ўзи ўлуб қолғон ҳайвоннинг гўштини, ёғини олмоқ ва сотмоқ бийиъ ботилдур. Аммо пок ёғга нажосат тушса, ани сотмоқ ҳаром эрмастур. Ва ифорнинг киндики бирла олмоқ ва пилла қуртининг уруғини олмоқ ва сотмоқ дуруст.

Иккинчи шарт улки: манфаати мақсуд бўлғай, чунончи, сичқон ва илон ва мунга ўхшаш ҳашаротларни сотмоқ ботилдур. Аммо мушукни ва сакни ва асаларини увоси (уяси) бирла ва шер ва йўлбарс ва бўри, мунга ўхшаш нимарсаларга ўзидин ё төрисидин манфаат олмоқ дуруст бўлса, олмоқ ва сотмоқ дурустдур. Тўти ва товус, мунга ўхшаш хушовоз ва ҳушранг жониворларни олмоқ ва сотмоқ дурустдурким, уларнинг манфаати етган роҳат суруридир. Чанг ва рубобнинг бийиъ (савдоси) ботилдурким, улардин (сотиб) манфаат олмоқ ҳаромдур.

Ёғочдан қил(ин)ғон одам ва жониворлар суратини олмоқ ва сотмоқ ҳаромдурким, (ани) синдирмоқ вожибдур. Аммо дарахт ва наботот суратини олмоқ ва сотмоқ дурустдур. Жондор суратини солиб қўйғон матони бийиъ дуруст, аммо киймак макруҳдур.

Учинчи шарт улки: мол сотғучини ўз мулки бўлғойким, кишининг молини сотмоқ фосиддур (ёмондур).

Тўртинчи шарт улки: андоғ нимарсани сотғайким, олғучига топшурмоқга қадр бўлғой. Чунончи, қачон савдога балиғ ва сувдаги қуш ва ҳайвон ва канизакнинг курсоқидаги боласини сотмоқ нодурустким, таслимга қадир эрмас. Ҳайвонни юнгини ужасида

(бўталоқ борида) турғузиб (юлиб) ва сутини ичмоқида тургузуб (олиб, яъни юлуб) сотмоқ нодурустдур. Гаров қўйғон нимарсани то гаров қўйғучидин олмағунча сотмоқ нодурустдур. Канизакнинг боласи кичик бўлса, онасини боласидан айриб сотмоқ нодурустдур. Бирини бирдан айирмак нодуруст, ҳаромдур.

Бешинчи шарт улки: оладурғон молини миқдори ва сифати маълум бўлғай. Чунончи, бир гуруҳ қўйлар орасидин бир қўйни ва ё бир токлик (ўрам) матонинг орасидин тайин қилмай (кўрмай) бир матони олмоқ ва сотмоқ нодурустдур. Билки, сотғувчи ишорат қилиб, ушбу ҳам (нараса) ва ушбу қўйни мунчага сотамен дегай. Ёнғоқ ва pistaни ва бодомни ва лувияни пусти бирла сотмоқ дуруст.

Учунчи руқн ихбоб (аҳбоб) ва қабулдурким, то олдим ва соттим демағунча бийи мунаққад бўлмас. Сотувчи соттим, олғувчи олдим дегай ва қабул қилдим дегай ё ушбу маънога далолат қиладурғон бир лафзни дегай. Бас, кам баҳо ва оғир баҳода бийи тоқати дуруст, дебдурлар. Бийи тоқати улдурки, пулни мол эгасига бериб, молни харидор олмоқидур. Олдим ва соттим демоқи жоиздур. Чунончи, бир пулни бир нонга бериб, нонвой ул кишига берса (нонни) ва соттим, олдим демоқиға ҳожат йўқдур.

Иккинчи ақида рибодур, бир нимарсаким килий бўлса ва ё вазний бўлса, ўз ҳабиға бир нимарсани зиёдасига сотмоқ ва олмоқ ҳаромдур. Килий деб паймонлаб сотадурғон нимарсани, вазний деб тарозуда тортиб сотадурғон нимарсани айтурлар. Ул нимарсаға ҳазрат расул алайҳиссалом килий деб айтибдурлар. Чунончи, буғдой ва арпа ва туз ва хурмо ва мош, бу нимарсалар килийдур. Агарчандки, урф-одатда паймонлаб сотмоқни тарк қилиб, тарозуда сотмоқ жорий бўлса ҳам, вазний деб бўлмас ва ул нимарсаға ҳазрат расул саллоллоҳу алайҳиссалом вазний дебдурлар. Чунончи, олтун ва кумуш ҳаммаша вазнийдур. Агарчандки, тортиб сотмоқни тарк қилиб, паймонлаб сотмоқ жорий бўлса ҳам, килий дейилмас. Бу мазкурдин ўзгасини урф-одатда боқмоқ керак. Агар халқ орасида килий бўлса — килий, вазний бўлса — вазнийликға ҳукм қилинур. Бас, килийни килийға, вазнийни вазнийға, хоҳ нақд бўлсун, хоҳ насия бўлсун ҳаммаси баробар сотмоқ ҳалолдур. Агар бир нимарсаки зиёда бўлса, ҳаммаси ҳаромдур. Бир ҳайвоннинг гўштини яна бир қисми ҳайвоннинг гўштиға баробар ва зиёда сотмоқ жоиздур. Чарви ёғини ва қўйруқ ёғини зиёдасиға сотмоқ жоиздур. Ва ёғни гўштға сотмоқ ва нонни буғдойға ва унга (баробарлаб) сотмоқ дурустдир. Агарчандки, бири насия бўлса ҳам, дарбо бўлмас, хўжасини(нг) ва бандаси(нг) орасида ва мусулмон дар аҳробда пулни жазонаға фойдаға берса, рибо (раво) бўлмас.

ЁМОНЛИК БАРОБАРИДА ЯХШИЛИҚ ҚИЛМОҚ БАЕНИ

Билғилки, ҳар киши сенга зулм қилса ва қаттиғ сўз айтса, авлоси улким, хомуш бўлғил ва ёмон сўз айтмағил ва жавоб бермағил. Ва лекин хомушлик вожиб эрмаски, ҳар сўзининг баробарида жавобға рухат берибдурлар. Аммо дашномға, ғийбатға ғийбат қилмағай. Агар даршат (кўпол) сўз айтса ҳам ёлғон бўлса, рухсатдурким, қасос бўлур. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар: икки киши бир-бириға суҳбат даршат сўз қилса, қайси ибтидо қилса, гуноҳ анга бўлғусидур. Агар киши аҳмоқ ё жоҳил деса, жавоб айтмағил. Шук (тек) турғилки, ҳеч киши ҳама вақт жаҳолатдин ҳоли эрмасдур. Аммо забонини даршат сўзларға одат қилдирмағай.

Билғилки, аччиғни ўз ихтиёри бирла ютмоқ муборақдур, аммо зарур ва ожизлиғидин ютмай, кўнглида сақламоқ бирла ҳақлиғини кина ва адоватға тортса, анжом тайёр. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: алмўъмина биллисани, бақувватлиға мўмин кина ва адоват туткувчи бўлмас. Бас, кина Ҳошимнинг фарзандларидурким, анингдин сакиз офат пайдо бўлур.

Аввалги офат — ҳасаддурким, анинг шодлиқиғи ғамгин ва ғамгинлиғиға шод бўлур. Иккинчи офат — анга бало юзланса, шод бўлур. Ва учунчи офат — салом қилмоқ ва жавоб бермақдин ўзини тўхтатур. Тўртунчи офат — ҳақорат назари бирла қарар, бешинчи офат — ғийбат ва ёмон сўз айтмоқға забон дарозлик қилур. Олтинчи офат — масхара тутмоқға дилгир бўлур. Еттинчи офат — ҳақ гузарлиқдин таҳқир қилур ва қаттиқ раҳм қилур ва саккизинчи офат — агар фурсат топса, сўкар (урар), агар яна бир киши сўкса анга ҳушнуд бўлур ва манъ қилмас.

Кишиким, яна бировдин озор етса, уч ҳолдин ташқари бўлмас. Аввал бу ким — анинг ёмонлиғи баробарида яхшилик қилурким, бу сиддиқлар даражасидур. Иккинчи ҳол — анинг ёмонлиғи баробарида яхшилик қилмас ҳам ёмонлик қилмас. Бу порсолар даражаси ва мартабасидур. Учунчи ҳол — анинг ёмонлиғи баробарида ёмонлик қилурким, бу фосиқлар даражасидур. Ҳақ субҳона ва таолони даргоҳиға ҳеч қўрбат (ғурбат) мундин мавқеъроқ эрмасдурким, кишининг ёмонлиғи баробарида яхшилик қилгон. Агар (яхшилик) қилолмаса, афу қилғайким, афунинг фазилати бисёрдур.

Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурларки: уч ишини ҳақлиғиға сукунат ёд қилурмен. Ҳеч мол садақа бериш бирла кам бўлмас. Ва ҳар кишиким, афу қилибдур, худо анинг ғарот ва шарофатини қиёмат куни зиёда қилур. Ҳар киши кишидин бир нима тиламакликни лозим тутубдур, Ҳақ таоло у кишининг юзига муҳтожлик ва дарвешлик эшикин очар ва розиалғоқ ҳазрат расул алайҳиссалом қўлумдин тутуб айдиларким:

огоҳ қилайми сани, дунё ва охиратнинг яхшироқ амали ва фозилроқ ҳовуллари қайсидур? Айдики, ё расул, отам ва онам сизга фидо бўлсун, айдилар, агар киши сендин йироқ бўлса, сен анга ёвуқлиқ қилғил. Агар сани бир нимарсадин маҳрум қўйса, сен қудрат топганда, анга ато қилғил. Агар сенга зулм қилса, афу қилғил.

Ҳазрат расул алайҳиссалом Маккани фатҳ қилиб, курайшга даста топтиларким, курайшлар расул алайҳиссаломга бисёр жафо қилғон эрди. Ҳамалари жонларидин умид узган эрди. Ҳазрат расул алайҳиссалом қўлларини Каъбанинг эшикига қўйиб айдиларким, Худо таоло ягонадур, анинг шериги йўқтур, қилғон ваъдаси ростдур. Бандасиға нусрат берди, душмонларга шикаст ва азият берди. Курайш айдиларким: ё Муҳаммад, бу кун даста сиздадур, бизлар ҳақимизда не дерсиз? Расул алайҳиссалом айдиларким, Юсуф алайҳиссалом биродарларига дўст топғонда дегон сўзни деюрманким, ҳамани афу қилиб эрди, мен ҳам ҳамаларингизни афу қилдим. Мундин кейин ҳеч кишининг сизлар бирла иши бўлмағай. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: қиёмат кунни нидо қилур ҳар кишиким, афу қилибдурлар, муродини Ҳақ таолодин олсун.

Бас, афу қилғонлар чиндан ҳазор халққа кўпуб беҳиштга кирарлар, муовабарафа айтур. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар, ё Ойша, ҳар кишиким рафиқ, яъни юмшоғлик ва мулойиматдин баҳраманд бўлубдур — дунё ва охират давлатидин баҳраманд бўлубдур. Ҳар кишиким, рафиқдин маҳрум бўлса, дунё ва охират шарофатидин маҳрумдурким, Ҳақ таоло рафиқни дўст тутар, рафиқнинг савоби афудин зиёдадур.

ХАЛҚНИНГ ЯХШИ ВА ЁМОН ДЕМОҚИ БАЁНИДА

Билгилки, аксар халқ ўзини мадҳ ва ситойиш қилдурмақға ҳорис(дур) ва ҳамиша яхши от ва чиқармоқ талабида бўлур. Агарчандки, хилофи шарият бўлса ҳам. Ва халқнинг ёмон демоқидин коризон бўлур. Агарчи, ҳақ бўлмас ҳам. Бас, бу ҳол ҳам дилнинг беморлиқи аломатидурким, иложи маълум эрмас.

Билгилки, мадҳ ва ситойиш лазиз эшитилмоқининг сабаби тўртдур. Аввал булки — айтиб эрдимки, одамий ўз камолини дўст тутар ва нуқсонини душман тутар. Ситойиш қилмоқ камол тобғонининг далилидурки, ўзининг камолида шак бўлса, яна бировнинг ситойиш қилғонидин ул шак зойил бўлуб, камолиға жазм яқин ҳосил бўлур. Бу ваҳждин хушлуқ ва лаззат ҳосил бўлур. Вақтики, надоматни онгласа, ўзини нуқсонидин огоҳ бўлуб, ранжур, оғрур. Иккинчи сабаб улким — ҳар кимники, агар ситойиш қилғувчи азиз ва муқаррам киши бўлса, анинг ситойиши лазизроқ эшитилур. Учунчи сабаб улки — агар қилғон ситойишидин халқнинг кўнгли анга мойил ва сайид бўлғонига ишорат бўлса ва халқ аросида ситойиш қилса, ҳамадан лазизроқдур. Тўртунчи сабаб — ўзининг қаҳр ва ғазаби етган киши ситойиш қилса, агар ўзи англамоқға хуш келмаса ҳам, ғайрининг англамоқини дўст тутар.

Хўб эшитилмоқ сабабларини танудинг ва анинг иложин ҳам билғайсан. Аввалги иложи буким — ўзингни комил ва оқил билмағайсен ва киши парҳезкор дегандин шод бўлмағайсен. Андиша қилғилки, бу сифатларға Ҳақ таоло санга савоб берур. Халқни яхши дегандин зиёда бўлмас ва ёмон дегандин кам бўлмас. Оқил улки, шод ва ранж бўлур нарсалар оқибатини мулоҳаза қилғай. Кишиким, ўлмак олдида бўлса, маълум эрмаским, жойи дўзах бўлғай ё беҳишт. Бу ҳолдаки, киши яна бировнинг яхши демоғидин шод бўлмоқ аҳмоқликдур. Агар киши сени надомат қилса, анга ранж бўлмақ ва ани душман жаҳолатдиндурким, агар рост айтган бўлса, фариштадурким, сенга насиҳат қилибдур. Агар ёлғон айтган бўлса, шайтондурким, анинг азобин қиёмат кунни тортар. Бу ҳолда сенга ҳеч зарари йўқтур.

ОТА ВА ОНА ҲАҚЛАРИ ВА ФАРЗАНД ҲУҚУҚИ БАЁНИДА

Билгилки, ота ва она ҳақин адо қилмоқ улғу саодатдур. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: беҳиштни хушбўйлиги беш юз йиллик ерга борур, аммо ота-онасига озор бергувчилар ва раҳмини қаттиқ қилғувчиларға етмас. Худои таоло Ҳазрат Мусо алайҳиссаломга ваҳий юборди: кишиким, ота-онасининг фармониин тутса ва мани фармонимни тутмаса, ани фармонбардор хатига битурмен. Ва кишиким, мани фармонимни тутса ва ота-онасининг фармонин тутмаса ани нофармонлар хатига битурмен.

Кимарса ҳазрат расул алайҳиссалом сўрадиким: отам ва онам ўлди. Қайси амални қилсам, уларнинг ҳақи адо бўлғай? Ҳазрат расул алайҳиссалом айдиларким: улар учун намоз ўтаб, гуноҳларини тилағил ва васиятларини бажо келтурғил. Дўстларини азиз тутқил ва хушёвандларига яхшилиқ қилғил. Онани ҳақи отани ҳақидин икки баробар зиёдадур.

Фарзандлар ҳуқуқи баёнида дейилганки, ҳазрат расул алайҳиссаломдин сўрадиким: кимга яхшилиқ қилғоймен? Айдиларким: ота-онангга яхшилиқ қил. Айди, ота-онам ўлгандур. Айдиларки, фарзандларға яхшилиқ қилғилки, уларни ҳақи ҳам ота-онани ҳақиға ўхшашдур.

Фарзандлар ҳуқуқидин бири булким, ўзининг бадхўйлиқиндин фарзандингни жа-

воб қилдириб, гуноҳкор қилмағайсен. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: Худой таоло раҳм қилғай ул отағаким, ўғил нофармонлик қилса, анга озор бермағай.

Анас ибн Малик розиаллоҳу анҳудан: ҳазрат расул алайҳиссалом айдилар, вақтики, фарзанд етти кунлик бўлса, ақиқа қилинлар ва яхши от қўйунлар. Ақиқа улдурки, ўғил фарзанд бўлса, икки қўй, қиз фарзанд бўлса, бир қўй сўйиб назр оши қилиб, гўштини еб, устихонини синдирмай, ерга қўмғой. Вақтики, олти ёшга кирганда мактабга бергай, тўққуз ёшга етганда бўлак ўрунда ётқузгай. Ун уч ёшга кирганда намоз ўтамаса, сўкгай. Ун олти ёшга кирганда хотун олиб бергай. Қўлини тутиб айтгайки, илм ва адаб ўргатдим, хотун олиб бердим, Худои таолога сиғиндим, сенинг жиҳатингдин бу оламда Худои таолонинг азобиға ва охирад азобиға гирифтор бўлмоқдин қутулдим, дегай.


Фарзанд ҳуқуқидин яна бири буқим, (ота-онаси) бир нима бермоқда ва ҳиммат қилмоқда (болаларини) баробар кўргай. Фарзандга навозиш қилмоқ ва бўса қилмоқ суннатдур. Ҳазрат расул алайҳиссалом ҳазрат имом Ҳасан розиаллоҳу анҳуни бўса қилдилар. Окраъ ҳобас айдики: манинг ўн фарзандим бор, ҳеч қайсисини бўса қилғоним йўқтур. Онҳазрат алайҳиссалом айдилар: Худои таоло раҳмат қилмас ул кишигаки, фарзандларига марҳамат қилмабдур.

Ҳазрат расул алайҳиссалом намозда эрдилар, саждага борғон вақтларида Имом Ҳасан розиаллоҳу анҳу бўюнлариға миниб ўлтурдилар. Онҳазрат алайҳиссалом саждада анча узоқ муддат турдиларким, саҳобалар гумон қилдиларким, ваҳий келди. Эрса ҳазрат Имом Ҳасан бўюнларидин тушти. Онҳазрат алайҳиссалом намоздин фориғ бўлдилар. Саҳобалар арз қилдиларки: ё расулуллоҳ, саждада ваҳий келдиму? Онҳазрат алайҳиссалом айдилар: ваҳий келмади. Мани Ҳасан тева қилиб эрди, ани сабабидин саждада узоқ турдум.

Билгилки, фарзанд ҳақидин ота-онасининг ҳақи зиёдадурким, ота ва онаға таъзим фарзандга вожибдур. Ҳар навъ ишга (ота-она) буюрса фармонин тутмоқ вожибдур. Фарзанднинг ҳеч сафарга ота-она рухсат бермагунча чиғмағи жоиз эрмас, агар ҳажга бормоқдин манъ қилса, тохир қилмоқ (тўхтатмоқ) мубоъ (вожиб)дур. Аммо илм ўрганмак учун беижоза сафар қилса, жоиздур. Бир киши ғиротга бормоқға Онҳазрат алайҳиссаломдин рухсат тилади. Айдилар: онанг борму? Айдиқим: орий, бордур. Айдилар: онангнинг хизматида бўлғилки, беҳишт онангни қадами остидадур.

Яна бир саҳоба ғиротга рухсат тилади. Айдиларким: ота-онанг борму? Айдики, бордур. Айдиларки: аввал улардин рухсат тилагил, нечук фармон қилса, улар фармонин тутғилки, Худои таолони яғоналик бирла тануғондин қолса (кейин), ота-онанинг фармонин ўтамақдин зиёда тоат йўқтур.

**Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи
Абул БОЗОРОВ**



Ўқиб юрган қуш эдинг



Ғиёсиддин Раззоқов

УЧИБ ЮРГАН ҚУШ ЭДИНГ

Регистонда

Фурур ҳайкаллари — минорлар сипо,
Пештоқлар нигоҳга айланиб кетган.
Бунга музаффару фотиҳдан тортиб,
Маликулкаломлар қадами етган.

Уч буюк мадраса — уч буюк бино,
Сукунат... нигоҳлар суҳбат қуради.
Улар авзойидан англаб қоламан —
Озгина норизо бўлиб туради.

Илло, ҳайрон қолма иложимиз йўқ,
Заминнинг турфа хил одамларига.
Лекин биз кутамиз, яна муштоқмиз
Ўзбекнинг маликулкаломларига.

Халқ оҳангида

Борлигимни билмадинг.
Зебо Мирзаева

Борлигингни билардим,
Зорлигингни билардим,
Хаёлингга бир мардга
Ёрлигингни билардим.

Сен ишқдан сархуш эдинг,
Учиб юрган қуш эдинг,
Излаб-излаб топмадим,
Хаёлмидинг, тушмидинг?

Бор эканда, йўқ экан.

Бор эканда, йўқ экан.

САТРЛАРДАГИ НУР

Ғиёсиддин Самарқанднинг Ургутида туғилган эди. Мен у билан Самарқанд дорил-фунуқиди, ўқиб юрган кезларимда танишганман. Жуда содда, соф, фозил бир йигит эди. Қачон қараманг, норизо ҳолатда юрар, адолатсизлик, алдамчилик ва ғайрлик ҳукмрон бўлган муҳитни лаънатларди. У ўз-ўзига сиғмай юрарди, недир бир муқаддас нарса илинжида тинимсиз тентирар, тополмай жиғибийрон бўларди. Ҳа, у ўзлигини қидирар эди. Эҳтимол, шунинг учундир, бир қарасангиз, Самарқанд Регистониди, бир қарасангиз, Шохизиндада — қабрлар орасида, гоҳ Қашқадарёда юрган бўларди.

Унинг одамгарчилиги, самимияти ниҳоят баланд эди. У чиркин муҳитдан ўзига жой тополмади. Дунёга сиғмаган дардларини шеър дафтарида тўқди. Афсуски, уни шеър ҳам,

Излагандим ўзингни,
Излагандим кўзингни,
Ногоҳ топиб олдим, ох,
Из ёнида изингни.

Бор эканда, йўқ экан.

Муҳаббат шу экан-да,
Ҳақиқат шу экан-да,
Ошиқларга ҳамиша
Бор қисмат шу экан-да.

Бор эканда, йўқ экан.

Дўстим...

Дўстим айтаётган ҳар бир сўзингда
Пичингми, аччиқ бир киноя зоҳир.
Мен сени йўқотиб кўяётибман,
Гарчанд топганимча йўқ эди, ахир!

Отамга мактуб

Барглар каби бир-бир узилди,
Сен ҳақдаги олис хотирлар.
Ёзмаслигинг билганим ҳолда,
Фақат сендан кутаман хатлар.

Қуёш мисол тафтли кўринган
Ўша — сенинг тилсимли бағринг.
Бутун умр илинжи балким —
Титраётган саккизта баргинг.

Ўсмоқдамиз, узилмай титраб,
Фарзандларинг — саккизта барг ҳам.
Онамми?.. У қучоғи очик
Дарахт каби ночор ва ўктам.

Отам, сендан жавоб кутаман.

* * *

Баҳор дилимизга бағишлади бахт —
Ранглар юзларида кулди яшил ранг.
Уйғонди тириклик ҳайкали — дарахт,
Гуллар — ер кулганда янграган оҳанг.

Гуллар — ер кулганда янграган оҳанг.
Баҳор илиққина келгани дамда,
Бунда яшамоқлик тотли-да, қаранг,
Кулги униб ётар ҳар бир қадамда.

шеърят ҳам қутқариб қололмади. Дорилфунун билан хайрлашув кунда унинг руҳи фоний дунё азобларидан фориг бўлди, бақо гулшанига қараб учди. (Оллоҳ раҳмат қилсин!)

Ғиёсиддиндан бир дафтар шеър мерос қолди, холос. У тириклигида ойнома ёки рўзнома саҳифаларида чиқишни ўйлаб ҳам кўрмаган эди. У шеър кўтариб бирор таҳририятга беришга уяларди. Умуман, у ўзини шеър одами ёки шеърга муносиб одам санамас эди. Ҳамма нарсага, ҳатто ўзига ҳам ички бир қайсарлик билан баҳо берар, шу қайсарлик измидан қочиб кетолмасди.

Нима бўлганда ҳам унинг руҳидан бир парча нур—шеъринг сатрларда яшаб қолди. Энди мен бу шеърларни қайта-қайта ўқийман, жуда ёш нобуд бўлган укамнинг хотирасини эслаб, ўзимга таскин берган бўламан.

Муртазо ҚАРШИБОЙ



АРМОНДА ҚОЛГАН МАДАМИНБЕК

1

20-йиллардаги миллий-озодлик ҳаракатига доир ҳужжатларни ўрганаётганда, уларнинг баъзиларига танқидий ёндашсак, тарихий ҳақиқатларни тиклашда бир ёқламаликдан ҳоли бўлишимиз мумкин. Бу ўринда 1922 йил 6 мартдаги 2-Туркистон ҳарбий қўмондонлигининг ўқчи дивизияси ва Мадаминбек қўмондонлигидаги ислом қўшини ўртасидаги битим матнини назарда тутаётирман. Уша протоколга асосланиб, «Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма» («Шарқ юлдузи», 1991 й. 3-сон) давра суҳбати иштирокчиларидан Қ. Маҳмудов Мадаминбек «Русиядан келган 150 минг кишилиқ қўшин билан курашиш қийинлигини инобатга олиб, музокара олиб боришга мажбур бўлган ва музокара давомида сиёсатда тажрибасизлик қилган», дейди. Бу фикрга қўшилиш шунинг учун қийинки, Мадаминбек кўрққанидан эмас, балки реал сиёсатчи эканидан Туркистон мустақиллигига йўл очиши мумкин бўлган ва ўша давр вазиятида бирдан-бир ақлга мувофиқ келадиган талабларни қўяди. Агар у талаблар ҳукумат билан тузиладиган битимда ўз ифодасини топса, Туркистон мухторият мақоми орқали мустақил ривожланиш йўлига кириб олиши мумкин эди. Лоақал Туркистон парчаланиб кетмас, унинг миллий аъналарини ва турмуш тарзини оёқости қилинмасди.

Мадаминбек ва унинг йигитларини бутун водийда ҳурмат қилишар, чунки улар бошчилигида Қизил армия ҳамда арман дашноқларининг хунрезликларини чеклаш имконияти вужудга келган эди. Мадаминбек Шўро ҳукуматига эмас, балки бу ҳукуматга жойлашиб олган мансабпараст, шахсиятпараст ғаламисларга қарши курашни ўз олдига мақсад қилиб олган эди. Аммо Шўро ҳукумати маҳкамаларида ўтириб олган ва тор шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, имон-этиқодининг тайини йўқ одамлардан қўтилиш учун қуролланган кишилар, албатта, бўлиши кераклигини билар, шунинг учун ўз отрядини янги ҳокимиятда адолат тикланиши учун кафолат воситаси деб ҳисобларди. «Агар одамлар менга қарши чиқса, дарров Шўро ҳукуматига бўйин эгаман», дейди у. Бу билан Шўро ҳукумати номидан келган саккиз вакил ичида битта ўзбек — вилоят инқилобий кўмитасининг раиси Хўжаевга киноя қилиб, сенлар халқ номидан гапиришга ҳаққинг йўқ, сенга ўхшаган ландовурлар туфайли Туркистон халқлари ўз буюклиги, миллий мустақиллиги ва ғуруридан маҳрум бўлиб боряпти, демокчи бўлади. Демак, Мадаминбек тушунчасида халқ оммаси қўллаб-қувватламайдиган ҳокимият вакилининг давлат ишларида иштирок этиши, маънавий-ахлоқий нопоклик аломатидир. Унинг наздида, миллатга зулм ўтказиш, бир миллатнинг иккинчи миллат устидан зўравонлик ўрнатиши адолатсизликдир.

Мадаминбекнинг ўша протоколда ифодаланган қуйидаги сўзларига эътибор беринг: «Мен Марғилондан чиққанимда, талон-торож билан шуғулланиш ва қўмондон бўлишни мақсад қилган эмасман. Чиқишимга сабаб — Шўро ҳукумати вакилларининг аҳли исломга (маҳаллий халққа демокчи — И. К.) ўтказган муносабатларидаги адолатсизликларидан анчайин хўрланишим бўлди». Демак, Мадаминбекнинг энг биринчи талаби Шўро ҳукумати одамларини адолатли бўлишга ундаш, зўравонликка барҳам бериш, амалда халқ ҳокимиятини барпо этиш эди. «Шўро ҳукумати» тушунчаси Мадаминбек талқинида адолатни қарор топтириш воситаси, Қизил Армия қўмондони вакили Веревкин-Рахальский тушунчаси бўйича янги, янада мақрлироқ рус империясини қарор топтириш воситаси эканини музокаралар мазмунидан сезиш қийин эмас.

Мадаминбекнинг сулҳга келишини кўрқоқлик аломати сифатида талқин этиш ўринсизлигининг яна бир жиҳати бор. Уша давр ҳужжатларига асослансак, Мадаминбек ўша давр ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб сулҳ тузишни мустақилликни сақлаб қолишинг бирдан-бир тўғри йўли деб билади. Шўро раҳбарларининг иккиюзламачилик сиёсатига миллий қўшин ёрдамида аста-секин барҳам берилишига умид боғлайди. Мадаминбек ўзбек халқининг энг яхши аъналарини музокаралар давомида ҳам намоён этди. «Биз,— дейди у,— талон-торож билан шуғулланмаганмиз, шу туфайли тавба

қилишимизга ҳожат йўқ». Мадаминбек қўйган талаблар миллий-демократик (социалистик эмас) характерга эга. Агар совет ҳокимиятининг миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги Декларацияси иккиюзламачиликка асосланмаганда, «босмачилик» ҳаракати 20-йиллар бошидаёқ барҳам топар, Туркистон халқлари тинч меҳнатга ўтиб, бошқа халқлар билан дўстона ҳаёт кечиришга азми қарор қилган бўлур эдилар.

Давра суҳбатиди «Яраш битими ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаганлиги учун бошқа беклар Мадаминбекни хоинликда қоралашди. Холхўжа қўрбоши Учқўрғон теғрасида Мадаминбек билан жангга киришиб, уни қатл этди, дейлади. Бу фикрлар тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки Холхўжа отряди 50—60 кишидан иборат бўлиб, Мадаминбек қўшинларига бардош бера олмас эди. Сўнгра, у Шермуҳаммадбек (Кўршермат) қўшинига бевосита бўйинсунар, унинг ижозатисиз бу хунрезликка қўл ура олмас эди. Шуни эътиборга олиш керакки, 1920 йил 6 март битими лойиҳа бўлиб, у келаси музокаралар учун негиз бўлиб қолиши керак эди. Чунки Мадаминбек, Веревкин-Рахальский ҳукумат бошлиғи эмаслигини, бундай битимни имзолашга ваколати йўқлигини биларди.

Мадаминбекнинг рафиқаси Саодатхон ая Абдураззоқованинг айтишича, Мадаминбек «Марғилонга Фрунзе келади, эртага мен у билан учрашаман, деб гап топиб келди. Марғилон томонидан Фрунзе, Тошлоқдан эса Мадаминбек ўз қўшинлари билан келишиб, ҳозирги Тошлоқ ноҳиясидаги пахта тозалаш заводи ёнидаги кенгликда учрашадиган бўлишибди». Саодатхон ая ўзи ҳам бу тантанали учрашув гувоҳи бўлганини айтади: «Икки саркарда қучоқлашиб кўришишди. Суратга тушишди (ўша дақиқалар акс эттирилган суратлардан бири Шоҳимардонда, яна бири эса Андижондаги музейда сақланаптир). Бу чинакам тарихий воқеа эди». (М. Абдурахмонов. Мадаминбекнинг рафиқаси. «Еш ленинчи», 1990 йил, 11 апрель сони.)

...1964 йили Ўзбекистон ССРнинг 40 йиллигини нишонлаш учун ўлкамизда Совет ҳокимиятини ўрнатишда жонбозлик кўрсатганларни излаб топиш, уларнинг хизматларини муносиб ёритиш журналистлар олдига вазифа қилиб қўйилган эди. Шу аснода кўп одамлар билан гаплашиб, тарихий ҳужжатлар билан танишиш имконига эга бўлган эдим. Мадаминбек ва Кўршермат тўғрисида ҳам маълумотлар тўпланди. Давр талабига мувофиқ, Мадаминбекни қонхўр, босқинчи, каллакесар, ўзбек халқига кўп озор берган шахс сифатида ёритишим керак эди. Фуқаролар уруши иштирокчилари билан кечган суҳбатларда Мадаминбек шундай разил одам бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилдим. Бироқ, тарихий ҳақиқат қандай бўлса, ўшандек ёзиш у пайтларда мумкин эмас эди. Шунинг учун Мадаминбек ҳақидаги маълумотлар эътиборсиз қолди. Аммо қачонлардир керак бўлиб қолар, деган ниятда Аҳрорхўжа Мақсудхўжаев (машҳур санъаткор Нурхоннинг поччаси, яъни аммасининг эри) билан қилган суҳбатимни сақлаб қўйган эдим.

Аҳрорхўжа эшон 1887 йили Марғилонда туғилган, 11 ёшида онаси, 25 ёшида отасидан жудо бўлган. Отаси ва саккиз амакиси милтиқсоз бўлиб, улар Худоёрхон қўшинларига айри (пилта) милтиқ ва қилич ясаб беришар экан. Бир урушдаги ғалабадан сўнг, Худоёрхон унинг милтиқсоз бобосига Марғилондан ер инъом этган. Улар ўша яйдок ерда деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишган. Ана шу жойлар ҳозиргача Милтиқсоз маҳалласи деб атаб келинади. Октябрь тўнтаришидан кейин алғов-далғов замонлар бошланиб, милтиққа эҳтиёж янада кучайиб кетди. «Босмачилар» уни ўзлари билан олиб юришар, бузилган милтиқларини тузаттиришарди. «У пайтлар жуда мураккаб эди,— деди Аҳрорхўжа ака,— ким ҳокимият тепасига қолишига оми халқнинг ақли етмасди, одамлар жон сақлаш ниятида гоҳ «тўртинчилар» (советлар тарафдорларини шундай дейишарди) томонига, гоҳ беклар томонига ўтиб турарди».

Муҳаммадаминбек Аҳмадбеков ҳақидаги қораламаларим асосан, фуқаролар урушининг бошидан-охиригача Мадаминбек ва Кўршермат отрядларида хизматда бўлган Аҳрорхўжа Мақсудхўжаев хотираларига асосланади. Албатта, унда кечмиш воқеаларнинг вақтлари, одамлар ва жойларнинг номларида тарихий ҳужжатларга тўғри келмайдиган жиҳатлар ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин бу хотираларни архивлардан топиш амри маҳолдир. Шу маънода тарихчиларимизнинг олиб борадиган тадқиқотларига асқотиб қолади, деган умиддаман.

2

Бир мудҳиш воқеа туфайли Мадаминбек отасининг ҳунарига қизиқмади. Бақувват, эпчил, иродали йигит бўлганидан у одамларнинг корига яраб, оғирини енгил қилиб, ўз тирикчилигини ўзи ўткази бошлади. Ҳар пайшанба ва яқшанба кунлари Марғилоннинг Урдагагисидан тортиб Гураввалгача чўзилган катта бозорига ишлайман деганга иш топилади. Бозорда нима кўп, гап кўп. Мадаминбек юмушларни бажариш асносида эшитган ҳар бир гап, янгиликни ўзича мулоҳаза қилиб борарди.

Мадаминбек бу ерда кўпгина улфатлар орттирди. Улар орасида анчайин шўх, қувноқ йигитлар ҳам бор эди. Кунларнинг бирида улфатлари билан Скобелов (Фарғона)га боришганида, у қимор ўйнашди. Бешболалик Отабой гиштчи деган бой бўлиб, унинг мулла Сулаймон деган маҳрами билан Мадаминбек гап таллашиб, жанжаллашиб

қолди. Бу воқеадан хабар топган Отабой ғиштчи «Ҳап сеними», деб қўйган экан. Шу воқеадан бир ҳафта ўтгач, Мадаминбеклар хонадонига миршаблар бостириб келиб, тинтув ўтказишди ва ҳовлида уюб қўйилган маккапоя орасидан бир милтиқ топишди, Мадаминбекни ҳибсга олишди. Судда Мадаминбек Умархез деган кишининг бозор растасидаги дўконидан нарсаларини ўғирлаганлиги, қонунсиз милтиқ сақлаганлиги гўё исбот бўлди. Шу туфайли чор суди уни Сибирга сургун қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Маълум бўлишича, ўғрилар Отабой ғиштчининг одамлари экан. У шаҳар ҳоқими ва полисмейстрини бу иш Мадаминнинг қўлидан келади деб ишонтирган. Мадаминбек ҳовлисидан топилган милтиқни тинтув бўлишидан бир кун олдин унинг йигитлари яшириб қўйишган экан.

Сибирда Мадаминбек ит кўрмаган азобларни бошидан кечирди. Ёмон нарсанинг яхши томони ҳам бўлар экан. Дунёдаги воқеалар, Россияда юз бераётган тала-тўполонлар, махбусларнинг унга бўлган муносабати Мадаминбекни анча ҳушёр қилиб қўйди. У рус тилида гапиришни ҳам ўрганиб олди, рус алифбосидаги газетларни таталаб ўқийдиган бўлди. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг берилган умумий авф туфайли у она шаҳри Марғилонга қайтиб келди.

3

Оёғида Коратегиннинг мукка ковуши, калта пижама, бошида шапка билан Мадаминбек бир турфа ҳолатда тўғри Сапилтўдадаги Йўлбарсхон эшонниқига келди. Илгари бу эшоннинг юмушларини қилиб, анча ҳожатини чиқарган эди. Эшон Мадаминбек тўхматдан кетганини биларди. Шунинг учун уни яхши қарши олди. Бир қатор уст-бош қилиб бериб, қўлига яна 25 сўм тутқазди ва: «Ўғлим, энди ота-онанг ҳузурига бор», деб оқ фотиҳа берди.

Мадаминбек Сибирдан бир тўппончани яшириб олиб келган эди. Унинг фикризики Отабой ғиштчининг маҳрами, қотил ва ўғри, Мулла Сулаймондан қасос олиш эди. Кунларнинг бирида Қиргули мозори ёнидаги қувур тагида пойлаб ётиб, уни кечаси отиб ташлади ва қуролларини эгаллаб олди.

У пайтлар давлат маҳкамалари жамиятда тартиб-интизомни сақлашда ожизлик қилиб қолганди. Шу туфайли ҳар жой-ҳар жойда босқинчи тўдалар пайдо бўлиб, одамларнинг уйига бостириб кириб, мол-мулкни талаб кетишарди. Мадаминбекка ўхшаган кўрқмас, эпчил йигитлар бой-бадавлат одамлар учун жуда керак бўлиб қолди. Солиҳ махсум деган давлатманд киши Мадаминбек ва унинг шериклари соясида босмачилардан ҳайиқмай, осойишта ҳаёт кечирарди. Яккатут мингбошиси Абдуқодирбой ҳам Мадаминбекка кўп мурувватлар кўрсатди, бунинг эвазига унинг тинчилигини босмачилар бузолмайдиган бўлиб қолди.

Мадаминбек йигитлари 26 нафарга етиб, анчайин обрў-эйтибор қозонди. Марғилонда ҳокимлик қилаётган Худоёрхоннинг набираси Беғижон хавотирга тушиб, скобелевлик Миродилбойдан мадад сўради ва Мадаминбекни тартибга чақиришни илтимос этди. Миродилбойнинг йигитлари кўп ва бунинг устига яхши қуролланган эди. Мадаминбек улар билан тўқнашишни истамай, Хонобод ва Ҳамрак томонларга кетиб қолди.

У пайтлар шаҳарда ревком деган ташкилот тузилиб, унга Абдураззоқ закўнчи бошчилик қиларди. Унинг марғилонлик кўзга кўринган бой Саидахмадхўжа билан оралари бузилиб қолди. Саидахмадхўжа ўз мол-мулки мусодара бўлишини Абдураззоқ закўнчидан кўрди ва Миродилбойга ялиниб-ёлвориб уни ўлдириш пайига тушди. Мадазим бошлиқ бир тўда босқинчилар Марғилоннинг Чорчинор маҳалласидаги (ҳозирги товўқбозор ёнидаги) ҳовлида ревком раиси Абдураззоқ закўнчини сўйиб кетишгани ҳақидаги шумхабар шаҳарга яшин тезлигида тарқалди.

4

Абдураззоқ закўнчининг ваҳшийларча ўлдирилиши бутун шаҳар аҳлини даҳшатга солди. Чунки кўпчилик аҳоли назарида у ҳалол, пок, имонли, камбағалпарвар одам бўлиб, қонуншунослиги туфайли ревком раиси этиб сайланган эди. Абдураззоқ закўнчининг Саодат исмли гўзал қизи бўлиб, ҳали ёш бўлгани учун ва отасининг фожиали ҳалокати туфайли ҳеч кимга турмушга чиқишга розилик бермаётган эди. Унга Мадаминбекдан ҳам совчилар келди. (Мадаминбек илгариги хотинидан бола кўрмаганлиги учун ажрашган эди.) Саодат, Мадаминбекка, агар отамнинг қотилини топиб жазоласалар мен розиман, деб шарт қўйибди.

Абдураззоқ закўнчининг ўлдирилиши, маҳаллий ҳокимиятнинг қотилларни топиш ва жазолаш учун шошилмаётгани марғилонликлар ғазабини ошириб юбораётган эди. Шу жиҳатдан Мадаминбек Саодатнинг шартига рози бўлди. У Мадазимдан шубҳа қилди ва йигитлари билан жамланиши мумкин бўлган жойга тўсатдан ҳужум қилиб, жами йигитни қуролсизлантирди. Сўроқ-саволда Абдураззоқ закўнчини Исҳоқ қўйчи бўғизлагани ва Мадазим бу ишга бошчилик қилганлиги маълум бўлди. Мадаминбек

Ўрдатагига одамларни тўплаб, шариат қозиларининг ҳукмига биноан халойиқ олдида Исҳоқ қўйчини отиб ташлади.

Қочиб қутулган Мадазим куч тўплаб, Миродилбой ва маҳаллий ҳоқимият ёрдами билан биргаликда Мадаминбек отрядига ҳужум қилиш мақсадида Тошкентга бориб, қурол-яроғ топиб келгани, Мадаминбекни қўлга тушириб, ўлдирмоқчи экани ҳақида хабар тарқалди. Мадаминбек кундуз куниеъ Скобелевга бориб, ўз ҳужрасида маишат қилиб ўтирган Мадазимни қўлга туширди. Мадазим Абдураззоқ закўнчини ўлдирганига иқрор бўлди. Бу жинояти учун уни отиб ташлади.

Абдураззоқ закўнчининг қотиллари муносиб жазоланганлиги, бу ишни давлат маҳкамалари эмас, Мадаминбек бошлиқ фидойи ўзбек йигитлари бажаргани кўпчиликка маъқул тушди. Бу воқеалардан кейин Мадаминбек адолат ва ҳақиқат ҳимоячиси сифатида довруқ қозонди, одамлар ўз навбатида арз-додлари билан давлат маҳкамаларига эмас, балки Мадаминбек ҳузурига кела бошладилар. Шу тариқа унинг атрофига жасур ва адолатпарвар йигитлар тўплана борди. Саодатхонни эса Мадаминбек тўй қилиб, ўз никоҳига олди.

5

1918 йилдан аҳвол тобора ёмонлашиб борди: нарх-наво кун сайин ошарди, ўғрилар, босқинчилар кўпайиб, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандларга ҳам кун бермас, янги ҳукумат эса тизгинни қўлдан чиқариб юборган избошчиға ўхшарди. Ҳар-ҳар жойда ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядлари тузила бошлади. Унга албатта ҳалол-поқ одамлардан ташқари ашаддий ўғрилар, қароқчилар, чўнтаккесарлар, қиморбозлар ҳам кириб олишарди. Зеро, бу тоифа одамлар нисбатан дадил ва таваккалчи бўлади. Қўқон мухторияти ағдариб ташлангач, арман дашноқларининг таъсири кучайиб кетди, хунрезлик авжига минди. Уша кезларда мухтор жумҳурият вакили Т. Рисқулов Туркистон марказий ижроия комитетининг раиси А. Казаковга бундай деб ёзган эди: «Фақатгина уездларда эмас, балки шаҳарларда ҳам ҳақиқий Совет ҳоқимияти мавжуд эмас». Унинг таъкидлашича, икки қизил аскар (рус ва арман) сартларининг уйига бостириб кириб, ота-оналари кўз олдида қизларнинг номусига тегишган, бироқ қўмондон Плотников уларга нисбатан айтарли чора кўрмаган. «Андижонда,— дейди Рисқулов,— арманлар қишлоқлардан жуда кўплаб сарт қизларини олиб келиб, уларни ўз хусусий буюмига айлантирганини аниқладик. Дашноқлар ўқни тежаб қолиш мақсадида гуноҳсиз мусулмонларни аёвсиз чопишган, аёлларнинг номусини топтаб, ғазаб билан: «Агар Оллоҳ қудратли бўлса, сенга нажот бөрсин», дейишган. Ана шу хунрезлик кетаётган пайтларда «Скобелевда бутун-бутун ташкилотлар ва ижроия комитетлари ичкиликбозлик билан шугулланишган... Партия ташкилотлари кўплаб зиён келтирадиган турли-туман нолайиқ унсурлар билан ифлосланган, ичкиликбозлик, порахўрлик оддий ҳолга айланган». Рисқулов ўз мактуби охирида бундай дейди: «Совет ҳоқимияти, ўртоқ Казаков, бизга қимматга тушди. Ҳаддан ташқари тартибсизликларни кўриб, юрак сиқилади ва қалбда кучли оғриқ пайдо бўлади».

Мана шундай ёвузликлар авжига минган пайтда Мадаминбек сингари эл-юрт фарзандлари лоқайд қараб туролмасди. Аммо 40—50 кишилик бир нави қуролланган отряд, Қизил армия кўмондонлигидан мадад олиб турган арман дашноқларига дош бера олмас, устига-устак Мадаминбекка қарши икки кучлар ҳам кўпайиб бораётган эди. Бирдан-бир чора сифатида Мадаминбек энг қўрқмас, ботир ва фидойи йигитларни атрофига йиғиб, ҳарбий машқларнинг мунтазам ўтказилишини йўлга қўйди. Бунда совет ҳоқимиятидан норози бўлиб, Россиядан кўчиб келган рус зобитлари кўп ёрдам бердилар. Мадаминбек Марғилон, Наманган, Андижон, Уш томонларга одам юбориб, умумий душманга қарши бирлашиб курашишга, халқнинг осойишта яшаши ва ишлашини таъминлашга даъват этди. Балиқчидан Мамажон бойвачча, Икки сув оралигидан Бойтуман ҳожи, Ушдан Холхўжа, Булоқбошидан Муллажуман, Валиқдан Мирқарим ўғри, Нурулла махсум, Абдуллажон, Учқўрғондан Назариддин мингбоши, дошмонлик Тўхтавой понсод, Қумарикдан Болта қўрбоши, ёзёвонлик Юсуф полвон, Қорасоқолдан Эргаш, Қоратепадан Қурбон, Варзакдан Абдуллажон ва бошқалар Мадаминбек атрофига уюшдилар. Улар Мадаминбек муҳрига биноан белгиланган ҳудудларда тартиб-интизомни йўлга қўйишни ўз гарданларига олдилар. Рус зобитлари ёрдамида ва афғон мужаҳидлари иштирокида уруш ҳаракатларининг замонавий усуллари ҳам ўзлаштириб борилди. Мадаминбек ўз муҳофазасига олган жойларда тартиб бузувчилар, босқинчилик, ўғриликлар жазосиз қолмас эди. Агар у қароргоҳи — Гарвадан Марғилонга тушмоқчи бўлса, Қизил армия командирларига телефон қилар, улар ўз қисмларини гарнизондан чиқармай туришарди. Айтишларича, Мадаминбек мактабларга кириб, болаларни яхши ўқишга даъват этар, сизларга Туркистон катта умид билан қарапти, деган гапларни бот-бот такрорлар экан. Унинг ақидасича, агар Шўро идоралари ёмон ниятли, баднафс, имонсиз одамлардан тозаланса, ҳоқимият маҳаллий халқ қўлига берилса (ҳоқимият руслар қўлида эди) адолат тикланар эди. Давлат муассасалари

қилиши мумкин бўлган ёвузликларни тийиб туриш учун қуролланган халқ кучи керак, деб ҳисобларди у.

Мадаминбек отряди Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган озодлик кучлари орасида энг таъсирлиси эди. Аслида 1919—1922 йилларда реал ҳокимият Мадаминбек қўлига ўтган эди. Аҳоли солиқни ҳам, асосан, Мадаминбек тайинлаган кўрбошиларга берар эди. Водийдаги уламолар, шариат пешволари тўпланиб, Мадаминбекни «амир-ал-муслимин», яъни ислом қўшинлари бош қўмондони этиб тасдиқлагани, Кизил армия қўмондонлигининг фақат у билан тенглик асосида сулҳ тузиш тўғрисида музокаралар олиб боришга рози бўлгани ҳам тасодифий эмас эди.

6

Биринчи жаҳон уруши, Октябрь тўнтаришидан кейин нодон ва иккиюзламачи сиёсатчиларнинг айби билан авжига минган фуқаролар уруши халқнинг тинка-мадорини қуритиб юборди. Хўжалик издан чиқиб кетди. Очарчилик бошланди. Хунармандчилик, деҳқончилик ва чорвадорлик асосий касби бўлган Туркистон аҳолисининг тинч ва осойишта меҳнат қилишидан бошқа орзуси йўқ эди. Совет ҳукумати жойларда йўл қўйилган жиддий хатоларни инobatга олиб, «босмачилик» деб аталган ҳаракатга муносабатни ўзгартира бошлади. Жумладан, Туркистон Фавқулодда Комиссияси фаолиятига салбий баҳо берилди. Ҳарбий доираларда эса «босмачилик»ни зўрлик билан эмас, балки сиёсий ёнберишлар орқали тугатиш мумкин, деган фикр тобора мустаҳкамланиб бормоқда эди.

...Ўзи халқ орасидан чиққан, кўп машаққатларни бошидан кечирган, босиқ, мулоҳаза билан фикр юритадиган, бошқаларнинг сўзига обдон қулоқ солиб, кейин хулоса чиқаришга одатланган, гап орасида «шунақами, оғайни» дея маъноли қараб, бошини қимирлатиб турувчи, дангал гапни ёқтирувчи, дагар бир одам эди Мадаминбек. Одамлар унга ёлғон хабар беришга ботинолмасди. Совет ҳукуматининг ваъдалари ҳам қандайдир умид бағишлар, айниқса Лениннинг мусулмон халқларига қарата йўллаган мактуби Мадаминбек талабларининг айни ўзидек инграрди. Лекин у бир нарсага тушунмасди: нега бу руслар Ленинни йўлбошчи, доҳий деган ҳолда Фарғонада унинг айтганларининг тескарисини қилишмоқда. Эҳтимол, қандайдир англашмовчилик бўлаётгандир?..

Ана шу мулоҳазалар уни сулҳ ҳақида музокаралар бошлашга мажбур этди. Дастлабки музокараларда унинг талаблари ҳисобга олинган бўлса-да, бироқ уни ҳукумат тасдиқламади. Шу тариқа уруш ҳаракатлари давом этаверди. Озодлик қўшинлари муайян гарнизонда туришмаган. Уларнинг асосий қисми қурол-аслаҳаларини яшириб, хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланаверишган. Лозим бўлган пайтда улар қақирилганда, зудлик билан белгиланган жойга етиб келган. Улар маҳаллий шарт-шароитни яхши билишгани ва қизил аскарлар ичида айғоқчилари етарли бўлгани, ҳатто ревкомнинг айрим аъзолари ҳам пинхона равишда озодлик кучлари томонида тургани туфайли қизил аскарларга жуда қаттиқ ва катта талофатлар етказганлар. Аксинча, совет давлати вакиллари улар билан сулҳ музокаралари олиб бормас эди.

Мадаминбекнинг асосий талаблари инobatга олинмаган бўлгач, 1922 йили сулҳга имзо чекиш учун Тошкентга келган. Шундан сўнг Мадаминбек ўз кўрбошиларига мактуб йўллаб маслаҳат қилиб олишни таъкидлаган. Йиғинга, ҳатто марҳаматлик мужиклар ҳам ўз вакилларини юборишган. Фақат Шермуҳаммадбек, Холхўжа ва бошқа айрим кўрбошилар келмагани Мадаминбекнинг юрагини ғаш қилди. У йиғилганларга қарата шундай деди: «Халққа раҳимимиз келиши керак, у ниҳоятда оч-яланғоч ҳолда яшяпти, одамларни икки томонлама талаш инсофли, имонли одамларга хос иш эмас. Шунинг учун сулҳга рози бўлдим. Сулҳ шартларига биноан, Гарва (Тошлок)га крепост қураимиз. Унга Шермуҳаммадбекни бошлиқ этиб тайинлаймиз. Турк дивизияси ташкил этамиз. Кўрбоши ва беклар қуролланган ҳолда ўз йигитларига бош бўлиб қолаверадилар, улар ўз ҳудудларида тартиб-интизомга жавоб берадилар. Ана шу отрядлардан ташкил топган миллий армия яхши қуролланган ва ҳарбий санъатни эгаллаган бўлади. Мен эса ҳукумат ишларида иштирок этаман. Сулҳ шартларига кўра бошқа кўрбошиларни ҳам Шўролар билан яраштиришга сўз бердим. Шермуҳаммадбек ва бошқа беклар бунга яхши тушунади, деб ишонаман».

7

Туркиялик ватандошимиз Шаҳобиддин Ясавийнинг «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» китобида бундай жумлалар бор: «Муҳаммадинбек. Марғилон. Сувчи маҳалладан. Ниҳоят сиёсатдон, ботир, тадбирли, қаҳрамон. Озод Туркистон қурувчи, номдор бўлган бахтсиз, бу буюк, тоймас қўмондонни танимоқ учун ҳар қанча сўзласак, арзишга эгадир. Ҳақиқатан, дин, ватан ва миллат фидоси бўлди. «Туркистон Туркистон халқининг юртидир. Душманни юртимиздан ҳайдаймиз!» дерди.

Мазкур китобда яна бундай сатрлар бор: «Холхўжа эшон. Уш шаҳридан. Кўнгли

қора, кийначи, Шермухаммадбек амрига биноан ҳамокат (аҳмоқлик) қилди. Ва кийна туғендан Муҳаммадаминбекни қатл қилди».

...Бек ва кўрбошиларнинг кўпчилиги сулҳ заруратини, урушни давом эттириш фойдасиз эканини тушунишди. Аммо улар ичидаги мутаассиблар, узоқни кўра билмайдиган, маишатга берилганлари Мадаминбекни хоинликда, исломга хиёнат қилишда айблаб чиқишди. Шулардан бири Шермухаммадбек бўлиб, унинг ихтиёрида 2 минг нафар йигит бор эди. Шунинг учун Мадаминбек Шермухаммадбек ҳузурига бир неча бор одам жўнатиб, шу вазиятда сулҳ Туркистон озодлигини сақлаб қолишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканини тушунтиришга уннаб кўрди. Саодатхон ая бундай эслайди: «Бек билан ўзим гаплашим керак», деб Кўршермат ҳар гал Мадаминбек одамларини қайтариб юборарди. Бир кун Мадаминбек Кўршермат билан учрашиш учун йўлга чиқмоқчи бўлганида, кўпчилик норозилик билдирди. Бироқ бир сўзли Мадаминбек ўз сўзидан қайтмади».

Бу қарорга келишдан олдин Мадаминбекнинг хаёлидан нималар кечмаган, дейсиз.

...Гарвада қиморбозлик авжига чиққан пайт. Қотмадан келган, буғдойранг, анча жасоратли кўринган бир йигит қимордан ютаверди. Буни кузатиб турган Мадаминбек унга шундай деди: «Ука, кўп мард йигит кўринасиз, халқимиз озодлиги учун менинг йигитларим сафига қўшилмайсизми?». Шермухаммадбек бу таклифга рози бўлди. У милтиқ отишни яхши билмаганидан, Шахрихон яқинида бўлган жангда милтиқнинг лўкидони (затвори) орқага қайтиб, ўнг кўзини қаттиқ шиқастлантирди. Мадаминбек уни Гарвага олиб келди. Кейин Балиққига юбориб, докторга даволаттирди. Бироқ Шермухаммадбек кўр бўлиб қолди. Бу тажанг, чўрткесар одамни орқаваротдан «Кўршермат» деб атай бошладилар. Мадаминбек унга кўп муруватлар кўрсатди. Аввал ўнбоши, кейин ўзига ўринбосар элиб тайинлади. Кураш, жанг майдонидаги ғалаба қувончлари, омадсизлик ўқинчларини бирга татиш уларни мустахкам дўст қилиб қўйган эди. Уламолар гувоҳлигида Мадаминбек билан Шермухаммадбек «Қуръон»ни ўртага қўйиб, бир-бирларига доим содиқ қолиш, қиёматли ака-ука бўлиш учун онт ичишди. Тарихдан маълумки, чин мусулмон одам ўлса ўладика, аммо «Қуръон» ўртага қўйиб ичилган онтни асло бузмайди. Мадаминбек эса Кўршерматни чин мусулмон, деб билар эди.

Мадаминбек ўз йигитлари ва рус отряди билан Қизилқияга йўл олди ва Кўршерматни Учқўрғонга музокара олиб бориш учун чақирди. «Ўзингиз келинг, бу ер тинчроқ гаплашгани», дейди Кўршермат. Бошқа чора қолмагач, Мадаминбек узунҳовузлик Абдували мингбоши, сўхлик Деҳқонбойвачча, шахсий мирзоси, битта қизил аскар — жами саккиз киши бўлиб, Кўршермат ҳузурига боришди. Кўршермат Дардоқ деган кўрбошини Майдон деган жойга, Тешавойни Учқўрғонга чиқаверишдаги даранинг олдида ўз йигитлари билан қўйган эди. Дардоқ кўрбоши Мадаминбек ҳузурига кучоқ очиб, пешвоз чиқди ва кучоқлашиб кўришаётиб, унинг кўлини боғлаб олди. Сулҳпарвар делегациянинг ҳаммасини ҳибсга олдилар. Мадаминбекни тегиримон устига қурилган болохонага чиқариб, боғлаб қўйишди. Соё пастиди турган Аҳрорхўжа акани Мадаминбек имо билан чақириб, «Шермухаммадбекка айтинг, мени ўлдирмасин, «Қуръон» уриб, ўзи ҳам, йигитлари ҳам қирилиб кетмасин», дейди.

Кўршермат ялангликда, қора уйда Холхўжа билан нималарнидир гаплашиб ўтиришар экан.

— Шермухаммад, эҳлис гафим бор, айт десангиз айтаман, бўлмаса йўқ,— дейди Аҳрорхўжа ака.

— Хўш, нима гап?— деб қарайди кўзларини чимириб Кўршермат.

— Мадаминбек қасамни эсга солиб, мени ўлдирмасин, яхши ният билан келганман деяпти. Сиз крепостга бошлиқ бўлар экансиз. Давлат Шўроларни тан олган мужоҳидларни қуролсизлантирмайдиган бўлибди.

Кўршерматнинг лаблари қимирлаб кўкариб кетгандай бўлди. Холхўжа Аҳрорхўжа эшонга хўмрайиб қаради.

— Эшон ака, бу имонсиз шўроларга ишониб бўлмайди, бизни тузоққа туширмоқчи. Мадаминбек буни тушунмай ўз динини русларга сотди. Енган чироқни ўчираман деманг. Арава аллақачон кетиб бўлди,— дейди-да, у ўрнидан шитоб билан туради.

Учқўрғон атрофидаги Тўйчи ва Қорабой кўрбошилар 200 йигити билан қизил аскарларга қўшилган эди. Кўршермат уларга мактуб йўллаб, унда Мадаминбекни ҳибсга олгани ва мужоҳидлар томонида ўтиб, қизиллар билан урушни давом эттиришни сўрагани, Тўйчи ва Қорабой Қизил армиянинг махсус бўлими вакиллари билан маслаҳатлашиб, «Мадаминбекнинг калласини юборсангиз, кейин гапингизга ишонамиз», дейишибди.

Кўршермат ўз ихтиёридаги уламолар билан маслаҳатлашганида улар бу ишни сиз эмас, Холхўжа бажарса, шунда қасамингизни бузмаган бўласиз, деб шарият номидан маслаҳат беришган.

Бу воқеадан олти ой муқаддам хотин устига хотин олиб (жами 19 хотини бор эди), маишатдан боши чиқмай қолган Холхўжага Мадаминбек шундай деган эди: «Биз ватанни озод этиб, динимизни сақлаб қолиш учун курашяпмизми ё маишатбозлик учунми!». Шунда кайфи бор Холхўжа Мадаминбекни ҳақорат қилиб: «Менинг шахсий ишимга

нега тумшугингни суқаверасан!» деган экан. Мадаминбек уни қуролсизлантириб, йигитларини олиб қолиб, ўзини ҳайдаб юборганда, у Кўршермат ёнидан паноҳ топганди.

Холхўжа Мадаминбекни Сурматошга олиб чиқди ва Соқи деган жаллодга уни суйишни буюрди. Қўл-оёғи боғланган Мадаминбекни Соқи оёғи остига олиб, «бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, омин, оллоҳу акбар» дея, қиблага қараб фотиҳа қилгач, чап қўли билан ўлжасининг бошини қайирди ва бўйнига пичоқ тортиб юборди. Холхўжа Мадаминбекнинг калласини ҳуржунга солиб, Назар деган йигитдан Тўйчи ва Қоровой қўрбошиларга жўнатиб юборди. Улар Мадаминбек калласини Қизил армиянинг махсус бўлимига олиб боришгач, у жойда бунни мамнуният билан қарши олишди.

— Катта бир душмандан қутилдик, хуржунга беш мингта ўқ солиб, каллани қайтариб юборинглар. Биз фурсат билан чиқиб борамиз,— дейишади махсус бўлимдагилар.

Қирғизларнинг Мадаминбекка ихлоси баланд эди. Шунинг учун унинг калласи ва танасини Холхўжадан сотиб олишади-да, каллани танага тиқиб, Сурматошдаги Лангар деган жойга, дарёнинг бўйига дафн этишади.

Холхўжа Хитойга аскар ва қурол-яроғ олиб келаман, деб кетаётганда Эргаштом деган жойда 60 йигити билан тоғдан кўчган қор остида қолиб, ҳалок бўлади. Кўршермат Қизил аскарларга яна бироз қаршилиқ кўрсатгач, Афғонистонга қочиб кетади. Шўролар қўлга тушган жуда кўп қўрбошиларни йигитлари билан бирга отиб ташлайди, сургун қилади. Қамайди.

Саодат ая айтади: «Мадаминбекнинг содда, бироқ ўткир нигоҳларида қандайдир сирли маъно ҳукмронлик қиларди. У меҳрибон, тўғриси, кўп оғир кунларни бошидан кечирган, оқ подшо турмасида жабр тортган дардли ва лекин ғоят мард инсон эди. Мана шу мардлик хислати Мадаминбекни нобуд қилди, десам сира муболаға бўлмайди. Унинг тегирмон қуриб, қарилик гаштини сурши ҳақидаги орзулари ушалмай қолди».

8

Мулкни тўласича давлат монополиясига айлантириш амалда бутун-бутун халқларни кўз илғамас қуллик кишанлари билан занжирбанд этиб ташлади, зўравонлик, ўзбошимчалikka асосланган сиёсий тартибот эса, халқлар бошига бениҳоя кулфатлар солди.

Мустақилликка тинч шароитларда, ҳуқуқий асослар билан эришиб бўлмагач, халқнинг мард, фидойи фарзандлари қўлларига қурол олдилар. Мадаминбекдек шунқорлар ҳар бир туман, шаҳар ва вилоятларда бор эди. Биз юкорида кўрганимиздек, аслида ички босмачилик, босқинчиликка қарши бошланган стихияли кураш ривожланиб бориб, ташқи босқинчилар, ҳақиқий босмачи кучларга қарши урушга айланиб кетди. Бу кучларни бирлаштирадиган сиёсий партия бўлмади, ислом шiorлари эса уларни жипслаштиришга ожизлик қилиб қолди. Совет ҳокимиятининг берган ҳавойи ваъдалари эса одамларни озодлик курашидан чалғитди.

Тумшугидан наридаги нарсани кўролмайдиган, мансабпараст, қасамхўр, кўрнамак, имонсиз, маишатпараст, гина-кудуратчи, хоин-сотқинлар душманлар тегирмонига сув қуйиб, тарихнинг энг қалтис, бурилиш нуқталарида халқнинг чинакам қаҳрамонига айланган Мадаминбек сингари фидойиларини ўлдирганлар ёки уларни четга суриб қўйиб, ўз ватанларига, халқларига хиёнат қилганлар.

Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар бир киши теран англаб етмоғи даркор. Аксинча, мустақилликни қўлга киритган жумҳуриятимиз йўли яна тўсилиб қолиши мумкин.

Мустақиллик пойдеворлари мустаҳкам бўлиши учун ҳар қандай гина-кудуратларни бир четга йиғиштириб қўйиб, моддий ва маънавий кучларимизни бирлаштиришимиз, шу бирлик руҳини барқарор қилишимиз керак. Мадаминбекларнинг порлоқ хотираси, уларнинг исёнкор руҳлари ҳаммамизни шунга чорлаётир. Ана шундагина бизнинг ўзбеклигимиз, маданиятимиз, миллат сифатида шаклланганимиз дунё халқлари кўз ўнгиде яққол гавдаланади.

Иброҳим КАРИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент



Файзулла Қиличев

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ФОЖИАЛИ ЙЎЛИ

(ёки П 31922 сонли жиноят иши ҳужжатлари асосида
туғилган мулоҳазалар)

*Мустақил демократик жамият яратиш учун
курашда фириб еганлар*

◇ *Озодлик йўлида*

◇ *Давомли курашлар*

«Инсон бўлмоқ — курашчи бўлмоқдир» деган эди буюк Гёте. Бу, менимча, «ҳаёт — курашдир» деган ҳикматнинг бошқачароқ ифодаланган шаклидир. Инсон турмушнинг ҳар дақиқасида дуч келадиган ечимталаб, чораталаб муаммолардан ҳатлаб ўтиш ҳам ўзига хос кураш. Оч қолганда овқат ахтариш ҳам кураш... Ҳатто умр тугаб ўлим олди-дан бир ҳўплам сув сўраш ва титраб-қақшаб ҳўплаш ёки яқинларига бирор нарса айтиш илинжида теваракка аланглаш ҳам — ҳаёт учун кураш кўринишларидир.

Мен ана шу катта курашнинг юксак бир тури — шахс эркинлиги, давлат мустақиллиги ва халқ истиқлоли йўлидаги курашни алоҳида, муҳим фаолият деб ўйлайман. Ва шу мавзуга қўл урдим.

Ўта мураккаб яқин ўтмишимизни ўрганишга қизиқиш, ўша давр шахсларининг чинакамига чигал ҳаёт йўллари, улар ҳақда юритилаётган қарама-қарши фикрлар мана шу мавзуга қўл уришимга сабаб бўлди.

* * *

...1920 йилнинг баҳорига келиб, Бухоро амирлиги чегарасида Совет Россиясининг бир неча минг кишилиқ армияси аэроплан, тўп ва бомбаларини шайлаб, ҳужумга тайёр бўлиб турарди. Қўлларида эса бир парча: «Мустақил демократик давлат қуришимиз учун ёрдам беринг, мазмунидаги қоғоз ва Москвадан берилган «Қандай қилиб бўлса ҳам Бухорони эгаллаш, уни Россия манфаатига мослаш» ҳақидаги кўрсатма мавжуд эди.

Ўйлаб кўринг: Болтиқ денгизидан Тинч океанига қадар чўзилган Россия инқилоб қилиб, оқибатда роса «инқиллаётган» эди. Шаҳар-қишлоқлар вайрон қилинган, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишдан чиққан, оч-яланғоч халқ изғиб юрарди. Ички ва ташқи муҳолифлар билан қонли жанг кетаётган эди. Давлат «жиловини» бошқарадиган механизм ишга тушиши оғир кечарди. Хуллас, ўзлари танг аҳволда қолган, ёрдамга муҳтож Россия бирданига Бухорога ёрдам кўрсатиш учун «бор-буди»ни ташлади. Уларга Бухоро халқи ҳам, унинг ташвиши ҳам керак эмас эди. Ўз аскарларининг жонини, қонини қурбон қилиш учун йўналтириш лозим бўлган «фронт»лар ўзида етарли эди. Улар Бухоронинг тилласи, кумуши, пахта, узум, ипак, қорақўл тери, гўшт, мева-чеваларига ташна эдилар. Шунинг учун оч бўридай «қўй-қўзиларга ташланишди.

Амир Саид Олимхон 1920 йил 1 сентябрь кuni Бухорони ташлаб чиқиб кетди. Қирғин ва қувғинлар, ўлдириш ва талашлар борган сайин кучаярди. Бухоро қўлга киритилди. Эндиги навбат — бу ерларни советлаштириш, аниқроғи, руслаштиришга келди.

Босқинчилар бўйсуннишни, қуллик кишанини кийишни хоҳламаганларни босмачилар

деб, мустақиллик ва озодлик йўлида қилинган ҳар қандай ҳаракатни «аниқ мақсади ва гоёси бўлмаган тўдаларнинг қонхўрлик ҳаракати» деб атадилар.

Қурбақани ҳам ноҳосдан босиб қўйсанг «ва-ақ» этади деганларидек, жойларда баҳоли қудрат қаршилиқ кўрсатиш жанглари бошланди. Бу кураш узоқ йиллар бўйи давом этди. Ҳозир ҳам тўхтаган эмас. Дастлабки курашчиларнинг хорижга қочиб улгурганлари янги тузумни умр бўйи ёмонлаб ўтдилар. Қолганларини эса жисмонан йўқ қилиб ташладилар — иссиқ жонини олдилар, тилини, динини, эътиқодини таҳқирладилар. Лекин озодлик ва мустақиллик ҳайқириви дилдан-дилга, руҳдан-руҳга кўчиб, доим садо бериб тураверди.

Ана шу йўлдаги курашчан шахслардан бири — Москвага, қизил инқилобга ишониб оёғи тойган Файзулла Хўжаев бўлиб, у «инқилоб» деб аталмиш «босиб олиш»нинг дастлабки кунлариданоқ майдонга отилиб чиқди. «Миллий тараққий», «Шўройи Ислон», «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотлари тузилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Бу ташкилотларнинг аъзолари, фаол курашчилари, фидойиларининг номларини шу ўринда санаб ўтиш лозим деб ўйлайман. Улар миллатнинг ҳақиқий қаҳрамонлари эдилар. Ҳар бири НКВД ҳужраларида азобга дучор бўлишган. Истибодот ўти уларнинг ҳаётларини хазон қилди.

Мана улардан айримларининг номлари:

Файзулла Хўжаев — Ўзбекистон Халқ Нозирлари кенгашининг Раиси.
Ота Хўжаев — Шарқий Бухоро деҳқон қўмитаси раиси бўлиб ишлаган.
Мўинжон Аминов — Бухоро Марказий Ижроқўми раиси ўринбосари.
Мўхтор Саиджонов — Марказий Ижроқўм котиби.
Мўса Саиджонов — Озиқ-овқат халқ нозир.
Парда Хўжаев — Давлат назорати қўмитаси бошлиғи.
Наим Еқубов — Ташқи ишлар нозир ўринбосари.
Раҳмат Рафиқов — Давлат Назорати раиси.
Ҳошим Шайхий — Ташқи ишлар нозир ўринбосари.
Йўлдош Қори Пўлатов — Маориф нозир ўринбосари.
Абдуқодир Мўҳиддинов — Марказий Ревком раиси.
Абдувоҳид Бурҳонов — Тайёрлов бошқармаси бошлиғи.
Аҳмадҷон Абдусайдов — Марказий ревком раиси муовини, адлия нозир ўринбосари.
Саттор Хўжаев — Молия нозир ўринбосари.
Усмон Хўжаев — Бухоро МИҚ раиси.
Абдурауф Фитрат — Давлат назорати раиси ўринбосари, маориф нозир, шоир.
Обрўй Қўлмуҳамедов — Ҳарбий нозир ўринбосари.
Рафат Мўҳиддин — Бухоро Фавқулодда Комиссияси раиси муовини.
Мукамил Бурҳонов — Бухоро адлия нозир.
Мирза Иззатулла — иқтисодиёт нозир ўринбосари.
Содиқ Мўхаммадиев — Бухоро диктаторлик комиссияси раиси муовини.
Қосим Қориев — Бухоро шаҳар ҳокими муовини.
Шавкат Сулаймонов — Бухоро Шарқий округ раиси.
Мўҳиддин Маҳсум — Шарқий Бухоро Фавқулодда Комиссияси раиси.
Абдуҳамид Орипов — Ҳарбий нозир.
Абдурашид Мукамилов — Уз ВКП(б) МК котиби.
И. Алимов — Бухоро адлия нозир.
Юсуфзода — Бухоронинг Кобулдаги ва сўнг Москвадаги мўхтор вакили.
Раҳматулла Музаффаров — Бухоро уезд ижроқўми раиси.
Абдураҳим Сатторов — Бухоро савдо нозир.
Муқим Каримов — Фавқулодда Комиссияси раиси, Бухоро Компартияси МК котиби.
Туркистон прокурори муовини.
Равшанқўл Боймуродов — Бухоро ҳарбий нозир.
Останақўл Ибодуллаев — Шеробод ижроқўми раиси.
Сайдулла Омон — Самарқанд ижроқўми раиси.
Эгамберди Мавлонбердиев — Бухоро касаба уюшмаси раиси.
Набиев — Бухоро вилояти касаба уюшмаси раиси.
Пўлат Турсунов — Бухоро округи ижроқўми раиси.
Ҳожибоев — Тошкент озиқ-овқат савдоси ходими.
Йўлдошбоев — Бухоро комсомол МҚ котиби.
Баротов — Бухоро ер-сув бўлими мудир.
Хўжа Урол — «Пахтасоюз» бошқаруви раиси.
Бўри Хўжаев — Бухоро давлат хазиначиси.
Вафо Чўлибоев — Ички ишлар нозир муовини.
Бақожон Чўлибоев — Бухоро округи ижроқўми раиси.
Хўжа Ҳамро — Ф. Хўжаевнинг шахсий ёрдамчиси.

**Восит Қори Муҳаммадиев — Маориф нозирлиги ходими.
Ҳайдар Ҳаётӣ — Ф. Хўжаевнинг шахсий котиби.**

Мукамил Абдурашитов — Ўзбекистон гўшт-музлатиш корхонаси бошлиғи.

...Бу рўйхатни давом эттиравериш мумкин. Битта мақолада жами номларни санаб ўтиш қийин. Бунинг иложи ҳам йўқ. Ҳар ҳолда бу номларни тиклаш, хотирлаш, улар ҳаққига дуо қилиш ҳар бир қишлоқ, маҳалла, шаҳар аҳли учун, бугун мустақилликка эришган Ўзбекистон аҳли учун қарз ҳам фарздир. Улар номлари абадийлаштирилмоғи, хатми-Қуръон бағишловларида қўшилиб айтилмоғи керак...

* * *

1937 йилнинг 17 январь куни Ўзбекистон Ички ишлар нозирини, давлат хавфсизлиги хизмати майори Загвоздиннинг топшириғига кўра, Бухоронинг эски шаҳар қисмида яшаган 46 яшар фуқаро — Муинжон Аминов тўсатдан Тошкентда қамоққа олинади. Уни Бухорода «Миллий иттиҳот» деб номланган аксилинқилобий ташкилот Марказий Қўмитаси раҳбарларидан бири, Совет ҳокимиятини ағдариб, мустақил давлат тузиш ҳаракатига одамларни жалб қилиш билан шугулланган ва қуроли қўзғолон уюштириш учун босмачи тўдалари билан алоқада бўлиб, уларни яроқ ва маблағ билан таъминлаган, деб гумон остида қўлга олган эдилар. Уйда унинг хотини Фотима, фарзандлари Муҳаммад-жон, Холида ва Муниралар зор қақшаб қолавердилар. Улар бошига шу машъум кунда тушган фалокат оилани хазон қилди. Бўёғи — алоҳида бир дoston.

Худди шу куни Бухоро шаҳрида, Ота Пўлат ўғли Хўжаев деган шахс ҳам ана шундай гумонлар билан қамоққа олинди. У 57 ёшда бўлиб, барвақт қариган, сочлари оқарган, ногирон киши эди. Шаҳар марказидаги озиқ-овқат дўконида ишларди.

Орадан икки кун ўтгач, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон кино санъати ходими, бухоролик Мухтор Саиджонов ҳам «ЭНКЭВЭДЭ» домига тортилди. Уйда икки ўғил ва хотини изиллаб қолаверди...

Россия қизил империяси «исковуч»лари озодлик истовчиларни ахтариб изғишда давом этарди.

17 март куни Бухорода юнг тайёрлов идораси ходими, 1897 йилда туғилган Саттор Хўжаев ҳибсга олинади. Бу зиёли одам юрак оғриғига чалинган, касали тез-тез ҳуруж қилиб турарди. Хотини Робия уйда, учта қизи: 16 яшар Муҳаррам, 12 яшар Мунира, 10 яшар Майрамлар «озодлик» олиб келган ҳокимият мактабига қатнашарди...

10 апрелда Самарқанд шаҳрида яна бир бухоролик авахтага олиб кетилади. У 1893 йилда туғилган Муса Саиджонов бўлиб, тарих-археология муассасасида илмий ходим бўлиб ишларди. Чўзиқ юзли, озғин, қотма киши бўлиб, оиласида 44 яшар Ризвон исмли хотини ва 5 нафар фарзанди бор эди. Тўнғич қизи Севара 20 ёшда, катта ўғли Нарзулла 18 ёшда бўлиб, институтга қатнашарди. 13 яшар Ҳабиб, 9 яшар Улуғбек, 3 яшар Салимжонларнинг ота-она бағрида яйраб ўсадиган даври эди. Афсус...

1937 йилнинг 25 майида Тошкент шаҳар уй-жой хўжалиги ходими Наимжон Ёқубзонининг уйини босдилар. Уйда 80 ёшни қоралаб қолган муштипар она, тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишловчи 31 яшар хотини Хадича ва 8 яшар ёлғиз, эркатой Розиялар кўзёшларига фарқ бўлганларича қолавердилар...

Орадан сал ўтмай, Самарқанд шаҳрида яна бир бухоролик — Мукамил махсум Бурҳоновнинг хонадонига тўппонча таққан 10 тача «абжир» кишилар бирварақайига ёпирилиб киради. Уйни тити-питини чиқариб тинтув ўтказишади. Ҳатто 2 яшар қизчаси Ракинаниннг уйинчоқ-қўғирчоқларининг ҳам «қорнини ёриб» кўришади. Мукамилни касал ҳолида авахтага олиб кетишади.

Навбат Бурҳоновлар «уруғи»га келади: Мукамилнинг мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган укаси 40 яшар Мухамар Бурҳонов қамоққа олинади. 59 яшар Масхар Бурҳонов, 32 яшар Мисбах Бурҳонов Тошкент турмасига ташланади. Мисбах Бурҳонов «Тожикистони Сурх» газетасида ишлаган таниқли қаламкаш, журналистлар ва ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эди. У бироз илгарироқ — 1933 йилда миллатчи сифатида суд қилиниб, жазо ўтаётган эди. Уни қамоққа олишда тўлдирилган ҳужжатдаги «яқинлари» деган жойига ўз қўли билан, «Укам — Мутал Бурҳонов, 40 ёшда, студент. Синглим — Фотима, 23 ёшда, уй бекаси», деб ёзиб қўяди. (Бу йигит таниқли бастажор Мутал Бурҳоновнинг акаси бўлганлигини англагандирсиз?) Сўнгра орадан сал ўтмай, ушбу иш бўйича «тўпланган» маҳбуслар қаторидан қуйидагилар «ўрин» олишди:

Ўзбекистон гўшт-музлатиш корхонаси бошлиғи Абдурашид Мукамиллов (ҳомилдор хотини, онаси ва 4 нафар қизи бўлган);

Бухоролик Раҳматулла Музаффаров;

Самарқандлик Ҳамро Хўжаев (13 яшар Фарид, 5 яшар Фазри, 8 ойлик Фават исмли ўғиллари қолган);

Бухоролик Аҳмаджон Абдусаидов, Тошкент шаҳрида яшайди, ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, 60 ёшда (Анвар исмли ўғли ва бир қизи қолган);

Бухоролик Порсо Хўжаев, Тошкентда яшайди, 60 яшар (Ҳалима, Мусатбах, Муҳаббат исмли қизлари, Исо, Зикриё, Роберт исмли ўғиллари қолган).

Бу материаллар, Файзулла Хўжаевга нисбатан юритилган, уни бадном қилиш учун тўпланган хуфиёна ҳужжатлар — «фалон жойда эшитдим, кўрдим» хилидаги миш-мишлар асосида «пуф»лаб қаппайтирилган П 31922 сонли жиноят ишининг биринчи қилдини тўлдирган. Мазкур шахслар — 1921—22 йилларда фаол ҳаракатда бўлган, мақсади ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашдан иборат бухоролик ватанпарварлар ташкилоти — «Иттиҳод ва тараққий»нинг аъзолари бўлиб, улар умр сўнгигача шу дард билан яшаб келган илғор фикрли одамлар эди. Улар аввалига инқилобга, қизилларнинг «мустақил демократик давлат бўласизлар» қабилидаги ваъдаларига ишонишган, улар билан ёнма-ён туриб курашган, сўнг эса Россиянинг ҳақиқий мақсади — Туркистонни қулликда асраб туриш, унинг табиий ва қазилма бойликлари ҳисобидан ўз «камчиликларини бутлаш» эканлигини сезиб қолишиб, хатоларини тузатиш учун жон куйдирган шахслар эди.

* * *

Бухоро «Миллий Иттиҳод» — озодлик учун кураш ташкилоти раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Абдуқодир Мирза Муҳиддинов, Сайдулла Турсунхўжаев ва Ориповлар жуда кенг фикрловчи, сиёсий етуқ одамлар бўлганлигини тан олиш керак. (Москва ва Фрунзе тузоғига тушиб қолган пайтлари бундан мустасно, албатта.) Далил учун, улар муҳокама қилган ишларга эътибор бериш кифоя:

«Бир тан бир жон бўлиб (Ф. Хўжаев билан А. Муҳиддинов тарафдорлари ўртасида келишмовчилик мавжуд эди), асосий йўлни Бухорони мустақил ва озод қилишга бағишлашимиз шарт. Узаро номувофиқ қарашларимизни сўнг бир ёқли қилсак бўлади. Мустақил бўлиш учун эса Бухорони, аввало «қизил»лашиб, Совет Россиясига қоришиб кетишдан сақлаб қолиш лозим. Бухорога Совет Россияси таъсирини камайтириб боришда курашнинг ҳар қандай усул ва шаклидан фойдаланиш керак. Бу ерда асосий бир омилни эсдан чиқариб бўлмайдиким, Бухоро республикаси Совет Россияси билан ҳамма алоқаларини бирданига узиб кетади, деган фикрни жуда эҳтиёт қилиб, пинҳона асраш керак. Чунки иқтисодий ва жуғрофий аҳволимиз шундай аҳволдаки, биз бирорта кучли ва қудратли давлат ёрдамисиз муваффақиятга эришишимиз қийин. Бугун эса биз фақат Россия билангина алоқа қиляёмиз. Демак, Совет Россиясидан бизга фақат советлаштириш сиёсати кириб келаверади ва биз Совет Россияси қамровида қолаверамиз...»

Улар бу фикрни яширин сақлаганлар. Бошқа қудратли давлатлар билан алоқа узилганлиги учун очик ҳаракат қилиш, Совет Россияси олдига масалани дангал қўйиш нақадар хавфли эканлигини тушунишган.

«Миллий Иттиҳод» ташкилоти Марказий Қўмитаси қарорида шундай жумлалар бор: «Совет Россияси назарида шундай йўл тутишимиз лозимки, улар бизни ажралмас бўлиб боғланган ва бошлаган йўлимиздан оғишмай бораверади, деб тушинсин. Айни пайтда бошқа қудратли мамлакатлар билан алоқа боғлашимиз керак. Бунинг учун Бухоронинг қолоқ давлат эканлигини, аҳолиси саводхон эмаслигини, халқда динга фидойилик томир отиб кетганини, ишчилар синфи йўқлиги учун саноат ривожланмай қолаётганини баҳона қилиб, бошқа чет мамлакатлар таъсирини кучайтириш керак. Шунда Совет Россияси ҳам хавфсирамайди.

Босмачилик деб аталаётган ҳаракатдан тўғри фойдаланишимиз керак. Бунинг учун, биринчидан, Совет Россияси, Москва ва унинг вакилларига турли йўллар билан «бизнинг халқимиз советлаштиришни қабул қилмаяпти, халқ бунинг хоҳламаяпти, кўп қон тўкилиши мумкин», деган фикрни сингдириб бориш керак.

Бир вақтнинг ўзида тарқоқ босмачи гуруҳларини йириклаштириш ва сиёсийлаштириш йўлида иш олиб бориш керак. Чунки яхши қуролланган ва курашларда тажриба орттирган бу кучлар орасида ажойиб командирлар ва ботир жангчилар пишиб етилган бўлиб, келажакда улардан миллий армияни жуда тез шакллантириш мумкин. Вақти келиб, Совет Россиясидан ажралиш масаласи кўтарилганда, реал кучга эга бўлинади.»

* * *

Файзулла Хўжаев Намек Камол деган турк шоири қаламига мансуб дoston ва шеърларни ёнида олиб юрган. Улардан бирида ит билан овчи муносабатлари ҳақида мулоҳаза юритилиб, итнинг овчига садоқат билан хизмат қилиши, лекин унга суякдан бошқа «мукофот» тегмаслиги айтилади. Асар охирида «Атрофни қоплаган зим-зимистон тун, лекин тундан кейин келур ёруғ кун», деган жумла бўлган. Файзулла Хўжаевнинг ушбу мисраларни такрор-такрор ўқиб, чуқур ҳаёлга чўмган пайтларини кўрган дўстлари, бир кун келиб Ўзбекистонда ҳам ёруғ кун — Мустақиллик бўлишини орзу қилганлар.

1935 йилнинг кузги оқшомларидан бирида Файзулла Хўжаев хонадонига биринкетин меҳмонлар кириб келишади. Булар — Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, Бухоро ФКсининг раиси, Ички ишлар Нозири

вазифасини бажарган, сўнги пайтларда «Ўзбекбирлашув» маҳкамаси ходими бўлган Муинжон Аминов, ёзувчи Комил Яшин, артистка Ҳалима Носирова, Музаффаров ва бошқалар эди. Сўхбат орасида Файзулла Хўжаев: «Эй худо, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришиб, ўз-ўзини бошқарган, гуллаб-яшнаётган кунини кўришни насиб этгин!» деб хитоб қилади...

Ф. Хўжаев Бухоронинг тўпга тутилиб, бомбалар остида вайрон қилинишида ўзини айбдор деб билар ва хатосидан афсусланади. «Мени ҳеч ким кечирмайди, ўзим ҳам», дерди у; ўз айбини сезиб, имкони борича Бухорони тиклаш, таъмирлаш учун жон куйдирар, ҳар бир илинжли ердан маблағ топиб шу йўлга харжларди.

* * *

Ота Хўжаев сўроғидан парча:

Савол: Ташкилотингиз амалга оширган ишларни гапириб беринг?

Жавоб: Жойларга ишончли вакиллар юбордик. Улар сиз «босмачи» деб атаган ҳаракатлар бошлиқлари билан учрашиб, тегишли йўриқномалар бериб борарди. Шарқий Бухорога менинг акам Усмон Хўжаев — Бухоро Республикаси Марказий Ижроқўмининг раиси — сафарбар қилинган эди. Анвар пошо боргандан сўнг, улар Қизил Россияга қарши курашга босмачи ғуруҳларни бирлаштириб, очиқчасига жанг бошладилар.

Савол: Уларнинг ролини гапириб беринг?

Жавоб: Усмон Хўжаев обрўли шахс сифатида халқни курашга қўзғашди, даъват қилиши керак эди. Анвар пошо эса йирик ҳарбий ходим сифатида кучли армияни шакллантириши лозим эди. Бошқаларнинг ҳам роли бор эди. Масалан, Ҳарбий нозир Орипов Ванғози атрофида босмачиларни ўз ҳомийлигига олди. Ички ишлар нозир Муинжон Аминов Жаббор кўрбоси бошчилигида жанговар отряд тузди...

Савол: Бухоро ҳукумати асосан қайси давлатлардан умид қиларди?

Жавоб: Асосан Туркиядан, унинг мусулмон давлатлари орасидаги обрўсига эътиборан...

Савол: Сиз Туркияда бўлганмисиз?

Жавоб: Ҳа, 1909—13 йилларда Константинополда яшаб, ўқиганман.

Савол: Кимлар бирга борган эди?

Жавоб: Акам Усмон Хўжаев ва шоир Фитрат. Улар ҳам ўқишга борган эдилар.

Савол: Давом этинг.

Жавоб: Мен 1922 йил бошларида Москвага ишга юборилдим, ташкилотимиз ишидан анча узоқда эдим. Сўнграқ қайтдим. 1923 йилда Россия ҳукумати бизга юборилган кўп сонли Армиясини тўлиқ таъминот қилиш ва боқишни бизга юклади...

«Кўп сонли Қизил Армияни таъминлаш ва боқиш — бизга юклади!» Бу талаб амалга оширилганлигига мавжуд ҳужжатлар тўла гувоҳлик беради. Беихтиёр хаёлга толасан киши: сизларга озодлик, мустақиллик, демократия олиб келамиз, деган алдов билан мамлакатни босиб олишди. Тўпга тутиб, бомба ташлаб, шахрингни вайрон қилишди. Неча ўн минглаб фуқаролар хонадонидан, ватанидан жудо қилинди. Хазинадаги бор-будни талашди. Тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар тупроққа айланиб, оёқости бўлди. Аҳолининг мулки таланди. Пахта, қорақўл, олтин, ипак ва бошқа етиштирилган ҳосил текин олиб кетилди бошланди. Турмуши издан чиққан хўжалик ва лойсувоқ, вайрона кулбаларда яшаётган фуқароларга чидаб бўлмас солиқлар солинади. Шу йўл билан тўпланган давлат хазинасининг маблағи билан аввало марказ — Москвани таъминлаш, Қизил Россия ташкил этган маҳкамаларни таъминлаш ва боқиш керак эди. Устига-устак, халқдан ўз боқинчилари, хунхўрлари бўлган бир неча ўн минг кишилик ўрис армиясини боқиш, от-улов ва уй-жой билан таъминлаш талаб қилинади. Халқ пулига унинг жаллодлари сақлаб турилади. Улар нонингни еб, оғанингни, динингни, эътиқодингни ўлдирарди, руҳингни сўндирарди, ғурурли-орли одамларингни териб отишади. Янги-янги ҳибсхоналар очиб, уларни беғуноҳ маҳбуслар билан тўлдирарди. Қўшни мамлакатлар билан минг йиллар мобайнида давом этиб келган муомала-алоқаларингни мўтлоқ узади. Ерингни сим тўр билан ўрайди. Тилингни ва ёзувингни унутишга мажбурлайди. «Яшасин рус оғам-и-из!..», «Москва! Москва!..» деб куйлаттиради. Аксил-истибод йўлини танлаганларни «аксилинқилобчи» тамғаси остида отади, «сибирь» қилади...

* * *

1923 йилда Бухорода «Миллий иттиҳод» Урта Осиё ташкилоти раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Файзулла Хўжаев куйидаги ҳужжатни эълон қилади (парча келтирамиз):

«ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БҮЙИЧА

Бугунги кундаги Совет Россияси билан Бухоро муносабатлари Собиқ Рус империяси билан Бухоро амирлиги муносабатларидан фарқ қилмай қолди. Россия жаҳон революцияси ҳақидаги йўли амалга ошмаслигига амин бўлди, шу сабабли, ички тизимда фақат фойда кўзлаб, ўзгача йўл тутяпти.

Қизил Россия коммунистик партия ва ҳозирги ҳукуматни ҳамда буюк давлатчиликни сақлаб қолиш учун, ташқи бозор ва жаҳондаги юритилаётган сиёсатдан ўзини ҳимоялаш мақсадида теварак-атрофидаги давлатларни йўқ қилиб, ўз қамровига олмақчи. Шулар ҳисобидан бойиб, ўз мавқеини тиклаб олишга уринмоқда.

Бухорони мустақил республика сифатида СССРга киритмасликка уриниш бўляпти. Уни Урта Осиё иқтисодий тизимига қўшиб юбориш йўли билан йўқ қилиб, Англия ва бошқа давлатлар билан халқаро сиёсатда ютмоқчи.

МОЛИЯВИЙ МАСАЛАДА

Россия ҳар хил йўл билан бизнинг пулимиз қийматини пасайтириш ва шу йўл билан ўз пул бирлигини жорий қилиш ниятида.

Почта ва темирйўлларда бизнинг пулимизни қабул қилмай қўйди.

Россия бюджетига бўйсунушига мажбур қилиб, биздаги хўжалик ва қурилиш тараққиётини бўғиб қўймоқда.

Бизнинг 300 минг триллион пулимизга ўзларининг 50 триллион пулини тенглаштириб қўйиб, биздан катта миқдорда товар ва олтин эквиваленти олишни кўзлайдилар.

Бизнинг банкларни йўқ қилиб, ўз банкни очиш орқали бизни Россияга тобе қилиб қўйди. Ўз қоғоз банкнотларига биздан олтин, кумуш билан тўлов талаб қилаяпти. Мана бу телеграммага эътибор беринг: «Агар Бухорога пул керак бўлса, пулимизга олтин билан тўлов ҳақида вакилларимизга мурожаат қилсин. Ана шунда аванс тариқасида қоғоз пулимиздан берамиз.»

ВАЗИФАЛАРИМИЗ

Биздаги мавжуд товарлар ва пул ҳақидаги маълумотлар аниқ берилмаслиги керак. Чиким-харажатлар киримга нисбатан 3 баробарга кўп кўрсатилсин.

Бухоро қоғоз пулини жуда кўп миқдорда чиқариш керак.

Россияда савдо-сотиж ва бошқа йўллар билан, унинг пулини кўплаб келтиришни таъминлаш лозим. Бунинг учун хусусий савдога йўл очиш ва катта маблағ ажратиш керак.

Россия иқтисодий сиёсатини қўллаш ва уни амалга оширишдан қочиш керак.

БОШҚАРУВ ВА СИЁСАТДА

Раҳбарий лавозимларда ўз одамларимиз ишлашига эришиш керак.

ВКП(б)ни, улар руҳида ишлаганимизга ишонтириш керак. Ота Хўжаев, Шазиддин Махсум, Фитрат, Қори Йўлдош, Уста Нур, Юсуфзода, Мухиддин Махсум, Ибод Хўжаевлар бу ишларга бош-қош бўлиши керак.

Рус ваколатхоналарда ўз хуфя кишиларимиз тинмай кузатув олиб бориши лозим.

Мухиддин Махсум, Ағдаров ва Оқчуринларининг ҳар бир қадами кузатиб борилсин.

Энг асосийси — ўзимиздан, ерли халқдан чиққан сотқинлар билан муносабат алоҳида бўлмоғи, улар билан турли йўллар орқали ҳисоб-китоб қилиш керак!..»

* * *

1923 йилнинг бошларида Мукамил Бурҳонов, Файзулла Хўжаевлар Германияда бўлишади. Улар «даволаниш учун борганмиз», дейишган. Аслида ўз дардларига эмас, эл дардига даво излаб борганликлари ҳақиқатга яқинроқдир. Улар жиддий масалалар юзасидан кўп ишларни амалга оширишган.

Файзулла Хўжаев Бухорода Германия элчихонаси очишга кўп уринган. Яқинларининг гувоҳлик беришича Ф. Хўжаев: «Немислар зўр халқ, Германия кучли мамлакат, улар ҳар қандай вақтда ҳам ўз сўзини айта оладилар. Бизда уларнинг элчихонаси очилса ва алоқаларимиз йўлга қўйилса, Россия ўз таъсирини ҳадеб тикиштираверишининг олди олиниши мумкин», деган фикрлар билдирилган.

Москвада таълим олаётган талаба — Мисбах Бурҳонов турк элчихонаси вакиллари билан жуда қалин бўлган. У Ф. Хўжаевнинг Туркия билан ва у ерда яшовчи акаси Усмон Хўжаев билан муттасил алоқа қилиб туришида воситачилик қилган. Шарқ мамлакатлари билан муносабатлар асосан Фитрат, Ҳайдар Ҳаётӣ, Норбўтабеков каби шахслар кучи билан амалга оширилган. Урта Осиё минтақаси аралаштирилиб юборилганидан сўнг, Файзулла Хўжаев ўз фикр доирасини кенгайтиради: «Биз нафақат Бухорони ёки Ўзбекистонни, балки бутун Урта Осиёнинг мустақиллигини таъминлаш ҳақида ўйлашимиз керак!» Яна бир сўзида: «Бухоро ёки Урта Осиё озодлиги билан чегараланиш ҳам калтабинлик деб ўйлайман. Менимча, бутун турк-татарлар яшовчи ерларни бирлашти-

риб, Туркия йўлидаги мустақил давлат тузиш ҳақида ўйлаш керак. Япония билан яқинлашиш хусусида фикр юритиш вақти келди», дейди.

Файзулла Хўжаев доим билимли, саводхон, кенг дунёқарашли, маданиятли бўлиш лозимлигига эътибор берган. Мана, унинг ўз яқинлари даврасида айтган сўзлари: «Сизлар ўқимай қўйдинглар. Ўз устимизда ишламаяпмиз. Маданий даражамиз ва маънавий киефамиз ачинарли ҳолга келиб қолди. Биз ана шу саводсизлигимиз ва маданиятсизлигимиз оқибатида Бухорони, Ватанни бой бериб қўйдик. Шу сабабли ҳам, ўз юртимизда раҳбарлик ишларини қўлга ололмадик, мустақиллик йўлида ақл билан иш юрита билмадик!»

Фитрат: «Акмал Икромов ва унинг атрофида ўралашиб юрганлар руслар билан ароқхўрлик қилиш билан обрў орттириб, миллий руҳини ҳам тоббости қилиб юбордилар», деб луқма ташлайди.

Муин Аминов: «Троцкий Сталиндан ўн баробар ақлли. Қўлида армия, катта ваколати бўлатуриб Сталинни йўқ қилолмай, ўзи хор бўлиб юрибди. Агар менда унинг юздан бир имконияти бўлганида, Икромовга ўхшаган сотқинларни бир ҳамла билан йўқ қилиб ташлардим», дейди.

Бу сўзлар кейинроқ партия ва давлат раҳбарига суиқасд қилиш деб баҳоланади ва уларнинг айблов ишларига тиркәлади.

Жиноий иш ҳужжатлари орасида шундай маълумотлар диққатни тортади: «1925—26-йилларда миллатчилик ва аксилинқилобий руҳда асарлар ёзиб юрган Абдулла Қодирий (Жулқунбой) деган ёзувчи қамоққа олинади. Шунда Фитрат ҳар куни Файзулла Хўжаевнинг қадамига тўғаноқ бўлиб, Қодирийни озод қилиш ҳақида талаб қўя бошлайди. Охири Файзулла Хўжаев ёрдам беришга ваъда қилади ва сал ўтмай Абдулла Қодирий қамоқдан озод қилинади».

Иккинчи ҳужжат: «1932—33-йилларда Фитрат асарларида аксилинқилобий-миллатчилик руҳи борлиги «фош бўлиб», унинг устидан иш очилади. Бундан хабардор бўлган Файзулла Хўжаев ҳукумат комиссияси тузиб, ўзи шу иш билан шуғулланади. Фитрат асарлари ғоявий тоза, ҳеч қандай миллатчилик ва аксилинқилобий руҳ йўқ, деган хулоса билан ишни ёпдириб юборади».

Учинчи ҳужжат: «Миллий иттиҳод» ташкилотининг фонди — ҳар бир аъзодан ойига 60 сўмдан тушадиган бадалдан, Файзулла Хўжаевнинг катта пул маблағидан, кўпчилик аъзоларнинг уларини сотиб келтирган хайриясидан, Фитратнинг ўз кутубхонасини сотиб йиққан 20 минг сўм пули ва шу кабилардан жамғарилган».

Тўртинчи ҳужжат: «Файзулла Хўжаев хорихда яшовчи Мустафо Чўқаевни моддий жиҳатдан таъминлаш учун турли йўллар билан унинг номига тилла, пул юбориб турган».

1921 йилда Файзулла Хўжаевнинг топшириғи билан Шарқий Бухоро—Душанбега босмачилик ҳаракатини ўрганиш ва «чора» кўриш учун Ота Хўжаев, Содиқ Муҳаммадиев ва Наимжон Ёқубзодалардан иборат комиссия юборилади. Юқоридаги шахслар у ердаги Қизил Армия қўсмлари қўмондонлиги билан «келишиб», Кўлоб вилоятининг Балжувон туманида ҳаракат қилаётган босмачи гуруҳларининг қўрбошилари Давлатмандбий, Комилбой ва Қаюм Тўқсаболар билан учрашади.

Олдиндан келишилган тавсияларга кўра, у ерда тубандагича битим тузилади (парча келтирамиз):

«БИТИМ — КЕЛИШУВ

Оллоҳ ва Ислом динига чексиз ҳурмат билдириб, Бухоро аҳли-фуқаросининг тинчлиги ва осойишталиги йўлида тубандаги шартлар асосида келишиб олдик:

Биз — Шарқий Бухоро халқи розилиги билан Мустақил Бухоро Республикасини тан оламиз ва унинг қонунарига оғишмай амал қиламиз;

Муқаддас Бухорони босиб олган Россия қўшинлари, дарҳол олиб чиқиб кетилиши керак. Давлатда тартиб ўрнатиш — Мустақил Бухоро ҳукумати қўлида, ўз армияси кучидан фойдаланган ҳолда бўлиши керак;

Бирорта ҳам ҳорихий мамлакат муқаддас Бухоронинг ички ишларига аралашмасин; ҳамма бўғинлардаги раҳбар ходимлар фақат аҳли Бухоро орасидан танланиши керак. Улар бизнинг дин, урф-одат ва анъаналаримизни билиши, ҳурмат қилиши шарт;

Тўнтаришдан сўнг Россия армиясининг махсус отрядлари халқни қириб, мулкларини талади, Шарқий Бухорони шип-шийдон қилиб кетди. Бу талаб кетилган мулк ва бойлик Россия ҳукумати томонидан Бухорога қайтарилсин;

Ушбу шартларга риюя этилса, биз ўз ислом армияларимизни тарқатиб юборамиз ёки ҳукумат ихтиёрига ўтамиз. Лозим бўлса, муқаддас Бухоро давлати вакилларига қуролларимизни топширамиз. Бухоро душманлари — бизнинг душманимиз, дўстлари — дўстимиз бўлиб қолажак;

Агар бизга ўз ҳукмини ўтказиш сиёсатини тўхтатса — Россия давлатини ҳурмат қиламиз;

Ички ишларимизга аралашшига уринаётган инглизларни миллатимиз, давлатимиз ва динимиз душмани деб биламиз;

Халқимизга тазийқ ўтказган, миллатимиз олдида жиноят қилган (12 кишининг исми ёзилган рўйхат бор)лар жазога тортилиши керак;

Булар амалга оширилмаса, ҳамма уринишлар бекор кетади ва кураш давом этаверади.

Бухоро вакили: Ота Хўжаев; — Давлатмандбий Камолiddин ўғли».

Бу ҳужжат юзасидан Моквада бўлган муҳокамада СССР Ташқи ишлар ноziри Чичерин Файзулла Хўжаев ва ўзбекистонликларни қаттиқ сўқади...

* * *

Муинжон Аминов сўроғидан парча:

Савол: Сиз «Иттиҳод ва Тараққий» ташкилотида нима вазифани бажаргансиз?

Жавоб: Мен Файзулла Хўжаевнинг шахсий топшириқларини бажарардим, жумладан, унинг Афғонистонга қочган амакиси Усмон Хўжаев билан алоқани амалга ошириш менга юкланган эди.

Савол: Сиз Бухорода раҳбар ходимлардан бири бўлгансиз, ташкилотнинг фаолияти ва таркибини айтиб беринг.

Жавоб: Ҳа, мен Файзулла Хўжаевга яқин турган раҳбарлардан эдим. Ички ишлар ноziри, ҳукумат аъзоси бўлганман. «Иттиҳод ва Тараққий» ташкилоти Тошкентдаги Мунаввар Қори Абдурашитов бошлиқ «Миллий Иттиҳод» ташкилоти билан алоқа қиларди. Биз Бухорога келган Анвар пошо — Туркиянинг собиқ ҳарбий ноziри — билан алоқа ўрнатдик, Анвар пошо Бухорода Файзулла Хўжаев, Абдуқодир Муҳиддинов, Мунаввар Қори, Ҳошим Шайх, Ота Хўжаев ва 20—30 киши билан учрашган эди. Шу учрашувда Анвар йиғилганларга ўзаро аҳил бўлишни, миллат озодлиги учун бирдамликда кураш юритишни, давлат органларида қандай йўл тутиш ҳақида маслаҳат берди.

Савол: Файзулла Хўжаевнинг амакиси Усмон билан қандай алоқалар бўлган?

Жавоб: Файзулла Хўжаевнинг қариндоши Ота Хўжаевнинг гапига қараганда, улар Усмон Хўжаев билан яширин ёзишмалар олиб боришган. Анвар пошо ҳам бизнинг тавсиямиз билан Душанбега — Усмон Хўжаев олдига юборилган эди. Усмон Хўжаев 1922 йилда Афғонистонда туриб Файзуллага, Бухорога қайтсам бўладими, деган мазмунда хат юборган эди. Файзулла йўқ, деб жавоб юборди. «Иложи бўлса бошқа давлат ҳудудига ўтиб кетинг. Қайтсангиз тутиб олиб ташлашадим», деб ёзади у. Оқибатда Усмон Хўжаев Туркияга ўтиб кетади. Кейинги алоқаларни Файзулла Хўжаев Москвадаги Турк элчихонаси орқали амалга оширади. Бу алоқалар Ота Хўжаев, Ибод Хўжаев, Ҳамро Хўжаев ва Мисбах Бурҳоновлар орқали бўлар эди.

Савол: Икромовга алоқадор нималарни биласиз?

Жавоб: Файзулла Хўжаев уни, собиқ Бухоро республикаси кадрларини йўқотиш учун иш олиб борапти, деб айтган эди. Жумладан Файзуллани ҳам йўқотиш учун иш олиб бораётган экан. Умуман, Акмал Икромов 1923 йилда Бухородан Марказга ишга ўтказилган ва раҳбар вазифаларида ишловчи бухороликларни қувғинга олганлиги ҳақида фактлар етарли эди. Буни Файзулла ҳам, биз ҳам билардик. Ф. Хўжаев «Икромов укам Ибод Хўжаевни партиядан ва ишдан ҳайдаб, ўз-ўзини ўлдиришига сабаб бўлди» деган эди. Бунга унинг хотини Фотима ҳам гувоҳ...

Савол: Фитрат ҳақида нималарни биласиз?

Жавоб: Фитрат таниқли шахс... Унинг «Мана сизга мамлакат» деган поэмасида, гуллаб-яшнаётган мамлакатга душман — Англия хавф солаётгани куйланган. Аслида Россиянинг Ўзбекистонга муносабати ёритилган эди. Бу поэмани Файзулла Хўжаевнинг топшириғи билан таниқли артист Қори Ёқубов куйларди...

Савол: «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг катта маблағи ва олтин жамғармаси бўлган. Улар қаерда?

Жавоб: Билишимча, олтинлар Мукамил Бурҳоновда сақланарди. Кейинроқ Ота Хўжаевга ўтказилди. Улар кимга тегишли бўлганлиги ва ҳозир қаерда эканлигини билмайман...

Савол: Бухородан чет элга ўқишга юборилганлар хусусида нималарни биласиз?

Жавоб: 1920 йил охирида Германияга бухоролик бир гуруҳ ёшлар таълим олиш, касб ўрганиш учун юборилган эди. 1922 йилда Куйбишев мен ва Файзулла Хўжаевдан уларни қайтаришни, Москвада ўқитишни талаб қилди. Хўжаев қатъий рад жавобини берди. Сўнг Умар Фахриев деган кишини хат билан Германияга жўнатди ва у ерда таълим олаётган бухоролик талабаларга «Совет ерига қайтмай туринг» деб топшириқ берди.

Савол: Мустафо Сейфул-Мулюков ким?

Жавоб: У Бухоронинг Тифлилдаги савдо вакили бўлиб ишларди. Унинг турклар билан алоқасидан хабарим йўқ. (Муаллифдан: таниқли журналист Фарид Сейфул-Мулюков аждодларидан эмасмикан?)

Савол: Усмонхон Эшон Хўжаев ҳақида нималарни биласиз?

Жавоб: У Самарқандда 1925 йилда миллатчи-троцкийчи гуруҳ раҳбари сифатида

гумонга олиниб, Москвага чақиртирилган эди. Уни Файзулла Хўжаев жуда ҳурмат қиларди, ақлли одам, дерди. У билан, менимча шоир Фитрат яқин алоқада эди...

* * *

Файзулла Хўжаев 1935 йиллардан бошлаб ўзи устидан Россия, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар комиссарлиги хуфия хизмати иш олиб бораётганини сезган ва одамларни асраб қолиш учун кўп уринган. Буларга далил қилиб айрим фактларни келтириш мумкин.

Муинжон Аминов шундай кўргазма беради: «1935 йилда Файзулла Хўжаев менга С. А. Қ. деган шахдан огоҳ бўлиш керак, у НКВД агенти... деб айтди. Сўнг бир йиғинда ўртоқларига, вақтинча Тошкентдан узоқроқ жойга кетинглар. Атрофимда тушуниб бўлмайдиган ишлар бўляпти, деди».

Шоир Фитрат: «1936 йил октябрида мен Файзулла Хўжаевнинг уйига келганимда, у менга: «Келганингдан хурсандман, лекин огоҳ бўл, мен билан учрашган ҳар бир одам рўйхатга олиниб, қадами кузатиляпти», деб ёзиб қолдирган. Бу каби далиллар ишда анча-мунча бор.

1935 йил баҳор кунларидан бирида Файзулла Хўжаев хонадонидан унинг онаси, Ота Хўжаев, Саттор Хўжаев, Раҳматулла Музаффаров, Муинжон Аминовлар чой ичиб ўтиришарди. Шунда хаёлга чўмиб ўтирган Файзулла онасига қараб: «Онажон, Сиз мени бахтсиз қилиб дунёга келтирган экансиз. Мен ватаним, миллатим, халқим учун жонимни жабборга бериб ишляпман. Лекин... мен Россия буйруғини қул мисоли бажаришдан бошқа ҳеч нарса қилаолмаяпман!» дейди. Сўнг узоқ вақт ўқиб-ўқиб йиғлайди.

Ота Пўлатович Хўжаев — Файзулла Хўжаевнинг амакиси Усмон Хўжаевнинг укаси. Бухорода амир ва унинг маслақдошлари юритаётган сиёсатдан қаттиқ норози бўлганлардан бири эди. У Бухоро ва унинг халқи, миллат учун жонкуярлардан бўлган. 1915 йилда Бухоро амири томонидан 45 кун зиндонда сақланган. 1917 йилда Бухоро амири иккинчи бор уни қамоққа олди. Шу сабабдан ҳам амирликка қарши «қизил»лар тарафида туриб қаттиқ кураш олиб боради. Амирлик ўрнида адолатга таянган демократик ва мустақил давлат тузиш ҳақидаги Россия алдовларига лаққа тушганлардан. Инқилобдан сўнг хатоларини англаб, қаттиқ қайғуради, «шамолдан кутулиб, довулга дуч келган»ини тушуниб этади. Чора ахтаради. Аввалига Тошкентда ташкил этилган эсер (социал революционер)лар партиясига ўзини уради. Бу ерда ҳам руслар, асосан, Россия учун жон куйдираётганини сезиб, у ердан чиқади. Умри сўнгигача Файзулла Хўжаев ёнида, мустақиллик ва озодлик учун курашда иштирок этади. У «Шўройи Ислом», «Иттиҳод ва Тараққий», «Миллий Иттиҳод» ташкилотларига аъзо, фаол раҳбарлардан бири эди.

НКВД қамоқхонасида терговчи саволларига берган жавоблари:

Савол: Аксилнқилобий ташкилотлар тузиб курашишдан мақсадингиз нима эди?

Жавоб: Биринчидан, Совет қизилларининг таъсирини Бухорога ўтказмаслик; собиқ Бухоро давлати ўрнида Россиядан мустақил давлат тузиш учун кураш; Россиянинг давлатимиз ички ишларига араллишиши ва бойликларни ташиб кетишига барҳам бериш; ўз армиямизни тузиш орқали Бухоро мустақиллигини қўриқлаш; бу ишларни амалга ошириш учун яширин ташкилот ва унинг аъзоларини жамлаш; Афғонистон, Эрон, Туркия билан мустақам алоқалар ўрнатиш; Босмачи деб аталувчи гуруҳларни сиёсийлаштириш, уларнинг бошини бириктириб, мустақиллик учун курашга ёппасига йўналтириш каби мақсадлар бор эди.»

Анвар пошо 1921 йил ёзида бир ҳафтача Бухорода бўлган. Файзулла Хўжаев ва Абдуқодир Муҳиддиновларга хатоларини тушунтириб берган. Босмачилик ҳаракатини сиёсийлаштириш ғояси Анвар пошадан чиққан. У деярли ҳамма нозирлик ва давлат идораларини кезиб чиқади. Раҳбарий ходимлар билан суҳбат қуради. Кураш услуби хусусида маслаҳатлар беради. Раҳмат Рафиқ деган кишининг уйида меҳмон бўлади. Сўнг Шарқий Бухоро (ҳозирги Сурхондарё ва Тожикистон) тарафларга йўл олади...

* * *

Файзулла Хўжаев ўзи ишлаб чиққан дастурда тубандагилар назарда тутилган: «Бухоро мустақиллиги учун курашни ташкил қилиш ва озод давлатнинг ташкилий тизимида, қонунларга қўра, бирор бир шахсни миллатига, динига, ирқига ажратмаслик; Ҳар бир фуқаро эркин, ўзига ёққан касб ва фаолият билан бемалол шуғулланиши; Мулк дахлсизлиги таъминланиши;

Бухоро давлати ўз миллий армиясига эга бўлиши ва у давлат мустақиллигини таъминлашга хизмат қилиши;

Ўз давлат бюджетини ва хазинасини, пул бирлигини бўлиши;

Ер ва сув мутлақ унга ишлов берувчиларга тегишли бўлиши, деҳқон ернинг ҳақиқий эгаси эканлиги;

Амир ва унинг амалдорларидан ташқари ҳамма фуқаро ўз ерига эга бўлиши;

Диний мактаблар ва диндор-руҳонийларнинг мутлақ мустақил ва эркин фаолияти таъминланиши».

Эътибор қилинг, бугунги танлаган йўлимиз ва дастуримиздан нимаси билан фарқ қилади?

Файзулла Хўжаев Совет давлатининг қулоқ қилиш сиёсатини ва ер-сув ислоҳотини амалга ошириш дастурини қаттиқ танқид қилган ва бу ишларга доим норозилик билдириб келган. (Қаранг, тарих ҳам бу сиёсатларнинг хато эканлигини тасдиқлади!)

* * *

Мукамил Абдуқодировни гўшт корхонаси ходимлари «сотади». Иосиф Матковский деган ўринбосари ҳатто энг қабих хабарларни ҳам ёзиб беради: «Абдуқодиров учига чиққан миллатчи экан. У қассобхонада моллар сўйиладиган жойни кўриб, бу ерда чўчка билан қўй-сигир бир ерда сўйилишини билгач, бизларни сўқди. Бундан кейин чўчка сўйсанглар изидан яхшилаб тозаланглар, дезинфекция қилинглар, сўнг бошқа молларни сўйса бўлади ёки алоҳида-алоҳида сўйинглар, деди. У бундай миллатчилиги билан ходимлар орасида норозилик туғдирмоқда...»

Георгий Нюссер деган киши: «Унинг чўчкага муносабатини Россияга қарши сиёсат деб биламан», деб ёзиб беради.

* * *

Мукамиловни партия сафидан чиқариш ва ишдан бўшатишда Усмон Юсупов шахсан иштирок этади ва уни айбли деб топади. «Сенинг ҳаракатларинг — миллатчилик, сен сотқин ва миллатчи Ибод Хўжаев (Ф. Хўжаевнинг укаси)га хайрихоҳсан», деб айблаёди.

Мукамилов билан бирга ўсган керкилик дўстлари: «қизиқ, конституцияда сўз эркинлигига йўл қўйилади деб ёзишибди-ю, лекин амалда «ғиқ» этсанг қамашади деди», деб, уни Совет Конституциясини ҳақорат қилганликда, сиёсатга қарши иш юритганликда айблаб ёзиб беришади.

Ҳарҳолда, мени яратганнинг ўзи кечирсин, дейман. Ахир «гумон имондан айиради» деган гап бор!

* * *

1920 йил ёзида Ота Хўжаев Қарши шаҳар Инқилобий Қўмитаси (ревком) раиси вазифасига ишга юборилади. Кунларнинг бирида уни Оғалиқ исмли кишининг уйига шошилиш чакорида қолишади: Бухоро Компартияси Марказқўмитининг котиби Сайдулла Турсунхўжаев келган экан. У ерда Отахонов деган киши ҳам бўлади. Ота Хўжаевни улар аввал таҳорат олишга ундашади. Тозаланиб ўтиргандан сўнг, озодлик ва мустақиллик йўлида кураш олиб борувчи ташкилот тузилгани ҳақида хабар қилишади ва унга киришга розилигини сўрашади. Ота Хўжаев ҳеч иккиланмасдан рози бўлади. Шунда унинг олдида Қуръон ва маузер қўйишиб қасам ичиришади. У: «Мен ушбу ташкилотга кирар эканман, унга содиқ хизмат қиламан, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайман ва сотмайман. Акс ҳолда Қуръон урсин, маузер ўқидан ўлим топай», дейди...

Ота Хўжаевнинг «Миллий Иттиҳод» ташкилотига кириши тафсилотини келтиришимдан мақсад — бу ташкилотга жалб қилинган ҳар бир шахс учун шундай ёки шунга ўхшаш қатъий тартиб ўрнатилганлигини англатишдир.

* * *

Жинойи ишда бухоролик таниқли мударрис Бурҳон Алимов оиласида туғилиб ўсган ака-укаларга тегишли маълумотлар алоҳида эътиборга молик.

Мукамил Бурҳонов, Файзулла Хўжаевга яқин, ҳаммаслак бўлган. «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг хазиначиси вазифасига Ф. Хўжаевнинг тавсияси билан тайинланган. Олтин жамғармалари, асосан, унда сақланган. Маориф Нозири бўлган Фитрат каби илғор фикрли кишилар даврасидан. Олмонияда яшовчи Олимжон Идрисий, миллионер Амин Сулаймон, бухоролик яҳудий савдогари Эдельман деган шахслар билан мустақиллик учун кураш йўлида алоқа қилиб турган.

У — бухоролик 40 нафар ёшни Олмонияга ўқишга юборишни ташкил қилганлардан. Уларга фунт стерлинг (инглиз пули) юбориб турган. Унда Файзулла Хўжаев томонидан тақдим қилинган, чет элларда дахлсизликдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи хужжат бўлган. 1937 йил 25 октябрда машъум «учлик» қарори билан отиб ўлдирилади.

Мухамар Бурҳонов. Туркиянинг Константинополь, Истамбул, Бурса, Кастамуна шаҳарларида яшаган ва таълим олган. Мукамилнинг укаси. 1921 йилда Бухорода милиция Бош бошқармаси раҳбари, ҳукумат бошлиғи котиби бўлган. Чоржўй, Шаҳрисабз

вилояти милициясини бошқарган. 1924—25-йилларда Туркияда истиқомат қилаётган оиласидан хабар олиш учун бир неча марта у ерга бориб, миллий озодлик ҳаракати фидойилари Усмон Хўжаев ва Носир Ҳақимовлар билан учрашган. 1937 йил 25 октябрда акаси ёнида «учлик» ўқидан жон беради.

Масхар Бурҳонов. Туркияда таълим олган зиёлилардан. Файзулла Хўжаев билан 1910 йилдан буён таниш, инқилобдан сўнг яқин алоқада бўлган. 1922 йилда Бухоро Маорифи Нозири ўринбосари бўлиб ишлаган. 1932—1933-йилларда Сталинобод (Душанбе)да, 1933—1936 йилларда Тошкентда яшаган ва ишлаган. Сўнг Самарқанд шаҳрига кўчиб кетиб, ўқитувчилик қилган, нафақачи бўлган. Бухоро маорифчилари тузган «Нашри маориф» ташкилоти таркибида фаолият кўрсатган. 1937 йил 25 октябрда укалари ва жияни билан елкама-елка туриб, шаҳид бўлади.

Мисбах Бурҳонов. Тақдир бу иқтидорли йигитни ҳам аччиқ савалади. У 14 ёшда Бухоро амири томонидан отаси Музаил билан бирга зиндонга ташланади. Инқилоб пайтида орзу-умидли, ўқишга чанқоқ ёш ўспирин эди. Аввал ўрта мактабда, сўнг 1928 йилгача Москвада таълим олган. Бухоро республикаси раҳбарлари билан доимо бирга бўлган. Журналист, ёзувчи эди. Инқилобни тўғри тушунади, лекин юритилаётган сиёсат билан келишолмайди. Миллий озодлик учун жонкуярлик қила бошлайди. 1933 йилда Тожикистонда қамоққа олинади. Шу билан ёруғлик кўрмай, 1937 йил 25 октябрда амакиваччалари ёнида ўлимга рўбарў бўлди...

Унинг ҳужжат-қоғозлари орасида, бир варақда форс мутафаккири Бузургмехрининг қуйидаги сўзлари кўчириб ёзиб қўйилган экан:

Ҳаммаси — тақдирдан, тақдир ўйинидан ҳеч ким, ҳеч қачон қочиб қутула олмаган. Бу изтиробларни сабр-бардош билан енгишдан ўзга чора — йўл йўқ.

Шукур қил, ахир бундан ҳам баттар аҳволга тушишинг мумкин эди-ку!

Балким озодлик дақиқалари яқинлашиб келаётгандир-у, сен бундан беҳабар ўтиргандирсан?..

Қамоқхона туйнугига термулиб туриб, бу сўзларни неча бор шивирлаган экан унинг лаблари...

* * *

Мен ҳеч қандай янги гап айтаётганим йўқ. Булар илмий изланишлар ҳам эмас. 20—30-йилларда жамиятимиз ҳаёти ва одамлари хатти-ҳаракатига сиёсий баҳо бериш фикридан ҳам йироқман. Мен фақат сир сақлаб келинган айрим тарихий маълумотлар билан мавжудларини тўлдирмоқчи эдим.

Масалан, бухоролик тарихчи олим Ражаб Қиличев «Бизлар босмачилар эмасмиз...» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992 йил 21 февраль) Бухоро амиригининг ағдарилиши, Қизил қўшинларнинг киритилиши ва Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бу ҳудуддаги сиёсий аҳвол, озодлик ва мустақиллик учун ҳаракатларга бирмунча яқин ёндашади. Қизил Россиянинг маккорона ҳаракатларини фош қилади. «Босмачилик» деб номланган халқ ҳаракатига ўзининг тўғри муносабатини билдиради, далиллар билан исботлайди.

Бухоронинг «озод қилиниши» тафсилотларини Р. Қиличев тубандагича яқунлайди: «1) Бухоро амириги ҳукмронлиги ўрнини эгаллаган БХШЖ ўзининг мустақил давлат сифатида шаклланишини тугатди. Чунки Москва учун жуда катта табиий бойликларга эга бўлган ўлкани қўлдан чиқариш фойдали эмас эди. Шунинг учун ҳам улар бу ўлкага марказдан кўплаб ҳарбий кучларни ташладилар, қуроолларнинг барча турларидан ваҳшийларча фойдаландилар. 2) Ватаннинг асл фарзандлари қирғин қилинди, қишлоқлар, шаҳарлар вайрон қилинди. Аҳолининг тўқсон фоизи деҳқонлар бўлган ўлкада деҳқончилик ва сув ҳўжалигига катта зарар келтирилди. 3) Бухоронинг ўн минглаб аҳолиси ўз она юртини ташлаб бошқа мамлакатлар (Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия, Покистон, Саудия Арабистони)га бош олиб кетишга мажбур бўлди. 4) Бухоронинг миллий бойликлари таланиб, марказга олиб кетилди, амир хазинасида бўлган ўттиз беш миллион сўмлик олтин ва кумуш қўймалар халқдан яширинча ўғирлаб кетилди. Ер ости ва усти бойликларини талаш системаси ишлаб чиқилиб, бу система Шўро Империясининг емирилишига қадар бетўхтов ва хатосиз ишлаб турди».

Бу фикрлар билан юз фоиз фоиз келиши тўғри бўлади. Лекин муаллифнинг «ота-боболаримиз олиб борган миллий мустақиллик ва озодлик ҳаракатига қарши кураш охир-оқибатда мана шулар билан тугади», деб хулоса қилиши салгина ноўринроқ туюлди назаримда. Менимча, юқоридаги фактлар — алдов, фириб, риёкорлик билан озодлик, инқилоб шиори остида жаҳон жамоатчилигининг кўзини шамғалат қилиб, ғаразгўйлик билан Бухорони босиб олишининг натижалари эди.

Бу эса «ота-боболаримиз олиб борган озодлик ҳаракати ва уларга қарши кураш... тугади», дейишга асос бўлмайди. Бу кураш ҳеч қачон тугаган эмас. У бир кун ҳам сўнган эмас. Кураш ҳозир ҳам давом этмоқда. Сотқин, ғоясиз, ватан ва миллатини унутганлар бундан истисно, албатта. Чунки «беайб — парвардигор», «шоли курмаксий

бўлмайди» деганларидек, орамиздан хиёнаткорлар чиқиб турган. Мустақиллик учун курашчилар ҳам, уларга қарши курашувчилар ҳам ҳамisha бор эдилар. Яқингинада республикамизда «азиз меҳмон» бўлганлар, Гдлян — Иванов гуруҳлари ва уларга қўшилиб халқимизни «тепкилаган» ўз қўйнимиздаги газандалар бунга далил эмасми? Фарғона, Ўш, Паркент ва бошқа жойларда оға-инилар орасига нифоқ тушуриб, одамларимиз қонига завол бўлган Қизил Москва «аскар»ларининг фитналари ва уларга қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари — ўша курашларнинг давоми эмасми? Марказ матбуотининг қатор хуружлари-чи?

Ёки, мисол тариқасида, куни-кечаги чиқишлардан фақат биттасига тўхталиб ўтишнинг ўзи кифоя: тошкентлик юридик фанлари доктори Б. Меренскийнинг «Инсон ҳуқуқларининг «ҳимоячилари» нима учун жонбозлик қилмоқдалар?» мақоласи республикамиздаги «Халқ ва демократия» ойномасининг 1992 йил февраль сонисида босилиб чиқди. Бу «асар» билан танишар эканман, миямга биринчи келган фикр шу бўлди: «Борис Меренский ўзининг қайси давр ва қайси сиёсат олими эканлигини яққол баён этибди!» Чунки жаноб Меренскийнинг Ўзбекистон мустақиллигини ҳазм қилолмай жуда қийналганлиги кўриниб турарди.

У миллатлараро муносабат мавзусига қўл уриб, унинг турғунлик давридан мерос бўлиб ўтган муаммо эканлигини ва етарлича маълумлигини, бу муаммони ҳадеб таҳлил қилавериш катта хато эканлигини ёзади. Бу билан муаллиф, ўзини иссиқ бағрига олиб, фанлар доктори даражасига етказган ўлканинг тарихидан, тарихий жараёнларидан мутлақо йироқ эканлигини намойиш қилади. Акс ҳолда у, Урта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда минг йиллар давомида ўзбек, тожик, эроний, турк, қозоқ, мўғул, араб, уйғур, қирғиз, афғон, ҳинд, яҳудий ва бошқа элу элатлар яшаб келганидан, улар орасида ҳеч қачон миллий ихтилофлар келиб чиқмаганлигидан огоҳ бўларди. Ўзбек халқи империя босқини, қизиллар ҳукмронлиги даврларида ҳам, ҳозир ҳам ҳеч кимни миллатига ажратиб оломон — тошбурон қилган эмас. Аксинча, ўзи эмаса ҳам — меҳмонга едирган, киймаса ҳам — кийдирган, сиқилишиб жой берган. Фақат бир нарсани — ўз ери, тупроғи, халқи, руҳи устидан ўзгалар ҳукмрон бўлишини хоҳламаган, ўзгаларнинг «Онангдан тонасан» қабилдаги сиёсатини ҳазм қилолмаган, қоришиб ўзлигини йўқо-тишдан қўрққан.

Б. Меренский айтмоқчи бўлган «миллатлараро муносабатлар муаммоси»ни эса зулукка айланган империя вакиллари, ўзгалар ҳисобидан тараллабедод яшашга ўрганиб қолганлар ва улар чалган ноғорага йўрғалашдан баҳра оладиганлар ўйлаб топмоқдалар. Фарғона, Ўш, Паркент, шунингдек, Болтиқбўйи ва Кавказорти ҳудудларидаги миллатлараро жанжалларнинг махсус ишланган «саҳна асари» эканлиги аллақачон жамоатчиликка маълум бўлди. Буни жуда нари борса, содда, гўл одамгина билмаслиги мумкин, лекин, юридик фанлари доктори бундан беҳабар бўлса... «Э. Юсупов ва Г. Ҳидоятовлар русийзабон аҳолини туб ерли аҳолига тўлиқ бўйсундиришни ёқладилар, ташаббуслар ўз таркибига кўра бир хил бўлмаган миллий уюшмалар қўлига ўта бошладилар, улар жойлардаги давлат органларига тазйиқ ўтказиш билан шуғулландилар», деган тўхматнамо фикрлар билдириши — Меренскийнинг ҳуқуқшунос олим эмас, балким ифвогар эканлигидан гувоҳлик беради.

Б. Меренский Олмаота декларациясини имзолаган давлатларда «миллатнинг ҳам, диннинг ҳам аҳамияти бўлмайди», деган фикрни олға сурибди. Епирай, наҳотки мустақил давлатлар бош қўшган анжуманда ёки унинг якуний ҳужжатида миллат ва диннинг аҳамияти муҳокама қилинган бўлса? Ахир миллатнинг аҳамиятини ҳар миллат, диннинг аҳамиятини унга эътиқод қилувчилар мутлақ ўзгача ва ўз ўрнида баҳолашади-ку!

«Олим»нинг давлат тили хусусидаги алаҳсирашлари, рус тилини умумдавлат тили сифатида қабул қилишнинг афзаллиги ҳақидаги лўттибозлиги, русийзабон ходимлар Ўзбекистонни бошқаришдан сиқиб чиқарилаётганлигини ва оқибатда улар кўчиб кетаётганликлари ҳақидаги фикрлари ҳам ҳали мустақиллигимизга қарши кучлар мавжудлигига яққол далилдир.

Туркий халқлар яшайдиган республикаларнинг яқинлашишга, ҳамжиҳатликка томон ҳаракатлари, ислом партиясини чигаллаштиришга уринишлардан у жуда қўрқиб кетган кўринади.

Давлатимиз тинчлиги ва осойишталиги учун Президентимиздан тортиб ҳар бир ақли-ҳуши жойида аҳли фуқаро жон куйидараётган бир пайтда, Меренскийнинг нуқтаи назарини оммалаштиришдан наشرнинг мақсади нима экан?

Меренский ўзича, бир жафокаш ўзбек фарзанди — Боймирза Ҳайит шахсига баҳо беришга уринади. Ҳатто Ўзбекистонни «унинг собиқ ватани» деб атайти. Боймирза Ҳайит бутун умрини фашистлар Германияси равнақи йўлига эмас, ўзбек юрти — Туркистон элининг озодлиги, мустақиллигига бағишлади. Унга Гитлер эмас, Ўзбекистонни тутиб турган куллик занжирларининг парчаланиши керак эди. Қолаверса, у фашизм сиёсатини қўллаган эмас, қўлини қонга ботириб, фашистларга қўшилиб яҳудийларни отган ҳам эмас!

Меренский ўз мақоласида яна шундай дебди: «Жиноят кодексининг 64-моддаси республикамизда қарийб ўттиз йил давомида қўлланилмаган. Кўплар ҳозир ҳам туб

ерли аҳолига бевосита ёки билвосита имтиёзлар бериш бобида миллий сиёсатни рўёбга чиқаришни, жиноят таркиби сифатида кўзда тутилган шундай хатти-ҳаракатлардан фарқлай олмай бошлари гаранг». Кўряписизми, ҳуқуқ доктори яна ерли халқнинг қатағон қилинишини истаб қолибди!

Наҳотки халқ ўз тарихий ватанини ўзи бошқариб, ўз тилида сўзлашишни мақсад қилгани — жиноят бўлса, жаноб Меренский? Еки элнинг, миллатнинг ўзлигини англагани, ўз ерига, бойлигига эгалиги, она тилини тиклаши — имтиёз деб тушунилса? Бу — унинг ҳаққи-ку, ахир!

Хуллас, муаллиф собиқ КПСС ва КГБнинг империяни сақлаб қолиш йўлида миллатлар ўртасига кутқу солиш услубини танлайди, ҳатто машҳур Жириновский, шовинизм илинжида юрган собиқ «марказ»чилар, марказий матбуот органларининг «муқбил тошотар»лари даражасига чиқади.

Меренскийга ўхшаганлардан, республикамизнинг мустақиллиги, равнақи, миллатларнинг тинч-тотув яшаши учун фойда йўқ. Ҳеч бўлмаса зарари тегмай турса маъқул бўлармиди?

Хуллас, ҳали кураш тўхтаган эмас...

* * *

Бухоролик оддий ишчи оиласидан чиққан Ҳалимжон Каримов 30 ёшида — 1932 йилда қамоққа олинади ва 10 йил муддатга концлагерга ташланади. 1937 йилда уни жазо ўтаётган жойидан Тошкент турмасига қайтариб келиб, сўроқ қилишади.

«Савол: Бухорода Советларга қарши бўлган қандай ҳаракатлар сизга маълум?

Жавоб: 1920 йилдан бошлаб, Бухоро давлат мустақиллиги учун курашувчи миллий ташкилот тузилган эди. Унинг фаолларидан Муин Аминов, Фитрат, Ота Хўжаев, Ибод Хўжаев, Саттор Хўжаев, Қорийўлдosh Пўлатов, Раҳмат Раффик, Холботиров, Масхар Бурҳонов, артист Қори Ёқубов, Мукамил Бурҳонов, Хидир Алиев, Ҳамро Хўжаев, Нажаб Қурбонов, Юсуфзода, Исмоил Шарипов ва бошқаларни билардим. Хивалик Отажонов, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона водийсидан вакиллар келиб турарди...»

Эътибор қилинг, Каримов «Советларга қарши» деган саволга «мустақиллик учун кураш» сўзи билан жавоб бераётир. Бухорога Қизил Армия кирганидан бошлаб уқоридаги шахсларнинг бирлашиши — кураш биринчи кунлардаёқ бошланганидан далолат беради. Демак, Бухоро халқи, бизга ўқитиб келинганидек, «Россия инқилобини, Қизил Армия ва Совет ҳокимиятини олқишлар билан кутиб...» олмаган!

1936 йил 6 сентябрдан бошлаб Нажаб Қурбоновнинг уйида Тош Раҳматуллаев, Исмоил Шарипов, Жўра Мўминов, Шукрулло Оқсоқол, Шавкат Сулаймонов, Аҳмад Алимов ва бошқалар тўпланишади. Йиғилишда суҳбат қуйидагича якунланади: «Москва Бухоронинг жами бойлигини эгаллади. Олтинимиз, пахтаимиз, қоракўл терилар ташиб кетилмоқда. Узларида катта саноат-корхоналари, завод-фабрикалар қуриб, мамлакатни бойитяпти. Биз эса аҳмоқ бўлиб, уларга қўшилиб амирин ағдардик, энди бармоғимизни... тикиб ўтирибмиз. Бирор ҳаракат қилиб бўлмаса...»

Эътибор қилган бўлсангиз, бу фикр билдирганлар мутлақо бошқа гуруҳ одамлари. Демак, мустақиллик, ватан эрки ҳақида бундай фикрловчилар аҳолининг турли қатламларида мавжуд бўлган.

Фикрнинг ўзига келсак — у ҳеч қандай таҳлил, изоҳ талаб қилмайди. Улар рус халқидан ҳам, Совет ҳокимиятидан ҳам норози бўлмаган. Балки Совет ҳокимияти номидан юритилаётган талончилик ва истилочилик сиёсатидан норозиликлари билиниб турибди. Шундай ҳолда бу бечоралар «халқ душмани» тамғаси билан отиб юборилган. Ҳеч ким: «булар қайси халқнинг душмани?» деб сўраб ҳам ўтирмаган...

Ҳужжатлар орасида Қози Саид Эшон Хўжаевнинг 1937 йил 27 июнда берган кўргазмасида эътиборга молик маълумотлар мавжуд. Узининг айтишича, 1910-йилларда у Туркияда таълим олган. Бу ерда жамики туркий халқларни ягона давлат остида бирлаштиришни мақсад қилиб қўйган «Турон» ташкилоти фаолият кўрсатган. Унинг таркибида Туркистондан, жумладан Бухородан жуда кўп шахслар бўлган. (Қизиқ, ҳозир ўша ташкилот фаолиятига оид ҳужжатлар сақланиб қолганмикин?) 1918 йилда Бухоро амири қабулига турк офицери Козимбек ва ҳиндистонлик Мавлави Баракатулло келади. Улар Туркиянинг жами мусулмон давлатларининг бирлашиши ҳақидаги таклифини олиб келишади. Лекин амир уларни қабул қилмайди. Сўнг улар Хивага ҳам боришади. Туркман Жунаидхон билан учрашишга уринишади. У ерда ҳам қабул қилинмайдилар...

Қози Саид «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг фаол аъзоларидан бири сифатида ёзувчи Садриддин Айнийни тилга олади.

Сўроқ охирида ўзини ёмон сезиб, йиқилиб тушади...

* * *

1936 йил бошларида Тошкентда Файзулла Хўжаевнинг укаси Ибод Хўжаев ўзини отиб ўлдиради. Марҳумнинг танасини Масхар Бурҳонов ювади. Файзулла Хўжаев бу

фожиадан қаттиқ изтироб чекади. Фитратнинг елкасига осилиб йиғлайди ва атрофидагиларга: «Бу одам бизнинг кадрларга бошдир. Уни севинг ва ҳурмат қилинг. Бундай шахслар ҳамма вақт ҳам туғилавермайди!..» дейди.

Иш ҳужжатлари орасида Фитратга тегишли яна бир маълумот бўлиб, унда 1934 йилда «Ўзбекино» трестининг директори Мухтор Саиджонов Фитратга: «амир даври, жадидалар ҳақида ҳаққоний асар ёзиб бер, биз ўша даврни ҳозирги хароб аҳволимиз билан солиштириб ҳужжатли кино яратайлик», дегани айтилади.

Фитрат Бухоро инқилобига атаб «Тўлқин» номли пьеса ёзади. Лекин бу пьеса, Файзулла Хўжаев ва бошқаларнинг минг уринишларига қарамасдан ёруғлик юзини кўрмай, Санъат Бош бошқармаси сандиқларида қолиб кетади. (Бу пьесанинг тақдири ижод олами ходимларига, зиёлиларга маълумми-йўқми, билмайман — Ф. Қ.)

* * *

Файзулла Хўжаев сўроғидан парча:

«1930 йилда Ўрта Осиё, Қозоғистон, Татаристон ва Бошқирдистон миллий озошлик ҳаракатлари раҳбарлари қатнашувида пантуркчи ташкилот тузилди. Уни Рискулов бошқарар эди. Таркибида мен, Пурмаков, Хўжанов, Абдурахмонов, Холиқов, Тожикистондан Қосим Қориев, Саъди Муҳаммадиев, Восиқ Муҳаммадиев (ёзувчилар), Ҳамидхон («Чирчикстрой» бошлиғи), Али Расулов (Тошкент банки бўлиmidан), Ҳаниф Турнашев, Муслим Шермухамедов, Абдулҳай Тожиев, Қозоғистондан Турсун Хўжаев, Қушбегиёва, Ўзбекистон раҳбарларидан Акбар Исломов, Рустам Исломов ва бошқалар бор эди...»

Шу йилларда Афғонистонда ташкил этилган «Барои дин» («Дин йўлида») деб номланган ташкилотнинг Бухоро бўлими ҳам миллий ва эътиқод озошлиги учун фаол ишлаб турган. Унинг аъзолари ҳам Қизил Россия агентлари томонидан кўлга олиниб, шафқатсизларча йўқ қилиб юборилганлар.

* * *

Қизил Россия гумашталари томонидан миллий озошлик, мустақиллик ҳаракатларининг «Ўзбекистонни СССРдан ажратиб, мустақил демократик давлат тузишга интилан»ликлари тан олинган ҳолда, уларга «босмачи», «аксилинқилобчи», «авантюрист», «халқ душмани» тамғалари босилиб, минг-минглаб аъзолари судсиз отиб ташланган.

Масалан, судсиз, фақат «учлик»нинг 1937 йил 14 сентябрдаги қарори билан Муинжон Аминов, Ота Хўжаев, Мухтор Саиджонов, Саттор Хўжаев, Муса Саиджонов, Ёқубзода, Абдурашид Мукамилов, Раҳматулла Музаффаров, Ҳамро Хўжаев, Ақмаджон Абдусаидов, Порсо Хўжаев, Абдулла Абдуллаев, Абдурахим Юсуфзода ва 4 нафар Бурхоновлар отиб ўлдиришга ҳукм қилинганлар. Ҳукм 25 сентябрь куни ижро этилган. Ота — фарзандининг тақдиридан, хотин — эрининг, ака — укасининг ўлимидан беҳабар, умид билан йўлларига кўз тикиб юраверган...

* * *

Бу ишдаги айрим ҳужжатларни кўриб, юрагинг эзилиб кетади, беихтиёр муштинг тугилади, кўзларингга ёш келади.

1937 йил 25 сентябрда отиб ўлдирилган Наимжон Ёқубзоданинг ногирон волидаси Орзибиби 1939 йил 10 февралда кўзёшлари томган дафтар варағига ариза битиб, ҳукумат идораларига йўллайди: «Елғиз фарзандим қамалганда юпун эди. Соғлиғи яхши эмасди. Балким касали хуруж қилгандир? Совуқ қотаётган эмасмикан? Озроқ дори-дармон билан кийим олиб борсам, ўғлимга берсангизлар. У қаерда ўзи?»

Бу дардни фарзанди борлар яхши тушунади. Боласини юраги тагида 9 ой кўтарган, бир парча гўштни асраб-авайлаб, бағри тафтида ўстирган она билади. Елғиз ўғли қамоққа олиб кетилиб, унинг қайтишини кутиб ўтирган бағри қон, ногирон онани кўз олдингизга келтиринг. Бечора, сўнги нафасигача эшикка қараб, илҳақ бўлиб ўтириб, очиқ кўз билан дунёдан кетгандир?..

Отиб юборилган Мукамиловнинг хотини 1939 йил октябрда ёзади: «Эрим қамалгандан сўнг, 5 нафар гўдак билан кўчада қолдим. Болаларим оч, устлари юпун, хор бўлиб қолди. Биз чидаяпмиз ва паноҳимизни кутаяпмиз. Дарак беринглар, қаерда фарзандларимнинг отаси?...»

Бу аризалар ўша пайтда Ўзбекистон прокуратурасини бошқарган Силниченко, Ярашенко каби халқ дардидан йироқ кишилар қўлида кўрилмасдан қолиб кетади.

«Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» шиори остида иш юритган Москва «инсонпарварлари», қамалган одами бўлган оналарни, қари, ёш, касал, гўдак демасдан, деярли яланғоч ҳолда кўчага ҳайдаганлар ва муттасил таъқиб этаверганлар. Масалан, Муинжон Аминов қамоққа олиб кетилгач, унинг уйига «букирадиган» машиналарда келишади-да, уйдаги бор-будини рўйхат қилиб, олиб чиқиб кетишади. Рўйхатда

бўялган, эски, симтўрли темир каравот, бир оёғи синиқ болалар табуреткаси, кийилган 3 та чопон, 13 та аёллар ичкўйлаги, болалар ўйинчоғи (от), 5 та фойдаланилган дастурхон, ёстик, қоплама чойшаб, болалар иштончалари, телпакчалари, пойафзали, қиз бола ич кўйлакчаси, болалар калишлари, эски, кийилган пальтолариғача ёзилган.

Сўнг оила кўчага ҳайдаб чиқарилган...

1956 йил Москвада, Бош прокурор Р. Руденко ва Олий Кенгаш Раёсати раиси К. Вошилов номига Туркменистоннинг Керки шаҳридан М. Мукамилова хат йўллайди: «Эрим Абдурашид Мукамилов 1901 йилда туғилган бўлиб, 16 ёшидан қўлига қурол олиб инқилоб учун курашганлардан эди. 20-йилларда мен тўрт йиллаб ҳандақ-сандиқларда партизаннинг хотини сифатида яшириниб яшадим. Фақат 1924 йилдан сал-пал одамга ўхшаб яшай бошладик. Эримга Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари берилди. Бор-йўғи 11 йил бирга ҳаёт кечирдик. Шу даврда 5 та бола кўрдик. Каттаси 11 да, кичиги ёшига ҳам тўлмаган пайтда эрим қамалди. Бор-будимизни тортиб олишиб, ёш болаларим билан кўчага ҳайдашди. Сўнг ҳам ҳеч қаерга сиғмадик. Кўрган азобларимизнинг адоғи йўқ. Шу аҳволда Тошкентдан Керкига келиб қолдик. 70 яшар касал онам ҳам биз билан бирга кўп хорликларга дуч келди. Икки болам очликдан ўлиб кетди. Қолганлари саводсиз ўсди — мактабга олмадилар. Болаларимнинг отасини излаяпмиз. Тирикми, қаерда у, қачон келади? Хабар беринг, бошқа ҳеч қаердан жавоб ололмадик...»

Кўряпсизми, ўз қўллари билан отиб ўлдирган одамларнинг яқинларига, қариндошларига: «Эрингиз ёзишма ман қилинган жойда жазо ўтаятпи», «касал бўлиб ўлди» ва ҳоказо ёлғонлар айтиб, ҳақиқий аҳволни 20 йиллаб сир сақлашган... Бундан маъно нима? Сабаб-чи? Сабаби — менимча, айбсиз одамларни ноҳақ ўлдириб юборганликлари очилиб қолишидан қўрқув! Шундан бошқа нарса эмас!

Самарқандлик М. Хўжаева 1937 йилда отиб юборилган эри Ҳамро Хўжаевни 20 йилдан ортиқ излаган, 2 та гўдакни етаклаб юриб, кирмаган эшиги, сарғаймаган идораси қолмаган.

Ваҳоланки, улар излаган одамлар бор-йўғи она юртнинг мустамлака бўлиб қолишидан норози эдилар, Мустақиллик истардилар!

* * *

Мунаввар Қори Абдурашитов, Файзулла Хўжаев, Салим Тиллахонов ва бошқаларнинг суддаги кўрсатмаларини ўргансангиз, бунга амин бўласиз.

Мунаввар Қори: «1920 йилда Бухоро инқилобини нишонлаш учун Бухорога бордик. Турккомиссар вакили Сафаров билан бу ердаги мачит-мадрасаларда руслар от боғлаб қўйганининг, бебошликлар қилганининг гувоҳи бўлдик. Сафаров уларни тартибга чақиришга уринди. Лекин сал ўтмай, рус командирларидан Сафаровни миллатчилик ва аксилинқилобий ҳаракатда айблаб имзолаган хатлар тушди. Оқибатда...»

Фитрат Мунаввар Қорини қучоқлаб йиғлайди: «Биз бундай инқилобни хоҳламаган эдик. Биз фақат амирни ағдариб, адолатли жамият барпо қилмоқчи эдик...»

Юзлаб хат, арзномалардан сўнг 1957 йилда ишлар қайта ўрганиб чиқилади. Лекин адолатсизлик бўлганлиги яна яширин қолиб кетади. Қариндошларига тубандаги каби ёлғон хабар жўнатилади: «Саиджонов 1937 йилда 10 йилга меҳнат-ахлоқ тузатиш лагерига юборилиб, жигар касалидан ўлган...»

* * *


Яна йиллар ўтади.

Ниҳоят бегуноҳ одамлар номи тўла оқланади...

Лекин ўлганлар ҳеч қачон тирилмайдилар. Хазон бўлган умрлар кўкармайди, Бир умр азоб чеккан оналарга, ота меҳрини кўрмай ўтган болаларга ҳеч нарсани қайтариб бўлмайди. Фақат бу жабрдийдаларга биз бугун ҳамдардлик билдиришимиз мумкин, холос. Қарзи дуоларимизни ҳам дариғ тутмай:

«Илойим, мустақиллик йўлида ҳаётдан эрта кетганларнинг охирати обод бўлсин, дард чекканларнинг кейинги авлоди ташвиш тортмасин!» деймиз...

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу эсседа халқимиз қисматидаги чигал давр қаламга олинган. Уша кунлар ҳақида ҳужжатларга асосланиб, эссени тўлдирадиган ёки баҳсли мулоҳазаларингиз бўлса, бизга ёзиб юборинг.



Қудрат Дўстмуҳаммад

ИККИ ЙЎЛУ БИР МАНЗИЛ

Модда ва руҳ ҳақида мулоҳазалар

Кичик сарлавҳачамизни кўриб, гап материалистик ва идеалистик дунёқарашлар ҳақида бораётганини фаҳмлагандирсиз.

Узимизга ҳам тараф йўқ. Кечагина илмга зид ҳисоблаб, унинг ҳар қандай таълимотларини рад этардик, ҳатто «Балки, улар ҳам ҳақдир?» деб ўйлаб кўрмасдик. Фақат материалистик назария мужассами — марксча-ленинча дунёқарашни энг тўғри йўл деб тан олардик. Марксизмнинг ақидаларига кўра материалистик дунёқараш коммунизмга элтса, идеалистик дунёқараш буржуазияга, кишилик жамиятини ҳалокатга етакловчи империализмга хос эмиш. (Гўё коммунистларнинг ўзи буржулардан юз чандон ўтиб тушмагандай!) Даврнинг ўзи бу ақиданинг бемаънилигини исботлаб берди. Энди кеча марксизм-ленинизмга тиш-тирноғи билан ёпишиб олган сиёсатчилар идеализмнинг ижобий томонлари ҳақида гап кетганда жим туришга мажбурлар. Улар «Йўқ! Бу принципал масала!» деб тўтиқушдек сайрай олмайдилар, чунки энди коммунистик партия йўқ, ҳур фикрларга эса йўл очиқ. Ушбу мақолада материализм билан идеализмни дунёни англаш илми сифатида ҳолисона таҳлил қилишга уриниб кўрдим.

Аввало материалистик дунёқараш, идеалистик дунёқараш деб айирмачилик қилишнинг ўзи яхшиликка олиб келмайди. Олиб келмагани бизнинг жамият тажрибасида кўрилди. Ҳамма нарсани моддага боғлаб, одамнинг руҳи бўлмағур гап дедик, ўлимдан сўнг қилинган ишдан бошқа ҳеч нима қолмайди, дедик. Нима иш қилсанг ҳам теппангда Худо кузатиб туради, деган ақидани бемаъни ҳисоблаб, қанчадан-қанча гуноҳларга йўл очиб бердик. Натижада одамлардан меҳр қочди, ўғрилиқ, қаллоблиқ, бузуқчилик йўлига ҳайиқмай кирувчилар кўпайди, маънавий бузилиш қондан-қонга ўта бошлади.

Ҳар қандай назария яшаш ҳуқуқига эга. Агар у нотўғри ёки инсоният учун зарарли бўлса, ҳаётнинг ўзи бир четга супуриб ташлайди. Идеализмда ҳам «бир нима» борки, кўп даврлардан бери яшаб келмоқда ва эндиликда кўп мамлакатларда биринчи ўринга чиқиб борапти.

Шу пайтгача коммунистлар бизга идеализмни содда, жўн ўргатиб келдилар. Идеалистлар гўё онг бирламчию модда иккиламчи, деган гапдан бошқасини айтмаганлар. Нима учун шундай деганлари ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Масалан, нима сабабдан диалектик материализмнинг учта қонунини кашф қилган Гегелдек файласуф Борлиқни Олий руҳга олиб бориб тақаб кўйган? Буни ҳеч ким гапирмас, суриштириш эса, гуноҳи азим эди. Қарангки, идеалист файласуфларнинг назариясини «Худо йўқ, дин — афъюн. Тамом-вассалом!» деган нуқтаи-назарга шак келтирмаган холда ўрганибмиз.

Суриштириб келганда, ҳеч қайси дин «Онг бирламчи, модда иккиламчи» демайди, «Энг аввало Худо бор эди, у бутун Борлиқни яратган», деб таълим беради. Бирламчи, иккиламчи деган фалсафий умумлашма, албатта, керак, лекин Худо, Борлиқ ҳақидаги диний таълимотни «Онг бирламчи, модда иккиламчи» тарзида бошқача шаклда тушунтириш билан айни «Мен борман, демак, модда ҳам бор, мен йўқман, модда ҳам йўқ», деган нотўғри хулосани келтириб чиқарганлар. Идеалистларни шундай деб таърифлаганлар, тушунтирганлар.

Бундай тушунчанинг ақлга тўғри келмаслигини албатта, оқ-қорани танимаган мак-

таб боласи ҳам билади. Идеалистлар шунчалик нодон эканми, деб ўйлардим мен бир вақтлар. Кейинчалик мушоҳада қилиб кўрсам, гап бутунлай бошқа ёқда экан. «Нима учун модда мавжуд? Қандай қилиб мавжуд бўлиб қолган? Ҳаёт қандай пайдо бўлган ўзи?» каби саволларга жавоб тополмаганларидан Олий руҳга боғлаб қўярканлар.

Моддани Олий руҳ яратганми ё ўзи аслида борми? Олий руҳ мавжудми ё хаёлийми? Бу саволларни бироз ёритиш учун куйидаги бошқа саволларга жавоб излаб кўриш маъқул. Модда бўлмаганида унинг ўрнида нима бўларди? Макон тушунчасининг тақдирини не кечарди? Ахир, моддасиз макон йўқ, маконсиз — модда! Моддани йўқ, деб фарз қилолсак, йўқ маконни қандай тасаввур қилиш керак?

Коинотнинг бўшлиқ маконларида (вакуум деймиз) бир куб сантиметр ҳажмда газнинг битта атоми бор, дейди фаннимиз. Атом деган битта зарра қанча жойни эгалларди? Қолган жойларда нима бор? Бир нима билан банд бўлиши керак-ку ахир. Демак, биз вакуум деб атаган маконларда модданинг бошқача, бизга номаълум турлари бўлиши керак. У қанақа модда экан? Нурмикми? Нурни биз электромагнит тўлқинлари деймиз, шунга қараганда уни модда деёлмаймиз. Ҳарҳолда, нур ҳақидаги тасаввуримиз ҳали анча ибтидоий бўлиб туюлмоқда. Эҳтимол, нурнинг ўзи бизга бўшлиқ бўлиб туюлган маконларни тўлдириб турадиган моддадир? Идеалистик дунёқарашлар ҳам оламнинг яралиши ҳақида кўпдан-кўп назария яратган. Масалан, тасаввуф оқимларидан бирида айтилишича, Борлиқнинг барча кўринишларида «вужуди мутлақ», яъни Оллоҳ бор бўлиб, жонлиқ жонсиз нарсаларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ, ягона (яъни, ваҳдат) ва ўз интиҳосида бир нуқтага, яъни Оллоҳга қайтади. Шунини «ваҳдати вужуд» дейилади. «Ваҳдати мавжуд» деган оқим эса, табиат яратилмаган, у абадий мавжуд, деб танийди ҳамда моддий дунё билан руҳий дунёнинг бирлиги, Худонинг шу табиатда мавжудлиги ғояларини илгари суради. Дарҳақиқат, «табиат яратилмаган, у абадий мавжуд» деган тезис энг тўғри тушунча бўлса ажаб эмас.

Ҳозирги замон фалақийёт илими оламнинг яралишини бошқа назариялар билан бир қаторда «кенгаёган дунё» деган фарз билан ҳам тушунтиради.

Маълум бўлишича, галактикалар (миллиардлаб қуёшлар ва уларнинг гирдидаги сайёралар, беҳисоб осмон жисмлари мажмуаси) бир-бирдан муттасил, маълум тезликда узоқлашиб бораркан. Бундан келиб чиқадики, қачонлардир галактикалар бир жойда, бир жисмга бирлашган ҳолда турган. Ҳозирги галактикалараро масофалар ва узоқлашиш тезлиги орқали ҳисоблаб кўришса, борлиқ Коинот 12 миллиард йил аввал ҳозир биз тасаввур қилолмайдиган даражада зичликка эга кичкина бир жисм бўлган. Кейин портлаб кетган, натижада галактикалар пайдо бўлган ва ўша портлаш кучи билан бир-бирдан узоқлашиб борапти экан.

Мана, бу моддийонча назария билан «ваҳдати мутлақ» тушунчаси, умуман, оламни Худо яратган, деган диний тарғибот ўртасида фарқ йўқ ҳисоби.

Назаримда, материализм билан идеализм ўртасида келиштириб бўлмайдиган зиддият йўқ. Чуқурроқ мулоҳаза қилсак, икковиям бир мақсадга, лекин бошқа-бошқа йўл билан интилаётганига амин бўламиз.

Идеализмга тиркаб келинган ёрлик ва айблар, чунончи, дин — афъюн, дин илмий дунёқарашга зид, дин дунёнинг сирларини билиб, англаб бўлмайди, деб даъво қилади ва шу каби гаплар модболоға экани ҳозирги даврга келиб, аён бўлиб қоляпти.

Материализм моддий дунёни, одамнинг руҳий дунёсини тан олади, дунёнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини унинг моддийлигида куради, руҳ тушунчасини инкор этса-да, руҳий дунёдан воз кечолмайди (ғалати мантик!).

Моддий дунёқараш модданинг ич-ичига кириб, унинг ҳамма кўринишларини, ҳаракатларини ўрганиб, қонуниятларини топишга интилади, пировардида, инсоният манфаатига хизмат қилади. Барибир «дунёнинг таги»га етолмайди, чунки макон ва замон чексиз, узлуксиз, ҳаракатлар бетакрор, модда сирлари ҳад-ҳудудсиз. Муҳими, модда устидаги чексиз изланишлар қонуний тарзда руҳни ҳам моддий талқин қилишга олиб келади ва икки дунёқараш қўшилиб кетади. Чет мамлакатларда олимлар киши руҳини ўта сезгир асбоблар ёрдамида ўлчаб, унинг мавжудлиги ҳақида тасдиқ гаплар айтганлари маълум. Машҳур ҳинд руҳонийларидан бири А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада ўзининг «Ўзга сайёраларга енгилгина саёҳат» номли китобида мана бундай ёзади: «Рус адибларидан бири, ўзи Олий руҳга ишонмаса-да, илмий тараққийёт йўли билан ўлимга даво топиш мумкин, дебди. Биз унинг фикрини қувватлаймиз, зеро ҳақиқий илмий тараққийёт одамни руҳий оламга олиб чиқади ва олимларга моддийончи фан англаб етолмайдиган улғу яратувчини кўрсатади».

Моддийон дунёқараш ўзининг Худоси — МОДДАни англашга интилаверади, интилган сари ривож топаверади, аммо ҳеч қачон «Тамом! Ҳамма сирларни ўргандим, сўнгги манзилга етиб келдим!» дея олмайди.

Идеалистик дунёқараш ҳам дунёнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини тан олади, лекин буларни Худога боғлайди. Бу билан у материализмдан бир поғона юқори туради, чунки моддий ва руҳий дунёларни бир бутун деб тушунади. Идеализм киши руҳини ўрганиш йўли билан энг Олий руҳ — Худонинг жамолига талпинади. Ҳар бир шахс бу

йўлни ўзича, алоҳида-алоҳида ўтади ва ҳар сафар энг бошидан бошлайди. Инсоният тарихида Худонинг жамолига етганлар, балки, бордир, аммо қай даражада етганлари фақат ўзларига аён. Эҳтимол, шундай кишиларгина «Аналҳақ», яъни «Мен Худоман» дегандирлар. Тўққизинчи асрда Боязид Бастомий Оллоҳга интилиш интиҳосида инсонни улуғлади, ўнинчи асрда илк маротаба Мансур Ҳаллож «Аналҳақ» деб чиқди, уч аср ўтгач Жалолиддин Румий ва беш асрдан сўнг Алишер Навоий ўз асарларида Ҳалложнинг хулосаларини такрорладилар.

Шариат йўлини тутган, тариқатнинг барча мақомларини ўтаган маърифатли одамгина Ҳақиқатга етади, дейди тасаввуф илми. Фалсафа тили билан айтганда, ўтакетган идеалист кишилар охир-оқибатда қандай хулосага келдилар? Аналҳақ дейиш материалистик тушунча эмасми! Менимча, бошқа хулоса чиқмайди. Инсон ҳаётида учрайдиган барча сир у синоат, ғойибона куч-қудрат унинг жисму жонида, ўзида, деган хулосани кўраман Аналҳақда. Бундай хулосани ҳеч қайси материалист инкор қилолмаса керак. Румий билан замондош мутасаввуф олим ибн Арабийнинг «Худони биз яратамиз» деган биргина гапи учун, унга коммунистлар фирқа билетини ёзиб беришлари мумкин эди. Фақат ибн Арабийни тушуниб етган худосиз бундай таклиф киритишдан қўрққан бўлса керак.

Ўзлигини англаган кишигина дунёни англаб етади, деган тасаввуф намояндаларидан бири Шамсиддин Табризий. Бу ҳам идеализм ўз тараққиётида материализм билан қўшилиб кетишини билдиради. Анъанавий ислом дини ичидан тасаввуф илми этилиб чиқишиёқ бу фикрга далил бўла олади. Идеалистик дунёқараш XIV аср охирларида яшаган файласуф ва руҳоний ибн Халдуннинг моддиюнча хулосалар чиқаришига ҳалал бермаган. У маътериалист ва худосиз Марксдан беш аср илгарийёқ кишилик жамияти ишлаб чиқариш шакллари билан таърифланади, деган эди.

Сўфийлар бировнинг ҳақиқага хиёнат қилишни энг катта гуноҳ ҳисоблаганларидан ўзлари билмаган ҳолда қўшимча қиймат назариясига асос солганлар. Уларнинг тушунчасига қараганда ўтин билан сувдан бўлак ҳамма нарсада бировнинг ҳақи бор. Бойлардан, жангчилардан бир нима олиб истеъмол қилишни ҳаром ҳисоблаганлар. Ривоятларга қараганда, бир сўфийнинг товуғи жангчи қўшнисининг томига чиқиб, ёйиб қўйган донидан чўқилагани учун «Товуғим ҳаром бўлди», деб йўқотиб юборган.

«Бировнинг ҳақи» деган тушунча Маркс кашф қилган «қўшимча қиймат»нинг айнан ўзгинасидир.

Инсон ўз руҳиятининг сирларини кашф қилгани ва Худони таний бошлагани сари маънавий жиҳатдан камол топаверади, пировардида бу ҳам манфаат. Бу жараёнда инсон модданинг сирларини ҳам ўрганаверади, деб бўлмайди, бироқ, тасаввури барибир моддиюнча бўлади. Масалан, буддизмда Олий руҳ билан мулоқотга киришдан аввал «нафис модда» (тонкая материя) деган тўсиқ (парда)дан ўтиш керак, дейилади. Исломда ҳам руҳни нафис модда деб тасаввур қилиш бор.

Сиёсий тус олган дин баъзан табиат сирларини ўрганишга қарши чиққан. Бундай ҳолни нафақат идеализм тарғиботида, ҳатто материализмда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, бир вақтлар генетика ва кибернетика фанларини инкор этган, уларни буржуа фанлари деб қатагон этганлар марксча-ленинча материалистлар эмасмиди?

Расмий ислом дини ҳеч қачон илми тақиқламаган, аксинча, илмга чорлаган ва чорлайди. Тўғри, бунда у асосан, диний илми назарда тутди. Дин эмас, диний сиёсат ўзига тегиб кетадиган табиий илм хулосаларига қарши чиққан. Баъзан табиий илмларнинг сўнгсўзларига қарши-чиқиш учун материализм, идеализм деган гаплар кифоя қилмайди, оддийгина мурувват, инсофу адолатнинг ўзи етарли. Атом қуролини кашф этган олимларнинг ўзи бундай «ютуққа» қарши чиққанлари ушбу фикрга мисол бўла олади.

Материализм билан идеализмни қиёслашда мажозий усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, бу икки дунёқараш гўё иккита чизиқ бўлиб, чексизликдаги битта нуқтага интиляпти. Аввало, бу нуқтага етишнинг ўзи амримаҳол, тўғрироғи етиб бўлмайди. Ҳатто, назарий жиҳатдан ҳам ўша нуқтага етгандан сўнг бу икки чизиқ ўз йўлида давом этадими ё тўхтаб қоладими, ҳеч ким билмайди. Иккала дунёқараш бир мақсад — дунёни билиш сари интиляпти. Бир модданинг сир орқали Олий руҳни ва Борлиқни, иккинчиси эса Руҳ орқали моддани ва Борлиқни ўрганмоқчи. Албатта, бу икки йўналишнинг оралиқ натижалари бирдек бўлмайди, яъни модданинг бирор сирини ўрганган одам руҳиёт бобида шундай натижага эришмайди ва аксинча, одам руҳий дунёсини ўрганган руҳоний — моддиюнчи одам топган сирдан беҳабар қолиши мумкин. Аммо, икковиям ўз интиҳосида, агар шунга етолса, бир хулосага келади. Бу қандай хулоса, ҳали ҳеч кимга аён эмас.

Эҳтимол, бу Улуғ Хулоса кимларгадир йўқликка рихлат қилиш дақиқаларида аён бўлғандир-у, лекин тирикларга айтиб кетолмагандир? (Аён бўлиб қолгани учун йўқликка рихлат қилган бўлсалар-чи? Унда, табиат сирларини маҳфий тутадиган қандайдир кучлар бор.)

Шубҳасиз, Улуғ Хулоса Ҳаётнинг моҳияти ҳақида бўлади, «Нима учун модда мав-

жуд? Қандай зарурият билан ҳаёт пайдо бўлган? Одам ҳаётининг моҳияти нима-ю, бошқа жониворлар ҳаёти-чи? Худонинг жамолига етиш, деганимиз нима? Унга етишгандан кейинги ҳаётнинг моҳияти нима бўлади?» каби ҳад-худуди йўқ саволларга жавоб беради.

Ёки бошқача ўхшатиш. Материализм билан идеализм тушган йўл аслида битта, фақат улар йўлнинг турли томонларидан юришни бошлайдилар. Материализм кўйдан бошлаб юқори томон ҳаракат қилса, идеализм юқоридан пастга тушиб келади. Бошқача айтганда, бири хусусийликдан умумийликка, иккинчиси умумийликдан хусусийликка юради. Бу ерда хусусий деганимиз модданинг алоҳида кўринишлари ва ҳаракати, умумий эса, бу — Худо. Худони энг юқори нуқта дейиш тўғри эмасдир-ов, чунки Худонинг жамолига етгандан сўнг ҳам ҳаёт давом этади ва менимча, жумбоқлигича қолади. Тўғри, материализм ҳам умумийликдан хусусийликка келиш усулини кўллайди, бироқ умумнинг энг чўққисидан эмас, анча кўйдан тушиб боради.

Идеализм юришни анча юқоридан бошлаб, материализм томон боришини бир қанча дунёвий илмлар мисолида кўриш мумкин. Чунончи, Худо осмонда, ҳар бир инсоннинг тақидирини юлдузларнинг ўрни, кўриниши белгилайди, деган ва шунга ўхшаш диний таълимотлар билан мунажжимлик ва ундан ривож олган фалақийёт илми, Қуръони каримдаги мерос, улуш ҳақидаги ақидалар ва улардан келиб чиққан риёзийёт фани. Мана шундай таълимотлар ва ақидаларга эътиқод кўйган халқлар орасида «Зижи Кўрагоний» билан «Алжабр» яратилгани бежиз эмас. Бўлар идеализм ҳам материализм юраётган йўлга бир вақт келиб, тушиб олишига мисол бўла олади.

Икки дунёқарашни таққослаганда бошқачароқ ёндашиш, масалан, руҳ тушунчасини таҳлил қилиш, чуқурроқ ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Ҳозирги пайтда матбуотда руҳ ҳақида фикр-мулоҳазалар кўп айтилаётир, лекин улар илмий жиҳатдан эмас, асосан сирли воқеалар силсиласида, афсоналар, ривоятлар билан боғлиқ ҳолда тилга олинапти. Материализм билан идеализмни таққослаш учун бу ўринда мен бироз илмий ёндашишга ҳаракат қиламан.

Табиатда модда тушунчасидан ташқари қувват ҳам бор. У модда эмас, лекин модда ҳаракатининг натижаси. Масалан, нур, электр қуввати, иссиқлик кабилар.

Онгни диалектик материализм тан олади ва уни объектив борлиқнинг одам миясидаги акс этиши, деб тушунтиради. Акс этиш пайтида одамнинг руҳий фаолияти ва мақсадлари ўз таъсирини ўтказади ва диалектик материализм ҳам буну таъкидлайди. Қисқаси, онг — мия фаолияти, маҳсули демакдир. Барибир, у модда эмас!

Руҳ ҳам шу тоифадаги тушунча. У одам жисмининг умумий «қуввати» бўлиб туюлади, «Сирли олам» ойнамасида чоп этилган баъзи мақолаларда айтилганидек, одамдан кейин қандайдир ахбор қолади. (Ахборотдан кўра ахбор дейиш яхши, чунки, буниси янаям умумийроқ мазмунга эга). Бу ахбор жисм сўнгандан кейин қанча муддат яшайди, бир дақиқа, бир соатми ё ортиқроқ, бу бошқа масала, алоҳида ўрганиш лозим.

Менимча, одам руҳи илоҳий эмас. Тўғри, Худонинг ўзи Олий руҳ, лекин ҳар бир шахснинг руҳи билан Олий руҳни бошқа-бошқа ўрганиш лозим. Руҳлар билан мулоқот қилиш мақсадида Қуръони каримдан оятлар ўқиб Олий руҳга мурожаат қилишади. Буниси, ё киши ўзини руҳан тайёрлашдан ённки марҳумлар ҳам тириклик пайтида Худога эътиқод қилганидан бўлса керак.

Руҳнинг мавжудлигини одам миясининг фаолияти ва имкониятлари орқали ҳам тушунтириш мумкин. Олимларнинг ҳисобига кўра, одам мияси ўн тўрт миллиард нейрондан иборат ва умр давомида бу нейронларнинг бир неча фоизи фаолият кўрсатиб туради. Табиийки, савол туғилади: ҳаммаси ишламаса, бунчалик кўп нейрон нима учун берилган? Мияга жароҳат етган тақдирда ҳам фаолият кўрсатиш учунми? Ундай десак, миянинг ҳар бир нуқтаси ўз вазифасига эга, бири иккинчисининг ишини бажаролмайди. Демак, нейронларнинг кўплигида бир ҳикмат бор. У қандай хикмат экан? Менимча, бу — келажак учун, одамлар Ер юзига сигмай қолиб, бир-бирини қириб ташлаб, биологик тур сифатида йўқолиб кетиш хавфининг олдини олиш учун мияга заҳира сифатида берилган. Одам кўпайишидан ҳаёт мураккаблашади, тирикчилик қийинлашади, лекин яшаб қолиш керак, унинг янги-янги йўлларини топиш учун мия ўзининг кўпроқ улушини ишлатиб, бор имкониятларини кўпроқ намоён қилиб, бу ходиса ёппасига тус олаверади.

Ер юзиде одам кам замонларда ҳам кимлардадир мия нейронларининг кўпроқ қисми ишлаб турган. Буюк алломаларда, башоратчиларда шундай бўлиши керак. Беш юз йил илгари яшаб ўтган Нострадамуснинг башоратлари нақадар тўғри чиқаётгани, замондош башоратчиларимиз берган хабарлар кўз ўнгимизда исботланаётгани шундай ҳулосаларга етаклайди кишини.

Мия нейронларининг кўпроқ улуши фаолият кўрсатгани сари одам учун вақт ва маконнинг чегараси йўқолиб, истаса ўтмишга ва келажакка, истаса дунёнинг нариги бурчагига ўзга сайёраларга бориб кела олади, чоғи. Жисми бир ерда турсаям, ботиний кўзи билан кўриб келади. Бошқача айтганда, мия табиатдаги ахборотнинг барини ҳеч бир азият чекмай билиб олаверади ва одамнинг ўзи бу сирларни англаб олмаслиги

мумкин, яъни онги ўз мяясининг фаолиятини тушуниб етмайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам «руҳ, арвоҳ» деган тушунчалар пайдо бўлгандир, лекин руҳлар баъзи одамларга кўринишини қандай изоҳлашга ақлим бовар қилмайди. Битта одамга кўринган руҳни изоҳлаш мумкин. Масалан, руҳни муайян кишининг тасавури гавдалантирган, бошқача айтганда, унда галлюцинация ҳодисаси рўй берган, дермиз. Лекин битта руҳ турли вақтда бири-бири билан қариндош-уруғ бўлмаган икки одамга айнан бир қиёфада кўриниши-чи, уни галлюцинация деб бўлмайди-ку. Яна, қизиғи шундаки, бу икки одам илгари руҳ ҳақида ҳечам сўзлашмаган. Кўринган руҳ улардан бирига яхшилик қилган, иккинчисини ёқтирмай, ўтирган еридан туриб кетишга ундаган, ҳайдаган.

Руҳларнинг кимларгадир кўринаётгани ҳамда ажойиб-ғаройиб ишлар қилаётгани ҳақида матбуот ҳам кўп хабарлар бермоқда. Уларнинг ичида тушунмовчилардан битилгани ённи фирибгарлик мақсадида тўқилганлари ҳам бўлиши мумкин, лекин ҳаммасини ёлғонга чиқариш ҳам инсофдан эмас. Матбуот юзини кўрмаган бу тоифадаги воқеалар қанча! Олимлар, зиёли одамлар гувоҳ бўлган воқеалар ҳам бир талай.

Юқорида, тандан жон чиққан вақтда одамнинг руҳи бир неча дақиқа бўлса-да, мавжуд бўлишига тўла ишонган ҳолда қанча муддат яшаши алоҳида ўрганиш зарур, дедик. Бунинг учун руҳ билан ҳамоҳанг барча тушунчаларни ойдинлаштириб олиш керак. «Одам», алвасти, жин, дев, ажина, пари кабиларнинг заминида руҳ ётса ёки улар руҳнинг турли кўринишлари бўлса, у ҳолда руҳларнинг ҳам узоқ яшайдиганлари, золимлари, раҳмдиллари бўлармикин? «Одам» авлоддан авлодга ўтиши, кишиларга яхшилик қилиш баробарида гоҳ жазолаб туриши бу фикрга далил мўла олади. «Одам» бўлмағур гап, фирибгарлар ўйлаб топган, деб қайсарлик қилган тақдиримизда ҳам бир нарсани инкор эта олмаймиз: ўшанақа «одам»ли одамлар қанча-қанча кишиларнинг тақдирини башорат қилиб, ҳаётларида учраган сир-асрорни очиб беряптилар-ку! Фолбинларнинг остонасини тавоф қилиб ётган одамлар гўл, аҳмоқ эмасдир, деб ўйлаб қоласан, киши.

Ҳўш, буларни нима деб инкор этиш мумкин? Уша, биз ишонмаган, бўлмағур гап деган «одам»лар ёрдамида бўлган ва бўладиган гапларни айтиб берсалар ёмонми, шундан бошқа яна нима керак инсонга?

Эҳтимол, руҳ тушунчасига мақсад деб эмас, восита деган мазмунда ёндашиш керакдир? Бу билан биз одамнинг касали қандай чекинганини ҳар доим билавермайдиган, лекин руҳий таъсирнинг кучини эътироф этадиган психотерапия каби йўл тутган бўламиз.

Материализм билан идеализмнинг қўшилиб кетишини мен XX аср ўрталарида шаклланган кибернетика фанида кўраман. Америкалик олим Норберт Винер ўзи яратган бу фанни «Жониворлар ва машиналардаги алоқадорлик ҳамда бошқариш» деб тушунтирган. Ҳозирги кунларда кибернетика деганда одамлар электрон-ҳисоблаш машиналарини, яъни компьютерларни тушунишади. Бу унчалик тўғри эмас. ЭҳМлар кибернетика фани талаблари асосида бошқача шаклга кирган мавжуд ҳисоблаш машиналари ҳолос. Кибернетика эса, алоҳида, мураккаб фан, фанлар мажмуаси, бошқариш ҳақидаги фан ҳисобланади. Кибернетика сўзи қадимги юнон тилида «кема ҳайдовчиси, дарға» маъносини англатган.

Бу фаннинг ҳозирги замон тараққиётига қўшган ҳиссаси шундаки, бошқариш (умумлаштириб айтсак, ҳаракат!) моддий дунёдами, маънавий дунёдами, тирик жонми, жонсиз табиатми, ҳамма-ҳаммасида, ҳамма вақт бир хил, яъни ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш тарзида кечар экан.

Худди шу фикрни фалсафий нуқтаи назардан биров бошқачароқ изоҳлаш мумкин: материалистик назарияга кўра дунёнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги унинг моддийлигида, модда ичидаги қарама-қаршиликларда, идеалистларнинг тарғиботида кўра эса — Худода. Винер бу иккала тарғиботдан қониқиш ҳосил қилмаган ва ўзининг назариясини яратган. Унга кўра дунёнинг бирлиги, ундаги барча ҳаракатлар ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш тарзида кечишида, дейди.

Мана, энди, исталган жабҳадаги ҳаракатни ҳаёлан таҳлил қилиб кўрсак. Винер ҳақ бўлиб чиқаверади. Одам машинани бошқарадими, машина ўз-ўзини бошқарадими, одам ўз-ўзини ёки жамоани бошқарадими, жониворларнинг мияси қўл-оёғини бошқарадими, бари ахборотлар устидаги ўша жараёнлар йиғиндисидан иборат.

Айтайлик, бир ерда тош ётибди. Унга ҳавонинг ҳарорати, қуёш нури, шамол, сув, қор ва ҳоказолар таъсир этади, ҳар бири ўзича қандайдир из қолдиради, яъни тошда «ахборот» йиғилади. Бу жараёнлар узоқ вақт давом этади. Тош ичида қандайдир икки қарама-қаршилик доим курашда бўлиб турганидан ва боягидек ахборотлар йиғилаверганидан, бир вақт келиб, курашаётган томонлардан бири ғолиб чиқади, кибернетика тили билан айтганда, бошқариш рўй беради, масалан, тош дарз кетади.

Бу ўринда ахборотларнинг йиғилиш жараёнини миқдор ўзгариш, тошнинг дарз кетишини сифат ўзгариш, деб тушуниш мумкин.

Ваъзхон тингловчиларга таъсир ўтказиши ёки одам ўз онгини бошқариши ҳам ахборот жараёнидан иборат.

Кибернетика нуқтаи назаридан қараганда ҳар қандай жисм, тан ахборот жумласидир. Масалан, қайси моддалардан иборат, ҳар модданинг миқдори қанчадан, моддалар қай тарзда қўшилган, қандай ишлов берилган, қолаверса, жисмининг катталиги, вазни, ранги ҳам муайян хабардир. Хаёлий асарларда айтиладигандек, тирик мавжудотни ахборотларга парчалаб, телеграф орқали узоққа юбориб, ўша ерда йиғиштириб, яна тирик жон ҳосил қилиш ғоялари кибернетиканинг айтилган асосли таърифидан келиб чиқади.

Кўриаяиб турибдики, кибернетика фани Худога нисбатан ҳеч қандай муносабат билдирмаган бўлса-да, моддий дунё билан руҳий дунё ўртасидаги тўсиқни олиб ташлади ва икковини қўшиб юборди, шу билан тасаввуфнинг «Ваҳдати мавжуд» оқими ғояларига яқинлашиб қолди.

Материализм ва идеализм вақти келиб Улуғ Хулосани чиқариши учун инсон ҳозирданок табиатдаги ўз муносиби ўрнини билиб олиши лозим. Мутасаввуфлар, одам ўзини англаб етсагина, дунёни била олади, деган таълимотга ҳамоҳанг бу.

Материализм ва идеализм ақидаларидан келиб чиққан ва онгимизга сингиб кетган баъзи тасаввуфларга зид бўлса-да, қуйидаги мулоҳазаларни айтмай илож йўқ.

«Одам — табиатнинг гултожи», «Табиатдаги ҳамма нарсаю маҳлуқоту жонзотлар инсон учун яралган», «Одам энг мукаммал, энг ақлли жонзот» каби гаплар ўзига бино қўйиш, худбинлик бўлиб туюлади.

Бир зумга жисмингизни унутингу руҳингиз билан осмонга учинг ва тепадан туриб ҳаётнинг «гултож»лари қилаётган ишларни кузатинг. Улар гоҳ қўлида гул билан, гоҳ кўзида ёш билан бир-бирининг бошига етади, аввал қотиллик қилади, сўнгра тимсоҳ каби кўзёши тўқади. Узидан бошқа маҳлуқотни ўлдирши унинг учун байрам. Унинг дастидан на онгсиз (?) қурт-қумурсқаларга, на ваҳший (?) ҳайвонларга тинчлик бор! Ва на онгли (?) одамларнинг ўзи бир-бирини тинч қўяди! Инсофу адолатдан, мурувату шафқатдан, эзгуликдан лоф уради-да, амалда ҳамма нарсани шахсий манфаат билан ўлчайди, шахсан ўзига фойдали бўлса яхши, бўлмаса, ёмон дейди, бировда тариқча ҳаққи қолгудек бўлса, итдек олишади.

Нимаси гултож, дегинг келади! Уша, бошида кўтариб юрган кулранг моддасими? Унда модданинг шунақа олий (?) шакли бор бўлса, бошқа мавжудотда ҳам ўз ҳаётига ярашиғлиги бор-ку! Мунча энди ўзини кўкларга кўтармаса! Ҳар қандай буюк бўлганда-ям итчалик ис билиш қобилияти йўқ-ку!

Табиатдаги барча ноз-неъматлар, гиёҳу жониворлар одам учун яралмаган, балки одам қай зарурат билан яралиб қолган бўлса, улар ҳам ўшандай заруратлар юзасидан пайдо бўлган. Табиат Она ҳисобланса, одам ҳам, қурт-қумурсқа ҳам унга бирдек фарзанд, бири ортик, бошқаси кам эмас. Ҳаммаси табиатда яшайдими, насл қолдирадими, ўзини ўзи ҳамма қила оладими, бас, шунинг ўзи кифоя ҳамма жониворлар Она табиат олдида тенг ҳуқуқли, деб санаш учун. У ёки бу жонивор қай тарзда яшайди, қанча яшайди, булар иккинчи даражали омиллардир. Тез ва оппа-осон ўладиган жонзотлар тез кўпаяди, узоқ яшайдиган ва унча-мунчага жон бермайдиганлари секин насл қолдиради. Шу тариқа, жониворлар ҳаётининг бир жиҳати паст бўлса, бошқа жиҳати устун туради. Умуман, ҳисоб-китоб қилганда (агар шунинг иложи топилса!) барча жониворлар оладиган неъматлар ўлчами бир хил катталиқда.

Одам бошқа жониворлардан мутлақо устун эмас. Агар онгни инсоннинг энг зўр қуроли, деб қарасак, бошига битган бало, деб ҳам ҳисобласак бўлади. Чунки онги тўфайли инсонда руҳий дунё деган тушунча бор ва уни тўйдириб бўлмайди. Бугун қониққан руҳий дунё эртага янги талабларни қўяди. Одам эҳтиёжларига оппа-осонгина эришса, ҳаёт зерикарли кўринади, эришолмаса, дод-вой солади.

Инсонда руҳий дунёдан ташқари моддий дунё ҳам бор, жисмининг талабларини ҳам қондириши керак, у ҳам доимо катталашиб боради. Жисми эҳтиёжларига зўр берса, руҳий дунёси камбағаллашиб кетади, ва аксинча, руҳан бой бўлишга интилган одам моддий ночор аҳволга тушиб қолади, бир умр икки ўтнинг орасида яшайди.

Айнан онгли бўлгани учун ҳам инсоният ўз-ўзини қириб юбориш хавфи бор. Одам онги тўфайли қош қўяман, деб кўз чиқариб қўядиган ҳолатлар жуда кўп. Айниқса,, фарзанд тарбиясида. Ота-онанинг, теварақдаги катталарнинг нодон онги деб қанчадан-қанча буюк истеъдодлар сўниб кетмаган дейсиз! (Бунинг акси кам бўлади.) Ҳайвонот дунёсида табиий хислатларни сўндириш йўқ, аксинча, барча жониворлар доимо бутун имкониятини сафарбар қилдилар, ҳеч қачон бўшанглик қилмайдилар.

Одам ўз онги, ақли тўфайли наслини давом эттириш йўлларини топса, қурт-қумурсқа ҳам одам билмайдиган, тушунмайдиган йўллар билан шундай мақсадга эриша олади.

«Одам ўз онги ёрдамида коинотга учади, ўзга сайёраларни забт этади, қурт-қумурсқалар эса, бунинг уддасидан чиқолмайди. Одам истаса, табиатни буткул ўзгартириб юбориши мумкин, қурт-қумурсқалар эса — йўқ». Мана, шу тарздаги эътирозлар билан одамнинг устунлигини «исботлаш» мумкин. Бироқ, бундай таққослаш тўғри эмас. Одам ва бошқа жониворларни улар содир этаётган ҳатти-ҳаракатларнинг мақсади билан таққослаш керак. Шунда савол тенг ҳуқуқли бўлади. Хўш! Одам нима мақсад

билан коинотга талпинади? Нима мақсадда табиатни ўзгартириб юбориши мумкин? Фаолиятларни номма-ном санаб ўтирмай, умумий қилиб «Яшашдан мақсади нима?» деб битта савол билан ифодаб қўя қолсак кифоя. Худди шу саволни қўрт-қумурсқа учун ҳам қўямиз. Ана энди, бу жонзотларнинг имкониятини солиштириб кўрсак бўлади. Бири иккинчисидан устунми ё бари теппа-тенгми, аён бўлади-қўяди.

Табиатда қимир этган жон борки, яшашдан мақсади — насл қолдиришдир. Одам-зод, ҳайвонот, ҳатто ўсимликлар дунёси — уруғдан чиқиб, дунё юзини кўргандан бошлаб ҳар бир хатти-ҳаракати бўлажак насл учун, унинг пишиқ, пухта бўлиши учун замин ҳозирлашга қаратилган.

Амаллаб тупроқ остидан униб чиққан гиёҳ борки, хом-хатала, қилтириқ бўлсаям мева, пуч бўлсаям уруғ тугса! Худди шу хислатдан фойдаланиб, олимлар ғўза илдизи-ни маълум даражада қирқиб қўйиш йўли билан кўсақ очилишини тезлаштириш устида изланиш олиб бораётганлари маълум. Илдизга пўтур етиши тўғри ҳалокатга яқинлаштириб қўяди, шундан кейин ғўза организми насл қолдиришга зўр беради ва кўсақлар тезроқ очилади (менимча, чигити жудаям тўқ бўлмайди).

Инсон боласи ҳам туғилгандан бошлаб жисмонан бақувват ва ақлан баркамоллика интиладики, булар ҳам яхши насл қолдириш учун замин яратишдир. Одамнинг жинсий интилишларини фақат шахвоний хислат деб баҳолаш нотўғри, физиологик асослари бор. Ҳаётнинг неъматларига интилиш, айш-ишрат ҳам соғлом тухум етилиши, улар соғлом шароитда бирикиши, пировардида, соғлом насл қолдириш ниятида содир бўлади. (Одамнинг шундай нияти бўлмаслиги мумкин, лекин табиатнинг нияти муқаррар!) Баъзиларнинг ёши ўтиб, умр ҳазонрезгиси бошланганида жинсий алоқани кўмсаши илдизи қирқилган ғўза тупидаги интилишга ўхшаб кетади.

Насл қолдириш ҳар бир тан учун муқаддас бурч. У жонзотнинг хоҳиш-истаги ёки онгига боғлиқ эмас, у жисмининг ўзига жо қилинган.

Модомики, табиатдаги барча жонзотларнинг яшашдан мақсади насл қолдириш экан, ўз навбатида «Наслдан муддао нима?» деб савол қўйиш ҳам табиий. Албатта, бунга «Ҳаётни давом эттириш» деб жавоб берамиз. Лекин бу жавоб юзаки, «Ҳаёт қандай зарурат билан пайдо бўлган бўлса, наслдан муддао ҳам шу» деб жавоб берган маъкул. Бу жавоб мавҳум, лекин унда ҳаётнинг моҳияти яширинган. Уша Зарурат тирик зотларни шундай усталик билан яратганки, ҳар бир жон ўзига ўхшаган наслларни қолдиради. Насл қолдирмайдиган қилиб яратиш мумкин эмасди.

Хўш, у қандай зарурат экан? Бу саволга жавоб беришда ҳаёт шакллари бир эмас, турли-туман эканини эсда тутиш керак. Бу шакллар, айтайлик, одам, қуш, қумурсқа, пашша, микроблар ва ҳоказолар. Одам яшай оладиган даражадаги табиий шароит одами яратган. У ўзига тегишлисини олади, ҳаммасини ололмайди, масалан, меваларнинг йирик-йиригини олади, майдалари, чириганлари, пўчоқлари қолади. Улар ҳам қандайдир жониворларни таъминлаши мумкин. Демак, қуш, қумурсқа, пашшалар... яралади. Ҳар бир жониворнинг ўзи ҳам бошқаларига емиш учун ярайди — табиат микроорганизмларни яратади. Хуллас, табиатдаги яшаш имкониятлари ўзига мос шакллари — тирик организмларни яратади. Организмлар эса муқаррар равишда ўз ўзини давом эттиради.

Ҳаётни яратган Заруратнинг бу талқини, албатта, жўн. У бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф қонунига ўхшайди. Эҳтиёж таклифни (яъни сотиладиган молни) туғдирганидек, яшаш имкониятлари (таклиф)га мос равишда турли-туман организмлар (эҳтиёжлар) пайдо бўлган, дейиш мумкин.


Булар майли-я, аммо пайдо бўлган тирик жон қандай қилиб бирданига, ўз-ўзидан кўпаядиган бўлиб яралган?

Дарвин таълимоти, организмлар шароитга мослашади ва аъзоларда ўзгаришлар рўй беради, деб ўргатади. Лекин бу жараён узоқ муддатни талаб қилади, тирик жон эса, ҳар дақиқада ўлимга маҳкум, шунинг учун насл қолдиришга шошилади. Бундан ташқари зарурат энг биринчи тирик организмниёқ насл қолдирадиган қилиб яратган, чунки унинг ўлишини олдиндан билган! Мана, шу ерга келганда, беихтиёр «Эй, Худо!» деб юборасан киши!

Материализм ҳам, идеализм ҳам инсоният яратган назариялар, иккови инсоният учун хизмат қилади, бас, шундай экан, икки дунё-қарашни бир-бирига душман қилиб қўйиш инсофданмикин? Аслида, бу икки дунёқарашлар бир-бирига зид эмас, уларни тарғиб қилувчи гуруҳлар (балки синфлар дейиш жоиздир?) манфаатигина зид. Модомики, турли синфлар, табақалар, гуруҳлар тинч-тотув ҳаёт кечириб йўлини тутган эканлар, Назариялар билан найзабозлик қилишни йиғштириб қўйиш вақти етди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Биз муаллифнинг ҳамма фикрларига тўла қўшилмасак-да, ошкоралик ва ҳурфикрлик мезонларидан келиб чиқиб, у ҳақда ўқувчиларимизни мунозара ва мулоҳаза юритиб кўришларини мақбул топдик. Бундан кейин ҳам ана шундай баҳсталаб мақола-ларни босиш фойдалидир, деб ўйлаймиз.



Яшар Қосим

КЕТГАНЛАР ЁДИ БУ...

(«Янги шеъриятимизнинг поэтикаси» туркумидан)

60-йиллар шоирлар авлоди ижодида мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга, қонли диктатура тартибларига қарши аламли эътироз ва алангали исён шахсга сиғиниш даври фожиаларининг таҳлилидан бошланади. Тўғрироғи, улар машъум шахсга сиғиниш йиллари даҳшатларини аёвсиз фош қилмасдан туриб манфур ва шафқатсиз тузумни инкор этишни иложсиз деб билишган.

Аслида ҳам шундай. Сталинизм ваҳшатларининг мудҳиш табиатини теран англаб етмасдан турғунлик даврининг ёвуз моҳиятини очиб ташлаш қийин, албатта. Бутун-бутун авлодларни, ўнлаб халқларни бахтсиз, милёнлаб умрларни хазон қилган ғайри-инсоний жамиятнинг зим-зиё тарихини, қон билан йўғрилган ўтмишини чуқур ёритмасдан туриб, уни таг-туби билан фош этиш қийин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг илк қадам тажрибаларида салмоқли ўрин тутган, қатағон ва қатли ом қурбонларига бағишланган дилни ўртовчи марсиялар, ғамгин ва армонли бағишловлар ёш қаламкашларнинг имонсиз ва эътиқодсиз замонга фақат исёни сифатида қабул қилинмаслиги лозим. Мазкур шеърлар ҳамда ушбу авлоднинг қизил инқилоб ва сталинизм қатағон қилган ғоявий-эстетик идеал билан, йўқотилган авлодлар, уларнинг аъмол ва орзулари билан яқдиллигининг ифодаси эди. Қолаверса, биргина бу руҳдаги шеърлар эмас, умуман, янги шеъриятнинг энг сара ва самимий намуналари қаттол замон шафқатсизларча узиб ташлаган маънавий ришталарни қайта тиклашга узлуксиз интилиш билан йўғрилган. Бу — янги ўзбек лирикасининг моҳиятини ва ундаги ўзига хос кайфиятни белгиловчи асосий жиҳатлардан биридир.

Олтмишинчи йилларнинг ёш шоирлари ижодида қатли ом даҳшатларининг инъикоси хусусида сўз кетар экан, Абдулла Орипов шеъриятига махсус тўхталиб ўтишга тўғри келади. Улкан шоиримизнинг, айниқса, «Кетганлар ёди бу...» шеъри бу жиҳатдан жудаям теран ва таъсирчан. Ушбу шеърда шахсга сиғиниш даври фожиаларига янги авлоднинг нафақат аламзада муносабати, балки кўпроқ умумкайфияти, бир умрга унутилмас маънавий-руҳий хулосалари акс этган, дейиш мумкин. Мустабид замон қатағонларига қарши олис олтмишинчи йилларда битилган қатор поэтик намуналар сингари «Кетганлар ёди бу...» шеъри ҳам шартли сюжетга, бирмунча рамзий мундарижага эгадир:

Тўш кўрдим,
Тушимда бир денгиз эмиш,
Тўлқинлар сапчирмиш мовий осмонга.
Манзил йироқ эмиш,
Уфқ сунгсиз эмиш,
Бир кема борармиш ўша томонга.
Унинг саҳнасида жами дўст-ёрон,
Умрлик дўстларни кўрган эмишман.
Жаннат хаёлидай даврада шодон
Мен ҳам қаҳ-қаҳ уриб турган эмишман.¹

Рамзийлик ва шартлилик пардаси ортидан шеърда сўз кетаётган замоннинг ўзига хос белгилари, барибир, аниқ кўриниб туради. Юқоридаги сатрларда тилга олинган «тўлқинлари осмонга сапчиётган денгиз», «Йироқ манзил», «Сунгсиз уфқ» ва ўша машҳур Сунгсизлик томонларга сузаётган кема, «Унинг саҳнасида жами дўст-ёрон», «Умрлик дўстлар», «Жаннат хаёлидай шодон давра», «Шодмон қаҳ-қаҳлар»... булар бари социалистик истибоднинг илк босқичидаги, яъни йигирманчи-ўттинчи йилларнинг (аниқроғи, ялпи қатли омгача бўлган даврининг) ўзига хос ижти-

¹ А. Орипов. Йиллар армони. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1984, 154-бет. Кейинги мисоллар ҳам ушбу нашрдан олинди.

мой-сиёсий иқлимими, сохта кўтаринки кайфиятини, умумий маънавий манзараларини акс этдирмайдимми?!

Навбатдаги шеърини парчада эса ўттизинчи йилларнинг ўрталаридан эътиборан авж олган қатағонларга — оммавий қирғинларга ишора қилинади. Бизнингча, «Кеманинг бир соҳилга етиши», «Мен»ни оғир йўл азоби толдириши, рўй берган даҳшатли ва «ногоҳ айрилиқ», барча дўст-ёронларни ўша Кеманинг қоронғу ёқларга томон олиб кетиши ва «Мен»нинг Айрилиқ Кемаси ортидан гирён гуриши ўз маъно ва мундарижасига кўра ўша шафқатсиз замон нишонларидир.

Эҳтимол, бошдан-охиргача рамълар асосига қурилган, хусусан, туш тарзида — ғайри-реал бадийий замин сифатида ўйланган шеърга эркин ёндашаётганимиз бир қадар ажабланарли туюлар. Балки ушбу шеърни абадиёт ва азал-абад ҳақиқатлар мавқеидан туриб баҳоловчилар ҳам топилиб қолар. Бироқ олтишинчи йилларнинг энг илғор ва демократик ижтимоий-эстетик тафаккур йўналишларидан, уларнинг умумий моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, «Кетганлар ёди бу...» шеърини айна шу йўсинда талқин қилиш мантақан тўғри эканлиги аён бўлади. Абдулла Орипов ижодининг умумий ижтимоий руҳи, айниқса, 60-йиллар лирикasinинг ўзига хос ва силславий ғоявий-эстетик мазмуни, давомли ва изчил фалсафий мундарижаси, шоир «мен»нинг шахсга сиғиниш даври фожиаларига узил-кесил муносабати бизнинг талқинимизни тўла-тўқис асослайди. Ҳа, сеvimли шоиримизнинг илк лирикасидаги ғамгин ва аламзада кайфиятнинг бош сабабларидан бири худди ўша йилларнинг машум хотироти, сталинизм даҳшатлари билан бевосита боғлиқ эканлиги хассос шеърхонга аллақачонлар маълум эди. «Кетганлар ёди бу...» шеъри эса мана шу йўналишдаги дастлабки бадийий изланишлардан бири сифатида эътиборга лойиқдир. Қолаверса, шеърини рамъларни очиб ва йўйиш тажрибаси ҳам бизнинг илмий-танқидий мавқеимизни қўллаб-қувватлайди. Маълумки, ҳар қандай бадийий рамз ёки шартли-хаёлий образ биринчи галда ўзи яратилган даврнинг, камида энг яқин ўтмишнинг акс-садоси янглиғ туғилади. Айна шу боис энг серқирра ва сермаъно рамзий образларнинг ҳам бош маъноси ёхуд асосий маъноларидан бири уларнинг туғилишга туртки берган муайян ижтимоий шарт-шароитга, тарихан аниқ ва ҳаққоний даврга бориб тақалади. Демак, 60-йилларда яратилган «Кетганлар ёди бу...» (1966) шеърининг сталинизм даври — 30—50-йилларнинг ижтимоий-сиёсий ва миллий-маънавий заминидан баҳолаши ҳақиқатга хилоф эмас, балки ҳар томонлама ўзини оқлайди.

Шеърни ўқиган сайин шоир ўқинч ва надомат билан тасвирлаётган пурғам кечинмалар беқиёс миллий-маънавий йўқотишларимизнинг, кечагина халқимиз бошига тушган кўргиликларнинг «мен» қалбидидаги акс-садоси эканлигига чин дилдан ишонасиз. Ахир, қўйидаги мисралар «Бахтни куйламоққа анча моҳирман, Ғамни куйламоққа тилларим тугун» деб «бахтиёр» замонга ва адабиётга илк бор исён қилган, умумхалқ фожиаларини ёзишга бел боғлаган буюк фожианависнинг Қутлуғ Ғам китобига самимий дебеча эмасми?!

**Бу бир туш-ку ахир, шунчаки рўё,
Тасалли берардим дилга шу замон.
Бу бир туш-ку ахир, бошқа-ку дунё,
Лекин туш дердим у йиғлардим ҳамон.**

Ушбу сатрларда ва умуман шеърда «мен»нинг фожиавий аҳволини туш тарзида баён қилишдан ҳамда туш ҳолатини такрор-такрор таъкидлашдан иккинчи муҳим мақсад кўзланган: биринчидан, турғунлик йилларининг ижтимоий-сиёсий шароитида қатағонлар даври даҳшатларига очиқ-ошкор муносабатнинг иложсизлигини, иккинчидан эса халқимиз бошдан ўтказган фожиаларнинг тенгсизлигини, кўрқинч бир туш каби фавқуллодалигини ўқтириш. Шоирнинг асосий мақсади, бизнингча, бутунлай ўзгачадир. Рўёдай ғаройиб, тушдай ғайри-табиий — инсоният тарихида мисли кўринмаган ваҳшатларнинг ҳеч қандай туш ҳам, рўё ҳам эмаслигини, балки аччиқ ҳақиқатлар эканлигини шеърини таъкидлар орқали шеърга сингдириш — муаллифнинг бош мақсади. Юқоридаги шеърини парчаннинг, айниқса, сўнги тўрт сатрига синчиқлаб эътибор берилса, шунга бемаалол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Нега шоир «Бу бир туш-ку ахир, шунчаки рўё» деб турса ҳам кўрқинч «туш»ларини унутолмайди? Уэ тасаллисидан ўзининг кўнгли таскин топмаяпти. Нега «Бу бир туш-ку ахир, бошқа-ку дунё» дея айта туриб ўзи дунёнинг бошқачалигига ишонқирамайди? Ахир, ким ҳам тушида кўрганларни эслаб кўппа-кундузи йиғлаб юради дейсиз?! Бўлмаса, нега муаллиф «Лекин туш дердим у йиғлардим ҳамон» дея ўз рўёсини эслаб ўнгида ҳам фарёд чекапти? Шеърда тасдиқ ва инкорлар оҳанглири ўзаро алмашиниб, бир-бирини кучайтириб боради. Шоирона тасдиқлар ва инкорлар ўртасидаги масофа шеърда идеал даражада қисқартирилган. Лирик тазодлар яратишининг моҳир устаси бўлган Абдулла Орипов фақатгина мисралараро, сўзлараро қаршилантириш йўлидан бормайди. Балки бир ибора ёки ифоданинг, битта сўзнинг ўзидеёқ ҳам тасдиқ, ҳам инкор маъноларини жамлашга эришади. Шу боис «Бу бир туш-ку ахир, шунчаки рўё» ёки «Бу бир туш-ку ахир, бошқа-ку дунё» каби шеърини таъкидлар айна пайтда бутунлай қарама-қарши маъноларни ҳам ифодалайди. Шоир шу билан «Тушда кўрганларим ҳеч қандай туш ҳам, рўё ҳам эмас, дунё ҳам бошқача дунё эмас» дедикчи. Кези келганда, фикрни бетакрор бадийий тазодлар орқали ифода-лаш йўсини, хусусан, тасдиқ орқали инкор қилиш, ёки инкор воситасида тасдиқлаш усули Абдулла Ориповнинг сеvimли услуби эканлигини айтиб ўтиш керак. Масалан, «Ўзбекистон» мадҳиясида улуг жаҳонгир Амир Темур тўғрисида айтилган машҳур байтни эслайлик. Шоир буюк бобокалонимизни таърифлаб келиб, шундай дейди:

**Демам, бу кун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.**

«Демам, бу кун, у маним, маним» мисрасини икки хил ўқиш мумкин; биринчи, юзаки маъно — бу кун мен у (яъни Амир Темур) меники демайман, у билан фахрланмайман. Иккинчи, тағдир маъно — бу кун меники дея олмасам-да, барибир, у меникидир. Мисра сўнгидаги «маним, маним» такрори «демам»даги инкорни ҳам тасдиқлайди, ҳам инкор қилади. Ва охир-оқибат мисра кўш маъно касб этган. Биз Абдулла Ориповнинг дунёқаршидан, тарихга ва ўтмишга муносабатидан келиб чиқиб, шоир нима айтмоқчилигини, яъни қайси маъно асосий эканлигини тушунамиз.

Фақат Абдулла Орипов ижодидан эмас, умуман янги ўзбек лирикасидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Дарҳақиқат, кўш маъноли, рамзлар, тагдор образлар асосига қурилган шеърлар турғунлик йилларида даврнинг эстетик тамойилига айланганди.

«Кетганлар ёди бу...» шеърининг хулосаси муаллиф ниятини англашга ёрдам беради.

**Алам қилмас менга кемадан қолмоқ,
Уйқу-ку сўнгига бориб етганди.
Мен-ку бир манзилга тушгандим, бироқ
Кема дўстларимни олиб кетганди.**

Қанчадан-қанча алам, армон сингиган бу мисраларга... Шоир «дўстларим» деганда кимларни кўзда тутмоқда? Ногоҳ Айрилик кемаси саҳнасидаги «жами дўст-ёрон», «умрлик дўстлар» кимлар? Ана шу рамз-образ шеърдаги сирлилик пардасини бир қадар кўтаради, шеърини мақсадни янада аниқлаштиради. «Дўстлар» образи билан шоир қатағон қилинган армонли авлодлар, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носирлар сингари улўғ устозлар, муқаддас маънавий салафлар қисматига ишора қилмаяптимикин?! Айтиш керакки, Абдулла Ориповнинг ва қатор 60-йиллар шоирларининг шу йўналишдаги шеърлари ушбу ёвонга фақат тасдиқ жавобини тақозо этади.

«Кетганлар ёди бу...» шеъри руҳини ва «дўстларим» рамзининг маъно кўламини аниқ белгилашда Абдулла Орипов саксонинчи йилларда битган машҳур тўртликлардан бири анча кўл келади. Зотан, ҳар иккала шеърда афсус-надомат билан тилга олинган, бевақт йўқотилган дўстлар ўртасидаги моҳиятан яқинлик асло тасодифий эмас. Улар ҳар иккаласи ҳам шоирнинг мангу армонидир.

**Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам,
Нега нигоҳингни тортади тупроқ!
Менинг ер устида танишларим кам,
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ.**

Ҳа, «ер остидаги дўстлар» билан «Кетганлар ёди бу...» шеърдаги Айрилик кемаси қоронғу ёқларга олиб кетган «дўстлар» асли қондош, қисматдош образлардир. Ушбу рамзларда шоир қалбининг ўтли андуҳлари, энг эзгу ва ўчмас ҳасратлари ўз аксини топган. Зотан, ўттизинчи йилларнинг омонсиз бўронлари бағримиздан юлиб кетган, гуноҳкор замон халқ душманлари деб эълон қилган — аслида эса Ватаннинг чин фарзандлари, ҳақиқий фидойилари саналган зотлар, миллий-маънавий дунёимизнинг улкан устунлари бўлган сиймолар, бетакрор тарихий шахслар нафақат шеърятнинг, балки бутун халқимизнинг Буюк Армонидир.

Ғожиавий ўтмиш ва бу куннинг ўзаро муносабатини ўзига хос талқин қилиш нуқтаи назаридан Абдулла Ориповнинг теран ғожиавий руҳ билан йўғрилган «Маломат тошлари» шеърдаги шахсга сиғиниш даври жабрдийдаларига бағишланган мисралар киши қалбида ўчмас таассурот қолдиради. Бу таассурот замирида ётган афсус-надомат, ғам-алам, зolim замонларга нисбатан сўнмас қасос туйғулари фақат бугунги эмас, балки келгуси авлодлар қалбида ҳам акс-садо беришига ишонгинг келади.

**Гар буюк замонга фарзанд эрурмиз,
Адолат бирла гар пайванд эрурмиз.
Одам қадри магар буюкдан буюк,
Лекин қай дилларда маломат тугук.
Не деб сўзлаганкин, боқиб биз сари,
Бетимсол Ойбекнинг ҳорғин кўзлари!!
Сарғайган саҳфалар аро қараб тек,
Қодирий қабрини сўрар Отабек.**

Шоир сал кейинроқ эса юқорида айтилганларни ҳам халқимиз босиб ўтган хавф-хатарларга тўла, қонли тарихий йўлни ҳам умумлаштириб, шафқатсиз хулоса чиқаради. Бу фалсафий-бадиий хулосада миллий таржимаи ҳолимизнинг моҳияти ижтимоий томондан ҳам ниҳоятда ҳаққоний акс этган.

**Ҳа, қону тер билан йўғрилиб кам-кам,
Шундоқ барпо бўлди даврон муҳташам.**

Абдулла Ориповнинг маҳоратига ва беназир нигоҳига қойил қолмай илож йўқ; ўн еттинчи йилдан бошланган, нафақат ҳар йили, балки ҳар кунини, ҳар дақиқаси беғуноҳ қурбонларнинг ноҳақ тўкилган қонлари, кўз ёшлари билан йўғрилган «муҳташам даврон»ни бундан ҳам ихчамроқ, бундан ҳам лўндароқ таърифлаш, эҳтимол, имконсиздир.

«Маломат тошлари»даги бир-биридан дардманд, оғриқли мисралар қалбларни ларзага солади. Шеърда ўтмишнинг турфа ғамлари, инсоният тарихининг турли аламлари куйланади. Балки уларнинг айримларини, айтилик, «Чорасиз Машрабнинг қиёмати»ни («Чорасиз Машрабнинг қиёмати бу, Инсоннинг худога маломати бу!»), «етим Ғафурнинг маломат банди»ни («Мен одам эдим-ку, инсон фарзанди! Бу — етим Ғафурнинг маломат банди») минг бир қийинчилик билан бўлса-да, бир иложини қилиб тушуниш-тушунтириш мумкиндир.

Лекин мустабид замоннинг, Сталин истибдодининг тирик қурбони — беқиёс Ойбекнинг маҳзун-маъюс кўзларига тик қараш, Ойбек СУКУНАТИНИ англаш амри маҳол...

**Не деб сўзлаганким, боқиб биз сари,
Бетимсол Ойбекнинг ҳорғин кўзлари!!**

Лекин ўтмишимиз рамзи эмас, балки келажагимиз тимсоли беқиёс Отабекнинг ҳайратларига, дилни ўртагувчи дардли сўроқларига жавоб бериш, ненидир тушунтириш мушкулдир...

**Сарғайган саҳфалар аро қараб тек,
Қодирий қабрини сўрар Отабек.**

Турғунлик йилларининг айна авжиде «Маломат тошлари»нинг пайдо бўлиши ҳали мустақкам расмий сиёсатга қарши бориб ўтмишни «кавлаш», «беҳуда тўкилган қонлар»ни эслаш чинакам жасорат эди. Ҳақиқий ватанпарвар, миллатпарвар ва эрксевар шоирнинг жасорати эди.

**Гар қолур биздан ҳам эзгулик, карам
Лекин дегайларми бизни мукаррам!».
Мудроқ виждон учун, сохта шон учун.
Беҳуда тўкилган қанча қон учун
Заминнинг тузалмас жароҳати деб,
Мовий дунёларнинг ҳаловати деб,
Бир кун эгилмасми одамзот боши,
Бизга ҳам ёғмасми маломат тоши!**

«Маломат тошлари» (1976) битилган пайтда сохта шон-шухратлар ва ёлғонлар салтанатида қачондир, ҳатто узоқ келажакда барча қилмишлар учун жавоб беришга тўғри келиши «мудроқ виждон»ларнинг тушига ҳам кирмасди. Ўтмиш учун жилла курса афсус-надомат туйғусини, келгуси авлодлар олдидаги жавобгарлик ҳиссини бу жирканч жамият бутунлай унутиб юборганди. Фақат чин шоирларгина машъум ўтмишларнинг хунини ва эртанинг саволларига жавоб бериш даҳшатларини қалбдан сезардилар. Шунинг учун шоир юзи қаро оломонни қаттиқ огоҳлантиради: «Лекин дегайларми бизни мукаррам!». Ҳа, «Маломат тошлари» руҳан ўлик жамиятга, мудроқ халққа — оломонга қарата айтилган огоҳлантириш эди.

**Ҳар лаҳза мозийга гарчанд кетажак,
Лекин олдда кутар бизни келажак.**

Янги лирик қаҳрамоннинг маънавий оламида яқин кечмишларнинг қайғуси билан келгусидан хавотир олиш туйғулари узвий суратда туташади. Ва шоирнинг ёниқ изтироблари замирида кўпинча ана шу кечинмалар ётади — Хавотир, Нигоронлик...

**Бир кун эгилмасми одамзот боши,
Бизга ҳам ёғмасми маломат тоши!**

Мана шу хавотир шоирни бир зум тинч қўймайди. У «мудроқ виждон»ни уйғотишдан бошқа чора кўрмайди. Инсонга юзланади. Уни ўзини, ўзлигини англашга чорлайди. Инсон қалбидаги имону инсоф, эътиқоду динъат, виждон ва ҳалоллик сингари қадимий туйғуларнинг бошқатдан тирилиши учун чин дилдан илтижо қилади. Лирик «мен» инсонни барча гуноҳлардан ва маломатлардан ҳоли, ўзининг азалий маънавий баркамоллик мартабасида қўришни истайди. Агар биз кечаги қабоҳат ва разолатлар учун бу кун тавба-тазарру қилмасак, келажакнинг шафқатсиз маломат тошларидан қутилишимиз қийин.

Бироқ турғунлик даври кишига қадим Шарқнинг донишмандларига хос бу насиҳатлар етиб борармикин? Бу куюнчақ ёлборишлар, ялинишсимон илтижолар унинг муз қалбини иситармикин? Шоир кўп ўтмай қайғуриш ва куюнишларининг бефойдалигини, Сўзнинг кучи билан инсонни ўз аслига қайтариш, «мудроқ виждон»лар салтанатини уйғотиш иложсизлигини алам-афсус билан англайди. Зеро, ғайри-инсоний коммунистик диктатура ҳукмрон жамиятда, ёвуз ижтимоий-сиёсий ақидалар инсон қалбини вайрон қилган бир шароитда уни ўз аслига, эзгулик йўлига қайтариш амри маҳол эди. Инсон ўзлигидан шу даражада бегоналашган эдики, барча маънавий кишанларни синдирмасдан уни азалий моҳиятига қайтариб бўлмасди. Шу тариқа лирик «мен»нинг ишонч ва ишончсизлик, умид ва умидсизлик чегарасидаги иккиланлишларидан, оғир маънавий қийноқларидан «Оломонга» (1980) шеъри туғилади. Янги лирик тафаккурда бир қадар сокин «мудроқ виждон» тошбеҳидан анчайин ғазабли ва киноямуз «Оломон» рамзига, ўтилиши, шубҳасиз, табиий, муқаррар бир ғоявий-эстетик ҳодиса эди. Дарҳақиқат, «мудроқ виждон», «мудроқ халқ» тушунчаларининг «Оломон» хулосасини етаклаб келиши мантиқан зарурий жараёндир. Чунки оломон руҳиятининг неғизиде айна шу хусусият — мудроқлик, мутелик, кўникувчанлик туради.

**Ҳумқлар ўқилур сенинг номингдан,
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.**

**Нимасан! Қандайин сеҳрли кучсан!
Нечун томошага бунчалар ўчсан!**

**Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан эй, сен — оломон!**

Шоир оломонга қарши нега исён қилади? Сабаби, ўтмишнинг гуноҳ ва қабоҳатлари уни асло ўйлантирмайди. Оломоннинг ўтмиш билан алоқаси узилган. Унинг, умуман, ўтмиши йўқ. Оломонни эртанинг таъна-дошномлари, маломатлари ҳам чўчитмайди. Зеро, унинг келажаги ҳам йўқ. Оломоннинг тобе ва муте бу куни бор, холос. Инсон идроқининг ва ахлоқининг бирдан-бир асосини — уч замон ваҳдатини оломон олами олмайди. Уч замон бирлиги — Ўтмиш, Бугун, Келажак у учун мавжуд эмас. Оломонлик — инсоннинг ўз моҳиятини йўқотиш, ахлоқий-идроқий инқирози, тубанлашишидир. Оломонлик — инсоннинг ахлоқдан ва ақлий-маънавий хотирдан олдинги даврларга — ибтидоий-ҳайвоний бошланғичга юз ўгиришидир. Оломонлик — асл маънодаги инсонийликнинг инқоридир. Худди шунинг учун шоир оломон ҳаёт тарзига, оломон табиатида қарши чиқади. Уни ғайри-инсоний, ғайри-ахлоқий, деб эълон қилади. Миллий-маънавий ҳалокатини инқирознинг даҳшатли бир кўриниши сифатида қоралайди. Шундай қилиб, Абдулла Орипов «Маломат тошлари», «Оломонга» шеърлари билан кечагина қилган жиноятларини унутиб юбора-ёзган кўли қон жамиятни тавба-тазарруга чорлайди. Маънавий поклашишга, руҳан тозаршишга кучи етмаган авлодларни келажак кечирмаслигини башорат қилади. Александр Солженитсиннинг таъбири билан айтсак, унутганинг икки дунёси ҳам куяди.

Олис ва яқин кечмишларнинг улуғ сиймолари тақдирига мурожаат Абдулла Ориповнинг энг сеvimли мавзуларидандир. Унинг шеърларида миллий маданиятимиз ва тарихимизнинг қатор улкан, намбюндалари образини учратамиз. Муқанна, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Жалолиддин, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Лутфий, Бобур, Машраб, Фуркат Муқимий, Хамза, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор... Бироқ қатағонга учрашли адабий шахсиятлар қисмати шоирни ҳар доим чуқур уйлантирган. Уларга бағишланган шеърли шоир ижодида алоҳида бир силсилани ташкил этади. Айтиш керакки, бир қанча тенгдошларидан фарқли ўлароқ, Абдулла Орипов турғунлик йилларида, деярли барча қатли ом қурбонларига атаб марсиялар, бағишловлар ёзган. Абдулл Ориповнинг қатағон қилинган шоирларга аталган шеърлари 60—70-йиллар лирикасидаги ажойиб ва таъсирчан намуналардан десак, асло муболаға бўлмас. Ана шу шеърларнинг яна бир муҳим фазилати борки, бу ўринда уларни алоҳида таъкидлаш керак. Бу бевосита ўша шеърларда акс этган ҳақиқатлар кўлами, ҳаққонийлик даражаси билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, адабиётимизнинг армонли, фожиавий қисматли авлодига чексиз меҳр ва муҳаббат билан битилган бу асарлар нафақат юксак бадииятли, қалбларни титратувчи таъсирчан лиризм ҳамда ачиқ ҳақиқатларни ўз вақтида ҳайқириб айтиши жиҳатидан бу кун биз учун бениҳоя қадридир. Айниқса, шу кеча-кундузда қайта қуриш ва ошқоралик бошлангандан кейин, шахсга сиғиниш даври иллатларига қизиқиш кучайиб, мазкур мавзуларда кетма-кет насрий-назмий асарлар пайдо бўлган бир пайтда Абдулла Ориповнинг ўн йил, ўн беш йил, ҳатто чорак аср бурун ёзилган марсия ва исёнкор бағишловлари ўзгача бир аҳамият касб этмоқда. Масала шундаки, турғунлик даврида ёзилган ва сталинизм қатағонлари ҳамда таъкидларидан озор чеккан адибларга бағишланган ҳамма шеърларда, уларнинг тақдири етарли даражада ҳаққоний акс этган, деб бўлмайди. Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби улкан санъаткорларимизнинг образлари яратилган қатор шеърларда кўпроқ уларнинг қаҳрамонлари, инсон сифатида буюклиги, бадий тафаккуримизни бойитишдаги хизматлари куйланади. Афсуски, мана шу ижодкорларнинг бахтсизликларига, тирик қисматларига баъзан имо-ишора ҳам қилинмайди. Табиийки, кўпинча мадҳия услубида битилган бундай асарлар ҳаёти ва тақдири чигал кечган ўша адабий шахсларнинг образини тарихий-реалистик аниқлик билан ёритолмайди.

Абдулла Ориповнинг шеърларида эса бутунлай бошқача манзарага дуч келаемиз. У «тарихнинг шафқатсиз ғилдираги босиб ўтган авлод» қиёфасини мавжуд кирралари мураккабликлари билан гавдалантиришга уринади. Шоир замоннинг кечириб бўлмас хатоларини, устозларнинг аламли ва даҳшатли кўргуликларини эътибордан соқит қилишни, «унутишни» ўтмиш олдида гуноҳ деб билади. Худди шу бос Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони қўли қон, кўзларига қон тўлган қизил замонга қарши «Бетимсол Ойбекнинг ҳорғин кўзлари» билан исён қилади. Виждонни, имонни, инсофни еб юборган карахт оломонни «Қодирий қабрини сўрар Отабек» дея сўроқ қилади. Шундай шеърлари орқали шоир фақатгина миллий ғурур туйғулари эмас, балки алам, миллий армон ҳислари ҳам миллат маънавиятининг ажралмас қисми бўлиши зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди. Демак, Абдулла Ориповнинг бу йўналишдаги шеърларида миллий фахр ва армон, миллий ғам ва ифтихор туйғуларининг ўзаро туташиб кетиши, узвий тарзда намоён бўлиши тасодифий эмас. Айни шундай руҳ шоирнинг бу мавзудаги аксарият шеърларида ҳамиша устивор.

Агар синчиқлаб эътибор берсангиз, машҳур «Баҳор» шеърда устоз Ғафур Ғулум ва устоз Мақсуд Шайхзода вафотига бағишланган парчаларда муаллиф нафақат ҳар иккала санъаткорнинг адабий тақдирига, ижодий мавқе-мартабасига муносабат билдиради, балки уларнинг бир-биридан фарқли, ўзига хос ҳаётий қисматларини алоҳида таъкидлаб, айтиб ўтади.

**Ҳамсўхбат бўлмадим (ким эдим зотан),
Тавоб ҳам қилмадим гулшан маконинг.
Лекин шеър баҳоси муҳлисгадир тан,
Қандай чексиз эди руҳий поёнинг!
Бугун-чи, не кезар ўтли қонингда!
Эвоҳ, унда на шеър, на май, на сафо.
Бу қандай мулоқот! Не ҳол! Ёнингда
Жой олмиш ўзга бир суюқлик даҳо.
Беқиёс эди у шеър лочини!
Хаёли бамисли Кўрагонийдек.
Ғар тарих эврилса шухрат тожини
Унга кийгизарди Султон Улуғбек.
Балхдан ҳориб қайтган Алишер мисол
Энди тўлғизганди чўккан давотин.
Кетди пок бир сиймо, теран бир хаёл,
Қолдириб дунёда ҳеч ўчмас отин.**

Устозлар руҳига самимий эҳтиром, чўнг бир меҳр билан битилган ушбу мисралар қалбимизда уйқаш туйғулар уйғотади, оҳангдош таассуротлар қолдиради: тенгсиз йўқотишлардан афсусланиш, беқиёс таассуф, ўкинч, надомат... Бироқ чуқурроқ ёндашилса, шеърда мана шу санъаткорлар тақдиридagi фарқлар ҳам назик айтиб ўтилганини сезиш қийин эмас. Юксак тараннум ва тантанавор марсия услуби Ғафур Ғулум умрининг сурурини ифодалашга анча қўл келганидай, айни чоғда Шайхзоданинг ғамгин таржимои ҳолини, ҳаётининг суронларини очишга ҳам монелик қилмайди. Агар «О, сурур куйчиси, донгдор замондош» хитобида Ғафур Ғулумнинг ҳаётий ва ижодий йўли маҳорат билан умумлаштирилган бўлса, «Балхдан ҳориб қайтган Алишер мисол Энди тўлғизганди чўккан давотин» мисралари омадсиз Шайхзоданинг сургун ва қамқорларда кечган, Сталиннинг ўлим лагерларида узилмаган умрига энг уйғун эпитет — ўхшатишдир. Абдулла Орипов Шайхзоданинг фожией қисматига тарихдан мисол излаган ва топган: унинг қамқондан эсон-омон кутулиб қайтиши ҳазрат Навоийнинг Балх сургунидан қайтиб келиши билан қиёсланган. Бу қиёс орқали ҳамда барча замонлар эрксевар инсонларни, хусусан, шоирларни, сиғдирмаган, қадрига етмаган,

деган азал-абдад ҳақиқат ифодалаган. Муаллиф биргина шу муқояса билан чекланганда эди, эҳтимол, бир қадар фикрнинг маҳдудликка йўл қўйган бўларди. Зеро, бу қиёслар ўз моҳиятига кўра, тўғрироғи, қиёсланадиган замонлар ўз ижтимоий-сиёсий табиатига кўра унчалик тенг ва муқобил эмас. Улар ўртасида ер билан асмонча фарқ бор. Зеро, Шайхзода замони Навоий замонидан анча шафқатсизроқ, беҳад даражада ёвузроқ. Абдулла Орипов ана шу ҳақиқатни — Шайхзода замонининг фавқуллоддигини, омонсизлигини таъкидлаш учун ҳам ўтмишдан, эҳтимол тариқасида бўлса ҳам, яна бир мисол келтириб ўтади:

**Беқиёс эди у шеър лочини!
Хаёли бамисли Кўрагонийдек.
Гар тарих эврилса шўҳрат тожини
Унга кийгизарди Султон Улуғбек.**

Бу парчада фақат Шайхзоданинг Мирзо Улуғбек образини беназир бир маҳорат билан яратганлигига ишора қилинмаяпти. Балки Шайхзодаларни, барча ҳур ва зиёсевар инсонларни ҳўрлаган, нобуд қилган мустабид замон билан тарихимизда маърифат ва адолат асридай шўҳратли Султон Улуғбек замони қаршилантиради. Ва бу тарихий-фалсафий тазод Шайхзода қисматини ва фожиасини очишга, янада таъсирироқ гавдалантиришга хизмат қилади.

«Қону тер билан йўғрилган» давронга, зolim замонга муносабатини Абдулла Орипов кўпинча шу тариқа — образли шаклда, тағдор қилиб ифодалайди. Унинг Абдулла Қодирийга, Усмон Носирга, Абдулҳамид Чўлпонга, Ойбекка, Миртермирга, Шайхзодага ва қатагон қилинган бошқа иждокорлар хотирасига аталаган дардаш мисраларида, чексиз бир муҳаббат алангасида исинган шеърларида ҳамда поёнсиз бир нафратнинг, енгиб бўлмайдиган шиддатли ғазабнинг тафтини сезасан киши. Давру давронга нафратинг... Қонхўр замонга нафратинг... Лирик «мен» маънавий оламида муҳаббат ва ғазаб бирлиги шoir эътиқодининг пойдорлигини, лирик кайфиятининг кўламини белгилайди. Ҳақиқий ва Ҳаққоний шеърят замонларнинг узилган ришталарини улоччи, бегонасираган авлодларни бир-бирига яқинлаштириб, қондошликни тикловчи маънавий-эстетик унсур эканлиги яна бир қарра аён бўлади.

Устоз Миртемир хотирасига бағишланган, теран мунг, ёниқ ҳасрат билан суғорилган «Карвон» шеърда ҳам Абдулла Орипов ўз дастхатига содиқ қолган. Ҳаётнинг турли-туман зарбаларидан, замон маддоҳларининг ҳужумларидан дили озор чеккан, «ёруғ кунларни бедор кутган» ғамзада шoir қалбининг изтиробларини чин кўнгилдан ҳис қиламиз шу мисраларда:

**Жиндеккина нозик феълингиз билан
Сокин бир кўнғироқ чалиб ўтдингиз,
Еруғлик кунларни бедор кутдингиз,
Дардлашдингиз фақат элингиз билан.**

**Нечоғлик хокисор эдингиз, устоз,
Ялангтўш, меҳнаткаш, қалам дехқони.
Қадим Туркистоннинг танти ўғлони,
Покиза эдингиз мисли оқ қоғоз.**

Шеърнинг илк бандларини ўқиган сайин Миртемир домланинг алғов-далғовларда, таъкибу қувгинларда, «пучак жонлар», «аҳли бедодлар» кийноғида ўтган умри кўз ўнгимизда гавдаланади. Ёвуз инсоний-ҳайвоний муносабатлар шароитида («Улар ҳар мўминга ташланар эди, Ташланмаса дили ғашланар эди») оқкўнгил, софдил кишиларнинг кун кечирishi тасаввур қилиб бўлмас даражада оғирдир. Хаёлингизга келтиринг: чор атроф бурқсаган, айниган, бепеён маънавий ботқоқ... Бундай жамиятда нафақат курашиш, енгил, ҳатто нафас олишнинг, имон ва виждонингга, ўзлигингга хиёнат қилмасдан яшашнинг ўзи ҳам чинакам қаҳрамонлик, ўзига хос мардоналик ва жасорат эди!.. Сталинизм ҳукмрон чоғларда улкан бир мамлакатни қабоҳат ва разолатлар бошқараётган маҳалларда Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Миртемир сингари софдил ва муқаддас инсонлар турли туман иллатларга кўмилган жамиятнинг Поклик, Одамайлик, Софлик, Эзгулис Ороллари эди!..

Шеърдаги ҳар бир мисрада Миртемирнинг инсон ва санъаткор сифатида муайян қирраси гавдаланади.

Покиза эдингиз мисли оқ қоғоз.

Бу шеърдаги шўх мисрадир. Абдулла Ориповнинг бадий нияти ҳамда Миртемирнинг маънавий қиёфаси унда тўлиқ ифодаланган. Фақат шуларгина эмас. Муаллиф ўз қаҳрамони фожиасининг сабабларини, тўғрироғи, жоғей қисматининг муқаррарлигини таъкидлайди. Миртемир ва замон зиддиятининг түб илдизларини, моҳиятини очиб ташлайди: қоп-қора даврон қоғоздай оппоқликни, сотқин ва хонин муҳит оқкўнгилликни, ифлос ва булғанч ҳаёт эса покиза бўлишни кўтармайди.

Айтиш мумкин, қатагонга учраган аксарият иждокорларнинг омадсизлиги, жоғивий қисматларидаги ўхшашликлар шу нуқтада туташади: давр иллатларига буйин эгмаслик. Абдулла Ориповнинг қатагон қилинган иждокорларга бағишланган шеърларида ушбу ҳақиқатнинг инъикосини кўриш мумкин. Бу жиҳатдан Миртемир тўғрисидаги «Покиза эдингиз мисли оқ қоғоз» сатри билан ҳали тилга олиб ўтганимиз «Бетимсол Ойбек» ва Шайхзода ҳақидаги «пок бир сиймо, теран бир хаёл» иборалари ўртасидаги уйғунликни тасодифга йўйиш қийин. Аён бўладики, жабр ва қўрқувга, ёлғон ва алдовга асосланган жамиятда барча маънавий фазилатлар, ботиний-ахлоқий қадриятлар нафақат ўз қимматини йўқотади, қадрсизланади, балки инсонни ҳалокатга элтувчи акс хислатга айланади. Қабҳ амаллар ва разолатлар дунёсида эзгуликнинг маҳви муқаррардир. Замонга мослашишни истамаганларни, давр йўриғига юрмаганларни, яъни маънавий ўлимга кўнмаганларни — жисмоний ўлим кутади. Сталинизм дунёсининг таомили, бузилмас «ҳаёт» қонунини шундай эди. Бу темир қонун ўзининг яккаю ёлғиз «ўлим» деган мантиғига суянарди. Инсонни ёки инсонда инсонликни ўлдирishга қаратилган бу ёвуз диктатура бутун бошли мамлакатни ўлик-

лар салтанатига айлантиришинининг сабаби ҳам шу. Уша вақтда — 30—50-йилларда ҳам, бу кун ҳам жамият маънавий ўлим ҳақида жиддийроқ ўйлаган эмас. Жисмоний ўлим ваҳимаси бунга имкон бермаган. Шунинг учун биз қатағон қурбонлари деганда ҳамнавий ўлимни эътибордан соқит қилаётимиз. Ваҳоланки, маънавий ўлим оқибатлари ва миқёси янада даҳшатлироқдир. Фожиа ва йўқотишларнинг ана шу қатламларигача етиб бориш, эҳтимол, сўз санъатининг келгуси вазифаларидандир.

Абдулла Ориповнинг бевақт кетган устозлар руҳига сиғинишсимон бир эҳтиром билан битилган бағишловларида тушунтириб бериш жудаям қийин, сўзлар орқали ифодалаб бўлмайдиган маҳзун бир кайфиятни хассос шеърхон тудди.

Шоир устозларнинг эзгу армонлари, аини авжида узилган орзулари келгуси авлодларга, бўлгуси асрларга ҳам етиб боражагига чин дилдан ишонади. Янги лирик қаҳрамоннинг маънавий оламида қувончдан кўра ўқинчининг, орзумандликдан кўра ҳасратнишинликининг, умуман, орзулардан кўра армоннинг етакчи кечинма даражасига кўтарилиши ана шу билан изоҳланса керак.

«Сизнинг армонингиз яшар қароғда»... Ҳа, бу аламли қасамёд фақат Миртемирга эмас, балки мустабид замон тақдирини чил-чил синдирган барча маънавий салафларга қарата айтилган эди. Гап шундаки, уларнинг номини ҳам турғунлик йилларида бемалол тилга олиш мумкин эмасди. Тасодифий эмаски, турғунлик даври лирикамизда Абдулла Қодирийдан кўра унинг қаҳрамонлари — Отабек ва Кумуш кўпроқ куйланади. Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон номларини эса ўша давр шеърларида, деярли учратмаймиз. Фақат Абдулла Ориповнинг олтмишинчи йилларда ёзилган «Ёзажакман» радифили машҳур ғазалида бир байт бо...

**Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўпдир,
Хўбдир бариси, равшани — чўлпон ёзажакман.**

Шоир бу сатрлар орқали нима демоқчи? Гап ҳақиқатан ҳам осмон элининг турфа-туман юлдузлари ҳақида бормоқданикин? Чиндан ҳам «Чўлпон» фақат юлдузни англатармикин? Бу ва бошқа қатор саволларга жавоб бериш учун шеърни батафсилроқ таҳлил қилишга тўғри келади.

Эсингизда бўлса, ғазал ижодкор ва дунё, шоир ва замон ҳақидаги теран ҳамда эҳтиросли ва ғазабли мисралар билан бошланади. Аини шу асабий шиддат лирик кайфиятнинг мазмунини англашга ёрдам беради.

**Дўстлар, демангиз мен шеър достон ёзажакман,
Мен шеър достон ичра бир афғон ёзажакман.**

Шоирни ич-ичидан кўйдирадиган дардин тушунишга уринайлик. Нега у, мен шунчаки достон эмас, балки афғон ёзажакман, дея куюнади? Бу афғон, нимадан, қайси аламлардан туғилган? Лирик «мен»ни бутунлай мувозанатдан чиқарган, жунбушга келтирган бу ўтли ғамнинг илдизлари қаерда? Лирик қаҳрамоннинг аламзада кайфияти нега бошқаларда ҳайронлик уйғотади?

**Ҳайрона боқур бу маним аҳволима ҳар ким,
Мен эрсам ўзгалар аҳволига ҳайрон, ёзажакман.**

«Мен» эса бошқалар аҳволига ҳайрон... Бу ўзаро ҳайронликиннинг боиси не? Лирик «мен» ва муҳит орасидаги «тушунмовчилик»нинг аниқ сабаби бормикин? Шунга сабаб «мен»нинг муҳитдан ҳайрон бўларлик даражада ўсиб кетганимикин? Еки теварак муҳитнинг лирик қаҳрамон аҳволини англашга ожизлик қилишимикин?! Умуман, ушбу қарама-қаршилик Абдулла Ориповнинг аксарият буюк шеърлари, айниқса, илк лирикасида кўп учрайди. Шоирнинг олтмишинчи йилларда қоғозга тушган машҳур тўртликларидан бирида ҳам мазкур зиддиятнинг бир қадар кескинроқ ва киноаомуз оҳангда ифодаланганини кўраемиз.

**Булбул ўгай эрур соғлар орасида.
Югурик сув ўгай тоғлар орасида.
Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз
Ўгай бўлсак не тонг соғлар орасида.**

Ушбу тўртликда тасвирланган ҳолат юқорида келтирилган байтда «мен» ва «ўзгалар» ўртасидаги «ҳайрон»ликин тушунишга кўмаклашади. Яъни, булбул соғлар, югурик сув тоғлар, «муҳаббат дардидан бемор қалблар» соғлар орасида ўгай бўлгандай, «мен» ҳам «ўзгалар» орасида шунчалар ўгайдир. Шоир ва муҳит ўртасидаги бегоналикнинг, яна-да аниқроғи, қарама-қаршиликнинг образли ва эсда қолавери ифодаси бу. Тасодифий эмаски, муаллиф кейинги байтда «мен»ни шоир деб атайди:

**Шоир дилига қилма ҳавас, бут эса бағринг,
Шоир юрагин донмо вайрон ёзажакман.**

Абдулла Орипов «Шоир» деганда, табиийки, фақат ўзини, ўз дардманд ҳолатини кўзда тутмаган. Ғазалдаги умумий кайфият шунга далолат қиладики, муаллиф шоир қалбининг вайронлигини таъкидлар экан, биргина ўз аламларини тўкиб солмасдан, умуман, санъаткор қисматини куйламоқчи. Мазкур байт ҳам «Ёзажакман» ғазалининг аини шоир фожияси ҳақидаги асар эканлигини далиллайди.

**Солди дилима қанча алам у шўхи бадхў,
Биламанки, ахир қай бири қурбон, ёзажакман.**

«Мен» дилига чексиз алам солган «у шўхи бадхў» шоирлар фожиясининг классик номидир... Кейин эса буюк Чўлпоннинг муборак номи муҳрланган байт келади.

**Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўпдир,
Хўбдир бариси, равшани — чўлпон ёзажакман.**

Бу мисралар орқали ғазалда фақат муаллиф ўз аламларини ва умуман санъаткор қисматининг фожиавийлигини эмас, балки муайян бир омадсиз шоир тақдири хусусида куюниб сўзлаётгани аён

бўлади. Абдулла Орипов «чўлпон» образи билан сўз ўйини қилади. Ҳа, «чўлпон» фақат юлдузнинг номи эмас. Ҳушёр ўқувчи ушбу сатрларда биргина самовий юлдуз ҳақида эмас, балки миллий-маънавий эътиқодимизнинг йўлбошчиларидан, шеърятимиз осмонининг юлдузларидан бири — XX аср бадий эстетик тафаккуримизнинг тонг юлдузи Абдулҳамид Чўлпон тўғрисида сўз кетаётганини тушунади. «Чўлпон» истиорасини «ёзажакман» таъкид — радифи билан ёнма-ён келиши байтнинг маъно уфқларини янада кенгайтирган. Муаллиф шу орқали ўзининг Чўлпон руҳига чексиз муҳаббатини, Чўлпон йўлига садоқатини ҳам ифодалаган. Қолаверса, Абдулла Ориповнинг «чўлпон» номи эзир этилган тагдор сатрларида Абдулҳамид Чўлпоннинг ўзининг машҳур мисраларига ҳам ишора бор.

**Муҳаббат осмонида гўзал чўлпон эдим, дўстлар
Қўёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.**

Ҳақиқатан ҳам «Ёзажакман» ғазалида миллий армонимиз — бир пайтлар маънавиятимиз осмонида порлаган гўзал Чўлпоннинг зулмат салтанатига тоқат қилолмай «ерга ботиши» алам билан эсланадики, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Абдулла Ориповнинг қуйидаги дарғазаб сатрлари ҳам ана шу ишончни мустаҳкамлайди:

**Сен шеърга қўлинг чўзмагил, эй жоҳили ноқас,
Бўлсанг-да худо, номингни шайтон ёзажакман.**

Бемалол айтиш мумкинки, «эй жоҳили ноқас» хитоби кимгадир қаратилган эмас. Бунда аниқ биров, муайян бир шахс кўзда тутилмаган. «Мен» замонга қарши исён қиляпти. «Жоҳили ноқас» деб мустабид тузумни атаяпти. «Бўлсанг-да худо, номингни шайтон ёзажакман» шарманда салтанат пешонасига битилган ғазабли айбномадир. Ғазалнинг поэтик мантиғи ва пафоси шундай жиддий хулоса чиқаришга ундайди, Зеро, «Ёзажакман» кимдандир, ҳатто каттақон арбоб ёки раҳбардан хафа бўлиб ёзилган шеър эмас. Балки Абдулла Ориповнинг шеърни ва шоирни поймол қилган, инсон шахсини ва эркини оёқости қилган ёвуз жамиятга, «пучак жонлар», «аҳли бедодлар» дунёсига қаратилган алангали исёндир.

Ғазалнинг сўнгги байтларида шоирона ғоя теранлашиб, маъно кўлами янада кенгайди. Бадий фикр санъат ва санъаткор фожиасидан умумхалқ фожиасини қамраб олишгача ўсади. Уз сара фарзандларини, асл ўғлонларини асраёлмаган миллат — озод миллат эмас. Фақат мустамлака зулм остида инграётган қарахт халқгина буюқ фарзандларининг қурбон бўлишига чидайди. Шоир шу боис қон қақшаб, жувонмарг бўлган ўғлонлар, армон билан кетган устозлар руҳига қасамёд қилади. Уларнинг орзу-армонлари беиз кетмаслигига, шаҳидларнинг ўзилган умрини ҳам номус билан давом эттиражигига ишонтиради:

**Бошингга агар қўнса шу кун шарпан иқбол,
Пойингга, элим, бош уриб қуръон ёзажакман.
Қўлдир демангиз гарчи номи Абдулла эрурман,
Расул ҳам эмас, йўқ ҳали унвон ёзажакман.**

Абдулла Орипов қатли ом йилларининг, қора ўтмишнинг мунгли хотироти ҳақидаги шеърлари билан адабиётимизни бутунлай янги йўлга бошлади. Миллий тафаккурни истиқлол орзулари томон буриб юборди. Зотан, шаҳидлар хотирасини азиз тутиш — миллий озодлик курашининг дебечасидир!..

аз-Замаҳшарийнинг «Нозик иборалар» китобидан намуналар

Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар пировардида қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифторм бўлғуси.

Ўрмонларда арслонлар, боғларда илонлар бўлишининг ҳеч бир ажабланарлик жойи йўқдир.

Вақти-соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдада ҳеч қандай хайрлик бўлмас.

Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари томонидан ислоҳ қилинур, чунончи, еру кўк фақат ўз теграси қутблари атрофида айланарлар.

Сахий ва сидқидил кимсанинг дилидан бошқа нарсани сирларинг сандиғи қилма.

Бахилу хасиснинг қўли очилмас, токи тил билан қаттиқ гапирилмагунча, тоғдаги бойликларни қазиб бўлмас, токи темир билан қаттиқ урилмагунча.

Сийратини гўзал сифат ва хулқлар безамаган одам, қанчалик чиройли кийинмасин, барибир кўркам бўла олмайди.



Исломбек Турсунов

ТУРКИСТОН ВА ТАШҚИ ДУНЁ

Собиқ иттифоқдаги барча жумҳуриятлар томонидан давлат мустақиллиги эълон қилиниши уларга туташ бўлган минтақаларда сиёсий вазиятни ўзгартириб юборди. Бу аҳвол айниқса бешта мустақил давлатни ўз ичига олган Туркистонга тааллуқлидир. 1991 йил охирига келиб, бу ерда одатдагидек бўлмаган сиёсий мувозанат сезила бошлади.

Туркистон жўғрофий жиҳатдан улкан қитъа ўртасидаги ўлка саналади. Бундан ташқари бу ер дунёдаги учта йирик маданият: шимолдаги христиан, шарқдаги будда, жанубдаги ислом маданияти туташган жойдир. Бу сиёсий мувозанат 1865 йилда Россия Туркистонни босиб олиши билан бузилган эди. Шундан бери минтақада мунтазам танглик ҳолати кузатилиб келинди. Эндиликда инсоният тарихидаги энг сўнгги империя тугаганидан кейин бу одатдагидек бўлмаган сиёсий мувозанат собиқ, лекин таг-туғи билан йўқ бўлиб улгурмаган империянинг маълум доираларида ташвиш туғдира бошлади. Бу биринчи навбатда Россия билан иттифоқни узмаслик кераклиги ҳақидаги даъватларда ўз ифодасини топяпти. Бу эса ўз навбатида халқ оммасининг кенг қатламлари орасида мустақиллигимизга шубҳа билан қараш кайфиятини туғдирди. Фақат Ўзбекистон мустақиллигини жаҳоннинг юздан ортиқ давлати тан олиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилингандан кейингина бундай шубҳа-гумонларга ўрин қолмади.

Халқ орасида пайдо бўлган шубҳа-гумонларнинг бошқа сабаби ҳам бор. Одатда ҳар бир давлат мустақиллигини эълон қилиши билан ташқи сиёсат йўлини баён этиши керак. Бизда эса бундай қилинмади.

Хўш, 135 йилдан сўнг ўз мустақиллигига эришган Туркистон давлатларининг ташқи сиёсати қандай бўлиши керак? Бугунги кунда бу масаланинг мазкур ўлкада яшаётган халқлар учун нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини баҳолаш қийин.

1648 йилдаги Вестфаль яраш битимини эслайлик. У Оврўпадаги узоқ давом этган ва кўп қон тўкилган, дунё тарихига ўттиз йиллик уруш деган ном билан кирган урушнинг якуни бўлган эди. Диний ва сиёсий тусда бўлган бу урушга Оврўпанинг барча давлатлари жалб этилган эди. Қитъада тинчликни барқарор қилган Вестфаль шартномаси инсоният тафаккурининг мўъжизаси ва ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг чинакам пойдевори бўлган эди. Вестфалдаги яраш битими икки диний соҳага — протестантлар ва католикларга бўлиниб кетган Оврўпада ислохотлар жараёнини барқарор қилди. Жуда жанжалли бир вазиятда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга муваффақ бўлинди. Вестфаль шартномаси унинг барча қатнашчиларининг «худоудга эгалик қилиш ҳуқуқини ва устунлигини» тан олибгина қолмай, балки диний эътиқоди ва давлат тузуми шаклидан қатъий назар барча Оврўпа давлатларининг тенг ҳуқуқлигини қайд этди.

Эндиликда собиқ Иттифоқ жумҳуриятлари ўртасидаги ҳар қандай битим улар ташқи сиёсатида даҳлдор бўлади. Агар 1991 йилда ноябрь ўрталарида кўпчилик жумҳуриятлар у ёки бу даражада равшан ва қатъий қилиб, ўз ташқи сиёсат йўллариини белгилаб олган бўлсалар, Туркистон минтақасидаги давлатларнинг ташқи сиёсати ҳозирча муаллақ бўлиб турибди, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, Туркистон ҳозир ўз тарихининг энг масъулиятли даврини бошдан кечиряпти. У ўз мустақил ташқи сиёсатини белгилаб олиши керак.

Бизнингча, агар Туркистон ташқи сиёсатида Шимол билан сиёсий иттифоқ йўли

давом этказиладиган бўлса, яна сиёсий мувозанат бузилади ва бу минтақада ишончсизлик муҳити ҳумкрон бўлади. Бу мувозанат бузилишининг Туркистон учун оқибатлари эса қувонарли бўлмайди. Сабаби, халқаро муносабатларда бир гуруҳ давлатларнинг сиёсий иттифоқи иккинчи бир гуруҳ давлатга қарши туришни билдиради. «... Шу боисдан агар маълум миқдордаги давлат бир оила бўлиб бирлашса, у ҳолда бу иттифоқ индивид сифатида қарши томонни яратиши ва ўзига душманни юзага келтириш керак», деб ёзади Гегель «Хуқуқ фалсафаси» асарида. Бошқача айтганда, Туркистон бундан буён шимолдан жанубга томон бўладиган ҳарбий юришларда кўприк вазифасини ўтамаслиги керак. Бундай ҳарбий юришлар қандай натижалар билан тугаши эса Афғонистонда ўн йилдан ортиқ давом этган, миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг умрини ҳазон қилган қонли уруш яққол кўрсатди.

Ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг шаклланишида иқтисодиётнинг аҳамияти катта. Ташқи сиёсатнинг миқёси давлатнинг иқтисодий қудратига мутаносиб бўлади. Туркистон қитъа ичидаги минтақа саналади, бу эса унинг иқтисодиётидаги ғоят заиф томондир. Шу боисдан бу жўғрофий чекланганлик унинг ташқи сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Туркистон ташқи сиёсатида жаҳон савдосида фаол иштирок этиш муҳим қоида бўлиши керак. Халқаро савдода эса 80 фоиздан ортиқ юк океанлар орқали ташиллади. Туркистон учун океанга чиқишнинг энг қисқа йўли — жанубдаги қўшни мамлакатлар ҳудудидан ўтади. Шундай экан, бизнингча, ташқи сиёсатимизни шимолдаги қўшимизнинг хоҳиш-иродасига мослаштиришга интилсак, бугун бўлмаса, эртага биз учун жанубдаги савдо йўллари беркилиб, жаҳон иқтисодий кенгликларидан узилиб қолишимиз, осмондан тушгандай берилган мустақиллигимиздан айрилиб, яна Россиянинг хом ашё манбаига айланиб қолишимиз мумкин. Маълум ҳудуд билан чекланган ва ўзида дунё бозори нафасини сезмайдиган иқтисодиёт эса ҳеч қачон ривожланмайди.

Халқаро муносабатларнинг моҳияти шундан иборатки, у мутлақ мустақил давлатларнинг иродаси билан белгиланади ва бу демак, ташқи сиёсатда хавфсизлик масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этади. Биз бугунги мустақиллигимиз шароитида нигоҳимизни шимолга ўгирсак ва Россиянинг ҳарбий қудратига таянган ҳолда иш тутсак, нисбатан осон йўлни танлаган бўламиз. Бу осон йўл эса эртага бизни чинакам миллий тараққиётдан маҳрум қилиб қўйиши мумкин.

Россия замонавий қуролларни бошқа жумҳуриятлар ҳудудидан ўз ҳудудига кўчириб олиб кетиб, ўз хавфсизлигини таъминлади ва бир пайтнинг ўзида қўшни давлатларга нисбатан ҳарбий устуңликка эга бўлиб олди. Бошқача айтганда, Россия собиқ иттифоқдош жумҳуриятларга нисбатан устамонлик қилди, бунда унга Совет Армияси офицерларининг тўқсон фоизи россияликлар бўлгани қўл келди. Россия томонидан амалга оширилаётган бу ва яна бошқа зўравонлик хатти-ҳаракатлари унинг ташқи сиёсатига ҳамон империячилик кайфиятида юрган шахслар таъсир кўрсатаётганлигини билдиради, мустақил давлатлар уюшмаси истиқболга бўлган шубҳани кучайтиради. Аммо муносабатлардаги мавжуд адолатсизликларга қарамасдан, мустақиллик — Туркистон учун буюк ҳодисадир.

Соф иқтисодий жиҳатдан қараганда ҳам Россия билан иттифоқ фойдали, деб бўлмайди. Сабаби, мазкур мамлакат ҳудуди аҳолисига нисбатан ниҳоятда катта, ноўрин харажатлари кўп. Бу вазият мамлакат аҳолисини мунтазам танг ҳолатда тутиб туради. Қисқаси, Россия оғир қарвон, у билан иқтисодий муносабатларни кучайтиришнинг фойдасидан зарари кўп бўлиши мумкин. Бу мамлакат билан иттифоқ бўлиб қўлга киритадиган хавфсизлигимиз эса бизни чинакам тараққиёт йўлидан маҳрум этиши мумкин бўлган шубҳали бир нарсadır.

Таниқли рус файласуфи Николай Бердяев «Россия тақдири» асарида шундай деб ёзади: «Рус халқи улкан кенгликларга жуда осон эга бўлиб олди, лекин дунёдаги энг улкан давлатга бу кенгликларни ташкилий жиҳатдан қовуштириш, унда тартибни сақлаш ва муҳофаза қилиш осон бўлмади. Бунга рус халқи кучининг катта қисми кетди. Рус давлатининг ҳажми рус халқи олдига чоғи келмайдиган вазифаларни қўйиб, уни беқиёс танг аҳволда тутиб турди. Ўз давлатини тузиш ва муҳофаза қилишдек улкан иш рус халқи куч-қувватини қуритди. Эҳтиёжлари ортиқча эркин кучни жуда оз қолдирар эди. Рус эса рус кишиси ҳаётида ноҳуш из қолдирди. Руслар қувоних нима эканлигини қарийб билмайдилар, дейиш мумкин. (Ўзи осон босиб олган ерлардаги халқларга ишончсизлик унга хос миллий феъл-атвор бўлиб қолди.) Бу табиий, чунки рус халқи мунтазам мустамлака халқлар томонидан қарши зарба берилишини кутиб яшади».

Бундан ташқари ислом мамлақати сифатида мустақил Туркистон олдида тарихан қийин давлат қурилиши вазифаси турибди. Гап шундаки, соф ислом типидagi давлат жаҳон тараққиётининг замонавий талабларига жавоб бермайди. Умуман жаҳондаги давлат тузилиши шакллари орасида ислом давлатини истисно тариқасидаги ўзига хос фавқуллодда давлат шакли дейиш мумкин. Бу демак, ушбу масалалар туркумини ҳал қилишда ҳам ҳали иккиланишлар бўлиши мумкин. Бироқ бу ерда шу нарса аниқки,

ташқаридан зўравонлик билан олиб келиб тиқиштирилган, шу пайтгача мавжуд бўлган совет давлат тузуми Туркистон жамиятининг руҳий маънавиятига тўғри келмайди.

Эркин жамиятнинг ҳар қандай давлат тузуми ўз ахлоқига муносиб бўлишга интилади. Мабодо давлат тузуми ташқаридан келтирилган бўлса, демак, халққа бегона бўлса, у ҳеч қачон унинг равнақига ва камолотига хизмат қилмайди ва эртами-кечми халқ миллий руҳини қаноатлантирадиган ҳолатга келади. Ана шундагина давлат тузуми замини динида бўлган жамият ахлоқига мувофиқ бўлади ва халқи ўз виждонига мувофиқ яшай бошлайди.

Ҳар қандай жамият дунёвий ҳуқуқий давлатга интилиши керак, лекин уни ислом жамиятида қарор топтириш осон иш эмас. Ҳар ҳолда халқ давлат тузуми ўз фаолияти натижаси эканлигини ҳис қилиши керак. Бу халқига манзур бўлишни истайдиган ҳар қандай давлат олдига қўйиладиган оддий талабдир.

Аслида давлат ҳам ахлоқдир, фақат у алоҳида шаклда — қонунлар шаклида ифодаланади. Хўш, Туркистон ҳозирги мавжуд давлат тузуми масалаларини оқилона ҳал этиш учун қайси халқлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши керак? Ўз-ўзидан шундай жавоб пайдо бўлади: Туркия билан яқиндан ҳамкорлик қилиш керак. Шу маънода ҳозирги пайтда Урта Осиёдаги кўпчилик давлатлар, биринчи навбатда Ўзбекистон, тараққиётнинг Туркия моделини танлаб, бу мамлакат билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни кучайтираётганликлари ғоят таҳсинга лойиқ ҳодисадир.

Туркия ислом дунёсида ўзида ғарб намунасидаги дунёвий ҳуқуқий давлатни барқарор қилган ва жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар сафига қўшилган ягона мамлакатдир. Бу жараён чинакам ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлди ва Туркия тарихида бутун бир асрни эгалладиди, мана шунинг ўзи муаммонинг қийинлиги ва жиддийлигини кўрсатади. Хуллас, бундан буён бу давлат билан муносабат Туркистон учун устун даражада аҳамиятга эга бўлиши керак.

Туркистон ташқи сиёсати учун унинг ички ҳолати билан боғлиқ муаммолар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда биз ташқи сиёсат ҳақидаги мулоҳазаларимизда Туркистон таркибига кирган мустақил давлатлардан бири — Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ёки Туркманистонни эмас, балки ягона субъект — Туркистонни назарда тутаётганлигимиз тасодифий эмас. Туркистон, инкирозга учраган марксизм-ленинизм назариясида айтилганидек, ўлка тарихан қолақ бўлганлиги, ижтимоий-иқтисодий формациянинг қандайдир ноаниқ босқичида турганлиги ва аҳолисининг асосий кўпчилиги бир синфга мансублиги учун ягона бўлган эмас, аксинча, бу оллоҳнинг иродаси бўлган. Бошқача айтганда, сув анча тақчил бўлган экологик система шуни тақозо этган. Мустамлакачилар бу вазиятни тушунган ҳолда, бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил, шиорига биноан, ўлкани ҳудудларга ва миллатларга ажратиб ташладилар. Ўлкадаги икки катта дарё — Амударё ва Сирдарё сувини тала-тала қилиш ҳам аслида ана шундан кейин бошланди. Шунинг учун ҳам биз ўлкани тарихий номи билан Туркистон деб атаёмиз.

Ҳа, Россия бундан 125 йил аввал ўлкани мустамлака қилиб олгач, унинг ижтимоий ва табиий бирлигини йўқотиш учун ҳамма ишни қилишга улгурди. Бироқ эндиликда бу вазият тарих бўлиб қолаётганга ўхшайди. Бугунги кунда Туркистон халқларининг тарихий, миллий, диний бирлиги қай аҳволда бўлмасин, мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги мавжуд воқеликдир, у ўзгармас бўлиб қолиши керак. Бу ерда бошқа нарсаси муҳим. Ташқи кучлар воситасида амалга оширилиб келинган бўлиб ташлаш ва орага низо солиш жараёни тобора кенг миқёс олиб кетмаслиги ва келгусида бу ер танглик ўчоғига айланмаслиги учун, ўлканинг ҳаётий зарурат бўлган бирлигини тиклаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Туркистондаги мустақил давлатларнинг ташқи сиёсати, аввало ўзаро алоқаларда, ундан кейин эса кенг минтақа миқёсида бош йўналишлар бўйича бир хил бўлиши керак. Буни аниқ қандай амалга ошириш мумкин? Ёки ташқи сиёсат йўлини белгилашда нима энг муҳим бўлиши керак? Шубҳасиз, энг муҳими миллий тараққиёт ғояси бўлиши керак.

Давлат, миллат, инсон — булар биринчи навбатда руҳдирлар, уларнинг мақсади эса эрқдир. Руҳ ушбу мақсадни ўз фаолияти орқали амалга оширади. Совет ҳокимияти йилларида биз руҳ сўзини инсоннинг ҳақиқий моҳиятини ифодаловчи ибора сифатида қўллашни унутиб юбордик, эндиликда ҳамма нарсаси ўрнига қўйилди. Миллатнинг камолоти узок давом этадиган тарихий жараёнлар ва бу жараённинг ниҳояси шундан иборат бўладики, у ўзини камолга етган руҳ сифатида тан олади. Ўзини ана шундай руҳ сифатида тан олишгина миллий маданиятнинг чўққиси саналади ва чексиз борлиқни чинакамага эгаллашга йўлни очиб беради. Бироқ миллий тараққиёт бутун жаҳон тарихида рўй беради ва ҳеч бир давлат ўз тараққиёт ғоясини бошқа давлатлар билан муносабатларсиз амалга ошира олмайди. Сабаби, ҳар қандай ажралиш миллат учун ҳалокатли бўлиб, унинг умуминсоний тараққиётини тўхтатиб қўяди. Ташқи сиёсат нимага амал қилиши керак: хавфсизлик манфаатларига ёки тараққиёт ғояларига?

Гап шундаки, булар бир медалнинг икки томонидир, бирисиз иккинчисини тасаввур этиб бўлмайди. Тараққиётсиз хавфсизлик ҳаёлий бир нарсадир. Сиртдан вақтинчалик,

тез ўзгарадиган вазиятга боғлиқдай ва фақат тасодифий воқеалардан иборат бўлиб кўринадиган ташқи сиёсат, аслида фавқуллодда барқарор бир нарсадир. У ғоят ташкилий йўсинда бўлиб, ўзи учун мутлақ мақсадга — миллий манфаатларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятида ҳам ташқи ишлар вазирлиги бор эди. Лекин аслида бу вазирликнинг саёхатлар бюросидан фарқи кам эди — ходимлари асосан Москвадан жойилган чет эллик юқори мартабали меҳмонларга жумҳуриятнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатиш билан шуғулланишарди.

1991 йил сентябрдан бошлаб ташқи ишлар вазирлиги мустақил Ўзбекистон жумҳурияти ҳукумат идоралари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган бўлиб қолди.

Ташқи сиёсат давлатнинг алоҳида соҳасида — ҳукуматда ижод қилинади. Ташқи сиёсатнинг яширин мантиқидан, унинг ички заруриятдан жамоатчилик кўпинча хабарсиз бўлади ва у мунозара мавзуга айланади. Халқаро муносабатларнинг оддий ҳаётда энгил муҳокама қилиниши шунинг учун ҳам тўғри асосда бўладик, бу муҳокамалар давлатларнинг мутлақ мустақиллиги фикрига асосланади. Бироқ бу фикр олға бормайди ва давлат ғоясига сингдирилмайди. Бу эса жамоатчилик ўртасида аниқ сиёсий ҳодиса атрофида турли хил миш-мишларнинг мавжуд бўлишининг асосий сабабидир. Сиёсат тушунчаси давлатга дахлдор ҳодисаларга қўлланилиб, бунда қонун ва давлат конституцияси орқали ифодаланган умумий ғояларнинг амалдаги кундалик ижроси кўзда тутилади. Ташқи сиёсатга қандайдир иккинчи даражали иш деб қарамаслик керак. Ташқи сиёсат ички сиёсат билан мустақам боғланган ва жамиятнинг равақига хизмат қилишга даъват этилгандир. Ҳозирги даврда жаҳондаги тараққиёт суръатлари жадаллашаётганлиги муносабати билан бу икки соҳа тобора қўшилишиб кетаяпти.

Одатда мунозараларда давлат фаолиятини одамлар ўртасидаги муносабатга ўхшатишади. Бу ўхшатишдан фойдаланганда давлатлараро муносабатларнинг ҳақиқий табиатини англаш мумкин. Давлат ва инсон иродага, тафаккурга, эҳтиёжга, эга. Фарқи шундаки, инсон ирода эгаси сифатида субъектив, тасодифий, ўткинчидир ва хатти-ҳаракатлари у яшаб турган давлат қонунлари билан маълум даражада белгилаб қўйилган бўлади. Аини пайтда давлат эса тугал бир ҳосилдир, ўз билимларини қонунларнинг барқарор шаклларида ифодалайди ва шу боисдан ирода сифатида мутлақ мустақилдир. «Давлат устидан суд бўлмайди, уларнинг муносабатлари нари борганда ҳакамлар судьялиги ва воситачилар томонидан, бу ҳам бўлса онда-сонда, яъни ўзига хос ирода билан бошқариб борилади», деб ёзади Гегель «Ҳуқуқ фалсафаси» асарида.

Бундан давлатлар ўртасидаги муносабатда мутлақ зўравонлик бўлиши мумкин, деган хулоса чиқадики, бу анча кенг тарқалган фикрдир. Бироқ ташқи сиёсат тўғрисида бундай тасаввурга оддий кишилар эгалар ва уллар таҳминан шундай фикр юритадилар: давлат мутлақ мустақил иродадан иборат, давлатлар ўртасидаги ташқи муносабатлар уларнинг алоҳида иродаси асосида қурилади; давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг қай йўсинда бўлиши асосан куч билан белгиланади; бутун жаҳон тарихи баҳслар, можаролар, урушлар, дипломатик найрангларнинг беҳисоб манзарасидан иборатдир.

Ташқи сиёсатни чуқурроқ тушуниш учун эса давлатнинг моҳиятини билиш лозим бўлади. Давлатнинг табиати инсониятнинг бутун тарихи мобайнида жумбоқ бўлиб қолди. Дарҳақиқат, табиатнинг ажойиб ижоди бўлмиш инсонни ҳайратомуз бир йўсинда бирлаштирган давлат ягона бир тирик нарсадир. Инсоннинг адашишлари натижасида юзага келадиган ҳар хил ғовларга қарамасдан, асрлар оша ҳаракат қилиб, ўзининг ички қурилишидаги ўзгармас принципларни сақлаб келаяпти. Давлатнинг айнан шу принциплари воситасида авлоддан авлодга инсон моҳиятининг рўёбга чиқарилиши таъминланиб келинаёпти.

Давлат одамларнинг механик бирлашувидан иборат эмас. Бундай содда тушунча унинг чинакам моҳиятини бузиб, тушунарсиз қилиб қўяди. Гегель шундай ёзади: «Худонинг табиатда ифодаланадиган донолиги ҳақида кўп гапирилади. Бироқ табиатнинг физик дунёси руҳий дунёсидан устун деб ўйламаслик керак, наинки, руҳ жисмоний ҳаётдан беистисно устундир. Шу боисдан давлатни ер юзидаги илоҳий бир нарса, деб қараш керак ва шунинг англаш керакки, табиатни тушуниш қийин бўлганидек, давлатни тушуниш ҳам беадад қийиндир. Шу нарса юксак даражада муҳимки, янги даврда умуман давлатга нисбатан маълум нуқтаи назар пайдо бўлди ва конституцияни муҳокама-сига ва уни англашга ҳам шундай эътибор берилляпти». Давлат сингари руҳий нарсага содда, кўпоя ёндошув ижтимоий тарихда тузатиб бўлмас хатоликларга ва ўзгаришларга олиб келади. Буни бизнинг етмиш беш йиллик тарихимиз яхши исботлаб берди.

Давлатга эҳтиёткорлик ва буюк ақл билан муносабатда бўлиш керак, сабаби, у ахлоқий принципларга таянади ва асрлар мобайнида шаклланиб боради. Ҳар қандай давлатнинг камолга етганлиги инсоннинг чинакам табиатини, эркини рўёбга чиқара билишига нақадар қодирлиги билан ўлчанади. Мабодо, биз ҳозирги қийин аҳволда эндигина ўзининг ҳақиқий қиёфасига эга бўлаётган давлатга юзаки ва эски ўлчовлар билан ёндошсак, олға боришимиз дарғумон бўлиб қолади. Давлатнинг ҳақиқий руҳини англашнинг йўқлиги ташқи сиёсатда муқаррар равишда ўз ифодасини топиб, миллий тараққиётнинг асосий гарови бўлган мустақиллигимизни бой бериб қўйишимиз мумкин.

Жумҳуриятимиз бозор иқтисодиётига ўтиб боргани сари ташқи сиёсатнинг аҳамия-

ти ортиб боради. У миллатнинг чинакам кадр-қимматини ифодаловчи ўзига хос кўзгу сингаридир. Тарих Туркистон халқлари ўзларини бутун масъулият билан англашлари, ёрқин истиқбол йўлларини белгилаб олишлари учун жуда оз вақт ажратди. Бунинг учун бизга вақт етадимми? Аввало узоқ йиллар ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура таъсирида ўзининг чинакам моҳиятини — ирода ва руҳият бўлиши лозимлигини унутган жамоатчилик онгида, тафаккурида кескин бурилиш қилиш керак. Унга етмиш йил мобайнида Россия катта оғамиз, ҳомийимиз ва ҳимоячимиз, деган тушунча зўр бериб сингдириб келинган. Бироқ бу сохта ниқоб эканлигини қайта қуриш йиллари анчагина кишилар тушуниб етдилар. Россиянинг Туркистонга муносабатининг ҳақиқий моҳияти ўлканинг мўл хом ашё бойликларидан фойдаланишга интилиши билан белгиланади. Тафаккурни ўзгартириш Россия тўғрисидаги хомхаёлдан воз кечилганга иборат эмас, энг муҳими, дунёқарашдаги эскича тасаввурлардан воз кечишимиз керак. Бу демак, шахсий ҳаётимизни оддийгина кун кечириб деб билмай, ўзимизни ҳар томонлама камол топтириб боришимиз ва жаҳон даражасига мувофиқ келадиган умуммиллий тараққиётга эришиш зарурлигини англаб етишимиз зарур.

Ташқи сиёсат ёпиқ эшиклар орқасида ижод қилинади, деб ўйлаш расм бўлган. Аслида ташқи сиёсатнинг вақтинча ва ўткинчи масалалари шундай хал этилади. Унинг истиқбол масалалари, яъни миллий мустақиллик йўли эса ошкора, қатъий, иккиланмасдан ва ҳар хил найрангларсиз амалга оширилиши керак.

Ташқи сиёсатимизнинг истиқбол йўллари тўғрисидаги мулоҳазалардан шундай хулоса чиқариш мумкин: 1. Туркистоннинг чинакам миллий тараққиёти учун чинакам мустақиллик керак. 2. Туркистон ўзининг жўғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан сиёсий мувозанат маркази саналади ва айнан шунинг учун ҳам бирон-бир иттифоққа қирмагани маъқул. Бу эса бетарафлик демакдир.

Тарихан халқро муносабатларда бетарафлик қадим-қадим замонларда ҳам бўлган, лекин ундан фақат уруш пайтида фойдаланилган ва давлатнинг урушаётган ҳар икки томонда ҳам иштирок этмаслигини англаган. Секин-аста у тобора кенгроқ аҳамиятга эга бўлиб бориб, тинчлик даврларида ҳам қўлланила бошланди. XIX асрда доимий бетарафлик тушунчаси шаклланди. 1815 йилда Швейцария тарихда биринчи бетараф давлат бўлди. Бетараф давлатнинг ҳуқуқи ва бурчлари расман 1907 йилдаги V Гаага шартномасида белгиланди. Халқро шартнома ёки ички қонунчиликка мувофиқ равишда сиёсий, ҳарбий иттифоқларда ва ҳар қандай урушларда (ўзини мудофаа қилиши бундан мустасно) қатнашмаслик мажбуриятини олган давлатлар доимий бетараф давлатлар саналади. Бошқача айтганда, бетарафлик халқро тинчлик ва хавфсизликни таъминловчи халқро-ҳуқуқий воситадир.

Австрия томонидан 1955 йилда доимий бетарафлик сиёсатининг ишлаб чиқиши ва қабул қилинишида фаол иштирок этган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ бош котиби, Австрия ташқи ишлар вазири Курт Вальдхайм шундай деб ёзган эди: «у (бетарафлик сиёсати) ҳарбий битимлар билан боғланган давлатларнинг сиёсатидан бирмунча мураккаброқдир, чунки бундай давлатлар исталган пайтда ўз иттифоқчилари билан маслаҳатлаша олади ва кўпгина муҳим масалаларни ҳал этганда ўз шериклари билан биргаликда ҳаракат қилади. Бунинг эвазига хавф туғиладиган бўлса, у иттифоқдошлари томонидан ҳимоя қилинади. Бетараф давлатларнинг аҳволи эса мутлақо бошқача. Унинг ихтиёри ўзидадир ва ўз қарорларини мутлақо мустақил равишда, мавжуд вазиятнинг барча омилларини пухта ўргангандан кейин қабул қилишга мажбурдир».

Доимий бетарафликка шубҳа билан қарайдиганларга шундай эътироз билдириш мумкин: Бизнинг ижтимоий онгимизда шундай бир халқро ҳуқуқ тўғрисида тасаввур борки, бунга биноан давлатлар ўзаро муносабатларга алоҳида ирода сифатида киришадилар ва бинобарин қандайдир бир умумий ҳуқуқ йўқ, деб қаралади. Бу тасаввур ва шунга мувофиқ равишда дунёда юзага келган қарама-қаршилик Совет Иттифоқи сиёсати ва унинг турли хил ижтимоий-сиёсий тузулмларнинг муросасизлиги тўғрисидаги мафкураси натижасидир. Бундай ифвогарона ташвиқот халқларни иттифоқда ушлаб туриш учун қўлай эди. Бу демак, халқлар ҳали бу қўрқув ҳолатидан руҳий жиҳатдан буткул чиқиб улгурганларича йўқ, ҳозирги пайтда дунёда «замонавий халқро ҳуқуқ» мавжуд. XX аср бошида пайдо бўлган бу ибора халқларнинг тараққиёт даражасидан қатъий назар, давлатлар ўртасида янги тенг ҳуқуқли муносабатларни қарор топтирди ва тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилиш мақсадларига хизмат қилапти.

Замонавий халқро ҳуқуқда XX аср охирида жадал суръат ўзгаришлари юз берди ва анча ишончли бўлиб қолди. Ундан аввалги халқро ҳуқуқ эса «тараққий этмаган» халқларни ҳимоя қилмас ва «тараққий этган» халқлар орасидагина таъсир доирасига эга эди. Бу демак, XX аср охирида собиқ Иттифоқ ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатлар собиқ «муштумзўрлик халқро ҳуқуқи» шароитида эмас, балки замонавий халқро ҳуқуқ шароитида фаолият кўрсатишлари билан ҳам омадлاندирлар.

Давлатларнинг бетарафлиги сиёсатчилар тўқиб чиқарган нарса бўлмай, балки бутунжаҳон тарихий жараёнида юзага келган заруратдир. Булар дунёнинг ўзига хос

«оролча»лари бўлиб, дуч келган жойда эмас, балки ер куррасининг маълум жойларида, одатда турли хил жаҳон маданиятлари ва цивилизациялари туташган ерларда пайдо бўлади. Халқлардаги руҳий фарқ — ижтимоий ҳаётдаги барча фарқларнинг асосидир ва шу боисдан, барқарор, ғоят ўзига хос ва муҳим аҳамиятга эга бўлган бу руҳий фарқлар, бир-бирини ўзаро тушунишда халқлардан анчагина куч-ғайратни талаб этади.

Австриянинг доимий бетарафлиги шу билан белгиланган эдики, у йирик тарихий маданиятлар: роман-герман, славян ва латин маданияти туташган ерда жойлашган. Туркистон ҳам учта жаҳон цивилизацияси туташган ерда жойлашган, улардаги фарқ илдизлари эса олис ўтмишга бориб тақалади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Туркистонга бетарафлик Австрияга нисбатан ҳам зарурроқдир.

Шу муносабат билан бетарафлик сиёсатининг ўзига хос муҳим томонини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Бетараф давлатлар можароларнинг иштирок этмайдиган гувоҳлари бўлиб қолмайдилар, аксинча тинчлик сиёсатининг фаол воситачисига айланадилар, юзага келиши мумкин бўлган можароларни тинч йўл билан бартараф этиш лозимлиги ҳақида олдиндан огоҳлантирадилар. Туркистон Россия билан бир давлатни ташкил этган давр тарихи шуни кўрсатдики, Россиянинг, жумладан, ислом дунёсига нисбатан ҳукмронлик сиёсатида Туркистоннинг ҳеч қандай таъсири бўлмади.

Бетарафлик кўпгина халқлар хавфсизлигининг табиий зарурати бўлганлиги сабабли ҳам, у бир тарафлама эмас, балки барча манфаатдор давлатлар томонидан олға сурилади ва ўшалар томонидан доимий бетарафликни қабул қилган давлат хавфсизлиги таъминланади.

Жумладан, 1955 йил 26 октябрда Австрия Миллий Кенгаши (парламенти) томонидан доимий бетарафлик тўғрисида конституция қонуни қабул қилингунга қадар, Гитлерга қарши коалицияга кирган давлатлар томонидан Австрия хавфсизлигини кафолатловчи Москва Меморандуми тузилган эди.

Швейцария бетарафлиги 1815 йилда «Швейцария бетарафлигини ва унинг ҳудуди даҳлсизлигини нисбатан тан олиш ва кафолатлаш» акти билан белгиланган ва бир қатор давлатлар, шу жумладан Россия томонидан ҳам кафолатланган.

Давлат халқаро кафолатга эга бўлганидан кейин ўзига бетарафликнинг халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбуриятларни олади.

Ҳозирги дунё бундан 50 йил аввалги дунё эмас. У пайтда давлатлар ташқи дунёда амалда ёлғиз эдилар ва фақат ўз куч-имкониятларига таяниб иш юритардилар. Урушдан кейинги йилларда, айниқса, ҳарбий қуролланиш соҳасида мисли кўрилмаган фантехника тараққиёти юз берганлиги натижасида халқаро муносабатлар асосида сифат ўзгаришлари юз берди. Эндиликда давлатларнинг хавфсизлигини фақат коллектив асосда таъминлаш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатларнинг умумий хавфсизлигини таъминлашга даъват этилган БМТ пайдо бўлди. Агрессияни таъқиқлаш ҳамма давлатлар учун БМТ Устави асосидаги барча тан олган ва барча учун мажбурий бўлган қоидага айланди. БМТ Уставига биноан халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш замонвий халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қоидалари ва нормалари асосига қурилиши ва Бош Ассамблея ҳамда хавфсизлик Кенгаши томонидан амалга оширилиши керак.

Туркистон минтақасидаги мустақил давлатлар ташқи сиёсатида Туркистонни экологик система сифатида сақлаш энг муҳим масалалардан саналади. Бу муқаддас вазифани жаҳон сиёсатининг тебранишларидан ҳоли ва бу минтақани анъанавий тинчликсеварлик ва тотувлик руҳини барқарор қила оладиган ҳамжиҳатликдаги бетарафлик сиёсати шароитидагина амалга ошириш мумкин. Минтақадаги бешта давлатнинг ўзаро келишмасдан қилган ҳар қандай ҳаракати, масалан, улардан биронтасининг ташқи иттифоққа қўшиливи минтақанинг бой, лекин жуда мўрт, барқарор бўлмаган табиатининг ҳалокати билан тугаши мумкин.

Фақат ҳамжиҳатликдаги бетарафлик сиёсатини амалга ошириш йўли билангина Орол фожиасини бартараф этиш мумкин.

Бетарафлик сиёсати туфайли Туркистон жаҳон иқтисодий кенгликларига йўл очади. Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисида Москвадан бўлаётган даъватлар эса Туркистон учун яхшилаб ниқобланган қопқондан бошқа нарса эмас. Туркистон жануб орқали денгизга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлса, табиий йўсинда Россиянинг иқтисодий бандисига айланиб қолади. Албатта, иқтисодий алоқалар зарур — бу табиий, лекин у бир йўналишда, бирон-бир мамлакатнинг устунлигини таъминлайдиган йўсинда бўлмаслиги керак. Бундай қилиш сиёсий мувозанатни бузади ва мустақиллигимизга путур етказиши. Шу муносабат билан иккита мисол келтираман.

Японияни олайлик. Саноати юксак даражада ривожланган ва ўз хом ашё манбаларига эга бўлмаган бу мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларидан маҳорат билан иш олиб бориш тақозо этилади. Япония амалга ошираётган қуролланишсиз бетарафлик сиёсати шу мақсадни амалга оширишда маълум даражада қўл келаяпти. Мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг қарийб бирдан-бир йўли бутун дунёдаги барча мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан, япон моллари учун бозор ахтаришдан ва мамлакатни хом ашё ва ёқилғи билан таъминлашдан иборатки, булар унинг жаҳон

миқёсидаги хатти-ҳаракатларига соф иқтисодий тус беради. Мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси Япониянинг ишбилармон доираларига жуда яхши хизмат қияпти ва бир пайтнинг ўзида ташқи сиёсат вазифаларини ҳал этишда иқтисодий омиллардан самарали фойдаланяпти.

Еки Австрияни мисол келтирайлик. 1955 йилда доимий бетарафлик сиёсатини эълон қилган бу мамлакат Оврўпа иқтисодий ҳамжамиятининг асосчиларидан бўлди. К. Вальдхаймнинг таъкидлашича, «бу биринчи навбатда иқтисодий мулоҳазалар билан қилинди, наинки Биринчи жумҳуриятга, унинг иқтисодий жипслигини таъминлаш учун денгиз йўли етишмай турган эди» (Курт Вальдхайм, «Австрия йўли», 116-бет).

Тўғри, ислом давлатининг доимий бетарафлиги ислом оламида ислом принципларидан чекинишдай бўлиб туюлиши мумкин, сабаби, исломнинг ўзига хос томони шундаки, у эътиқод манфаатларини давлатдан жуда кам фарқлай олади. Лекин ҳозирги даврда давлат тузилишининг дунёвий шаклларига мослашиши зарурати муносабати билан исломда юз бераётган ўзгаришлар умумий жараёнида Туркистон доимий бетарафлик ташқи сиёсатида, афтидан, ўзига хос биринчи кашшоф бўлади.


Тарих шуни кўрсатаяптики, бошқача руҳдаги цивилизация билан мустаҳкам иттифоқ ҳеч қачон оқилона иш бўлмаган, чунки бунда самимий хайрихоҳлик бўлмайди ва пировардида ҳамма нарса кучли томонга бўйсуниб кетади. Қайта қуриш даврида улкан давлатнинг бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан бозор муносабатларига ўтказиш муаммоларини муҳокама қилиш жараёнида жумҳуриятларнинг иқтисодий шарт-шароитлари тенг эмаслиги ҳақида кўп гап-сўзлар бўлганлиги ҳам тасодифий эмас. Бундан шуни англаш мумкинки, собиқ Иттифоқнинг асосий таянч саноат корхоналари Россияда, Украинада жойлашган, Туркистон жумҳуриятлари эса ўз иқтисодий мустақилликларини оз-моз бўлса-да таъминлайдиган саноатсиз қолдилар.

Туркистоннинг мустақил давлатлари, ислом жамиятлари сингари миллий руҳ, маданиятни қайта оёққа турғазиш учун, замонавий дунёвий, ҳуқуқий давлатни қарор топтириш учун катта йўлни босиб ўтишлари керак. Лекин бу ишни ўзлари, бошқаларни аралаштирмасдан амалга оширишлари лозим. Миллий руҳ эркин эканлигини ҳис этиши лозим, фақат ана шундагина у ўзини англайди ва чинакамига такомиллашади.

БМТ Уставида дунёнинг халқаро тузилиши асосларини белгилар экан, уларга риоя этишда яхши қўшничилик муносабатларидан ташқари, тинчликни қўллаб-қувватлаш учун давлатларнинг ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш қоидасини ҳам кўзда тутлади. БМТ Уставининг 52-моддасига биноан минтақалар доирасида халқаро тинчликни қўллаб-қувватлаш имкониятлари қайд этиб ўтилади. Хавфсизликнинг минтақаларо системалари бутун жаҳон хавфсизлик системасининг таркибий қисми бўлиши керак.

Туркистон минтақасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши минтақа хавфсизлигини таъминлаш муаммосига дарҳол ва жиддий муносабатда бўлиш вазифасини қўяди. Шартли равишда Ўрта Шарқ деб номланган бу регион қуйидаги мамлакатларни қамраб олади: Туркистондаги беш давлат, Хитой, Россия, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Покистон, Озарбайжон. Коллектив хавфсизлик дастурини амалга ошириш бу минтақадаги барча давлатлардан энг юксак даражада дипломатия ишларини кучайтиришни тақозо этади. Бу дастур БМТ раҳбарлигида амалга оширилиши лозим.

Бу ерда биз олға сураётган ташқи сиёсатга назарий қарашлар жумҳуриятимиз раҳбарлигининг юқори доираларида маъқулланса, мазкур минтақадаги умумий хавфсизликнинг мумкин бўлган вариантларидан бири сифатида БМТга экспертизага юборилиши керак. Оврўпада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки Шартномаси билан мустаҳкамланган Оврўпада умумий хавфсизлик тажрибаси Ўрта Шарқдаги умумий хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳам тантана қилади, деб умид қилишимизга асос беради. Туркистон зиммасига руҳий ва сиёсий мувозанат маркази бўлишдек буюк шараф тушяпти. У бу мувозанатни сақлаш ва тинчлик тимсоли бўлишдек муқаддас бурчини бажариши керак.



Ҳажв тиғи

Ажойиб ҳажв устаси Саид Аҳмад яқинда бир адабий учрашувда қизиқ бир фикрни айтиб қолди: «Эркин Воҳидов ҳажвиясини ёқтираман»,— деди у. Кулги устасининг қутилмаганда билдирган бу эътирофи кишини сергак торттирмай қўймайди. Ахир шеърят ихлосмандлари Эркин акани лирик шoir сифатида эъзозлайдилар, севадилар. Наҳотки шундай ижодкор Саид Аҳмадининг эътиборини ҳажвияси билан ром этган бўлса?! «Унинг ижодидаги бу ўткир қирра алоҳида тадқиқ этилишга лойиқ,— деб давом этади Саид Аҳмад.— Адабиётшунослар негадир бунини эътибордан қочириброк келишяпти. «Донишқишлоқ латифалари»нинг ўзи янги бир дунё».

Бироқ, «Донишқишлоқ латифалари»га Эркин Воҳидовнинг ўзи бошқача қарашини билиб, яна ҳайратга тушдик. У шундай дейди: «Донишқишлоқ латифалари»ни ўқиб, ҳамма кулади. Ваҳоланки, мен уларни йиғлаб ёзганман. Ақл-идроққа зид, тескари ишларимиз эл бошига кулфат ва уқубатлар келтириб ётгани сир эмас-ку. Косаси тескари қурилган чархпалаклар камми? Бир пардани тутганча қола берган, бир хил оҳангни қўймай чала берган матмусалар озми? Ўзимиз яратган қолипларни тандирдай кийиб олиб, йўлни кўролмай, осмонга қараб кетаётган ҳолларимиз йўқми? Булар кулгили ишлармас, ачинарли, офатли ҳодисалар».

Дарҳақиқат, кулгини йиғи билан, йиғини кулги билан ифодалаш усуллари адабиётда азалдан мавжуд. Бунини инкор қилиб бўлмайди. Дунёга машҳур Габрово латифалари ҳам кишиларнинг ўта ишонувчан, самимий, беғубор, соддадиллиги асосига қурилган. Биз уларни тинглаб ва ўқиб, энг аввало инсон қалбининг болаларча беғуборлигидан завқланамиз. Латифа қаҳрамонларининг гўллиги, ношудлиги, тажрибасизлигидан эмас, йўқ, асло, табиатан очиқ кўнгиллиги, болаларча софлиги, ҳақиқатпарастлиги қаршида тан берамиз.

Бизнингча, мазкур латифалар, унинг муаллифи айтганидай, «ачинарли, офатли ҳодисалар» эмас, балки халқимизнинг беғубор табиатига, ҳалол ва покизалигига, соддалиги ва очиқкўнгиллигига монанд қимматли фазилатлардир. Масалан, «Матмусанин тандири» деган бобда ўзини тайёр қолип билиб тандир қурган, ичидан чиқолмагач, маслаҳатга йиғилганларнинг қидириб тоған чораси туфайли Матмусанин бошини арралаш лозимлиги ҳақидаги эпизод қувноқ кулги уйғотади. Матмуса бундан ўзга чора йўқлигини тан олиб, рози бўлгани, «Кессангизлар бошимни, мен ниятга етарман. Бошим олиб бу ердан, бирор ёққа кетарман», деган жавоби болаларча беғубор соддадиллик ифодаси эмасми? Гап унинг бошини кесиш-кесмасликда эмас, балки софдилликнинг баддий талқини ва ифодасидадир. Албатта, ҳеч ким бундай соддадилликка ҳавас қўймайди, лекин софлик, беғуборлиқнинг табиийлиги, самимийлигидан маънан завқланади. Латифаларнинг таъсирчанлиги ҳам шунда эмасмикин!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Азиз Несининг Миад Ҳакимов таржима қилган ўзбекча китобига ёзган сўзбошиси босилди. Унда машҳур ҳажвчи қуйидагиларни ёзади: «Билдимки, адабиёт турлари ичидан энг таъсирчани, энг оммабопи ҳажвиёт экан. Шу тариха ҳажвиёт мен учун кенг китобхонлар давраси, турли синф вакиллари билан, халқ билан мулоқотда бўлишнинг бир воситаси бўлиб хизмат қилмоқда». Буюк сатирикнинг фикри ҳажвиётга берилган ҳолис ва ҳаққоний беҳодир. Ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар жараёни ҳажвчи ёзувчиларимиз учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиши билан бирга улардан турли-туман ва ранг-баранг ғоявий-баддий пишиқ асарлар яратишларини ҳам тақозо этади.

Турғунлик деб аталаётган даврда ҳам ўзбек адабиётида ҳажвиячилик аял ҳолатга тушиб қолмаганини кўраемиз. Намуна адабиёти ҳамда 20—30-йилларда Ҳамза, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Чўлпон, Фитрат, Тавалло, Абдулла Авлоний, Сўфизода номлари билан боғлиқ бўлган аъналар муваффақият билан давом эттирилганлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Лекин ёзувчиларимиз адабиётнинг бу жанрида қўлга қалам олар эканлар, аллақандай ички бир ҳадик, эҳтиёткорлик билан иш тутганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Узининг ҳақ сўзлари учун Абдулла Қаҳҳор қанчалар тазйиқча учраганлиги ҳаммага маълум. Бу ўзига хос «сабоқ»дан ҳажвчиларимиз хулоса чиқармасдан иложи йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ҳажвчи ёзувчиларимизнинг сафи кенгайиб борди. Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев, Анвар Муқимов, Фарҳод Мусажоновлар ижоди айна шу йилларда оммага манзур бўлди. Лекин бошқа бир мулоҳаза бор: агар ҳажвий тафаккурга ўша йилларда тўсиқлар бўлмаганда, калондимого раҳбарлар мазкур жанр раванкига раҳна солмаганида, бу борадаги муваффақиятларимиз янада салмоқли бўлиши аниқ эди.

Ҳаёт барибир адабиётга ўз муҳрини босади. Бусиз мумкин эмас. Шу жумладан, ҳар бир ижодкорнинг баддий тафаккур тарзига ҳам. Анвар Муқимов ажойиб ҳажвиялари билан олтинчи йилларда Абдулла Қаҳҳордай ёзувчининг олқишига сазовор бўлган эди. Унинг кейинги ижодида

дастлабки чўғ, ҳарорат анча пасайгани сезилади. Езувчи илк асарларида кишилардаги лоқайдлик, айрим раҳбарлар онгидаги ўзибўларчилик ва тақаббурлик, маориф соҳасидаги кўзбўямачилик каби ижтимоий иллатларни алоҳида бир изчиллик ва фаоллик билан фош этган эди. Афсуски, ҳажвиёт учун кенг имкониятлар яратилган ҳозирги пайтда кўп ижодкорларда шижоат, кескинликни учрата олмаёпмиз.

Ҳажвиётимизга саксонинчи йилларда келиб қўшилган Анвар Обиджон бу соҳага, айтиш мумкинки, янгича эпкин олиб кирди. Унинг Уста Гулмат номидан ёзилган шеърлари образларнинг тинқлиги, кулги жилоларининг ранг-баранглиги, аския оҳангларига монандлиги билан ажралиб туради. Кесатиқ, пичинг, киноя, соддалик ва қувлик, айёрлик ва худбинлик — хуллас, инсон зотига хос бўлган барча иллат ва фазилатларни жам этган уста Гулмат ўз даври нуқсонларини, турли кишиларнинг ички қиёфаси — руҳий оламини ҳам аниқ лавҳаларда, ўзига хос тарзда мужассамлаштириб боради. Муҳими шундаки, бу қиёфалар бизга таниш, улар ёнимизда ҳамон яшаб келаётган одамлар эканлигини сезиб турамыз. Бу асарларнинг кучи, замонавийлиги шунда яққол кўринади.

Албатта, бугунги кунда рўй бераётган жараёнларни адабиётда зудлик билан тасвирлаш, адабий умумлашмалар чиқариш машаққатли иш. Мақоланависликка оид мақолаларда эса ҳаётимиздаги чиркин иллатлар, тараққиётга тўсиқ бўлиб турган расволиклар кескин ва аёвсиз фош этилмоқда. Улардаги жиддий далиллар ижтимоий салмоғи кучли ҳажвий асарлар учун қимматли манба бўлиши мумкин. Ҳажвчиларимиз ана шу бой турмуш материалларини бадиий ўзлаштиришга улгурмаётганга ўхшайдилар. Драманавис Шароф Бошбековнинг ижодий тажрибасини мустасно тарзида қайд этиш мумкин. У «Темир хотин» драмасида пахтанинг зуғуми, аёл кишининг бугунги оғир қисмати фоживий усулда минглаб томошабинларга манзур эта олди. Ҳаётинг муаммоларга ўз пайтида жавоб қайтариш мумкинлигини бу санъаткор ёрқин исботлаб берди. Бошқа ҳажвчи ёзувчиларимиздан ҳам ана шундай ҳозиржавоблик, журъат ва дадилликини кутишга ҳақлимиз.

Собиржон ТОШКАНОВ,
доцент

Аз-замаҳшарийнинг «Нозик иборалар» китобидан

Аввал ўтган замонларда илму фазилат соҳиблари подшоҳлардан ўз оғирликлари баробар олтин ҳадя олардилар, замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари пасайиб, итлар улардан афзал бўлиб қолди.

Ернинг кўркамлиги олимлар билан, осмоннинг зийнати эса юлдузлар билан.

Қанча одамлару қавмлар борки, сизга ип каби эшилиб мулозамат қиладилар, лекин улар пайт пойлаб, фасод ҳам чиқаришга интиладилар.

Ўз дининг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут, ўзинг учун қулайроқ, енгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарин, машаққатига яраша савоби ҳам бўлади.

Тоғ чўққисига чиққан киши ундан йиқилувдан кўпроқ огоҳ бўлиб турмоғи лозим.

Ҳалолу покиза киши доимо хотиржам, тинчдир, бировга ёмонлик ва хиёнат қиладиган киши мудом беҳаловатдир.

Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил.

Араб тилидан Убайдулла УВАТОВ таржимаси



Абдураззоқ, Обрӯй

КИНОЯЛАР

Ўжар хӯроз

Яна сени тушимда кўрдим,
Кўзларингга термулиб турдим.
Қўлларингни олиб қўлимга,
Шукр айтиб, кўзимга сурдим...

Тоҳир ҚАҲҲОР, «Яна сени тушимда кўрдим...»

Туш кўрмаган одам йўк,
Туш кўради ҳамма ҳам.
Тушин айтиб беришни
Хуш кўради ҳамма ҳам.
Бу борада демагин
Четда қолган Тоҳирни.
Тополмайсан излаб чик,
Мендан бошқа моҳирни.
Кўзим юмган заҳоти,
Бўласан сен намоён.
Тушимдаги ҳолатим,
Эшит, қилай мен баён:
Тортқилайман хилватга,
Дардимни айтигин, деб.
Сен кечирим сўрайсан:
«Кеч бўлди, қайтайин», деб.
Сен-ку гапга кирасан,
Тўхта десам бир пасга.
Тушим бузиб юборор,
Қойилмасман хўрозга.

Топилдими?

Тонгда ўтиб кетдинг,
Пешинда ўтдинг.
Шомда ўтиб кетдинг,
Тушимда ўтдинг.

Саъдулла ҲАКИМ, «Тонгда ўтиб кетдинг...»

У ёққа ўтиб кетдинг,
Кейин бу ёққа ўтдинг.
Оёқда бир пой ковуш,
Жоним, қаёққа ўтдинг?!
Хушмиди билолмадим,
Тушмиди билолмадим,
Миниб ўтиб кетганинг
Қушмиди билолмадим.
Қайрилиб бир боқмадинг,
Эшитмадинг товушим.
Хавотир олдим роса,
Топилдими ковушинг?!

Лофи йўқ

Сувлар тўлиб оқмоқда,
Баҳор келди, азизим.
Қуёш кулиб боқмоқда,
Баҳор келди, азизим.

Умида АБДУАЗИМОВА, «Сувлар тўлиб оқмоқда...»

Барг хазонлар чириган,
Ўтиб кетди, демак қиш.
Тоғларда қор эриган,
Баҳор. Далаларда иш.
Ухламайди тунлари,
Миёвлайди мушуклар.
Айни баҳор пайтида
Қуёвлайди мушуклар.
Курганимни ёздим мен,
Шартта топиб қофия.
Шунинг учун, азизим,
Гапимнинг йўқ лофи-я.

Ўтиб кетди

Ўзи тушар ким қазиса чоҳ,
Билмайсанми шуни эси паст.
Маслаҳатим, бўлмагил гўмроҳ
Ва қилмагил одамларга қасд.

Абдулҳамид ТҲҲЧИЕВ, «Шундай метинки...»

Қанақа сен, эсинг борми,
Буни қайтар дунё дейди.
Ким бировга мушт туширса,
Бир кун ўзи зўр мушт ейди.
Бировларнинг чўнтагига
Тика кўрма қўлингни-я.
Ҳеч ҳам сезмай қоласан-а,
Шилиб кетса пулингни-я.
Кулсанг боши тақирларга,
Албат бошинг бўлар тақир.
Дўстим, бундай насихатинг
Умри ўтиб кетди, ахир.
Қанақа сен?!.

Ёр-ёр

Баъзи «ёр-ёр»чиларга

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Қўлда кадаҳ ёр-ёр.
Қани соқий бизларга
Келтир арақ ёр-ёр.
Тўйда, ахир, дўстгинам,
Ичмай бўлмас ёр-ёр.
Маст бўлганда ботқоққа
Кечмай бўлмас ёр-ёр.

Коняк бўлса отамиз,
Чой ўрнига ёр-ёр.
Лой бўлса ҳам ётамиз,
Жой ўрнига ёр-ёр.
Ичкиликсиз қизимас
Тўйда ялла ёр-ёр.
Бу бизларнинг фалсафа,
Зўрдир калла ёр-ёр.

● Мундарижа ●

МЕРОС

Қутлугхон Шокиров — Эдикут. Икки Туркистон ғурури	3
Алихонтўра Соғуний. Ватанни дўст тутиш имондан эрмиш	12
Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома	117
Абу Ҳамид ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Кимёи саодат турки	131

НАСР

Шодиёр Ҳазрат Исмаи. Яхшилик манзили. Ҳикоя	19
Муҳаммад Маматқулов. Муқаддима. Эртакининг ярми. Ҳикоя	21
Олим Тошбоев. Киприк сояси. Ҳикоя	24
Қозим Даврон. Армон. Ҳикоя	27
Уткир Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. Роман	35
Анвар Муқимов. «Не кўйларга тушдим мано...» Ҳажвий қисса	95

НАЗМ

Шукур Қурбон. Теран туйғуларга ташна бўлиб жим	29
Чоршаъм. Бир изтироб, бир улкан азоб	32
Салим Ашур. Кўнглимга киргин, дунё	88
Вафо Файзулла. Сукунатнинг дафтари қизил	91
Неъмат Иброҳим. Хаёлларим дарёдай оқди	93
Чўлпон. Мен сени унутмоқ учун севмадим	127

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

Ғиёсиддин Раззоқов. Учиб юрган куш эдинг	142
--	-----

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Иброҳим Каримов. Армонда қолган Мадаминбек	144
Файзулла Қиличев. Мустақилликнинг фожиаи йўли	151

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Қудрат Дўстмуҳаммад. Икки йўлу бир манзил	166
Испомбек Турсунов. Туркистон ва ташқи дунё	181

АДАБИЙ ТАНҚИД

Яшар Қосимов. Кетганлар ёди бу	173
--	-----

АКС САДО

Собиржон Тошканов. Ҳажв тиғи	188
--	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Абдураззоқ Обрўй. Киноялар	190
--------------------------------------	-----

На ўзбекском языке «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» № 7

Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «ШАРҚ» при управлении
делами аппарата президента республики Узбекистан,
Ташкент — 1992

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Навбатчи А. Эгамназаров

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.

Таҳририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 05.05.92 й. Босишга рухсат этилди 19.06.92 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 88563 нусха. Бююрт-ма 494. Баҳоси 10 сўм.

Ўзбекистон республикаси президенти маққамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»ГА КЎМАКЛАШАЁТГАНЛАР

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, моддий танглик бошқалар қатори бизнинг ойномани ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди. Шундай пайтда адабиёт, маънавият, инсоний қадрият ва ҳақиқатни қадрловчи ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар «Шарқ юлдузи»га баҳоли қудрат моддий кўмак бермоқдалар. Бу ҳақда, аввал ҳам хабар қилган эдик. Бунинг эвазига биз мазкур жамоалар фаолиятини, муаммоларини ёритиш, етакчи шиор ва адиблар билан учрашувлар ташкил этишни олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Қуйидаги жамоалар ҳам «Шарқ юлдузи»га ёрдам беришга қарор қилдилар.

Тошкентдаги «СОРА» кичик корхонаси.

Фарғона вилояти, Олтиариқ ноҳия МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ.

Қашқадарё вилояти, Баҳористон ноҳиясидаги «СУЛАЙМОН МУРОДОВ» номли давлат хўжалиги.

Шу вилоят, Яккабоғ ноҳиясидаги, «ҲАҚИҚАТ» жамоа хўжалиги.

Ойноманинг ўн мингларча ўқувчилари, адабиёт мухлислари номидан мазкур ташкилотларга, уларнинг меҳнат аҳлига миннатдорчилик билдирамыз.

Ўзининг севимли ойномаси «Шарқ юлдузи»га кўмак беришдек эзгу ниятдаги ташкилотлар жумҳуриятимизда кўплаб топилди деб умид қиламыз.

Қуйидаги манзилгоҳга баҳоли қудрат маблағ ўтказсангиз миннатдор бўлур эдик.

Тошкент шаҳри, Октябрь ноҳияси ПСБ.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт ҳисоб рақами № 000363413 МФО 172682301 «Шарқ юлдузи» ойномасига хайрия ёрдами деб кўрсатилиши шарт.

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ойномаси меҳнат жамоаси
ва жамоат кенгаши.**